



# ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ

---

ҚҰП ТОМЛИК



\* \* \*

Исфиҳон шаҳрида Бўзўғлон деган подшо бор экан. Бўзўғлон кўп катта подшо экан. Овобек, Бовобек деган куёви бор экан. Овобекдан Юсуфбек бўлди, Бовобекдан Аҳмадбек бўлди. Аҳмадбекнинг энаси ўлди, етим бўлиб қолди. Юсуфбекнинг энасини Лаълихон ойим дер эди. Лаълихон ойим Бўзўғлон подшонинг синглиси эди. Ана, Аҳмадбек ҳеч илржи бўлмай, Лаълихон ойимнинг бир эмчагини эмди. Ана, бу иккови акали-укали бўлди. Бўзўғлонхон подшо буларни тарбият қилиб боқаверди.

Ана, энди орадан беш йил ўтди. Бўзўғлонхон подшо айтди: — Энди булар менга ҳам фарзанд бўлди, ҳам жиян бўлди. Ана, энди булардан уч нарса қарздор бўлдим: отини яхши қўйдим, энди муллога бериб ўқитмоғим даркор, ҳам уйлантироғим даркор, — деб уларни тутиб муллога берди. Ана, Аширбек деган Бўзўғлонхон подшонинг оғайниси ҳам бор эди. Ана, баччаларни ўқитаверди. Ана, Лаълихон ойим акасининг хазинасидан, қимматбаҳо моллардан, кўп дунёликдан йигиб қўювди. Баччалар тўққиз ёшга кирди. Кундан-кун баччалар ишни тузаб, жуда яхши меҳмонхоналар солиб, келган одамларни хўб кутиб, димогини чоғлаб, қорнини дўппосдай қилиб тўқлаб жўнатиб юбораверди.

Аширбек сардор Бўзўғлонхон подшонинг сардори лашкари эди. Ана бу хизматни ташлаб, Юсуф билан Аҳмадга хизматкор бўлиб кетди, энди. Юсуф билан Аҳмадбекнинг этагига Аширбек сардор калласини солиб, ўлгунча хизматкорингман, деди. Ана, бир меҳри юз бўлиб, кундан-кунга яхши кўриб, хўб асватлаб боқаверди. Ана, Юсуф билан Аҳмадбек баччанинг қилган иши подшодан илгари бўлиб кетди. Бир хил жанжал-жунжални буларга арз қилиб, шуларнинг тилидан айтиб кетаверди. Эл ҳаммаси шуларга овнаб<sup>1</sup> кетди.

<sup>1</sup> Оғиб, улар томонига ўтиб.

Ана, Бўзўғлонхон подшонинг олдидағи вазирлари, сап яхши кўрадиган хизматкорлари бу гапга чидай олмай, Бўзўғлонхон подшога айтди: — Э тақсир подшоҳим. Сизни Аҳмад билан Юсуфбек ўлдириб, ўрнингизга подшо бўламан, деб юрибди. Ҳеч гапдан хабарингиз йўқ сизнинг.

Ҳаммаси подшога шу гапни қарор қилди. Бўзўғлонхон подшо айтди: «Ҳай аттанг-ай. Шу тўқсон икки машойихнинг айтган гапи рост экан. «Қўзи боққан мой ошайди, етим боққан қон ошайди» дегани рост экан. Сўнгги пўшаймон ўзингга душман. Ана энди чиқариб дорга тортсам, одамлар ҳай аттанг-ай, айнигандан подшо икки етим баччаларни дорга торти, деб айтса. Ӯла-ўлгунча ўзим маломатга қоламан.— Энди қандай қилсан лозим бўлади?»— деди амалдорларига қараб. Амалдорлардан бирори у деди, бирори бу деди.— Подшо туурисиз, ўзингиз биласиз. Нима десангиз — хизматкорингизмиз, нима айтсангиз, айтганингиздай қиламиш, деди.— Бўлмасам, уларни оғуйли қилиб юбораверамиш, деди. Юсуфбек билан Аҳмадбекнинг ҳам анжоми тўғри бўлиб қолган экан, деган<sup>1</sup> йигитдан ўн бир юз хизматкор бўлиб қолган экан. Аширбек сардор асбобанжомини ростлаб, шу подшолик салтанатли бўлиб қолган экан. Ана, энди бу ерда Аширбек тураверсин, энди сўзни Бўзўғлонхон подшодан эшитмак даркор.

Бўзўғлонхон подшо аччиғи қаттиқ келиб, катта аждарҳо илондай қўзголиб, ўз қўли билан хат битиб, бирордан бериб юборди. Хатни олиб бориб Юсуф билан Аҳмадбекка берди. Жамоат жам бўлиб турган ерда Бўзўғлонхон подшонинг юборган арза хатини ўқияпти, одамлар эшитаяпти. Ана, Бўзўғлонхон подшонинг арза хатини кўринг:

Уғри, кazzоб келар эмиш қошига,  
Зақум қуяй ичаётган ошига,  
Ўлганларнинг қузғун қўнар гўшига,  
Чўқ<sup>2</sup> савдолар солай ўзим бошига,  
Бир шаҳарда икки йўлбарс нем ишлар?!  
От чоптирай Исфиҳоннинг даштига,  
Рози бўлсин мендай пошшо ишига,  
Қоронғи кун солиб қўяй бошига,  
Соп ёмонлар келар эмиш қошига,  
Бир шаҳарда икки йўлбарс нем ишлар?!  
Кечасиман молни қувиб келармиш,  
Ҳар қишлоққа ташвишларни солармиш,

<sup>1</sup> Менман маъносида.

<sup>2</sup> Кўп.

Ҳангама, чақчагин қилиб оқшомда  
Исфиҳон шаҳрига пошшо бўлармиш,  
Тулки, шагаллар ҳам қоплон бўларма?!

Қутулмайди қайғу билан ҳасратдан,  
Бир пасл<sup>1</sup> тушмасин ҳаммаси отдан,  
**Аҳмад-Юсуф** кетсин Исфиҳон юртдан,  
Зоғу зағаллар ҳам арслон бўларми?  
Қетаверсин чўртта Исфиҳон юртдан,  
Шундай гаплар, шундай сўзлар бўларми,  
Мен ўлган сўнг юрт ёмонга қоларми,  
Калхат, калжўжа<sup>2</sup> ҳам подшо бўларми,  
Бир шаҳарда икки подшо не қилсан,  
Ҳар қандай қушдан ҳам туйғун бўларми?  
Бор, кетсин энди Исфиҳон юртдан,  
Ҳар қандай итдан ҳам подшо бўларми,  
Бир шаҳарда икки подшо не қилсан?!

Бу сўзни Бўзўғлонхон подшодан эшитиб, Юсуфбекнинг олдидаги йигитлари йўлбарсдай қўзғолиб, жойидан туриб, қинидан қиличини олиб, Аширбек сардор жойидан туриб, ғайрати юзига тепиб, бир сўз айтаяпти. Ана, қариндошларга қараб Аширбек сардорнинг айтатётган сўзи:

Қариндошлар, сўзга қулоқ солинглар,  
Нима десам, айтганимда бўлинглар,  
Энди Исфиҳондан одамни йифиб,  
Бўзўғлоннинг калласини олинглар,  
Бўзўғлон подшони уриб ўлдириб,  
Аҳмадман Юсуфни подшо қилинглар.  
Ҳаммангиз ўқинглар зеру забарди,  
Қўлга олинг болта билан табарди,  
Айтганимни ҳаялламай қилинглар,  
Исфиҳон шаҳрига қилинг хабарди.  
Қариндошнинг ҳаммасини оп кенглар,  
Уруш тараддусин ҳаммангиз енглар,  
Элатдан опкелиб ботир йигитни,  
Бўзўғлон подшонинг калласин онглар.  
Юсуф билан менинг Аҳмаджонимни  
Бўзўғлон ўрнига подшо қилинглар.  
Эр йигит бирорга сирин айтарми,  
Темир найза эговлассанг ўтарми,  
Подшо келинглар деса бу элдан,  
Мард йигит ҳам қон тўкишмай кетарми?!

<sup>1</sup> Фурсат.

<sup>2</sup> Пати чиқмаган жўжа.

Ҳар тарафдан қариндошни оп кенглар,  
Айтганима, бекларим, хайр денглар.  
Бўзўғлоннинг уйларини талатиб,  
Уликларин кўчаларда сўлатиб,  
Бола-чақасини уйда йиғлатиб,  
Бўзўғлоннинг калласини олинглар,  
Аҳмаджон, Юсуфни подшо қилинглар.  
Отга миниб, ўткир қамчи чотамиз,  
Ўлмай, тириклайн қайтиб кетамиз,  
Шундай нақшли иморату ҳовлини  
Ўлмайгина қайтиб ташлаб кетамиз?  
Ёпла-ёвлик отга мининг, шерларим,  
Юринг, Бўзўғлонман саваш этамиз.  
Бора солиб тахту бахтин оламиз,  
Бўзўғлон подшони зиндан қиласмиз.  
Аҳмадман Юсуфни подшо кўтариб,  
Қуллуқ дейшиб хизматини қиласмиз.  
Бир куни келмоқнинг кетмоғи бордир,  
Хўп можаро қилиб Исфиҳон элда,  
Бўзўғлон подшони уриб ўлдириб,  
Подшоликни ўликларга тўлдириб;  
Аҳмадман Юсуфни подшо қиласмиз.  
Ёпла мининг, биродарлар, бедовга!

Ана, энди Аҳмад билан Юсуфбек жойидан туриб, Аширбек сардорга қараб, олдиаги йигитларига қараб: — Эй қариндошларим, бундай беадабчилик сўзни сўзламан-гизлар, подшо ҳақиқий худонинг ўзи. Ана, худонинг соясидан бўлади, ернинг устидаги шаҳарларнинг подшоси. Ҳар бир ерда одам бир пайғамбарнинг уммати,<sup>1</sup> ана шуннинг ҳаммаси подшойи мажозий турур. Хоҳ ўрис, хоҳ ҳинди-подшойи ҳақиқий. Қимни хоҳласа, подшойи мажозий қиласди. Ана шуйтиб шаҳарларга подшолик қиласди, гапи эм бўлади. Бўзўғлон подшо подшойи мажозий турур. Бизларга подшолик худодан изн бўлган йўқ, деди. Шунча гапларни Юсуфбек айтиб, қариндошларига қараб, бир сўз деяпти. Ана, энди элатияга қараб Юсуф билан Аҳмадбекнинг айтатётган сўзи:

Уз ҳолини билмай сўйлар нодонлар,  
Нодонларни юраги тўла қонлар,  
Амри подшо вожиб, юринг, кетамиз,  
Энди бизга юрт ҳаромдир, ёронлар.

<sup>1</sup> Қўллэзмада миллати.

Құрбон бўлсанг мард йигитнинг бўйига,  
Иш билмасни асти қўйманг ройига,  
Меҳмон борса баҳилларнинг уйига,  
Атай қопиб ҳарна феълин билдирап,  
Энди бизга юрт ҳаромдир, ёронлар.  
Қулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига,  
Отин мингган чопар тараф қасдига,  
Кўрқоқ билан борсанг ёвнинг устига:  
«Кел-ҳа» кел», деб феълу ҳуйин билдирап,  
Энди бизга юрт ҳаромдир, ёронлар...  
Уликларни боғ бўғдоидай чотамиз,  
Амри подшо вожиб, кетинглар, депти,  
Юринг, беклар, энди юртдан кетамиз.  
Ўз сўзини билмай сўзлар нодонлар,  
Энди бизга эл ҳаромдир, ёронлар.  
Ёппа мининг отга, элдан кетамиз,  
Кетганимиз хўп иттифоқ<sup>1</sup> бўламиз,  
Аширбекни сардор лашкар қиласмиз.  
Юрт ҳаромдир, баринг минингиз отга,  
Бўзўғлоннинг айтганини қиласмиз.  
Элдан кечдик, юринг, жовлик кетамиз,  
Насва<sup>2</sup> тортган жойга ҳайдаб етамиз,  
Ажал етса, ўлиб майдон ичидা,  
Душман билан, юринг, саваш этамиз.  
Мининглар, оғайни, ёппа бедовга,  
Юрт ҳаромдир, энди элдан кетамиз.

Ана, энди Юсуфбекнинг айтган насиҳатини олди, еслилар қулоқ солди. Дуруст, Юсуф билан Аҳмаднинг айтгани маъқул, деган кўп бўлди. Аширбек сардор айтди: — Шундай нақшкори иморатимни, ҳузур-ҳаловатимни, анжом-асбобимни ўлмай ташлаб кетмайман. Айрил-айрилга келса, Исфиҳон шаҳрида бари ўзимнинг қариндошим. Бўзўғлон подшо озгина урув<sup>3</sup>. Мен нечук шу зўрлигим билан, шу кўплигим билан элни ташлаб кетаверай? Мен икки яшар бола эмас, кет дегани билан кетаверадиган. Ё ўлиб кетаман, ё Исфиҳон шаҳрини олиб кетаман, деди.

Аширбек сардорнинг ҳар кўзи машъалдай бўлиб, ҳар туклари чопонини тешиб ўтаверди. Ана шунда ҳеч ким тоқат қилолмади. Юсуф билан Аҳмадбек хайр-маъзур айтиб, ёмон айғир энасига чопади, деган гап бор. Ана, йигит

<sup>1</sup> Иттифоқ.

<sup>2</sup> Насиба.

<sup>3</sup> Уруғ.

бўлиб чиқиб, дарров тоғаси билан уришди, деган гап қолмасин, дўсту душман маломат қилмасин, юринглар, кетамиз, деб бир сўз айтаяпти. Шу элатияга қараб, Юсуфбекнинг айтатётган сўзи:

Бу гапларга юрак-боврим<sup>1</sup> эзилди,  
Чопилса, отларнинг думи сузилди,  
Худодан ғазабдир, подшодан азоб,  
Нон-насибам Исфиҳондан узилди,  
Амри подшо вожиб, юринг, кетамиз.  
Бир нечалар хўб қилди деб айтади,  
Бир нечалар элда оғнаб ётади,  
Нон-насибам на шаҳарга тортганди,  
Насва тортган одам элдан кетади,  
Орting анжомларни, элдан кетамиз.  
Иғвогар гапиман кет деб айтганди,  
Худо деган муродига етганди,  
Бу ишлар худонинг иши, халойиқ,  
Ё тупроғим, нон-насибам тортганди,  
Элни йиғинг, юринг, жовлик кетамиз.  
Ёмғир ёғса ёна майдон тайрилсин,  
Ёмон одам қанотлари қайрилсин,  
Сўнг пушаймон қилар Бўзўғлон тоғам,  
Бизга тамлик<sup>2</sup> одам элдан айрилсин,  
Бир шаҳарга насва тортган кетамиз.  
Соп катта одамлар фирибди қилди,  
Тоғамнинг хаёлин ўғирлаб олди.  
Гапга ишониб тоғам фирибда бўлиб,  
Бу ишлар, ёронлар, худодан бўлди,  
Бизларни деганинг, айрил, кетамиз...  
Қариндошлар, оғайнилар, юринглар,  
Насва тортган жойга илғаб етамиз.  
Тақдир қилган жойда ватан қиласиз,  
Ажал етган жойда бир кун ўламиз.  
Одам бўлиб Бўзўғлонман урушсак,  
Бошқа подшоларга кулги бўласиз,  
Насва тортган жойда ватан қиласиз,  
Амри подшо вожиб, юринг кетамиз.  
Худонинг ишини энди нетамиз,  
Неча чўлдан, неча тоғдан ўтамиз,  
Бу ишлар раззоқнинг иши, халойиқ  
Сир билдиримай Исфиҳондан кетамиз.

<sup>1</sup> Бағрим.

<sup>2</sup> Танлик, қарашлик.

Тушмасин ҳеч кимнинг моли таловга,  
Тиклаб қараманглар Исфиҳон элга,  
Бағир құлманг, әлдан чиқиб кетамиз,  
Бизни деганларинг, мининг бедовга.

Ана, энди шу олдидаги ўтирган жами қоракўзлар: —  
Ҳа, бизлар сизни подшо қилдик. Нима десангиз, банда  
фармонингизмиз, тирик бўлсак, бир тепадамиз, ўлик бўл-  
сак бир чуқурдамиз, деди.

Аширбек сардор ноилож жиянларининг гапига бўйин  
қўйди. Энди Аширбек сардор, бизни деганинг айрил, деб  
элга от чоптирди. Аширбек сардорнинг гапи билан ўн бир  
минг уйли Исфиҳондан гурру-гурру, бўп, Аширбек сардор-  
нинг қишлоғининг теварагига келиб, анжом-асбобларини  
тушириб, Юсуф билан Аҳмадбекка бориб салом қилди.  
Шунда Юсуф билан Аҳмад саломини олиб, қорнини тўқ-  
лаб, димогини тоғлаб, ҳаммасини тарбият қилиб сақлаб,  
тунни ўтказди. Бир нечаси ёвгарлик бўладиганга ўхшайди,  
дэйишиб, эрта билан кун чиққанда ўн бир минг от-анжо-  
ми шай йигит келиб, Юсуф билан Аҳмадга қарор қилиб,  
ўзини навкарликка берди. Ана, Аширбек сардорнинг Ва-  
фобек деган ўғли бор эди, Оқбилак деган хотини бор эди.  
Юсуфбекнинг Лаълихон деган энаси бор, Қалдирғоч<sup>1</sup> де-  
ган синглиси бор эди. Ана, энди Аширбек сардор сардори  
лашкар бўлиб, халқа бир сўз айтаяпти:

Оғуили қилди борингни,  
Сабил қилди шаҳарингни,  
Қариндошлар, биродарлар,  
Элдан қувди барингни.  
Еталаб кенглар норингни,  
Подшо ҳайдади барингни,  
Норга орtingлар зарингни,  
Хотин, бола-чақаларингни  
Бизни деганларинг юргин,  
Оп кетай энди барингни.  
Оққан кўздан қонли ёшлар,  
Булкулласин юрган даштлар,  
Кетамиз Исфиҳон әлдан,  
Юринг энди, қариндошлар.  
Сўз чиқади қизил тилдан  
Турна учар ойдин кўлдан,  
Ҳеч нарсанг элда қолмасин,

---

<sup>1</sup> Қўлләмада ва шевада қалдирғоч.

Юринг-а Исфиҳон элдан,  
Юринглар, дарров кетамиз.  
Ғулғула соп тилотингга,  
Танангдаги ҳайбатингга,  
Мен розиман сумбатингга,  
Баринг мининглар отингга,  
Жамоат, юринг кетамиз.  
Насиба тортган жойга,  
Қисташиб ҳайдаб етамиз.  
Чанг қилинглар далаларни,  
Булкуллатинг далаларни,  
Тоғдан теринг лолаларни,  
Ёппа- ёвлик ияртиинг,  
Туяга миндириб олинг,  
Хотин-халаж, болаларни,  
Ёппа юринглар, кетамиз.  
Бўзўғлон подшо билмасин,  
Чиқиб можаро қилмасин,  
Элингдаги ҳеч нарсангиз  
Исфиҳон элда қолмасин,  
Ёппа юринг, қариндошлар,  
Энди элатдан кетамиз,  
Бир шаҳарларга етамиз,  
Олдимиздан тараф чиқса,  
Тинмайин бизлар уришиб,  
Зўрлик билан элин олиб,  
Қўлимиздан ҳоким қилиб,  
Неча говлардан ўтамиз.  
Насва тортган жойга бизлар,  
Юринг, қариндош, кетамиз.  
Душманларга савдо солдик,  
Темир эдик чўян бўлдик,  
Урушга энди талаб қип,  
Талаб қилдик, одам бўлдик,  
Юринглар элдан, қариндош,  
Исфиҳондан жудо бўлдик.  
Томошайланг<sup>1</sup> ҳимматига,  
Вафобекдай фарзандига,  
Ҳамма қойил қурдатига,  
Элатимдан айрилдим, деб  
Аширбек минди отига.  
Минди бўзотнинг белига,  
Худони айтиб тилига,

---

<sup>1</sup> Томоша айланг.

Пўлат найза манг, деб берди,  
Аширбек сардор қўлига.  
Асли Чингизхон авлоди<sup>1</sup>,  
Ўзи Жулдирган зурёди,  
Тоға дейшиб отга минди,  
Юсуф, Аҳмад қўлқаноти.  
Талотўп соп элатига,  
Томошайланг ҳимматига,  
Ҳеч бандадан қўрқмаймиз, деб  
Ҳамма минади отига.  
Шавкат қилиб карнай тортди,  
Подшодан зўр сиёсати,  
Ўзи Чингизхон авлоди,  
Ёппа-жовлик фуқаролар.  
Анжомни туяга ортди.  
Бола-чақа, кучуклари  
Ҳеч қолмайин чиқиб кетди.  
Тоғни туман чалдирмади,  
Юбормайди Бўзўғлонхон,  
Бўзўғлоннинг амалдори,  
Бу гапларни билдирмади.

Ана, энди бойна<sup>2</sup> Бўзўғлонхон подшонинг одамлари Юсуф билан Аҳмадни кунлаб, ўзлари қилувди бу ишни. Ана, ҳеч ким тараф этиб, беклар кетди, деб айтмади. «Хўп бўлди, улар кетса кетсин, юртнинг катталигини ўзимиз қиласмиз»,— деди. Бўзўғлонхон подшо бу гапни билганда, буларни юбормас эди. Ана, энди булар буёқда тураверсин, энди гапни Юсуф билан Аҳмадбекдан, Аширбек сардордан эшиитмак даркор.

Ана, энди Юсуф билан Аҳмад, Аширбек сардор: «Ҳай аттанг, бир қон тўкмай кетдик», деб пушмоншиб, бекларнинг йўлга тушиб кетиб бораётган сўзи:

Илдам отни топаман,  
Соп бўзоти ёмонди,  
.Беклар элидан кетди,  
Бўзўғлоннинг гапиман.  
Туяларга юқ ортди,  
Тупроқларни чангитди,  
Оғуйли бўп Аширбек,

<sup>1</sup> Айрим ўзбек уруғларининг келиб чиқишини Чингизхон авлоди билан боғловчи нақллар халқ орасида мавжуд. Бу ерда шунга ишора бор.

<sup>2</sup> Бояна ҳалигина.

Юсуф, Аҳмад жияни,  
Сатта ўткир ғўчкоқлар,  
Сатта ботир айрилиб,  
Фазо дейшиб йўл тортди.  
Осмонда борди юлдуз,  
Бир-бирига айтиб сўз,  
Исфиҳондан чиқишиб,  
Сатта бирдай ботирлар  
Йўл юрди тун ҳам кундуз.  
Сатта беклар гаплашди,  
Душман чиқса уришди,  
Юраги қайнаб тошди.  
Жондан кечиб ботирлар,  
Кўринган шаҳарларда  
Тараф билан уришди.  
Беклар жонини сотди,  
Ажалли ўлиб кетди,  
Бежой кўп кун йўл тортди,  
Орадан беш ой ўтди.  
Урганч, Хива одами  
Ёв келди, деб эшилди.  
Урганчнинг подшосига  
Одамлар бориб айтди.  
Эралихон подшоси  
Бу гапларни эшилди.

Ана, энди Урганч шаҳридан, Хивадан, Шавракдан, Маридан, Элсоридан — ҳар тарафдан одам келиб, Эралихон подшога айтди:—Исфиҳон юртидан, Чингизнинг авлодимиш, Сафо ўғли Чаққондай зот эмиш, Аширбек сардордай лашкарбошиси боримиш, Аҳмадман Юсуф деган бир катта боримиш, беш ойдан бери қанча шаҳарлардан ўтиб келаётганмиш. Ана энди, Эралихон подшо, ўзингиз биласиз. Биздан айтмоқ, сиздан эшилмоқ, деди.

Ана, энди Эралихон подшо бу сўзни эшитиб, йифилган халққа қараб бир сўз айтаяпти. Ана, Эралихон подшонинг одамларга қараб айтаётган сўзи:

Амалдорлар, юртга беринг даракди.  
Ёв кўп бўлса, бомир йигит керакди (р).  
Хазина эшигин очинг, вазирлар,  
Тақиб чиқинг, бедов отман яроқди.  
Милтиқ билан найза эр йигитга керакди (р),  
Чопқиляшиб от жиловин қўйинглар,  
Сирни айтмай қовоқларни уйинглар,

Хазина эшигин очинг, доноолар,  
Элбегини, подшоларни жийинглар.<sup>1</sup>  
Бу гапларга күнгилларим қабарди,  
Отларга ясанглар дарров эгарди,  
Ев-яроқни, от-анжомни шайланглар.  
Имтиҳон кун хонга қўйинг даракди.  
Нима десам, чопқиллашиб қилинглар,  
Кеп қолмасин, тараддудда бўлинглар,  
Сарпой кийган менинг хизматкорларим,  
Шералихон, Ойхондайин подшони,  
Дарров бориб мунда айтиб келинглар.  
Бирдан келиб қолса, бўлар қиёмат,  
Кетмагай-да биздан эндиadolат,  
Дарров эл оғасини мунда йифинглар,  
Дарров қилинг, халойиқлар, маслаҳат.  
Ёвгарчилик ёмон ишдир—қабоҳат,  
Сарбозларни эгам қўйисин саломат,  
Ёмон иш элатга пайдо бўлибди,  
Кеча-кундуз тинмай қилинглар меҳнат.  
Улгандай онҳазрат қилгай шафоҳат,  
Имониман кетган қандайин давлат,  
Эл оғасин, амалдорни йифинглар,  
Моллар сўйиб, дарров қилинг маслаҳат.

Эралихон подшо шунча сўз айтди, қўрқоқларнинг юраклари бўлк этди, ботирларнинг кўнгли қайнаб кетди, оттини миниб олиб, подшоликдан кеча-кундуз тинмай элатга кетди:

Худога етгай-да банданинг зори,  
Бузилмасин банданинг кирдикори,  
Эл оғаси Ойхон билан Кунхонга —  
Катталарга бориб тегди хабари.  
Семиз моллар подшоликда сўйилди.  
Хумсаларнинг қовоқлари уйилди,  
Бир кеча-бир кундуз вақт ўтганда,  
Қўй-қўзилар тузга чопгандай бўлиб,  
Урганч элдан катта-кичик йифилди.

Ана, энди ҳаммаси Эралихон подшога келиб салом берди, салом-алик қилди. Ана шу ҳамма келган одамлар худо-ё бор бўлгин, худо-ё давлатинг зиёд бўлсин, деб дуо қилди. Ана, энди подшоликка маслаҳат ташлади. Ойхон,

<sup>1</sup> Йифинглар.

Кунхон, Нодирбек султон, Шералихон деган хонлари айтди:— Эй подшоҳим, булар ҳам яхши одамлар экан, эшигидик. Яхшилар билан яхшиларнинг урушмоғи ҳеч тӯғри эмас. Аввал узр-маъзур айтиб кўрайлик. Нодирбек султон деган Эралихон подшога қараб, бир сўз айтаяпти. Ана, энди Нодирбекнинг Эралихон подшо, келган халойиққа қараб айтаётган сўзи:

Не иш бўлса пешонадан кўрайлик,  
Урганч элга ёппа дарак берайлик,  
Подшоликда элчи деган бир гап бор,  
Тортиқ қилиб неча иззат, ҳурматман  
Чиқиб туриб келган ёвни кўрайлик.  
Ундан сўғин әлдан кўп лашкар олиб,  
Келган ёвман сўғин жанжал қилайлик.  
Ҳеч бузилманг Урганч элнинг одами,  
Сарпой кийгин, инъом-эҳсон олавер,  
Тирқираманг, хўп иттифоқ бўлайлик,  
Душман бўлса, сўғин савдо солайлик.  
Маслаҳат шул — аввал кўриб келайлик,  
Дўстми-душманми бориб билайлик,  
Шунга қараб сўнгман ишни қилайлик.  
Шунча дедим, мен ҳам сиздай бир одам,  
Жамоат, маслаҳат қандай бўлади?

Ана, энди Ойхон подшо халқа қараб, Эралихон подшодан сўраб, турган жами қоракўзларга қараб, бир сўз айтаяпти:

Эралихон, шоҳим, эшигинг додти,  
Ҳуркунчлик<sup>1</sup> бўлди Урганчнинг юрти,  
Аввал бориб туриб салом бералик,  
Бизга беринг тўбичноқ яхши отти.  
Маслаҳат сўрадик соп бир нечадан,  
Зардолидан<sup>2</sup> туршак<sup>3</sup>, бўлар довчадан,  
Минг бедов от сайлаб беринг бизларга,  
Мингта беринг соп қорақош баччадан.  
Неча ғулом беринг, яхши қуллардан,  
Хабар олиб туринг сўнгман эллардан.  
Ҳар турли овқатлардан тайёрланг,  
Тайёрлангиз минг дастурхондан.

<sup>1</sup> Қўрқинчлик, ваҳимагарчилик маъносида.

<sup>2</sup> Ўрик.

<sup>3</sup> Ўрик қоқи, қуритилган ўрик.

Обод қылсак элни — Урганчдай жойни,  
Оллоҳим кеткаргай юракдан ўйни,  
Тортиқ-таролғи қип бориб кўрайлик,  
Тайёр қип берингиз мингта сарпойни.  
От чопайлик Урганч элнинг даштига,  
Банда кўнар худойимнинг ишига,  
Шунча обрӯ қилиб бориб кўрайлик,  
Бориб кўрсак Юсуфбекнинг қошига,  
Жамоат, маслаҳат қандай бўлади?  
Бу гапларга қизилранглар сўлмаса,  
Яхши одам ёмонликни кўрмаса,  
Урганч элдан келган, жовлик қариндош,  
Тағин-а сизларга малол келмаса,  
Гапириң, маслаҳат қандай бўлади?  
Эралихон подшо, беринг жавобни,  
Айтувчи аҳмоқдир, тингловчи доно,  
Мунда келган Урганч элнинг йигити,  
Ёронлар, маслаҳат қандай бўлади?

Ана, энди элдан келган эл оғалари, тўпчибошлар, элбегилар, доно вазирлар, сон гарданкаш полвонлар, сон мўйса-фид қутби замонлар:— Маъқул сўзга қорув йўқ,— деди.— Эр назар қилмай ҳеч гап бўлмас эмиш, подшо етар-етмас одамми. Шу Ойхоннинг айтганини берсин, бориб қўрмоқ даркор, деди. Ана шу гапга элдан келган амалдорларнинг ҳаммаси:— Дуруст, деди.

Ана, Эралихон подшо минг бедов от, мингта қорақош маҳрамбачча, ҳар турли овқат, минг сара дастурхон, бўхчабўхча сарпой хачирларга ортиб, сатта подшо сифатли сулув йигитлардан шон-шавкати билан олиб, Юсуф билан Аҳмадбекнинг олдига Урганчнинг доно одамлари Нодирбекни бошчи қилиб жўнаб кетди. Етти кеча етти кундуз йўл юриб, кун ёйилай-кун ёйилай деганда, Юсуф билан Аҳмадбекнинг лашкари ётган ерга яқинлаб етди. Билқиллаб тўзон осмонни тутди. Юсуф билан Аҳмадбек ҳам Исфаҳондан келгунча ҳар элдан қўшилиб, оғир лашкар бўлиб кетиб эди. Ана, энди қоровуллар бориб, юраги қинидан чиқиб, Юсуфбекка қараб, бир сўз айтаяпти. Ана, Аймат билан Боймат қоровулнинг айтиётган сўзи:

Ассалом алайкум, бекларим,  
Икқулоғим<sup>1</sup> чиппа битди,  
Ҳаммаёқни дупир тутди,

<sup>1</sup> Икки қулоғим.

Келаётган бу дупирга  
Миямиз айланиб кетди.  
Хамма ерни түзон тутди,  
Дүст-душманми, билмадим,  
Оғио лашкар энди етди.  
Хабар беринг одамларга, ҳайю-ҳайла,  
Чүлни лашкар босиб кетди.  
Тағи бепарво бўлмасин,  
Хамма ерни одам тутди.  
Ажалли урушда ўлар,  
Мард йигит йўлбарсдай бўлар,  
Чоппа-чоқ бўлсин одамлар,  
Ҳалзамон душман кеп қолар,  
Рустамдай саваш бўлар,  
Бу чўллар ўликка тўлар,  
Ўликлар чалкашиб қолар.  
Тағи беармон бўлмасин,  
Бир паслда келиб қолар.  
Товда кўкмак бодомларга,  
Қорним тўлди ғамларга,  
Душман кеп айланиб олар,  
Дарак беринг ботирларга,  
Кўрганнинг тўкилар ёши,  
Учар чўлнинг тўқли қуши,  
Бу ишлар фалакнинг иши,  
Дарак беринг ботирлага,  
Бўлар Алининг саваши.  
Бу талотўп ёмон бўлди,  
Товни босган тумон бўлди,  
Дўстми, душманми, билмайман,  
Қай шаҳардан душман келди.  
Қиёмат қойим бўлди,  
Хамма ерда тупроқ чангигиб,  
Оғир черик етиб келди.  
Юсуф, Аҳмаджон, чоқ бўлинг,  
Уруш энди яқин қолди.  
Асло қочмай беринг туриш,  
Шердай бўп қилинглар хуруш,  
Жондан кечиб беринг жазо,  
Ёронлар нияти ғазо,  
Душман келса қилинг уруш.  
Ажалнинг тўнин бичайлик,  
Душман кўкрагидан санчайлик,  
От, анжомни чоқ қилинглар,  
Уруш кўрган сатта ботир,

Чоқ бўлинглар жондан кечиб.  
Душман келса савдо солинг,  
Ошно бўлса олиб келинг,  
Чоқ бўлиб чиқинг олдига,  
Уламан деб хафа бўлманг,  
Кеча-кундуз уруш қилинг,  
Чоқ бўлинг энди, навкарлар,  
Ҳаммангиз тарадди қилинг.

Энди бир ғулғула пайдо бўлди, бул энди қўрқанидан ҳовлиқиб айтди. Ана, энди дарров ёв босиб қолгандай бўп, отни ушлаган юган тополмай, юган топган от тополмай одамлар шошиб қолди. Ана, Юсуф билан Аҳмадбек, Аширбек сардор отга миниб, қип-қизил яшнаб, ўзини ўлимга тайёр қилиб, Вафобек туғни ушлаб, чоппа-чоқ бўлди. Булар чоғланаверсин, гапни бүёқдан эшитмак даркор. Нодирбек султон ўнта йигит билан отлари оппоқ кўпикка ботиб, қиличини бўйнига солиб, қўлини кўкрагига олиб, сипоҳилик одобини қилиб, Юсуф билан Аҳмадбекка қараб, салом бериб, ўн қадам-ўн қадам одоб билан орқага қайтди. Беклар ҳам салом берди, булар ҳам салом берди.

Ана, энди сўзни Нодирбекдан эшитмоқ даркор. Нодирбек султон Юсуфбекка, Аҳмадбекка, Аширбек сардорга қараб, бир сўз айтаяпти:

Ассалом алайкум, улуғ подшойим,  
Тортиқ қилиб бизлар келдик кўргани,  
Сиз билан ҳамиша бирга юргани,  
Балки элимизга олиб боргани.  
Кўрдим, йўқ экан юракда ғуборинг,  
Хумсага тушмасин худо-ё оринг,  
Олдингда бор экан арслондай шеринг,  
Томошага келдик бизлар ҳаммамиз.  
Урганчнинг шаҳрига етди хабари,  
Эралихон ёв келди деб эшитди,  
Эралихон ёв келди деб эшитди,  
Минг бедовман қорақошли маҳрамни  
Тортиқ қилиб сизга мани жўнатди.  
Юзинг кўрай фарзандим деб подшойим,  
Яхши кўриб шунча тортиқлар тортди.  
Бориб туриб, салом бериб кенглар деб,  
Амри подшо вожиб бизни жўнатди.  
Оту овозангиз, шону шавкатинг,  
Ҳамма одам бу гапларни эшитди.

Яхши сарпой, мингта сари дастурхон,  
Бориб кўринглар деб подшомиз айтди.  
Биз ўқидик ташдид билан забарни,  
Худо-ё кетгаргин юракдан черни,  
Дуогўймиз, тортиқ олиб келганмиз,  
Эралихон подшо бизни юборди.  
Хачирларга сарпой, дастурхон ортди,  
Подшоларга дэҳқоннинг кўп роҳати.  
Юсуф билан Аҳмад йўлбарс келди деб,  
Яхши маҳрам, неча ғулом тортиқ қип,  
Эралихон сизга бизни жўнатди.

Ана, энди бу гапни Нодирбек султондан эшитиб, Юсуф-бек отдан тушди. Аҳмадбек ҳам отдан тушди, Аширбек сардор ҳам отдан тушди. Шунда Нодирбек султоннинг келган ўн одами буларнинг Рустамга ўҳшаган ғайратини кўриб, жони чиқай деб кетди, буркиллаб жон бурнига етди, қулоги тос тепадан ўтди, кўзлари ола-була бўлиб қўрқиб кетди. Ана, энди Юсуфбек ҳам буларнинг қўрққанини билиб, буларнинг ошнолигини билиб, кулмаса ҳам кулгандай бўлиб, бир сўз айтаяпти. Ана, энди Юсуфбекнинг Нодирбек султонга қараб яхши сўз айтаетгани:

Худойим олмасин тандаги жонни,  
Шайтон келиб урламасин<sup>1</sup> имонни,  
Вафобек, чирофим, тушгин отингдан  
Ёш-ёшгина ўзингдай бола олиб,  
Неча одоб билан саломлар бериб,  
Бориб олиб келгин келган меҳмонни.  
Меҳмонларга анжом-асбоб қилинглар,  
Яхши гилам, олачадан солинглар,  
Салом бериб чиқиб барин олдига,  
Иzzат-хурмат билан олиб келинглар.  
Кўп бўп борсанг, қўрқиб қолар меҳмонлар,  
Дўсту душманларни олиб келинглар,  
Яхши сийлаб хўп анзират қилинглар.  
Худо берган меҳмон атойи худо,  
Меҳмон деган момонгиздан улуғдир,  
Яхши иззат қилиб, сийлаб туринглар.  
Вафобекжон, дарров ўзинг чоқ бўлгин,  
Холис ошно экан, олиб келинглар,  
Душман бўлса, пўлат найза суқинглар,  
Оша одамга қоматингни букинглар.

<sup>1</sup> Ўғирламасин.

Вафобекжон, сатта беклардан олиб,  
Салом бериб, ўйнаб-кулиб чиқинглар.  
Бевош-ҳавош бирор нарса демасин,  
Айтадиган гапин айтиб қўймасин,  
Хўп сийланглар бунда келган меҳмонни,  
Меҳмонларнинг бағри куйиб қолмасин.  
Кўп одам-да, ҳам яхши, ҳам ёмон бор,  
Бирор одам меҳмон ёмон демасин.  
Хўп иззат қип олиб келгин меҳмонни,  
Бир-бир салом бериб келсин жойига,  
Хизматкордан бўлак одам келмасин,  
Вафобекжон, эшит айтган сўзларни,  
Кўлга бориб отсанг қўнғир ғозларни,  
Хўп сийланглар, яхши хизмат қилинглар,  
Подшосига мақтаб кетсин бизларни.  
Ҳамманг бориб салом-алик қилинглар,  
Нима деса, айтганида бўлинглар,  
Каттасининг жиловидан етаклаб,  
Ҳар ким сийласа ўзини сийлар,  
Бориб меҳмонларни олиб келинглар.  
Юсуфбек бекларга бу сўзни айтди,  
Қуллуқ деб ҳаммаси минибди отди,  
Ташлаб кетди найза билан пўлатди,  
Сатта сулув, ойга ўхшаган болалар,  
Меҳмонлар олдига чиқишиб кетди,  
Меҳмоннинг олдига ҳаммаси етли.  
Меҳмонларнинг бориб вақтин хушлади,  
Борган болалар лабини тишлади,  
Салом бериб келган бул меҳмонларни  
Ҳаммасини от-отидан ташлади.  
Кулишиб, кўришиб меҳмонлар билан  
Меҳмоннинг вақтини бежой хушлади.  
Юринглар деб меҳмонларни ияртиб,  
Юсуф билан Аширбекнинг олдига,  
Меҳмонларни иззат қилиб оп қайтди.  
Хушвақчилик одамга ғаниматди,  
Ўтиришга сайи билинг навбатди,  
Бежой меҳмонларни иззатлар қилиб,  
Юсуфбек билан Аҳмаджоннинг олдида  
Бориб туриб беклар шу деб кўрсатди.

Ана, энди борган меҳмонлар ҳам Аширбек сардорни,  
Юсуф билан Аҳмаджоннинг Рустамга ўхшаган қадди-  
қоматини кўриб, бир нечаси салом бериб, бир нечаси қўрқ-  
қанидан салом беролмай қолди. Кўпа, гилам, олача солган

экан, меҳмонларга тараддуд кўрган экан. Энди буларнинг дўсти беғаразлигини билиб, Юсуфбек, барча фуқаролар, бу сарбоз, навкарлар ҳаммаси салом бериб, меҳмонларга жой кўрсатди. Нодирбек сulton минг бедов отни, анжом-асбобни, минг сори дастурхон, мингта қорақошли маҳрамбачча, сарпой-тўнларни Юсуфбек билан Аҳмадбекка тортди. Булар бунча иззатни ҳали кўргани йўқ эди, буни кўриб юраги қувониб кетди. Нодирбек сulton умринг узун бўлсин, давлатинг узун бўлсин, деб қўл чўзиб, дуо қилди. Дуо қилгандан кейин Юсуфбек Аширбекнинг ёнбошидан жой кўрсатди. Ана, энди Юсуфбек халқقا қараб, димоги чоғ бўлиб бир сўз айтаяпти:

Исфиҳондан беклар мунда келибди,  
Овозамиз элга манзур бўлибди,  
Маслаҳат бер, мунда турган ҳалойиқ,  
Урганчнинг подшойи Эралихондан  
Минг бедов от, мингта маҳрам келибди.  
Кеткаринг, қариндош, кўкайдан ўйни  
Уруш куни тортиналар сари — ёйни,  
Юборибди бизга қулҳад сарпойни,  
Улуғ подшомиздан инъом келибди,  
Овозамиз юртга маълум бўлибди,  
Бекларим, маслаҳат қандай бўлади?  
Қатта подшо берармиш бедов от,  
Худоё, бўлгай-да кўнгилларинг шод,  
Дастурхонлар, яхши маҳрам келибди,  
Эслиларинг, эл ораси, келинглар,  
Юсуфман Аҳмадга беринг маслаҳат,  
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади?  
Эшитинг, Аширбек тоға, сўзимни,  
Исфиҳонга ярқиллатдим кўзимни,  
Қатта подишодан тортиқ келибди,  
Шунга даркор менда ҳеч нарса йўқди (р.),  
Не дағдаға, нима нарса лозимди (р.),  
Тоғажон, маслаҳат нима бўлади,  
Шунча асбоб-анжом бизга келибди.  
Ё бу гаплар панду фириб бўлдими,  
Урганч шаҳри хўп маслаҳат қилдими.  
Ўзи катта подшо бўлса, тоғажон,  
Эралихон бизни мазах қилдими,  
Баттолликман бу меҳмонлар келдими,  
Ҳалойиқ, маслаҳат қандай бўлади?  
Ҳар мўминга оллоим бергай давлат,  
Ботирга ярашар найзаман пўлат,

Улуғ подшо бизга тортиқ қилибди,  
Эл оғаси, доноларни йифинглар,  
Эсинг боринг менга бергин маслаҳат,  
Аширбек, маслаҳат қандай бўлади?  
Овлоқда ҳаммангиз бир гап қилинглар,  
Бу тортиқни тараддисин қилинглар,  
Қам эс бўлманг, баринг эсли бўлинглар,  
Минг бедов от, яхши тортиқ келибди,  
Бу тортиқни иложини қилинглар,  
Халойик, маслаҳат қандай бўлади?

Ана, энди Аширбек билан Юсуфбекнинг шу анжомларни олиб, бағрига босгиси келди. Аҳмадбекнинг ўзи жуда ўр эди, ўрдан ўтиб кетган зўр эди, ўзига яраша эси бор эди. Ана, энди Аҳмадбек Юсуфбек оғасига қараб бир сўз айтаяпти:

Исфиҳондан мунда келдинг бегумон,  
Оtingдан айланай Ҳаннону Маннон,  
Пичагина эсинг оздир Юсуфбек,  
Аҳмаджондан маслаҳат шул, акажон.  
Бедов миниб, товдан пастга чопинглар,  
Уруш куни ботир ўтдай қопинар,  
Пичагина эсинг оздир, акажон,  
Эсон қулга аркон-давлат топилар.  
Аҳмаджондан маслаҳат шул, Юсуфбек,  
Шунча нарса қўшиб юбор подшога,  
Ундан кейин обрўгинанг топилар.  
Қам эслари нима деса демайми,  
Топганини шукур қилиб емайми,  
Анжом-асбоб бизда қолса, акажон,  
Эл бор ерда эси кўпроқ одам бор,  
Шу одамлар тентак экан демайми?!  
Тулпорнинг тойи бўлмас, хасиснинг бойи бўлмас,  
Шунча нарса қўшиб юбор, акажон,  
Дўсту душман хасис экан демайми?  
Уруш куни душман билан савашгин,  
Ўзим айтдим, эси кўпман гаплашгин,  
Ҳаргиз мол-давлатни яхши кўрмагин,  
Сени иззат қилиб тортиқ қилибди,  
Эсинг бўлса маслаҳат шул, акажон.

Ана, энди ҳамма одам: «матқул сўзга қорув йўқ, берган худога ёқибди» деган бир гап бор, шу Аҳмадбекнинг гапи дуруст», деди. Одамлар дуруст деган эди, Аширбек билан

Юсуфбек ҳам дуруст деди. Ана минг от, мингта маҳрамбачча, минг ҳар ранг дастурхон, яхши туллардан, сарпойлардан — Эралихон подшонинг берган тортиғидан кўпроқ қўшиб, ўзлари бормади. Нодирбек султон бериб, хушвақт қилиб, бир тош йўлгача ияртиб, хуш келдинг, деб беклар қайтди. Ҳаммаси кеп жой-жойида бўлди. Энди булар буёқда тураверсин, ана энди Нодирбек султон димоги чоғ бўлиб, Юсуф билан Аҳмаднинг тортиқларини олиб, қўрққанидан тўққиз кунда келувди, хушвақт бўлиб бораётганда олти кунда борди. Бориб, ҳаммаси Эралихон подшога салом бериб, тўғри бўлди. Ана энди Эралихон подшога қўл ёзиб, ҳаққига дуо қилиб, Нодирбек султон бир сўз айтаяпти:

Урушга кирганда Рустамча бордир,  
Бири Ҳайдар, бири Бастамча бордир,  
Сахийлик боғида Ҳотамча бор,  
Айтаверсам, соб бўлмайди сўзлари  
Бири шердир, бири йўлбарсча бордир,  
Баракалла, шуни туққан энага,  
Кимни мақтасанг, шунчалар бордир,  
Бири шердир, бири йўлбарсча бордир.  
Кўп экан баданда жуда ғайрати,  
Мингани остида чин бедов оти,  
Афсан девча Аширбекнинг ғайрати,  
Ҳазрат Искандардан зиёд ғайрати,  
Урушга кирганда Рустамча бордир.  
Кўриб туриб нақд ўзим ўлай дедим,  
Сизлардан ҳам зиёд унинг йигити,  
Наъра шери — бари арслонча бордир.  
Ўлмай туриб кафан тўнин бичади,  
Кўрган одам ўлдик дейишиб қочади,  
Душманларни уруш куни санчади,  
Бири Ҳайдар, бири Каррорча бордир.  
Айтаверсам, адo бўлмас сўзлари,  
Девдан зиёд қирқ йигитнинг ўзлари,  
Болдан ширин ҳангамада сўзлари,  
Бежой ўткир экан икки кўзлари,  
Ҳотамтойдан хайрлидир ўзлари,  
Бири Рустам, бири Барзуча бордир.  
Хайр эшигини ҳамиша очибди,  
Ҳангамада оғзидан дур сочибди,  
Қараганда ундан душман қочибди,  
Ҳангама бобида булбулча бордир.  
Бизлар бордик, яхши салом айлади,

Қўрқмасин деб кулиб-кулиб сўйлади,  
Ҳамма беклар салом бериб кўришиб,  
Отларимиз иззат минан бойлади.  
Олачалар, холли гилам ташлади,  
Ҳотамтойдай сахий экан ҳаммаси  
Худо-ё, ўлмасин ёруғ дунёда  
Бежайин кўп вақтимизни хушлади,  
Бири булбул, бири қумрича бордир.  
Уни кўрган тортмайди оҳу войни,  
Сарбозлари тортади нуқра найни,  
Яхши сўйлаб, зиёфатларни қилиб,  
Ҳаммамизга ёпди тўнман сарпойни.  
Ҳотамтойдан зиёд экан хайри,  
Қилиги жаннатда ҳурларча бордир.  
Ёвнинг куни найза қўлига олса,  
Аҳмад билан Юсуфжон шерча бордир.  
Айтаверсам, адо бўлмас қилифи,  
Кимни мақтасангиз, ўшанча бордир.

Ана, энди Эралихон подшо бу сўзни Нодирбек султондан эшишиб, юраги қувониб кетди. Шулар билан бир ҳангама қилсанмикан, деб соғиниб кетди, Юсуф билан Аҳмаднинг ишқи тортди. Ана энди бойнағи Юсуф билан Аҳмадбек берган бу отларни, ҳалиги сап ойга ўҳшаган маҳрамбаччаларни Эралихон подшога тортди. Эралихон подшо Юсуф билан Аҳмадбекни фарзанд қилмоққа кўнгли кетди. Ана, кўнгли жўш уриб, подшои мажози бир сўз айтди:

Халойиқлар, бир сўзим бор айтайнин,  
Аҳмадман Юсуфни каши тортади,  
Гапиргандা, ақлларим кетади,  
Ундей яхши одам бўлса меҳмонлар,  
Истаб келиб жой тузатсанг қайтади?  
Иморат қилинглар, устун пўлатдан,  
Машалари бўлсин ёқут, зумратдан,  
Вассалари бўлсин пўлат-нуқрадан,  
Яхши ҳовли, яхши уйлар қилинглар,  
Уста-голибларга хабар қўйинглар.  
Хитойи косага шарбат қўйинглар,  
От чоптириб элдан уста жийинглар,  
Элдан ҳашар қилиб, ғиштлар қуйинглар,  
Яхши ҳовли, яхши уйлар қилинглар.  
Кўкракларнинг банди бўғни бўшасин,  
Аҳмад, Юсуф болам узоқ яшасин,  
Нақошли уйлардан қилинг, ёронлар,

Аҳмад билан Юсуфжонимнинг уйи  
Монанди жаннатларга ўхшасин,  
Тиллолар югуртиб уйлар қилинглар.  
Эшитинглар, амалдорлар, зоримни,  
Сайлдай қинг Урганчдай шаҳаримни,  
Яхши уйлар, яхши ҳовлилар қилиб,  
Харажат қилинглар ҳарна боримни,  
Олиб кенглар Аҳмад, Юсуф улимни.  
Обод қинглар Урганчдайн элимни,  
Мен бандаман, худой билар ҳолимни,  
Тоқقا, чўлга юборинглар хизматкор,  
Сўя беринг менинг семиз молимни.  
Нима десам, қайтарманглар сўзимни,  
Берсам дедим Гуласалдай қизимни,  
Еппа беклар, бориб олиб кенглар,  
Олиб кенглар Юсуф, Аҳмад кўзимни.  
Тўрт қиласман ётган ёққа кўзимни,  
Эралихон подшо дейди ўзимни,  
Боринглар, оп келинг икки йўлбарсни  
Юсуфбекка бердим Асал қизимни.

Ана, энди устай ғолибдан юзта олиб келди, эл талоттўп бўлди Ана, усталарнинг бобоси келгандан кейин уста битганни ясовуллар қувиб келаверди, ғишт қуядиганни ҳам уста, деб қувиб келаверди. Подшоликка нима кам — кўп одамга ҳазиллашиб бўладими, ана-мана-дегунча жаннатга ўхшаган уйлар, иморатлар қилиб қўяверади.

Ана, энди эл кўнгиллашиб гаплашаверади: «Олтин кўрса, фаришта йўлдан чиқади»,— дегани рост экан. Бу ота-бободан қолган гап тўғри келди. Ана шундай катта подшо ана бу маҳрамбаччаларни, отларни кўриб, элчи йўқ, ёвчи йўқ, мен қизимни бердим, деб қўйди. Шу ишни билдимикан, билмаслпкдан айтдимикан, деди. Шунда энди гапни Ойхон билан Кунхондан эшитмоқ керак. Ана, энди Кунхоннинг элга қараб айтиётган сўзи:

Бир нечанинг юрагида ўй бўлди,  
Сабаб билан яхши ҳовли-жой бўлди,  
Сўзларинг уятдир, нобоп гапирдинг,  
Худойим хоҳлади, энди тўй бўлди.  
Подшо халқи беўй гапни айтмайди,  
Подшо бўлган худойнинг соясидан,  
Подшо халқин айтган гапи қайтмайди,

Оллоҳим қарашиб яхши тўй бўлди.  
Яхши хизмат, андишалар қилинглар,  
Қаттанинг гапига қулоқ солинглар,  
Кўнгили жўш уриб подшо сўзлади,  
Ёмонликни йигиштириб қўйди-да,  
Фарзандликка қабул қилди меҳмонни  
Яхши гапни, яхши ўйни кўзлади,  
Илоҳим қарашиб, яхши тўй бўлди,  
Бир нечанинг юрагида чери бор,  
Анжоми кўп подшоларнинг зўри бор,  
Нима деса ўз кўнглида ихтиёр,  
Кўнгиллашиб сўзлашасан, юртдошлар,  
Унда, қара, одам сўяр дори бор,  
Қаранг, энди жуда катта тўй бўлди.  
Ҳаммаларинг қоматингни букинглар,  
Хизмат қилиб кучларингни тўкинглар,  
Подшога хизматларинг кўп ёқсин,  
Юсуфбекман Аҳмаджоннинг олдига,  
Ёппа-жовлик салом бериб чиқинглар,  
Кўтаринглар, қўлларингда аламни<sup>1</sup>,  
Мулла олсин давот билан қаламни,  
Подшога ҳамманг яқин, халойиқ,  
Ёппа-жовлик чиқиб беринг саломни.  
Етолганинг қўлларини ушланглар,  
Яхшилик қип, ёмонликни ташланглар,  
Подшоликда иззат-обрў бўлмайми,  
Ҳамманг чиқиб меҳмонларнинг олдига  
Яралихон шоҳнинг вақтин хушланглар.  
Хизмат қилиб едир энди овқатни,  
Ҳамманг бориб от-отини ушланглар.  
Аёbekлар, баринг жонни сотинглар,  
Подшомизнинг димогин чоғ этинглар,  
Қуллуқ тақсир, дейишиб боринг таъзим **қиб**,  
Ёппа-жовлик меҳмонларга кетинглар.  
Вақтин хушлаб, отин ушлаб ҳаммангиз  
Меҳмонларни олиб Урганч этинглар.  
Калласи бор мусулмонинг тилида,  
Булбуллар ётади боғнинг гулида,  
Минг марта ба шукур айтинг, ёронлар,  
Тўй бўлар бўп қолди Урганч элида.  
Кунхон элатига кўп гаплар айтди,  
Подшонинг димоги чоғ бўлиб кетди.  
Рози бўлди бу Кунхондан подшоси,

---

<sup>3</sup> Байроқ.

Еппа-жовлик амалдорлар йиғилиб,  
Юсуф билан Аҳмаднинг олдига кетди.

Ана, энди ҳар иморатлар-уйлар, айвонлар битди. Усталар айвонларни тиллакори, кумушкори, энг ёмони ганжкори қилиби. Ойнинг ёруғида, кун чиққан паллада кундай, осмонда ойга ўхшаганлигини — чарақлаганини одамлар билмай қолди. Иморатнинг яхши бўлгани шунча — ёп-ёруғ бўлиб ётди. Ана энди сап амалдорлар бир неча тортув билан, иззат-ҳурмат билан Юсуфбек билан Аҳмадбекларнинг олдига чиқиб кетди.

Ана, энди олти кунда, тонг отиб ёруғ бўлганда, саҳар вақти бўлганда, чанг даста-даста бўлиб осмонга чиқиб кетди. Юсуф билан Аҳмадбек энди билди: Урганчнинг шаҳридан одам етди. Ана Эралихоннинг одамлари шундай бориб, ҳаммаси от-отидан тушиб салом берди. Сўнгиминан Юсуфбек билан Аҳмадбекка салом қилди. Ундан кейин ёппа-жовлик турган, жондан кечган навкарларга, элбегиларга, эл оғасига, ясовулларга, ўтирган қора кўзларга салом бериб, одоб билан қўл қовуштириб турди. Нодирбек сulton қўл ёзиб дуо қилди. Ана энди ҳаммасига ўрин кўрсатди. Бари қорнини тўқлади, димофини чоқлади. Ана, энди Нодирбек сulton Аширбекка, Юсуф билан Аҳмаджонга қараб, бир сўз айтаяпти:

Худо қилди ҳаммамизни беармон,  
Ҳеч иш бўлмас бир оллодан бефармон,  
Эралихон ҳаммамизни юборди,  
Энди Урганч элга юринг, Юсуфжон.  
Қулоқ солинг элчиларнинг тилига  
Дуо қилинг халойиқнинг ҳолига,  
Эралихон бизни сизга юборди,  
Беклар, ёппа юринг Урганч элига.  
Душманларнинг юрагини мoyerди,  
Ҳар ким дўсти учун қилар хайди,  
Амри подшо вожиб, сизга айтайлик,  
Улуғ подшо Урганчга оп кенглар деб,  
Ҳаммамизни, тақсир, сизга юборди.  
Ўрушда бедовлар ўйнар ҳар алвон,  
Ботирнинг эгнида карк тери қалқон,  
Кўлида ярақлар кескир исфиҳон,  
Эралихон ҳаммамизни буюрди,  
Урганч элга юринг, Аҳмад, Юсуфжон.  
Хизмат қилиб қолди элда бир неча,  
Ҳеч тоқат йўқ юзингизни кўргунча,

Эралихон тез олиб кенглар деди,  
Бизлар билан ёппа юринг бойвачча.

Ана, бу гапларни эшитиб, аввал Аширбек, сўнг Юсуф билан Аҳмадбек хайр бўлмаса, деди. Хизматкорларга анжом-асбобни ортинглар, деди. Шунда қуллуқ, деб жойидан туриб, туяларга, норларга якказан дум-дум қўн-ғироқларни тақиб, ҳамма юқ-жабдуғни хизматкорлар ортаверди. Бола-чақаларни, хотин-халажларнинг ҳаммасини шошмай, суринтирумай, хизматкорларни ҳеч тиндирумай, от-отига миндириб, очилган гулдай кулиб, кажава саватга кўрпа-тўшагини солиб, ҳангамасини қилиб, кундуз кунлари йўл тортиб, созчилари созини чалиб, бутун димоқ ҷоғликни қилиб, олти кунда Урганч шаҳрига етди. Ана, нопар суюнчи деб Эралихон подшога етди. Урганч шаҳрига ярим тош қолгандан кейин Юсуфбекнинг одамлари қўш ташлади. Бетларидағи тупроқларни артишиб, мешдан идишларга сув солиб, қўл-бетини ювишиб, овқаг тарадди қилди. Ана, булар бу ерда ётаверсин, гапни бу-еқдан эшиитмоқ керак.

«Худо берай деган қулига, ташлаб қўяр йўлига», «Яхши одамнинг рисқини минг одам еб ётармиш». Бир одам ўлгудай бўлиб қўш қўшиб ётиб эди, бу яхши гапни Эралихон подшонинг одамларидан эшитиб, шу пана ерлар билан ҳовли демай, дувол демай, томнинг боши демай ошиб, Эралихон подшонинг олдига қараб, бир сўз айтаяпти:

Мард йигит урушда бедовни олди,  
Душманнинг бошига савдони солди,  
Подшойим, ўзима беринг суюнчи,  
Юсуф билан Аҳмадбек келиб қолди.  
Пўлат добил Ҳовдак кўлга тўйгунча,  
Кўзни сузиб, қовоқларни уйгунча,  
Давлатбоши беклар келди Урганчга,  
Яхши ният билан келдим, подшойим,  
Подшойим, ўзима беринг суюнчи,  
Урганч эл шаҳар бўп кетар обод,  
Хизматкорлар чарчаб тортди надомат,  
Эралихон, менга беринг суюнчи,  
Исфиҳондан беклар келди саломат.  
Шунқор учди Бўзўғлоннинг қўлидан,  
Булбулдайин сўз чиқармиш тилидан,  
Подшойим, ўзима беринг суюнчи,

Сизга давлат келди амир элидан.  
Элга эл қўшилса, подшойим, давлат,  
Эл кўчиб кетса бўлармиш меҳнат.  
Шербаччалар келди Исфиҳон юртдан,  
Суюнчи ўзима беринг, подшойим,  
Кўп эл кеб қўшилди, шул катта давлат.  
Мендай қилинг ҳар мақомда санталат<sup>1</sup>.  
Душманимиз савдо кўрсин бенаҳат,<sup>2</sup>  
Чегангизга шунқор қўнди, подшойим,  
Келганлиги сизнинг Урганч давлат.  
Келиб қолди Аширбекдай валламат,  
Олдида бор эмиш йўлбарсдай жаллод,  
Душманларга қиласар эмиш қиёмат,  
Подшойим, ўзима беринг суюнчи.

Эралихон подшо Толлибойнинг оёғидан-бошигача қаради. Шу давлатнинг, амалнинг уддасидан чиқмайдиган. Кел, бунинг ўзига яраша амал берай, бир жizzам келди. Дингиллавич, қора-кўрса, ҳуркиб ўтмайдиган, аччиғи келса, бари одамни тишлайдиган, пўстиннинг жунуни кўрса, ҳуркиб камар бўп олиб қочадиган шундай бир чўбир берди, бир катта жунли телпак берди, биттагина шопча<sup>3</sup> берди, қашқалдоқнинг терисидан бўлган добил берди, қирқ танга пул берди.— Сени шабгар<sup>4</sup> қилдим. Юсуф билан Аҳмадбекка тонг отгунча шу шабгарлик қиласан,— деди. Бу шу илай-чилай қирқ тангани олиб, етти-саккизи қўлидан тушиб қолиб, пўстин, телпакни кийиб, шопни бойлаб, чўбирнинг белига миниб, одамларга чакки-чукки сўйлаб: «Мен жўртта гадой эдим-да, мен нима ишларни удда қилмайдиган одам»,— деб ҳалитдангинаёқ добилни дан-филлатиб, соқ-ху, берк-ху, деб чўбирни уриб кетаверди. Чўбири қурғур олиб қочиб бораётибди суреб. Ана йўлда одамлар бунга ҳайрон бўлиб, шу давона қўювда на салом бор, на алик бор. Юсуф билан Аҳмаднинг олдига етди. Икки танаси кавшаб-кавшаб ётди. Номозгар бўлгандан кейин танагиналар омочни судраб уйга кетди. Юсуф билан Аҳмадбек энди бунинг хаёли кираги-чиқали эканини билди. Ана энди ҳаммаси кула-кула бу киши подшодан катта одам экан, деб катта, узун, жилвираган тўнни згнига солди. Ҳалиги Толлибой бурун, сўнг бизга ҳам ярашадими, деб шундай катта одамлардан сўрайпти, зав-

<sup>1</sup> Салтанат.

<sup>2</sup> Бениҳоят, кўп.

<sup>3</sup> Қилич.

<sup>4</sup> Тун қўриқчиси.

қи келиб, ҳаммаси кулиб ўртага олаяпти. Толлибой «ҳазиллашма, мен шабгарман»,— деб шовқин солаяпти. Ана, энди бир хил одамлар тентак экан, деб мазах қилаётibди. Аширбек сардор ундей деманглар, деб айтаяпти. Кўп одамнинг ичида шундай бир одам юрса, ҳангама қизиб туради. Буни атайи катта подшо юборибди, энди эрка бўлсин, ҳангамани шутиб қиздириб туради, лақаби серка бўлсин, деди. Ана, энди бир неча эрка деса, бир неча серка дейди, бир неча қассоб-қассоб дейди. Бу ҳали билмаяпти, сўнг билан маънисига тушунгандан кейин бундан кўрасиз тебалашни. Шундай қилиб, серка юраварсинг, энди сўзни Эралихон подшодан эшитмоқ керак.

Ана, энди суюнчихўрлар, Нодирбек султон, Эралихон подшога бориб, салом берди:— Ана беклар, алҳамдуиллоҳ, келди. Лекин ўзлари кўп қўшин экан, шаҳарга сифмасдан бўлган экан, далада қолди,— деди. Эралихон подшо шодиёна қўйди. Карнай, сурнай, ногора, полопон, сибизиқ — ҳаммасини овозга келтирди, тўй нағмасига чалди. Энди эл билди, тўй бўлди. Сап если одамлардан Юсуф билан Аҳмадбекнинг олдига подшо одам буюрди. Одамларга бориб энди олиб келинглар, деб айтди. Энди неча дағдаға билан, санталат билан Юсуф билан Аҳмадбекнинг олдига етди.

Ана, булар билан салом-алик қилиб, Юсуф билан Аҳмадбекка ўрин кўрсатди. Булар энди ўтираверди. Шу қўшиндан сап катта, если одамларни йифиб, маслаҳат қилиб, Юсуфбек ана турган қариндошларга қараб, бур сўз айтаяпти. Ана, Юсуфбекнинг маслаҳатга келган, яхшиёмонни билган, кенгаш чиқар одамларга қараб айтиётган сўзи:

Қатта подшо бўлди бизларман сирдош,  
Ўзига муносиб кўрибди йўлдош,  
Сап эслилар, эл оғаси, бекларим,  
Маслаҳат бер энди бизга, қариндош.  
Беклик ҳам навбатdir, бойлик ҳам навбат,  
Бўза ҳам навбатdir, аза ҳам навбат,  
Маслаҳат бер, жондан кечган бекларим,  
Меҳмон қип улуғ шоҳ сизларни айтди.  
Ҳеч ким йўлиқмасин душман қаҳрига,  
От чидамас ўткир қамчи заҳрига,  
Мунда турган оға-ини, қариндош,  
Подшо келсин депти Урганч шаҳрига.  
Ботир ханжар бойлар кучли белига,  
От қўяр душманнинг соғу сўлига,

Яхши иззатларман әлчи келипти,  
Чиқариби подшо Урганч әлига,  
Борасизми, бормайсизми, оғайнин?!  
Ҳаммаларинг отни сайлаб елинглар,  
Уруш куни пўлат найза олинглар,  
Маслаҳат кўп одамлардан чиқади,  
Подшо келсин депти Урганч әлига,  
Оғайнилар, хўй маслаҳат қилинглар.  
Бормоқликка лозим бўлса бир нарса,  
Катта подшо меҳмон қилиб чақирди,  
Шунга яраша лозимини қилинглар,  
Ҳамманг бирдай сатта эсли донолар,  
Юсуфбекка бир маслаҳат беринглар.  
Катта-каттанд Урганч әлга юринглар,  
Подшо деган мартабали, оғайнин,  
Муносибин қилиб бориб кўринглар.  
Бу маслаҳат бежой катта маслаҳат,  
Бу сўзима бир маслаҳат беринглар,  
Жамоатдан кенгаш чиқар, навкарлар,  
Лойифини қилиб шоҳни кўринглар,  
Ўйланглар, жамоат, катта маслаҳат.

Ана, энди ҳалқ бу гапни эшишиб, ақли шошди, жиққа терга тушди. Э, айтса-айтмаса бу иш катта иш экан, деди. Шивирлашибгина гаплашиди. Кўзини жапаланг-жапаланг этишиб, олачанинг, гиламнинг жунини чирт-чирт этиб, бошмалдоғи билан юлишди. Аширбек сардор буни билиб, эсли ҳимматли, юракли эди, маслаҳат ҳар кимдан чиқаверадими, ҳимматли эрдан чиқади, арвоҳ турпоққина бўлиб гўрдан чиқади, деб маслаҳат бериб, бир сўз айтаяпти:

Халойиқлар, ҳаммангиҳ ҳам зўр одам,  
Уруш куни тиравшмоққа ўр одам,  
Бундай чағин қилиб гиламни тортманг,  
Эралихон сиздай-биздай бир одам,  
Уялманг, юринглар бориб кўрамиз.  
Уруш куни душман йўлини тўсасан,  
Гўштларини чопқиллашиб кесасан,  
Эралихон подшо бўлса бўлипти,  
Юсуфбек қараса, баринг писасан,  
Юринглар, подшони бориб кўрамиз.  
Бориб туриб салом-алик айтамиз,  
Бирор оқшом ватанида ётамиз.  
Бир калласи, иккўзи<sup>1</sup> бор сиздайин,

---

Икки кўзи.

Уялманглар, Эралихон биздайин,  
Мұралайсан, ҳамманг сулув қиздайин,  
Уялманг, подшони күриб келамиз.  
Туришни, юришни, санталатини билиб,  
Бир хил яхши гапни күкайига солиб,  
Күркмай, писмай юравернг, ботирлар,  
Подшо билан ҳангама қип келамиз.

Ана, энди маслағатни пишириб, учрашадиган одам-ларни айириб, бу ёғни қоровул, чиндовул қўйишиб, ишларга эҳтиёт болиб туринглар, деди. Ундан кейин уч юз одам билан салтанати, дағдағаси ерни титратиб жўнаб кетди. Чопарлар Эралихон подшога етди. Эралихон подшо фармон қилди: «Бекларнинг оёғининг остига олача, гилам тўшаб, чанг ўрнатмай шаҳарга олиб киринглар»,— деди. Одам битган Юсуфбек билан Аҳмадбекнинг олдига чиқишиб кетди. Гилам, олача кета-кетгунча тўшаб, Юсуф билан Аҳмаджоннинг олдига ер ёрилиб одам чиқди. Қарнай, сурнай, полопон шодиёна қўйилган, ерлар қўрғошиндай болқиб кетган, хотин, бола-чақалар том-томнинг бошида Юсуф билан Аҳмад подшони кўрамиз, деб тиқилишиб, ориқлари ўрталикда жуда туртки еб сиқилишиб, бўйи калталари бўйи узунларга пича паст бўл-паст бўл, дейишиб, мен ҳам кўрмай қоламанми, деб жанжаллашиб, тентак хотинлар олдинни оламан деб нағма-фарёд қилишиб, бирор-бирови билан юлишиб, капитрдай бўйлаб қараб туриби. Бўлди қизиқ, бўлди томоша. Хазиналар очилиб. Юсуф билан Аҳмаднинг бошидан танга, тилла сочилиб, Эралихон подшонинг одамлари бойнағи ният билан солған ҳовли, тиллакори уйларга киргизди. Эралихон подшо жойидан турди, доно вазирлари, ясовулбошлари, гарданкаш полвонларига подшо ўтирган жойга ҳаммасини ўтинглар, деб ёнбошдан жой кўрсатди. Аширбек сардор, Юсуфбек билан Аҳмадбекдан бошқаси Эралихон подшонинг ёнбошига ўтди. Юсуфбек билан Аҳмадбек пойгакда қолиб, тиз букиб ўтириб. Утириб, омин оллоҳу акбар қилди. Эралихон подшонинг вазири кулди. «Эрон подшоси келгандай иззат қилди, шунча иззатни ўзига teng кўриб ўтмади, ақли пича пастроқ экан»,— деди. Аширбек бу гапни эшитиб, энкайиб кетди, ҳар жунлари чопонини тешиб ўтди, қовоғи уйилиб, кўзлари қайнаб кетаверди. Юсуфбек ҳам билди. Ана, Юсуфбек жойидан туриб, қўлини алиф-лом қилиб, калласини пастга ҳам қилиб, эсли бойнағи гапирган одамларга қараб, бирга сўз айтаверди:

Кенгашли тўй бузилмайди, ёронлар,  
Оғасини оға билган йигитнинг,  
Умри узоқ бўлар икки дунёда,  
Катталардан дуо олган йигитнинг.  
Този ит бўп кўпакликка етишмас,  
Чўбир от бўп чин бедовдан ўтолмас,  
Худонинг бирлигин билган яхшидир,  
Подшонинг иззатин қилган яхшидир.  
Қаватимда шунча шердир,  
Подшоларга чилтон ёрдир,  
Холин билмаган бекордир,  
Жойини билган яхшидир.  
Подшоларнинг, катталарнинг  
Қуллугини қилган яхшидир,  
Бирдан ўтмас ишим уят бўлмайма,  
Мўйсафидлар бебош экан демайма,  
Давлатима, ризқҳа зарар бўлмайма,  
Етар-етмас нодон дейиб кулмайма,  
Катталардан дуо олмоқ лозимдир.  
Адаб билган қаддин жойида букади,  
Кўп гапирманг, кўнгилларим чўкади,  
Нарвонни ҳам тикка қўйса, ёронлар,  
Поя-поя юрган одам чиқади,  
Подшонинг қуллуғин қилган яхшидир.  
Сўйлайди танглайди доим қизил тил,  
Парининг тергани боғда қизил гул,  
Манманликдан йигит етмас муродга,  
Узин мен деб шайтон бўлди Азозил;  
Умри узоқ бўлар ёлғон дунёда  
Мўйсафиддан дуо олган йигитнинг.

Ана, энди ўтирган одамлар Юсуфбекнинг бу сўзига  
қойил қолиб,— Сенинг, Юсуфжон, униб-ўстирган ота-  
онангга худонинг минг раҳмати. Худонинг раҳмати ўзинг-  
га бўлсин, узоқ яша. Сен бизларни шуйтиб сийлаб ўтма-  
санг, икки дунёда хорлик кўрма, оллоҳу акбар,— деди.  
Ана, Эралихон подшо авжи келиб, кўнгли жўш уриб,  
Йигилган ҳамма амалдорларга қараб, бир сўз айтаяпти:  
Койил бўлдим ишига,  
Дахил қилманг ундан келган кишига,  
Олиб кенглар мендай подшо қошига,  
Жиға санчинг фарзандим, деб бошига.  
Хафа бўлмай хушвақт бўлган вақтимди,  
Худойим бойламагайда баҳтимди,  
Юсуфжонга бердим тилла таҳтимди,  
Таҳting қуллуқ бўлсин, Юсуф фарзандим.

Бор, бердим, сенга мен давлатимни,  
Ана, бердим сенга ҳукуматимни,  
Чироққинам, бердим Ўрганч юртимни,  
Элинг қуллуқ бўлсин, Юсуф фарзандим.  
Сенга бердим қўнғироқ таққан норимни,  
Ана, бердим хазинамда заримни,  
Бор, бердим Урганчдай шаҳаримни,  
Аркон давлат қуллуқ бўлсин, фарзандим.  
Сенга бердим бошимдаги тожимни,  
Қўшиб бердим закотимман божимни,  
Тағин берай кулли хирожимни,  
Тилла муҳр қуллуқ бўлсин, фарзандим.  
Мен айтсан, қабул қилгин сўзимни,  
Овлаб келгин кўлдан тўқли, фозимни,  
Сенга бердим Гуласалдай қизимни,  
Қаллиққинанг қуллуқ бўлсин, фарзандим.  
Яхши кўрдим бу бекларнинг бўйини,  
Ҳамма одамнинг кетваринглар ўйини,  
Килаверинг Юсуфжоннинг тўйини,  
Кўрган тўйинг қуллуқ бўлсин, фарзандим.  
Ҳар тарафга тўй деб отни чопинглар,  
Келган меҳмонларнинг кўнглини топинглар,  
Олиб кенглар қимматбаҳо тўнлардан,  
Қудаларга оп кеп сарпой ёпинглар,  
Гўну сарпой қуллуқ бўлсин, фарзандим.  
Худо ҳамроҳ қилсин бул имонимни,  
Тўй қип обод қилинг бу маконимни,  
Юсуфбекка бердим Асалжонимни,  
Иzzат-хурмат қуллуқ бўлсин, фарзандим.  
Ўзинг бўлган кўнгилларнинг ҳаваси,  
Мен соғинсам, ўзинг дарднинг давоси,  
Ўзинг бўлгин ўлигимнинг эгаси,  
Навкар, сарбоз қуллуқ бўлсин, фарзандим.

Ана, Юсуф билан Аҳмадбек қуллуқ, деб уч марта  
Эралихон подшонинг бориб оёғини кўзларига суртди.  
Эралихон подшо Юсуфбекни ўнг ёнбошидан, Аҳмадбекни  
чап ёнбошидан келтириб подшолик тахтининг устига мин-  
дирди. Юсуфбек — Аширбек сардор ҳам отам эди, ҳам  
тоғам эди, у киши тўшакнинг устида қолиб кетди, биз-  
ларнинг минганимиз айбдай бўлди,— деб кўнглига келди.  
Аширбек сардор дарров буни билди, жойидан туриб, таъ-  
зим қилиб, Эралихон подшога, Аҳмад билан Юсуфбекка  
бир сўз айтди:

Кўнглингдан бўлайин, подшолар, қурбон,  
Бир оти қодирдир, бир оти раҳмон,  
Подшоларга мендай полвон лозимдир,  
Сен — подшосан, мен — хизматкор, **Юсуфжон**.  
Қор ёғмай тоғларни губор чолмасин,  
Мард йигитга душман савдо солмасин.  
Сен — подшосан, мен — посбонман, **Юсуфжон**,  
Тағин-а кўнглингга малол келмасин,  
Ўлгунимча хизмат қилай, **Юсуфжон**.  
Ҳазил билма, жиянларим, сўзини,  
Қаратаман икковингга кўзимни,  
Нима десанг, амринг вожиб, қилайнин,  
Сен подшосан, хизматкор қил ўзимни.  
То ўлгунча хизматкорман, чирофим,  
Сенсан бу дунёда менинг қувватим,  
Ҳар тарафга учадиган қанотим,  
Подшо бўлсанг, билсанг менинг иззатим,  
Сенга бўлсин кечакундуз хизматим,  
Сап гарданкаш полвон бўлсин улфатим,  
Сиз боринг деб ёвга буюр, **Юсуфжон**.  
Бўлиб қолди неча одам саргардон,  
Ёвда ўлган эрга ҳамроҳдир имон,  
Нима хизмат буюрсанг малол келмайди,  
Сен — каттасан, мен — кичкина, **Юсуфжон**.  
Нима бўлсам, сенинг билан бўлганман,  
Нима айтсанг, хизматингни қилганман,  
Қора каллам этагингга солганиман,  
То ўлгунча сенга посбон бўлганман,  
Ўлгунимча хизмат қилай, **Юсуфжон**.  
Кўнглингизга асло малол келмасин,  
Бу гапларни ҳеч ким ҳазил билмасин,  
Қойилмиз, **Юсуфжон**, мартабангизга,  
Асло кўнглингизга гаплар келмасин,  
То ўлгунча хизматкорман, **Юсуфжон**.  
Ҳамиша юзима қўлни тортаман,  
Олло десам, муддаога етаман,  
Сиз — подшосиз, мен — хизматкор, **Юсуфжон**,  
Шу вақт ишга буюрсангиз, кетаман,  
Сиз — подшосиз, мен — хизматкор, **Юсуфжон**.  
Подшо ҳалқи адолатни қимайма,  
Хизматкорлар инъом берса олмайма,  
Ёвнинг куни сапчиб келиб тарафни,  
Подшолардан келиб дуо олмайма.  
Ботирларни хизматига солмайма,  
Мен ҳамиша дуоғўман, **Юсуфжон**.

Ҳамма одам Аширбекдан рози бўлди. Утирган Эралихон подшо:— Баракалла сенинг ул бўлганингга, он ҳазратга уммат, худога қул бўлганингга. Балли ҳимматингга, балли шону шавкатингга, ҳуй баракалла Аҳмад билан Юсуфжонни қилган иззатига,— дейишиб дуо қилди.

Ана, энди маҳрамбаччалар қўлтиқ-қўлтиқ сарпой олиб келди. Ювинтираяпти, тарантираяпти, подшолик тўнга ўрантираяпти. Булар сарпой, тўнни кийиб, бари қизил гулдай яшнаб кетди. Ана, энди сўзни Эралихон подшонинг ўрдасидан эшитмоқ керак.

Урганчнинг азизи, Эралихон подшонинг ёлғиз қизи, олдида уч юз олтмиш канизи, ҳар қайси борман деган бекларнинг қизи, кўзлари қамбар юлдузи, худди ҳурга ўхшайди юзи, янги олмадай бўлган, кўйлагини нимкалла соуз кўтарган, кўкрагида эмчагининг бениҳоят қимиirlаб қолган бези, ҳам ули-қизи шу ёлғизгина Гуласал эди ўзи. Гуласал ойим шундай қиз: намоз вақти чиққан тонг юлдузидай кўзи, ер юзида нимаики мақтасанг, шундай сулув ўзи, лаблари мойдай, қошлари қалдирғочдай, кўнгли Ҳотамтойбайдай, эртанг чой, оқшом палов, муҳрлаб қўйган қофоздай; сув ичса томоғидан, гўшт еса биқинидан тишим қамашмасин, деб қора узумларни танглайи билан эзив ютган, киндигигача қоп-қора бўлиб ботган, сулувлигига кечаси уйлар ёп-ёруғ бўлиб ётган, ҳар замонда боқча чиққанда, озиб-ёзив фалакати қилиб, бир одам олдидан чиқиб кўриб қолса, сулувлигига маст бўлиб, ўн кун беҳуш бўлиб ўзидан кетган. Ана, энди шунча қизлар баландликда қараб, Юсуф билан Аҳмадбекни кўриб: «Ҳай, аттанг, шундай эринг бўлса, эринг бўлмаса ҳам майлига, ваъдалашиб қўйган бир чакалак еринг бўлса»,— дейишиб киндиклари, пасту баландлари жимир-жимир бўлди, ҳаммаси ўрдада вағирлашиб ҳангама қилиб ётган. Ана шу ҳангаманинг устига Ойхон, Кунхон, Нодирбек сulton, Шералихон, туққан-турган бекларининг хотинлари, қизлари томоша қилиб, меҳмонни қўлтиқлаб келди. Подшонинг хотинининг отини Ҳожар буви дер экан. Осмондан яшин оқиб тушгандай бўлиб, ҳамма завқ-шавқида кулишиб ўтирганда, Нодирбекнинг хотини димоққинаси чоққина эди, уйқуси йўқ соққина эди, даҳсари ундин, нони билан қорингинаси тўққина эди, отини Бувиш кайвони дер эди, Ҳожар бувига қараб, Гуласал ойимга қараб, сўз бошлаб, қуллуқ бўлсин, деб бир сўз айтаяпти:

Янги бўлди кўнгилимда ҳавасим,  
Ҳеч одам бўлмасин бизларга хасм.  
Облойим берипти яхши куёвни,  
Куёвгинанг қуллуқ бўлсин, дўстим.  
Кўрган одам ақли кетди бегумон,  
Томошалар қилиб қўйсак ҳар замон,  
Бир оллоҳ қилгайда ҳамиша омон,  
Куёвгинанг қуллуқ бўлсин, қизингга,  
Фарзандгинанг қуллуқ бўлсин, дўстимжон.  
Мойли бўлсин униб-ўсган ерингиз,  
Кўрганда юракда қолмас черингиз,  
Баракалло пешанангга, Асалой,  
Қуллуқ бўлсин, обло берган эрингиз.  
Не кўриб, кечириб фоний дунёда,  
Шунқор деган қуш чарқиллар уядা,  
Шўман<sup>1</sup> ётган қизнинг борми армони,  
Кўрган хотинларнинг кетди дармони,  
Сулувлиги ўзингиздан зиёда,  
Ёринг қуллуқ бўлсин, Асал бувишим.  
Баданингда мушку қалампир сасиб,  
Келиби душманнинг изини босиб.  
Чимилдиқда ҳазиллашсанг икковинг,  
Теккан ёринг ўзингга муносиб,  
Келган ёринг қуллуқ бўлсин, Асалой.  
Хафа бўлиб, асло тортма охувой,  
Яхши экан ўзим кўрдим қадди бўй.  
Билла<sup>2</sup> ётсанг ўзингдан ҳам зиёда,  
Пешонангга қойил бўлдим, Асалой,  
Меҳмон ёринг қуллуқ бўлсин, қизгина.  
Кўрган шоҳлар отдан бўлар пиёда,  
Бургут учса, товус турар қиёда.  
Чимилдиқда икковгинанг ўйнасанг,  
Сулувлиги ўзингиздан зиёда,  
Болали-чақали бўлгин дунёда,  
Олган ёринг қуллуқ бўлсин, Асалой.  
Қизнинг юзи қизил гулнинг хирмони,  
Шукур қил, бу ишлар ҳақнинг фармони,  
Билла ётган қизнинг бўлмас армони,  
Келган ёринг қуллуқ бўлсин, Асалой.  
Ҳамма одам кантардай бўп қарашар,  
Яхши кийим, яхши салла ўрашар,  
Чимилдиқда қучоқлашиб ётганда,

<sup>1</sup> Уша билан.

<sup>2</sup> Бирга.

Юсуф ўғлон ўзингизга ярашар,  
Оллоҳ сизга, Асалойим, қарашар,  
Тўрагинанг қуллуқ бўлсин, бувишм.  
Кўрпа-тўшакларни қалин олсак-чи,  
Қўймоқ қилиб танга-тилло олсак-чи,  
Хожар буви, сенга малол келмаса,  
Қуёвингни бориб олиб келсак-чи,  
Асал кичкинамас, бўй етган қиздир,  
Олиб келиб қўйинга солсак-чи?!  
Кўз кўрганга қувонади ҳар киши,  
Пойлаб-пойлаб хўб томоша қилсак-чи,  
Тўй-томуша қуллуқ бўлсин, жон дўстим.  
Аёл баттол бўлар, ҳийла қилайлик,  
Подшони ишонтириб олайлик,  
Бирор билсин, бир неча одам билмасин,  
Бориб куёвингни олиб келайлик,  
Асалой ҳам бўй етган қиз, жон дўстим,  
Сўлқиллатиб қўйинига солайлик,  
Кечасиман хўб ҳангама қилайлик,  
Хушвақт бўлиб чилдирмалар чалайлик.  
Булқиллатиб Асал қизнинг қўйнига —  
Олиб келиб куёвингни солайлик.  
Яхшилик кун қуллуқ бўлсин, жон дўстим.

Ана, энди Эралихон подшонинг хотини Хожар ойим  
кулиб, жойидан қўзғалиб, бойнағи кайвонига қараб, бир  
сўз айтиётир:

Бир нечалар деганича демайма,  
Яхши одам кунга шукур қимайма,  
Олиб келсанг шу меҳмонни, жон дўстим,  
Халойиққа бу иш уят бўлмайма?!  
Ҳар гап бўлса қаноатлар қилайлик,  
Гуласални аввал йўлга солайлик,  
Қўнами-кўнмайми, бойвачча қиздир,  
Хайр деса, бориб олиб келайлик.  
Танишириб, гаплаштириб икковин,  
Хушвақт бўлиб томошалар қилайлик.  
Ойдай юзга қора зулфи тармашар,  
Мунчоги жовдираб киндикка тушар,  
Дўстим олиб келсанг куёвгинамни,  
Чимилдиққа ҳазиллашса иккови,  
Бир-бирига гулдай бўлиб ярашар,  
Аввал Асалойдан бориб сўрайик.  
Чироққинам ўзи эсли, тилла қиз,  
Ақли кўпdir, кўп ўқиган мулла қиз,

**Аввал Асалойдан бориб сўрайлик.**  
Хайр деса, сўгин олиб келайик.  
**Талпинтириб қўйнига солайик.**  
Томошалар қилиб бизлар қувониб,  
Ҳазиллашса, шоду хуррам бўлайлик,  
Асалой бир мулло қиздир, жон дўстим  
Яхши рўмол ярашгандир, ўранглар,  
Сочин ювиб, тароқ билан таранглар,  
Ярашган кийимда бориб кийдириб,  
Гуласалжон ўзи эрка, зўр қиздир,  
Бориб туриб чирофимдан сўранглар,  
Кулса, олиб кенглар зинҳор, жон дўстим.  
Ўзи мулла ҳамма гапни билади,  
Юрганида бел буралиб толади,  
Уят бўлса, гапирмайди Асалой,  
Бу гап ёқса нимкаласоз кулади,  
Агар кулса, олиб кенглар, жон дўстим.  
Сурма кўзга, ўсма қўйинг қошига,  
Садаф, ҳақиқ тушиб турсин тўшига,  
Кундал рўмол ўраб қўйинг бошига,  
Бориб туриб аста-аста сўранглар,  
Агар кулса, оп кеп қўйинг қошига.

Ана, эни ҳалиги кайвони қурғур ўзи тўққина экан,  
ўзи шундай семиз ҳам бўлса, ҳангамачи шўхқина экан,  
**аста-аста босиб**, Эралихон подшонинг беклари ўтирган  
уйнинг даласига етди. Шундай бир эшикчагинадан аста  
қаради. Гулдай яшнаб ўтирган бекларни кўриб, бунинг  
ҳам Гулхадича деган бир қизгинаси бор эди, у ҳам ўн  
тўрт-ўн бешга кириб қолувди. Ана, энди кўнглида ўй  
қилди. Айтди: «Шундай подшо каттасига қизини берди,  
мен кичкинасига берай. Ҳали қизи тушмагур ёшроқ-ку!

Еш ҳам бўлса, ўзи бўлимлигина, қизларга бошроқ. Кел,  
қаноат арzon-да, қиз бола чаққон-да. Бир-икки йилда  
катта бўлиб, бўйи етар-да. Хўп борди қилиб, кўнглим-  
нинг хуружини қондириб олай. Кел, мен укагинасини ку-  
ёв қилай. Эралихон подшони бу ҳангамадан алдаб чиқиб,  
(Юсуфбекни) олиб бориб, уят ҳам бўлса, кўр бўлсин,  
Асалойнинг қўйнига солай», деди. Ана, минг баттоллики-  
ни ўйлаб, кичкина эшикчадан бўйлаб, Эралихон подшо-  
га қараб, бир сўз айтаяпти:

Келибди Исфиҳон шаҳридан меҳмон,  
Кўрганлар маст бўпти, бори беармон,  
Ўтирибсиз, уялибди баччалар,  
Хожар буви келсин деди, подшожон.

Худойим олмасин тандаги жонди,  
Шайтон келиб урламасин имонди,  
Аёлингиз келсин, деди, буюрди,  
Уялтирган, подшо бачча меҳмонди.  
Ҳайбат, ҳашамингиз юртни босибди,  
Эр йигит душманнинг йўлини тўсибди,  
Уялтирган икки бачча меҳмонни,  
Қарасангиз, кўплар терлаб пишибди.  
Ҳожар дўстим, боргин, деди,  
Меҳмонларни кўргин, деди,  
Уялтиргасин подшо деб,  
Қатта одам ўтиргасин,  
Бунда олиб келгин, деди.  
Кўрганлар ҳайрон қолибди,  
Неча одам отни елибди,  
Дарров юринг ичкарига,  
Меҳмон ўғлим уялибди,  
Олдингизда ҳовлиқишиб,  
Иккови терлаб қолибди,  
Эрта билан келсин, деди,  
Подшо айтиб келгин, деди,  
Бугун уйда ётсин, деди.  
Ихтиёрман келган меҳмон  
Хўп ҳангама этсин, деди.  
Қизнинг юзи — гулнинг нақши,  
Ҳангамада чечан, баҳши,  
Турганингиз уят бўпти,  
Ҳар ким ўз тенгига яхши,  
Дўстим, оп келинг деб айтди.  
Оқ, қорабош сўна, ўрдак,  
Ойдиннинг кўлига яхши.  
Бўйни узун, хатабли нор  
Узоққина йўлга яхши.  
Бозордаги тишқоллар  
Сулувнинг тишига яхши.  
Кундал рўмол яхши нарса,  
Сулувнинг бошига яхши.  
Ҳар ким ўзи тенги билан,  
Сўлқиллаган семиз қизлар  
Ерининг қошига яхши.  
Ҳар ким ўзи тенгиман турсин,  
Сиздайчагин катта подшо  
Дўстимнинг қошига яхши.  
Боққа кирган гулдан терсин,  
Сулув қизлар сочин ўрсин,

Бугун туни яхшилик кун,  
Ҳар ким ўз тенгиман турсин.  
Уйга боринг, катта подшо,  
Бу келган мәҳмонарни  
Бола-чақа, хотин-халаж,  
У бебахтларнинг кўнгли бор,  
Ҳаммаси томоша қилсан.  
Сиздайчанги қари одам  
Кампирнинг қошига яхши.  
Мен ўзим жонни сотаман,  
Агар уялсангиз энди,  
Дўстимнинг олдига ўзим,  
Мен билла олиб кетаман.

Эралихон подшо:— Вой-бўй, мен масти бўлиб қолиб, билмабман,— деди. Туриб аста-аста кетмоқчи бўлди. Эшикдан чиққунча ҳамма одам тикка турди. Бурунги одамлар ангтовороқ бўлар экан, кампирчи, кайвонини алдаб чақирганига кетди, аста-аста уйига етди. Шу борса, Ҳожар буви кийим кийиб, қизғалдоқдай яшнаб ўтирган экан. Эралихон подшо буни кўриб, ўқрайиб, қўзиб, ҳангамадан нима оламан, деди. Гап буёқда турган экан, деб кампирини маҳкам қучоқлаб ола кетди. Энди Ҳожар буви Эралихон подшони андармон қилди. Ундан кейин бесиёқнинг гапи, уялмайдиган бўлиб қолди. Бойнағи баттол кайвони Ҳожар бувига имо қилди:— Шу бугун ўлсанг ҳам бўшатма. Қизлик пилламиздагидай куёвни олиб келиб, кўзимизнинг бир хуружини қондириб, хўп томоша қилиб олайлик,— деди.

Ана, энди булар ётаверди, бу кайвони яна Аҳмадбекман Юсуфбекнинг олдига кетаверди. Ҳовлиқиб тагин бойнағи эшикчага етди. Баттол, фирибгар бекларга қараб, бир сўз айтаверди. Ана, фирибгар кайвони хотиннинг ҳийласи кўп бўлар экан, Юсуф билан Аҳмадни сўз билан олиб кетадиган бўлиб, маъқул сўздан айтаяпти:

Иифилишиб келибди гала баччалар,  
Эртаминан жумбоз бўлар ғунчалар.  
Ота расм-қочув, писув бизда йўқ,  
Ичкарига юринг сап бекваччалар.  
Улмаган дунёда даврон сураймиш,  
Яхши қизлар сочин ювиб тараимиш.  
Подшонинг қизи келсин деб айтди,  
Ичкарида хотин-халаж, сап қизлар,  
Ота мерос мәҳмонарни кўраймиш.  
Ёвга кирмай ботир душман санчмайди,

Ев бўлмайин ажал тўнин бичмайди,  
Уялмайин юринг сийли меҳмонлар,  
Бола-чақа, хотин-халаж қочмайди.  
Отадан фарзандга қолган касмдир,  
Қувмоқчи бўп кўнглимдаги ҳавасимдир,  
Бизнинг шаҳар ўзбекчилик шаҳардир,  
Эркак, қизлар ҳангама қип ўтиromoқ,  
Ота-энамиздан қолган расмдир.  
Юринг, сизни келсин, деди хотинлар,  
Қоши қора, Шўрдарёнинг қундузи.  
Хушвақтчилик бўлди ҳам қишу ёзи,  
Азиз меҳмон, менинг билан юринглар,  
Оп кел, деди подшонинг ёлғиз қизи.  
Шакардан шириндир сўйласа сўзлар,  
Кўлда сузар қорабош, катта гозлар,  
Иттифоқ бўп ош ичмоққа чақирди,  
Йифилишиб, кесин, деди кўп қизлар.  
Қизлар сизга турли овқат бераймиш,  
Бир нечаси соз, дуторни чолаймиш,  
Айтиб бориб сап бойвачча семиз қиз,  
Бизнинг элда расм шундай, уялманг,  
Сизлар билан хўб ҳангама қилаймиш,  
Шўҳроғинг ёппа юринг, меҳмонлар,  
Уялганинг ўйлаб бунда қолинглар,  
Энди менинг билан бирга бўлинглар,  
Қиз, хотинлар аралаш бўп ўйнайди,  
Қизил гулдай бўлиб бари жайнайди,  
Каттанг қолгин, баччаларинг юринглар.  
Яхши одам муродига етади,  
Сарбозбоши мис карнайни тортади,  
Хотин-халаж ўз тенгиман ўйнашиб,  
Чарчаган сўнг уй-уйига кетади.  
Узбекчилик, кўп меҳмонли халқ бўлар,  
Тўдалашиб, аралашиб ётади,  
Қаринг қол, йигитинг юринг, меҳмонлар.  
Тоқатим ийқ бир пасил ўтиргунча,  
Чопишиб юрибди элда бир неча,  
Дарров юринг, ҳаял бўлди, меҳмонлар,  
Йўлингизга қараб ётирил қиз, бачча.

Ана, энди Юсуф билан Аҳмадбекни, сап ўзи тенги шу яхши йигитлардан, юз чоқли баччалардан олиб кетди. Кайвони йўл бошлаб, қизлар ҳангама қилиб ўтирадиган ҳангамахона уйга етди. Гуласал ойим салом бериб, жойидан турди. Шунда беклар ҳаммаси тўрга ўтди. Омин

оллоҳу акбар қылганда, ҳаммаси баайни жаннатга киргандай бўлиб кетди. Ҳали кайвони Гуласал ойимга қараб аста: «Ана шу эринг»,— деб Аҳмадбекни кўрсатди. Гуласал ойимнинг димоғи чоғ бўлиб, вақти хуш бўлиб кетди. Даладаги хотинлар, бола-чақалар Юсуф билан Аҳмаджонни, Гуласал ойимни кўрамиз, деб тўп-тўп бориб, әшиклар синиб кетди. Ана, худди эрта билан очилган гулдай бўлиб, тиллари булбулдай бўлиб, кўзлари ёрқинлашиб, бир нечаси дутор чолишиб, ишқи муҳаббат бирор бирорини тортиб, шу куни бир соатдай бўлиб тонг отди. Кун чиқиб, чошгоҳ бўпти, эринчоқ хотинлар қарай-қарай оғзи очилиб ухлаб қолибди.

Ана, бу ёқда ўчиқлар ўйилиб, моллар сўйилиб, катта тўй бўлиб қолибди. Қўпкари чопишиб, бўпти катта, қизиқ тўй. Ҳеч ақлга тўғри келмайдиган катта тўй бўлибди. Подшонинг ҳам димоғи чоқ, элнинг ҳам димоғи чоқ, ҳамма одам намозгар бўлганда уй-уйига тарқаб кетди. Кун намозгарга етди. Ана, янгалари, кайвони қатори бўлиб қолган катта қизлар чимилдиқни тутиб, тўшакни солиб, Юсуфбек билан Гуласал ойимни тилла югуртирилган томга олиб бориб, тўшакнинг устига икковини чиқариб қайтди. Қалласини шундай пар ёстиққа қўйиб ётди. Пос этиб ёстиқ чўкиб кетди, Юсуфбекнинг кокили ёстиқдан ўтди. Гуласал ойимнинг сочи билан пўпаги ёстиқдан анча нари ошиб кетди. Бир қўл қўлтиқдан ўтди, бир қўл бўйиндан ўтди — иккови бир одамдай бўп, маҳкам қулоқлашиб ётди. Бети бетига тармашиб, кўзлари ярқилашиб, юзлари қизил олмадай пишиб, иккови бир одамдай бўп этиб, муродига етди. Йигирма кун тўй-томоша бериб, ҳамма одамга тўн ёпиб, Эралихон подшо тарқатди.

Ана, энди Юсуф билан Аҳмадбекнинг Исфиҳон шаҳридан олиб келган қўшинининг, одамларининг ўтирган жойи Хоразм бўлсин, деб муллалар йиғилиб, муҳр босиб, ривоят қилди. Нодирбекнинг қизини Аҳмадбекка фотиҳа қилди. Ана, энди мажлисхонада, ҳангама томида Аширбек қиз-йигитлари билан ётди. Гана кунлари қирқ йигитлар билан, неча олғир қушлар билан Ҳовдак кўлига, Полопон тоғига чиқиб, ов қилиб қайтади. Қирқ йигитнинг ҳаммаси жонидан зиёд хизмат қилди. Ана, энди булар бу ерда ўз кайфи билан юраверсин, буларнинг овозаси осмоннинг остига ёйилиб кетди.

Мисрнинг юртида, ораси олти ойлик йўл, Миср шаҳрида ҳуркунчилик пайдо бўлди. Буларнинг овозасиға ана шуйитиб қўрқиб, «Ёв келаяпти, ёв келаяпти», деб

қўрқоғи ўранинг ичига кириб ётди. Жуда ҳам қўрққани тегирмонга боролмай очдан ўлиб кетди. Мисрнинг подшоси Гўзалшоҳ ётиб туш кўрди, тушида кўп ёмон иш кўрди. Миср шаҳри талотўп бўлди. Одамларнинг оғзи анграйиб қолди, бурни танграйиб қолди. Чанг чиққан жойга қараб, ёв шу-да, деб шанграйиб қолди. Чин-мочин ютидан, Хитойнинг мамлакатидан Бобо Қамбар деган бир қабилабоши, кўп доно кишининг ўзи келиб қолди Мисрга. Гўзалшоҳ подшо қурандозларини, ҳукамоларини, мунажжимларини, ромчиларини, тамизчиларини, ҳар нарсани биладиган одамларини чақириб келди. Шу ерга туртиниб Бобо Қамбар ҳам борди. Ҳамма тўп бўлди. Ана, энди баёни сўз билан гап бўлди. Гўзалшоҳ подшо тушининг важидан одамларга бир сўз айтаётгани:

Халойиқлар, ухлаб ўзим туш кўрим,  
Мен тушумда кўп қабоҳат иш кўрдим.  
Туши қурсин таъбирлари кўп ёмон,  
Элимда давр олган туйсун қуш кўрдим,  
Туши қурсин, таъбирлари не бўлди?  
Икки йўлбарс Миср элига келдилар,  
Келиб туриб менга тиклаб турдилар,  
Бирори ўзима оғиз солдилар,  
Тирноғиман урган йўлбарс ким бўлди?  
Ваҳшат қип ик<sup>1</sup> йўлбарс элима етди,  
Ҳовлиларим бузиб осмонга отди.  
Элимдан бир чинор кўкариб кетди,  
Шохлари кўм-кўк бўп осмонга етди,  
Мисрнинг одами остида ётди,  
Соя берган азим дарахт ким бўлди?  
Ғазаб қип бирори чангалини солди,  
Тепамдаги тиллам сочилиб қолди.  
Тушимда бир қўшним кала бўлди,  
Ҳовли, айвонларим текис бўп қолди,  
Текис бўлган иморатлар ким бўлди?  
Бир ой элима пориллаб келди,  
Шуъласи оламни ёп-ёруғ қилди.  
Ҳамма одам бари келган шул ойга  
Барча фуқаролар ихтидо қилди,  
Равшан қилган ёп-ёруғ ой ким бўлди?  
Соқол-мурутларни яхши тараглар,  
Қандайсан, деб менинг ҳолим сўранглар,  
Халойиқлар, кўрган тушим кўп ёмон,  
Бу тушумнинг таъбири не, йўйинглар,

<sup>1</sup> Икки.

Билгирларни мунда айтиб келинглар,  
Нима бўлса, ҳисобида бўлинглар.  
Фуқаролар, туши қурсин, кўп ёмон,  
Бу тушимнинг иложини қилинглар.  
Лоту маннот менга ё чап бўлдима,  
Назру ниёз мендан умид қилдима.  
Бул тушимнинг ҳисобини қилинглар,  
Оғир лашкар элга яқин келдима,  
Ўзима бир подшо хасм бўлдима?!  
Бул тушимнинг иложини айтинглар,  
Айтиб туриб уй-уйингга қайтинглар.  
Чўчқа гўшти семиз еган, хизматкор,  
Ҳисобин қип, уй-уйингга қайтинглар.

Ана, энди буларни билса ҳам қурандозлари қўрқа-  
нидан айта олмади, подшони андиша қилди. Ана, энди  
Бобо Қамбарни олиб борди. Ана шу Бобо Қамбарга под-  
шо:— Билсанг, айт,— деди. Бобо Қамбар Гўзалшоҳ под-  
шога қараб, тушини йўйиб, бир-бир қип айтаверди:

Билмаганинг билдирайин, билмасанг,  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмасанг.  
Қўрқмагин, туш деган қоровул киши,  
Ўзим айтсам жанжаллашиб қолмасанг.  
Аҳмад билан Юсуф от тортиб келар,  
Шаҳрингга келиб фулғула солар.  
Кўрган тушинг таъбирини айтайин,  
Ўзим айтсам, сенга малол кеп қолар.  
Бориб обод қилсам кулба хонамди,  
Сен, бадбахт, ўртарсан гулдай танамди,  
Давра олган шунқор Юсуф жонимди(р),  
Келган йўлбарс Аҳмад, Юсуф боламди(р).  
Тепангдан тўкилган тилла-қонингдир,  
Ўзингда нимкола қушинг — жонингдир,  
Қулаган иморат — сенинг танангдир,  
Оғиз солган, чангал урган ўзингга,  
Келиб қолар Аҳмад, Юсуф боламдир.  
Кўм-кўк қилиб бўзартади кўзингди,  
Бир куни кеп босар сенинг изингди.  
Насва тортиб, келиб қолар фарзандим,  
Тирноқ урган — Аҳмадбекдай кўзимди(р),  
Хизматкор қилади сенинг ўзингди.  
Аҳмад билан Юсуф Мисрга келар,  
Келиб туриб кўп савдоларни солар...  
Аҳмад, Юсуф болам Мисрга келиб,  
Ўз қўлиманadolатли хон қўяр,

Келиб туриб ҳамма одамни йигар,  
Жондан кечиб келган Юсуф, Аҳмадди (р).  
Хафа бўлсанг ўйнаб-кулар вақтингга,  
Келмаса, қойилман сенинг баҳтингга,  
Туш йўйувчи Бобо Қамбар, Гўзалшоҳ,  
Уч кун подшо бўлар сенинг тахтингга,  
Ёп-ёруғ ой — Бобо Қамбар, Гўзалшоҳ.  
Сўйлайдиган суяги йўқ тил бўлди,  
Урганч шаҳри олтойчалик йўл бўлди.  
Айтиб бердим бул тушингди таъбири,  
Тушингнинг таъбири, подшом, шул бўлди.  
Нимколасоз мен тушаман тилингга,  
Аҳмад болам раҳм айламас ҳолингга.  
Сабаб билан келиб икки фарзандим,  
Бобо Қамбар подшо бўлар элингга,  
Нек чироги Юсуф, Аҳмад ўғлимдир.

Гўзалшоҳ:— Ў, энангнинг жигилдонига... — деди.—  
Бу айниган чолни олиб бориб зинданга солинглар. Шу  
Юсуф, Аҳмад келганда, келиб туриб, менинг шаҳримни  
олганда, Мисрга подшо бўлганда, уни чиқариб олади.  
Ҳў, қизингнинг пушмай тойиға... — деди. Шуйтиб бечора  
Бобо Қамбарни олиб бориб зинданга ташлади-қўйди.  
Кунда бир кулча амр қилди. Ана, энди Гўзалшоҳ подшо  
Юсуф билан, Аҳмадбек билан тараф бўлди. Гўзалшоҳ  
подшо энди элга қараб бир сўз айтди:

Эшигинлар, амалдорлар, сўзимни,  
Мўйсафид чол сарғайтирди юзимни,  
Юсуфман Аҳмадни банди қип келсанг,  
Үрдада берайин Гулнор қизимни.  
Гап эшиитдим, хафа бўлган вақтимди (р),  
Тарафларим томоша қип соҳтимди.  
Аҳмадман Юсуфни банди қип келсанг,  
Хизматига берай ярим тахтимди.  
Яна берай қатор-қатор норимни  
Нор устига юклаб берай заримни,  
Бойлаб келсанг Аҳмад билан Юсуфни,  
Амалдор қип, берай ярим шаҳримни.  
Очилган тоғларда тоза гул борма,  
Менингдайин лотга чўзган қўл борма,  
Амалдорлар турган сарбоз полвонлар,  
Душманимни банди қилар ул борма?  
Лашкар олиб Урганч элга борсанглар,  
Қуллуқ дейшиб айтганимни қилсанглар.

Катта-кичик, турган жами ҳокимлар,  
Юсуфман Аҳмадни банди қилинглар.  
Гўпу милтиқ, анжом-асбоб олинглар,  
Ҳар ерда душманга савдо солинглар,  
Қўкча билан Мирза Маҳмуд домуллам,  
Юсуфман Аҳмадни банди қилинглар.  
Олиб келиб дорга тортиб, ўлдириб,  
Қўнгилимни хўб диличам қилинглар.

Ана, энди ҳамма сарбоз, ҳамма фуқаролар туриб, нима  
десанг, хизматкоринглиз, деди. Мирза Маҳмуд жойидан  
туриб, подшога таъзим қилиб, бир сўз айтаяпти:

Жондан кечган ишни яхши қилади,  
Ё ўлади, ё тиндириб келади.  
Қўнгил қувонгудай кўп нарса берсанг,  
Бу хизмат менинг қўлимдан келади.  
Аввалида шунча гапни айтмасанг,  
Хизмат тиндириган сўнг яна қайтмасанг,  
Аввал бирор нарса бергин ўзима,  
Бойлаб келсам, тагин айниб кетмасанг,  
Ишонгудай бир нарса бер, подшойим,  
Бўлкиллатай ўзим сувсиз далани,  
Сўлдриайн қизил гулдай лолани,  
Аввал берарингни бергин, подшойим,  
Бойлаб келай Юсуф, Аҳмад болани.  
Сомондай қип сарғайтирай юзини,  
Үйиб ташлай душманингнинг кўзини,  
Аввал берарингни бергин, Гўзалшоҳ,  
Бойлаб келай Юсуф, Аҳмад кўзини,  
Кўрсатайин тарафингни ўзини,  
Нима берсанг, аввал бергин, подшойим.  
Қулатиб келайин соглан маконин,  
Куйдириб ташлайин жасадда танин,  
Аввал берарингни кўрсат, подшойим,  
Бойлаб олиб келай Урганчнинг хонин,  
Олиб келай Аҳмадман Юсуфжонин.  
Шу ўзбаклар тараф бўлти ўзингга,  
Нима десанг, мен розиман сўзингга,  
Қўнгилимни сен тўлдирсанг, Гўзалшоҳ,  
Банди қилиб кўрсатайин кўзингга,  
Аввал берарингни кўрсат, подшойим.

Ана, энди Гўзалшоҳ подшо Мирза Маҳмудга қараб,  
дунёлик важидан айтиётган сўзини айтаверди:

Олқорлар ўйнайди товда, ёнада,  
Жон бўлкиллаб қолди гартақ танада,  
Дунёликдан хизматкорни бой қилинг,  
Кўп нарсам бор эди ғазнахонада.  
Мирза Маҳмуд айтганини қилинглар,  
Жилдириатиб этагига солинглар,  
Олиб бориб кўтартиринг ўзига,  
Миср элига катта одам қилинглар.  
Яхши кийим шул Маҳмудга кийгизинг,  
Отларининг юганини тутқазинг,  
Олиб боринг буни ғазнахонама,  
Дунёлиқдан бунинг кўзин тўйғазинг.  
Чопқиллашиб баринг олиб боринглар,  
Нима деса, айтганини қилинглар.  
От-анжомин шайлаб беринг ўзини,  
Тоза тўйғизинглар икки кўзини.  
Нима деса, йиғилишиб ҳаммангиз,  
Қабул қилиб, хайр денглар сўзини.  
Хайр деб ҳаммаси жонларни сотди,  
Йигламай қайтайин, қисматлар қатти.  
Талотўп бўлиби Мисрнинг юрти.  
Баракалла, мартабангга, Аҳмадбек,  
Миср эли шунча қилди ғайрати.  
Амалдорлар, Гўзалшоҳ хизматкори,  
От-анжомни шайлаб Мирза Маҳмудга  
Хуржин-хуржин танга тиллалар ортди,  
Мирза Маҳмуд юраклари қопиниб,  
Кўзи кўм-кўк бўлиб уйга оп кетди,  
Бир қашқа йўргани эгарлаб келиб,  
Мирза Маҳмуднинг остиға тортди.  
Банди қилиб келгин бекларни, деди,  
Гўзалшоҳ подшоси, гала хизматкор,  
Омин деб фотиҳа бетига тортди.  
Мирза Маҳмуд алил олиб подшодан,  
Урганчнинг элига қичаб йўл тортди.  
Мирза Маҳмуд кўп гапларни билади,  
Кўкайига кўп фирибни олади,  
Гўзалшоҳнинг дуосини олай, деб  
Қеча-кундуз отни қичаб келади.  
Неча гаплар бўлди Миср юртига,  
Томашайланг баттолнинг ҳимматига.  
Неча нарса тортиқ қилиб баччағар,  
Жўнай берди дин Ҳоразм юртига.  
Мирза Маҳмуд жўнаб Урганч шаҳрига,  
Миниб олган қашқа йўрға белига.

Кече-кундуз неча гаплар тилида,  
Худо демай, эсонликни тиламай,  
Эси-дарди танҳо Урганч элида.

Ана, Мирза Маҳмуд Мисрдан чиқиб, Урганч қараб жүй-  
найверди:

Гоҳ баланду пастига,  
Ётиб дүнди устида.  
Келаётир шул номард  
Юсуф, Аҳмад қастида.  
Ранги бети қонсизи,  
Жүйайверди чўлларда,  
Гўзалшоҳнинг жонсизи.  
Оғир ишга тайёри,  
Қўнглида кўп ғубори,  
Гўзалшоҳнинг бодгири,  
Жўйайверди Урганчга,  
Гўзалшоҳнинг айёри.  
Ичи ачимай ҳолига,  
Чиқиб товнинг белига,  
Қистаб чўлда йўл юрди,  
Дин Хоразм элига.  
Шоҳни хушвақт қилсан деб,  
Хоразмда бўлсан деб,  
Қистаб юрди чўлларда,  
Юсуф, Аҳмад йўлбарсни,  
Банди қилиб олсан деб.  
Қўнмай ўзи чўл кечти,  
Йўл дегани қийин экан,  
Тоқти беш ой ўтганда,  
Неча тоғдан, чўллардан  
Тинмайин қичаб ошди,  
Мусулмон ҳудудига  
Мирза Маҳмуд етишди.  
Чарчаб, ҳориб, шул айёр,  
Асқар тоғига тушди.  
Шул тоғда қушдан отди,  
Яхши қилди овқатди.  
Иккун ётиб шу тоғда,  
Кетар йўлни хатга оп,  
Ҳар дарани хатга оп,  
Йўлини ростлаб олиб,  
Ҳамма тоғни хат қилиб,  
Димоғини чоқ қилиб,

Асқардан ошиб кетди,  
Полопон тоққа етди.  
Ундан ҳам ҳайдаб ўтди,  
Намозшом вақт бўлганда,  
Урганчнинг қорасига  
Шул айёр қичаб етди.  
Шундай одам подшоларга кераги,  
Бориб турар орқасидан дараги.  
Шундай Мирза Маҳмуд тиклаб қараса,  
Кўринади Урганч элнинг дараги.  
Неча товдан ўтдим деб,  
Неча дара, сойларни  
Ўзни хатга битдим деб,  
Хушвақт бўлиб шул айёр,  
Ҳар ишга ўзи тайёр,  
Пичагина ухлай деб,  
Урганч элга етдим деб,  
Тинч бўлиб ухлаб ётди,  
Овлоқни уйқу битди.  
Кун ёйила-кун ёйила  
Урганч элга оралаб,  
Мирза Маҳмуд теваракка мўралаб,  
Қўнглига солибди неча нуқтани.  
Эсли-эсли одамларни саралаб,  
Энди кетди подшоликка оралаб,  
Неча адаб, неча баттолик этди,  
Қилични бўйнига солиб шул бадбаҳт,  
Эралихон, Юсуф, Аҳмад қошига  
Салом бериб, шундай эгилиб етди.

Ана, энди Мирза Маҳмуд юз мақом тартиб кўрсатиб салом бериб, юз одим кетинга қайтди. Бурун — сўнг шундай иззат кўрган йўқ, бирдан меҳмон ёқиб кетди. Юсуф билан Аҳмадбекнинг қариндошлари, амалдорлари, хизматкорлари «Омон, соғ-а, Юсуфжон», — деб кетяпти. Юсуфбек ҳам подшоликнинг, катталикининг таомили шундай бўлар экан, деб ётибди. Буни кўриб Эралихон подшо:— Юсуфбек, Аҳмадбек, балли адабингга,— деди. Аширбек сардор айтди:— Ранги ёмон, товроқ-да, ёқмади.

Мирза Маҳмуд кўзгинаси кўккина, димоққинаси чоққина, ўзи кўп ҳам узун эмас, тирпитишлигина, ўрта бўйли чоққина. Ана, энди адаб билан шу ерга тураверди. Эралихон подшо Юсуфбекка:— Эй фарзанд, меҳмон билан сўзлашинглар,— деди. Ана, подшонинг гапи билан

вазирлар, амалдорлар — ҳаммаси меҳмонга қараб, бу қаердан экан, деб бир-биридан сўрашиб, Юсуфбек меҳмонга қараб, бир сўз айтаверди:

Шу вақтларда ўйнаб-кулар вақтиди (р),  
Кечакундуз димоғимиз чоқ эди.  
Меҳмонжон, қаерда сенинг шаҳринг,  
Урганч элда сиздай киши йўқ эди.  
Танангда борга ўхшайди қаҳринг,  
Юрагинда борми войимман черинг,  
Кўзинг кўриб, манзилингни сўрайман,  
Қаерда, меҳмонжон, сенинг шаҳаринг?  
Қайси элдан, нима йўлдан келасан,  
Сўзланг, эшитайлик, меҳмон, тилингни  
Кўкрагингга тутиб икки қўлингни,  
Сўрамоқлик, меҳмон, айиб бўлмайди,  
Бизларга айт, меҳмон, келган элингни.  
Турқингга қарайман, кўп гап биласан,  
Жонгинангга кўп жабрни қиласан,  
Элингни, шаҳрингни айтгин, меҳмонжон,  
Қай подшонинг фуқароси бўласан?  
Бўйнингга солдинг сен пўлатингни,  
Мунда келиб қилдинг кўп иззатингни,  
Қайси подшо элатидан бўласан,  
Менга айтгин подшойингни отини!

Мирза Маҳмуд қандай Мирза Маҳмуд? У мусулмош илмини ҳам билади, копирнинг илмини ҳам билади. Неча илмлардан хабари бор эди. Ана, энди Мирза Маҳмуд айтатётган сўзини бекларга айтаверди:

Умргинанг узун бўлсин, Аҳмаджон,  
Умргинанг узоқ бўлсин, Юсуфжон.  
Давлатингиз ҳамиша бўлсин барқарор.  
Адолатда турган бул Эралихон.  
Дуогўйман ўзим доим сизларга,  
Гуноҳкор бўп элдан келдим, Аҳмаджон.  
Эшит, келдим неча тоғнинг белидан,  
Ўлмай келдим жондорларнинг қўлидан.  
Мартабангиз баланд бўлсин, Юсуфбек,  
Тақсирим, меники Миср элидан.

Оту овозангиз Мисрга етди,  
Миср шаҳрин юраклари ёрилиб,  
Ол, Аҳмад, Юсуф подшо келди, деб,  
Уранинг ичида писиниб ётди.  
Ҳуркунчилик бўлди Мисрнинг юрти,  
Сизни эшишиб кўнглим жўш уриб кетди.  
Менинг ўзим Гўзалшоҳга фуқаро,  
Нон-насибам Урганч шаҳрига тортди.  
Аввал бобосига ҳудайчи эдим,  
Гўзалшоҳга ўзим хазиначи бўлдим.  
Ғазналарни қароқчига урдириб,  
Ахтартиб ҳар қишлоқни кўрдириб,  
Оту овозангга келдим, Юсуфжон,  
Хизматинг қилгани келдим, Юсуфжон.  
Гўзалшоҳман меҳрларим тош бўлиб,  
Овқат деган дастурхонга чош бўлиб,  
Ғазналарни қароқчига урдириб,  
Гўзалшоҳман ўл-ўлгунча ғаш бўлиб,  
Шону шавкатингга келдим, Юсуфжон,  
Хизматкор бўлгани келдим, Юсуфжон.  
Йўллар сарғайтирди менинг юзимни,  
Сизга турқифонман икки кўзимни,  
Гўзалподшо мени ушлаб олганда,  
Дорга тортиб ўлдирарди ўзимни.  
Гуноҳкор бўп келдим Миср элидан,  
Қочиб келдим Гўзалшоҳнинг қўлидан.  
Ёмонликни асло кўрманг, Аҳмаджон,  
Файзли, ҳурматли бўлгин, Юсуфжон.  
Калламизни этагингга солгани,  
Чин сидқидил сизга хизмат қилгани,  
Қочиб келдим гуноҳкор бўп подшодан,  
Тевам билан юриб хизмат қилгани.  
Оту овозангга келдим, Юсуфжон,  
Хизматкор бўлгани келдим, Аҳмаджон,  
Гуноҳкорман, боролмайман элима,  
Эралихон, раҳм айлангиз ҳолима.  
Гуноҳкорман, мен паноҳ тилаб келдим,  
Бирор хизмат берсангизлар қўлима,  
Хизматинг қилгани келдим, Юсуфжон,  
Сен билан юргани келдим, Аҳмаджон.

Ўзбак кўтарилима бўлар экан, ана энди бу гап билан  
танасида пича ҳарорат пайдо қилиб, bemaslaҳat Юсуф-  
бек бир сўз айтди Мирза Маҳмудга:

Меҳмонжон, тортмагин ўзинг оҳувой,  
Қўлингга бераман яхши қарчиғай.  
Бу гапларни кўкайингга келтирма,  
Хуш келибсан ана мазгил, ана жой.  
Маъқул билдим, меҳмон, айтган сўзингни,  
Мен ўлмасам тараф босмас изингни,  
Кўнглингни чўқтирмагин, меҳмонжон,  
Катта одам қилай сенинг ўзингни.  
Узим сенга меҳру шафқат қиласман,  
Кўп одамни хизматингга соламан.  
Хуш келибсан, ана мазгил, ана жой,  
Хўрсинмагин, дуруст одам қиласман.  
Йўл юрибсан қичаб сувсиз дашингга,  
Еқаларинг ҳўл бўп кўзли ёшингга.  
Сен бизни деб келган бўлсанг Мисрдан,  
Амалдор қип, жиға санчай бошингга.  
Йўл кезибсан, бўпсан ўзинг бекарор,  
Бизларни кўрмоққа бўпсан интизор.  
Қойил бўлдим, меҳмон ҳимматгинангга  
Хўрсинма, қип қўяй сени амалдор.  
Рози бўлгин бек Юсуфнинг ишига,  
Ов қиласран Урганч элнингдашига,  
Бизларни деб кепсан Миср шаҳридан,  
Ўтирасан подшоларнинг қошида.

Ана, Мирза Маҳмуд қуллуқ, деди. Бу айёр Эралихон подшонинг бориб оёғини зиёрат қилди. Ундан келиб Аширбекнинг оёғини зиёрат қилди. Ундан Юсуфбекнинг, ундан Аҳмадбекнинг, Ойхон, Кунхон, Нодирбек сultonнинг — ҳамма одамнинг кўнглини тўлдириди. Энди Мирза Маҳмуд айтди:— Подшога адолат берсин, қозилар шариатда турсин, бойлар хайри саховат, заковат қилсин, камбағаллар қаноат қилсин, ҳар кулли одамнинг кўнглидагиси бўлсин, омин оллоҳу акбар! Ҳамма халқ айтди:— Баракалла, меҳмонга! Мирза Маҳмуд яна айтди:— Э, Юсуфжон, йўл азоби гўр азоби билан баробар эмиш. Шу бугун холигина уй берсанг, бир ётиб ухлаб олсан. Юсуфбек айтди:— Бу меҳмонга Эралихон подшонинг ҳужрасидан жой беринглар.

Буни Юсуфбекнинг маҳрамбачаси олиб бориб, дастурхон ёзиб, қорнини тўйғазди. Омин демай жўрттагинадан хур-хур этиб ухлади. Чарчагани рост, деб ҳалиги маҳрамбачча кетди. Ухлаб қолди, деб Юсуфбекка айтди. Кун хуфтонга етди. Мирза Маҳмуд кўлбаридан ҳисоби абжадни чиқариб, буларнинг юлдузини билиб, иштон-кўйлакни

чаппа кийиб, дуо ўқиб, Юсуф билан Аҳмадбекни ўзига қаратди. Эрта билан тонг отди. Бориб Юсуф билан Аҳмадга салом берди. Мирза Маҳмуд иситиб қўйган. Юсуф билан Аҳмадбекка тиллодан ҳам сулув кўриниб кетди.

Орадан қирқ кун ўтди. Ҳамма хизматга Мирза Маҳмуд оқсоқол бўлиб қолди. Нима деса, Юсуф билан Аҳмадбек айтганини қилди. Юсуфбекнинг қирқ йигитлари «ҳей, қизини...», деди. «Бироннинг қўйини боққанда ҳам бола-чақани боқамиз. Подшо юртидан ошиб келган Мирза Маҳмудча бўлмасак, кетамиз», деган кўп бўлди. Ана, булар ўз шовқинида тураверсин, энди сўзни Исфиҳон шаҳридан эшитмоқ керак.

Ана, ўттиз тишдан чиқсан гап ўттиз уруғгача етади. Бўзўғлонхон подшо Аҳмад билан Юсуфбекнинг ифвогарлар гапи билан кетганлигини билди. Нечовини тўпға солиб отди, нечовларни дорга тортди. Ана, шуйтиб Юсуф билан Аҳмадбек, Аширбек амакисининг ишқи тортиб, сарғайиб, бир кўриб келай, деди:

Ҳай аттанг-а, гулим сўлган эканди,  
Одамларим фириб қилган эканди.  
Қўл қанотим Аширбекдан айрилдим,  
Бу ишлар ҳам туҳмат бўлган эканди.  
Давлатгинам бундан кетган эканди,  
Ҳай аттанг, зардоблар ютган эканди,  
Мен ишондим ёмонларнинг гапига,  
Олғир шунқорларим кетган эканди.  
Чагамдаги шунқоримдан айрилдим,  
Мен ишондим туҳматчининг гапига,  
Юсуф билан Аҳмаджондан айрилдим.  
Юрагимда войим билан черимсан,  
Мўйсафиддай қўл олғувчи пирамисан.  
Аширбек, Юсуфбек, тушди эсима,  
Урганч элга борар одам бормисан?  
Ҳамманг Исфиҳон элда турасан,  
Қаватимда ўзинг мен деб юрасан.  
Отим миниб, тўнни кийган амалдор,  
Менинг билан қайсинг Урганч борасан?  
Бориб туриб қанотларим кўрайин,  
Ўзим ўлмай дуоларин олайн.  
Бегуноҳ кетганди менинг чирогим,  
Бориб кўриб дуо қилиб келайин.  
Жиянларим бекор элдан кетиби,  
Кўп қийналиб беш ой йўлни тортиби,

Урганч элга нақ беш ойда етибди.  
Яхши одам бу дунёда хор бўлмас,  
Тубли одам парча нонга зор бўлмас.  
Қатта подшо кўзларига суртибди,  
Тўғри ўзар, эгри озар, халойиқ,  
Урганч элга бориб эл бўп кетибди.  
Бирор келиб шундай-шундай бўлди, деб  
Бўлган гапни бир-бир қилиб айтибди.  
Қўлдан кетган йўлбарс билан шунқорим,  
Урганч элга катта одам бўп кетибди,  
Эралихон қоматларин букибди,  
Минг алп тортиқ қилиб чиқибди,  
Гуноҳи йўқ ҳар жойда ўрин олар,  
Жиянларим подишога ёқибди.  
Кокилларин елкасига ўрибди,  
Одам чиқиб элга олиб борибди,  
Ҳожар ойим яхши кўриб боламни,  
Ёлғизгина Асалхонни берибди.  
Боракалла, қойил бўлдим подшога.  
Урганч элман томир бўлиб қолибди.  
Ҳай аттанг, бўлмади ўзимман сирдош,  
Қўл қанотим шулардир, жўра йўлдош,  
Шундай ёқиб томир бўлиб кетибди,  
Урганч элман бўп кетибди қариндош.  
Бориб туриб ўзим кўриб келмасам,  
Улгунча бўлади менинг минан ғаш.  
Аҳмоқ одамлар ҳам уни чақибди,  
Тўғриликдан бир подшога ёқибди.  
Ҳай аттанг-а, қайтай, одамим бебош  
Аччиғланиб ёвлаб келса Аширбек,  
Одамнинг ўлиги бўп қолади чош.  
Юринг, беклар, отланишиб кетайик,  
Бориб туриб узр-маъзур айтайик,  
Ҳақ эгилиб синмайдикан, ёронлар,  
Бориб туриб ҳам уйу хотинларин,  
Ҳангама қип, қутлуқлашиб қайтайик.  
Жамъи амалдорлар, эшит менинг сўзимди,  
Кетган ёққа тўрт қип қолдим кўзимди.  
Бориб туриб обрў, иззат топибди,  
Энди менинг бормоқлигим лозимди,  
Бориб кўриб келай кетган қўзимди.  
Баҳор кўм-кўк бўлар товда бодомлар,  
Юракдан кетибдивойимман ғамлар.  
Қуллуқ тақсир, деди жойидан туриб,  
Даркорликни ғамлай берди одамлар.

Хақ әшитсин ҳар банданинг додини,  
Бузмасин ҳар қулнинг иморатини,  
Сен борганда мен бормайинми, деб  
Чоқ бўп қолди Бўзўғлоннинг хотини.  
Юракда йўқ қайфу минан войими,  
Одамни алдайди йигит қойими,  
Бораман деб анжом-асбоблар қилиб,  
Юсуфбекнинг ҳам чечаси, энаси,  
Тараддуд қип Бўзўғлоннинг ойими.  
Үртамасин ҳеч одамнинг тани,  
Сулувларнинг юзи гулнинг хирмони,  
Қидирамиз дейшиб энди талтайиб,  
Исфиҳон элининг семиз кайвони.  
Ош қайнаса ёқилади ўтиналар,  
Бир нечаси менопкет<sup>1</sup> деб ўпкалар,  
Борамиз деб тортиқ, таролғи қилиб,  
Анча бўлди қидирғувчи хотинлар.  
Бўзўғлонхоннинг айтган гапи эп бўлди,  
Авжи келса чечан сўзи кўп бўлди,  
Урганч элга қидирамиз дейишиб,  
Келинчаклар, семиз хотин тўп бўлди.  
Бир-бирига талтайишиб сўйлади,  
Болалари мени оп кет деб пойлади,  
Бўзўғлонхон подшо кўнгли жўш уриб,  
Хотинларга аравани шайлади.  
Шодиёна уриб, карнайлар тортди,  
Нон-насиба қандай шаҳарга кетди,  
Арава, анжомни чоппа-choқ қилиб,  
Хотин деган оғир әкан, ёронлар,  
Аввал бошлаб хотинларни жўнатди.  
Талтайишиб қидирғувчи хотинлар,  
Жайранғашиб, димоқлари чоқ бўлиб,  
Урганч элга ҳаммаси тўйга кетди.  
Жўнамоқчи бўлди Бўзўғлон подшо,  
Вазирлар қўлтиқдан суяб, тақсир, деб  
Шотирлар оп келиб отини тортди.  
Жўнар бўлди подшо Урганч юртига,  
Аскар ташлаб элди мамлакатига,  
Хўп тайинлаб амалдорга Бўзўғлон,  
Бўзўғлон подшо ҳам минди отига.  
Ҳамма амалдорлар минибди отди,  
Ҳар ранг мақомларни созчилар чертди,  
Хушомад қип Исфиҳоннинг одами.

---

<sup>1</sup> Мени олиб кет.

Шаҳардан чиқариб энди далага,  
Омин деб фотиҳа юзига тортди.  
Неча шавкат, дағдағалари билан,  
Бўзўғлонхон подшо Урганчга кетди.  
Иигит куяр сулув қизнинг ҳилига,  
Иигитни еткарсанг қизнинг мўлига.  
Бўзўғлонхон подшо неча аскарман,  
Юсуфман Аҳмадни қутлуқлаймиз деб.  
Жўнайверди энди Урганч элига.  
Фуқаросин барин ияртиб кетди,  
Иzzат қилиб тахти уч тош йўл тортди,  
Қайтинглар, деб Бўзўғлон подшо айтди,  
Ундан сўнг Исфиҳон элига қайтди.  
Хотинларни аравага миндириб,  
Чўлга чиқиб Урганч элга йўл тортди.  
Бир-бирига чақчақлашиб сўзлади,  
Гўштни кабоб қилиб чўлда тузлади,  
Овқат-озигини ортиб Бўзўғлон,  
Юсуф билан Аҳмадбекни излади.  
Ҳеч иш бўлмас қудратидан бефармон,  
Танда меҳмон эрур қайтиб гартақ жон,  
Сўнгги ишни шундай бўлар пушмони,  
Жўнай берди Урганч элга Бўзўғлон.  
Бачча, аёл чўлда чарчадик, дейишди,  
Неча товдан неча чўлларга тушди,  
Қидирганга пушмон қилиб хотинлар,  
Талтайиб чиқувди бари элидан,  
Уҳва-уҳва,вой қуймучим, дейишди.  
Файратлиси ўла қол, деб кулишди.  
Ҳангама, чақчогин қилиб ёшлари,  
Ахир бир кун етармиз-да дейишди.  
Қампирларин рангларидан қон қочди,  
Қиз-келинчак кундан-кунга беркишди,  
Гоғи тоғда, гоҳи чўлларда юриб,  
Кеч бўлганда чодир тикиб ётишди.  
Кундуз куни тинмай қистаб кетишиди,  
Нақ беш ойда битта дарёга етди.  
Подшо халқин кўп бўлади ҳунари,  
Қамишдан сол қилиб турган одамлар,  
Эсон-омон бари дарёдан ўтди,  
Дарёни ёқалаб қунтуйиб кетди.  
Юсуф билан Аҳмаджонни кўрсам, деб  
Хон Бўзўғлон неча санталат билан,  
Тўрт-беш кун орадан йўлни тортганда,  
Суюнчихўр Юсуфбекка жўнатди.

Суюнчихўр юрак қинидан чиқиб,  
Эсон-омон Урганч элга оралаб,  
Подшоликка бечора қистаб етди,  
Исфиҳондан меники, деди-айтди.  
Қариндош келиб қолибди дейишиб,  
Дин Хоразмнинг одами чопишиб,  
Қандай одам экан келган дейишиб,  
Оға, энам келар экан, деб айтиб,  
Чўбирини биқининга тепишиб,  
Қариндошлик бежой қаттиқ иш экан,  
Келаётир барин ўпкаси шишиб.

Ана, энди қариндош кепти, деб дарров гап бўп кетди.  
Дин Хоразмнинг ҳаммаси эшитди. Урганчда Эралихон подшонинг дарвоза оғзидағи қоровули Исфиҳондан келдим, деганини эшитиб, ҳалиги меҳмонни олиб кетди. Эралихон подшонинг давлатхонасига етди. Юсуфбек, Аҳмадбек, Аширбек сардор яхшиликка келдими, ёмонликка келдими, деб кўнгли, хаёли ҳар тарафга қочиб турди. Хаёлининг қочгани тоғасининг оғули қифан сабабидан. Келган суюнчихўрни Ҳалманбек дер экан. Ясовулбоши олиб бориб Ҳалманбекни Эралихон подшога тўғри қилди. Салом бериб, Ҳалманбек Эралихон подшога бир сўз айтаверди:

Кўп қўрқаман ширин жондан,  
Айрилмагайман имондан.  
Подшойим, беринг суюнчи,  
Меҳмон келди Исфиҳондан.  
Узоқ қоп кетди шаҳари,  
Кўнглида йўқ эди ғубори,  
Подшойим, беринг суюнчи,  
Келди Исфиҳон тождори.  
Остида ўйнар ҳар алвон,  
Ботирда карк тери қалқон,  
Болаларим кўрайин деб,  
Келаётир хон Бўзўғлон.  
Узи кировка ёқаси,  
Бошида борди жигаси,  
Исфиҳон элининг эгаси,  
Аҳмад, Юсуфнинг тоғаси.  
Қайнаб нечовнинг мияси,  
Кўкариб даштнинг гиёси,

Исфиҳон элининг эгаси,  
Келган бекларнинг тоғаси,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Яхшиликка хабар етди,  
Бўзўғлон подшо эшитди,  
Қуллуқ бўлсин қилайин, деб  
Неча мазламалар қилиб,  
Исфиҳонда карнай тортди.  
Хотин-халажларни олиб,  
Тўй деганга хотин келар,  
Ҳам хотин, кайвонилар,  
Яқинлаб Урганчга етди.  
Исфиҳоннинг баччалари,  
Гулдай бордир ғунчалари,  
Очилади дилчалари,  
Хон Бўзўғлон подшо билан  
Ҳам ойими, келинчаклар,  
Келаётир баччалари.  
Узоқ Исфиҳон юртини,  
Минишиб бари отини,  
Арава устига миниб,  
Томошага келаяптикан,  
Қатта подшо, кичик подшо,  
Амалдорларнинг хотини,  
Йўл юрамиз, кўп вақт бўлди.  
Бўзўғлон тарааддуд қилди.  
Неча аскар, сарбоз билан,  
Хон Бўзўғлон тўйга келди,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Урганч элга борайин, деб,  
Ўйнаб даврон сурайин, деб  
Эралихон қуда бўпти,  
Қариндошли кўрайин, деб,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Қўрарсиз қадди бўйини,  
Ияртириб сап бийини,  
Қуллуқ бўлсин қилайин деб,  
Жиянларининг тўйини,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Беклар муンда келганига,  
Сизга фарзанд бўлганига,  
Тўйга мени айтмади, деб  
Сиздан ўпка қилганига,  
Келди Исфиҳон тождори,  
Ўзи подшоларнинг зўри,

Чарчатди товларнинг ўри,  
Олдида сатта сардори,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Қуллуқ бўлсинга келади,  
Исфиҳон элининг беклари.  
Сира йўқди войман зори,  
Сатта аҳди паймонлари,  
Чўлда гул очилгандай бўп,  
Сўлқиллашиб келаётир,  
Исфиҳон элининг ойими,  
Подшойим, беринг суюнчи.

Бу гапларни эшитиб, шу ердаги одамлар гувиллаб кетди. «Уят гап бўпти-ку», деб ҳамма бирдан чувиллаб кетди. Юсуфбек, Аҳмадбек, Аширбек сардор, Ойхон, Кунхон, Нодирбек сulton, Шералихон, Мустафо чаққон, Эралихон жоппа-жовлик дин Хоразмнинг одамлари «қариндош кепти», деб Бўзўғлон подшонинг олдига чиқиб кетди. Урганчнинг даласини тўзон тутди. Эралихон подшо арава-арава танга-тилла чиқариб, Бўзўғлонхон подшонинг ўз иззати билан бошидан чочиб, оёғининг остига поёндоз ташлаб, шаҳарга олиб кириб, ўзидан зиёд тахтга миндириди. Ана, энди омин оллоҳу акбар қилиб, ҳаммаси фотиҳани юзига тортиб, «Учолғон тек турмас» деган ота-бободан қолган гап бор экан, бир кўкайидан чиқарай жиянларимнинг, деб Бўзўғлонхон подшо бир сўз айтаверди. Ана, Бўзўғлонхон подшонинг Эралихонга қараб, ҳам Юсуф билан Аҳмадга қараб, тўй қуллуқ бўлсин, деб айттаётган сўзи:

Боракан Урганчда шунча бекингиз,  
Яхшиякан, кўрдим, қадди бўйингиз,  
Жаннатга ўхшайди ҳовли, уйингиз,  
Аҳмад, Юсуф, қуллуқ бўлсин, подшойим,  
Қудам, қуллуқ бўлсин қилган тўйингиз.  
Эл ийилиб маслаҳатлар қилмайма,  
Қариндошни кўкайига олмайма,  
Худо тақдир қилган кўради тўйни,  
Яхшиликка қариндошу оғайни,  
Тўй дегангага бориб айтиб келмайма?!  
Юсуф, Аҳмад, қуллуқ бўлсин, қариндош.  
Ҳар тарафга яхши хатни битмайма,  
Дўст-дushman айрилди деб айтмайма.

Яхшилик кунида тоза отамлаб,  
Журинг эса, деб ияртиб қайтмайма,  
Шону шавкат қуллуқ бўлсин, қариндош.  
Юрагима солдинг қайфуман армон,  
Гапларинг, қайтайин, дардима дармон,  
Мунда келиб уйли, жойли бўлибсан,  
Қаллиққинанг қуллуқ бўлсин, Юсуфжон.  
Билла<sup>1</sup> кепти Аширбек сардорингиз,  
Ияришиб келибди сапbekларингиз.  
Қуллуқ бўлсин Гуласалдай ёрингиз,  
Қайн юрting қуллуқ бўлсин, Юсуфжон.  
Шерўхшайди<sup>2</sup> ҳамма қомат бўйингиз,  
Юракдан кетгай-да қайfu, ўйингиз,  
Икковгинанг қўша қари, Юсуфжон,  
Қуллуқ бўлсин мунда қилган тўйингиз.  
Улмай кўрдим, кетди юракдан дардим,  
Ҳар жойда юрсанг ҳам сенсан қувватим.  
Мунда келиб иззат, обрў топибсан,  
Ховли, ватан қуллуқ бўлсин, фарзандим!

Ана, энди Ҳожар ойим хотин битганни олиб, ул ҳам чиқиб кетиб эди, Бўзўғлонхон подшонинг хотинлари кетида эди. Лолагул очилгандай бўп, худди қизғалдоқдай гул очилгандай бўп, Бўзўғлонхон подшонинг хотини олдига чиқиб, қудағай кепти, деб танга-тилла бошидан чочиб келаяпти, одам битган ер сермаслаб шундай бешта-ўнтани киссасига солиб келаяпти. Ориқ одамлар оёқ остида йиқилиб: «Вой-вой қовурғам синди», деб одамлар ўтиб кетгандан кейин ўттиз-йигирмата тиллани киссасига солиб келаяпти. Булар ҳам уйтиб-буйтиб ўрдаға етди. Гуласал ойимнинг шўхлиги тутди: сапчиб турган зўр қизларга корсон-корсон унни кўтартди. Ойимларнинг куймучи қоп-қора бўп чарчаб келаётган (эди). У элда мундайчанги қоида йўқ экан, бу қоида ўзбакда бор экан. Шу маст қизлар келаётганларнинг оғзи-бурнига бир унтиқмоқчиликни қилди, худди оқ салла ўраган мулла билан эшонга ўхшаб қолди хотин битканнинг бари. Бўзўғлонхон подшо бу ишни кўриб, оғзи очилиб, бу не касм, деди. Бир йигирма-ўттиз корсон унни буёқча ҳам опкеп турган экан. «Ана бу, шу касм, деб одам биткан-

<sup>1</sup> Бирга.

<sup>2</sup> Шерга ўхшайди.

нинг оғзи, бурнига унни тиқаверди. Бўзўғлонхон подшо худди тегирмонни тозалайдиган гардхўрга ўшаб қолди. Аширбек сардор айириб олди. Бўзўғлонхон подшонинг бу ишга гартақ кўнгли намланиб қолди. Тафина бир қоидада бор экан, қўшқулдоққа сомон солиб, олов қўйиб, сомонни тутатиб, калласига қалайдиган ҳам бир расми бор экан. Бўзўғлонхон подшо қараса, сап одамшавандаларни пастда сомонни тутатиб, калласига қоплаб ётириб. Ота-бобомиздан қолган касм деб.

Бўзўғлонхон подшо Эралихон подшога эланди. Эралихон подшо айтди:— Ота-бобомиздан қолган қоидани мен йўқ қилолмайман. Ҳали сизга ҳам тутатади,— деди. Бўзўғлонхон ўзбакнинг бу қоидаси ёмон экан, деб қўрқиб турди. Шунда «Подшо бўлсанг, ўзингга подшосан-да, ота-бободан қолган қоидани йўқ қиласанми, таомил бизда шул», деб бешта-ўнтаси уймалаб келиб, от тўрвани тутатиб, бурқиллатиб Бўзўғлонхон подшонинг тумшуғига тутди. Бурнидан тутун кетди, ёмон жонидан ўтиб кетди подшонинг. Юсуфбек чолиб кеп айириб олди, Бўзўғлонхон подшо ўлай деб қолди.

Бўзўғлонхон подшо айтди. «Шу тутатганинг ёмон экан, ун тиқсанг тузук, барака топкур қудалар, тутунингди олиб келма бу ерга. Кўпларнинг бетларини ис босиб қолибди, кўп тутанибди. Ундан кейин болаларга тутатганинглар чарчаб келган»,— деб сувни иситишиб олиб келиб, ҳаммасининг қўл-бетининг унларини ювдириб, тозалаб артди. Кула-кула одам битганнинг ичи қотди. Ҳамма одам келиб Бўзўғлонхон подшога қуда, деб салом берди. Эркакларини Нодирбек жой-жойига ўтқазди, аёлларини Ҳожар ойим жой-жойига ўтқазди. Ана қуда-қудағайдай бўлди. Ҳаммасига дастурхон ёэзб, сувнинг ўрнига шарбат, асал билан қанди навот, зиёфат устига зиёфат, аёлга аёл кийим, эркакларининг ҳаммасига Эралихон подшо тўнларни қават-қават қилиб ёлаверди. Урганч элида бир дараҷада равшанлик пайдо бўлди. Юсуф билан Аҳмадбекнинг, Аширбек сардорнинг энди кўнгли тўлди. Эралихон подшо «Шаҳримдан кетгунча подшолигимни Бўзўғлонхонга бердим. Кунда Бўзўғлонхонга салом берасан. Мен хизматкорман», деб жарчи қичқиртди.

Ана, энди шу хушвақтликда кундуз куни кўпкари, тўй, кечаликка созанда, дуторчи, оҳанггар, суханглар сўз айтади. Худди қиёматда ўн тўрт ошиқнинг тўйидай бўлди. Шу кайфда уч ой ўтди. Бўзўғлонхон подшонинг юрти эсига тушиб кетди. Юсуфбекка айтди:— Юсуфжон,

мен, чирофим, кетаман. Одамларингни бир олдимдан ўткаргин, дўсту душманни сенга айриб бериб кетайин.

Бўзўғлонхоннинг олдидан азвал Юсуфбекнинг қирқ йигити ўтди. Бўзўғлонхон айтди:—«Бунинг кўнгли кўнглингдан чиқар экан». Мирза Маҳмудни ҳам ўткари. Мирза Маҳмуд Бўзўғлонхоннинг олдидан минг бодгирлик билан ўтди. Бўзўғлонхон подшо Юсуф билан Аҳмадбекка қараб бир сўз айтаверди:

Бахти қаро йигит юрар пиёда,  
Рисқи улуғ даврон сурар дунёда,  
Қирқ йигитинг ўзингдан ҳам зиёда,  
Қирқ йигитинг қуллуқ бўлсин, Юсуфжон.  
Орифингнинг билмаганин билдиргин,  
Бўйнига ғул соп кўчада елдиригин,  
Шу хизматкор душман экан ўзингга,  
Мени десанг, шу қулингни ўлдиригин.  
Ўзи ориқ экан, кўзи кўккина,  
Кўзлари ёмондир, шуни ўлдиригин,  
Бошингга балодир, шуни ўлдиригин.  
Ўзи қотма келган, ранглари қонсиз,  
Гўзалшоҳдан кепти ўзингга жонсиз,  
Тузни ҳақламайди ўзи имонсиз,  
Бошингга балодир, ўлдир, Юсуфжон,  
Кўзлари оладир, ўлдир, Аҳмаджон.  
Афтига қарайман, кўп бадбаҳт айёр,  
Буюрсанг ҳар ишга бўлади тайёр.  
Феъли ёмон экан, ўзи кўп маккор,  
Мени десанг бу қулингни ўлдиригин,  
Бошларингга бало бўлар, Аҳмаджон,  
Бир кун бошга хўрлик солар, Юсуфжон.  
Ваъда қилиб Миср элдан келганди,  
Баттолликман шул хизматкор бўлганди,  
Бу бадбаҳтнинг қилган иши ёлғонди,  
Бошингга балодир, ўлдир, Юсуфжон.  
Сирри ҳолу ҳарна феълинг билганди/r/,  
Гўзалшоҳдан ваъда қилиб келганди/r/,  
Гўзалшоҳдан кўп нарсани олганди,  
Ҳийламан сени хомтаъма қилганди/r/,  
Икковингга иноқ маҳрам бўлганди,  
Туз ҳақламас, маҳрамлиги ёлғонди/r/,  
Бошингга балодир, ўлдир, Юсуфжон,  
Кўзлари оладир, ўлдир, Аҳмаджон.  
Қаҳрабодай сарғайтирас юзингни,  
Жатта душман босган сенинг изингни,

Армон билан банди қилар ўзингни,  
Қайтарма, чироғим, асло сўзимни,  
Авлиёча билгин менинг ўзимни,  
Бошингга балодир, ўлдир шу қулни,  
Кўзлари оладир, ўлдир шу қулни.

Ана, энди Мирза Маҳмуд Юсуфбекни, Аҳмадбекни иситиб қўйиб эди. Бирдан буларга Бўзўғлоннинг гапи қаттиқ тегди. Юсуфбек Бўзўғлонхон подшога қараб, айттадиган сўзини айтди:

Меҳмон киши шундай туҳмат қиларми,  
Ёлғонман кишига савдо соларми,  
Айнибсиз, тоғажон, энди гапирманг,  
Бир қулдан кишига душман бўларми?!  
Қатта одам шундай гапни айтарми,  
Қетарида норизо бўп қайтарми,  
Бир қулдан кишига душманлар бўлиб.  
Нону ошини еб, хизматлар қилиб,  
Бир қул ҳам одамни байлаб кетарми,  
Миянгиз айнибди, сўзни сўзламанг,  
Шундай вали ношар<sup>1</sup> ишни қиларми,  
Авлиёнинг пири айниб қоларми,  
Имонини ҳам гавҳарга алишиб,  
Шундай яхши одам савдо соларми,  
Бир қулдан кишига душман бўларми,  
Ақлингиз айнибди, сўзни сўзламанг.

Юсуф айтди:— Тоға, биламан феъл-авторингизни. Ердан чиққан, осмондан тушган балони даф этаман. Менинг яхши кўрган одамима сатта сўз айтдингиз. Шуни менга айтдингиз, уч соатда Исфиҳон шаҳрингизни олиб қўяман. Бўзўғлонхон подшо яна бир сўз айтаверди:

Юсуф болам, олдингиздан кетганда,  
Гўзалшоҳга шул кўккўзинг етганда,  
Лашкар оп кеп, сизни бойлаб кетганда...  
Оғир лашкар мунда олиб келганда,  
Баданингга аччиқ қамчи чолганда,  
Чўкирликда яланг оёқ елганда,  
Сўнгги пушмон наф бермайди, Юсуфжон.  
Оёғингни чағир тошлар тилганда,  
Кўлинг бойлаб от олдига солганда,

<sup>1</sup> Ношарний.

Йўлбарсдай ингриниб яёв елганда,  
Айтган гапим фойда бермас, Юсуфжон.  
Полопондан зор йиглашиб ўтганда,  
Ой ботгандай бўлиб йўқ бўп кетганда,  
Гулдай баданингга қамчи чотганда,  
Қизил қонинг оёғингдан оққанда,  
Мирза Маҳмуд тузингни еб, хўб боллаб,  
Ўрталиқда неча тоғдан ўтганда,  
Гўзалшоҳга меники деб етганда,  
Айтган гапим гавҳар билгин, Юсуфжон.  
Ҳозирча дўст бўп уйингда ётар,  
Бир кун келиб Миср шаҳрига кетар,  
Оғир лашкар олиб келиб Мисрдан,  
Икковингни банди қилиб оп кетар,  
Бу сўзлар қулоқда турсин, Юсуфжон,  
Банди қилар Чўкирлининг дашига,  
Рози бўлган хизматкоринг ишига,  
Байлаб олиб армон билан, Юсуфжон,  
Олиб борар Гўзалшоҳнинг қошига,  
Ихтиёр ўзингда энди, Юсуфжон.

Юсуфбек:— Тоға, таги гапирдингми? Энди қандай қи-  
лай, меҳмонсан. Меҳмон бўлмасанг, ҳаққинг бор эди,—  
деди. Бўзўғлон айтди:— Лекин соянгни сен демай кета-  
ман. Юсуфбек айтди:— Билиб қўювдим. Исфиҳондан  
оғуйли қилиб ҳайдаганингдан. Араб ўчини қирқ йилда  
олибди, деганакан. Ахир ўлмасам, навбат берарсан-да!  
Бўзўғлонхон айтди:— Ҳўп қиласан, мўлтонидан ботир  
чиқса, чотирини талармиш, деган ота-бободан қолган гап  
бор. Сен йигит бўлиб, ахиринима қилмоқчи эдинг? Сени  
кучинг менга етди.

Ана, энди Бўзўғлоннинг сўзи ҳам ўлди, ўзи ҳам ўл-  
ди. Хотин, бола-чақасига қарамай, отига миниб, соқоли-  
дан ёши тўкилиб: «Хай, аттанг-а»,— деб Исфиҳон шаҳ-  
рига кетди. Хотин, бола-чақалари ҳам, аскар беклари  
ҳам ҳаммаси кетди. Кўнгли Юсуф билан Аҳмадбекдан  
қаттиқ қолиб кетди. Олти ойда ҳаммаси соғ-саломат Ис-  
фиҳон шаҳрига етди.

Улар элида юраверсин, энди сўзни Мирза Маҳмуддан  
эшитмоқ керак. Мирза Маҳмуд Юсуф билан Аҳмадбек-  
нинг юриш-туришини, ҳар ёқдан келиб, Урганч элни лаш-  
кар қамаб олишини қўнглига мулк қилди. Ана, энди кўнг-  
лини дилжам қилгандан кейин бет-қўлини юваб, беклар-  
нинг ройифа қараб, кунда бетаҳорат намоз ўқиғувчи эди.  
Ана намоздан фориғ бўлди, кунчиқиб ёруғ бўлди. Юсуф

**БИЛАН АҲМАДБЕККА ҚАРАБ. МИРЗА МАҲМУД БИР СЎЗ АЙТАВЕРДИ:**

Улгунимча сизга, тақсир, айтаман,  
Оллони ишини ўзим қайтаман.  
Гўзалшоҳга катта хазина йифдим,  
Гавҳар, жавҳар яширувдим бир жойга,  
Жавоб беринг, мен Мисрға кетаман.  
Гавҳар, жавҳаримни олиб келаман,  
Олиб келиб хазинангизга соламан,  
Чин кўнглимдан сизга хизмат қиласман,  
Қовли, анжом солиб беринг, Юсуфжон,  
Гақдир қилса, сулув қиздан оламан,  
Улгунимча сизга хизматкор бўламан.  
Бориб келиб бўлкилламай ётаман,  
Сизи билан овга, ёвга кетаман.  
Олиб келиб қимматбаҳо тошларни  
Ўзингизга тортиқ қилиб тортаман,  
Гавҳар, жавҳарларим тушди эсимга,  
Жавоб беринг Миср элга кетаман.  
Эсга тушиб, мен йўқотдим ҳушимни,  
Мен сизга дов тиккан қора бошимни,  
Хўп кўрдингиз менинг қилган ишимни,  
То ўлгунча мен хизматкор, Юсуфжон,  
Олиб келай қимматбаҳо тошимни.

Дунё қурсин Юсуфбекни элитди,  
Оп келган сўнг ўзимники деб айтди,  
**Тез келгин Мирза Маҳмуджон деб Юсуфбек**  
Бу бадбахтни Миср элга жўнатди...  
Томошайланг Мирза Маҳмуд ишига,  
Ҳар ким ўз элига, қариндошига,  
Хўп ишни боплаб олиб шум ният,  
Йўл юради Полопоннинг дашига.  
Мирза Маҳмуд йўлда жонларин сотди,  
Урганч элнинг сирини билиб кетди,  
Кечаси юлдузга қараб адашмай,  
Кеча-кундуз тинмай қистаб йўл тортди.  
Ўлмаса шум ният охир келади,  
Ҳийлачи тарафга савдо солади,  
Хушвақт бўлиб ҳали қайтади шул бадбахт,  
Кеча-кундуз тинмай юриб келади,  
Тоғ ора юрганинг жонин олади,  
Жабр қилиб отин, ўзин жонига,  
Гоҳи тоғдан чўлга тушиб келади.

Кечакундуз демай қистаб йўл тортди,  
Тоғ санасанг, ўн икки ойлик йўл бўлар,  
Кечакундуз олтой юриб чўлларда,  
Гўзалшоҳ олдига жумийиб етди.

Ана, бориб Мирза Маҳмуд Гўзалшоҳ подшога қараб:  
«Варринг»,— деди. Гўзалшоҳ подшо: «Арқон эшган кар-  
ринг»,— деди. Яхшилашиб гаплашди, Ана, Гўзалшоҳ под-  
шо Мирза Маҳмудга ўрин берди. Мирза Маҳмудга қараб,  
сўз бошлаб, бир сўз айтаверди:

Қўплар сўраб юрдим сенинг ортингди,  
Эсон-омон кўрдинг Миср юртингди.  
Лот худойга шукур айтай, чироғим,  
Улмайгина кўрдим ойдай бетингди.  
Зиёрат қиласман босган изингни,  
Улмайин эшитдим таги сўзингни,  
Лот худойга назир-ниёзлар бериб,  
Эсонликда кўрдим таги ўзингни.  
Қўрганингни менга айтгин, қаддингдан.  
Кечалари уйқу қолиб кетибди,  
Сенинг ишқинг юрак-бағрим чертибди,  
Кўп ҳаяллаб кетдинг тараф қўлида,  
Кетганингга нақ икки йил ўтибди.  
Улмайгина мен эшитдим сўзингди.  
Ёруғ дунё билдирайди кўзимга,  
Мен айтганда, сен ишондинг сўзимга,  
Қаттиқ хизматима кетдинг, чироғим,  
Қўрганингни айтавергин ўзимга.  
Оманатдир, жонгинангни қийнадинг,  
Нима гапни фикр қилиб ўйладинг,  
Мирза Маҳмуд, жоним, хизматим қилиб,  
Ростин айтгин, зўр хизматни найладинг?  
Ҳар шаҳарда насва тортиб юрдингма,  
Улмайгина мендай шоҳни кўрдингма,  
Тарафнинг олдида кўп вақт турдингма,  
Ваъдалашиб қаттиқ кўнгил бердингма?!  
Қўрганингни бир-бир айтгин ўзима,  
Аҳволинивой қилиб келдингма,  
Юриш-туришини, қўргонларини  
Урганч элни хўп оралаб кўрдингма,  
Қўрганингни айтиб бергин ўзима.

Ана, Мирза Маҳмуд жойидан туриб, Гўзалшоҳ под-  
шога қараб таъзим қилиб кулиб, қўлини кўкрагига олиб,

кўнглига неча гапларни солиб, бир сўз айтаверди. Ана, Мирза Маҳмуднинг Гўзалшоҳ подшога қараб айтаётган сўзи:

Худоё, гирдимдан кетгай-да туман,  
Зўракан Юсуфман Аҳмадбек ёмон,  
Кўрганимни айтаверай мен сизга,  
Афсар девча Аширбек, подшожон.  
Душманларни юрак-бағрин эзади,  
Урушда отлари думин сузади,  
Агар бир мингчаси келса ўзбакнинг,  
Миср элни тўс толқон қип бузади,  
Бежой ёмон Юсуф билан Аҳмаджон.  
Мингчаси тўс толқон қиласр элингни,  
Келса сўлдиради тоза гулингни,  
Йигитлари бари Рустамча бордир,  
Юсуф ўзбак охир олар элингни.  
Улар келмай ёйиб юбор заҳрингни,  
Тараадди қип, дарров кўрсат қаҳрингни.  
Аширбек сардори бўз отга минса,  
Элликчаси олиб қўяр шаҳрингни.  
Бири Рустам, бири Барзуча бордир,  
Юсуф билан Аҳмад ўғлон кўп ёмон,  
Ўзбаклар бермайди душманга омон,  
Синсиласи ҳайбат, ҳашами катта,  
Юсуф билан Аҳмад кўп чўртта ёмон.  
Келса вайрон қиласр Миср шаҳрингни,  
Жонингнинг ҳийласин қилгин, подшожон,  
Ҳақ калимасига солар тилингни,  
Қора қилиб қўяр беклар ҳолингни,  
Аширбеки келса қирқ йигити билан,  
Яксон қилиб кетар Миср элингни,  
Ҳайдаб кетар булкуллаган молингни,  
Жонингнинг ҳийласин қилгин, Гўзалшоҳ,  
Юсуф ўзбак ахир олар элингни.  
Бойлайди ўзбаклар ахир баҳтиңгди,  
Шу ҳозирда ўйнаб-кулар вақтиңгди/r/,  
Бўз отини миниб Аширбек келса,  
Юсуф билан Аҳмад олар тахтиңгди.  
Аҳмади — шер, Юсуф йўлбарсча бордир,  
Менинг ўзим қайтай жонларим сотдим,  
Қўрқа-қўрқа Урганч шаҳрига етдим,  
Қўрқанимдан мурутларим олдириб,  
Сочларима ўткир паки солдириб,  
Оқ дакадан салла қилиб бошима,

Юсуфман Аҳмаднинг олдига етдим.  
Салом бериб, таъзим қилиб уларга,  
Панти<sup>1</sup> бериб неча сўзлардан айтдим,  
Кечасиман тосқур қилиб иситдим,  
Қанча бўлса шунча Урганчда ётдим.  
Қўп гаплашиб едим ошу тузини,  
Қўриб келдим душманингнинг ўзини.  
Ёмон ўткир билдим икки кўзини,  
Оғир лашкар юбор Урганч шаҳрига,  
Банди қилгин шу ўзбакнинг ўзини.  
Қулоғинг қўй Мирза Маҳмуд тилига,  
Ов қип чиқар улар Ҳовдак қўлига,  
Энди гапни калта қиласай, подшойим,  
Сарбоз юбор дин Хоразм элига.

Ана, энди Гўзалшоҳ подшо:— Мирза Маҳмудга инъом-эҳсон олиб келинглар,— деди. Мирза Маҳмудга жуда яхши сарпойлар, лаълу маржон, тиллалар берди. Уларни олиб Мирза Маҳмуд димоғи чоқ бўлиб қолди. Гўзалшоҳ подшо карнай-сурнай тортириди, бутхонасида қўнгироқ урди. Сарбоз битган кўча-кўча тўлиб келди. Кўкча деган бир созандаси бор эди. Гўзалшоҳ подшо тўқсон олти минг сарбозга катта қилиб, Кўкча билан Мирза Маҳмудга қараб, бир сўз айтаверди:

Мирза Маҳмуд Урганч элга борибди,  
Бориб туриб ҳарна борин билибди,  
Душманимни сирин олиб келибди,  
Кетганига нақ икки йил бўлибди.  
Кўкчажон, боринглар Урганч элига,  
Ҳаял қилмай боринг қистаб кетинглар,  
Урганч элга — Хоразмга еtingлар.  
Мирза Маҳмуд йўл бошловчи бўлганда,  
Юсуфман Аҳмадни байлаб қайтинглар,  
Кўкчажон, боринглар Урганч шаҳрига.  
Сарбозларни шаҳариға дўндиринг,  
Қам куч ила мусулмонни кўндиринг,  
Ёппа боринг дин Хоразм шаҳариға,  
Юсуфман Аҳмадни байлаб келтиринг.  
Улдирмайин байлаб онглар ўзини,  
Үйиб ташламанглар тағи кўзини.  
Хулкардайин тўп-тўп жўнанг, сарбозлар,

---

<sup>1</sup> Панд, алдов.

Байлаб келинг тарафимнинг ўзини.  
Сарбозни жўнатинг тоғлардан оша,  
Етти йилдир дардим дардга улаша,  
Қўкчажоним, боринг Урганч элига,  
Ўлдирмайин байлаб келинглар икковин,  
Аҳмадман Юсуфни қиласай томоша.  
Сарбозларни ҳайдаб тинмай эндиринг,  
Уруш бўлса пўлат найза синдиринг,  
Байлаб келиб Юсуф, Аҳмад йўлбарсни,  
Бир кўрсатинг ўлдирмайин ўзима,  
Душманимдан кўнгилимни тиндиринг.  
Сира азоб берманг таги бекларга,  
Банди қилгандан сўнг отга миндириб,  
Эсон-омон ўлдирмайин келтиринг.  
Талаб кенглар бориб Урганч юртини.  
Тубо-туб бузинглар иморатини,  
Юсуфман Аҳмадни банди қип опкеп,  
Гўзалшоҳни кеткаринглар дардини.  
Бойлаб кенглар Урганчнинг бекзодини,  
Гўзалшоҳнинг опберинглар лотини,  
Қаддингдан кетайин, сарбозбошилар,  
Ўлжа олганларинг ўзинг олавер,  
Ийўқ қип келинг шаҳри Урганч юртини.  
Олиб келиб Юсуф билан Аҳмадни,  
Подшойингнинг кеткаринглар дардини.  
Душман қурсин, эсларимни шоширдим,  
Мирза Маҳмуд оёғига бош урдим,  
Эсон-омон бориб кенглар, сарбозлар,  
Боринг, сизни лот худойга топширдим,  
Қўкчажон, сарбозни сенга топширдим.  
От қўйиб боринглар Урганч шаҳрига,  
Сарбоз урушади карнай наҳрига,  
Лот худой ҳаммангдан бўлсин хабардор,  
Ёппа боринг Ўзбакистон шаҳрига.  
Талотўп қинг Туркистоннинг элини,  
Қон қип келинг Урганч элнинг чўлини,  
Қаддингдан кетайин, сарбозбошилар,  
Бойлаб кенглар икки бекнинг қўлини.  
Ихтиёри бердим ўзларингизга,  
Бориб талаб кенглар Урганч элини.  
Ҳар тарафдан сарбоз келиб жўш бўлди,  
Сарбозбоши бир-бирига дуч бўлди.  
Ишнинг ўзи ёмонига айланди,  
Лашкар жўнар бўлди дин Хоразмга,  
Кўкча билан Мирза Маҳмуд бош бўлди.

Бир неча одамлар бехабар сўзлар,  
Мард йигит душманнинг юрагин тузлар.  
Маст бўп кетиб ногораман карнайга,  
Чоппаочоқ бўп ўйнайверди сарбозлар.  
Миср эл одами йифин бўп етди,  
Пайғамбарин, худойини ёд этди.  
Хотини олдида бир кун ётмайин,  
Мирза Маҳмуд феъли ёмон, такаббур,  
Лашкар олиб Урганч элига кетди,  
У бекларни ўлдиринглар дейишиб,  
Омин деб фотиҳа юзига тортди.  
Қуртдай қайнаб, чўқдай яшнаб сарбозлар,  
Қўкча, Мирза Маҳмуд туғи остида  
Ҳам кечаси, ҳам кундузи йўл тортди.  
Олти ой чўлларда юриб ғанимлар,  
Олти ойда Асқар тоққа етишди.  
Қўзи кўм-кўк бўлиб бўғнин бўшлади,  
Отлилари вақтларини хушлади,  
Хуфтон чоғи Асқар тоғда сарбозлар,  
Овқат қилмоқлиққа юкин ташлади.

Ана, энди булар бу ерда ётди, эртан билан тонг отди.  
Ана, энди Мирза Маҳмуд тоғларнинг, йўлларнинг ҳаммасини хатга олиб кетган экан, ўқиб кўриб билди: Урганч элига келиб қолибди. Дарров сарбозларни сойнинг ичиға тушириди, ҳар дарасига ўн минг, йигирма минг сарбозни биқтирма ташлаб кетаверди. Қирқ минг қўшинни Гургон дарёсининг бошига ташлади. Кўкча қирқта манман деган полвондан айириб олди. Ҳовдакнинг кўлида, Чўқирлининг чўлида, Қора камар деган бир камар бор эди, Юсуф билан Аҳмад овга келадиган йўлни пойлаб ётаверди. Ана, энди овга булар беанжом келади, деб чоппа-чоқ бўлиб, булар бу ерда ётаверди.

Энди сўзни Урганчдан эшитмоқ керак... Эралихон подшонинг жаннатга ўхшаган бир гулшан чорбоги бор эди. Унинг отини Гулчорбоғ дегувчи эди. Гуласал ойим уч юз олтмиш канизи билан Урганчдан чиқиб, Гулчорбоқча борар эди. Дин Хоразмдан Лаълихон ойим — Юсуфбекнинг энаси, Оқбилак ойим — Аширбекнинг хотини, Қалдирғоч ойим — бекларнинг синглиси, Хоразмнинг азизи, олдида неча сулув қизи Хивадан, Савракдан Ойхон, Кунхон, Ноидирбек сulton — ҳамма бекларнинг хотини Гулчорбоқча келар эди... Ҳаммаси ўйнашиб, ҳазиллашиб, бирор-бировини муччилашиб, белидан сиқиб ушлаб олиб, кулишиб намозгар-намозгар бўлганда, ҳаммаси чарчашиб уй-уйига

кетар эди. Икки кундан бери булар келади, І'уласал ойим келмайди. Қалдирғоч ойим чечагинасини соғиниб, кунда шу чорбоққа бориб қайтар эди.

Ана, энди булар бу ерда тураверсин, энди сўзни Гуласалдан эшитмоқ даркор. Юсуфбек Гуласал ойимга: «Ҳар ишга уйғотмагин, уйқум ҳаром бўлади, намознинг вақти бўлса, уйғотасан»,— деб айтар эди. Шу куни иккови гулдай бўлиб, тўшакда буралиб ётди. Ярим кеча бўлганда, Гуласал ойим ухлаб туш кўрди. Тушида бир ёмон иш кўрди. Жойидан қўрқиб тура келди. Шундай туриб қараса, тўшакда ётириб. Юсуфбек пиш-пиш этиб ухлаб ётириб. Гулойимнинг юраккинаси ўртаниб кетди, тушидан қўрқиб уйғотай деса, кун бемаҳал, уйғотмай деса, тушидан қўрқади. Ночор Гуласал ойим кашта тикиб ўтирибди.

Ана, энди бу кашта тикиб шу ерда ўтираверсин, «келишмаганинг келини дўнг қўяр эмиш», деганакан. Ана, Аҳмадбек шу куни қирқ йигитлари билан ичди майни. Бариси думини қайтарган масти бўлди. Аширбек ҳам масти бўлди. Аҳмадбек отини мина солиб, мастилик билан кўчага чиқди-кетиворди. Бир жойда ўнгма-сўл бўлиб бораётуб эди, бир яхши иморатда ёрлиқ кўринди. Ана, энди шу ёрлиққа қараб, Аҳмадбек адашганини билиб, бир сўз айтаверди:

Қўллагай бандани қодир оллойи,  
Тавба қилса, тўқилади гунойи,  
Чироқ ёниб турган яхши маконлар,  
Наққошли жой қандай хоннинг саройи?  
Омонат ҳар кимнинг тандаги жони,  
Ўртамасин одамнинг гулдай тани.  
Панжарадан салтанатли иморат,  
Хабар бергин, қандай бекнинг макони?  
Мендай йўлбарс кўчаларда совқотди.  
Санталатли, тиллоларни чоптирган,  
Ховли жойлар, всё, кимнинг иморати?

Шунда Гуласал ойим келиб, «тўрам туриб ўлдириб қўймасин. Бунга жавоб бериб юборай, кетсин»,— деди. Дарвозага қараб, ўзини ўраб, бир сўз айтаверди кўчага қараб:

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Йўлбарсхона, бу ерларда юргагин,  
Ким ҳам бўлсанг, кета бергин йўлингга,  
Кетгин йўловчи, йўлдан қолмагин.

Носоза гапларни айтма тилингга,  
Үйнаб-кулиб юргин ўсган элингга,  
Келган жойинг, билсанг, йўлбарсхонадир,  
Сандирамай кета бергин йўлингга.  
. Уз жонингга ўзинг жабр қилмагин,  
Қўнгил қораликни менга солмагин,  
Ким ҳам бўлсанг, кетабергин, йўловчи,  
Бир бандасан, кет, йўлингдан қолмагин.  
Билмаганинг, тўрам билса, билдира,  
Ханжар билан баданларинг тилдира,  
Йўловчи, кетабер келган йўлингга,  
Тўрам билса, армон билан ўлдира.  
Оқизади кўздан милдир ёшингни,  
Кучукларга тортиради гўшингни,  
Келганингни тўрам билса, йўловчи,  
Армон билан кесиб ташлар бошингни,  
Кет-кет, йўловчи, йўлдан қолмагин.  
Сулувни кўрганда кўзинг тўсила,  
Фалокат босганда йўлинг тўсила,  
Ким ҳам бўлсанг, кет йўлингга, йўловчи,  
Арслонгинам турса, сени ўлдира.  
Филофдан ханжарни яланғочлайди,  
Биров десам, ҳайбатини бошлайди,  
Йўловчи, кетабер келган йўлингга,  
Тўрам билса, сизни чопиб ташлайди,  
Кета бер, йўловчи, йўлдан қолмагин.

Аҳмадбекнинг пича мияси жойига келай деди. «Биз-  
лардан ҳам зўри бор экан-да бу элда»,— деди. Ана, Аҳ-  
мадбек аччиғланиб бир сўз айтди:

Узинг кимсан, бизлар Урганчнинг зўри,  
Мададкори ҳамиша қўл берган пири.  
Шанқиллайсан, уйда туриб ким бўлсанг,  
Мен бўлламан бек Юсуфнинг жигари.  
Бўлгани йўқ кўнгилимди ҳаваси,  
Сира йўқди айтган сўэинг давоси.  
Талтаясан кетавер деб, ким бўлсанг,  
Отим Аҳмад, мен Юсуфнинг укаси.  
Тўкилар душманнинг кўзидан ёши,  
Ҳуй тортади Ҳафтагорнинг дарвиши.  
Хабар бергин, Юсуф оғам уйдами,  
Мен бўлламан Юсуфнинг эмчакдоши.  
Кенгаш келса, уруғли эл уйдами,  
Сулув қизлар чилдирмали тўйдами.

Биласанми, менинг акажонимни,  
Урганчдаги Юсуф оғам уйдами?!

Ана, энди Аҳмадбек мастилик билан айтди бу сўзни.  
Гуласал ойим бу сўзни эшишиб, дарвозани тешигидан қаради.  
Қараса, Аҳмадбек қайниси. Қетабер деганига уялиб, ўйланиб кетига қараб қайтди, Юсуфбекнинг олдига етди. Энди Юсуфбекка қараб, Гуласал ойим бир сўз айтди:

Ўйлаб турсам, ишим уят бўлибди,  
Эр йигитлар илдам отни елибди.  
Ўйқудан кўзингни очгин, шотўрам,  
Тун ичида азиз меҳмон келибди.  
Мен эшиждим меҳмонимнинг сўзини,  
Ўзим томир билдим унинг ўзини.  
Ўйқудан кўзингни очгин, шотўрам,  
Нимколасоз кўриб келдим юзини.  
Худо раҳм айлагай кўзнинг ёшига,  
Ҳайрон бўлдим бу меҳмоннинг ишига,  
Ўйқудан кўзингни очгин, шотўрам,  
Ўйқудан касофат ортар кишига.  
Эштай деб, валламатим, сўзингни,  
Шу одамга томир билдим ўзингни,  
Сийли меҳмон тун ичида келибди,  
Полвоним, уйқудан очгин кўзингни.  
Кўргандан сўнг ичим ғамга тўлибди,  
Ишингга қайлифинг ҳайрон қолибди,  
Ўйқудан уйғонинг энди, шотўрам,  
Гаплашгани яхши меҳмон келибди.  
Эшит, тўрам, қаллифингнинг сўзини,  
Жовдиратди сизга бўта кўзини.  
Катта меҳмон тун ичида кеп қолди,  
Ўйқудан, шотўрам, очгин кўзингни.  
Ҳай-ҳай, шундай тақдири карим,  
Туриб чулдирайман тонглар отмасин,  
Ёмон одам муродига етмасин,  
Яхими, ёмонми меҳмон келибди,  
Очилганда боғдаги гул сўлибди,  
Ўйқудан кўзингни очгин, шотўрам,  
Куннинг ўзи намоз вақти бўлибди.  
Бандасининг сири ҳақقا аёndi/r/,  
Ўлим кўрган биққинини таянди,  
Чучук уйқуда ухлаб ётган Юсуфбек,  
Намоз деди, уйқусидан уйғонди.  
Уйғониб полвонди қочибди ҳуши,

Ҳар савдога кўнар одамнинг боши,  
Аста қаллиғига тиклаб қараса,  
Милдираб тўкилган кўзидан ёши,  
Анча бўлди бек Юсуфнинг койиши,  
Тундаги ёмондир Асалнинг туши,  
Юсуфбек шундайин тиклаб қараса,  
Очгин дейди дарвоза тақиллатиб,  
Чиқаяпти бир одамнинг товуши.

Ана, Юсуфбек шундай қозиқдаги филофдан ханжари-  
ни ялангочлаб, дарвозага борди. Менинг бемаҳал ҳов-  
лимга келган қандай одам экан, деб шундай қараса, Аҳ-  
мадбек укаси. Ана, энди қилични олиб борганига Юсуф-  
бек уялди. Кетабер деганига Гуласал чечаси уялди. Юсуф-  
бек келиб, билдираган киши бўлиб, дарвозани очди.  
Кун ярим кеча. Аҳмадбек кетай деб эди, дарвозани оч-  
са, Юсуфбек акасининг уйи экан. Юсуфбек тикка Аҳмад-  
бекнинг отини ушлади. Кун бемаҳал вақтини хушлади.  
Аста уйига олиб чиқди. Салом бериб, Гуласал чечаси  
жойидан туриб, Аҳмадбекнинг остига кўрпа ташлади.  
Рўмол-пўмол олиб, Юсуфбек акасининг уйига ҳеч борган  
йўқ эди. Қуруқ борганига Аҳмад уялди.

Аҳмадбек акасининг уйига қараса, икки қарчиғай бир-  
бирига тобланиб, чарқиллаб турибди. Юсуфбек Аҳмаджон  
инисига қараб, уялганидан бир сўз айтаверди:

Илдам отнинг ярашиғи йўл бўлсин,  
Кўнгил сўйса, ёрнинг лаби бол бўлсин.  
Бемаҳал келибсан менинг уйима,  
Қўл қанотим, укажоним, йўл бўлсин?  
Юрган жойинг Урганчдайин эл бўлсин,  
Тор бўлмасин, кийган тўнинг мўл бўлсин,  
Кечаси келибсан ватангина ма,  
Ҳимоятим, Аҳмад йўлбарс, йўл бўлсин?  
Ов қилганда Полопонда бел бўлсин,  
Чин сулувда дона-дона хол бўлсин,  
Укажоним, кеча кепсан сўроқлаб,  
Жигарбандим, Аҳмаджоним, йўл бўлсин?  
Турнани ётгани оппоқ кўл бўлсин,  
Қулонни юргани узоқ чўл бўлсин,  
Тун овган сўнг кепсан менинг уйима,  
Ростини айт, Аҳмаджон, сенга йўл бўлсин?

Ана, энди Аҳмадбек қуруқ борганига уялиб, икки қар-  
чиғайди кўриб, Юсуфбек оғасига қараб, бир сўз айтаверди:

Оллога еткай-да банданинг зори,  
Келдик, обод бўлди Урганчнинг шаҳри,  
Ов қилмоққа келдим ўзим, акажон,  
Қуш гўштига ўзим бўлдим хумори.  
Хумори бўп кўрдим, ака, уйингни,  
Бугун кўрдим сени келиб жойингни.  
Фоз, ўрдак гўштига бўлдим хумори,  
Чечажон, тилайман қарчиғайнингни.  
Қочирмагин қоқ миянгдан ҳушиングни,  
Тўкмагин, чечажон, кўздан ёшиングни,  
Ов қилмоққа бўлиб келдим хумори,  
Чечажон, тилайман олғир қушиングни.  
Ёмонга сир айтсанг, элга ёяма,  
Кўп чопилса отнинг ичи куяма,  
Тилаб келдим сенинг бўз тарлонингни,  
Қарчиғайнинг Аҳмадбекдан аяма,  
Бемаҳалда шуйтиб ўзим келаман,  
Баччароқман қилган ишим чаламан,  
Асал чесча, тилайман қарчиғайни,  
Ов қилмоққа хумор бўлиб келаман.  
Санталатлар қилас Урганч элига,  
Илоҳим еткарсин овнинг мўлига,  
Чечажон, тилайман қарчиғайнингни,  
Ов қип келай бориб Ҳовдак кўлига.  
Қийик қувай Чўкирлининг чўлига,  
Ботир ханжар бойлар хипча белига.  
Чечажон, тилайман қарчиғайнингни,  
Тонг отмай борайин Ҳовдак кўлига.  
Қуш гўштига, чеча, хаёлим овди,  
Ёмон одам қилас хархаша, довди.  
Чечажон, тилайман бўзтарлонингни,  
Ҳовдак кўлга қилиб келай мен овди,  
Ов қилмоққа бежой бўпман хумори.

Ана, Гуласал ойим чечаси Аҳмадбекка қараб, бир сўз  
айтаверди:

Ёмғир ёғса, йўлдан тuya тояди,  
Йўқчилик бор, эрнинг кўзин ўяди.  
Баччажон, тиласанг қарчиғайимди,  
Қандай хумса қарчиғайни аяди.  
Сабабман келибсан уйима меҳмон,  
Кўнглингни қилғайсан, баччажон, шодон,  
Тилаб келсанг менинг қарчиғайимни,  
Қарчиғай айлансан сиздан, баччажон.

Подшолар бошига санчади жиға,  
Ёмон одам яхшилардан садаға.  
Тилаб келсанг менинг қарчиғайимни,  
Қүшим тугул жоним сиздан садаға.  
Қочиргайман пичагина ҳүшимни,  
Худойим ўнгарсин қылган ишимни,  
Тилаб кепсан, ов қылмоққа, баччажон,  
Бор, бердим сенга олғир қүшимни,  
Қандай хұмса қарчиғайни аяди.

Аҳмадбек айтди: «Бўл, бўл, Юсуфбек! Хотин қули бўл-  
mal

Миянгни айлантириб ташлайди». Гуласал ойим бечо-  
ра noctor жойидан туриб, тафи бир сўз айтаверди:

Не савдо кўтармас банданинг боши,  
Париллаб учади Ҳовдакнинг қуши.  
Икковингиз катта одам, баччажон,  
Тунда юрмоқлик кazzобнинг иши.  
Қулон ётар Олатовнинг белида,  
Қуш деганнинг бари Ҳовдак кўлида,  
Икковингиз санталатли катта одам,  
Тўғри юрмас, кazzоб юради тунда.  
Урганч элга икковингиз тўрасиз,  
Подшодан зиёд бўўп бунда юрасиз,  
Тун-кеча юрмоқлик қаллобнинг иши,  
Эртан билан Ҳовдак кўлга борасиз.  
Пичагина мизғинг Урганч элида,  
Қулоқ солинг куйгур чечанг тилига,  
Тунда юрмоқлик бадбахтнинг иши,  
Эрта билан боринг Ҳовдак кўлига.  
Тунларда юрмоқлик ўғрининг иши,  
Пича ётинг, сўнгра овга борасиз.

Ана, Аҳмадбекнинг бурнининг учи терлаб кетди, ўз-  
баклиги тутди, Юсуф акасига, Гуласал чечасига қараб,  
бир сўз айтаяпти:

Ҳай аттанг-а, акам деган эканман,  
Нима қылди ўзим қылган эканман.  
Бекор келиб қопман ватангинангга,  
Акам деб уйингга келган эканман.  
Душман тушмас бу дунёда изима,  
Ишонмадинг, сен айнибсан, сўзима,  
Мен акам дебbekор бунда келиман,

Хотининг ёмон гап айтди ўзима.  
Бекор чирқиллаб турибди бўзтарлон,  
Бемаза гаплардан айтди Асалжон.  
Келганлигим куйиб кетди уйингга,  
Миягинанг айнаб қопти, Юсуфжон.  
Келган ўзим, яна қайтиб кетаман,  
Қирқ йигит уйғонмай қистаб етаман,  
Мен акам деб келиб эдим уйингга,  
Сўзим ўлди, бошим олиб кетаман.  
Мард йигит душманни кўзлаб отади,  
Отни чопиб, нимта-нимта этади,  
Қарчиғайни менга бергиси келмай,  
Хотингинанг бекор гапни айтади.  
Бекоргина бунда келган эканман,  
Ўзимни оввора қилган эканман.  
Хотингинанг кўйнимди<sup>1</sup> қолдирди,  
Ҳеч киши билмасин чиқиб кетаман.

Ана, энди Юсуфбек қаттиқ уялди. Шундан кетса, Аҳмадбек бир умрга ака демай кетади. Бу гапнинг ҳеч ҳисоби йўқ бўлди. Гуласал ойим зор-зор йиғлаб, Аҳмадбек-ка қараб, кўрган тушини бир-бир айта берди:

Во, чечанг айлансин, ётиб туш кўрдим,  
Мен тушимда кўп қабоҳат иш кўрдим,  
Эрта билан боринг шикор овига,  
Қўлинг бойли отларингни еталаб,  
Сен пиёда икки отни бўш кўрдим.  
Туши қурсин, табгиrlари кўп ёмон,  
Кўп қузғун Мисрдан давра олиб учди,  
Қанот қоқиб Асқар тогига тушди,  
У қузғунни кўриб ақлим адашди,  
Қирқта қузғун қистаб сенга етишди.  
Вой, баччажон, бормагин Ҳовдак кўлига,  
Ҳаргиз чиқма Чўкирлининг чўлига.  
Шу қузғунлар босди сенинг изингни,  
Сомондай қип сарғайтирди юзингни.  
Икки отинг еталашиб, шул қузғун,  
Банди қилиб ҳайдай берди ўзингни,  
Баччажон, бормагин Ҳовдак кўлига.  
Қарағай рўмолни бошга ўрайин,  
Сочим ювиб, зулғинамни тарайин,  
Баччажон, борманглар Ҳовдак кўлига,

<sup>1</sup> Кўнглимни.

Туши қурсин, табгирини жўрайин.  
Мирза Маҳмуд Урганч элдан кетибди,  
Миср элига — Гўзалшоҳнинг сарбози,  
Қора қузғун Гўзалшоҳнинг сарбози,  
Бурқиллаб ёв Миср элдан етибди.  
Ови қурсин ҳаргиз борманг, баччажон,  
Кўп лашкар келибди Миср шаҳридан.  
Ҳар камарда сизни пойлаб ётибди,  
Ови қурсин, борманг Ҳовдак кўлига.  
Мирза Маҳмуд қуршаб гирдингни тутар.  
Ҳовдак кўлда икковинг бойлаб кетар,  
Қора қузғун сизга келган душманди/r/,  
Полопондан пешин банди қип ўтар,  
Баччажон, бормагин, овинг хатарли.  
Орқангдан чопишиб отдан тер келар,  
Банди бўлсанг, юрагингдан чер келар,  
Мирза Маҳмуд бойлаб яёв ҳайдаса,  
Оҳ тортарсан, бир бошингга зўр келар,  
Баччажон, бормагин, овинг хатарли.  
Бурқиллаб ёв пойлаб ётар изингга,  
Қўзини тўрт қилган сенинг ўзингга,  
Мирза Маҳмуд сизни бойлаб ҳайдаса,  
Пушмонгинанг наф қилмайди ўзингга,  
Баччажон, бормагин, овинг хатарли.  
Омонат, ўйласам, банданинг жони,  
Ҳамроҳ бўлгай мўъминларнинг имони,  
Гоҳи туш раҳмони, гоҳи шайтони,  
Тушман фолнинг бўлмас асли поёни,  
Ихтиёр ўзингда энди, баччажон.

Юсуфбек айтди:— Эй, Аҳмадбек! Бу чечангнинг ҳам айтганини қиласайлик. Эрта билан, лов-лашкар билан овга борайлик. Беш кун-ён кун хўп сенинг мавқингни босиб, ов қилиб келайлик.

Аҳмадбек айтди:— Мен сени шу ёққа ака деб келувдим. Сен хотинингни тушириб олиб, кўнглинг бўлак бўлганини билганим йўқ экан.

Юсуфбек:— Ҳа, бўл-бўл,— деди.— Бўлмади-бўлмадида,— деди. Иккови қўлига чармни кийиб, икки қушни (олиб), отларни яйдоқ-яйдоққина миниб, ҳайт, деб Ҳовдак кўлига кетди. Саҳар Ҳовдак кўлига етди.

Шундай гоз билан ўрдак кўлни тутиб ётган экан. Қарчиғайларни ташлади, ҳеч олмади. Кун чиққунча ов қилиди, шундай олғир қушлар ақалли бир чурракни олмади. Кун ёйилиб қолди. Беклар чарчади. Бир чопонни буклаб-

гина бошга қўйди. Бир чопонни иккови ойқора ёпиниб олди. Чап ёнбош билан ётди, алп уйқуси тутди.

Ана, энди Мирза Маҳмуддан, Кўқчадан эшигинг гапни. Мирза Маҳмуд қирқ полвонга қараб бир сўз айтиверди:

Кечасиман хўп ҳангама қилибди,  
Ўз жонига ўзи жабр қилибди,  
Тиндиинглар Гўзалшоҳнинг кўнглини,  
Ана, жувонмарглар ухлаб қолибди.  
Икковлари елвагай бўп ётибди,  
Нон-насиба бизнинг элга тортибди,  
От қўйинглар, полвонларим, зўрларим,  
Ана, энағарлар ухлаб ётибди.  
Минмасин, кўп зўрдир, яйдоқ отига,  
Хабари етади Урганч юртига,  
От қўйинглар, бойлаб олинг, полвоним,  
Айқич-уйқич қамчи уринг этига,  
Ҳайдаб кетинг Миср мамлакатига.  
Душман битган-барни жонни сотади,  
Мирза Маҳмуд қўлни бетга тортади.  
Хезлашиб салласин қўйнига солиб,  
Сочлари ёлпиллаб югуриб кетди.  
Ҳар ариқдан қуёндайнин бўп сакраб,  
Чўкирлининг чўлига чопишиб кетди.  
Томошайланг Мирза Маҳмуд ишига,  
Аён эди Асалжоннинг тушига,  
Кўкча билан полвонлари югуриб,  
Яқинлашди икки бекнинг қошига,  
Мирза Маҳмуд бежой айёр эканди,  
Савдо солди икки бекнинг бошига.

Ана, Мирза Маҳмуд, Кўкча ғанимнинг менман деган зўр қирқ полвонлари билан келиб, уйқуда ётганда бойлаб олди. Қўлинни тирсагининг баландидан бойлаб, беҳисоб қамчиларни баданига урди. Икки бек шундай кўзини очса, қўли бойловли, юраги доғловли, ўнгми-сўл қилиб ҳайдай берди. Юсуфбек Мирза Маҳмудни кўриб, зор-зор ийғлаб: «Ҳай аттанг, қари кишининг насиҳатини олмоқ дуруст экан»,— деб ўзининг аҳволига қараб, душманларга банди бўлганини билиб, бир сўз айтиб кета берди:

Эгарсиз миндик отларга,  
Банди бўлдик язидларга,  
Насибам тортибди юртларга,

Аттанг-а, армонли бўлдим.  
Минолмай қолдим отларга,  
Мирза Маҳмуд етиб келди,  
Тоғамнинг сўзи рост бўлди.  
Бўзўғлоннинг айтган гапи,  
Авлиёдай бўлиб келди,  
Аттанг, чопишиб ўлмадим.  
Дин Хоразм — Урганч эли,  
Ҳеч бир одам билмай қолди.  
Бўзўғлоннинг насиҳати,  
Шу бугун валидай келди.  
Бунда кеп оғир лашкарман,  
Мирза Маҳмуд бойлаб олди.  
Оёғимни тошлар тилди,  
Қайтайин энди, Аҳмаджон,  
Бу ишлар ўзимдан бўлди.

Бўзўғлоннинг насиҳатин олмадим,  
Шу Маҳмудни зиндонимга солмадим,  
Қуршаб душманларим етиб келганда,  
Отни миниб бир чопишиб ўлмадим,  
Душманларни бўлак-бўлак қилмадим,  
Қайтайин доғ қолди юрак ичидা.  
Қалқонни ағдариб тутмадим юзга,  
Бедовни ўйнатиб чопмадим тузга,  
Армоним кўп қолди, ё зулжалол-а,  
Мирза Маҳмуд душман эканди бизга.  
Ҳай аттанг-а, анжом олиб келмадим,  
Нима бўлсам, уйғоқ бўлиб бўлмадим,  
Кўп ҳасратлар қолиб кетди ичимда,  
Душман билан бир чопишиб ўлмадим,  
Армоним кўп қолди, ё зулжалол-а,  
Ҳай аттанг-а, етим-есир этмадим.  
Ўликларни шоҳдай қилиб чопмадим,  
Мен урушиб муддаома этмадим,  
Қам куч бўлиб банди бўлиб кетмадим.  
Қўзидаи қип тарафни бўзлатмадим,  
Қарсиллатиб шоҳли милтиқ отмадим,  
Ярадор бўл банди бўлиб кетмадим,  
Банди бўл душман қўлида ётмадим,  
Иигитман, армонли бўлдим, худойим.  
Ана Мирза Маҳмуд тушди изига,  
Ёруғ дунё қиёматнинг ўзига,  
Бул ишлар ўзимдан бўлди, Аҳмаджон,  
Гуласалжон айтмовдими ўзингга.

Иифламай қайтайин, гул рангим сўлди,  
Мирза Маҳмуд кўриб қаддим букилди,  
Неча гапни айтиб эди Асалой,  
Авлиёдай чечангнинг туши келди.  
Қора қузғун, қора ғажир, Аҳмаджон,  
Асал айтиб эди неча сўзларни,  
Асалнинг айтгани Хизрдай келди.  
Парин юлган ғажир душманлар бўлди,  
Душманнинг хўрлиги юракни тилди,  
Вой-вой армонли бўлдим, қайтайин,  
Аширбекдай тоғам бехабар қолди.  
Иифламагин, асло қўрқма, Аҳмаджон,  
Ҳамма сўз бекордир, худойдан бўлди.

Ана, энди бундай бўлиб, Мирза Маҳмуд кўнглини бир  
ёқли қилиб, бекларнинг оёғини чўкирлар тилиб, чўллар-  
га, буталарга, дўнгларга, товларга қараб, Юсуфбек бир  
сўз айтиб кетиб бораётир:

Отимни чоқ қиласар эдим,  
Санталатман Урганч элдан,  
Қушни олиб келар эдим,  
Ховдак кўлдан фоз, ўрдакни,  
Добил тўйиб, шунқор қўйиб,  
Фоз, турнани олар эдим.  
Чарчаб, ҳориб оқшомликка,  
Уйгинамда бўлар эдим,  
Мен пиёда устингизда,  
Юрганимни кўрдингларми?  
Сабил бўлди Урганч эллар,  
Нима бўлар танда ҳоллар,  
Сўйлайди оғзимда тиллар,  
Банди бўлиб юрганимни  
Кўрибмидинг бизнинг чўллар?  
Шуйтибгина хўрлик кўриб,  
Юрганимни кўрдингларми?  
Бу ғанимлар банди қилиб,  
Олганини билдингларми?  
Душманларга банди бўлиб,  
Оёғимни чўкир тилиб,  
Давлатим сафана бўлиб,  
Юрак-бағрим қонга тўлиб,  
Язид бадбахт банди қилиб,  
Баданларни қамчи тилиб,  
Тилганини кўрдингизми?

Полопонли болқон тоғлар,  
Юрагим бўп тўла қонлар,  
Кўнгиллар бўлиб вайронлар,  
Давлатим қолди ҳайронлар,  
Энди Урганч эл вайронлар,  
Билсангиз беринглар овоз,  
Кўриб қонглар, баланд дўнглар,  
Ҳар ишни бир олло ўнглар,  
Қамчи тегиб қулоқ чинглар,  
Эсли одам сўзни тинглар,  
От чопилса даштлар чанглар,  
Яхши от эл уриб тонглар,  
Мисрдан келиб душманлар,  
Юрган йўл бўлибди қонлар,  
Банди бўлиб икки жонлар,  
Елганимни кўрдингларми?  
Тўкилар кўзимдан ёшлар,  
Оллога етган нолишлар,  
Зоғу зағал, паррандалар,  
Ҳам какликлар, ғажир қушлар,  
Золимларга банди бўлиб,  
Қетганимни кўрдингларми?  
Ийтираган кўкмак тошлар,  
Аттанг, бўлмади савашлар,  
Банди қип язид бебошлар,  
Бизман бўлиб сирдошлар,  
Полопондан учган қушлар,  
Жавдирашган катта тошлар,  
Гуласал бармоғин тишлилар,  
Душманларим вақтин хушлар,  
Дўланган товларда тошлар,  
Утганимни кўрдингларми?  
Беклар кўп арз айтди денглар,  
Қону зардоб ютди денглар,  
Аширбек сардорим келса,  
Қирқ йигит дўстларим келса,  
Губирлашиб беринг овоз,  
Қўли бойли, яёв бўлиб,  
Дол устиндан ўтди денглар,  
Мирза Маҳмуд банди қилиб,  
Мисрга олиб кетди денглар.  
Чирқилланг, тоғнинг қушлари,  
Бу иш оллонинг ишлари,  
Икки кўзи йўлда бўлиб,  
Аҳмад, Юсуф кетди денглар.

Душманлар ўртага олиб,  
Оёқларин тошлар тилиб,  
Тузим еган Мирза Маҳмуд,  
Қоронғи кунларни солиб,  
Бойлаб олиб кетди денглар.  
Чопинглар деб беринг овоз,  
Бежой узаб кетди денглар.  
Қўнглида кўп бўлди доғлар,  
Уйилди қайтай қовоқлар,  
Жилпиллашган кўк шувоқлар,  
Банди бўлиб хонзодалар,  
Бўздоралаб<sup>1</sup> ўтди денглар.  
Беринг бекларга хабарни,  
Бежой узаб кетди денглар.  
Мирза Маҳмуд мусурмонни қасдига,  
Олқор чиқар тоғнинг баланд-пастига.  
Баландлар тилиниб, қонлар тўкилиб,  
Ҳайдаб чиқди баланд тоғнинг устига.

Ана, энди ғанимлар от қашантирди. Қўкча: — Эй, Юсуф ўзбек, не ерга келдик, — деди. Юсуфбек: — Эй, номард Қизилбош, яхши билан ғаш, оғзингга турпоқ билан тош, қирқ йигитим билан ишкор қилиб, отим терлаб, ўзим терлаб, тоғнинг устига чиқиб, теримни қотириб, дам олиб, тушиб кетар эдим. Шу шамолдан билдим тоғнинг устига чиққанимни. Энди бир кўзимни ечсанглар, бир элим билан розилашиб кетсам, — деди. Шунда душманлар маслаҳат қилиб, бир кўзини ечайлик, деди. Қўкчага Мирза Маҳмуд айтди: — Бир кўзини еч!

Ана, Қўкча отдан тушиб, бир кўзгинасини ечди. Юсуфбек тоғнинг устидан шундай пастга қараса, Ҳовдакнинг кўли, Хоразм, Урганч эли, энаи ғамгузори, Қалдирғоч жигари, Гуласалдай ёри, Оловхўжа, шайхи Шароф пирларининг туғлари, Аширбек сардордай қирқ йигит биродарлари эсига тушиб, товнинг бошида Аҳмадбекка қараб, бир сўз айтаберди:

Оч кўзингни, Аҳмаджоним,  
Дин Хоразм элим қолди,  
Қўлим боғли нолон бўлиб,  
Сабил бўп элларим қолди.  
Очилган гулларим қолди,  
От чопган чўлларим қолди,

<sup>1</sup> Бўзни оралаб.

Чолқиган күлларим қолди,  
Баланд буранган белларим қолди.  
Оч күзингни, чироққинам,  
Урганчдай элларим қолди.  
Сарғайибди ранги рүйим,  
Адо бўлмас менинг гўйим,  
Во болам, деб қиблагойим,  
Дуогўйим Лаълихондай энам қолди.  
Эл кўзидан бўлдим ғойиб,  
Ҳеч ким тополмаган айиб,  
Чопилиб от, бўлмай майиб,  
Банди бўп, жигарим куйиб,  
Вой акам деб сочин ёйиб,  
Қалдирғочдай синглим қолди.  
Қаторда норларим қолди,  
Ғазнада зарларим қолди,  
Қўл очган пирларим қолди.  
Юрагим войимга тўлди,  
Оломон, навкарга берган  
Чиройли сарпойим қолди.  
Ўйнаб даврон суролмадим,  
Хоразмда туролмадим,  
Ўткир қилич, наизаларни,  
Шарбатхонадаги тўнни  
Оломонга беролмадим.  
Оч кўзингни, Аҳмаджоним,  
Қадрдон бекларим қолди.  
Исфиҳондан билла келган,  
Қўшинимга сардор бўлган,  
Ҳам ҳайбатли, ҳам ғайратли,  
Аширбек арслоним қолди.  
Юсуфбек дер: йўқ ҳабибим,  
Дардимга йўқдир табибим,  
Ҳам маҳрамим, ҳам иноғим,  
Кўрганда кетгандай доғим,  
Кўкмак бўп турган чорбоғим,  
Ҳазон бўлди боғча-боғим,  
Гуласал жондай қаллиғим,  
Ўйнаб-кулар ёрим қолди,  
Асалжондай парим қолди.  
Тиклаб қара, Аҳмаджоним,  
Сабил бўп ҳаммаси қолди.

Ана, энди: Айтган сўзинг ҳеч важга ярамайди,— деб  
Мирза Маҳмуд билан Кўкча тоғнинг бошидан йўлбарсдай

ингрантириб, ҳайдаб, эндирираберди. Аҳмаджон Юсуфбекка қараб мардоалик бериб, аввал Юсуфбек, сүғиъ Аҳмадбек бир сўз айтаётир. Юсуфбек душманларга айтапти, Аҳмадбек оғасига ҳам савол, ҳам жавоб:

- Оҳ урсам, танамда қолмайди дармон,  
Ҳеч иш бўлмас оллоҳимдан бефармон,  
Оting босиб, товонларим ёрилди,  
От бошини аста ҳайда, беймон.
- Қулоқ солгин Аҳмад уканг додига,  
Аттанг, минмай қолди бедов отига,  
Хабарим бормади Үрганч юртига,  
Бу ишлар худонинг иши, кўн энди,  
Бўйин қўйгин оллонинг қудратига,
- Киши душман билан бўларми сирдош,  
Улмай банди бўлармикан қорабош,  
Қамчинг тегиб баданларим тилинди,  
От бошини аста ҳайда, қизилбош.
- Биз юрамиз, қон ёғилди изларга,  
Ака, қулоқ солгин айтган сўзларга,  
Сир билдирмай юргин, ака, душманга,  
Раззоқнинг насиби бордир бизларга.
- Билмаганим, золим бадбаҳт, билинди,  
Банди бўлиб ичим кўп дардга тўлди,  
Чулдирашиб қувий бердинг, юзқонсиз,  
Кўп урманглар, зар кокилим юлинди.
- Бесоатда чиқдим Ҳовдак кўлига,  
Қулоқ солма тарафларнинг тилига,  
Гапирмайин юргин, ака, душманга,  
Насва тортган Гўзалшоҳнинг элига.
- Ўлганча сен ўзинг бизиминан ғаш,  
От чопсанг, шивирлар тоғдаги оқ тош,  
Зулм қилиб кўп ҳайдадинг бизларни,  
От бошини суяб ҳайда, қизилбош.
- Нима деса, асло кирма тилига,  
Йўл юрармиш Полопоннинг белига,  
Ҳар дамига шукур қилгин, акажон,  
Бизнинг насва тортган Миср элига.
- Айтган сўзни яхши одам дурустлар,  
Номард одам доим бўлади пастлар,  
Мард йигит душманга бўлади қасдлар.,  
Ўнгиллатиб ҳайдай бердинг бизларни,  
От бошини суяб ҳайда, золимлар.
- Мартабани бергай яратган раҳмон,  
Чопонларим бўлиб қопти қўчқил қон,

Облонинг насиби бордир бизларга,  
Миср элга насва тортган, акажон.  
— Мен адабли, кўпdir менда билимлар,  
Яхшилардан таълим олган олимлар.  
От елдириб бежой қувдинг бизларни,  
Аста-аста ҳайдай беринг, золимлар.

Икки бекнинг ақлини шоширди,  
Душманларнинг кўнгиллари жўш урди,  
Банди қилиб икки бирдай арслонди,  
Сирни билган ёмон экан, ёронлар,  
Полопондан Мирза Маҳмуд оширди.  
Оч камарга, текисловга<sup>1</sup> туширди,  
Кўп чопилиб ич чойдишдай қайнади,  
Икки бекни жонгинасидан қийнади,  
Яланг оёқ ер босмаган бекларни,  
Банди қилиб Мирза Маҳмуд ҳайдади.  
Темирчи ҳа деб уради табарди,  
Ёмон гапга юрак, кўнгил қабарди.  
Отга солмай пайдан бўлган эгарди,  
Дин Хоразм беклари банди бўлиб,  
Юра-юра оёқлари қабарди.  
Банди бўлди, қолиб кетди шавкати,  
Қолди энди элатида иззати,  
Йўлбарсдай ингришиб икки бекбачча,  
Фулдирашиб душман ҳайдаб йўл торти,  
Олти кеча-олти кундуз ўтганда,  
Гургон дарёсига қувалаб етди.  
Етмиш минг саллот ётган эканди,  
Хушвақтчилик қилиб энди душманлар,  
Шодиёна уриб карнайлар торти.  
Чопқиллашиб саллотбоши — катталар,  
Малаҳдай бўп беклар гирдини тутди,  
У ким, у ким дейишиб бир-бирига айтди.

Ана, энди Мирза Маҳмуд, Кўкча, сарбоэбошилар йиғилишиб, Юсуфбекни ҳеч кўзга илмади. Мурти булкиллашиб, кўзи кўкмак зигирнинг гулидай бўлишиб, бирор-бировига қараб чулдирашиб, катталари отдан тушиб: — Э Юсуф ўзбек, сени бизнинг полвонлар бутунлай ютади. Сенинг овозсанг Мисрнинг шаҳрига етган, ол Аҳмад билан Юсуф келди деса, мояги инига кириб кетган. Қўрқоқлари лаҳмча қазиб ётган, ол беклар келди деса, бешикда бач-

<sup>1</sup> Текис ерда.

чалари йиғловни қўйган, етти йилдан бери Миср шаҳри ҳуркунчилик бўлиб ётган, сенинг зарбанг шунча ўтган, қўлингни ечсак, бизларни полвонлар билан олишмайсанми,— деди. Юсуфбек айтди: — Остимда отим бўлганда, қошимда қирқ йигитим бўлганда, кўрардинг-да шу келганинг омон-эсон кетганингни. Ўлик арслондан тирик сичқон авто деган бурунгидан қолган бир нақлиёт бор. Юсуфбек бечора зардаси қайнаб, душманларга қараб, бир сўз айтаберди:

Адрес тўним пора бўлди эйнима,  
Гулдай ёrim ётар эди қўйима.  
Бойловли беклардан не иш келади,  
Олишсанг, душманлар, полвон кейнима.  
Шошмасанг, полвонлар орқамдан етар,  
Оч бўридай бўлиб сени қийратар,  
Ўлигингни силтаб осмонга отар,  
Ҳар тарафга шердай бўп қувиб кетар.  
Шошмасанг, бекларим келар ортимдан,  
Иўлбарсдай инграпиб қирқ йигит етар,  
Кўкмак қиз кўзингдан тўкар ёшингни,  
Етса ўнгармайди ҳаргиз ишингни.  
Ғажирга тишлатиб тортар гўшингни,  
Дўлдай қилиб думалатар бошингни,  
Шошилма, полвонлар келар ортимдан,  
Аширбек сардорим от қўйиб етар,  
Исфиҳон шаҳрингга хабарим кетар,  
Полвонлар ҳолингни қилади батар,  
Иншолло, лашкарингни қийратар,  
Ўлигингни арқон тоқиб судратар,  
Урганч элдан келиб қолса жонларим.  
Ўлигингни жўхоридай сулатар,  
Мени олиб элатима опкетар.  
Шошмагин, шерларим келар орқамдан.  
От чопса, шагирлар тоғларнинг тоши,  
Ажалини пўнгиллаб қолар боши.  
Қарчиғайдай бўлиб лашкарим келса,  
Шошмагин, қип қўяр сенинг ишингни,  
Гуппийма, полвоним келар орқамдан.  
Париллаб учади товларнинг қуши.  
Ҳаққа етгай ҳар банданинг нолиши,  
Ҳар ким дўсти учун тортган койиши,  
Хизир бўлгай эр йигитнинг йўлдоши,  
Лашкарим орқамдан келса, номардлар,  
Бўлиб қолар чин Рустамдай саваши,

Шошмагин, оч бўринг турар ортимда.  
Бул ишлар қайтайин ҳақнинг фармони,  
Жовдулгандай асли қолмас армони,  
Қуртдай қайнаб лашкар келар Урганчдан,  
Гулдирама, сатта бебош армани,  
Шошмагин, полвоним етар орқамдан.

Ана, энди Кўкча айтди: — Бир каттаси сен бўлсанг, сенга хизмат қилган одамлар ким бўларди? Юсуфбекни байроққа бойлаб, Аҳмадбекни түкқа бойлаб, душманлар ўз тинчлигида дарёнинг бўйидан ёввойи дараҳтларни олиб келиб, чўт билан, болта билан қирқиб, ўтни ёқиб, фамил чойни дамлаб, эгарини курси қип, шапкаларини ерга оп қўйиб, каттаконлари чўчқа гўшидан еб, булар шу ерда ёта берсин, энди гапни Урганч элидан эшитмоқ керак.

Урганч элда Эралихон подшонинг қизи Гуласалнинг жаннатга ўхшаган бир чорбоғи бор эди. Лаълихон ойим, Қалдирғоч ойим, Оқбилак ойим, қирқ йигитнинг хотинлари неча сулув қизлар билан Хоразмдан чиқиб, ана шу чорбоққа келар эди. Урганчдан Гуласал ойим уч юз олтмиш сулув қиз билан гулдай яшнаб, бу ҳам келар эди. Шу чорбоқнинг ичидаги намозгаргача оқсусяк ўйнайди, хосса булбул ўйнайди, пўта солди ўйнайди, ҳалгинчак учар эди. Намозгарда чарчаб, яшнашиб Гуласал Урганчга кетар эди, уйга етар эди, Лаълихон ойим, Қалдирғоч Хоразмга кетар эди. Уч кун Қалдирғоч ойим келди ҳам чечаси йўқ. Ана энди «чечам ё касал бўлдими, ё ўладиган ўсал бўлдими, бориб чечажонимни кўриб келай», — деб Қалдирғоч ойим чопиб-чопқиллаб Гуласал ойимнинг ўрдасига кетди. Шу чопишича етди. Борса, шундай қараса, Гуласал чечаси чўпдай қотибди, баданлари талоқдай чуйкаб кетибди, пешонасини тиззасига қўйиб, қўзидан мўлтмўлт ёш тўкилиб турибди. Қанизларнинг ҳам димоги куийб кетибди. Қалдирғоч ойим чечасига қараб, бир сўз айтаберди:

Иифламай қайтайин, гул рангим сўлди,  
Зарбастидан қаддим ёйдай букилди,  
Мен келувдим, бўтадай бўп бўзлайсиз,  
Нимага, чечажон, ёшинг тўкилди?  
Сарғайтириб бул ранги сиёғингни,  
Уч кун бўлди сен кўрмадинг боғингни.  
Чиройинг четилиб, баданинг сўлиб,  
Нега уйдинг, чечажон, қабоғингни?  
Ўйнар вақтда нега даврон сурмадинг,

Бориб туриб Оқбилакни кўрмадинг,  
Мен келувдим, оҳ тортасиз, бўзлайсиз,  
Нимага кўрмадинг боғча-боғингни?  
Менга айтинг юрагингда доғингни,  
Душмандан олгаймиз ҳамиша кекингни,  
Талоқдай бўп оқ баданинг чуйканиб,  
Чечажоним, кўрмадинг чорбоғингни.  
Миншикор ов олар ойдин кўлидан,  
Қутулгаймиз бу дунёнинг ҳилидан,  
Асал чеча, нега боқقا бормадинг,  
Қизлар келди Дин Хоразм элидан.  
Қизлар келди йифилишиб кўргани,  
Пўтасолди ўйнаб даврон сургани,  
Уч кун бўлди Гулшан боқقا бормадинг,  
Қалдирғоч келди аҳволингни сўргани.  
Хоразмдан қиз-келинчак йифилди,  
Келмади деб юрак-багрим эзилди.  
Қалдирғочой сени кўргани келди,  
Қизлар хафа бўлиб тўп бўлиб қолди.  
Дарров олиб кел чечангни дейишиб,  
Қизлар қолди тез келинг деб қарашиб,  
Бир-биридан не бўлди деб сўрашиб,  
Кийган кийим сулувларга ярашиб,  
Қизлар қолди капитардай бўп қарашиб.  
Нимага йиглайсиз, сизга не бўлди?  
Қайинсинглинг олиб кетгани келди,  
Менга айтинг йиглаганинг маънисин,  
Асал чеча, рост гапиргин, не бўлди,  
Қизил юзинг сўлиб, қаддинг букилди.

Гуласал ойим дод, деб Қалдирғоч қайинсинглисига  
қараб, бир сўз айтаберди:

Чироққинам, ярим кеча туш кўрдим,  
Мен тушимда хўб ажойиб иш кўрдим.  
Нон еган номардлар бунда бехабар,  
Полопонда икки отни бўш кўрдим.  
Кўп қузғун Мисрдан давр олиб учди,  
Икки бирдай оғангиэга етишиди,  
Қўлин боғлаб икакангни<sup>1</sup> тутишиди,  
Туши қурсин, кўриб ақлим адашиди.  
Икки қўли бойланиб, яланғоч бўлиб,  
Аҳмад билан Юсуфбек йўлга тушди.

<sup>1</sup> Икки аканг.

Шу құзғулар камсаб олиб гирдини,  
Пешинда Полопон тоғидан ошди.  
Чироққинам, шундай ёмон туш күрдим.  
Икки отни еталаган бұш күрдим,  
Шул сабабдан сарғайибди юзгина,  
Қоронғилиқ бұлды қишу ёзгина  
Туши қурсин таъбиридан қүрқаман,  
Мен йиғламай, ким йиғласин, қызгина.  
Йиғлайман яратган ҳаққа зор-зор,  
Мулкини бузмасин яратган жаббор.  
Мирза Маҳмуд банди қилди бекларни,  
Аттанг, қирқ йигитлар қолди бехабар,  
Мен йиғламай ким йиғласин, чирофим.  
Қайтайин, бұлмади менинг сүроғим,  
Икки аканг банди бұлды душманга,  
Хай аттанг, кесилди эккан дарахти,  
Хеч бир одам сен қалайсан демайди,  
Йиғлаганим шунинг учун, чирофим.

Ана, Қалдирғочға малол келиб, Гуласал чечасига қараб: — Вой-вой-вой, қайтиб ўзингиз шу гапни айтсанғиз қирқ кун кетар эди, овга ақаларим иккі ой кетар эди. Шу гапингиз менга гаранг келди, чеча, — деб Қалдирғоч ойим бир сүз айтаяпти:

Қаландарлар кияр кулоҳман жанда,  
Хув деган одамлар оллога банда,  
Қирқ йигит ичида беклар ўтириб,  
Бунда йиғлаб, унда бўлманг шарманда.  
Ҳамишагидай санталат қилиб юрмасин,  
Ёмон асли элатида турмасин.  
Чеча, бунда йиғлаб бўлманг шарманда,  
Майхонада ақажоним бўлмасин.  
Қирқ йигит олдига юринг, борайлик,  
Ростми, ёлғонми бориб қўрайлик,  
Қирқ йигит ичида акам бўлмаса,  
Ундан кейин мотам тутиб йиғлайлик.  
Бу гапингга юракларим бўлди қон,  
Ҳамма ҳам ёлғончи дунёга меҳмон,  
Йиғладингиз, менда тоқат қолмади,  
Қирқ йигит ичига юринг, чечажон.  
Қирқ йигит ичида акам ўтириб,  
Бунда йиғлаб, унда бўлманг шарманда.  
Урганч элда кулиб даврон сурайик,

Тезроқ туринг, оёқ босиб юрайик.  
Қирқ йигит ичидә акам бўлмаса,  
Сиз тўрам денг, мен акам деб йифлайик.  
Қайтайн, ўзимдан кетдим ҳар замон,  
Гапингизга юракларим бўлди қон.  
Қирқ йигитлар ичин бориб кўрайик  
Майхонага бориб дарак берайик,  
Қирқ йигит ичидә акам ётмаса,  
Ундан кейин сўроғини сўрайик.  
Қирқ йигит ичидә беклар бўлмаса,  
Ўқ теккан қулондай бўзлаб йифлайик.  
Қалдирғочман Асал шунча сўз айтди,  
Қиз битканлар ёмон сўзни эшилди.  
Ёмон гапга одам хафа бўлади,  
Жамъи турган аёл, сап сулув қизлар,  
Хаммасининг димоги куйиб кетди.  
Қалдирғоч илгари, Гуласал кейин,  
Тушидан қўрққандай Асалжон кўп,  
Асалойнинг кўзларидан ёш кетди,  
Йифламай найласин, иложи қанча,  
Юсуф билан Аҳмад йўлбарс ёш кетди.  
Ҳарчанд қилса ўмганни кўтаролмай.  
Қатор-қатор кўзларидан ёш кетди.  
Гоҳ тенгсалиб, гоҳ иргалиб иккови,  
Қирқ йигит ўтирган майхонасиға,  
Аввал тиклаб қараб чойхонасиға,  
Интилиб дарчадан иккови етди.  
Қонли ёшлар Гуласалнинг юзига,  
Давлатини ишонади ўзига.  
Дарчадан Асалой тиклаб қараса,  
Қўринмайди Юсуф, Аҳмад кўзига.  
Бу зўрнинг ишига кам куч ноилож,  
Бир мардни хумсага қилмасин муҳтоҷ,  
Во тўрам, деб Гуласалжон йифлайди,  
Акам деб йифлайди бебаҳт Қалдирғоч.  
Саҳарда турланар булбул овози,  
Касалдай сарғаяр ойдайнин юзи,  
Кўзига кўрингай Аҳмаднинг ўзи,  
Вой акам, деб во тўрам, деб йифлашиб,  
Дарча нарасида ўксиб йифлади,  
Акам дейди, ойимларнинг овози.  
Яхши одам ҳеч қайтмасин ройидан,  
Маслаҳат чиқади элнинг бийидан,  
Довушни эшишиб Аширбек сардор,  
Кирқ йигитлар тураберди жойидан.

Шунча гапларни ҳеч ким билмайди. Буларнинг товушини қирқ йигит эшишиб, ҳанг-манг бўлди. Аширбек айтди: — Қаранглар бу не гап? Аширбекнинг ўғли Сафобек чопиб чиқиб, отасига:

— Қалдирғоч билан подшонинг қизи,— деди. Буни эшишиб Аширбекнинг ҳам димоги куйиб кетди. Гуласал ойим Аширбекка, қирқ йигитига қараб, бир сўз айтди:

Минг бир дардга ўзим бўлдим гирифтор,  
Мусулмонни дўстим десин чорёр,  
Саҳар беклар кетиб эди шикорга,  
Нон еган қирқ бунда бехабар.  
Бошимизга солиб кетди ҳар савдо,  
Кеча-кундуз қулоққинам пойловда,  
Сарпо кийган қирқ йигитлар бехабар,  
Аҳмад билан Юсуф юрибди овда.  
Эгарсиз отларни миниб кетгани,  
Мен билмайман не жойларга етгани,  
Сарпо кийган қирқ йигитлар бепарво,  
Беш кун бўлди беклар овга кетгани.  
Май ичгандай юракларни қайтарми,  
Хумса одам беўй гапни шуйтарми,  
Шаҳзодаси шунқур чуйиб юрганда,  
Хизматкор бекларни тинч бўп ётарми?  
Ҳангома, чақ-чақни баринг айтсан,  
Қорнинг қопдай бўлиб ухлаб ётасан,  
Беш кун бўлди беклар овга кетгани,  
Шармандалар, сен бепарво ётасан.  
Қушни олиб хонзодалар кетувди,  
Саҳар бўлмай Полопондан ўтувди.  
Ҳеч сўровсиз кетди икки бекбаччам,  
Беш кун бўлди, тун ичидаги кетувди.  
Ажал етиб мендай ойим ўлмади,  
Бирор дарак икки бекдан бўлмади.  
Ҳаммангиз ётибсиз бунда бепарво,  
Қайтайин, сизлардан кўнгил тўлмади,  
Бекларнинг умиди сиздан шумиди?

Ана, энди Аширбек сардор Давлатшога қараб, бир сўз айтаяпти:

Давлатшо, эшитгин менинг додимни,  
Фалак бузмагай-да иморатимни,  
Икки ойим бежо бўзлаб йифгайди,  
Давлатшо, опкеп бер менинг отимни.

Ёмон дейди менинг икки бегимни,  
Сарғайтирди ойдайин сиёғимни.  
Қаддингдан кетайин, хизматкорларим,  
Дарров олиб келинг бўзгўдагимни.  
Кимга айтай юрагимда зоримни,  
Яхши қилдим дин Хоразм еrimни.  
Вафобек, Жафобек, турган маҳрамлар,  
Дарров опке беринг бўзтулпоримни.  
Чопқиллашиб ҳамманг дарров туриңглар,  
Ҳар тарафни ахтаришиб кўринглар,  
Дарров оп кеп беринг илдам бедовни,  
Ҳаялламай давра қўйиб боринглар.  
Аширбек бечора бу сўзни айтди,  
Олло солмагай-да қайғу-ҳасратди,  
Қуллуқ тақсир, деди Давлатшо маҳрам,  
Чопқиллаб табланинг ичига кетди.  
Қиздай безаб жонивор бўзтулпорни,  
Чоппа-чоқ қип сардор олдига етди.  
От ўнгари, вақтларини хушлади,  
Бошин чайқаб Асал лабин тишлади.  
Маникай деб уруш анжом-асбобин,  
Аширбек олдига опке ташлади.  
Ҳамма беклар от-отини шайлади,  
Бир-бирига не гап дейишиб сўйлади,  
Гударидан тўнтариб боғини,  
Елқасидан тўнгидан бўштоб қилиб бойлади,  
Ҳамма беклар анжом-асбоб шайлади.  
Чиқар бўлди энди Ҳовдак кўлига,  
Ким чидайди тарафининг ҳилига,  
Йиғлама, йиғлама Асалжон, дейди,  
Аширбек, қирқ йигит, сатта ғўчкоқлар —  
Миниб олди от-отининг белига.  
Оёғини узангига тиради,  
Салласини маҳкам қилиб ўради,  
Аширбекман қирқ иккита йигити,  
Теваракка, йиғламанг, деб қаради.

Шунда Гуласал ойим бир сўз айтаяпти. Ана, Гуласал ойимнинг Аширбек сардорга қараб айтаётган сўзи:

Эсон-омон кенглар Урганч юртига,  
Қулоқ солинг мендай ойим додига,  
От топилар, ўлса беклар топилмас,  
Хом деб қараманглар отнинг бетига,

Аҳмадман Юсуфни олиб келмасанг,  
Келманглар, қирқ йигит, Урганч юртига,  
Бефарзандни йиққан моли таловди(р),  
Билакка ўхшатиб солинг жиловди.  
Айқач-үйқац қамчи уринг отларга,  
Тинмай югуртинглар сатта бедовди.  
Худойим сарғайтди бул сиёқларди,  
Пилта босса, бенгнаб чиққан ўқларди(р),  
Қамчи уринг сатта бирдай бедовга,  
Олиб келинг овга кетган бекларди.  
Асал ойим йиғлаб қонлар ютганди,  
Кеча-кундуз оллони ёд этганди,  
Олқордай хезлатинг сатта бедовни,  
Беклар элдан пақкос чиқиб кетганди.  
Тез ҳайданг, деб бир-бирига сўзланглар,  
Душман келса, юрак-бағрин тузланглар,  
Банди бўлиб кетган бўлса икки бек,  
Қамчи уриб, кетган бекни изланглар.  
Ҳар жондор бир асл дунёга меҳмон,  
Жонларни айланглар, қирқ йигит, жавлон,  
Мартабани бергай эгам — бир мавлон,  
Ҳайдай беринг сат олмакўз бедовни,  
Икки бекни зинҳор олиб келинглар,  
Тинмай қистаб ҳайдаб кетинг, тоғажон.  
Келганча бўларман ўзим интизор,  
Қулли бандаларга бир худой раҳбар,  
Ҳайдай беринг қамиш қулоқ отларни,  
Барҳаққа топширдим, оллоҳу акбар.  
Қулоқ қўйди Асалойнинг сўзига,  
Тараф тушар мард йигитнинг изига,  
Ёруғ дунё қоп-қоронги кўзига,  
Гала хотин, қиз-келинчак йиғлашиб,  
Омин деб фотиҳа тортди юзига.

Беклар минибди отди,  
Аширбек вайим тортди,  
Асалойнинг гапиман,  
Аширбек қистаб кетди.  
Қишу, баҳор ёзлашиб,  
Минган отлар хезлашиб,  
Ҳайданг, дейди қирқ йигит,  
Чув-ҳа, дейди сўзлашиб,  
Юсуф билан Аҳмадни  
Беклар кетди излашиб.  
Қулоқ солиб гапига,

Отлар келар тобига,  
Тизилишиб, чопишиб,  
От қўйиб беклар чиқди,  
Полопоннинг тоғига.  
Отларнинг ичи пишди,  
Бедов отлар терлашди,  
От қўйиб юлдуздай бўп,  
Полопон тоғдан ошди,  
Шундай текисга тушди,  
Ҳовдак кўлга қирқ йигит —  
Чопа-чопа етишди.

Ҳақ ўнгармабди бекларнинг ишини  
Шақирлатиб келган тоғнинг тошини,  
Шундай тиклаб Аширбекман қирқ йигит,  
Чегага қўндириб қўйган икковин,  
Кўрди Юсуфбекнинг тарлон қушини.

Айтотмади Ашир сардор сўзини,  
Ҳар ким кўнглин мард билмайми ўзини,  
Бориб туриб қушнинг ҳар тарафида,  
Санаб кўрди қирқ бир отнинг изини.  
Баданидан қўчқил қонлар тўкилган,  
Саллалари парча-парча юлунган,  
Отнинг туёғига тиклаб қараса,  
Мисрий наҳал туёғига қоқилган.

Миср элидан Мирза Маҳмуд келди, деб,  
Армон билан беклар банди бўлди, деб,  
Аввал бошлаб қистаб кетди Аширбек,  
Эссизигина қўл-қанотим ўлди, деб.

Чўл титрайди бекларнинг товушига,  
Ҳеч ким қарамайди тарлон қушига.  
Тизилишиб жўнаб кетди қирқ йигит,  
Отни чопиб Полопоннинг дашига,  
Чопа-чопа отларини терлатиб,  
Пешин чиқди Полопоннинг бошига.

Ана, шунда Полопон тоғининг бошига чиқиб, Юсуф билан Аҳмадбекнинг эл тарафга қараб айтган сўзларини, яланг оёқ юрган изларини кўриб, от қашантириб, қирқ йигитни тўплаб, Аширбек сардор шиддат бериб, бир сўз айта берди:

Қирқ бир киши Миср элидан келибди,  
Жойни холи билиб, бойлаб олибди,  
Хом деб қараманглар отнинг белига,  
Аҳмад билан Юсуф банди бўлибди.  
Яланг оёқ шу ерлардан ўтибди,

Урганч әлга қараб күп сўз айтибди,  
Кўзи бойланганин қайдан билайнин,  
Гоҳи йўлдан чиқиб ўнгман сўл бўлиб,  
Тоғдан тушиб бекбачалар кетибди.  
Баданига аччиқ қамчи ботибди,  
Баданидан оққан қўчқил қонлари,  
Муҳрдай бўп тупроқларга қотибди,  
Қирқ бир киши банди қилиб кетибди.  
Зинҳор қараманглар отнинг бетига,  
Қирқ бир киши банди қилиб қайтинглар,  
Эралихон подшога кўрсатинглар,  
Халос айлаб икки бирдай ғўччақни,  
Эсон-омон Урганч әлга етинглар,  
Ҳайдай беринг тўхтайдиган вақт эмас,  
Қўлин ечиб бунда олиб қайтинглар.  
Бирор фасл тўхтайдиган вақт йўқди,  
Зинҳор бориб айриб олиб қайтинглар.  
Файрат қип Аширбек кўп сўзлар айтди,  
Қирқ йигит отларга қамчини чотди.  
Бир кечак-бир кундуз вақт ўтганда,  
Асқар тоғ остига қирқ йигит етди.

Энди душманлардан эшитмоқ керак гапни. Ҳаммаси дам олишиб, димогини чоқлашиб, энди Мисрга кетамиз, дейишиб турувди. Юсуф билан Аҳмадбек бири туғда, бири байроқда бойловли, ўн бир қоплаб айланиб олганди душманлар. Юсуфбек Асқар тоғнинг одоғига қараса, даста-даста чанг чиқиб келаяпти. Кўзининг нури жавҳарни тўкилиб тиклаб қаради. Қараса, энг илгари Аширбек сардор келаяпти. Кетида тизилиб-тизилиб қирқ йигитлари келаяпти. Отлар оппоқ кўпикка ботган, ҳар жунидан тер кетган, чанг чойдишдай, муштдай бўп отнинг терига қотган, ой билан юлдуз учгандай бўлиб, қирқ йигит пўпакли найза пириллаб, қалқон елкасида дириллаб, отлар мискарнадай гариллаб, бекларнинг этаги худди қарчиғай қушдай париллаб, қилич узангига тегиб шарқиллаб келаяпти. Дубулға бошда, чоройна тушда, худди яшин оққандай бўлиб беклар тизилиб келаяпти. Чанг бувдоқ-бувдоқ осмонни тутиб келаяпти худди ғарамга ўт чаққандай бўп. Энди булар кела берсин, Юсуфбек бечора Аҳмаджонга қараб, бир сўз айтаберди:

Тупроқлар ёғилган ойдай юзимни,  
Хоразмга тўрт қилганман кўзимни,  
Жондан кечиб жаллодларим етишди,

Хақлабди сарпойман берган тузимни.  
Банди бўлдик Болли Ҳовдак кўлидан,  
Қутулармиз Мирза Маҳмуд қўлидан,  
Жондан кечиб йўлбарсларим келади,  
Лашкар етиб қолди Урганч элидан.  
Кирқ йигитлар босиб келди изимни,  
Йиғлама, Аҳмаджон, эшит сўзимни,  
Аширбек илгари, Вафобек кетин,  
Хақлабди қирқ йигит берган тузимни.  
Жондан кечиб жабборилар етишди,  
Душманларга кун қиёмат бўлади,  
Қўп ўликлар думалашиб қолади,  
Йиғламагин шукур қилгин, Аҳмадбек,  
Урганч элдан наърашерлар келади.  
Келиб туриб бизни айриб олади,  
Фам емагин шу душманлар ўлади,  
Тўс-тўс қилиб бу душманларни қувиб,  
Душманнинг бошига, энди кун тувиб —  
Қассобларим келди Урганч элидан.  
Бандиликдан бизларни халос қилиб,  
Оч бўридай душманга савдо солиб,  
Рустамдай майдони гурганда бўлиб,  
Фам ема фўчкоқлар элдан етишди.  
Жўхоридай қулар душманнинг лоши,  
Қузғунларга емтиқ бўлади гўши,  
Лайлак қордай думалаб қолар боши,  
Шошма, бўлар Эралининг саваши,  
Хизир бўлгай шу бекларнинг йўлдоши.  
Урганч элдан етиб қолди кўп киши,  
Бурқиллаб чангиди Асқарнинг даши,  
Фам ема, арслоним келди, Аҳмадбек,  
Мирза Маҳмуд банди қилди ўзингни,  
Жовдиратган элга икки кўзингни,  
Қуртдай қайнаб лашкар келди элатдан,  
Йиғламагин, айриб олар ўзингни,  
Хақлабди қирқ йигит берган тузингни,  
. Жондан кечиб, сатта шерлар етишди.

Ана, энди саллот боши, сарбозбоши айтди:— Душманнинг хас бўлса, қўрққин деган гап бор. Анависининг ўзи шу ёқ элга қараб ёмон шивирлайди. Биз ётганда бекнинг қўшини тағи бирбар келиб, бизларни қириб, Юсуф билан Аҳмадни олиб кетиб, Гўзалшоҳга шарманда бўлиб қолмайлик.

Бир карнай тортди, етмиш минг сарбоз чоппа-чоқ бўлди. Бари тўнқайиб олди. Милтиқнинг шохини ерга тираб, қайишини беш-олти билакка ўраб, кўзини қисиб қоровулга қараб, милтиқнинг қўндоғини қўлтиқда тираб, жуда тиқиб милтиқни ўқлаб, пилтагинасини чўқлаб, ҳалиги тепкисига қистириб, чоппа-чоқ бўлиб, ётаберди тоғнинг бошига қараб. Булар бу ерда ётаберсинг, гапни Аширбек сардор билан қирқ йигитдан эшитмоқ даркор. Қирқ бир душман келган экан Мисрдан деб ҳеч юраги сесканмай, қувнаб келаяпти. «Банди қилиб қайтамиз, Эралихон подшога тортиққа тортамиз, ҳаммамиз юрт оғаси, миrzабоши бўп кетамиз», — деб қувиб келаяпти.

Аширбек ўзи якка шу чопув бўйича худди катта юлдуз оққандай бўлиб, Асқар товнинг чиқди. Кетидан Вафобек чиқди, унинг кетидан қирқ йигитлар икков-учов бўп тизилишиб чиқди. Бояна қирқ душман, деб келаётган қирқ йигит шундай пастга тиклаб қараса, лашкар ётири ҳамма ерни босиб, пилта тўқайдай сасиб, қуртдай қайнаб душман ётиби.

Ана бу Аширбек сардорни, қирқ йигитларни душманлар кўриб, ол лашкар етди деб, уйма-жуйма бўлиб, Юсуфбекнинг теварагига тўп бўлди. Аширбекнинг қирқ йигитларининг қўрқоғи тошнинг панасига тортди, босган изи кейин-кейин кетди. Аширбек сардор қирқ йигитларнинг бўшашганини билиб, қирқ йигитга қараб, бир сўз айтди:

Урганч элда ўзини биз деганлар,  
Кировка совутни сайлаб кийганлар,  
Беклар, келдинг ясовли ёв устига,  
Урганч элда ёв кўрсатгин деганлар.  
Ҳангамада ғазо дейишиб айтганлар,  
Айтиб туриб сўзларидан қайтганлар,  
Излаб юриб кўп ўлжага етганлар,  
Беклар, келдинг ясовли ёв қасдига.  
Бекларнинг кўзидан кетиб нурлари,  
Зафар берсинг Оловхўжа пирлари,  
Урганч элда ёв кўрсатгин деганлар,  
Асло қўрқманг Юсуфбекнинг шерлари,  
Беклар, келдинг кўп ғанимнинг устига...  
Тенгидан зиёда эди ақили,  
Шамолга селдираб икки кокили,  
Беклар, келдинг ясовли ёв устига,  
Анов турган Аҳмад, Юсуф, шекилли.  
Қулоқ солинг сўзнинг ёлғон, ростига,

Сен баландда душман тофнинг пастида,  
Ҳар мажлисда ёв кўрсатгин деганлар,  
Беклар, келдинг тўғри ёвнинг устига.  
Ханжар билан пўлат найза олинглар,  
Душманларга қора кунни солинглар,  
Кўрмайсанми Аҳмад, Юсуф бекларни,  
Ё ўлинглар, ё айириб олинглар,  
Беклар, келдинг кўп лашкарнинг устига.  
Банди бўпти Хоразм элнинг хони,  
Сизлар баринг Урганч элнинг полвони,  
Бизларга тегмасми бекларнинг нони,  
Нон деган йигитнинг софона жони,  
Кўрмайсанми, Юсуф Аҳмад бегингни,  
От қўйинглар, Юсуфбекнинг қирқ хони,  
От қўйинглар, Урганч элнинг сиртлони.

Ана, энди қирқ йигитлар бу сўз билан бир кун бўлмоқ-  
бир кун ўлмоқ, деб отларни айил-пуштанини ечиб, ялан-  
ғочлаб ташлади. Тофнинг бошида жилдираб сув ўтаяпти.  
Отларнинг тери қотди. Бир-бир тутам шувоқни егизиб,  
қашлаб, шипириб, ўхшатиб чангини артди. Отларнинг  
чирғи, жаҳалдирик, эгарини босиб, аввал айилини тортди,  
кўрпачани солиб, бўктариб, ўхшатиб, зертанг-забартанг  
қилиб, айил-пуштанини тортди. От-отига миниб, совут,  
чоройна, қалқонни эйнига олиб, отларни шайлаб, қирқ  
икки найзага ҳар ранг салладан тўғ қилиб бойлади. Ганим-  
нинг саллотбошилари: «Қирқ икки туғ кеб тикилди, Ур-  
ганчдан, Хоразмдан, ўзбаклардан ёмон оғир лашкар ет-  
ди», — деди. Жони ҳуркиб кетди. «Ҳамма ерни туғ босиб  
кетди», — деган кўп бўлди. Ана, энди Аширбек сардор  
қирқ йигитларига қараб, фалакдан шикоят қилиб, бир  
сўз айта берди:

Дин Хоразмнинг беклари,  
Чопинг саллона-саллона.  
Қамиш қулоқ бедовлари,  
Елинг мастона-мастона.  
Зоғча кўзли тулпорлари,  
Чопинг саллона-саллона.  
Беш бир ёндан, ўн бир ёндан,  
Лашкар келар Исфиҳондан.  
Умидинг бўлса имондан,  
Урганч элнинг сатта шери,  
Чопинг саллона-саллона,  
Порпорлаб карнай тортилсин,

Ботирнинг жони сотилсин,  
Каллалар шамдай отилсин,  
Тупроққа қонлар қотилсин.  
Чопинг душманни устига,  
Қилич олинг, қон тўкилсин,  
Асқар тоғининг пастига.  
Омин десин хўжа Сайд,  
Ҳар кунида бўлар ҳайит,  
Чопсанг-ғозий, ўлсанг-шаҳид,  
Қиринг ҳар ёна-ҳар ёна.  
Қон бўлсин тоғларнинг тоши,  
Кесилсин душманнинг боши,  
Қочсин ақл билан ҳуши,  
Бўлсин Алининг саваши,  
Қиринг саллона-саллона.  
Аёbekлар, ёна-ёна,  
Оч шердайн дўна-дўна,  
От қўйинг, bekлар, ғазога,  
Аширбек кетди майдона.  
Икки дунёга раҳбарим,  
Марди майдоним, ё Алим...  
Қиёмат тонги отганда,  
Исрофил сурни тортганда,  
Бангиллаб ўқни отганда,  
Олинг атрофим, ё Алим...  
Кўкайни ғамлар босганда,  
Душман йўлимни тўсганда,  
Қилич силтаб бош кесганда,  
Ушланг ханжарим, ё Алим.

Душманлар келди дейиши,  
Бекларнинг юраги тоши,  
Қўя чопиб отларини,  
Ҳеч қайтмайин қирқ йигит,  
Душманларга аралашди.  
Кам кучнинг ақли шоши,  
Калла қофоздай учди,  
Қирқ йигитман Аширбек  
Кел-ҳа, дейишиб саваши.  
Созгир отлар бурилди,  
Ажал мажлиси қурилди,  
Марг осмондан ёғилиб,  
Қўп одамлар қирилди.  
Отларни ел-ҳо, дейишиб,  
Ханжарни сол-ҳо, дейишиб,

Талабинг кел-ҳо, дейишиб,  
Кел-ҳо, деб майдон ичида.  
Мергандари писиб ётири,  
Папалашиб сатта ботир,  
Шохли милтиқ патир-путур,  
Отилди майдон ичида.  
Бедовда қолин айиллар,  
Душманлар бўлиб қойиллар,  
Қатта-катта жазойиллар,  
Бижиллаб майдон ичида.  
Узангилар чирқиллашиб,  
Бедов отлар пишиллашиб,  
Қаллалар шолғомдай учиб,  
Қўрқоқлар силжиб қочиб,  
Ажал майини ичиб.  
Шовқин соп майдон ичида.  
Милтиқ келар ғалаб-ялаб,  
Ботир кўнгил истар талаб,  
Олтин коса, ажаб шароб,  
Ичилди майдон ичида.  
Оқ қорабош туғ сўлқиллаб,  
Тикилди майдон ичида,  
Лашкар келди даста-даста,  
Уруш бўлди чапараста,  
Беклар урушга ҳавасда,  
Гоҳи дўнгда, гоҳи пастда,  
Сурушиб майдон ичида.  
Чўлда битган қуроғ ўтлар,  
Ўзи ёниб, ўзи чўқлар,  
Олма кўзли чин бедовлар,  
Чопилди майдон ичида.  
Ботирларни чин муроди,  
Топилди майдон ичида.  
Гоҳ ул қувиб, гоҳ бил қувиб,  
Қиличини қон билан ювиб,  
Душман бошига кун тувиб,  
Ўлдинг, деб майдон ичида.  
Ўлик қолди гупдай ишиб,  
Ўликни ғажир тортишиб,  
Мирза Маҳмуд ўлдинг дейишиб,  
Қоч дейишиб майдон ичида.  
Лайлак ютагандай бўлди,  
Ғўза ўтагандай бўлди,  
Дараҳт бутагандай бўлди,  
Чалкашиб майдон ичида.

Уликлар қопдай ишди,  
Кўкчанинг ақли шошиди,  
Баракалла, Аширбек,  
Роса уч кун урушди.  
Улик чалкашиб қолди,  
Қиёмат-қойим бўлди,  
Фажир юлдуздай бўлиб,  
Кунлар тутилиб қолди,  
Насиямас, нақ дейди,  
Юрагига доғ тегди.  
Эгарининг қошидан,  
Совутининг бошидан,  
Аширбекка ўқ тегди,  
Яра юзига қон қотди.  
Ари замбирдай бўлиб,  
Ўқ нобоп тешиб ўтди,  
Иўрмали чоловоридан,  
Тарам-тарам қон кетди,  
Бўз отининг ёлин олиб,  
Шундай қийшайиб ётди.

Аширбек сардордан шундай қизғалдоқ тоққандай бўлиб қон кетди. Юсуфбек тоғасига ўқ текканини билди. Бир сўзни Юсуфбек айтаяпти, бир сўзни Аширбек сардор айтаяпти:

— Йўл бермас отларга тоғнинг ўраси,  
Бизлар эдик Хоразмнинг тўраси,  
Сайлаб қирдинг душманларнинг зўрини,  
Қуллуқ бўлсин, тоға, давлат яраси,  
— Омонат, ўйласанг тоғангнинг жони,  
Ҳар кишининг ҳамроҳ бўлар имони,  
Ярадор деб кўнглингни чўкарма,  
Бўз отга бўялган бурнимнинг қони.  
— Отни чопдинг Асқар тоғнинг дашига,  
Роса қойил бўлдим қилган ишингга,  
Давлат яра қуллуқ бўлсин, тоғажон,  
Амалдор қип жиға санчай бошингга.  
— Сени десам, юраккинам куяди,  
Ёмонга сир айтма элга ёяди,  
Ярадор деб йигламагин, Юсуфжон,  
Эгарга тегди-да, бурним қонади.  
— Девордай қулатдинг душман лошини,  
Арига тишлатдинг, тоға гўшини,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан,

Сайлаб кесдинг душманларнинг бошини,  
Давлат яра қуллуқ бўлсин, тоғажон.

— Аширбекни Рустамдан ҳам кам дема,  
Бу оққанин, чироққинам, қон дема,  
Эгарга тегди-да, бурун қонади,  
Ярадор деб, Юсуф, Аҳмад, ғам ема.

— Қайтайн бўз отинг бўлди қўчқил қон,  
Мирза Маҳмуд банди қилди бегумон,  
Сайлаб қирдинг душманларнинг зўрини,  
Давлат яра қулуқ бўлсин, тоғажон.  
Аширбекнинг юраклари куяди,  
Чалчиқ ерда түя юрса тояди,  
Вафобек илгари келиб отам деб,  
Вой аттанг деб қирқ йигити, беклари.  
Иккитаси жиловидан еталаб,  
Иккитаси қўлтиғидан сужди.

«Шу мунисини ҳам банди қиласиз», — деб тўп-тўп  
милтиқни отиб келаяпти, қолган қирқ йигитлар ўқса тутиб  
келаяпти. Ўқ пастга худди дўлдай, катта ёмғирдай тушиб  
келаяпти. Ўттиз олти йигит уйча ерни очиқ қилиб, Ашир-  
бекнинг теварагида ханжарни сермаб келаяпти... Юсуф-  
бек шундай қараса, дами ичига тушиб, Аширбек ўзидан  
кетиб келаяпти, ҳамма ери билчиллаб қонга ботиб келаяп-  
ти. Аҳмадбек айтди: — Ҳай аттанг-а, Юсуф оға, тоғам ўқ-  
қа учиб, дунёдан ўтди. Ана энди бу хумса беклар қарамай  
кетди.

Юсуфбек шундай қараса, қирқ йигитлар ҳулкардай  
тўп-тўп, кун иссиқ, Аширбекнинг дами ичига тушиб қолиб-  
ди. Гоҳ ундей, гоҳ бундай от устида оғиб бораётир, лекин  
ўқ ёмғирдай ёғиб бораётир. Ана шунда Юсуфбек бечора  
қирқ йигитларга ўпкалаб, қалай, деб бир сўз айтаберди:

Кимнинг дарди бўлса қаддини букар,  
Оtingдан айланай, бир парвардигор.  
Қўлим боғли, бўзлаб қолдим термилиб,  
Бирга юрган қирқ йигитлар, оллаёр.

Ховдак деган кўлим қолди лойланиб,  
Ширин тилман ғўчкоқларга сўйланиб,  
Қирқ йигитлар, омон бўлинг ҳаммангиз,  
Бўзлаб қолдим душманларда бойланиб.

Қулаган Гургон дарёга лош энди,  
Замчадай тумалаган бош энди,

Вой аттанг, деб боғли қўлим армонман,  
Бирга юрган, қадрдонлар хуш энди.  
Ҳар жойда юрсангиз омон бўлинглар,  
Гаплашганда дуо қилиб туринглар.  
Ночор қўлим боғли қолди оҳ тортиб,  
Қирқ йигит, шерларим, омон бўлинглар.  
Ҳаммаларинг муродингга етинглар,  
Дуо қип юзингга қўлни тортинглар,  
Қўлим бойли банди бўлдим ғанимга,  
Ҳамманг эсон Хоразмга етинглар,  
Кимматдан бекларим, энди хуш энди.

Вой ака, — дер Аҳмаджонлар,  
Куйиб кетди устихонлар.  
Гаплашмоққа зор бўп қолдим бойловли,  
Омон бўлинг, қадрдонлар.  
Мирза Маҳмуд душман экан, сўйлади,  
Дариго, кунимни қора айлади,  
Ёв юрак бекларим, омон бўлинглар,  
Тув-бойдоққа қўлим маҳкам бойлади.

Ана, энди Аширбек бу сўзларни эшилди. Қирқ йигитларга қараб, ўқ тутиб келаяпти худди лайлакқор ёғаётгандай бўлиб, теварагидаги қирқ йигитларга ғайрат бериб, Аширбек бир сўз айтаберди:

Фам сарғайтди чирофимнинг юзини,  
Мирза Маҳмуд келиб босди изини,  
Аҳмоққа ишорат, эслига калтак,  
Қўрмайсизми бекнинг ўпка сўзини,  
Ҳақланглар, қирқ йигит, берган тузини.  
От қўйинг бўшакан бу икки қўлим,  
Олис қолди, қайтай Хоразм элим,  
Ё олинглар, ё ўлинглар, қирқ йигит,  
Чин ўзбакка икки номус — бир ўлим,  
Қўрмайсанми бекнинг ўпка сўзини.  
Вой-вой жонни сотган демайми,  
Хоразмни обод этган демайми,  
Бир кунлари ўлмай келса чирофим.  
Мени ташлаб тирик кетган демайми,  
Ҳақланглар сарпойман берган тузини.  
Тентакка ишорат, эслига калтак,  
Қўрмайсанми бекларнинг ўпка сўзини.  
Чўяндан қаттиқ ботир бадани,  
Сизларга тегмайми бекларнинг нони,

Нон еган йигитнинг бescoҳиб жони,  
Кўрмайсанми Юсуфжоннинг ўпкасин,  
От қўйинглар, Юсуфжоннинг арслони.

Аё беклар, ҳамманг қамчи чотасан,  
Ўлмайгина қайтиб Урганч кетасан,  
Дўсту душман олдимиэга етганда,  
Халойиққа не деб жавоб айтасан,  
Ё ўлинглар, ё олинглар бекларни.

Қайтибгина Урганч элга кетасан,  
Томоша айланг гапнинг ёлғон, ростига,  
От чопгандай Мирза Маҳмуд қасдига,  
Овдирмайин Аширбекдай сардорни,  
Олиб чиқди Асқар тофнинг устига.

Қирқ йигитнинг банди бўғни бўшади,  
Бекларига қараб суяги шовшади,  
Аширбек беҳуш бўп кетди ўзидан,  
Вафобек отам, деб отдан ташлади,  
Аширбекка қараб энди қирқ йигит,  
Ҳаммалари ўлди-ўлди дейишади.

Үйиб чиққан тарафларнинг гўшини,  
Арриқ мерган отар кўлнинг фозини.  
Анча вақт ётди-да тоғнинг устида,  
Аттанг, деб Аширбек очди кўзини.  
Туриб бўз отини тағин шайлади,  
Душманларни яна, кўринг, пойлади,  
Яранинг оғзига латтани тиқиб,  
Белбоғиман чингиллатиб бойлади.

Ҳамроҳ бўлсин шундай эрлар имонга,  
АЗройил чанг солар тандаги жонга,  
Ханжарини яланғочлаб, найза олиб,  
От қўйиб Аширбек тушди майдонга.

Ғажир тортди душманларнинг гўшини,  
Томоша айланг мард йигитнинг ишини,  
Ҳеч қайтмай Гургон дарё бўйнига,  
Қовундайин думалатди бошини.  
Қайта-қайта кўнгли дарёдай тошди,  
Эй ёронлар, дардлар дардга улашди.  
Баракалла, сарпой кийган қирқ йигит,  
Қирқ кеча-қирқ кундуз тинмай урушди.  
Олистан кўринар бедовнинг бўзи,

Йигитни ўртайди қизнинг таннози,  
Шундай қирқ йигитлар тиклаб қараса,  
Чиқаётир жазойилнинг овози.

Ана, энди жазосини бермак, тарафларни қирмоқ, от чопилмоқ, кировка сўкилмоқ, ўқ баданг тигиб тўкилмоқ, османа фаришталар, тоғнинг бошида Юсуф билан Аҳмадбек томошани кўрмоқ, шу беклар оралаб, оч бўридай уришиб юрибди, қилич-яроқ ярқ-ярқ этиб, яшин оққандай бўлиб, яхши-ёмонлиги билинмай, отлар қип-қизил қонга бўялиб кетди.

Ана бояни Асқар товнинг оёғига ўттиз минг қўшинни биқтирма ташлаб келувди Мирза Маҳмуд. Ушанга хабар етди. Тум-тум қўшин чарчамаган, карнай тортиб кела-япти, ҳеч қайтмай ўқни отиб келаяпти, тупроқнинг ўқ тушган ерини бўлқиллатиб келаяпти. Ўқнинг қизиги билан хаслар, шувоқлар ўт олиб кетаяпти. Ол, Мисрдан лашкар етди, деб қирқ йигит от қўйди, ўн йигит дунёдан ўтди. Аширбекнинг иккам ўттиз еридан ўқ тешиб ўтди. Ўттизи шу ўттиз минг сарбозга аралашиб кетди. Шунда Юсуфбек айтди: — Вой-вой, Бўзўғлоннинг айтгани келди. Исфиҳон шаҳрида бўлганда етти яшардан етмиш яшари туғилиб келарди, ё ўларди, ё мени айириб олар эди. Ана, қайната юртлигим маълум бўлди, мусофирилгим асар қилди. Мисрдан кўмак лашкари етди, менинг Урганчимдан тирп этиб одам келмади. Ота-бободан қолган гап рост экан: «Кишининг шаҳрида подшо бўлгандан ўз элининг подачилиги яхши». Ота-бобомизнинг айтгани рост экан. Йўлбарсдай инграбиб, Юсуфбек қирқ йигитга бир сўз айта берди:

Орқамдан излаб келганлар,  
Душмандан ўчин олганлар.  
Бекларни рози қилганлар,  
Қорилсин Гургон дарёси,  
Қон бўлсин Гургон дарёси.  
Олтин эгар, баҳмал айил,  
Бўлди тараф ишга қойил.  
Аҳмаджон тузига рози,  
Қон бўлди Гургон дарёси.  
Оқиздинг душман ёшини,  
Эрмак қип кесдинг бошини,  
Қочирдинг эсу ҳушини,  
Қузғунга бердинг гўшини,  
Қон бўлсин Гургон дарёси.  
Найза, қилични олмадим,

Душманга савдо солмадим,  
Икки қўлим бўш бўп ўзим,  
Ол-ҳа, ол, деб мен турмадим,  
Уруш таълимин бермадим,  
Сизларман бирга ўлмадим.  
Рози бўлдим тузгинама,  
Дуо қинглар ўзгинама.

Қорилсин Гургон дарёси,  
Қон бўлсин Гургон дарёси.

Ана, Аширбек сардорнинг баданидан боғ гулидек бўлиб қон кетди, этиклари қонга тўлиб, далага тошиб чиқиб кетди. Этигининг тумшуғидан чак-чак этиб ерга қон томиб кетди. Аширбек сардор қирқ йигитига қараб, бормисан, деб бир сўз айтаверди:

Бор бўлсанглар, биродарлар, келинглар,  
Келиб туриб менга эга бўлинглар.  
Жабраил дард бериб, жоним куйишиди,  
Қирқ йигитлар, мени суяб олинглар.  
Олисдан кўринган беш тўп қарони,  
Даф қилмадим ердан чиққан балони,  
Мен кўтардим иккам ўттиз ярани.  
Биродар бекларим, суяб олинглар.

Савдо кўрган йигит боқди, қаради,  
Улмаган дунёда даврон суради.  
Қирқ йигитлар, келиб суяб олинглар,  
Эсим кетиб, бош айланиб боради.

Ўлсам ҳамроҳ бўлай мен имонима,  
Азройил чанг урар танда жонима.  
Қирқ йигитлар, келиб суяб олинглар,  
Беҳисоб ўқ тегди бу баданима.  
Мард йигит душманнинг кўзин ўяди,  
Сув деб Аширбекнинг бафри куяди.  
Қирқ йигитлар уришолмай душманман,  
Аширбек ҳам банди бўлмасин дейишиб,  
Хулкардай тўп бўлиб келиб суяди,  
Отлар юролмайди отам гўшига,  
Ҳайронлар қон тоғнинг гажир қушига,  
Аширбекни еталашиб, ўртага оп,  
Олиб бораётир тоғнинг бошига.  
Отни чопиб гоҳ тупроққа, тошига,

Олиб чиқди баланд тоғнинг бошига.  
Тери қотиб тағи Аширбек сўйлади,  
Дасториман баданларин бойлади.  
Тағи от қўйди бўлқиллаган душманга,  
Ўлсам ўлай, деди жонни қийнади.

Қистаб етди туғ-бойдоқнинг остига,  
Юсуфман Аҳмаднинг отин Аширбек,  
Икки отни беклар халос айлади.

Энди Аширбек отни айириб олиб, ўзидан кетди. Қонсираб қолган экан бечора. Қолган ўттиз йигит Аширбекни ўртага олиб, урушолмай қолди... Юсуфбек билди: энди бекларнинг ташлаб кетолмаслигини, кўнгли тўлди, кетинглар, деб жавоб бериб, Юсуфбек бир сўз айтаяпти. Бирни Аширбек, бирни Юсуфбек, ҳам савол, ҳам жавоб:

— Қирқ йигитлар, ҳамманг бунда қолдинглар,  
Келиб душманингдан ўчни олдинглар.  
Юсуфман Аҳмадни рози қилдинглар,  
Уришманг, кетинглар дин Хоразмга.

— Вой, Юсуфбек, ўзбек давлатингда тураман,  
Санталат қип даври даврон сураман.  
Келмай кетай, келдим орқангдан,  
Айриб олмай, тирик ташлаб бораман.

Вой болам, деб йиғлаб чиқса Лаълихон,  
Айтар сўзинг айтиб юбор, Юсуфжон,  
Мен энанга не деб жавоб бераман,  
Тириклай айрилдим сендан армонман.

Чироқларим, қайтай бахти қораман,  
Эралихон отанг чиқса болам деб,  
Мен бекларга не деб жавоб бераман,  
Қайтибгина Хоразмда тураман?!  
Ажал етиб ўлиб кетсам, Юсуфжон,  
Дийдорингни қиёматда кўраман.

Қайтайин кетмади юракдан черим,  
Сени кўрсам, кетар тандан мадорим.  
Ажал етмай борсам Урганч шаҳрига,  
Майиб нордай бўзлаб чиқса бекларим,  
Халойиқقا не деб жавоб бераман,  
Қайтибгина тирик элга бораман?

— Тоғажоним, беклар отни елди денг,  
Душманларга қоронги кун солди денг.  
Вои болам, деб йиғлаб чиқса Лаълихон,  
Тирик қолди десанг ўйлларга кирар,  
Во болам, деб ҳар шаҳарларни кўрар,  
Фироқимда қаландар ҳам бўп қолар,  
Зинҳор-зинҳор Юсуф, Аҳмад ўлди денг,  
Жигар-бағри совиб-да, кўнар-кетар.  
Во болам, деб фироқимда қон ютар,  
Бир кун ҳой деб, бир кунвой деб Лаълихон,  
Тоғажон, қайтайин кўнишиб кетар.

Зинҳор, тоға, Юсуф, Аҳмад ўлди денг,  
Чопилиб отларнинг думин сузди денг,  
Зор йиғлатиб юрак-бағрин эздиринг,  
Эралихон бўзлаб чиқса қани деб,  
Саркарда бекларим чиқсачувлашиб,  
Юсуф, Аҳмад наиза тегиб ўлди деб,  
Халойиқнинг умидларин уздиринг.  
Зинҳортирик дема, тоға, ўлди денг,  
Фариб бўлиб Асқар тоғда қолди, денг.

— Қайтайин хумсага мен бўлдим муҳтоҷ,  
Отим емдан қолди, қорни бўлди оч,  
Шундай борсам ўзим Урганч элига,  
Вой акам, деб йиғлаб чиқса Қалдирғоч,  
Мен синглингни қайтибгина кўндирай?

— Бемаҳалда карвонгиннанг кўчди денг,  
Юсуф, Аҳмад ажал майин ичди денг,  
Вой акам, деб бўзлаб чиқса бир синглим,  
Ениб турган чироқиннанг ўчди денг.  
Ҳаргиз, тоға Қалдирғочга ўлди денг.

— Урушли кун тортилади нуқра най,  
Ховдак кўлда очдан ўлди қарчиғай.  
Ажал етмай борсам Урганч элига,  
Вой тўрам, деб бўзлаб чиқса Асалой,  
Сап қизларга не деб жавоб айтайин?

— Отга йўл бермайди тоғнинг ўри, денг,  
Бул ҳам бўлса худойимнинг тақдири, денг,  
Вой тўрам, деб бўзлаб чиқса Асалой,  
Хотинига тараф борми йигитга,  
Зинҳор, тоға, Асалойга тири денг.

Тағин-а, тоғажон, жонни сотмасин,  
Боққа кириб шафтолилар отмасин,  
Тирик десанг ўзимдан умид қиласар,  
Эсли қизди, ўзи эр құлмай қолар,  
Зинҳор, тоға, Асалойга тири, денг.

Үлди десанг, тағи унугиб кетмасин,  
Душманимнинг бориб қўлин тутмасин.  
Астагина Асалойга тири, денг,  
Үлди десанг, эрга тегиб кетмасин,  
Асалойдан бошқасига ўлди, денг,  
Асалойга беклар тирик қолди, денг.  
Ҳой аттанг, балога қолган бош энди,  
Қетган чоғим гоҳи тоғу даш энди,  
Зинҳор, борсанг, тоға Урганч әлига,  
Фойиона Асалхонга хуш энди.

Ҳеч кимга солмасин ўлим ҳилини,  
Ўрдак юриб — лойлар ойдин кўлини.  
Душман битган ҳайдада-ҳайдада дейишиб,  
Туғдан ечди икки бекнинг қўлини.

Еронлар, бу дунё бефойдади.  
Аҳмаджоннинг миялари қайнади.  
Бидоҳат қип Мирза Маҳмуд ҳам Кўкча,  
Тез юргин, деб Миср қараб ҳайдади.

Қирқ кеча-қирқ кундуз бедовни елди,  
Бу ишлар, қайтайин, оллодан бўлди.  
Даф қилолмай ундан келган душманини,  
Дод деб қирқ йигити хўрсиниб қолди.  
Вой тоға, деб Аҳмад билан Юсуфжон,  
Аҳмаджон, тоға, деб безовта бўлди,  
Қирқ йигит йиғлашиб, жовдираб қолди.  
Лойли ерда одам юрса тойрилиб,  
Энди май ичгандай юрак мойрилиб,  
Кетганча гоҳ тоғам, деб, беклар, деб,  
Юсуфбекнинг бўйни ортга қайрилиб,  
Нима қилсин беклар қирқ кун жон сотди,  
Ўликнинг остидан сизот қон кетди.  
Озлик қилди, уддасидан чиқолмай,  
Аҳмадман Юсуфни келган душмандар,  
Миср әлига қувалаб ҳайдаб кетди.

Аширбек беҳуш бўп ўзидан кетди,  
Ўликларнинг топиб олди ўнини,

Вафобекман Аширбек сардорни,  
Саражак қип ўликдан чиқиб кетди,  
Шундай бориб Асқар тоғ ёнбошига,  
Ун йигит ўлигин күтариб етди.  
Айтолмайди күнглидаги ўйини,  
Қиолмайди аза ва ё тўйини.  
Вой акам, вой боврим, дейди ўттизи,  
Ковлай берди ўн йигитнинг гўрини.

Дод дейишиб бекни мозорга қўйди,  
Бўз тупроқларни устига уйди.  
Найзаларга алам қилиб, туғ қилиб,  
Ҳилпиратиб беклар бошига қўйди.  
Вой аттанг, деб ўттизи дод айлади.  
Дуо ўқиб, қўлин ёзиб ўттизи  
Фотиҳа қип арвоҳни шод айлади.  
Қирқ йигит жуда ҳам жонини сотди,  
Қўпга илож йўқди қисматлар қотти,  
Тириклиайн Аҳмад билан Юсуфни  
Банди қилиб Миср элига жўнатди.  
Саражага ортиб Ашир сардорни,  
Бафри тошиб, дод дейишиб қирқ йигит  
Дин Хоразм элга мунғайиб қайтди.  
Ҳамма ерин қони сасиб кетганди,  
Кундуз куни жар, чуқурда ётади,  
Тунда элатига йўлни тортади.

Ана, энди беклар ҳамиша шикорга кетар эди. Икки ой,  
эллик кун ов қилиб ётар эди. Урганч элда эллик беш  
кундан бери «Ана келади, мана келади беклар», — деб  
кечаю кундуз йўл қараб ётар эди. Урганчдай элнинг ази-  
зи Эралихон подшонинг қизи, олдида уч юз олтмиш ка-  
низи, ҳар қайси бирман<sup>1</sup> деган бекларнинг қизи — ҳамма  
қизлар Эралихон подшонинг Гулшан чорбоғида ётар эди  
йўл қараб. Хоразмдан Лаълихон ойим, Қалдирғоч ойим,  
Оқбилак ойим — булар ҳам келиб, Урганчнинг «Боғотида,  
яйлоқ тепанинг устида чодир тикиб, шамиёна қайтариб  
ётар эди. Тунда ўрага<sup>2</sup> қўйған шамни ёқиб, ҳар олтмиш  
одим ерга биттасини қўяр эди. Ундан кейин тонг отгунча  
тилла камарли, оқ дасторли беклар қоровул бўлиб, қаталоқ  
бўлган ҳўқиздай чопишиб ётар эди. Тонг отгандан кейин

<sup>1</sup> Менман.

<sup>2</sup> Устун, баландлик.

ҳаммаси уй-уйига кетар эди. Ундан кейин Эралихон подшо қоровулга, чиндовулга боринглар, деб айттар эди. Ана энди булар шу урушни билганды, етти яшардан етмиш яшари борар эди, ё ўлар эди, ё Юсуф билан Аҳмадни айириб олар эди. Билмасликдан бормай қолди.

Ана, энди гапни қирқ йигитдан айттайлик. Қирқ йигитлар элга келмоқقا юз ҳам йўқ, кўз ҳам йўқ, тоғнинг соясида ётар эди. Қирқ йигит маслаҳат қилди. Айтди: — Шу ярим уйга етамиз, каллани ичга тортамиз, ҳамма борса ҳам, ҳеч гапирмай ётамиз. Шу кун нағозшомдан Аширбек билан Бафобекни саражага солиб ортди, жавзонинг қуни экан, бир паслда тонг отди.

Ана, энди булар Полопон тоғидан ошди, элга қараб тушди, паналайдиган ер қолмади. Ҳар гап бўлса ҳам элга қараб йўл юра берди. Лаълихон ойим шундай тиклаб қараса, қирқ йигитлар келаяпти, шу отлар бирор-бировига суйканишиб келаяпти. Будранглаб, оқсасишиб келаяпти. Шу икки отдай бўлишиб келаяпти. Илгари қирқ йигит овдан қайтганда, қирқи қирқ жойдан ошиб келар эди, отлар ўйнаб келар эди, сувлиқни чайнаб келар эди. Бу сирри ҳолларни кўриб, Лаълихоннинг юраги муз киргандай бўлиб кетди. Қалдирғочга қараб, Лаълихон ойим бир сўз айта берди:

Аналҳақ Мансурга қурган дормикан,  
Яратганим менинг раҳмим ермикан.  
Кўзинг ўткир, тиклаб қара, Қалдирғоч,  
Қирқ йигит ичидা аканг бормикан?

Сенинг аканг йигитларнинг сараси,  
Унга кетган Шоҳимардон дуоси.  
Тинглаб қара, баччароқсан, қалдирғоч,  
Кўринарми акажонинг қораси?!

Бирор мард хумсага қўймасин муҳтоҷ,  
Талаб қилса, ҳар одамнинг йўлин оч.  
Тур жойингдан, тиклаб қара, айланай,  
Кўзинг ўткир, тиклаб қара, Қалдирғоч.

Юракларда войим билан чермикан,  
Яхши одамни катта раҳмин ермикан,  
Тез-тез қара қирқ йигитнинг ичига,  
Қирқ йигитнинг ичидা оғанг бормикан?

Бу танада омонатдир гартақ жон,  
Қолмади, қайтайин, танамда дармон,

Тур жойингдан, тиклаб қара, садаға,  
Бормиканди Аҳмад билан Юсуфжон.  
Рўмолини аштара айлаб ўради,  
Кўрган тушин яхшилиққа жўради,  
Чопқиллаб жойидан туриб Қалдирғоч,  
Қирқ йигит ичига тиклаб қаради.  
Қирқ йигитнинг ранги чуйкаб келади,  
Олмакўз бедови чўлда елади,  
Чин-чиниман Қалдирғоч қараса,  
От ёлига беклар тиклаб келади.

Ана, энди Қалдирғоч энасига қараб бир сўз айта берди:

Саражага солиб Ашир тоғамни,  
Қўйган ўхшар икки бирдай акамни.  
Болам де, онажон, ўлган ўхшайди,  
Хоразм эли сабил бўлган ўхшайди.  
Ҳақ чиқарган ўхшар менинг чиямни,  
Офтоблар қайнатиб кетди миямни,  
Икки от кишинаб етакда келади,  
Қўйган ўхшар икки бирдай акамни,  
Болам де, энажон, ўлган ўхшайди.  
Бор бўлса акам тарадди қиласарди,  
Хушвақт бўлиб отларини еларди,  
Эсон-омон ақажоним қайтганда,  
Суюнчи деб бир маҳрами келарди.  
Каж бўп кетди шум фалакнинг гардиши  
От чопса, дўнгиллар товларнинг тоши.  
Икки беклар шикор-овдан қайтганда,  
Суюнчи деб келар эди бир киши,  
Болам денг, энажон, ўлган ўхшайди.

Энди шу қирқ йигит келяпти. Икки от чопилиб, юрган ерларни кўриб, қулундаги довушига солиб кишинаб келяпти, одамдай кўзини ёшлаб келяпти, саражага ўзини ташлаб келяпти. Бу ҳолларни кўриб, ҳаммаси туриб қирқ йигитнинг олдига дод, деб жўнай берди:

Боласи ўлганнинг бағри тўла қон,  
Кўп одам бўлибди Урганчда сарсон,  
Вой болам, деб қора сочини ёйиб,  
Дод деб бўзлайди йиглаб Лаълихон.

Юрагида кўпди қайғу ваҳими,  
Эсли одамнинг кўп бўлади фаҳими,

Қароқчидек бўзлаб турди жойидан,  
Зор йиғлашиб қирқ йигитнинг ойими.

Сарғайибди ойга ўхшаган юзлари,  
Жовдирашиб энди жоду кўзлари,  
Вой акам, деб бўзлаб турди жойидан,  
Қалдирғочнинг олдидаги канизи,  
Оғам дейди Урганч элнинг азизи.

Қаторида юрган лўкчаман нори,  
Унинг ўзи Хоразмнинг сардори,  
Вой-вой деб бўзлаб туриб жўнади,  
Аширбекнинг Оқбилаклайнин ёри.

Эсли одам қиласи гапни фаҳм,  
Элни босиб кетди қайгуман войим,  
Вой аттанг, деб сочин ёйиб жўнади,  
Сочин ёйиб жўнай берди кўп ойим.

Ҳар савдога кўнар банданинг боши,  
Тўкилар куйғанинг кўзидан ёши.  
Қирқ йигит шундай чиқиб қараса,  
Дод дейди, кўп хотиннинг довуши.

Кимга айтар доғи фарзанд ўтини.  
Үлим бузар марднинг иморатини,  
Вой болам, деб, вой акам, деб хотинлар,  
Юлибди бебахтлар гулдай бетини.

Хўрсишишиб айтолмайди сўзини,  
Ботир ўяр душманининг кўзини.  
Қирқ йигит шундайин тиклаб қараса,  
Эшилди қирқ хотиннинг овозини.

Қирқ йигитнинг юраклари дард бўлиб,  
Санталат қип юрганлари журт бўлиб,  
Дод, деб йиғлади бўзлаб қирқ йигит,  
Икки кўзи от ёлига тўрт бўлиб.

Ҳай аттанг-а, гулим сўлган экан деб,  
Паймонамиз унда тўлган экан деб,  
Элга келиб шармандалар бўлгунча,  
Бир от қўйиб унда ўлсак экан деб.

Изиллашиб Урганч элнинг дашига,  
Томоша айланг куйганларнинг ишига,  
Вой болам, деб,вой боврим, дебчувлашиб,  
Етиб келди қирқ йигитнинг қошига.

Ана, қирқ йигитга қараб Лаълихон ойим бир сўз айта берди:

Омонат, ўйласам, банданинг жони,  
Куймагай ҳеч кимнинг қилган ватани,  
Эсон-омон мунда келган номардлар,  
Аҳмад билан Юсуф фарзандим қани?!  
Ҳаммаларинг Хоразмни жойладинг,  
Уришли кун қўтосли туғ бойладинг,  
Эсон-омон мунда келиб, қирқ йигит,  
Юсуфбекман Аҳмаджонди найладинг?!  
Кимга айтай жудоликнинг ўтини,  
Ўлим бузган бўлса иморатимни,  
Ҳар кўрганда кўзимга қуюқ қилиб,  
Нега опкелдинг, жамоллағир, отини.

Қаратиб йўлларга қизлар кўзини,  
Кимга айтар ғариб, бебаҳт сўзини,  
Ўлган бўлса икки бирдай фарзандим,  
Нега опкелдинг икки аспи тозини.

Ҳақ синдириди энди қанотимни,  
Кимга айтар, ўлим қурсин, дардини,  
Ҳар кўрганда юрак-бағрим куйдириб,  
Нега опкелдинг, жайраб қолгур, отини,  
Сўйиб келсанг бўмайми отнинг зотини?!

Ана, энди дод деб, фарёд деб хотинлар айналиб йиф-  
лаб келяпти. Гапирадиган юзим, кўзим йўқ, деб қирқ  
йигит бадани қоп-қора талоқдай чуйкаб, шундай ўта бер-  
ди. Гулшан боғда Гуласал ойим—ҳаммаси ҳангамалашиб,  
қўлтиққа ёстиқни ташлаб, дастурхонни ёзишиб, кулишиб  
ўтириб эди, шундай қараса, икки от етакда қип-қизил  
қонга бўялиб келаяпти. Бу ҳолни кўриб, канизларига қа-  
раб, Гуласал ойим бир сўз айта берди:

Қизил гул сўлган ўхшайди,  
Паймона тўлган ўхшайди,  
Иифлайверинг, канизларим,  
Икки бек ўлган ўхшайди.

Бу қандай, нечук балоди,  
Күзлардан оққан жалоди.  
Дод деб йиғла, канизларим,  
Икки от етакда келади.  
Гулларим сұлган үхшайды,  
Икки бек ўлган үхшайды,  
Қиёмат бұлган үхшайды,  
Икки от ёмон кишнайды,  
Қора ерларни тишлиди,  
Дод деб йиғла, дугоналар,  
Бекларим қолган үхшайды.

Дод деб бетни сўйинглар,  
Қора кийимни кийинглар,  
Акам деб сочни ёйинглар,  
Аҳмаджон қолган үхшайды.  
Шотўрам ўлган үхшайды.

Қирқ йигит ўз қўйгани ўзига етади, дод деб хотинлар ияриб келяяпти. Гуласал ойим қирқ йигитга қараб сўз айта бери:

Утар дунёларинг фоний,  
Уртанибди устихоним,  
Қайним Аҳмаджон қани,  
Шотўрамни не қилдинглар?!  
Чўлларда кийик моралар,  
Юрак бўлиб садпоралар,  
Ёлғончи, юзи қоралар,  
Икки хонни не қилдинглар?!  
От чоптириб олдин олмай,  
Ханжар олиб яра солмай,  
Икки бекнинг бирин олмай,  
Қайтиб келдинглар уялмай.  
Чопишиб майдонда ўлмай,  
Тарафларга савдо солмай,  
Икки бекни не қилдинглар?!  
Ош еб вақтини хушлаб,  
Жўртага кўзинг ёшлаб,  
Икки хонни бирдай ташлаб,  
Минган тулпор оти кишнаб,  
Хонзодамни не қилдинглар?!

Ана, энди қирқ йигит гапиролмай ўтиб келяяпти, Гуласал ойим тафи бир сўз айта берди:

Айил қирққан отларингди тўшини,  
Куйган шўрлар тўкар кўздан ёшини,  
Ёрим ўлик-тиригини сўрайман,  
Вой акалар, тўхтатинг отнинг бошини.  
Қон қилдингми беклар юрган дашини,  
Бердингларми қузғинларга гўшини,  
Ёрим ўлик-тиригини сўрайман,  
Акажон, сақланглар отнинг бошини.  
Қарағай рўмолни бошга ўрайман,  
Хушвақт бўлсан зулғинамни тарайман,  
Қирқ йигит, сақланглар отнинг бошини.  
Ёрим ўлик-тиригини сўрайман,  
Боғ ичиди анжир билан қароли,  
Тўрам ўлса, ўлган жойга бороли,  
Тўрам ўлик-тиригини сўрайман,  
Қайсинг соғсан, қайсинг, беклар, ярали?  
Ҳақ йиғлатса мендайин севдигини,  
Гаримсел сўлдирса яшин боғини,  
Агар ўлган бўлса икки беквачча,  
Тўрам деб кияйин ёрнинг кўкини.  
Бирор пасл сақланг отнинг тизгинин,  
Ўлган бўлса азонларда тўрам деб,  
Во куним, деб кияй ёрнинг кўкини,  
Уликоми, тирикоми, айтинг, сўрайман.

Ана, эни катта одамнинг қизига ҳеч ким жавоб беролмай, Аширобек сардор саражадан калласини кўтарди. Асалойга қараб, бир сўз айта берди:

Теваракка дўст, душманни йиғдирма,  
Оқ баданга гулгун кўйлак кийдирма,  
Илоё, қирқ йигит ўлсин, Гуласал,  
Куйганларни қайта бошдан куйдирма.  
Бу гапгинанг қилди бизни беқарор,  
Йиғладик яратган ҳақقا зору зор.  
Юрагимда армон кўпдир, чирофим,  
Қелаётган қирқ йигитлар ярадор.  
Уйда туриб кўнгилгинанг жўшмасин,  
Қаттасини бекорга уришмагин.  
Қелаётган ҳамма беклар ярадор.  
Дард устига тоғдай дардни қўшмагин.  
Чирофим, ҳаммамиз жонларни сотдик,  
Отни миниб, Ҳовдак кўлига етдик,  
Бизлар кўриб қирқ бир отнинг изини,  
Шу издан қувалаб қистаб йўл тортидик,

Гургоннинг бўйинда ортидан етдик,  
Қўли бойли турган экан икки бек,  
Душманларман бежой кўп саваш этдик.  
Дард устига дардлар қўшма, чироғим,  
Бекларни деб таги қирқ кун қон ютдик,  
Юрагимда аламим кўп,вой-вой,  
Шарманда бўп бизлар Урганчга етдик.  
Биздан ўлди, ғанимлардан ўлмади,  
Шоҳимардан бизга иқбол бермади,  
Қирқ кеча-қирқ кундуз тинмай урушдик,  
Баданларда ҳеч соғ ери қолмади.  
Мусоғирлик асар қилди, ҳай дариғ,  
Урганч элдан бирор одам бормади,  
Мусоғирлик асар қилди, Асалхон,  
Аттанг-а, бизларни кўзга илмади.  
Уртанганни ёндиримагин, Асалой,  
Қирқ йигитлар худди шердай жон сотди,  
Қора қонлар этик, кийимга ботди,  
Йисфиҳондан келган қирқта йўлбарсинг,  
Қирқ кеча-қирқ кундуз саваш этди.  
Иложини топмай, айириб ололмай  
Тириклайн бериб Урганчга қайтди,  
Куйдирмагин бу бекларни, чироғим,  
Гапгинангга сужак ўртаниб кетди,  
Ўлган йўқди икки бирдай чироғим,  
Вой тоға, деб Миср шаҳрига кетди.  
Оққан кўздан қонли ёш деди,  
Ҳай аттанг-а, ёмон экан туш деди,  
Мирза Маҳмуд ҳайдаб кетди икковин,  
Фойибона ўзингизга хўш, деди,  
Дард устига дардлар қўшма, Асалой.  
Тушгинангни ёмонликка жўради,  
Давлатли одам шол саллани ўради,  
Кетарида вой тоға, деб, зор йиғлаб,  
Ўзингизни бежойин кўп сўради.”  
Үққа учеб мендай сардор ўлмади,  
Кўзгинам қайтай тупроққа тўлмади,  
Қирқ кун урушдик золим бадбахтман,  
Баданларда ҳеч соғ ери қолмади.  
Сўраб кетди ўзи Миср элига,  
Банди бўлди Мирза Маҳмуд қўлига.

Ана, энди булар ўтаверди. Аширбек сардор бир неча гапни айтиб, ўзидан кетди. Ер ёрилиб, Хоразмдан — Урганчдан одам чиқди. Шу одам чиқиб, олдини таммар қиб,

ўтар дунё фоний деб, Юсуф, Аҳмад қани деб, қизил гул сўлди, Юсуф билан Аҳмад ўлди деб қиз, йигитлар кетиб бораётиби. Қўй қўзига жамрашгандай йиғлаб, дод деб қайтиб уйига кетиб бораяпти.

Ана, энди қирқ йигитлар кетаверсин, гапни Гуласал ойимдан, Лаълихон ойимдан әшиитмоқ даркор. Дод, деб Гуласал ойим дарвозадан чиқиб келаётган эди, Лаълихон ойим, Қалдирғоч ойим аралашиб қолди дарвозанинг оғзида. Лаълихон ойим Гуласал келинига айтди:— Э чироқларим, шу вақтгача фарзандгиналаримни бир кўрай, деб, кўролмагич эдим. Бугун икки болам ўлди, икки оти етакда келди. Үзларингни ҳам кўрдим, изларингни ҳам кўрдим, ҳар ким дардини айтиб йиғлашар. Лаълихон ойим Гуласал ойимга қараб, Гуласал Лаълихонга қараб, сап қиэлар дардини айтишиб, кўринг ўзбакнинг ўлганда айтиб йўқлашини. Ана энд бирни Асалой, бирни Лаълихон айтаяпти:

— Тирик айрилган бир кўргани зормикан,  
Яхши одамга авлиёлар ёрмикан,  
Кел, Асалхон, исгинангни кўрайин,  
Фарзандимнинг сенда иси бормикан?!

— Бир гап айтсам, эна, кўнглинг тўлама,  
Эндики кун бойнагидай бўлама,  
Сиз болам денг, мен тўрам деб йиғлайнин,  
Хазон урган гулнинг иси бўлама?!

— Айланайин, юрагингда нурмикан,  
Яратганим менга раҳим ермикан,  
Бир искалаб исларингга тўяйин,  
Юсуфжоннинг сенда иси бормикан?!

— Елкага ботирлар қалқон бойласин,  
Урушда тарафнинг жонин қийнасин,  
Сиз болам денг, мен тўрам деб йиғлайнин,  
Офтоб урган гулда,вой, ис найласин.

Лаълихон болам деб қўзин ёшлади,  
Эсга тушиб манглайига муштлади,  
Чидай олмай фарзандининг дардига,  
Асаённинг бўйнига қўлин ташлади.  
Урушли кун сарбоз тортар нуқра най,  
Ёмонларнинг куни ҳамиша оҳувой,  
Вой тўрам, деб ўпкасини босолмай,

Тўрам, деб сочини ёйди Асалой.  
Тўкилибди гала қизларнинг ёши,  
Ҳар савдога кўнар одамнинг боши,  
Вой акам, деб қулоч ёзиб бўзлайди,  
Акам, дейди бекларнинг эмчакдоши.  
Карим-о, қулингни қилмагин қаллоч,  
Бир мардни хумсага қилмагин муҳтож.  
Вой акам, деб увуз эти ув бўлиб,  
Тўлоба диллари балқиб сув бўлиб,  
Гуласални келиб қучоқлаб олди,  
Суянган тоғгинам, деди Қалдирғоч.  
Уртанганди Лаълихоннинг танаси,  
Яхши одамнинг асло бўлмас гинаси,  
Асалойни қучоқлаб оп, болам, деб  
Икки бекнинг Лаълихондай энаси.  
Акажоним, деди сочини ёйиб,  
Иифлай-ийфлай юрак, ўпкаси куйиб,  
Ораларга боғу чорбогим деди,  
Юсуфбекнинг Қалдирғочдай синглиси.  
Чўртта-пўрта куйиб кетган димоғи,  
Талоқдай қорайиб кетди сиёғи.  
Во тўрам деб қора сочини ёйиб,  
Юсуфбекнинг Асалойдай қаллифи.  
Подшолар бошига санчар тожини,  
Элдан олар закотиман божини.  
Во тўрам, деб, во болам, деб Лаълихон  
Белига ёйибди қора сочини.  
Зулғинасин бармоғиман силайди,  
Чечан киши гапни гапга улайди,  
Аҳмадбекнинг ўнг ёқда қолган ёри,  
Тўрам дегани халқдан уво қиб,  
Эйнидан дамини олиб жилайди.  
Юракларда ғам кўп дардман анчаси,  
Акам, дейди беш юзча қиз барчаси,  
Гоҳ қайним, деб, гоҳ, болам, деб йиглайди.  
Юсуфбекнинг Оқбилакдай чечаси.  
Бир оти раҳимдир, бир оти қодир,  
Маккани қилганди Иброҳим Халил,  
Гуласалман Қалдирғочой ўртада,  
Акам, деб, тўрам, деб тепади садр.  
Ўлим ёмон банди-бувни бўшади,  
Лаълихоннинг суяклари шовшади,  
Садр тепиб Қалдирғочман Асалжон,  
Бири акам, бири боврим дейшади.  
Иифлай-ийфлай баданлар чуйкаб кетди,

Талотўп бўп кетди Урганчди юрти.  
Намозгар, намозгар вақт бўлганда,  
Зор йифлашиб Асалойман Лаълихон  
Бири Урганч, бири Хоразм кетди.  
Фарзанд деган қандай ширин дунёда  
Лаълихон бечора ўзидан кетди.  
Улим қурсин, жигари куяди,  
Ёмон билан ўтган умр зояди.  
Қалдирғоч эна деб, оқбилак —  
Лаълихонни қўлтиғидан суюди.  
Тарам-тарам кўзларидан ёш кетди,  
Нима қилсин ватанидан бош кетди.  
Суяй-суяй Лаълихонни Қалдирғоч,  
Хоразмдан ватанига оп кетти.  
Беҳуш бўп Лаълихон ўзидан кетди,  
Энди навбат Асалойимга етди,  
Ўзи билан ўзи бўлиб ойимлар,  
Қоп-қора туташиб сочини ёйиб,  
Урганчнинг элига Гуласал етди.  
Қоши қора Шўрдарёнинг қундузи,  
Кўзлари сурмали тонгнинг юлдузи,  
Йифлай-йифлай юрак, ўпкаси пишиб,  
Акам, деб Гуласалнинг канизи,  
Яқинлаб Асалой ўрдага етди.  
Қуёвгинанг урушда ўлибди, деб  
Бу сири ҳолларни кўриб катта ойим,  
Асалнинг энаси ўзидан кетди.  
Ҳай аттанг, йифламай, гул ранги сўлди,  
Шунқордай Асалнинг қадди букилди,  
Бориб туриб ўрдасига Асалой,  
Юсуфбекнинг чопон, салласин кўриб,  
Эсизгина даври давроним деди,  
Гуласалой тавоғ қилиб йифлади.  
Аширбекни саража қилиб ортди,  
Хоразм элида ўрдага етди.  
Ҳўп хафалик бўлди Урганчнинг шаҳри,  
Ҳамма одамнинг димоги куйиб кетди.

Ана, энди бир хил ёмонлар «хўп, бўлди, ўлди, элнинг катталиги бизларга қолди»,— деб айтади. Давлатшо деган Аширбекнинг бир хизматкори бор эди, ҳар урушда табиблардан кўра-кўра таккам бўп қолиб эди. Аширбек билан Вафобек ёмон ярадор бўлиб эди. Икковини Давлатшо дорига солди. Ҳалиги Вафобекнинг яраси айниб ўлди, Аширбек яхши бўлди. Аширбек Қалдирғоч билан

Давлатшога айтди:—«Менинг энди құл-қанотим бўлмаса, бир тенгиздан сакта гап эшигунча ернинг остида аза тутиб ётаман. Тирик деб бир рав очсанглар, икки дунёда ҳам бетларингни кўрмайман, тузима рози бўлмайман. Шу Вафобекни менинг ўрнимга узатиб, Аширбек ўлди, деб овоза тарқатиб юборинглар».

Ана, энди Давлатшо Аширбекни ўлди, деб уйига олиб бориб, уп-узун қилиб ўраб қўйди. Оқбилак ойим сезди. Лекин гавдаси Аширбекнинг гавдасига ўхшамади. Бетини очиб кўрай деб эди, қўрқди. Исфиҳонга ҳам хабар кетди Аширбек ўлди деб, минг от кетди теваракка. Эл ёрилиб одам келиб,вой аттанг, элнинг пешонасига сифмади деб, жанозасини ўқиб, дод-фарёд, деб тарқаб кетди.

Ана, энди булар аза тутиб, ҳаммаси қоп-қора тутаб ётаверди. Бўзўғлон подшо ҳам эшилди. Бўзўғлонхон подшо айтди:

— Айтувдим, билувдим. Насиҳатни олмаганинг давоси шу. Хўп бўлсин. Қўнгли қолмаган-да, Бўзўғлон орқасидан лашкар олиб келар эди. Ҳамма ҳайрон қолди Бўзўғлоннинг бу ишига. Ҳай аттанг-ай, Бўзўғлонхон подшо хумсалик қилди деган одам ҳам кўп бўлди. Бўзўғлоннинг ҳар дарди ичиди бўлди. Димоғи куйиб кетди. Арз сўрамай ичкари кириб кетди. Ана, энди булар жойида тураверсин, гапни Кўкча билан Мирза Маҳмуддан эшилмоқ керак.

Ана, энди қирқ йигит қирқ кеча-қирқ кундуз урушган, бу фанимларнинг юрагини олган. Айтди:— Қирқ йигити келиб, қирқ кун урушди, юр, ўзбек келса, тухумга қўймай ўлдиради. Юсуф билан Аҳмадни ҳайдаб шу қочгандан қочди, бекларнинг оёғидан аввал-аввал қон кетди, сўнг-сўнг қон чиқмайин мой кетди, танасида сўл қолмади. Юра-юра қора қўтирил бўлиб битди. Тўқсон олти катта тоғдан ўтди, орадан беш яримой ўтиб кетди. Аҳмадбек хом эди, пишди, ҳисобгинасидан адашди, неча катта тоғлардан ҳайдалиб ошди. Аҳмадбек зор-зор йиғлаб, Юсуфбек оғасига қараб бир сўз айтаверди:

Оёғимга кирса эди бир тикан,  
Лаълихон бўларди минг марта пормон,  
Қўлим бойли зулм билан ўлдим мен,  
Хабар олгин, акажоним, ҳолимдан.  
Юра-юра оёқларим бўлди қон,  
Олло қилди мендай мардни саргардон,  
Юрмакка тиззада қувват қолмади,

Құлым бойли, зулм билан ўлдим мен.  
Қиёматда дод айтарман золимдан,  
Бемаҳалда чиқдим Урганч элимдан,  
Юрай десам, танда дармон қолмади.  
Ҳай аттанг-а, озорликман ўлдим мен.  
Неча тоғдан яёв ошдим югуриб,  
Мажнунтолдай қоматгинам букилиб,  
Тошга тегиб тирноқларим түкилиб,  
Тенгсиз ғанимларга мен банди бўлиб,  
Қўлум бойли, армон билан ўлдим мен.  
Йўлбарс бўлсам нима келар қўлумдан,  
Гап чиқади қимиirlаган тилимдан,  
Хабар олгин, акажоним, ҳолимдан,  
Ҳай аттанг-а, хор бўп ўлдим, найлайнин.  
Жуда узоқ қолиб кетди элатим,  
Бормикан дунёда бир бағри бутун,  
Юрмоққа бадандан кетти қувватим,  
Улар бўлдим, кетди менинг ҳолатим,  
Қўлум бойли, армон билан ўлдим мен.  
Шу вақтда аскаримдан бўлмади,  
Ҳолим кўриб, сен қалайсан демади,  
Ўлганимни ҳеч бир одам билмади,  
Юрмоққа оёқда кучим қолмади.  
Мана душман ҳеч бир ҳолим сўрмади,  
Акажон, чўлларда ўлдим, қайтайин.

Шунда Юсуфбек бу гапларни эшишиб, золимларга қараб бир сўз айтаверди:

Бизнинг билан жўра бўлган, золимлар,  
Қўлини еч, укамни отга миндиринг.  
Ё кўзим кўрмасин, хўрлик қийноғин,  
Қирдан ҳайдаб ошиб бизни ўлдиринг,  
Аҳмадбекнинг билмаганин билдиринг,  
Хушвақт қилиб пичагина кулдиринг,  
Етагингда еталаган отларга  
Аҳмаджонни пичагина миндиринг,  
Ё қирдан ошириб мени ўлдиринг.  
Киши душман билан бўларми сирдош,  
Ўлмай банди бўлармикин қорабош,  
Юсуф катта, Аҳмад иним мендан ёш,  
Аҳмаджонни партол отга миндиринг.  
Отга миндиринг, жуйқонсиз бебош,  
Суяги қотган йўқ, Аҳмад укам ёш.  
Ҳеч бир одам бизлардайин бўлмасин,

Ғанимлар бизлардай банди қилмасин,  
Отадан яккадир, Аҳмад ўлмасин,  
Ё укамни бир бўш отга миндиринг,  
Икки кўзим кўрмасин, хўрлик қийноғин,  
Келганлар — душманлар, мени ўлдиринг.  
Узоқ экан, ҳеч келмаймиз юртингга,  
Лашкарим етмайди, қайтай, орtingга,  
Аҳмадни миндиргин бир бўш отингга,  
Ё қўлин еч, чироғимни миндиринг,  
Бирорвимизни эса уриб ўлдиринг.  
Бир ёғи паст экан, бир ёғи ўрлар,  
Манглайда кўп экан бежойин шўрлар.  
Қўлин еч, инимни отга миндиринг,  
Бизнинг билан йўлдош бўлган золимлар.  
Кўрмагин гумондир хонадонимни,  
Тангри ҳамроҳ қилгай-да имонимни,  
Бизни банди қилган гала душманлар,  
Бўш отга миндиринг Аҳмаджонимни.

Мирза Маҳмуд бекларнинг кўзига кўринмайди, тузини еган, уяти бор хонасалотнинг. Ана, энди Мирза Маҳмуд Кўкчага имо қилди, Кўкча айтди:— Э, Юсуф, Аҳмад ўзбак, сенинг оту овозсанг зилзиладек илдам етди, Мисрнинг одамини ўсмайдиган қилиб қўйди, бизнинг элда баччалар йиғласа, олапўстак келди, шағол келди, бўжи келди, тулки келди, деб айтмаймиз, Юсуф билан Аҳмад келди, деб айтамиз, бешигимиздаги баччалар йиғлашини қўяди. Қўрқоқлари сендан қўрқиб ўтин-чўп қилолмай, қишининг куни неча бола-чақалари совуқдан ўлади. Юсуф, Аҳмад, Аширбек сардор келди деса, эшаклар тумшуғини осмонга қаратиб, ҳанграб қочади, маст ҳўқизлар бўкириб қочади, чўчқалар пишқириб қочади. Икки бек учун шунча лашкар Гургон дарёсининг бўйинда қирилиб кетди, етти йилдан бери Миср шаҳри қамал тортади. Мен сени холамга куёв қиламан деб олиб келаяпманми, мен сени хорлик-зорлик билан ўлдираман деб олиб келаяпман. Гўзалшоҳ тираб келинглар деб эди, ҳали ҳам катталик кўнглингдан кетгани йўқми? Беҳисоб қамчилар уриб, Кўкча бадбахт бир сўз айтаверди:

Мен борғанман сенинг йўлингни тўсиб,  
Келгунча отим товонинг босиб,  
Ҳали ҳам бу кўнглинг ҳаво қилами,  
Беклигининг Урганчда қолди, бек Юсуф.  
Икки ўзбак ўларингни билдингми,

От олдида пиёда бўп келдингми,  
Ҳали ҳам кўнглингда ҳаво қоларми,  
От минмакка менга банди бўлдингми?  
Ўзбак, подшо эдинг ўсган элингда,  
Қарчиғай илгига, шунқор қўлига,  
От мингани сени банди қилдимми,  
Беклигинг қон кетди Урганч элингда.  
Мотам тутди элингда бир нечалар,  
Хазон бўлди боғингдаги фунчалар,  
Бандиликда катталигинг қўзиди,  
Беклигинг элингда қолди, баччалар.  
Юрагингни ўзим қилдим тўла қон,  
Савдо солдим икковингга шул замон,  
Миндирмайман Аҳмадингни отима,  
Катталигинг қолиб кетди, Юсуфжон.  
Пиёдалаб икковингни елдирсам,  
Қамчи уриб баданингни тилдирсам,  
Беклигинг қоп кетди Хоразмингда,  
Ҳайдай-ҳайдай икковингни ўлдирсам.  
Энди ўлдинг икковинанг йифлайсан,  
Кўнглинг катта, бир гапларни биласан,  
Асватлайман деб банди қилдимми,  
Отга миндир деб катталигинг қиласан,  
Подшолигинг қолди Урганч шаҳрингда.

Кўкча золимнинг бу айтган сўзи Аҳмаджоннинг жонжонидан ўтди. Юсуф оғасига айтган сўзига Аҳмадбек аждаҳордай қўзғолиб кетди. Йўлбарсдай толпиниб, Юсуф оғасига қараб, кўнглини кўтариб, бир сўз айтаверди:

Фазо деса бедовларни шайладим,  
Ҳиммат камарини белга бойладим.  
Акажон, гапирманиг турган душманга,  
Етти йил ҳайдаса, талаб айладим.  
Қилди душман аламимни зиёда,  
Нимагина кўрдинг мана дунёда,  
Ёлвормайн боринг, ака, душманга,  
Етти йил ҳайдаса, кетай пиёда.  
Булбул байламасин гулнинг раҳтини,  
Худо очсин эр йигитнинг баҳтини,  
Банди бўлиб бизлар Мисрга бориб,  
Подшо бўп сўрармиз Миср таҳтини.  
Эшит ака, Аҳмадингнинг тилини,  
Сўлдиармиз очилганда гулини,  
Қон ёғилган Аҳмаджоннинг изини,

Нима деса ғанимат бил сўзини.  
Банди бўлиб Миср шаҳрига бориб,  
Қанизак қип олсак сулув қизини.  
Үйтиб-бўйтиб Миср элига етсак,  
Миниб олиб шоҳ Гўзалнинг тахтига,  
Қойил бўлар Аҳмадингнинг бахтига.  
Сабаб билан Миср элига оралаб,  
Иш бўп қолар, Юсуф ака, вақтига.  
Эшитинг, акажон, ўзимдан додди,  
Овқат бермай, Қўкча бизни бўзлатди,  
Бойлик ҳам навбатди, хўрлик навбатди,  
Йигламайин юринг акам, Юсуфбек,  
Подшолик навбатди, ободлик навбат,  
Гўзалшоҳ бизларга берар навбатди.  
Оллойим бир айтганимизни қиласар,  
Нон насиба Миср шаҳрига тортди,  
Сир билдирмай юринг, ака, душманга,  
Боли Ҳасрат деган тоққа етди.

Қўкча Юсуфбекка шу тоғни сен мақтайданми, мен мақтайданми,— деди. Отлар келяпти тизилишиб, юзларига тупроқ ўрнашиб, сочгиналари жопиллашиб, қуртдай қайнавишиб, тоғнинг ёлғизоёқ йўлида тудай узун бўлишиб, тоқ-тоққа улашиб, юра-юра ақли шошиб, ўтдай туташиб, бир нечасининг кўзи кўм-кўк зумраддай бўлишиб, Аҳмаджоннинг юраги ошдай тошиб, ҳаммаси тоққа келаяпти, худди қумурсқадай бўлкиллашиб, туғбайдоқ келаяпти сўлқиллашиб. Ана шунда Юсуфбекнинг кўнгли жўшиб, бир сўз айтиб, кетиб бораяпти:

Қўҳна замондан қолгансан,  
Ҳисобсиз даврон сургансан,  
Пайғамбарларни кўргансан,  
Умринг узоқ, ёш тоғлар.  
Икки бек яёв ўтганда,  
Банди бўп бунда етганда,  
Қиёмат тонги отганда,  
Исройл сурни тортганда,  
Тебранмас дўнгларинг сенинг.  
Ҳар тоғингда уч юз дара,  
Банди бўлиб оёқ яра,  
Қаттадир тоғларинг сенинг  
Чарчатди белларинг сенинг.  
Бир тоғинг бор, оти Оланг,  
Гуллар очилар ранг-баранг,

Сайраб турар шери фаланг,  
Томоша тоғларинг сенинг.  
Икки бек яёв ўтганда,  
Ҳар киши калима айтганда,  
Ҳар ранг ҳайвонлар ётганда,  
Таралар товусинг сенинг.  
Чашмаларинг оқар пастида,  
Кўрмоққа одам ҳавасда,  
Банди бўлиб келдим хаста,  
Шифобахшдир сувларинг сенинг.  
Аҳмаджон яёв юрганда,  
Душмандан зулм кўрганда,  
Фанимлар ҳайдаб юрганда,  
Вариллар тувларинг сенинг.  
Тофинг кўрганларга ёқар,  
Булогинг шилдираб оқар,  
Аҳмад укам қаддин букар,  
Луқмондир ўтларинг сенинг.  
Мирза Маҳмуд қамчи чотди,  
Элат узоқ қолиб кетди,  
Хоразмнинг бекваччаси,  
Банди бўп устингга етди,  
Узоқдир қирларинг сенинг.  
Гулларинг бордир нечаси,  
Очилар гулнинг фунчаси,  
Ҳар тарафга термилишиб,  
Хоразмнинг бекваччаси.  
Қелганлар тоза одамлар,  
Ҳар бир гапи бомазалар,  
Ҳар тоғларга сўзлар айтиб,  
Икки бирдай бекзодалар.  
Минган оти тўбичоқлар,  
Пайзада зарли чочоқлар,  
Ҳар дарага сўзлар айтиб,  
Икки бирдай қўэзичноқлар.  
Қийналган банданинг жони,  
Эрнинг кетмас ҳеч имони,  
Ҳар тарафга сўзлар айтиб,  
Дин Хоразм элнинг хони.  
Душман биткан термилишди,  
Қўзлари кўм-кўк бўлишди,  
Аҳмад билан Юсуф йўлбарс,  
Боли Ҳасрат тоғдан ошди,  
Душманлар ҳайда дейишди,  
Ғубор кўринса кетида,

Бўз отлиси келди дейишиди,  
Дин Хоразмнинг беклари,  
Боли Ҳасрат тоғдан ошди.  
Душман биткан қўрқиб кетди,  
Кечакундуз тинмай ҳайдаб,  
Боли Ҳасрат тоғдан ўтди,  
Боботоққа қистаб етди.  
Боботоғдан ошганданкай,  
Текисликка тушгандан кай,  
Сочин силаб, чангин артиб,  
Душманлар бўлк этмай ётди.

Ана, Боботоғдан ошибб, текислик тушиб, душманлар тупроқларини артишиб, бўлк этмай ухлаб қолишиди. Шунда Юсуфбек оч тўйгандай ҳар тарафга термилиб-термилиб қараб туриби. Бир элат кўринади кўзига: оппоқ қишлоқлар, бир катта иморатлар, бошида ангаралари, қўтослари, ҳар катта қўнғироқлар осилган. Буни кўриб, Юсуфбек қандай эл бўлса экан,— деб фикр қилиб турди. Кўкча билан Мирза Маҳмуд иргиб туриб, қаламни қўлга олиб, тўппа беимло хатни чиза берди. Юсуфбек айтди:— Э Мирза Маҳмуд, Кўкча ит, бебош, сен ўла-ўлгунча яхшилар билан ғаш, ҳеч тартибни билмаган чала бебош, олти ойдан бери қувиб ўйл тортдинг, бугунлик кунда нимага ётдинг, имлоси йўқ, эгри-буғри қилиб хат битдинг!

Кўкча айтди:— Ори, айтганинг дуруст, Юсуф ўзбак. Ҳўй, балли, шаъну шавкатли экансан, баландпарвоз экансан, Рустам сифатли экансан. Лекин сенга қойил бўлдик, қирқ ўзбагинг келди, қирқ кун саваш қилди, калла дўлдай думалаб қолди. Жон қандай ширин, мана сарбозлар қўрқишиб қолди. Юзта ўзбак келса, биттамизни тухумга қўймас экан, деб қўрққапимиздан ҳайдаб қайтдик. Кўзингни очиб қара, Мисрга яқинлаб етдик. Энди лот-манот, шиша алвот, ёғоч чорёр, кумуш пайғамбар бизларни тарбият қиласи, келган лашкаринг ҳеч иш қилолмайди энди,— деб ётдик, ўзимизнинг элда ҳам ётқизмайсанми? Энди ростини айтсак, қўрқиб кетдик сендан. Энди сенинг хатингни, амалингни Гўзалшоҳ подшоға битдик.

Юсуф айтди:— Опке, қани хатингни буёққа. Кўкча олиб келиб Юсуфбекка мана деб кўрсатди. Юсуфбек аста дўлворлаб, кейин хатни ўқиди. Хатда айтибди: Аскар тоққа мунча қўшинни бўктирма қилиб қўйдик, Гургон дарёсига лашкар билан бордик, қирқта полвон билан Ҳов-

дак қўлда ов қилиб юрган ерда бойлаб олдик. Бекларни ҳайдаб Гургон дарёning бўйига келдик. Осмондан бало ёққандай бўлиб, бир бўз отлиси келиб аралашди, қирқ кун урушди. Шу бўз отлиси ярадор бўлиб, ўнтаси ўлиб қайтди, кўп сарбозларимиз ўлиб кетди. Кўкча билан Мирза Маҳмудинг эсон-омон хизматингни тиндириб, Мисрга ўлмай етди. Давлатинг дароз бўлсин, подшойим,— деб хат битибди. Юсуфбек қўли бўш бўлганда йиртиб ташларди. Юсуфбекнинг ҳар туки бигиздай тип-тикка бўлиб кетди. Юсуфбек айтди:— Э Кўкча, яхши одам ёмонларга ризқ бўлади, ана шунинг сабабидан Одирбойнинг тўйидай қилиб, ёмон одамларнинг қорни тўйиб кетади. Яхши одамнинг сабабидан неча одамлар шод бўлиб куни ўтади. Сен айтгин, тўқсон беш минг сарбоз билан Урганчни айланиб олдик, камац ташлаб бекларни банди қилдик, Гургон дарёning бўйига келдик дегин. Бўзўғлон, Эралихон, Ойхон, Кунхон деган подшолари ёвлаб келди, беҳисоб лашкар билан Гургоннинг бўйига етишди, қирқ кечакундуз урушдик, ундан ҳам ўлди беҳисоб, биздан ҳам ўлди кўплари десгин. Бўзўғлоннинг жияни, Эралихон подшонинг куёви, худди ўзбаклар каттаси Юсуф билан Аҳмаджонни банди қилиб келдик дегин, бирор нарсали бўлиб қол! Подшойингнинг бу қилган арзангга аччиғи келади. Менинг сабабимдан бирор нарсали бўлиб қолинглар.

Буларнинг тилидан ариза битди. Ана, энди арзачўпга арзани солиб, липопалааб, арзачини жўнатиб, арзачига қараб, бир сўз айтаяпти:

Эшитгин, арзачи, додди  
Сайлаб мингин йўрга отди,  
Билдиргин Юсуф, Аҳмадди,  
Томошага чиқа берсин  
Миср элнинг мамлакати,  
Йўргани қистаб елдиригин,  
Ўткир қамчини чолдиригин,  
Юсуф, Аҳмад кеп қолди деб,  
Гўзалшоҳимга билдиригин.  
Кўп одамлар ўлди дегин,  
Йўлда ҳалок бўлди дегин,  
Бор, подшога тезроқ билдири,  
Юсуф, Аҳмад келди десгин.  
Иргитар отларни қамчи,  
Макка борган қилас ҳожи,

Хорлик кўриб келганлари  
Феъли қайтиб бўлар бўжи,  
Тезроқ жўнагин, арзачи!  
Юсуф ўзбак келди дегин,  
Қулай банди бўлди дегин.  
Нечовлар қаддини буksин,  
Ишим подшомизга ёксин,  
Бориб айтгин Гўзалшоҳга,  
Гомошага одам чиқсин.  
Неча тоғдан ошди дегин,  
Оч қоп ақли шошди дегин,  
Боботоқقا Кўкча келиб,  
Бандиларман тушди дегин.  
Подшонинг кўп экан кучи,  
Елбирар тоғнинг ёфочи,  
Қистаб ҳайд, юр йўргачи,  
Тинмай ҳайдагин, арзачи.  
Дин Хоразмнинг беклари,  
Банди бўлиб келди дегин,  
Кўкча билан Мирза Маҳмуд  
Обрўйингни олди дегин.  
Ёмонламагин бизларни,  
Яхши хизмат қилди дегин  
Ер ёрилиб, одам чиқсин,  
Ўзбакнинг катта подшоси  
Хўрлик билан келди дегин.  
Иш таърифлаб Кўкча айтди,  
Синмасин эрнинг қаноти,  
Арзачиси миниб отди,  
Арза кўтариб баччағар  
Қўнқайиб Мисрга кетди.  
Хатгинаси биргасини,  
Ёд айлабди подшосини,  
Ҳар қистайди йўргасини,  
Таги тушиб қолмасин, деб  
Ушлаб-ушлаб арзасини.  
Лоти-маноти тилида,  
Арза хатни оп қўлига.  
Юраги ёрилиб ишиб,  
Телпаккинасин тўмпайтиб,  
Борди Мисрнинг элига.  
Кўп юрди тоғнинг дашига,  
Ҳамма ҳайрон қоп ишига,  
Ҳар тебраниб талпинади,  
Бир қўлин мангалайига олиб,

Бир құлни урчиққа солиб,  
Тотув билан шул арзачи  
Борди подшонинг қошига.

Ана, энди подшонинг олдига тушиб, варранг-арранг дейишди, Гүзалшоҳ подшо буни кўриб, кўп вақтдан бери одамларини соғинган эди, келган одамга қараб, бир сўз айтаверди:

Ўзга элга кетган қариндош,  
Мирза Маҳмуд, Кўкча жоним омонми?  
Сочгинамни ҳар ранг қилиб тарайман,  
Миср элга подшоликка ярайман,  
Бежой узаб кетдинг ҳамманг Урганчда,  
Кетган одамларнинг барин сўрайман,  
Ёппа-ёвлик сарбоз-саллот омонми?  
Кўп вақт бўлди, кетдинг Миср элингдан,  
Жон садақа қоматингдан, бўйингдан,  
Кетган одамлардан бергин хабарни,  
Дарров гапир, буванг садқа тилингдан.  
Мирза Маҳмуд айтганлари бўлдими,  
Ётирамо кетган қўшин ўлдими?  
Яхши гапни менга сўзла, қаддингдан,  
Кўкча билан кетган сарбоз келдими?  
Урганч элни жеби-есир этдими,  
Исфиҳонга лашкар ўтиб кетдими,  
Кўкча билан Мирза Маҳмуддай жоним,  
Душманимни банди қилиб қайтдими?  
Ўзгинангга яхшилик гап айтдими,  
Обрў топиб Миср элга етдими,  
Кўнглимни душманлардан тингизиб,  
Дарров сўзлар, бир яхши гап айтдими?  
Яхшиликка йўрға отни елдингми,  
Жонгинангга кўп жабрлар қилдингми,  
Жонгинам айлансин келган изингдан,  
Яхшилик гап менга олиб келдингми?

Ана, энди келган арзачи оғзи-боши жумийиб, мурти бўкиллаб, кўзи ранг-баранг товланиб, подшога бир сўз айти берди:

Обрў топдик Урганч элдан,  
Тутаб ошдик неча белдан,  
Ҳеч хабар олмайин ҳолдан,  
Юриб келдик неча белдан.  
Ўзга одамларни бўзлатиб,

Үч оп келдик Урганч элдан,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Бузиб келдик хонадонни,  
Қийнаб келдик ширин жонни,  
Қириб-жўйиб ўзбакларни,  
Банди қилиб олиб келдик,  
Юсуф билан Аҳмаджонни,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Урушда чўғдай яшнадик,  
Отни қисташиб ҳайдадик.  
Ўзбак шоҳи келди босиб,  
Йўлимизни лашкар тўсиб,  
Гургон дарёда ётганда,  
Бўзўғлонман Эралихон  
Лашкар тузиб келди босиб,  
Гўзалшоҳ, беринг суюнчи.  
Чоқ бўлишиб, миљиқ отдик,  
Ўликларни ялпайтдик.  
Кирқ кун тинмайин урушиб,  
Телпагини елвиратиб,  
Ўзбакларни далвиратиб,  
Урганч элга қувиб етдик.  
Қўрғонларини қулатдик,  
Ўлик битганни сўлатдик.  
Бўзўғлоннинг жияни,  
Хон Эралихоннинг куёви,  
Юсуф билан Аҳмадбекни,  
Ўзи ўзбакнинг каттаси,  
Банди қилиб олиб қайтдик,  
Подшойим, беринг суюнчи.  
Элчи кўнгли жўшиб кетди,  
Гўзалшоҳнинг амалдорин  
Ақллари шошиб кетди,  
Бу сўзни эшитиб подшо  
Баданда гўшт ишиб кетди,  
Қамзуллари, кўйлаклари  
Қоқ бўлинниб тушиб кетди.  
Гўзал подшо хушвақт бўлиб,  
Турган халойиқларига  
Шодиёна қўйинглар деб,  
Қарнай-сурнай тортинглар деб,  
Гўзал подшо торт, деб айтди.  
Талотўп бўп Миср шаҳри  
Қарнай-сурнай товушига  
Шундай катта Миср эли

Симобдай тебраниб кетди.  
Билмаган одамлар ҳуркишиб,  
Билганлар яхши гап дейишиб,  
Бола-чақа, хотин-халаж  
Құрқиб бариси чувлашиб,  
Бу зилзила ҳангамага  
Қулоқлар қолди фувлашиб.  
Юсуф, Аҳмад кепти дейишиб,  
Хушвақт бўлишиб душманлар  
Чиқаверди томошага.  
Худди қуртдай вижирлашиб,  
Мисрни зилзила тутди.  
Ер ёрилиб одам чиқиб,  
Мисрда одам кўп экан,  
Қўча-кўча, томнинг боши  
Булдириқ учгандай бўлиб,  
Дараҳт, томларнинг бошини  
Одам миққа босиб кетди.  
Гўзал подшо вазирларман,  
Беадабга таъзирларман,  
Мурти ўсиқ, ғанимларман,  
Неча шону шавкатларман  
Шодиёналар қўйдириб,  
Томошага подшо кетди.  
Хафа бўлган ёшин тўқди,  
Ҳангама деган эрмакни,  
Яхши одамни кўрмакни  
Ер ёрилиб, Миср элдан  
Ўзбак подшосин кўрмоқقا  
Қумурсқа юргандай бўлиб,  
Қўрайлик ўзбак хонин, деб  
Миср элидан одам чиқди.  
Мирза Маҳмуд, Кўкча билан  
Юринглар деб одам етди,  
Кўкча золим карнай тортди.  
Сарбозлар туриб жойидан,  
Отлари оқсаб қолибди.  
Чуйрангашиб, майрангашиб,  
Сарбозлар туриб йўл тортди,  
Юсуф билан Аҳмаджонни  
Мирза Маҳмуд ҳайдаб кетди.  
Қўлда сузган қув кўринди,  
Юсуфбек шундай тикласа,  
Вариллаган тув кўринди.  
Ичи пишиб ғамга тўлди,

Подшо келганин билди.  
Жон деганинг қандай ширин,  
Юсуфман Аҳмаднинг жони  
Танада бўлкиллаб қолди.  
Бу зилзилаларни кўриб,  
Ҳар кўзи чўғдайин жайнаб,  
Ўзларин тўхтатиб олди.

Юсуфбек: «Кел-е, ўлимдан киши қўрқарми»,— деди. Аҳмадбек шундай қараса, Гўзалшоҳ подшо келаяпти. Бир шону шавкат билан, сатта вазир, саркардаси билан, бошида сояпардаси билан Гўзалшоҳ подшо фил миниб келаяпти, муртига садафдан, гавҳардан мунчоқни тизган, охиратдан умид узган, қўю чўйқадан тўйгунча еган ғанимлар келаяпти. Неча дағдаға билан, шону шавкат билан, подшолик иззати билан, елкаси қирдай, оғзи қопқоқлик, каллалари говсаватдай, муртлари тикка копирларман келаяпти. Буни кўриб йўлбарсдай талпинди беквачча. «Аттанг, қўлимиш бўш бўлганда бир шапат билан калласини думалатар эдим,вой-вой бандилик қурсин»,— деди бекваччалар.

Ана, энди Кўкчадан эшитинг гапни. Кўкча, э, Юсуф билан Аҳмаджон, кўрмайсанми бизларнинг подшони,— деб талтайиб, қутурган ҳўкизга ўхшаб, бекларга қараб, бир сўз айтаверди:

Подшо эдинг, ўзбак, Урганч элингга,  
Раҳм айладим, ўлдирмадим, ҳолингга,  
Банди қилдим сени Ҳовдак кўлида,  
Бизнинг шоҳни томоша қил, ўзбаклар,  
Шундай подшонг борми, ўзбак, элингда?  
Мен борганиман сенинг йўлингни тўсиб,  
Келгунингча отим товонинг босиб.  
Шундай подшонг борми Урганч шаҳрингда,  
Гўзалшоҳни томоша қил, Юсуфбек.  
Икковинг қилмадинг бизга таассиб,  
Милтиқнинг пилтаси тўқайдай сасиб,  
Заркокилинг қувдим отларим босиб,  
Шундай шоҳинг борми сенинг элингда,  
Гўзалшоҳни томоша қил, бек Юсуф.  
Ярашган кокилинг белга чалмаша,  
Яёв келдинг ича тоғлардан оша,  
Амалдорни томоша қил, ўзбаклар,  
Гўзалшоҳни, ўзбак, қилгин томоша.  
Тоғдан ҳам баланддир ўйу хаёллар,

Ёмон бўлсанг ўйилади қабоқлар,  
Мурти тикка подшонг борми шаҳрингда,  
Гўзалшоҳни томоша қил, ўзбаклар.  
Лот худони, шиша алвотни ёд этдим,  
Назир бериб ҳамиша ўзим шод этдим.  
Шундай подшонг борми, ўзбак, элингда  
Банди қилиб Миср элига етдим.  
Ана сенга Гўзалшоҳни кўрсатдим.

— Шундай салтанатли подшонг борми сенинг шаҳрингда,— деб Кўкча жуда талгайди. Бу гап Юсуфбекка ботди. Марднинг тили ҳисоб, Юсуфбек Кўкчага қараб, бир сўз айтди:

Сен боргансан менинг йўлимни тўсиб,  
Ўткир қиличингни белингга осиб,  
Мақтайверма, оғзи тукли чўчқалар,  
Гўзалшоҳингга тароша ёрдирсам,  
Сенинг подшонг хизматимга муносиб,  
Мақтайверма, мурти ўсган чўчқангни!  
Юсуфжон йиглайди ёшин тўқади,  
Аҳмаджон ҳам ёйдай қаддин букади,  
Гўзалшоҳинг борса бизнинг элларга,  
Ҳар қишлоқдан тўплаб пода боқади,  
Писанд қилиб пода ҳаққин бермайди,  
Куни ўтмай тўйда ўтлар ёқади,  
Мақтайверма, оғзи тукли чўчқангни!  
Қуш солгани Ҳовдак деган кўли бор,  
Томошага баланд тоғнинг бели бор,  
Бир ёғида Дин Хоразм эли бор,  
Менга хизмат қилган навкарларимнинг  
Гўзалшоҳдай тўқсон-тўқсон қули бор,  
Мақтайверма, оғзи жун босганингни!  
Қўрдинг-ку, Рустамдай майдон қилади,  
Доим душманига ғавро солади,  
Амалдоринг борса Урганч элига,  
Ўзбакларим ўтиришда турганда,  
Гўзалшоҳ подшойинг хизмат қилади,  
Мақтайверма, бир байталлик қулингни!  
Юлиб олсам омбир билан тилингни,  
Мен одобли қилсан Миср элингни,  
Муртгинанг булкуллаб катта кетасан,  
Қўп мақтама қирқ такалик қулингни,  
Тўрғайдайн чулдиратма тилингни.

Кўкча айтди:— Ҳа, Юсуфjon, беадаблик мендан ўтди. Сен ҳам гапимга яраша гап айтдинг. Бизнинг подшомиз ер юзини оламан деб турган катта давлатли подшо. Ҳар одам бир пайғамбарнинг миллатида: бирор бузоқни худо деган, бирор ўтни худо деган, бирор юлдузин, бирор ойни, дейди. Ҳиндилар сигирни худо деган, бизларни боқиб катта қиласи деб. Бизларнинг пошомиз — кўп давлатли катта подшо. Сенга мол боқтирмас, кетмон чоптирмас, сен ҳам бир элнинг хоназодаодиссан, ҳеч бўлмаса, ариқ ёқалатадиган мироб қилиб қўяр. Бир қўлингни манглайнингга оласан, бир қўлингни орқангга соласан, сен варранг десанг, Гўзалшоҳ подшо парранг, дейди. Ажаб эмас, сени озод қилиб юборса, подшойи мажози туур,— деди. Юсуфбек:— Варранг-парранг деганинг нима таоми-линг,— деди. Кўкча:— Ул саломимиз,— деди. Юсуфбек:— Э саломинг бошингдан қолсин,— деди.

Шунда карнай, сурнай, шодиёна, балобон, сибизиқ тортиб Мисрдан одам етди. Шунда ўzlари бориб, расм-қоидасини қилиб, подшони зиёрат қилди. Кўкча билан Мирза Маҳмудни Гўзалшоҳ подшо жуда катта амалдор қилди. Ана, энди душмандан кўнгли-дили жам бўлиб, шодиёна қўйдирди. Гўзалшоҳ подшо бандиларни олиб келинглар, деб қичқиртди. Кўкча билан Мирза Маҳмуд бизнинг қилган хизматларимиз шу, деб Юсуф билан Аҳмадбекни Гўзалшоҳ подшонинг олдига олиб бориб, тўғри қилди. Юсуф билан Аҳмадбек сен Гўзалшоҳсанми, эси пастсанми, кучуксанми ҳам демади, ақалли баданининг бир ери ҳам жимирламади. Гўзалшоҳ подшо буни кўриб, шомурти шопдай бўлиб, оғзи мой солган хумдай бўлиб, кучукдай бўлиб қутуриб, ҳар кўзи косадай бўлиб, бир сўз айтаверди. Лекин муомала сўз айтди, подшо халқи антиша билан гапирав экан:

Юсуф ўзбак, нега мени демадинг,  
Одоб билан ўйнаб-кулиб келмадинг,  
Олти ойлик йўлдан келдинг, меҳмонсан,  
Беадблар, нега салом бермадинг?  
Замонсозликни қилсанг бўлмайми,  
Қўлинг кўкрагингга олсанг бўлмайми,  
Насва тортиб меҳмон бўлиб келувдинг,  
Ўз ҳукминингга салом берсанг бўлмайми?  
Томоша қип бунда юрсанг бўлмайми,  
Адабман олдимда туриб ўзбаклар,  
Худойингни, миллатингни рози қии,  
Ўз қаъдангга салом берсанг бўлмайми?

Гўзал подшо дейди менинг ўзимди,  
Мен ўлмайин тараф босмас изимди,  
Меҳмон эдинг, келиб эдинг, Юсуфжон.  
Албатта сизлардан салом лозимдир,  
Юсуф, Аҳмад, нега салом бермадинг?  
Салом берганингда кўнглим тўларди,  
Амалдорим сендан рози бўларди,  
Урлигинг, зўрлигинг жуда кўп экан,  
Беадаблар салом берсанг бўларди.  
Мулойим гапириб, салом берганда,  
Катталар ишингни осон қиласди.  
Бетаълимлар, нега салом бермадинг,  
Сен одам ўрнида бизни кўрмадинг,  
Катта подшолигим, асло билмадинг,  
Билганингдан, ўр ўзбаклар, қолмадинг,  
Мени кўриб нега ихлос қилмадинг.  
Бутун гуноҳингни ўзим ўтардим,  
Салом бериб мени рози қилмадинг,  
Меҳмондан, сенлардан, салом лозимдир.

Юсуфбекнинг ҳар туки чопонини тешиб ўтиб, Гўзалшоҳ подшога бир сўз айта берди:

Чиқиб қолди Хоразмнинг чияси,  
Ботирларни қайнаб қолди мияси,  
Хушомад қип салом берсам, Гўзалшоҳ,  
Икки қилмас саломимни кимиси?!  
Ёмғирман кўкарап чўлнинг гиёси,  
Узоқ йўлга кетар карвон туси,  
Баланд тоғда бор лочиннинг уяси,  
Хушомад қип салом берсам, баччағар,  
Унгдирмайди шу саломни кимиси?  
Чекиб келган аламимдан айналгин,  
Босиб келган қадамимдан айналгин,  
Гўсхўр подшо, саломимдан айналгин,  
Дининг бошқа салом бериб бўлмайди.  
Ўлмасам, охири даврон сурайин,  
Нима ишинг бўлса энди кўрайин,  
Худонинг бирлигин билсанг, Гўзалшоҳ,  
Ихлос қип ўзингга салом берайин,  
Ташлаб келдим мен қавму қариндошли,  
Тенгсалтириб келдим юрганда даштни,  
Аввал айир дўзах билан беҳиштни,  
Қалма айтгин, сенга салом берайин.  
Мен эшитдим, Гўзалподшо, тилингни,

Сен бандасан, оллоҳ билар ҳолингни,  
Бизни ҳурмат қилгин, салом берайин,  
Насва тортиб кўрдим Миср элингни.  
Қайтайин, йўлиқдим сенинг қаҳрингга,  
Сен подшосан чидаб бўлмас заҳрингга,  
Бемаза гаплардан айтма, подшойим,  
Сабаб билан келдим Миср элингга.  
Қалма айтгин, сенга салом берайин,  
Нима айтсанг, мен амрингни қиласин.

Гўзалшоҳ подшонинг аччиғи келиб, ҳар кўзи гавҳардай қайнаб, тумшуғининг учи қизариб, бекларга қараб бўзариб, жуда аччиғланиб кетди қизариб, кўзи ранг-баранг товланиб, бекларга чапланиб, ақли кетиб, катта ҳам бўлса керишиб, бекларга қараб, бир сўз айтаверди:

Юрган жойинг занглаб ётган чўлмиди,  
Яхши одамга дона-дона холмиди.  
Қалай келдинг зўрлик билан бойланиб,  
Қурумсоқлар, аҳволгинанг шулмиди?  
От чопгандада сувинг қолди лойланиб,  
Сарбозларим ол, ушла, деб сўйланиб,  
Ҳолин ҷоқламаган ҳалок бўлмайми,  
Қалай келдинг икки қўлинг бойланиб,  
Танангда жонгинанг сенинг қийналиб,  
Қариндошинг подшомиз деб айналиб,  
Аҳволгинанг шулми, икки ўзбаклар?  
Дарёда ғалт урган кема, солмиди,  
Қуш солганинг боли Ҳовдак қўлмиди,  
Қалай келдинг қўл орқангга бойланиб,  
Беквачалар, аҳволгинанг шулмиди?  
Бир сўзимман лашкар бўлкиллаб кетди,  
От қўйишиб қўрғонингни қулатди.  
Қуриюб<sup>1</sup> юрардинг, ўзбак, элингда,  
Икковингни банди қилиб оп қайтди.  
Сўйлатасан, беадаблар, тилингни,  
Пича сарбоз форат қилди элингни,  
Қўкча полвон бойлаб келди қўлингни,  
Томоша қил, икки ўзбак, ҳолингни.  
Булбулнинг юргани тоза гулмиди,  
Эри ўлса, сулув қизлар тулмиди,  
Аччиғимни кўп келтирма, ўзбаклар,  
Ахир аҳволгинанг сенинг шулмиди,  
Қалай келдинг икки қўлинг бойланиб?

<sup>1</sup> Мақтаниб.

Ана, Юсуфбек оч шунқордай талпиниб, маст бўлган шердай фирмаб, олдиаги томошабинлар қўрққанидан қолаверди тирқирааб, Гўзалшоҳ подшо уялганидан ўтираверди, бўлмаса у ҳам қочарди. Шунда Юсуфбек Гўзалхонга қараб, бир сўз айтаверди:

Беклар келди бедов сайлаб елгани,  
Қора кунни бошларингга согани,  
Муртингни тикратма менга, баччағар,  
Аҳмаджон Мисрга подшо бўлгани.  
Қарсиллатиб шоҳли милтиқ отгани,  
Улигингни боғдай думалатгани,  
Кўча-кўчаларда ўлик ётгани...  
Миср шаҳринг зеру забар қилгани,  
Лоту манотингни уриб синдириб,  
Юсуф, Аҳмад хонақолар согани,  
Ҳаммангга, ҳақ калимасин айттириб,  
Адолатли беклар подшо бўлгани.  
Шошмасанг, берарман сенинг таммангни,  
Алифдан ўқитиб, мактабга бериб.  
Оқ саллани бошларингга ўратиб.  
Эшитгин, Гўзалшоҳ, айтган додимни,  
Айтолмайман юрагимда дардимни,  
Тавба деб ёқангни ушла баччағар,  
Ўлмасам оларман сендан лотимни.  
Форат қылсам сенинг бул шаҳарингни,  
Қайнатарман пешанангда шўрингни,  
Бир оллоим омонатим олмаса,  
Хизматкор қиласман сенинг барингни.  
Менга айтма чакки-чукки сўзингни,  
Чаграйтма кўм-кўкнамо кўзингни.  
Яратганим эсон қўйса, Гўзалшоҳ,  
Мен ошно қиласман сулув қизингни.

Гўзал подшо ҳамма амалдорини йифиб олди. — Бу қандай бемазачилик бўлди, халойиқ,— деди. Мирза Маҳмуд билан Кўкча тура солиб Гўзалшоҳ подшога арз қилди: — Олти ойдан бери таёқлаб қувиб ҳайдаймиз, гана куни нон берамиз, гина куни нон бермаймиз, насиҳатни олмайди, ўзининг билганидан қолмайди, ҳали ҳам сиздан қўрққанидан мурувват қилиб айтган сўзи шу. Шундай чаккаси гўштли, бўйни йўғон ўзбаклар экан. Калласини қирқ кун қайнатиб, бўйин гўштини саксон кун дамласангиз ҳам хом чиқади, шундай гарданкаш ўзбаклар экан, — дедилар. Гўзал подшо айтди: — Бўйни йўғонга нима лозим?

Ҳаммаси айтди:— Үлмоқ лозим. Гўзал подшо:— Қичигини кокилидан дорга тортинглар, каттасини минордан ташланглар! Подшо ҳалқига беадаблик қилганинг ҳақи шундай үлмак экан, деб дарвоза-дарвозага хат тармаштиринглар! Бундан буёқса ҳеч бир одам каттакон билан подшога bemaza сўз айтмасин,— деди.

Гўзалшоҳ подшо жаллод, деди. Одамнинг бурнидан, қулоғидан калласини ёнбошига боғлаган жаллодлар келиб, Юсуф билан Аҳмадни Миср шаҳрига қараб ҳайдай берди. Аҳмадбек ўзи билан ўзи бўлиб қолган, Юсуфбек Аҳмаджонга қараб бир сўз айтиб кетиб бораляпти:

Оч кўзингни, Аҳмаджоним,  
Мисрнинг шаҳрига келдик.  
Агар шунда ўла қолсак,  
Худонинг қаҳрига келдик.  
Бозор солган қулдай бўлиб,  
Оч кўзингни, қўл-қанотим,  
Душманнинг шаҳрига келдик,  
Агар шундай ўлиб кетсак,  
Жабборнинг қаҳрига келдик.  
Мавж урган дарёдай тошиб,  
Кокилинг белингга тушиб,  
Неча тоғдан яёв ошиб,  
Оч кўзингни, Аҳмаджоним,  
Мисрнинг шаҳрига келдик.  
Файридинлар банди қилиб,  
От олдига яёв солиб,  
Хоразм олисда қолиб,  
Оч кўзингни, жигарбандим,  
Золимнинг шаҳрига келдик,  
Агар шунда ўла қолсак,  
Худонинг қаҳрига келдик.  
Золим отли, биз пиёда,  
Аламлар бўлди зиёда,  
Не кўрдик фоний дунёда,  
Оч кўзингни, қўл-қанотим,  
Мисрнинг шаҳрига келдик.  
Агар шунда ўла қолсак,  
Худонинг қаҳрига келдик.  
Қулоқ сол, Аҳмаджон, зорга,  
Сени осармиш дорга,  
Мени ташлармиш минордан,  
Оч кўзингни, Аҳмаджоним,  
Бадбахтнинг шаҳрига келдик,

Агар шунда ўлиб кетсак,  
Худонинг қаҳрига келдик.  
Қулоқ сол иним тилема,  
Раҳм айламайин ҳолима,  
Йўл юрдим сувсиз чўлина,  
Ўзгинангни дорга осар,  
Акангни минордан ташлаб,  
Тарафлар кўкайин кесар.

Ана, энди Юсуфбек зор-зор йиглаб, бу дунё бефойдадир,  
оч кўзингни, Аҳмаджоним, деб бир сўз айтаяпти:

Ло илоҳа қудратингга, илоҳим,  
Ииқилсам, суринсам пушти паноҳим.  
Бу золимлар ўзгинамни ўлдирап,  
Иигитман, раҳм айла, қодир оллоҳим.  
Тавба қилсам тўкилмайми гуноҳим,  
Шундан ўлсам, кетмасмикан гуноҳим.  
Иигит ўлмак қийин ишдир дунёда,  
Иигитман, раҳмимни егин, ё карим.  
Ҳамма душман, ўзима йўқ ҳеч ҳамдам,  
Юракларда кўпdir қайғу билан ғам,  
Сен сақласанг, йўқdir ўзимда ҳеч ғам,  
Иигитман, раҳмимни егин ё эгам...  
Банди бўлиб келдим Мисрдай юртга,  
Душманлар сифинар ёғочдан бутга...  
Фано беринг Юсуф билан Аҳмадга.  
Хотинни қўллаган буви Фотима,  
Кўп йиғлади обрў беринг Аҳмадга,  
Аттанг-а, минмадим дол бедов отга,  
Армон билан банди бўлдим язидга...

Жаллод қурсин, жасадда жон қийнади,  
Кўхна дунё, аттанг-а, бефойдади(р),  
Банди қилиб Юсуфжонман Аҳмадни,  
Миср элига оралатиб ҳайдади...  
Бекларни ҳайдади Миср шаҳрига,  
Регистон чорсуга икки бек етди.  
Худо-ё, кетгай-да юракнинг чери,  
Ҳеч кимни урмасин дев билан пари,  
Юсуфбек кўзини очиб қараса,  
Эласлаб, жилва бериб кўринди,  
Дори билан Регистоннинг минори.  
Кўплар юрди қуло тоғнинг тошига,  
Еқалари ҳўлдир кўзнинг ёшига,

Вой ўлдик, деб Юсуф билан Аҳмаджон,  
Икки кўзи дор, минорнинг бошида.  
Гурра-гурра душман битган тўп бўлиб,  
Келаётир икки бекнинг гирдида.  
Беклар йўлиқди Кўкчанинг қасдига,  
Олқор қувишар, баланд тоғнинг устига,  
Жаллод ҳайдаб икки бирдай йўлбарсни,  
Ҳайдаб борди дор, минорнинг остига.  
Бандилиги қурсин юрак дард бўлди,  
Мулланинг чизгани имло, хат бўлди,  
Яратгандан имон тилаб иккови,  
Дор, минорга икки кўзи тўрт бўлди.  
Яратгандан имон тилаб йиғлайди,  
Ҳақдан ўзга мураббийси бўлмаса,  
Дор, минорга термилишиб иккови,  
Ўлдик дейишиб ўзбакbekлар йиғлайди.

Миср элида ғариб бўлди мозорим,  
Вої тўрамлаб қолди Асалдай ёrim.  
Имонни ҳамроҳ қил, раззоқ худойим,  
Энди ўлдим, ҳамроҳ бўлсин имоним.  
Бир пасл омонат танада жоним.

Пирим деб чиқди бекларнинг тилидан,  
Ҳуй балли, қўйл берган эшонига,  
Оловхўжа, шайхи Шараф эшони,  
Давр олиб жўнади Урганч элидан.  
Оловхўжа мурид вақтин хушлади,  
Ўлдим деб Аҳмаджон кўзин ёшлади.  
Бир паслда келиб Урганч элидан,  
Юсуф билан Аҳмаджоннинг эшони,  
Дор билан минорга лангар ташлади.  
Муридим деб кўрди Миср шаҳрини,  
Ёмон тўқди азиз эшон зўрини,  
Лангар ташлаб вайрон қилиб қулатди,  
Гўзалшоҳнинг дориман минорини.  
Шунча бўлар бир эшоннинг хизмати,  
Язид бўлган икки бекнинг улфати,  
Аҷчиғланиб дор, минорни қулатди,  
Юсуф билан Аҳмадбек чатоғига,  
Минор қулаб, кўп одам ўлиб кетди.

Талотўп бўлиб, ит эгасига боқувсиз бўлиб, остили-усти-  
ли одам қочаман деб чалкашиб, йиқилишаверди. Шу остин-  
устин бўлганда бежой кўп одам ўлди, боричувлашиб Гў-

залшоҳга арзга кетди. Гўзалшоҳ подшога бориб айтди: — Тақсир, подшоҳи олам, Юсуф билан Аҳмаднинг гуноҳи тошган экан, жуда гуноҳ қилиб ҳаддидан ошган экан. Тана-нинг фалокати ҳўқизни ўлдиргандай бўлди. Гуноҳининг оғирлигидан дор билан минор кўтаролмаслигини солиб, қулаб қолди. Гуноҳи кўп ўзбаклар учун чандон бегуноҳ одамлар уларнинг касофатига ўлиб кетди. Регистон ўликка тўлди, бу сароёқ<sup>1</sup> ўзбаклар келиб, кўп бечора одамлар ўлди. Гўзалшоҳ подшо айтди: — Тошпарронга тутиб ўлдиринглар!

Ана, энди ҳар турли гаплар айтилаётган экан:

Чувуллаб ғанимлар қайтди,  
Этак-этак тош олиб,  
Бир нечаси ғишт олиб,  
Ғаним битканчувлашиб,  
Душман келди дувлашиб,  
Одамнинг довушига  
Қалла қолди ғувлашиб.  
Қўлин силтаб ҳаммаси,  
Юсуф билан Аҳмадга  
Шақирлатиб тош отди.  
Юсуфман Аҳмаднинг пири  
Ғанимларнинг тошини  
Қайтариб ўзига отди.  
Қандай қотиб ўлди,  
Қирғингарлик кўп бўлди.  
Ҳақ сақласа — бало йўқ,  
Ҳақ қарғаса — даво йўқ.  
Икки забардаст пири,  
Беклар гирдини олди,  
Душманнинг отган тошини  
Оловхўжа эшони  
Қўлиман териб олди.  
Ҳай, балли, пирингга,  
Шундайин оғир кунда  
Икки бирдай муридин  
Балли, тарбият қилди...  
Душманнинг отган тошлари  
Қирдай уюлиб қолди,  
Зиён қилмай бекларга  
Ғаним битганчувлашиб,  
Бариси ҳайрон бўлди.

---

<sup>1</sup> Сарпоёқ, саёқ.

Тош қўйинг солинди,  
Аччиғланиб отганин  
Қўл-пўлиман юлинди,  
Пирдан каромат бўлди.  
Тошлар уюлиб қолиб,  
Бежой кўп ўлиб душман  
Тош отгани қўрқади.  
Улиб қолмайик дейишиб,  
Тулкига ўхшаб ҳуркади.  
Душман эйнин қисишиб,  
Мен ўлиб қолмайин деб,  
Бир-бирини писишиб.  
Ё каромат сир бўлди,  
Отган тоши қир бўлди,  
Комил пир хизмат қилди,  
Беклар вали экан деб,  
Ғанимлар тўхтаб қолди.

Ўз-ўзига айтишди: «Буларнинг гуноҳи кўп десак, авлиё экан булар, ўлсангиз тош отманг, битта бироринг дахл қилманг энди, ҳамма қирилиб ўлади». Яна Гўзалшоҳ подшога арзга борди:— Юсуф билан Аҳмад қип-қизил авлиё экан, чўртта ўзимиз кўрдик. Тошни аччиғланиб отган-отганинг қўли юлиниб кетди, тиллаб сўкканлар кўм-кўк канадай қотиб ўлиб қолди. Ўзинг ўлдирсанг, розимиз, бизлар ҳаргиз бекларга дахл қилмаймиз, ана бўлган гап шу,— дедилар. Гўзалшоҳ подшо айтди:— Э, Кўкча билан Мирза Маҳмуд, Мисрдан лашкар олиб кетганда лот-манот бутга ваъда қилувдим, шу ўзбакларни банди қилиб келса, иккита қашқа чўбир бериб, гуноҳи кўп мўйсафиднинг олдига соламан деб эдим. Биз лот-манот бутга ёлғончи бўлибмиз, қашқа чўбирни ҳам беролмай қолибмиз. Дорни, минорни қулатган лот, тошни ўзларингга отган манот. Ана энди шиша алвотни аччиғи келса, Мисрни ағдариб ташлайди, дарров буларнинг қошига — бутхонага чўбирни бойлаб келинг. Вақтли олиб келиб, буни ҳалиги чолнинг олдига зиндано абадийга ташланглар!— деди.

Ана, энди душманлар ўла-ўла юрак олдириб қолган, зинданнинг остига олиб бориб бойлаб, катта, узун хода билан итариб қочаверди. «Таги бизларни ҳам судраб кетмасин баччағар, касофат»,— деб кетига қарамай, уйига қочаверди. Ана энди беклар зинданга тушиб кетди. Оловхўжа, шайхи Шароғ пирлари аста олиб ерга қўйди. Энди Миср дилжамлик бўлди душмандан. Ана Юсуф билан Аҳмадбек зинданда қоринлари оч, иккови яп-яланғоч, душманларга

муҳтож, Аҳмадбек, «йўл азоби — гўр азоби», икки соат ётиб, «вой-вой»,— деб беҳуш бўлиб ўзидан кетди. Юсуфбек Аҳмаджонни қулоқлаб олиб, устига соясини солиб, дод кўҳна дунёси қурсин, Аҳмаджонимдан айрилдим,— деб зорзор, чун абри навбаҳор йиглаб, бир сўз айтаверди:

Айрмагин имонимдан,  
Очилган гулистонимдан,  
Қанотим — укажонимдан,  
Мен инимдан жудо бўлдим.  
Куйиб жоним, адо бўлдим,  
Душманга мубтало бўлдим,  
Қўлқанотим Аҳмадбекдан,  
Жигаримдан жудо бўлдим,  
Улим айролиқ-айролиқ.  
Дардим айтар сирдошимдан,  
Бирга юрар йўлдошимдан,  
Укажоним — қардошимдан,  
Вой-вой айрилиб қолдим,  
Кулфат айролиқ-айролиқ.  
Танамдаги қувватимдан,  
Айрилдим Урганч юртимдан,  
Укажоним — мадоримдан,  
Бу зиндонда жудо бўлдим,  
Зулм айролиқ-айролиқ.  
Пўлат эдим чўян бўлдим,  
Буғдой эдим сомон бўлдим,  
Бир гул эдим хазон бўлдим.  
Мирза Маҳмуд банди қилиб,  
Мисрга ҳайдалиб келдим.  
Оралар чорбоғимдан,  
Бўстонли боғча-боғимдан,  
Мен укам — Асқар тоғимдан,  
Айрилдим, аттанг, тоғимдан,  
Аҳмаджондай чироғимдан,  
Дод деб айрилиб қолдим.  
Подшо эдим, гадо бўлдим,  
Ҳам этимдан, ҳамbekлардан,  
Гуласалдан, Қалдирғочдан,  
Бариси майлига энди,  
Вой укам Аҳмаджонимдан,  
Эрмагимдан жудо бўлдим.  
Йўл бермас тоғларда ўра,  
Иқболим каж, баҳтим қора,  
Обрў бермай Вайсил қора,

Қанотим — Аҳмадбегимдан,  
Армонман айрилиб қолдим,  
Ұлим айролиқ-айролиқ.  
Хоразмда пирларимдан,  
Ёвга чопар шерларимдан,  
Қаторимда норларимдан,  
Хазинамда зарларимдан,  
Қанотим — Аҳмаджонимдан,  
Бунда кеп айрилиб қолдим,  
Дод, айролиқ-айролиқ,  
Бедод, айролиқ-айролиқ.  
Хеч бўлмади дарагимдан,  
Минадиган пироғимдан,  
Аҳмаджондай чироғимдан,  
Елғизлик бошима тушиб,  
Мен укамдан жудо бўлдим.  
Юриб келдим қулодаштдан,  
Тирик айрилдик қариндошдан,  
Рафиқим Аҳмад йўлдошдан,  
Ҳамдамимдан жудо бўлдим,  
Укамдан айрилиб қолдим,  
Энди куним қайтиб ўтар,  
Вой-вой мубтало бўлдим.  
Ұлим қурсин ингрантирди,  
Дардим айтар сирдошимдан,  
Вой, укам-эмчакдошимдан,  
Марг, термилиб жудо бўлдим.

Ғам сарғайтди Юсуфбекнинг юзини,  
Ҳар ким кўнгли мард билмайми ўзини,  
Вой укам, деб айтолмайди сўзини,  
Дами ичга тушиб, эслари кетган,  
Аҳмаджон билмайди асло ўзини,  
Мерган отар даштнинг қўнғир фозини,  
Товга чиққан терар бўтакўзини,  
Дод деб Юсуфбек бўзлаб йиглайди,  
Аҳмад ўғлон ўнғаролмай ўзини.

Ана, энди қулоқ кийган, қизил, чиройли икки киши  
Аҳмадбекка қараб, бир қизил юзлиси бир сўз айтаверди:

Оч кўзингни, Аҳмад болам,  
Кетарсан Урганч элингга.  
Миср шаҳрининг одами  
Бир кун қарайди қўлингга.  
Дадил бўлгин, фарзандгинам,

Санталат қип сен юрарсан  
Полопон тоғнинг белига,  
Неча шону шавкат қилиб,  
Қаш солиб Ҳовдак кўлига.  
Оч кўзингни, чироққинам,  
Эшитгин пириңдан сўзни,  
Очгин, Аҳмад, қаро кўзни,  
Фофил бўлма яратгандан,  
Ўқигин қазо намозини,  
Кетасан, болам, шаҳринга.  
Қилмагин оллодан араз,  
Рисқинг кўпди, давлат дароз.  
Оту анжомли сен бўлиб,  
Душманлардан лотни олиб,  
Сен келарсан қўшин қилиб,  
Умринг узун, рисқинг узун,  
Кетарсан Ўрганч элингга.  
Катта хизматларни қилдим,  
Иккингни тарбият қилдим.  
Етти йил ётарсан бунда,  
Оч кўзингни, фарзандгинам,  
Ҳаққингга дуо қилдим.  
Чоларсан подшо созини,  
Ошно қиласан қизини,  
Бир кун фуқаро қиласан,  
Гўзал подшонинг ўзини.  
Дуо қилдим ҳаққингга,  
Бир кун одам бўларсан.  
Мисрнинг шаҳрига келиб,  
Мисрнинг шаҳрини олиб,  
Ҳаммасига катта бўлиб,  
Амрингни тарқ қилмас ҳеч ким,  
Сен бир катта одам бўларсан.  
Фам емагин, чироққинам,  
Душманга савдо соларсан,  
Шукр қилгин ҳар дамига,  
Қўрмагандай бўп қоларсан.  
Мирза Маҳмуд тарафингни  
Ўзинг бўйинни юларсан.  
Не қилғиликни қиласан,  
Қоракўз, Санталатойман  
Ҳангама, чақ-чақ қиласан.  
Эсингдан чиқади бу кун,  
Дуо қилдим ҳаққинанга,  
Қойил бўлдим баҳтгинанга...

Манманликнинг балоси бор,  
Эринчакнинг чаласи бор,  
Ҳар дамига шукр қилгин.  
Ким манман бўлса, Аҳмаджон,  
Оллойимнинг балоси бор.  
Тўғри етади муродга,  
Извогар қолади уятга,  
Худойимдан амр бўлди,  
Эга қилди Миср юртга.  
Мисрга подшо бўларсан,  
Шукр қилгин ҳар дамига,  
Урганч, Хоразмда юриб,  
Таги салтанат қиласан.

«Қазога рози, балога шукур, ҳув ман-ҳув»,— деб давра олиб учди. Аҳмадбек кўзини очди, Юсуфбекнинг юраккинаси ёрилиб, бандилиги ҳам эсгинасидан чиқиб, Аҳмадбек кўзини очганига хотини уч ўғил туққандай қувониб қолди. Ана, энди буларнинг бандилигининг маънисини айтмоқ даркор. Булар Исфиҳонда муллада ўқиб юрганда, бир тилда худ-худ дер экан, ўзбаклар олапопиш дер экан, бир кун мачитга келаётганда олапопишнинг уясини тепиб кетди. Онаси киролмай икки кун орадан ўтди. Олапопишнинг болалари очдан ўлиб қолди. Шунда олапопишнинг онаси қарғади: «Худоё, бор худоё, шу икки муллабачча менинг болаларимдай бўлиб ўлсин»,— деди. Оловхўжа шайхи, Шароф эшони олапопишга айтди:— Эй ҳайвон, қарғама, сенинг ҳам қарғишинг икки бўлмасин, баччалар етти йил хорлик-зорлик кўриб, душманнинг қўлига банди бўлсин,— деди. Ана шуни шу ерда пирлар ривоят қилди. Қушнинг боласи ўлганлиги сабабдан етти йил ўлимнинг ўрнига зиндан бўлди.

Икки бекбачча шу кеча ётди, намознинг қазосини ўқиди, тонг отди, кун чиқиб ёруғ бўлди, намоздан фориғ бўлди, бекларнинг ранги сарғайиб қолди. Шундай қараса, қибла томонда бир мўйсафид чол, рангниси ҳам бир ҳол, соқоллари оппоқ бўлиб киндиқдан ошган, тумшуғи қорнига тушган, эйни тос теппасидан ошган, ўзининг ҳам йигитлиги қолган йўқ, тут ҳолвадай пишган, ана шуйтиб худонинг тоатини қилиб, зикри санони тилга олиб, иллобло-иллобло деб ўтирибди. Юсуфбек кўриб қолди:— Аҳмад,— деди. Аҳмадбек:— Ҳа,— деди.— Бизлардан ҳам бўлак худонинг ғазабига лўп-лўнда бўлган бор экан бу ерда,— деди. Ана, энди Юсуфбек чол бобога қараб, маз-

ҳаби билан миллатини сўраб, бирни Юсуфбек, бирни чол бобоси айтаверди. Аввал Юсуфбек айтаяпти:

- Чоҳ ичида ётган бобо,  
Қайсиди худойинг сенинг,  
Миллатингни баён бергин,  
Нимади мазҳабинг сенинг?
- Бир худонинг қулидирман,  
Элимнинг булбулидирман.  
Диним Муҳаммад мустафо,  
Имомдир мазҳабим менинг,  
Онҳазратга ўзим уммат,  
Мусулмон динларим менинг,  
Кўп яхши йўлларим менинг.
- Отажон, синди қанотинг,  
Танангдан кетиб қувватинг,  
Мусулмони комил бўлсанг,  
Қайсиди ўсган элатинг,  
На жойдадир шаҳринг сенинг?
- Юрагимда қайғу-войим,  
Айтаман худони дойим,  
Чинмочин ўсган жойим,  
Хўтанда уйларим менинг.
- Бобожон, бор экан зотинг,  
Олис экан мамлакатинг,  
Ё бормиди қўйган шартинг,  
Нимади чол бобо отинг,  
Қайсиди номларинг сенинг?
- Мен ўзим элатга сарвар,  
Ортар эдим мушки анбар,  
Отим сўрасанг Бобо Қамбар,  
Қамбарди номларим менинг.
- Ота, қайтиб тогдан ошдинг,  
Нега ҳисобдан адашдинг,  
Чинмочинлик Қамбар бўлсанг,  
Қора чоҳга қайтиб тушдинг,  
Не бўлди гуноҳинг сенинг?
- Юртни кезган карвон эдим,  
Ҳар шаҳарда юрган эдим,  
Миср элига келган эдим,  
Бу шаҳарда турган эдим,  
Гўзалшоҳнинг тушин жўрдим<sup>1</sup>,  
Шу бўлди гуноҳим менинг,

---

<sup>1</sup> Иўйдим.

Қаттиқди толеим менинг.

— Турпоқдан таяммум этдинг,  
Оллонинг амрини тутдинг,  
Подшо тушин не деб айтдинг,  
Нимади таъбириң сенинг?

— Аҳмаджоним келар дедим,  
Юсуф отни елар дедим,  
Икки йўлбарс бунда келиб.  
Миср элни олар дедим.  
Намози жума ўқитиб,  
Бобо Қамбар тожи тахтга  
Уч кун подшо бўлар дедим.  
Бу қисматлар азалданди, меҳмонлар,  
Азал китоби-да борди(р), чирофим.

Тавба қип бекларнинг ақли шошди,  
Икковлари жой-жойидан туришди.  
Хайр-маъзур айтиб бобо Қамбарга,  
Беадаблик биздан ўтиб кетди деб,  
Зорашиб отасиман кўришди.  
Ҳар ким дўсти учун тортар койишди,  
Яхши одамнинг борар жойи беҳиштди(р),  
Хўрсинишиб тор зиндоннинг ичидаги...  
Отасиман дод дейишиб сўрашди.

— Эй ота, шу Юсуф билан Аҳмадни қачон келади деб  
этдинг?

— Тақдирдагидан тошпарралигинг зиёд бўлди, мен  
қуръа ташлаб ҳаммасини билиб ётибман, келади,— деди.  
Шундан кейин Юсуф билан Аҳмадбек айтди:— Баракалла,  
эй ота, сиз — пир, бизлар — мурид. Бобосини имом қилиб,  
намозини ўқиб ётаверди. Энди гапни буёқдан эшитмоқ даркор.

Урганч ютидан, Хоразм элатидан Абдулла карвон де-  
ган Мисрга бориб, вафот топиб ўлиб келиб эди. Унинг  
Бувиниёз деган тилаб олган бир қизи бор эди, чин оти  
Ниёз эди, лақаби пиёз эди. Ўзи ўзбак боласи эди, элининг  
азизи, олдида қирқ канизи, донг кўтарган қора кўз ойим  
эди, Ҳамза зиндонбоннинг қизи Қоракўзнинг бир Бувиниёз  
деган канизи бор эди. Урганч ютидан, Хоразм мам-  
лакатидан Юсуф билан Аҳмад келиб зиндони бўлибида,  
деб эшитди. Бечора икки кўйлак тикди, икки иштон тик-  
ди, икки каллапўш қилди, бир кўйлак нонни ўғирлаб олди,  
бир қўйнинг терисини ҳам бир жойдан ўғирлаб олиб кел-  
ди. Ярим кечада Бувиниёз зиндонга жўнади. Қоровул,

чиндовул юрган кўчада ҳалиги торини ёпиниб хез қилди,  
қоровуллар бир қутурган кучук оралаб қолибди бу кўча-  
га,— деб шу куни томнинг устига чиқиб ётди. Ўлса бирори  
кўчада юрмади шу кеча. Бувиниёз ярим кечада зиндан-  
нинг бошига чиқиб, зинданга қараб, бир сўз айтаверди:

Боққа бордим тоза гулдан тергани,  
Иложини топмайман жонни бергани,  
Акажоним, чоҳ ичида бормисан,  
Уруғдошим, синглинг келди кўргали.  
Қаторда маст бўлган лўйчча-нормисиз,  
Элингизни кўрмоққа интизормисиз,  
Битта фариб синглинг келди акам деб,  
Оғажоним, ер қўйнида бормисиз?  
Мусофирман, юрак-бағрим тўла қон,  
Танангизга танда жонгинам қурбон,  
Фарибгина синглинг келди соғиниб,  
Гапингиздан айланайин, акажон,  
Зулм билан ташлаб қариндошингни,  
Орқангда бўзлатиб эмчакдошингни,  
Фариб синглинг бўзлаб келди соғиниб,  
Юсуф оға, чиқаргин довушингни.  
Мусофирман, ёнган ўтдайн қайнаб,  
Куйганимдан қора ерни тепиниб,  
Юсуф билан Аҳмад ака, бормисиз,  
Уруғдош синглингиз келди соғиниб.  
Сўзингизга икки кўзим тўрт бўлиб,  
Миср элда юраккинам дард бўлиб,  
Акажоним, тор зинданда бормисиз,  
Уруғдош укангиз келди соғиниб.  
Навкарга бергансиз карк тери қалқон,  
Яхши одам ўтирган жой гулистон,  
Ёмонларнинг турган ери зимистон,  
Довуш чиқар, кўп соғинидим, акажон,  
Акажоним, бу зинданда бормисиз?  
Хафа дамда зиёдадир койиши,  
Яхши одамнинг соп бўлмайди иши,  
Юсуф билан Бобо Қамбар қараса,  
Вой оға дер, бир хотиннинг довуши.

Юсуфбек:— Вой-вой, ё Гўзалшоҳ, подшо тирикми, ўл-  
дими, деб бир жонсиз юбордими, ё тирик кетди, деб эши-  
тиб Қалдирғоч укагинам келдими, кел-е, бир сўз айтай,—  
деди. Ана, Юсуфбек зинданнинг бошига қараб, бир сўз  
айтаяпти:

Қарағай рўмолни бошга ўраган,  
Зулфигинасин ярашиққа тараган,  
Дўстмисан, душманми, сени билмадим,  
Бизлардай бандининг ҳолин сўраган.

Ернинг бағри ёзиқ эди, кенг эди,  
Юсуф, Аҳмад подшоларман тенг эди,  
Ака деб йиғладинг, тоқатим кетди,  
Юсуф билан Аҳмад сенинг кимингди?  
Душманлардан келган жонсиз бўлмагин,  
Тирик деб Мисрга маълум қилмагин,  
Юсуф билан Аҳмад ниманг бўлади,  
Тағин душманлардан келган бўлмагин.  
Ҳар тарафга ўзгинангни елдиргин,  
Сен юртдошим бўлсанг, кўнглим тўлдиргин,  
Яратган худони солдим ўртага,  
Ҳақ ҳурмати кимлигингни билдиргин;  
Йиғлаганда ёш ёғилар юзима,  
Ақл қўйгин айтадиган сўзима,  
Икки ёлғон бир қасамдир, чироғим,  
Кимлигингни маълум қилгин ўзима.  
Дўст бўлсанг, белингни маҳкам бойлагин,  
Олдингдаги келар гапни ўйлагин,  
Акам дединг, менда дармон қолмади,  
Юрагим куйдирма, дуруст сўйлагин.

Ана, Бувиниёз қумридай куй таратиб, бошидан ўтган  
кунларини бир-бир айтиб, бир сўз айтаяпти:

Худоё, сақласин ўлим ҳилидан,  
Маслаҳат чиқади яхши тилидан,  
Айтаверай қулоқ солинг, бек ака,  
Ўзим асли Дин Хоразм элидан.  
Гапирмакка мен отамнинг сўзиман,  
Кўрмакликка борки икки кўзиман,  
Мен ҳам, акажоним, Урганч ютидан,  
Абдулла савдогарнинг якка қизиман.  
Туркман дейди сўрайверсанг зотимни,  
Хоразм дер ўсган вилоятимни,  
Абдулла савдогар дейди отамни,  
Бувиниёз дейди менинг отимни.  
Отам савдогарди, Урганчдан келди,  
Ажал кеп отамнинг жоғадан<sup>1</sup> олди,  
Куни тўлиб отам Мисрда ўлди,

<sup>1</sup> Еқасидан.

Менингдай эркаси етим бўп қолди,  
Икковингни кеп қопти деб эшишиб,  
Қариндош-уруғинг кўргани келди.  
Отам ўлгандан кай гариб бўп қолдим,  
Тенгсиз Қоракўзга хизматкор бўлдим,  
Икковингни келди деб мен эшишиб,  
Мен синглингман, сизни кўргани келдим.  
Бедовга таққудай тилла тўқам бўнг,  
Мусофирман, дардгинамга давом бўнг,  
Худони ўртага солдим, Аҳмадбек,  
Қиёматлик икковгинанг акам бўнг<sup>1</sup>.  
Йигитсан, муддаонгга еtingлар,  
От-анжомли бўлиб тогдан ўtingлар,  
Бир куни кетсанглар Хоразм элга,  
Ниёзойни Урганчга оп кетинглар.  
Ниёз синглинг ғариб бўлиб қолмасин,  
Қазо тўлиб бир кунлари ўлмасин,  
Урганчга оп кетинг Ниёз синглингни,  
Қиёматда ғариб бўлиб қолмасин.  
Отни миниб баланд тоғдан ошиинглар,  
Гўзашоҳман бир куни савашинглар,  
Мингаштириб олиб кетинг Ниёзни,  
Суягини суягинингга қўшиングлар.  
Ака, қулоқ солинг сўзниңг ростиға,  
Кўнгил қўйинг гапимнинг пайвастиға,  
Мен укаман, сен акасан, Юсуфжон,  
Маълум бўлсин яшил туғнинг остиға.  
Ўлгунимча сизман бирга бўлайин,  
Қора каллам унгурингга солайин,  
Ниёзой синглингни бунда қўйманглар,  
Ўлгунимча хизматингни қилайин.  
Язидлар қилибди сизни гуноҳкор,  
Қетсанглар бир куни, олиб кетинглар,  
Ҳақ ҳурмати акам дедим сизларни,  
Ўлгунимча бўлдим сизга хизматкор.

Акажон деб белларини ушлади,  
Ниёз шўрли кўп соғинган Урганчни,  
Ота-энам деб кўзгинасин ёшлади,  
Кўйлак билан калапўшман иштонни,  
Мен сингилман, белги сизга шул деди,  
Ҳаммасин зиндонга аста ташлади.  
Ерга тушиб кулча кетди ҳаккалаб,

---

<sup>1</sup> Бўлинг.

Кўйлакдан чиқишиб қолди дунгаллаб.  
Илло-биллони тортган Қамбар бобоси,  
Бир кулчани ҳирпиллатиб ушлади.  
Улар билмай қорним тўқлаб олай деб,  
Қувзанглаб кулчани ея бошлади.  
Нон ўтган сўнг Бобо Қамбар ичига,  
Ўмганни кўтариб вақтни хушлади.  
Кулчанинг кўплигин билиб кўйлакда,  
Ниёз синглинг нон оп кепти, фарзанд, деб,  
Ундан кейин ўрталиққа ташлади.  
Кўйлак-иштонларин кийди,  
Ниёзой синглисин сўиди,  
Бувиниёзнинг нонига  
Ҳаммасининг қорни тўйди.  
Жуда ҳам хушвақт бўп кетди,  
Нонларни еб учовлари,  
Бувиниёзнинг ҳақига  
Омин деб қўлини тортди.

Энди фотиҳани юзига тортиб:— Эй, Ниёз синглим, ўлмай кетсак, сени бирга олиб кетамиз. Қалдирғоч укамиздан кам кўрмаймиз. Сенинг қўлинг хамирга ботадиган бир эрга берамиз. Қаторда норинг билан, хазинада заринг билан, неча қул-чўринг билан сени уйимиздан чиқариб узатамиз,— деди. Бувиниёз жойидан туриб:— Қуллуқ,— деди. Ана энди олиб кетмакликка Юсуф билан Аҳмадбек ваъда қилди. Бувиниёз ўлгунча хизматга ваъда қилди. Энди кунда кечаси овқат олиб келиб бериб боқа берди. Қорувуллар ҳангама қилиб ўтирган гана кунлари кўчадан ўтолмайди. Қоракўз уйқудан турмай жойига бориб ётади. Шу кўргиликда тўрт йил орадан ўтиб кетди.

Мисрдан қофила бошидан, бозингарлар, савдогарлар Хоразмга, Урганчга келиб мол сотди. Ер ёрилиб одам чиқиб, Юсуф билан Аҳмадбекни сўради. Дала четдаги одамлар, подшоликдаги гапни билмас экан. Юсуфбекни минордан ташлади, Аҳмадбекни дорга тортди, борган пилласи ўлиб кетди улар,— деди. Ҳамма қоп-қора тутаб, кўкни кийиб, сочни ёйиб, худойи қилиб, чўртта умидни узиб қолаверди. Энди бу бечоралар илгари ўлди-ўлдисини эшитган экан, тирик қолганини билмас экан, билганда ростини айтар эди булар.

Ана, энди гапни тағин Мисрдан эшитмоқ даркор. Энди орадан олти йил ўтиб кетди. Лекин Бувиниёз буларни боқиб ётди. Ана элнинг азизи Ҳамза қўрбошининг қизи, олдида қирқ канизи, кўзлари осмон юлдузи, қошлари дарё

кундузи, болдан шириндир сўзи, ҳар қайсиси менман деган амалдорнинг қизи. Қоракўз шундай қиз: кўпам ориқ-мас, ғўладан келган, тўладан келган, саратон юлдузли, шакар-ширин сўэли, ўзи ҳам бежой шўхгина, минг тиллалик ҳар бир нози, тиши оппоқ дурдай, бадани давлда ёқсан қордай, сулувлиги жаннатдаги ҳурдай, канизларининг ҳеч ёмони йўқ, ҳаммагинаси бирдай, уйда ётади, бари ёқни юзининг сулувлиги ёп-ёруғ қилиб кетади. Қоракўз ойим Салтанатга, Дурри санамга:

— Юринглар, боқقا гулга борамиз. Гул териб, гул бойлаб, ҳовузларга тушиб, баданимизга мушк билан ироқи совунни уриб, яхши-ёмонни кўриб, айналиб келамиз,— деди.

Бойна димиқ<sup>1</sup> бўлиб ётган маст қизлар, юринг, юринг дейишди. Ҳа, эмаса юринглар, юринглар, деб чоқ бўлди, кийимларини кийиниб тахт бўлди. Ойдай балқиб, кўчага чиқиб, силдираб жўнайверди. Энди қизлар йўлда келаяпти, бирор-бировини эгнига қўл ташлашиб, кўйлак-пўйлакларини ушлашиб, вақтини хушлашиб, чип-чип терлашиб, латибаси жилл-жилл этиб лабига тушиб, сиргалари қулоғида ярқиллашиб, бари гулшаннинг боғига бориб, хўб гулди териб, баданига мушки билан ироқи совунни уриб, ўзларини бунгишиб, гулни елкаларига бойлашиб, енгини ташлашиб, уйига қараб қайтди ўн беш кунлик ойдай балқишиб, Юсуф билан Аҳмадбекнинг зиндонининг олдидағи йўлга йўли тушиб кетди. Ана, энди булар кетаверсин, Юсуфбекдан эшитмоқ даркор гапни. Юсуфбек хафа бўлиб зиндоннинг ичида бир сўз айтаяпти:

Пирим Фовсил, илёс, ҳақ шоҳизинда,  
Қаландарлар кияр кулоҳман жанда,  
Йўқдан бор айлаган, қодир оллоҳим,  
Раҳм айла бандангни, қўйма зиндонда.  
Қилар эдим мен ўзим шоҳга таассуб,  
Бандилиги қурсин, кўкайим кесиб,  
Зиндонбанднинг пири, ҳазрати Юсуф,  
Раҳм айла, бекларни қўйма зиндонда.  
Қандай бўлиб қолди бул ўсган жойим,  
Қайдайгина бўлди яхши саройим.  
Ёта-ёта урчуқларим тешилди,  
Зиндондан чиқаргин, карим худойим,  
Гап чиқади Юсуфбекнинг тилидан,  
Хабар олгин бандиларнинг ҳолидан,

<sup>1</sup> Димиқиб.

Худоё, раҳмимини егин сен ўзинг,  
Ўзинг қутқар золимларнинг қўлидан,  
Худоё, бандангни қўйма зинданда.  
Олисдан кўринар бедовнинг кўзи,  
Йигитни талтайтар сулувнинг нози,  
Қоракўзой келаётса йўл билан,  
Олло деди бир одамнинг овози.  
Қоракўзнинг қочди ақлимани ҳуши,  
Оллонинг тошидир одамнинг боши.  
Қоракўзжон келаётса селкиллаб,  
Олло дейди бир банданинг товуши.  
Эшитиб Қоракўзжон балқиб кетди,  
Гул териб Қоракўз чорвоқдан қайтди,  
Қанизларни йиғиб олиб барини,  
Довуш чиққан ким экан деб сўратди.  
Ҳамма қизлар бир билмаймиз дейишди,  
Ниёзойнинг энди ақили шошли,  
Айтсамми деб дарди дардга улашди,  
Сўзлар айтиб ётиб эди Юсуфбек,  
Зинданга яқинлаб қизлар етишли.

Бувиниёз бекларни таъриф қилиб, мақтаб бир сўз айтаверди:

Мирза Маҳмуд деган эмиш,  
Бориб хизмат қилган эмиш.  
Хўб билиб ўтириш жойини  
Хизматини кўп ёқтириб,  
Йўрғага наҳал қоқтириб,  
Мирза Маҳмуд туз ҳароми  
Миср элига келган эмиш.  
Гўзалшоҳдан лашкар олиб,  
Ҳар тарафни қамсаб олиб,  
Талотўп қип Урганч элни,  
Аҳмад билан Юсуфжонни  
Банди қилиб келган эмиш,  
Кун қиёмат бўлган эмиш.  
Ташлайман, осаман деганмиш,  
Минор қулаб қолган эмиш,  
Тош отган одамлар ўриб,  
Юсуфман Аҳмад йўлбарсни  
Опкеп зиндан қилган эмиш,  
Тупроқ ялаб ётган эмиш,  
Ҳақ саносин айтган эмиш.  
Шону шавкатли Юсуфбек,  
Рустам сифатли Аҳмадбек,





Асли ўзбакнинг подшоси  
Шу чуқурда ётган эмиш.  
Ҳангамада дутор чертар,  
Қўрганлар ияриб кетар,  
Шундайин сўзи яхшишиш.  
Ҳангама қип турганида,  
Бир паслда тонглар отар,  
Булбул тилли, новвот сўзли  
Бекваччалар келган эмиш,  
Келиб зиндан бўлган эмиш.  
Ўлик-тиригин билмайман,  
Нордай чўкиб қолган эмиш.

Қоракўз айтди:— Э, баҳтим қаро. Биламан, Юсуф билан Аҳмад Урганчга тўра. Мен ҳам эшиштудим. Бораман, кўраман, жуда яхши йигит бўлса, ўзима ёқса, ошно бўлиб келаман, деб эди. Юринглар, сайил ҳам сайил, саргардан ҳам сайил, беш пулимиз кетиб бораётибдими, бир томоша қиласмиш.

Қизлар келиб, гул очилгандай зинданни айланиб олди. Бобо Қамбарнинг олдида бирор юргандай бўлди, у қизларнинг кўланкаси тушувди. Бобо Қамбар кўзини қийшайтириб осмонга қаради. Бобо Қамбар шундай қизларга қараб, оғзи очилиб қолди:— Юсуфжон, Аҳмаджон, бобонг шайх одам, қарагани эринади, сизлар қарасанглар, бежой яхши қизлар кўринади-да,— деди Бобо Қамбар.

Юсуфбек, Аҳмадбек шундай қараса, шу ўртада бир қиз турибди, худди юзининг холлари ойнинг киштасидай, зулфи барг-барг бўлиб, бетига тармашган, латибаси ярқ-юрқ этиб лабига тушган, мунчоқлари киндиқдан ошган, ёнбошида Санталатой, Дуррисанам, бўтанинг кўзларидай зинданга термилишиб турибди. Бундай сулувни ўзбаклар ҳеч кўрган эмас эди. Юсуфбек ақлини бой берай деб қолди. Ана, энди Юсуфбек қизларга қараб бир сўз айтиверди:

Ҳар нарсадан яхши нозлар,  
Айтаверсам бўлар сўзлар,  
На, дўстсанми — душмансанми,  
Йигитнинг қуввати қизлар.  
Отамни<sup>1</sup> ўртади кўзинг,  
Асалдан ҳам ширин сўзинг,  
Хурга ўхшар қошу юзинг,

<sup>1</sup> Бобо Қамбар назарда тутилмоқда.

Жонларга лойиқсан ўзинг,  
Иигитнинг офати қизлар.  
Гўзал подшодан келдингми,  
Бизларга хасм бўлдингми,  
Уликми, тирикми дейишиб,  
Душман олдидан келдингми?  
Аҳмадни ўртаган қизлар.  
Қулоғинг қўйгин сўзима,  
Руҳим банда икўзингга<sup>1</sup>,  
Дўст-душманлигинг айтгин,  
Рост гапиргин сен ўзимга,  
Иигитни куйдирган қизлар.  
Хуй балли, қабоғингга,  
Борибсан боғча-боғингга,  
Жонлар банда сиёғингга,  
Бизнинг билан ошно қизлар.  
Яхши гап айтиб қайтинглар,  
Ошно бўлишиб кетинглар,  
Гўзалшоҳ подшога бориб,  
Бизни кўп таъриф этинглар.  
Томошага келган қизлар,  
Мулла қизлар, тилла қизлар,  
Ғўонон қизлар, дўонон қизлар.

Қоракўз ойим зиндонга ўзини ташлади. Қоракўз айтди:— Э, балли, айтган сўзингга, балли, қош-кўзингга. Ана, Қоракўз ойим бир сўзни айтаяпти чини-пини билан:

Боққа кирдик тоза гулдан тергани,  
Иложим йўқ олдингизга киргани,  
Сўзингиз дардимга дори, икки бек,  
Сўлқиллаб Қоракўз келди кўргани.  
Ҳеч тоқат йўқ сиз билан гаплашунча,  
Кун чиққан сўнг очилар гули ғунча.  
Жон айлансин ҳар бир сўзларингиздан,  
Томошага қизлар келди, бекбачча,  
Бир кўрай деб сарсон бўлганди неча,  
Ошиққа кайф бўлар қоронғу кеча,  
Бир томоша қилай қоматингизни,  
Жон айлансин сўзингиздан, бекбачча.  
Катта одамман — Миср элнинг нозиман,  
Нечовларнинг гапирмоққа сўзиман,  
Тубсиз деб кўнглингга гаплар келмасин,

<sup>1</sup> Икки кўзингга.

Ҳамза қўрбошининг эрка қизиман,  
Мунчоқлар жовдираб қорнима туша,  
Қора зулфим ойдай юзга тармаша,  
Бир томоша қилай деди бу қизлар,  
Қоракўз сизларни қилсин томоша.  
Гапирмакка оғзидағи сўзиман,  
Миср элнинг донгозадор<sup>1</sup> қизиман,  
Санталатим подшоча бор, икки бек,  
Ҳамза қўрбошининг ёлғиз қизиман,  
Селлиллаган Қоракўзниңг ўзиман.  
Бир томоша қилсин сизни, икки бек,  
Қоракўз келибди кўп канизиман.  
Томоша қилайлик сизни, бекбачча,  
Бир кўрининг юзингиздан, бойбачча.

Ана, энди Бобо Қамбар айтди:— Аҳмад, Аҳмад! Отангни худо раҳмат қилсин. Бу (золим)ларнинг қизи зўр бўлади, энди жуда ошно бўлиб қолса, ундан кейин ўзи билади, бу қизларнинг ихтиёри ўзида бўлади.

Гап бўлди, Мисердан қиз битган кўп келди. Юсуф билан Аҳмадбек шундай кўринишга чиқувди, Қоракўзниңг бадани симобдай балқиб кетди, ишқ савдосига куйиб, баданига баданим тегиб ўлсак ҳам розиман, деб ўзини зиндонга отди. Сап зўр қизлар илай-чилай социдан, кўйлагидан ушлаб тортди, шалвираб қолди. Ана, шунда Юсуфбек қизларга қараб, бир сўз айтаверди:

Душман экансан бизларга,  
Жонсиз Гўзалшоҳга айтар,  
Аччиғи келиб подшонинг,  
Зиндонга тош тиқиб кетар.  
Қоракўз, ишинг айбдир,  
Яхши кўраман деб ўзинг  
Касофатинг тегиб кетар,  
Бешарм, ҳаёсизлик қилма,  
Отангиз ёмон, эшитар.  
Бизнингман ошно бўлмагин,  
Юракка савдо солмагин,  
Беадабли ишлар қилсанг,  
Ростини айтсан, келмагин.  
Уят ишни сен қиласан,  
Ҳамма гапни сен биласан,  
Яхши кўраман деб бизни,

<sup>1</sup> Овозадор.

Подшоман тараф қиласан.  
Бизлардан хабар олмагин,  
Бизлар ўзбак — тўғри одам,  
Чўртта бу ерга келмагин.  
Пахта-пилтанг қолар сасиб,  
Сен ўзинг кўйкайни кесиб,  
Энанг билса ураг сасиб,  
Келмагин зиндан бошига.  
Дўст-дushmanлар кўрмайдими,  
Отанг елкамга минмайми,  
Тушиб кетсанг, Қоракўзжон,  
Сенинг оёғинг синмайми,  
Келмагин зиндан олдига.  
Бизларман ошно бўлмагин,  
Холимдан хабар олмагин,  
Уятнинг йўқ экан сенинг,  
Бизларни бемаза қилмагин.

Ана, энди Қоракўз айтди:— Э Юсуфжон, мени бир мақтагин, ишқ савдосига гирифтор бўлдим, бир мақтаб айтгин, уйима етганимни билмай қолай. Қизлар Қоракўзни судраб олди, уят бўлганини Қоракўз билди, Юсуфбек айтди:— Э, Қоракўзжон, сен бир қушни кўзидан урган мерган бўлмасанг, шаҳарма-шаҳар дайдиб томоша қилиб юрган бўлмасанг, сен бир нозанин қиз бўлсанг, мен сенинг нимангни мақтайман. Қўлимда созим бўлганда эди, созни чертиб, сени мақтар эдим. Қоракўз айтди:— Соз нимадан бўлади? Бобо Қамбар айтди:— Чархнинг паррасидан, устанинг ҳаррасидан<sup>1</sup>, чўп соп, теша, арча, тол чўпак, елим — шундан бўлади.

Қоракўз уйига қайти, уйига етди, қирқ икки чархни бузиб, анжомини хуржунига солиб, бир зўр қизга орқалатди. Ҳалиги қиз олиб бориб зиндонга ташлади. Бобо Қамбар дуторга лойигини айириб олиб, йўниб чоқлаяпти, Аҳмадбек оташкуракни қип-қизил чўғ қилиб, елимни доғлаяпти. Юсуфбек ўн тўрт ердан пардасини бойлаяпти. Аҳмадбек қўша еридан қулоғини тешаяпти, Юсуфбек тол чўпакдан дуторни йифнаб, торини эшаяпти, Бобо Қамбар фиртиллатиб чўпсов билан йўниб турипти. Юсуфбек отасига қараб бир сўз айтаверди:

Отажон, созимни қилинг бинойи,  
Эшитганинг тўкилади гуноҳи,

<sup>1</sup> Appa.

Оллога етгай-да банданинг оҳи,  
Шоҳсанам сифатли оқча қиз белли.  
Қопқоғи чўкмасин, қоринли бўлсин,  
Маърака-мажлисда ўринли бўлсин,  
Қим қилди деб кўрган киши тан берсин,  
Қун чиққан сўнг Қоракўзжон жон берсин.  
Отажон, созимни қилинг бинойи,  
Ҳуй деганда товушларим қўшилсин.  
Торлари тол ипакдан эшилсин,  
Айтганимда товушгинам қўшилсин,  
Шоҳсанам сифатли, санам қиз белли.  
Чертканда юракдан кетгандавойим,  
Дуторни ўхшатинг сиз қиблагойим,  
Қойил бўлсин келиб Қоракўз ойим,  
Аввал чертганимда бўп чиқсин майнин,  
Фонғир фоздай, бобо, созим соз бўлсин.  
Бандилиги қурсин дардим улаша,  
Ёта-ёта менинг ақлим шоша,  
Хўп ўхшатиб чертсам, ота, созимни,  
Қоракўзжон қилсин доим томоша,  
Булбулдай сўзласин, овозли бўлсин.  
Манманликдан бўлдик балога дучор,  
Ҳар балога бўлдик бизлар гирифтор,  
Созимни, отажон, бежай<sup>1</sup> ўхшатинг,  
Бобо Қамбар, созга қилинг бир назар.  
Пардалари ўн тўрт ердан бойлансин,  
Чертганимда паррандалар айналсин,  
Қокилгинам ҳар тарафга тайлансин,  
Ишқига Қоракўз ойим шайлансин,  
Қумридай овозли бежай соз бўлсин.  
Давлат берса ёмонларни қақшатинг,  
Юсуф билан Аҳмаджонни бўшатинг,  
Бежайин мақомли дутор соз бўлсин,  
Созгинамни, ота бежай ўхшатинг...

Ана, отаси созни ўхшатти, Юсуфбек дуторни чертти,  
зиндоннинг бошидан учиб ўтган қушлар зиндонга ҳамма-  
си тушиб кетди. Зиндон қушга тўлиб кетди. Ана, эндиғи  
сўзни Қоракўздан эшишмоқ даркор. Қоракўз ойим Санта-  
латман Дуррисанамга қараб бир сўз айтаверди:

Ўзим гўйли равишимни,  
Яхши қилинглар ишимни,

<sup>1</sup> Жуда.

Юсуф, Аҳмад қойил бўлсин,  
Оёғимга кийгизинглар,  
Курра туёқ ковушимни.  
Қиласай яхши қилифимни,  
Қўтаринглар димоғимни,  
Қордай баданга кийгизинг,  
Юқа, яхши кўйлагимни.  
Қилгин менинг адабимни,  
Кетказингвойим, доғимни,  
Бўйниматакиб қўйинг,  
Садаф дурдан мунҷофимни.  
Менинг ҳолимни сўранглар,  
Сочимни ювиб-тaranглар,  
Қимматбаҳо рўмоллардан,  
Жуда яхши қип ўранглар.  
Кийим ярашарми менга,  
Ойнага боринг, қаранглар.  
Қабул қилгай-да товбамни,  
Бир худой тўккай гуномни,  
Бурнима тақиб қўйинглар,  
Ёқут тошли латибамни.  
Ялтиратиб тақиб қўйинг,  
Қулоғимга бул сирғамни.  
Ҳамманг гирдимни олинглар.  
Дарров тараадди қилинглар,  
Мой оп келиб жувозчидан,  
Қат-қат қатлама қилинглар.  
Гўшти сомсалар қилиб,  
Товоққа ўраб солинглар.  
Юринг бекларни кўрамиз,  
Томоша қилиб турмиз,  
Яхши сўзларин эшитиб,  
Ҳангамалашиб келамиз.  
Ҷоқланг анжом тез-тезгина,  
Хизмат қилинглар дарровгина,  
Сатта қизлар кийим кийинг,  
Хеч кулмай қабоқни уйинг,  
Бўхча-бўхча сарпой олиб,  
Қатлама билан сомсани  
Ойимлар, бошларга қўйинг.  
Юринг, зинданга борамиз,  
Юсуф, Аҳмадни кўрамиз,  
Гаплашиб, димоқ чоқ қилиб,  
Юринг, танишиб келамиз.  
Тез юргин деб қобогини уяди,

Қатламасин тос тепага қўяди,  
Давлати бор, нози бор Қоракўзнинг  
Қўлтиғидан ойимжон деб суяди.  
Шакардан ширин сўзлар,  
Ярқиллайди икки кўзлар,  
Томошага жўнади,  
Сатта барваста қизлар.  
Қош-қобоги ёйдай бўп,  
Сарбоз тортган найдай бўп,  
Жўнай берди маст қизлар,  
Бир йил боқсан қўйдай бўп,  
Тиши оппоқ дурдай бўп,  
Баданлари қордай бўп,  
Жўнай берди маст қизлар,  
Ҳаммалари бирдай бўп,  
Юрган йўлга ярашиб,  
Теваракка қарашиб,  
Ойдай бўлиб жўнади,  
Етдикми деб сўрашиб.  
Рўмолни ҳилпиратди,  
Ҳаммаси терлаб кетди.  
Мунчоқни жовдиратди,  
Сирғани силдиратди,  
Қўзларин мўлдиратди,  
Бадани сўлқиллатди,  
Тўлиқсип соп маст қизлар,  
Йўлларда жўнаб кетди,  
Жўнайверди ҳарсиллаб,  
Сақичлари қарсиллаб,  
Оёқ кериб ташласа,  
Курра туёқ ковуши  
Ерга тегиб дурсиллаб,  
Дўнан қизлар жўнади,  
Бари бирдай ларсиллаб,  
Қизларнинг юрганига,  
Қора ерлар гурсиллаб,  
Қўл қисиб қизлар жўнади.  
Қош-қобогин ўйнатиб,  
Булбулдай тилни сўйлатиб,  
Баракалла, Қоракўзжон,  
Юрган йўлни, балли қизлар,  
Лолагулдайин яшнатиб.  
Ўсмалар қўйган қошига,  
Рўмол ярашган бошига,  
Худди гулдайин яшнатиб,

Борди зиндоннинг бошига.  
Ҷўп томоша бўлди деди,  
Энди кўнглим тўлди деди,  
Бобо Қамбар қараб туриб,  
Дўнан қизлар келди деди,  
Қарагин, Юсуф фарзандим,  
Қоракўзжон келди деди.  
Қаранглар икки фарзанд деб,  
Сайил чиққандайин бўлиб,  
Хўп томоша бўлди деди.

Қоракўз сарпони, қанду новвотни зиндоининг ичиға отди. Қанд токча-токча бўлиб кетди, тўн бўхча-бўхча бўп кетди, зиндоннинг ичини қатлама билан сомса иси тутиб кетди. Бобо Қамбарнинг қорни дўппосдай бўлиб кетди. Бобо Қамбар яхши тўнлардан кийиб олди, худди сайилга боргандай бўлди. Бобо Қамбар муртини тараниб, теварагига қараниб, мўйсафидга ҳам шундай олабайроқ тўн ярашадими, деб сўраниб, талтайиб турди.

Ана, энди Юсуфбек дуторни чунон созлаб чалди. Шундай қараса, Қоракўзжон ўзига минг пардоз бериб келибди-да, ана шавқат, мана шавкат, ана ҳайбат, ана келбат. Шунда Қоракўзжон бошгинасини бир силкитди, зиндоннинг ичи ярқиллаб кетди. Юсуфбек дуторини олиб, Қоракўзжонни таъриф қилиб, бир сўз айтаверди:

Кийган кўйлагинг тизингнан,  
Айланай қошу кўзингдан,  
Бир муччи бер ой юзингнан,  
Бир қошни қоққин, Қоракўз.  
Кийган кўйлагинг чун-чувор,  
Қошинг қора, кўзинг хумор,  
Бизларни қилма интизор,  
Нозминан турган, Қоракўз.  
Кийган кўйлагинг ипакдан,  
Селдираб турган пўпакдан,  
Ўзинг ўтиб кетма тобдан,  
Айрилмагин яхши гапдан,  
Бизга ишлат қора зулфдан,  
Номошомдан бўлар хуфтон,  
Ошиқ ётади жуфт-жуфтдан,  
Бир кулиб қара, Қоракўз.  
Гапирган гапинг мазали,  
Ўзинг қизларнинг гўзали,

Бу қисмат биэга азали,  
Селкиллаб тургин, Қоракүз.  
Қоракүз, кимнинг шойисан,  
Сен бироннинг подшойисан,  
Қўнглиминг хушгойисан,  
Сўлқиллаб тургин, Қоракүз,  
Бўлқиллаб тургин, Қоракүз.  
Қоракүз кўзинг сузилур,  
Устингда жоним узилур,  
Сен кетсанг, мажлис бузилур,  
Ихлосни қўйгин, Қоракүз.  
Эшигингнинг олди арча,  
Қийганинг баҳмалман парча,  
Бўйинг узун, белинг химча,  
Ўзинг Мисрга бойбичча,  
Нозланиб тургин, Қоракүз.  
Эшигингнинг олди ариқ,  
Желдирашиб ўтар балиқ,  
Бўйинг бўйгинама лойиқ,  
Сайил қилиб боғда юрсанг,  
Томоша қилса халойиқ,  
Ирголиб тургин, Қоракүз.  
Қийган кўйлагинг сўзани,  
Лабингнан олсам бўсани,  
Асли зотинг Хуросонли,  
Яхши кўргин ўзинг мени,  
Таралиб тургин, Қоракүз.  
Қоракүз, десам қочасан,  
Кулиб баҳримни очасан,  
Сен оғзингнан дур сочасан,  
Сен ҳазил билма, Қоракүз.  
Эшигингнинг олди солма,  
Бўйинг узун, белинг толма,  
Ишқибоз бўл, биздан қолма,  
Қўнглинг тўлсин, Қоракүз.  
Сен бизлардан хабар олгин,  
Бекларни тарбият қилгин,  
Уч вақти овқат оп келгин,  
Сўлқиллаб тургин, Қоракүз,  
Бўлқиллаб тургин, Қоракүз.  
Кулиб лабингни тишлайсан,  
Юриб белингни ушлайсан,  
Ўзгинангга пардоз бериб,  
Қачон вақтимни хушлайсан,  
Хабарлар олгин, Қоракүз.

**Ана, энди Қоракүзжон айтди:**— Э, қўй! Зиндонга ташлаб кетаман. Юсуфбек айтди:— Э, Қоракүзжон, бизлар бандилармиз, сен гайри мазҳабнинг қизисан, бизларга ишқибоз бўлма, ёнар ўтга ўзингни солма, Лайли — Мажнун, Ширин — Фарҳод, Зуҳра — Тоҳир шулардан ҳеч тариқ эшитганинг йўқми? Бизлар кетсан, сен қоласан, банди бўласан, бандидан ўтиб кетган қип-қизил ҳангига бўласан, ишқибозликни бир коса сув билмагин. Мен сенга ростини айтсан, бундан буёққа дим келмагин!

Ана шунда Қоракүзжон бекларга қараб бир сўз айтди:

Эшитинг беклар сўзимни,  
Хизматкор қилинг ўзимни,  
Ўлгунча берай тузимни,  
Ихлосни қўйинг, икки бек.  
Қизил гулман мен сўлгунча,  
Ҳақ паймонам тўлгунча,  
АЗройил жоним олгунча,  
Ўлгунча борман, Юсуфбек.  
Сизларга қошим қоқайин,  
Адабман қаддим букайин,  
Кўзима тупроқ тўлгунча,  
Дунёдан фано бўлгунча,  
Ўхшатиб сизни боқайин.  
Қоракўз олма отганда,  
Қиёмат тонги отганда,  
Исрофил сурни тортганда,  
Офтоб мияга етганда,  
Ўн тўрт ошиқ тўй қилади,  
Мен шунда борман, Юсуфбек.  
Боғлардан олма отарман,  
Мен сизга қўлни тутарман,  
Ҳангама, чақ-чақ этарман,  
Кўнглингизни шодман қилиб,  
Дин Хоразм элга кетарман,  
Неча товлардан ўтарман,  
Кўнгилларинг шод этарман,  
Ватанингизда ётарман,  
Ҳамиша борман, Юсуфбек.  
Қатор-қатор норингдурман,  
Мен сенинг вафодорингман,  
Қиёматли чўрингдурман,  
Мусулмон бўлдим, Юсуфбек.  
Икковинг асло ўлманглар,  
Энди ҳеч хафа бўлманглар,

Қоракүз ҳазил айтди, деб  
Мени калака қилманглар,  
У дунёда, бу дунёда  
Ҳамиша борман, Юсуфбек.

Ана, энди Юсуфбек билан Аҳмаджоннинг Қоракўздан қўнгли тўлди. Қоракўз кунда уч вақт овқат олиб келиб, беклар шай бўлиб кетди. Орадан бир ой ўтди. Бобо Қамбарнинг очлик эсидан чиқиб кетди. Ҳуфтон бор эди, Бобо Қамбар Аҳмадбекка ҳали шу Қоракўз кимга ишқибоз, деб юрибсизлар,— деди. Юсуфбек айтди:— Ота, сиз биласиз-да. Бобо Қамбар айтди:— Эса Қоракўздан умид қилманглар, ўзимнинг жонзод, эназод ишқибозим. Сизлар келар ҳаддида мен бир ҳазиллашуудим, аччиқланиб кетувди. Мен гуруч бўлсан, сизлар курмаксизлар. Қоракўз сизларнинг момоларинг бўлади. Тағи хаёлни қочириб юрманглар,— деди.

Аҳмадбек жанжал қилди:— Учовимиз уч бўлак ўтирамиз, кимнинг устидан нон ташласа, Қоракўз шуники,— деди. Беклар билмайди, Бобо Қамбар билар эди. Бобо Қамбар зиндоннинг арқон қўйган нон ташлайдиган ерида қолди, шу куни тонг отди. Қоракўз бир хурма қатиқ билан бир қўлтиқ юпқани чошгоҳда зиндонга олиб келиб етди. Хурмани арқонга боғлаб ташлади, Бобо Қамбар аста ушлади, юпқани ботириб қатиқни еяверди. Қоракўз шундай қараса, Юсуф билан Аҳмад йўқ. Менинг бекларимни еб қўйибди, деб бобога қараб, бир сўз айтаверди:

Бу зиндонни тағи танҳо жайлдинг,  
Фарзандим деб ғучроқларга сўйладинг,  
Якка ўзинг еб қўймагин қатиқни,  
Аҳмад билан Юсуфимни найладинг?!  
Ё қилдингми мен шўрлини мубтало,  
Юпқаман қатиқни единг, чол бобо,  
Нон кўрмаган, ўлиб қолгур бенаво,  
Аҳмадимман Юсуфжонни найладинг?!  
Қатиқни ичасан мурутинг ботиб,  
Беклардан айириб, қўнглим қабартиб,  
Худоё, ўлиб қонг ёғочдай қотиб,  
Кўнгил қуши, жонларимни найладинг?!  
Одамхўрсан, аждаҳодан баттарсан,  
Қатиқман юпқани адо этарсан,  
Тўймай қолсанг, хурмани ҳам ютарсан,  
Бугундан кай мен келмасам нетарсан,  
Икки бирдай бекбаччани на қилдинг?!

Ана, энди Бобо Қамбар Қоракүзга қараб, муртини булкуллатиб, тишини иржайтириб, хушомаднамодай қилиб, бир сўз айтаяпти:

Хизматинг Қамбарнинг бўйнига боқи,  
Қўзингдан, гапгинанг думоғни ёқди,  
Қўкракка ярашар соқолнинг оқи,  
Ҳақиқатан зиёда кўргин, Қоракўз.  
Балхи рўмол пириллайди бошингда,  
Салтанатой тураг чап ёнбошингда,  
Соқоллар ярашар қордай тўшингда,  
Беклардан зиёда кўргин, Қоракўз.  
Ушлаб олсам узук таққан қўлингдан,  
Билакни ўткарсам соғу сўлингдан,  
Иигитдан зиёда қучай белингдан,  
Ёш боладай бўлиб сўрай тилингдан,  
Дўйқ қилмагин, хушторингман, Қоракўз  
Ташналар қиласар элдан бир неча,  
Тоқатим йўқ мен олдингга чиққунча,  
Чин-Мочинга бориб бўлгин бойбичча,  
Хурма олиб, сигир соққин, Қоракўз.  
Сени деган тараф бўлсин пиёда,  
Айшу ишрат кўргин мана дунёда,  
Ҳар хизматим йигитлардан зиёда,  
Қулиб қара, дардинг урсин, Қоракўз.  
Мен айланай ҳар бир айтган сўзингдан,  
Хабаргинанг йўқди сенинг ўзингдан,  
Ўндай дема хушторингман, Қоракўз,  
Жонгинам айлансан ойдай юзингдан.

Қоракўз «Ў, айланмай ўлиб қолгур»,— деб бир ярим ботмон чиқадиган сулпи тошни кўтариб келиб, устидан ташламоқчи бўлди. Бобо Қамбар ташламачи-ташлама, деб шовқин солди. Юсуфбек кулиб, товушини чиқарди. «Қоракўз, бобом сенинг феълингни билар экан, мен ҳазиллашма, аччиқланади», деб эдим. Қоракўз энди уялиб, уйдан бир қўлтиқ нон билан қатиқ олиб келди. Бобо Қамбар қарилиги қурсин, деб ўзидан ўпкалаб, ёнбошлаб қолди.

Ана, энди гапни Дин Хоразмдан, Урганч вилоятидан эшиштоқ керак. Қоп-қора тутаб, боянаги Гулшанбоққа Гуласал йиғлаб келди. Бағри эзилган, кўзидан ёшлари тизилган, етти йилдан бери Юсуфбекнинг доғида куйган, қобогини уйган, оҳ деса, ўпкаси кўриниб, бадани талоқдай чуйкаб кетган, ўлим ҳалокатига етган, ҳар нарсадан

кечган, бечоранинг баданларидан қонлари ҳам қочган, энгаги чиқиб куйиб кетган, етти йилдан бери Юсуфбекни ёд этган, дод деб азасини тутган, Юсуфбек келади деб ҳали ҳам бечора умид қилиб ётган. Ана шуйтиб Асалой чорбоққа келиб, Юсуфбекни чорбоқдаги беш турнасини ушлаб олиб, кўзидан ёшларни оқизиб:

— Яхшимдан қолган нусхасан, шундай беклар бедарак кетди, ой ботгандай бўлиб ювиб кетди, орқасидан сўрайдиган оғаси бўлмади, иниси бўлмади, ҳамишагидай бир суянчи Аширбек тоғаси бўлмади, аразлаб Бўзўғлон тоғаси келмади, мендан бўлак тўрамнинг ичи ачири бўлмади. Вой-вой ёлғизлиги қурсин, шундай беклардан бирор одам хабар олиб келмади,— деб турналарни силаб, дод деб йиғлаб, ҳали ҳам бекларнинг эсонлигини тилаб, турналарнинг қанотига хат битиб, тўрамдан хабар олиб келинглар, жонворлар,— деб Мисрнинг йўлини кўрсатиб, турналарга қараб, бир сўз айтаверди. Ана, турналарга Асалнинг айтаётган сўзи:

Юсуфбекнинг беш турнаси,  
Бор, Мисрга бориб келинг,  
Ўликми, тирикми беклар,  
Бир хабарин олиб келинг.  
Қўзингдан ёшингни тўкиб,  
Қанот қоқиб, кўкка боқиб,  
Миср элига улоқиб,  
Миср юртига бориб келинг,  
Юсуф билан Аҳмаджондан  
Бориб хабар олиб келинг.  
Олмасин сизларни лочин,  
Қанотингга йиққин кучинг.  
Муштипарман, менга ачин,  
Бор, эгангни билиб келгин.  
Шоҳ тўрамнинг ҳайвонлари,  
Яхши хизмат қилиб келгин.  
Миср элида давра олиб,  
Ўликми, тирикми жонлар,  
Дарагини билиб келгин.  
Эшит Асалнинг зорини,  
Қўтар юрак зангларини<sup>1</sup>,  
Ўлган бўлса мозорини,  
Тупроғига оғнаб келгин.  
Тирик бўлса эгаларинг,

<sup>1</sup> Зангини.

Қанот қоқиб ўйнаб келгин.  
Париллаб учиб олдима,  
Ғангирашиб сўйлаб келгин.  
Менга ачин, Миср кетиб  
Жонларингни қийнаб келгин.  
Қулоқ сол Асал тилига,  
Қундуз куни ёт кўлига,  
Кеча давра олиб учиб,  
Боринг душманнинг элига,  
Юсуф билан Аҳмаджондан  
Бир хабарни билиб келгин.  
Давр олиб учгин, жонвор,  
Икки бирдай хонзодамдан  
Ному нишон билиб келгин.  
Қундуз куни ўйлаб ётгин,  
Худонинг зикрини қилгин,  
Мисрнинг шаҳрига бориб,  
Икки бирдай эгангизни  
Жон турналар, билиб қайтгин.  
Эгаларинг аҳволидан  
Бориб хабар олиб қайтгин.  
Чўртта борми, йўқми билгин,  
Жонвор турна хизмат қилгин,  
Ўлган бўлса парларингни  
Хўрпак қилиб чанглаб келгин,  
Агар ўлган бўлса жоним,  
Мотам тутиб йиғлаб келгин.  
Агар тирик бўлса хоним,  
Қанот қоқиб ўйнаб келгин.  
Бир қанотинг пастга қилиб,  
Бир қанотинг шалпайтириб,  
Жонларингни қийнаб келгин.

Үн бешда таралар қизларнинг сочи,  
Сира йўқди ёлғизликнинг иложи,  
Ёлғизлик ҳам ёмон экан дунёда,  
Орқасидан сўрар ака-ини йўқ,  
Асалой хат битди бешта турнадан,  
Турна бўлди икки аризачи.  
Душманга ажал шарбатин ичирди,  
Бемаҳалда карвонини кўчирди.  
Хат битиб турналар қанотига,  
Беш турнани Миср элга учирди.  
Яхши хотин куяр эрнинг ҳолига,  
Ҳар ким тўғри бўлсин ўзин йўлига,

Орқасидан ҳеч одам сўрамади,  
Арзачи қип беш турнани Асалжон,  
Юборди турнани Миср элига.  
Ҳайвонларништ калимаси тилида,  
Кундуз куни ётиб Чалчиқ кўлида,  
Қечаси давра олиб жонвор учади,  
Дам олади баланд тоғнинг белида.  
Тўрам деб тўкилган Асалнинг ёши,  
Бу ишлар,вой-вой, худонинг иши,  
Худонинг ишига кўнади киши.  
Ҳар паридан чакиллаб тер тўкилиб,  
Бораётир бекларнинг турна қуши.  
Шунқорни кўрганда писиб ётади,  
Узаган сўнг турна учеб кетади.  
Баракалла Юсуфбекнинг турнаси,  
Жуда узоқ экан Миср ораси,  
Миср элига бешта турна кетади.  
Неча овлоқ чўлдан, катта товлардан,  
Файрат қип турналар учеб ўтади.  
Қурбон бўлсанг яхши хотин бастига,  
Ҳар ким хизмат қиласр экан дўстига.  
Саккиз кеча-саккиз кундуз давр олиб,  
Турна борди Миср элининг устига.  
Сайилли кун сепи кўп қиз шайланди,  
Мол кечганда тиниқ сувлар лойланди.  
Одам эмас, бирордан сўрагани,  
Ҳар паридан чакиллаб тер тўкилиб,  
Мисрнинг устини турна айланди.  
Ўтловдан, сувловдан ҳолати кетди,  
Уч кеча-уч кундуз жонини сотди,  
Қумлоқликда овлоқ ерни топмайди,  
Турнанинг оёғи сузилиб кетди.  
Очлик қийин иш экандир ҳайвонга,  
Нима қилсин тандан қуввати кетди.  
Юсуф билан Аҳмаднинг зиндонидан  
Қанотин шувлатиб устидан ўтди.  
Бобо Қамбар кўрар эди турнани,  
Айтольмайди ҳеч бирорга доғларни,  
Эр киши тарафдан олар кекларни,  
Ахтаради эгасини турналар,  
Тополмайди Юсуф, Аҳмад бекларни.

**Бобо Қамбар айтди:**— Э, фарзандлар, сизлар келган туни икки қалдирғоч келиб зиндонга уя қўйди. Ундан кейин Буви Ниёз келди, ундан сўнг Қоракўз келди, куни-

миз шод бўлди. Уч кундан бери Мисрга беш турна келди, қушларнинг ичида турна тажрибали бўлади, бу ёғи ҳамалда учади, бу ёғи мизонда учади, саратон соп бўлган куни шу беш турна Мисрда пайдо бўлди. Шу турналарга бир сўз айтинглар, чирогим,— деди.

Ана шунда Юсуфбек дуторни қўлига олиб, турналарга қараб бир сўз айтаверди:

Бизнинг элдан келган бўлсанг, жонларим,  
Хабар бергин бизнинг эллар омонми?  
Соясига кун тушмаган боғларим,  
Ранг-баранг очилган гуллар омонми?  
Қизлари чиқади Полвон отага,  
Назрини беради Сайд отага,  
Ёмонлари яхшисидан садаға,  
Шоҳсанам сифатли қизлар омонми?  
Отингдан айланай, ҳазрати Полвон,  
Танобинг қирқ қулоч, човакинг алвон,  
Туғингнинг остига қўйилган нарвон,  
Ихломсан қўл берган пирлар омонми?  
Мен билмайман бу ер қаер эканин,  
Урганчда бўлмайди лашкарнинг сони,  
Ҳазрати Довуднинг солган дўкони,  
Ўн минг мачит, хонақоси омонми?  
Савдогари чиқиб Аштархон кетган,  
Зўрабор bekлари закотин элтган,  
Ҳар қилган закоти қирқ мингга етган,  
Қорни катта наҳанг бойлар омонми?  
Бормикан ҳали ҳам менинг гулларим,  
Нима бўлар бандиликда ҳолларим,  
Омонмикан Дин Хоразм элларим,  
Катта-кичик кўрган кўзлар омонми?  
Беш тўрнам, қалайсан ёз билан қишдан,  
Саржиғанг олтиндир, паринг кумушдан,  
Хабар бер, жонивор, гул, Қалдирғочдан,  
Ёппа-ёвлик қариндошлар омонми?  
Банди бўлиб чиқдим, жонвор, хонамдан,  
Ҳайдалиб ўртанган гулдай танамдан,  
Хабар бергин Лаълихондай энамдан,  
Ёвга чопган қирқ йигитлар омонми,  
Урганчининг подшоси отам омонми?  
Беҳиштнинг меваси анжиру хурмо,  
Ёр хабар юборди ўзимдан бурно,  
Бошимда давр олган беш ола турна,  
Кўким кийган Асал ёрим омонми?

Юсуф, Аҳмад дуторини ушлади,  
Бешта турна кўзларини ёшлади,  
Эгасининг довушини эшитиб,  
Қанотин чимирғиб жонвор беш турна,  
Парвоз қип зинданга ўзин ташлади.  
Олло раҳм айлагай ҳамма қулига,  
Йигит чидаб бўлмас қизнинг ҳилига,  
Азизлардай бошидан етти айланиб,  
Турна қўнди Юсуфбекнинг қўлига.  
Сабил бўлган Урганч мамлакати бор,  
Банди одамнинг юрагида дарди бор,  
Турна қанотни Юсуфбек кўрса,  
Тўрам деган Гуласалдай оти бор,  
Имлосин келтирган яхши хати бор.  
Йиглай-йиглай ғам сарғайтган юзини,  
Оҳ тортганда ёшлар тўсар кўзини,  
Гуласалнинг хатин кўриб Юсуфбек  
Йиглай берди тўхтатолмай ўзини.  
Бош-бошига ўқий берди Аҳмадбек,  
Хатда кўриб беш юзча канизини.  
Ука, бўлар бу дунёнинг ҳаваси,  
Сира йўқди бандиликнинг давоси,  
Арза хатни ўқиб кўрди Юсуфбек,  
Хатга тушиб Қалдирғочдай синглиси,  
Банди бўп ўртаган гулдай танаси,  
Ҳеч банданинг бузилмасин хонаси,  
Бош-бошига ўқий берди арзани,  
Болам деган Лаълихондай энаси,  
Юрак кўп бўлди қайғу доғлари,  
Қуврай деган кўкарған чорбоғлари,  
Бирин-бирин ўқийверди Аҳмадбек,  
То кўринди қирқ йигити, беклари.  
Бедовга ярашган пўлат тўғаси,  
Ёмғирман баҳр олар товнинг гиёси,  
Бирин-бирин ўқиб кўрди арзани,  
Хатда кўринмади Ашир тоғаси.  
Ҳай аттанг-а, гулим сўлган экан деб,  
Паймонаси, аттанг, тўлган экан деб,  
Вой тоғам, деб йиглайверди иккови,  
Эсизгина, тоғам ўлган экан деб.  
Ҳай аттанг-а, чаққан экан чаён деб,  
Банди бўлиб қайнаб келди миям деб,  
Бир суюнч тоғгинам деб икки бек,  
Эсизгина, Аширбекдай тоғам деб.  
Куйганидан гапни гапга улади,

Арза хатни кўзларига силади,  
Вой тогам деб фарёд айлаб иккови,  
Асқар тогим,вой тогам, деб йиғлади.  
Зор йиғлашиб икки бек дод айлади,  
Вой тогам, деб Аҳмад фарёд айлади,  
Ҳазрати Ёсинни ўқиб икки бек,  
Ўлганларнинг арвоҳин шод айлади.

Ана, энди Бобо Қамбар бечора бекларнинг йиғлаганига  
раҳми келиб, Юсуф билан Аҳмадбекка ҳам шариатдан,  
ҳам тариқатдан айтиб, бир сўз деяпти:

Гуноҳларим гуррув-гуррув,  
Кечиргай-да Буви Ҳубби,  
Соб бўлмас бобонгнинг гали,  
Сувда бордир Одам Оби.  
Пайғамбари ҳазрати Нуҳ,  
Ҳамма жаҳон сувга тўлиб,  
Азобнинг доғи тушди,  
Нечовга қилар таассуб,  
Зулайҳо кўнглини кесиб,  
Канъон элда ҳазрат Юсуф,  
Миср элда чоҳга тушиб,  
Шундайин ҳазрат Юсуфбек,  
Болам, зиндан доғи тушди.  
Бир куни бўлар қиёмат,  
Кечаси тортар надомат.  
Икки дунёнинг чироги,  
Пайғамбари ул Муҳаммад.  
Уммат гуноҳин ўтгин деб,  
Кеча-кундуз зор йиғлаб,  
Тинмай уммат доғи тушди.  
Булбуллардан яхши тили,  
Жаннатда очилган гули,  
Ғазога минган Дулдули,  
Зулфиқорни қўлга олиб,  
Ҳақнинг шери Ҳазрат Али.  
Ҳар тарафга уруш қилиб,  
Рустамдай бўп хуруш қилиб,  
Тарафнинг қонини тўкиб,  
Қилган иши ҳаққа ёқиб,  
Шундайин ҳазрат Алига,  
Яҳшиликнинг доғи тушди.  
Ихлосингга баллиларга,  
Одамлардан холиларга,  
Тўла қилган далаларга,

Кечакундуз тоат қилиб,  
Ҳар нарсадан қувват қилиб...  
Худо деб дунёдан ўтди.  
Ер юзида валиларга  
Беклар чиқар шикор-овга,  
Гап билмасга тушар савдо,  
Олти ой тинмай боқилган,  
Олдига арпа тўкилган,  
Сайисда тинмай боқилган,  
Қамиш қулоқ дол бедовга,  
Чопмоқликнинг доғи тушди.  
Айрилма, болам, лочиндан,  
Йигитсан, кетма кучингдан,  
Бобонг келди Чин-Мочиндан,  
Бу қисматлар тақдирда бор,  
Гўзалшоҳнинг тушин йўйиб,  
Қамбар кеп зинданга тушди.  
Бобонг кўнгли қора бўлди,  
Яхши гап чиқар тилингдан,  
Фозни оп Ҳовдак кўлингдан,  
Эгарсиз миниб отларни,  
Кўрдинг ўзининг язидларни,  
Банди бўп Урганч элингдан,  
Яхши қаторига ўтдинг,  
Сенга зиндан доғи тушди.  
Сенинг билан учовмизга,  
Қариндошлар доғи тушди...

Ана, энди беклар шукур қилиб, ўлганларга дуо-фотиҳа қилиб,вой-вой, суюнган тоғим Аширбек тоғам ўлган экан, юрт ёмонга қолган экан, деб дуо-фотиҳани юзига тортди. Беш турна хушвақт бўлиб, омонат хатни эгасига топшириб, кундуз куни ўтлаб, туни зинданга келиб ётди. Шу кўргиликда қирқ кун ўтди. Ҳамза зинданбон, қоровул бу турналарни кўриб, Гўзалшоҳ подшога кетди, подшонинг олдига етди. Бориб туриб қўл қовуштириб:— Подшоҳим, арзим бор сизга,— деди. Гўзалшоҳ айтди:— Гапир арзингни. Айтди:— Ўзбакларнинг худоси келиб қолибди. Гўзалшоҳ подшо айтди:— Ўзбакларнинг худоси қандай бўлар экан? Бўзми, тўриқми, ё оламикан? Ҳамза қўрбоши айтди:— Бўйинлари узун-узун, усти кўкиш, ости оқиш, оёқлари қора-қорагина ўзбаклар худосининг. Жуда йиғилишиб тугал бўлиб келишибди, учови душманларни оп кетмоққа чоқ бўлиб кепти.— Қора туйғун қушларни йиғиб, Юсуф билан Аҳмаднинг худосини бир талатинглар, язит-

нинг элига бўйламай кетсин. Ана буларнинг худоси бориб бошқа худоларга айтади, ундан кейин кўнглимиз душмандан дилжам бўлади,— деди Гўзалшоҳ. Кўрбоши чопиб кетди, қушбозларга дарак бериб, зиндоннинг қоровули Ҳамза қўрбоши уч юз олтмиш қора туйғун қушларни йиғди.

Шундай Қоракўз қараса, ғанимлар гуруҳ-гуруҳ, тўп-тўп, даста-даста гаплашаяпти. Қоракўз бориб қулоқ солса, Юсуф Аҳмаднинг турнасини олмоқчи. Чопиб қайтди, зиндоннинг бошига етди, Юсуф билан Аҳмадбекка қараб, бир сўз айтаверди. Қоракўзжоннинг айтаётган сўзи:

Ишқингда мен ўзим қонлар ютайин,  
Боққа борсам, қизил олма отайин,  
Сўзима қулоқ сонг, Хоразм беги,  
Миср элда бўлган гапни айтайин.  
Шоҳ Гўзалшоҳ билмаганинг билдирав,  
Қора туйғун қушни мунда солдирав,  
Ҳар солганда битта-битта илдирав,  
Бовурчи қулларга парин юлдирав,  
Тонг отмай учиргин, беклар, турнангни.  
Элингда бор экан Гуласал ёринг,  
Юракда кўп экан ғаму ғуборинг,  
Тонг отмай учиргин, беклар, қушингни,  
Урганч элга етмай қолар хабаринг.  
Фалак бузар марднинг кирдикорини,  
Сен кеткардинг юрагимнинг черини,  
Тонг отмай учиргин турна қушингни,  
Қузунлар қар-қара қилар парини,  
Тонг отмай учиргин, беклар, турнангни.  
Ажал етса, гариб бўлар мозоринг,  
Дин Хоразм дейди ўсан шаҳаринг,  
Тонг отмай жўнатгин арза хатингни,  
Урганч элга бормай қолар хабаринг.  
Жўнатгин тонг отмай элчи хатингни,  
Олиб кетгин Гўзалшоҳдан лотингни,  
Сиёҳпўшлар туйғун қушни оп келар,  
Добил туйиб қушни зиндонга солар,  
Эй, келган арзачи бешта турнани,  
Тонг отмай жўнатгин ҳайвонларингни.  
Қоракўзнинг кўзда ёши кўл бўлди,  
Ёқалари йиглай-йиглай ҳўл бўлди,  
Ўз қулогимман эшидим гапларни,  
Кофириларнинг маслаҳати шул бўлди,  
Тонг отмай учиргин арзачиларни.

Эсон бўлсин, беш турнанг ҳам ўлмасин,  
Гўзалшоҳ душманинг савдо солмасин,  
Тонг отмай учиргин арзачиларни,  
Армон билан жонвор турна ўлмасин.  
Банди бексан, кўзларингни ёшлайди,  
Мирза Маҳмуд қурсин вақтин хушлайди,  
Қушбозлари оп кеп қора туйғунни,  
Олиб келиб ер қўйнига ташлайди.  
Юсуфбек, беш сурнанг асло ўлмасин,  
Хабаргинанг таги бормай қолмасин,  
Турнангга бўлайнин, икки бек, қурбон,  
Сизларни деб бўлдим йўлларда сарсон.  
Арза битиб жўнатгин Хоразмга  
Маслаҳат Мисрда катта, икки хон,  
Эшиздим-да, келдим зиндан бошига,  
Келса, турналарни учир, Юсуфжон.  
Бўлмасин арзачинг йўлларда сарсон,  
Чангаль урса, турналаринг бўлар қон,  
Хуфтон бўлмай учир бешта турнангни,  
Қоракўзнинг айтган сўзи, Юсуфжон.

Ана, энди Қоракўзжон дод-фарёд деб уйига бориб,  
бир шам билан қувчақмоқ оп кеп ташлади. Намозшомда  
турналар келди, Юсуфбек турналарни жўнатмоқчи бўла-  
япти, дод деб бўзлаб йиғлаяпти. Бобо Қамбар сонидан  
пича тилиб, қонидан сиёҳ қилиб бир кипригин юлиб қа-  
лам қилиб, Юсуфбекка берди. Юсуфбек имлосини келти-  
риб, бир хат битди турнанинг қанотига. Ана, Юсуфбек  
турналарнинг парини силаб, боринглар, жонворлар, ке-  
тинглар, деб зор-зор йиғлаб, турналарига бир сўз деяпти:

Яна келдинг, яна қайтиб келмагин,  
Бизларни деб, жонвор, нобуд бўлмагин,  
Тонг отмайин Асқар товдан ўтиб қўн,  
Бугуннан кай сира учиб келмагин.  
Қойилман баттолнинг қилган ишига,  
Давлат турмас ёмон одам бошига,  
Тонг отмайин Боли ҳасрат товдан ўт,  
Айланма фалокат босган кишига.  
Гўзал подшо билмаганинг билдирап,  
Қуш тирноғи баданларинг тилдирап,  
Шунқор солар, битта-битта ўлдирап,  
Бовурчи қўлида паринг юлдирап,  
Тонг отмайин баланд товдан ўтиб қўн.  
Эсон-омон кўргин Урганч шаҳрингни

Кетказади шунқор қушлар зўрингни,  
Вақтли учавер, жонивор, баландга,  
Сулув қиз пар-пара қилар парингни,  
Тонг отмайин Асқар товдан ўтиб қўн.  
Отимни ўйнатдим Асқар даштига,  
Ёмон савдо кирган Асал тушига,  
Хуфтон бўлмай осмонга уч жонивор,  
Айланма фалокат босган кишига.  
Эсонликда ўйнаб-кулинг чорбоқда,  
Қайтайин дунёси қурсин бебақо,  
АЗИЗЛАРНИНГ бошидан етти айланиб,  
Турналар ғанқиллаб кетди фалакка.  
Олло раҳм айлагай ҳамма қулига,  
Қушман добил туяр Ойдин кўлига,  
Оҳ устига оҳлар тортиб Юсуфбек,  
Икки кўзи турналарнинг йўлига.  
Юраклари бандиликдан дард бўлиб,  
Ётган жойи Миср элдай юрт бўлиб,  
Юсуф, Аҳмад йиғлайверди хафа бўп,  
Турнанинг йўлига кўзи тўрт бўлиб.

Ана, энди беклар ётувди, турналар Боли Ҳасрат тоғидан ўтди, Мисрдан жуда узаб кетди. Беклар хафалик тортди, зиндоннинг уч ёғида учови ўтди, ухлаб тошдай қотди, кун саҳарга етди. Юсуфбек туш кўриб уйғонди. Бобо Қамбар туш кўриб ётган экан, уйғота солди. Бобо Қамбар айтди:— Ҳай аттанг-ай, мен ҳам тушимни кўрганимда кетаримни билар эдим.

Юсуфбек айтаяпти, Бобо Қамбар йўйяпти:  
— Ёлғиз одам занглаб ётган даштида,  
Оппоқ дастор турган экан бошида,  
Якка келиб тиззин чўкиб бир киши,  
Омин деди Аҳмаджоннинг қошида,  
Дуо қилиб омин деган ким бўлди?  
— Бир оти раҳимдир, бир оти қодир,  
Маккани қилганди Иброҳим Халил,  
Омин деса Аҳмаджоннинг қошида,  
Қуллуқ бўлсин, болам, кўрган тушингиз,  
Ёлғиз омин деган Ҳазрати Хизир.  
— Кўркам киши, араби тил сўйлади,  
Фарзандим деб белга камар бойлади,  
Гўзалшоҳнинг тиниқ сувин лойлади,  
Кетинглар деб яхши-яхши сўйлади,  
Кетгин деган сулув киши ким бўлди?

— Нечовлари бўлиб Мисрда сарсон,  
Бошима йиқилди бул етти осмон,  
Араб тил билан келиб сўйлаган,  
Белгинангга яхши камар бойлаган,  
Тўрт чориёр бири — Ҳазрати Усмон.

— Қирқта киши ундан кейин келдилар,  
Зинданда бариси жаҳр қилдилар,  
Оппоқ дастор ҳаммасининг бошида  
Кетгин деди болангнинг ёнбошида,  
Омин деган қирқта ёрон ким бўлди?

— Бу сўзлар қадимдан бўлганди, бўтам,  
Чин-Мочинда сабил бўп қолди ватан,  
Қирқта киши омин деса қошингда,  
Жамоатдан янги дуо тегибди.  
Омин деган қирқта одам қирқ чилтон,  
Файзгинанг қуллуқ бўлсин, Юсуфжон.

— Олмакўз остига, олмос бастига,  
Ўзи юрар душманларнинг қасдига,  
Юринглар деб Юсуф билан Аҳмадни,  
Олиб борди бир урушнинг устига.  
Ўттиз икки мақом уруш ўргатди,  
Омин деб фотиҳа юзига тортди,  
Омин деган қора отли ким бўлди?

— Юракларим бўлмагай-да тўла қон,  
Насва тортган одам бўлар саргардон,  
Уруш таълим берган икковгинангга,  
Қора оти бўлса агар, у киши —  
Омин деган, болам, ул — Шоҳимардон.  
Ўқ ўтмайди, тиф ўтмайди сизлардан.  
Баҳодирлик қуллуқ бўлсин, болажон.

— Бир одам юборди қариндошима,  
Ёқагинам ҳўл бўп қопти ёshima,  
Ўзун бўйли қора одам, бобожон,  
Урганч элда жига санчди бошима,  
Жига санчган қора киши ким бўлди?

— Юрагингда фами билан чермиди,  
Қарвон тиркагани қизил нормиди,  
Подшо бўпсан қайнатангнинг тахтига,  
Қора киши Fav sul Аъзам пир эди,  
Подшолигинг қуллуқ бўлсин, Юсуфжон.

— Қонли яра<sup>1</sup> раҳм айлади ҳалима,  
Қўп гапни ўргатди қизил тилима,  
Үргин деб юборди Урганч элима,

<sup>1</sup> Қонга беланган киши.

Икки катта чироқ берди қўлима,  
Чироқ берган қонли яра ким бўлди?  
— Юрагимда кўпди ғам билан фуссам,  
Имонимни берсин бир худо десам,  
Бақувват экандир танда имонинг,  
Чироқ берган сенга Имони Ҳусан,  
Имонгинанг қуллуқ бўлсин, Юсуфжон.  
— Икки одам ундан кейин келдилар,  
Аста-аста яғринима урдилар,  
Қўлгинама уч даста гул бердилар,  
Кет болам деб бизни дуо қилдилар,  
Уч даста гул бёрган, бобо, ким бўлди?  
— Омонат, чирофим, танамда жонинг,  
Сен бандисан, кўкка чиқар фифонинг,  
Чиқарингга, болам, уч кун қолибди,  
Уч кундан сўнг Хоразмга кетасан,  
Гул берган Оловхўжа, Шайхи Шароб эшонинг.  
Кетарингга, болам, уч кун қолибди,  
Қатта пирлар сенга дуо қилибди,  
Ғам ема, кетасан Урганч элингга.

Шунда Юсуфбек бобосига қараб, кетмоқ қаёқда, деб  
бир сўз айтаяпти:

Отажон, қайтайин, юрак қайнайди,  
Ҳай аттанга-а, бу дунё бевафоди,  
Қўнглимизга қараб тушни жўрадинг,  
Менга бундан кетар кунлар қайдади,  
Мирза Маҳмуд кўздан тўқди ёшимни,  
Қон қип келдим Асқар товнинг тошини,  
Хоразмни кўрар куним бормикан,  
Қўнглим учун жўрагансиз тушимни.  
Қўриғимда йилқи ўйнар той билан,  
Етти йил зинданда ётдим ўй билан,  
Эралининг қизи Асалой билан,  
Ўйнаб-кулар кун бормикан, бобожон.  
Дуторимни тори торга эшилиб,  
Ёта-ёта биқинларим тешилиб,  
Шоҳнинг қизи Асалжонман қўшилиб,  
Бирга юрар кун бормикан, бобожон.  
Қўкча қурсин кўп ўртади танамни,  
Қоракўз кеткарди пича гинамни,  
Қўрарманми Қалдирғочдай укамни,  
Тавоф қилсанм Лаълихондай энамни,  
Дуо олар кун бормикан, бобожон,

Хұсни шамшод, юзи тоза гулларни,  
Шунқор чуйиб, лойлаб тиниқ йўлларни,  
Санталат қип ияртириб бекларни,  
Добил туяр кун бормикан, отажон.  
Эшигинг, устозим, айтган сўзимни,  
Хоразмга жовдиратдим кўзимни,  
Ҳангомада кўрсам сулув қизимни,  
Дийдорлашар кун бормикан, бобожон.

Ана шунда Бобо Қамбар Юсуфжонга қараб, бир сўз айтаверди:

Айланайин, муддаонгга етарсан,  
Юсуф болам, неча товдан ўтарсан,  
Урганч бориб муродингга етарсан,  
Якка қолдим армон билан зинданда,  
Урганч бориб тоза гулни терарсан.  
Қаллифингни бориб иккинг кўрарсан,  
Бориб туриб Хоразмда турарсан,  
Сенлар кетдинг, ёлғиз қолдим зинданда,  
Бу кунларни кўрмагандай бўларсан.  
Уруш куни сайлаб отни еларсан,  
Урганч элга санталат билан бориб,  
Сулув қизман ҳангамалар қиласан.  
Дод деб чинқириб қолдим зинданда,  
Кўкчадан лотингни олиб кетарсан,  
Ўликларни боғ буғдойдай чопарсан,  
Тўқсон товдан авжинг келиб ўтарсан,  
Сен йигитсан, муродингга етарсан,  
Сен кетарсан, ўзим қолдим зинданда.  
Туш кўрдинг, кўнглим бўп кетди вайрон,  
Бошима йиқилди бу етти осмон,  
Мазгилим бўп қолди қоронғи зиндан.  
Ҳақ кетказди юрагингдан дардингни,  
Фам ема, кўрарсан ўсган юртингни,  
Оп кетарсан Гўзалшоҳдан лотингни,  
Эгарлаб минарсан бедов отингни,  
Сен кетарсан, ўзим қолдим зинданда.

Булар шуйтиб ётаверди. Кўкча уч юз олтмиш қора түйғун қушни олиб келиб, зинданга ташлаб, зер билан забар қилмоқчи бўлди. Ана шунда тонг отмоққа озгина қолувди. Шунда Бобо Қамбар жойидан туриб, Юсуф билан Аҳмаджонни уйғотиб, Юсуфбекка қараб:— Эй фарзандим! Шу икки қалдирғоч етти йилдан бери уя қўйиб,

болаларини учириб кетди. Шу қалдирғочларнинг боласи учқур бўлган, эрта билан шунқорни олиб келиб зинданга солса, шу жонвор ҳайвонгиналар ўлиб кетади, бир сўз айтиб жавоб бер, кетсин,— деди.

Ана шунда бу гап Юсуфбекка ёқиб, дуторини қўлига олиб, созгинасини ўхшатиб чертиб, қалдирғочларга қараб, бир сўз айтаверди:

Аҳмадни қилмасин хумсага муҳтож,  
Талаб қилса, йигитларнинг баҳтин оч,  
Тор зинданга уя қўйган, қалдирғоч,  
Исфиҳон шаҳридан Бўзўғлон келсин.  
Исфиҳон шаҳари болобур чоҳли,  
Ёнига таққани тилла пичоқдир (р),  
Ияртириб сап гарданкаш ғуччоқди,  
Исфиҳон шаҳридан Бўзўғлон келсин.  
Эсли одам бўлар элнинг эгаси,  
Қўнглида кўп бўлади ҳаваси,  
Бўзўғлонхон Юсуфжоннинг тоғаси,  
Исфиҳон шаҳридан Бўзўғлон келсин.  
Қариндош кўп йиглаб бағрин эзмасин,  
Шамол куни дарёда сол юрмасин.  
Ўлди деб бизлардан умид узмасин,  
Амирнинг юртидан Бўзўғлон келсин.  
Чоҳ ичидан, жонвор, Исфиҳон кетинг,  
Тоғамнинг тахтининг устига етинг,  
Тирик ётганимни Бўзўғлонхонга,  
Бир-бир қилиб, қалдирғоч, бориб айтинг,  
Исфиҳон шаҳридан Бўзўғлон келсин.  
Қанотларни қистаб учиб толдиринг,  
Тириклигим Бўзўғлонга билдиринг,  
Етти йил биллалашдик уман<sup>1</sup> деб,  
Бизни айтиб тоғам кўнглин тўлдиринг,  
Бекларни ияртиб Бўзўғлон келсин.  
Кўнгли тўлиб тоғам сиздан эшитсин,  
Зўр ҳўқизга чўлларда тўп судратсин,  
Кириб-жуйиб Гўзалшоҳнинг шаҳрини,  
Юсуф билан Аҳмаджонни оп кетсин,  
Исфиҳон шаҳридан Бўзўғлон келсин.

Ана, қалдирғочлар ҳам Юсуфбекнинг сўзи билан учиб кетди. Тонг отди. Кўкча қора туйғун қушларни олиб келиб зинданга солди, зинданни талотўп қилди. Ҳеч нарсани

<sup>1</sup> У билан.

тополмай қушларни чагага қўндириб, ўзбакнинг худосини қўрқитдик, деб талтайишиб кетди. Бу куни пойлашиб, саҳар олиб келиб, ғазаб билан қушларни ташлади, ҳеч нарсани топмади. Тағи кетди. Бориб қушларни тергаб, хуфтондан тонг отгунча қушларни зинданга ташлади. Тонг отди, ҳеч нарсани тополмай, ўзбакнинг худоси қўрқди, қочди, деб Кўкча бориб Гўзалшоҳдан суюнчи олди. Гўзалшоҳ подшо ҳаммасига инъом-эҳсон берди. Талтайиб Гўзалшоҳ:— Мендай подшо ўтмас, Кўкчадак шоир ўтмас,— деди. Ана, Ҳамза қўрбоши Юсуф билан Аҳмаднинг дутор чертганини билар эди, Гўзалшоҳга айтсам бўлади деб кўнглидан ўткариб қўйиб эди. Гўзалшоҳнинг бу гапини эшитиб, Юсуф билан Аҳмад эсига тушиб, кел-е, келар гапни келин айтармиш деганакан, деб жойидан туриб, таъзим қилиб, Юсуф билан Аҳмадбекни таъриф қилиб, Гўзалшоҳ подшога қараб, бир сўз айтаверди:

Уйқуда икки бек банди бўлганди,  
Мирза Маҳмуд ҳийлагарлик қилганди,  
Армон билан мунда бойлаб келганди,  
Юсуфбек созини чертса, Гўзалшоҳ,  
Бу Кўкчангнинг созгирилиги ёлғонди.  
Отланса душманнинг қонин тўкарди,  
Кўлма-кўлга чуйиб юрган шунқорди,  
Юсуфбек созини чертса ўхшатиб,  
Бу Кўкчанинг созгирилиги бекорди.  
Ҳай айтинг-а, ичи ғамга тўлганди,  
Дин Хоразм ҳеч билмайин қолганди,  
Юсуфбек созини чертса, подшойим,  
Бу Кўкчанинг созгирилиги ёлғонди.  
От олдидা кўплар яёв елганди,  
Тирноқлар тўкилиб хўрлик кўрганди,  
Етти йилдан бери зиндан бўлганди,  
Майхонада беклар чертса созини,  
Бу Кўкчанинг созгирилиги ёлғонди.  
Аҳмад келган неча товлардан оша,  
Қари чолнинг дарди дардга улаша,  
Кўкча, Юсуфбекни хўп соз чалдирсанг,  
Соз чалдриб, подшо, қилгин томоша,  
Бу Кўкчанинг созгирилиги ёлғонди.  
Аҳмаджондан қирқ йигити садага,  
Подшонинг бошига қўйилар жига,  
Юсуфбекни оп кеп дутор чалдиргин,  
Ҳангама қип, сиз қилсангиз томоша.  
Бу гапимни ёлғон деманг, Гўзалшоҳ

Бу Кўкчани созигирлиги ўтирик<sup>1</sup>.  
Туҳмат билан банди бўлган икки бек,  
Юрагимда қайғу биланвойим йўқ,  
Душманига солар қайғу билан дўқ,  
Шамол тинмай сарғайганди гул сиёқ,  
Кўкча билан бекларни соз черттиринг,  
Бу Кўкчанинг шоирлиги ўтирик,  
Юсуфбекнинг созини қилинг томоша.

Гўзалшоҳга алам қилди Ҳамза қўрбошининг гапи. Гўзалшоҳ:

— Ҳа, сен менга душман экансан. Сен шу бузовманглай, қарчиғай тумшуқ, чаккасининг гўши кўп ўзбакларни мақтадинг. Бор, Юсуф билан Аҳмадингни мунда чиқариб олиб кел! Кўкча билан созбаравар, сўзбаравар қилдира-ман, ўзбакларинг Кўкчадан кам келса, ҳар нима борингни, бузаман кирдикорингни, мил тортиб ўяман икки кўзингни, бозорга солиб сотаман Қоракўз қизингни, ватанингни сарбоз чиқариб талатиб юбораман. Дарров бориб Юсуф билан Аҳмадингни олиб кел!— деди.

Ҳамза зинданбон Гўзалшоҳдан қўрқиб, бекларга жўнайверди: «Вой-вой, отамнинг арвоҳи хўroz бўлиб чўқиди мени, бузовнинг фалокати ҳўқизни еб қўйди, ўзбаклар ўлган киши эди, баччағарларни мақтаб, касофати мени ўлдирди, вой-вой»,— деб зинданнинг бошига етди.— Ўзбаклар, чиқинглар, чиқинглар, подшо чақирайпти,— деди. Ҳамза миршабдан бу сўзни эшишиб, Юсуфбек Бобо Қамбарга қараб, энди айриларини билиб, бир сўз айтаверди:

Етти йиллик эш<sup>2</sup>, ҳамроҳим,  
Қувватим, пушти паноҳим,  
Отажоним, хуш қол энди,  
Бобо Қамбарим, аллаёр.  
Чиқар бўлди Аҳмад, Юсуф,  
Қилдим подшога таассуб,  
Ўлдиради бошим кесиб,  
Отажоним, хуш қол энди.  
Қеткарсак юракдан доғди,  
Ҳақ босим қилса арвоҳди,  
Қаторда маст бўлган лўқди,  
Қайтиб сизни кўрмак йўқди,  
Устодгинам, хуш қол энди.

<sup>1</sup> ЕЛФОН.

<sup>2</sup> Қўлләзмада ёш.

Сизнинг билан ҳамроҳ бўлдик,  
Неча гапни таълим олдик,  
Бизлар сизни устоз қилдик,  
Дуогўйим, хуш қол энди.

Ана, энди Бобо Қамбар бечора дод деб, бир сўз айтаверди болагиналарига:

Зиндандан чиқариб сени олади,  
Ҳар тарафдан золим тифни солади,  
Юлдуздайин бўлак-бўлак қилади,  
Аҳволим, чироғим, қандай бўлади,  
Дам ғанимат, кўришайлик, Юсуфбек.  
Ҳар тарафга хату хабар қилдирав,  
Очилмайин, тоза гулсан, сўлдирав,  
Пичоқ билан кекирдагинг тилдирав,  
Икковинг йигитсан, подшо ўлдирав,  
Кенглар энди, рози бўнглар, Юсуфжон.  
Сўзлатиб қари чол айтган тилини,  
Ҳеч кимга солмасин ўлим ҳилини,  
Фарзандим деб розилашиб отаси,  
Бўйнига буралиб солди қўлини.  
Ғам сарғайиб Қамбар чолнинг юзини,  
Айтаверди розилашиб сўзини,  
Фарзандим деб қуҷоқлаб об отаси,  
Болам деб юзига қўйди юзини.

Шуйтиб розилашиб, йиғлашиб, Бобо Қамбарга Юсуфбек айтди:

— Зиндандан сиз ҳам чиқинг! Бобо Қамбар айтди:—  
Э, фарзандгиналарим, Гўзалшоҳ подшо менинг билан қаттиқ тараф туар. Мени кўрса аччиғи келади, олиб келиб ҳаммамизни тағи зинданга солади. Менинг касофатим сизларга тегиб қолади, қирқ зинапоя нарвон йўниб ташласа, чиқиб кетинглар,— деди. Ҳамза зинданбонга буюрди:— Подшонг қирқ зинапоя нарвон йўниб ташласин зинданга,— деди.

Ҳамза зинданбон Гўзалшоҳ подшога бориб, қирқ зинапоя нарвон қилдириб зинданга олиб келиб ташлаб, Юсуфбек, Аҳмадбекка қараб:— Ана энди чиқинглар,— деди. Юсуфбек етти зинапоя олдин, Аҳмадбек етти зинапоя кейин одоб билан зиндандан чиқди. Зиндандан чиқканда шамол тегиб беклар ўзидан кетиб йиқилди. Ҳамза зинданбон:— касофати баччағарлар, бизни ҳам олиб ўлди,— деди. Шуйтиб хафа бўлиб, бекларни суяб, уйига

олиб борди. Буви Ниёз билан Қоракүз қараса, Қоракүз-нинг отаси Юсуфбек билан Аҳмадбекни олиб келибди. Қоракүз бориб Юсуфбекни суюб, Буви Ниёз Аҳмадбекни суюб, сув бериб, яхши сийлаб, олдида таъзим қилиб турди.

Ана энди Ҳамза зинданбон айтди:— Яхши боқиб туринглар бекларни, мен бир подшога бориб келай.

Ҳамза зинданбон уйидан чиқиб кетди. Қоракүз бекларнинг олдига уюб қўйди бир дастурхон қандни, бир қуҷоқ сарпойни олиб келиб ташлаб, бекларни қават-қават кийдириб, санталат қилиб боқаверди. Ҳамза қўрбоши Гўзалшоҳга етиб:— Э Гўзалшоҳ подшоҳим, беклар зинданбон чиқиб, беҳалакат бўлди. Қирқ кунга муҳлат берсанг, қирқ кундан кейин олиб келиб Кўкча билан созбаравар, сўзбаравар қилсанг,— деди.

Гўзалшоҳ подшолик қилиб, қирқ кунлик овқат подшоликдан тайин қилди. Ҳамза зинданбон подшодан бу сўзни эшитиб, қуллуқ қилиб, уйига қайтди. Бир уста топиб сочини, тирноғини олдириб бекларни Кўкчадан кам келмасин деб яхши боқди.

Ҳамза зинданбоннинг ўзи, Ҳамза зинданбон ишга чиқиб кетганда бекларни хўп боқади Қоракүз қизи. Шуйтиб орадан бир кам қирқ кун ўтди. Гўзалшоҳ подшо бекларни бир димогини чоғ қиласай деб минг турли овқат, минг сара дастурхон чоқлади. Мени бир мақтаб кетсин Урганчга,— деди. Эртан тонг отса, бекларни олиб кетади, қандай бўлар экан эртадан кейин бекларнинг ҳоли,— деб Қоракүз йиғлайверди. Шунда Юсуфбек Қоракүзга қараб бир сўз деяпти, Қоракүз Юсуфбекка бир сўз айтаяпти:

Юсуфбек:— Мен қарадим юрак-бағринг эзилди,  
Ёмғирдай кўзингдан ёшлар тизилди,  
Мен қарадим бежой хафа бўлибсан,  
Қоракүз, нимага кўнглинг бузилди?

Қоракүз:— Мендай сулув бураб қўйди сочини,  
Сиздай мард душмандан олсин ўчини,  
Мен йиғламай ким йиғласин, икки бек,  
Йиғлаганим менинг сизга ачини<sup>1</sup>.

Юсуфбек:— Ёмон савдо тушмасин сар-чашмингга,  
Кўйлагинг ҳўл кўздан оққан ёшингга,  
Ёмон сўзни эшигандай йиғлайсан,  
Қандай савдо тушди сенинг бошингга?

Қоракүз:— Худойимдан эсонлигинг тилайман,

<sup>1</sup> Ачинганим.

Олдингда ноз қилиб зулфим силайман,  
Тонг отган сўнг бўлар сизга қиёмат,  
Икки беклар, сизинг учун жилайман.

**Юсуфбек:**— Олло раҳм айлагай менинг ҳолима,  
Улмай борсам Дин Хоразм элима,  
Фам ема, бу ишлар худонинг иши,  
Сўзни худо ёруқ қилсин тилима.

**Қоракўз:**— Кўкча деган бежой шоир бўлади,  
Эрта билан шодон маҳрам келади,  
Маҳрам келиб сизни олиб кетади,  
Кўкча билан созбаравар қилади.

**Юсуфбек:**— Қулоқ сол, Қоракўз, айтган сўзима,  
Мирза Маҳмуд тараф тушди изима,  
Бу гапларга кўнглинг бўлма, Қоракўз,  
Бир худойим зафар берсин ўзима.

**Қоракўз:**— Бедовни ўйнатиб чопинг далага,  
Розиқ раҳм айлагай сиздай болага,  
Кўкча билан подшо сўзлар айттиrsa,  
Қоракўз ойимни солинг орага.

**Юсуфбек:**— Худойим бор, сен эсонсан, фам ема,  
Шукур қилгин, кўрган кунни дам дема.  
Менинг созим бежайин соз, Қоракўз,  
Унинг учун, Қоракўзжон, фам ема.

**Қоракўз:**— Чархнинг паррасидан созим дегайсан,  
Гўзалшоҳга ўлим лозим дегайсан,  
Қизинг берди манов созни дегайсан,  
Шундай десанг, беклар, ўлмай қоларсан.

**Юсуфбек:**— Эсли одам сўз айтганда келмайми,  
Юсуф, Аҳмад айтганакан демайми,  
Созни чертиб айтсам сенинг ўзингни,  
Халқ ичида бу гап уят бўлмайми.

**Қоракўз:**— Икки ўғлон, икковгинанг боласан,  
Сўз билмайсан, ҳали ишинг чаласан,  
Уятмайин мени ўртага қўшинг,  
Шундай десанг, беклар ўлмай қоласан.

Ана, энди эрта билан тонг отди, Юсуфбек ўқиди на-  
мози бомдодди, Гўзалшоҳ қирқта қилиб қизил тиллага  
ботган маҳрамни, бориб ўзбакнинг хонзодасини олиб кел-  
тиринглар, деб буюриб юборди. Мисрнинг элида ҳеч бўл-  
майдиган талотўп бўлди. Гўзалшоҳ подшо Кўкча шоирি  
билан Дин Хоразмнинг подшосини айттирар эмиш, деб  
ҳамма эшилди. Одамлар томоша қиласиз, деб ҳар қишлоқдан,  
Мисрнинг шаҳридан қизу жувон, жуйрук чопон,  
бала-чақа йифилиб, подшоликнинг теварагини одам тутиб

кетди. Томларнинг усти, дархтларнинг боши — шохаси ҳар ранг гул очилгандай бўлиб, одамга тўлиб, ҳамма ер яшнаб кетди. Ана булар томоша қиласиз деб турнадай бўйлаб тураверсин.

Юсуф билан Аҳмадбекнинг олдига Гўзалшоҳнинг қирқ маҳрамбаччаси борди. Гулдай яшнаб, таъзим қилин, одобли болалар Юсуф билан Аҳмадбекка қараб турді. Юсуфбек: «Туси яхшидан тўнгилма деган бир гап бор эди, шундай туси яхши болаларда на салом бор, на алик бор, кел-е, буларга бир сўз айтай»,— деди. Ана, Юсуфбек келган Гўзалшоҳнинг қирқ маҳрамбаччасига қараб бир сиз айтаверди:

Юрган жойинг Мисрдайн эл бўлсин,  
Сулувга ярашган кўм-кўк хол бўлсин,  
Мулласидан таълим-адаб билмаган,  
Беадаб болалар, сизга йўл бўлсин?  
Дарёда сузгани қайиқ, сол бўлсин,  
Бу юришлар, ёш болалар, мўл бўлсин,  
Салом йўқ, алик йўқ, кепсиз ҳаммангиз,  
Гулга ўхшаган навжувонлар, йўл бўлсин?  
Шунча ёшга кириб адаб билмаган,  
Отаси муллага тутиб бермаган,  
Бизга келиб тангри салом бермаган,  
Бесалом меҳмонлар, сизга йўл бўлсин?  
Энди бизга охиратлар йўл бўлсин,  
Гўқлининг юргани тоғда бел бўлсин,  
Бизнинг билан омон-эсон қилмайсиз,  
Одобсиз жон-жонон бола йўл бўлсин?  
Бизга ҳеч йўқ худо тараф сўзларинг,  
Саломи йўқ, йилтиллашар кўзларинг,  
Гавҳарга ўхшайди худди юзларинг,  
Беадаб болалар, энди йўл бўлсин?

Ана, маҳрамлар дасти қўлини алиф-лом қилиб, бўйни-ни хам қилиб, Юсуф билан Аҳмадбекка узр айтиб, бир сўз деяпти:

Бизнинг элда худопараст бўлмайди,  
Худо билан асло ҳуши келмайди,  
Биздан ўтганига узр, меҳмонжон,  
Бизнинг элда салом расм бўлмайди,  
Худо демоқликка ҳуши келмайди.  
Худо қандай чинги, ҳеч ким билмайди,  
Худопараст меҳмон, уят бўп кетди,





Миср элда салом деган бўлмайди.  
Бедовнинг чопгани сувсиз даши йўқ,  
Одам кўпдир, кўпларининг ҳуши йўқ,  
Гапингиз дардима дармон, меҳмонжон,  
Бизнинг элнинг худо билан иши йўқ.  
Чин гўзалнинг юзи гулнинг хирмони,  
Келганимиз подшомизнинг фармони,  
Бизлар билан бирга юринг, меҳмонжон,  
Ҳаммамиз ҳам Гўзалшоҳнинг маҳрами.  
Сўзингизга бу кўнглимиз қабарди,  
Усталар уради, ҳа, деб табарди,  
Бизлар билан юринг энди, меҳмонжон,  
Гўзалподшо оп кегин деб юборди.  
Насва тортиб бўпсиз Мисрга меҳмон,  
Ҳеч иш бўлмас подшолардан бефармон,  
Бизнинг элда салом расм бўлмайди,  
Гўзалшоҳ олдига юринг, меҳмонжон.  
Ҳотамтой йигитлар қилар хайди,  
Ёр келганда от тизгинин қайирди,  
Бизлар билан энди юринг, меҳмонлар,  
Қатта подшо оп кенглар деб буюрди.  
Ёмон савдо зиён қилар кишига,  
Рози бўлдик подшоларнинг ишига,  
Бизнинг элда салом деган нарса йўқ,  
Беклар юринг Гўзалшоҳнинг қошига.

Ана, энди Юсуфбек маҳрамларнинг гапига:— Рост айтдинг, бизлар ҳам ўзбакнинг хонзодаси туурмиз, подшонгга бориб айтгин сўзларимни,— деб қирқ маҳрам болага қараб, бир сўз айтаверди:

Подшойингга айтгин йўрға юборсин,  
Аҳмад билан Юсуф зўрга юборсин,  
Қирқ жиловдор қизни бирга юборсин,  
Айтган сўзни бориб айтгин, маҳрамлар.  
Подшойингга айтгин, йўрға шайласин,  
Эгарнинг қошига добил бойласин,  
Айтганимни барин тайёр айласин,  
Бор, шоҳингга айтгин, қирқ қиз юборсин.  
Қора ёлли, ўзи қора дум бўлсин,  
Бадани, қоплондай чуп-чувор келсин,  
Минмакка подшолар интизор бўлсин,  
Шоҳ Гўзалга айтгин, йўрға юборсин.  
Банди бўп тортганмиз биз оҳувойди,

Урушда тортилган нуқрадан найдир(р),  
Давлатли подшонгга бориб айтинглар,  
Кийима қуллуққа берсин яхши сарпойди.  
Дутор чалиб кетказгаймиз биз черни,  
Бел бойларга берсин тилла камарни,  
Бошга ўрап берсин оппоқ дасторни,  
Айтганимни, боргин подшонг юборсин.  
Чагага күндири辛勤 бўёз қарчиғайди,  
Тавба қилса, тўкилмакка гуноҳди(р),  
Яхши ҳофиз берсин, яхши созанда,  
Хушовозли бўлсин, бори бинойи,  
Айтганимни Гўзалшоҳ юборсин.  
Боғ ичидаги анжир билан қароли,  
Уруш куни от ёлини ўраги,  
Айтганимни Гўзалшоҳнинг юборса,  
Санталат қип Аҳмаджоним боради.

Ана шуйтиб буларнинг иши битмайди, деб маҳрам болалар кетди. Гўзалшоҳ подшога етди. Бекларнинг айтгани сўзини битта-битта қилиб подшога маъқуллатди. Гўзалшоҳ подшо арзини тинглади, булар ҳам хонзода турур, хўп айтипти, деди. Қораёл, қоплондай чўвор йўргалардан шайлаб, эгарнинг қошига добилни бойлаб, чагага қарчиғайларни қўндириб ҳар ёнгоқнинг бир пўчоғига жой бўладиган тўнлардан бир бўхча тўн чоғлатиб, қирқ қизни ювинтириб, тарантириб, ҳаммасини шайлаб, ҳар тизгинга ўн қизни жиловдор қилиб, нарсаларни отларга ортиб берди. Отларни қизлар етаклаб олиб кетди, бекларнинг олдига етди. Беклар бу санталатни кўриб, ювениб, шоҳона сарпога ўраниб, тилла камарларни бойлади. Қоракўз Юсуф билан Аҳмадни бежой шайлади. Юсуф билан Аҳмадбек отга миниб, теваракка қараб, узангига оёқни тирааб, Қоракўзжондан фотиҳани олиб, юзига тортиб, Гўзалшоҳ подшога қараб кетаверди. Ҳар тизгинда ўн қиз жиловдор бўлиб етаклаб, санталатман кўчага чиқди. Бекларни кўриб, баракалло, ҳуй балли, ўзбакнинг подшосига, деди. Кўчалар симобдай тангасалиб қолди, Гўзалшоҳ подшонинг тахтига бориб тўғри бўлди. Гўзалшоҳ подшо Юсуф билан Аҳмаднинг қадди-қоматини, шану шавкатини кўриб жойидан турди. Юсуфбекка, Аҳмадбекка подшо қатори ўрин кўрсатди. Гўзалшоҳ подшо маҳрамларига айтди:— Маҳрамлар, минг тусли сари дастурхон ёзиб, минг тусли овқат олиб келтириб қўйинглар бекларнинг қошига! Юсуф билан Аҳмадбек бу овқатларни егиси келмай, дарров омин оллоҳу акбар қилди. Маҳ-

рамлар дастурхонларни йигиб олиб кетди. Энди навбат соз билан сўзга етди.

Гўзалшоҳ Юсуфбекка тилла созни берди. Кўкчани ҳам олиб келиб бекларнинг олдига қўйди. Кўкча ҳам созини қўлига олди. Юсуфбек тилла созни чалди, соз тобига келмади, тўхтатиб қўйди. Гузалшоҳ айтди:— Ҳа, ўзбаклар? Ўзбаклар айтди:— Бирорнинг ўргатган сўзи кишига сўз бўлмайди, бирорнинг сози чалмоқликка соз бўлмайди, зиндан ўзимизнинг доторни олиб келиб берингиз!

Аҳмад чопқиллаб кетди, зинданнинг бошига етди, арқон ташлади, Бобо Қамбарга доторни бойла, деди. Бобо Қамбар доторни арқонга бойлади, маҳрамлар тортиб олди, чопиб-чопқиллаб ҳангамага етиб келди. Юсуфбек доторни қўлига ушлаб, торини чингнаб бир чалди, доторни ҳамма одам томоша қилиб турувди. Шунда ҳангама бошланиб Юсуфбек ҳам чертаверди, Кўкча ҳам чалаверди. Кўкча билан Юсуфбек олтмиш тўрт наъмагача иккови бир оз чертгандай чертди, Кўкчанинг сози тўхтаб қолди. Юсуфбек тўхтамай яна олтмиш тўрт мақом зиёд чертди. Гўзалшоҳнинг ғазаби келиб:

— Жаллод, Кўкчани дорга тортиналар!— деди. Гўзалшоҳнинг олдиаги сап эски вазирлари:— Юсуфбек меҳмон, элига кетади. Бугун Кўкчани ўлдириб қўйсак, Кўкча қадрдан бўлиб қолган, ўзимиз билан Кўкчанинг қадри яна подшога ўтади. Бу Кўкчани ўлимдан айриб олайлик, дарров арза қилайлик,— деб маслаҳат қилди. Арза қилиб, Гўзалшоҳ подшога берди. Гўзалшоҳ подшо арзани олиб ўқиди. Ўқиса: «Ўзбак ҳалқи минг танга топса, юзта эчки олади, улоғи билан икки юз бўлади, таёқнинг ўрнига даштларда соз чалади, кечқурун уйига қайтиб келади. Қорамоннинг тезагидан бўлган бир чалма деган ўтини бўлади, шуни гумбаздай қилиб, чуқмор қилиб қалаб олади, оллоҳу деб боласини олдига ўнгариб олади, чалманинг чўғига ҳаётоп қилиб соз чалади. Ўзбакдай созгир ер юзида бино бўлмайди. Кўкча шоиримиз сўзга баланд келади, соз ҳисоб әмас, сўз ҳисоб»,— депти. Гўзалшоҳ подшо ярайди, деди. Ҳамза зинданбонни чияси чиқди-қолди. Узи бечора қирқ кундан бери ўлай деб қўрқиб, янгидан тирилувди. Ҳамза зинданбон айтди:— Қел-е, эсон қулга мол битар. Минг тангани саррофдан баҳолаб олди. Одамларни тира-тира қилиб пора бериб бўлиб олди. Ноң, қанд олиб тўқаверди ўрталиқقا. Бояна пора олган одамларга айтди:— Кўкка сўзга баланд келса, Юсуфбек созга баланд келди денг. Кўп одамни пора билан тира-тира қилиб айриб олиб қўйди Ҳамза зинданбон. Ана Кўкча айтди:—

Ҳа, ўзбаклар, сенинг чаладиганинг соз эди. Юсуфбек айтди:— Энди сўз ҳам айтишиб кўрамиз. Кўкча айтди:— Сен қулф бўл, мен калит бўлиб, сўз билан очаман. Юсуфбек айтди:— Сен қоч, мен қуваман.

Ана Кўкча аввал, Юсуфбек кейин созни чалиб, сўзни ҳам айтишаверди қирчиллашиб:

Кўкча:— Сен ҳам подшо эдинг ўзбак элинга,  
Човули илгингга, шунқор қўлингга,  
Ўзбак, банди бўлдинг Ҳовдак кўлинга,  
Икки қўлинг байлаганда томоша.

Юсуфбек:— Кўкча золим, ул айтганинг ёлғонди,  
Дин Хоразм эл бехабар қолганди,  
Бандликни това этма беимон,  
Насва тортиб беклар бунда келганди.

Кўкча:— Файрат қилиб тиниқ сувинг лойладим,  
От қўйгин деб сарбозима сўйладим,  
Қўлинг байлаб Чўкирлида ҳайдадим,  
Товонгинанг ёрилган кун томоша.

Юсуфбек:— Кўкча бадбахт, қулоқ солгин сўзларга,  
Банди бўлдик, қон ёғилди изларга,  
Бандиликни асло таъна қилмагин,  
Худонинг тақдири бордир бизларга.

Кўкча:— Билмаганинг, икки ўзбак, билинди,  
Банди қилдик, элатинг бехабар қолди,  
Полопонда зар кокилинг юлинди,  
Оқ баданинг тилинган кун томоша.

Юсуфбек:— Қирқ йигитим аждарҳодай қўзғалиб,  
Аширгегим ғазо қилмоққа толиб,  
Қирқ йигитлар келиб ўчимни олиб,  
Ўликкинанг сулайган кун томоша.

Кўкча:— Икки ўзбак, кунинг қора айладим,  
Омонатdir, жонгинангни қийнадим,  
Қирқ кечакундуз тувга бойладим,  
Ширин жонинг қийнаган кун томоша.

Юсуфбек:— Қўриб келдинг қирқ йигитлар ишини,  
Камарга тўлдириди гавда — лошини.  
Қирқ кун кесди сарбозингнинг бошини,  
Үчли ўчин олган куни томоша.

Кўкча:— Ичим ачиб сарбозларим тарқатдим,  
Раҳмим кеп бекларингга кет деб айтдим.  
Зор йиғлатиб икковингни оп қайтдим,  
Қирқ йигитдан айрилган кун томоша.

Юсуфбек:— Аширгек сардорим инграпиб келди,  
Рустамдайин саваш кўргандай бўлди.

- Баданлари қўчқил қонга буланиб,  
 Ўликларинг чалкашган кун томоша.  
**Кўкча:**— Аламингни бежой қилдим зиёда,  
 Кўргуликин кўрдинг мана дунёда,  
 Қува бердим чўлда, тоғда пиёда,  
 Ўзбак дамдан тушган куни томоша.
- Юсуфбек:**— Сабаб билан Миср элга келарман,  
 Чўх савдони бошларингга соларман,  
 Қамбарни тахтингга подшо кўтариб,  
 Ур деб элинг олган куни томоша.
- Кўкча:**— Ақлингни икки ўзбак, шоширдим,  
 Обрў топиб юраккинам жўширдим,  
 Зор йиғлатиб тўқсон товдан оширдим,  
 Тирноққинанг тўкилган кун томоша.
- Юсуфбек:**— Беклар келди от илдамин елгани,  
 Шаҳарингга хонақолар солгани,  
 Миср элга тартиб жорий қилгани,  
 Бут худойинг сингандада кўр томоша.
- Кўкча:**— Ўлим берсин ўзбакларнинг кўпига,  
 Сени осар подшонинг дор-чўпига,  
 Гўзалшоҳнинг ўн олти газ тўпига,  
 Бумлаб тиқиб отган куни томоша.
- Юсуфбек:**— Шодлигингдан шодиёнанг қоқилар,  
 Кўкча, иликкинанг тошга чоқилар,  
 Сенинг элинг бузилишга боқилар,  
 Кўкча, бўйнинг юлинганд кун томоша.
- Кўкча:**— Жонгинангни банда қилиб қийнадим,  
 Ўлмасин деб кўплар ўзим ўйладим,  
 Олиб келиб чоҳ ичига тайладим,  
 Урчуқларинг эшилган кун томоша.
- Юсуфбек:**— Ўйласам, омонат банданинг жони,  
 Қиличдан сесканмас ботирнинг тани,  
 Бандиликни айтаберма бетима,  
 Хотиндай қарғама золим ҳароми.
- Кўкча:**— Аё ўзбак, дурманжигинг кесилсин,  
 Каллагинанг уч оғочга осилсин,  
 Ҳафта тананг дорда ётиб сасисин,  
 Заҳар-заққум ютган кунинг томоша.
- Юсуфбек:**— Эшит дейман, Кўкча бадбаҳт, сўзимди,  
 Гўзалподшойингга ўлим лозимди,  
 Хотин қилдим сенинг Қоракўзингди,  
 Қизинг берди чертадиган созимди,  
 Қоракўзинг суйди менинг ўзимди,  
 Қизинг хотин бўлган куни томоша.

Шўйтиб Кўкча сўз тополмай тўхтаб қолди, Юсуфбек сўздан ҳам бир сўз зиёда сўз айтди:

Ўт тушди, Кўкча, сенинг баҳтингга,  
Йиглай бергин, ўладиган вақтингга,  
Аҳмаджоним подшо бўлар тахtingга,  
Сўраб тахting олган куни томоша.

Гўзалшоҳ айтди:—Э, буйтиб айтган сўзи қурсин, зин-  
донда ётиб ошна бўлган қизи қурсин. Кўкчанинг арзаси  
ҳам ёлғон чиқди. Кўкчани ўлдириб кенглар.

Кўкчани жаллодлар тарс-турс уриб, банди қилиб, ҳайдаб кетди. Кўкчани ҳайдаб бораётуб эди, бир камбағал ўтинфуруш кўринди. Даъвас чиқиб бир эшак ўтинни ортиб келаётубди, жаллодлар ҳалиги ўтинфуруш камбағалини кучукларга талатиб ўлдириди. Кўкчанинг кийимларини камбағалнинг қонига бўяб, Кўкчани яланғоч қилиб, сандиққа солиб яшириб қўйди. Бир серсоқол эчкини сўйиб, Кўкчанинг узун кийимларига ўраб, дорга тортиб қўйди. Бир хил кийимларини бўяб Гўзалшоҳга олиб келди.

— Ана, тақсир подшоҳим, Кўкчани ўлдириб келдик,— деди. Гўзалшоҳ подшонинг маҳрамлари Кўкчани хатдан ўчириб қўйди. Жаллодлар бу ишни ҳалиги вазирларнинг гапи билан қилувди. Вазирлар жаллодларга: «Агар Юсуфбек сўзда ҳам баланд келса, подшо фазаб қилиб Кўкчани дорга тортинглар, деб бериб юборса, шўйтиб келасизлар»,— деб тайинлаб эди.

Ана Гўзалшоҳ подшонинг олдида Юсуфбек сўзга ҳам баланд келгандан кейин Ҳамза қўрбоши тирилиб, қирқ кун кўргаи кўргилиги эсидан чиқиб, дарров ҳалиги порахўр одамларнинг теварагига одам қўйиб қимирлатмади. Порахўрлар маслаҳат қилди:— Энди бу Ҳамза қўрбоши бизларни ўлдиради, ўлганнинг давоси кўммоқ. Бунинг пулини йигиб бериб ўйқотмоқ керак,— деди. Ҳамза қўрбоши айтди:— Эллик минг танга харажат қилдим мен.— Ҳангама тугагандан кейин берамиз,— деди ҳаммаси. Бу гапни порахўрлар эшишиб бир-бирига айтди:— Бунинг пулини вақтли йигинг! Тўрт минг танга қоқ бошни есин. Эллик минг танга йигиб берди. Тўрт минг танга фойда қилиб қолди Ҳамза қўрбоши.— Давлатим эгиз, меҳнатим эгиз деган экан,— деди Ҳамза қўрбоши. Қутилганига одамларнинг димоги чоқ. Кетган кета берсин, ўтирган ўтира берсин, энди сўзни Гўзалшоҳ подшо билан Юсуфбекдан эшишмоқ керак.

Ана тошқинлиги келиб, Юсуфбекка қараб, Гўзалшоҳ подшо бир сўз айтаверди:

Банди беклар, сўзни сўзга улагин,  
Гўзалшоҳни мард, номардин синагин,  
Мендей подшо тошқинлиги келганда,  
Катта давлат, сен меҳмонсан, тилагин.  
Тила, берай қатор-қатор норимни,  
Нор устига юклаб берай заримни,  
Ҳимматинг борича, беклар, тилагин,  
Тиласанг, берайнин ярим шаҳримни.  
Тила, берай бошимдаги тожимни,  
Қўшиб берай ҳам закоту божимни,  
Тилай бергин, тағи армонда қолма,  
Яна берай мен ҳамма хирожимни.  
Бут худо боғламагай-да баҳтимди,  
Мендей шодон, тилайдиган вақтингди(р),  
Тилай бер-тилай бер, икки меҳмонжон,  
Тиласанг, берайнин ярим тахтимди.  
Нима десам қабул қинглар тилимни,  
Бут худойим билар менинг ҳолимни,  
Подшо ҳалқи айтган сўздан қайтмайди,  
Тиласангар, берай Миср элимни.  
Ҳазиллашиб келтирмангар қаҳримни,  
Нечовга чаёндай суқтим заҳримни,  
Катта тила, тағи армонда қолма,  
Ўзбакбек, берайнин ярим шаҳримни.  
Ёш ўғлонсан иккавгинанг ўлмагин,  
Пулнинг қадри ўтиб, пушмон қилмагин,  
Аркон давлат, шону шавкат тилагин,  
Қўп тилангар тағи армонда қолма.  
Хушвақт бўлиб айтдим сизга дардимни,  
Яхши одамман хўп кўрдинглар соҳтимни,  
Ёшлиқ қилиб ҳеч бепарво бўлмангар,  
Иккинга берайнин илдам отимни.

Ана шунда Юсуфбек жўш уриб, Гўзалшоҳ подшога  
бир сўз айтаверди:

Ҳақнинг даргоҳи кенгдир, йиғлайман,  
Инс-жинсни хизматкор қип Сулаймон,  
Тилла тахтнинг бизга йўқдир кераги,  
Бир яхши от, ўткир ҳанжар тилайман.  
Ҳар савдога кўнтар одамнинг боши,  
Ҳуй тортади Ҳафтан горнинг дарвеши,  
Душманидан мол тиларми мард киши,  
Яхши анжом, яхши бедов тилайман.  
Юрт тиламоқ сендей хасиснинг иши,

Шошма бўлар Эралимнинг саваши,  
Тарафидан эл тиларми эр киши,  
Давлат тиламоқлик хотиннинг иши,  
Бир илдам от, пўлат найза тилайман.  
Гапларингга рангим гулдай сўлама,  
Худодан беамр пашша ўлама,  
Зўрлик билан Миср шаҳринг олмасам,  
Тилаб олган мол моллик қиласам,  
Яхши бедов, пўлат совут тилайман.  
Ҳангама қип хўб эшитдим тилингни,  
Лашкар қилиб, талотўп қип элингни,  
Душманидан тож тиларми мард киши,  
Зўрлик қип оларман Миср элингни,  
Яхши анжом, илдам бедов тилайман.  
Ёмонларга тушди Аҳмаднинг ори,  
Худоё, қирқилсин Мансурнинг дори,  
Тила деган билан мен тиламайман,  
Тилла тахтнинг менга йўқдир кераги,  
Дубдулғаман, чоройнани тилайман.

Ана, энди Гўзалшоҳ подшо айтди:— Э, ўғлонлар, сен-  
дай яхши йигитлар мендай катта подшонинг давлатхона-  
сига лозим туурсан. Эшитаман, отинг юмрон бўлар эмиш,  
пойга қўярмишсан, қўйинг тошбақа бўлармиш, меҳмон-  
ларингга кулчатой қилиб берармишсан, меванг чигиртка  
бўлармиш, баччаларингга қанд деб олиб келиб берар-  
мишсан, шаҳаринг чўл бўлармиш, чўчқа, шогол юрармиш  
элларингда. Кетманглар-кетманглар, сизларни Мисрда  
катта одам қиласман,— деди. Юсуфбекнинг ғайрати қўзиб,  
Гўзалшоҳ подшога бир сўз айтаверди:

Дин Хоразм ажаб эллар,  
Ез бўлади қишлиари,  
Боғи ўттиз, боғбони беш,  
Мевадордир ёғочлари.  
Ажал етмай чивин ўлмас,  
Аҳмоқ подшо кўзга илмас,  
Оқма кўзимнинг ёшлари.  
Кўнгирадан қарашади,  
Гўзалшоҳнинг бувишлари.  
Насиб бўлса Гўзалподшо  
Қайтиб сенга қилсан сафар,  
Силтасам ўн мингни чопар,  
Исфиҳоннинг қиличлари.  
Қора ерни тенгсалтирас,  
Бойваччамнинг юришлари.

Қирқ ёшлisi дутор чалар,  
Қизу жувон ўйнаб-кулар,  
Кечаси ҳангама қилар,  
Доим ўтириш ишлари.  
Ҳангамаси жаннатдайдир,  
Яхши қизнинг кулишлари,  
Завқу сафодир ишлари,  
Қўлга солса, тўқли олар,  
Бежой ҳимматли қушлари.  
Дамласа, қозондан ошар,  
Деҳқонимнинг гуручлари.  
Етти ботмон қора симдан  
Ботирларни гиришлари.  
Очилган гулдайин яшнар  
Чорвадоримнинг дашлари.  
Гавҳарман жавҳарга ўхшар,  
Кўкламда товнинг тошлари.  
Саҳар туриб меҳнат қилар,  
Тасбиҳ олган дарвешлари.  
Бедовлари ўйнаб тураг,  
Иигитлари ғазо қилар,  
Ёвга чопса оти ўйнар,  
Рустамман Барзуча бор,  
Аширбекнинг савашлари.  
Ҳар тарафга отни елар,  
Душманларни талаб келар.  
Хоразм элга оп келиб,  
Қамбағалга ўлжа берар,  
Хотамтойдайн ишлари.  
Ажал етмай ҳеч ким ўлмас,  
Ишим кўрмай тараф билмас,  
Мирза Маҳмуд кўзга илмас,  
Ҳайдар билан Бастанча бор  
Ёвлик куни урушлари,  
Бежойин кўп хурушлари.

Ана, энди Гўзалшоҳ подшо айтди:— Э, Юсуфбек, меҳ-  
монсан, элингга кетасан. Ит бўлганда турган ерингда  
юрас эдинг. Мени подшоларинг кўп камситар эмиш. Сен-  
ларга икки нарса берай, олиб кетинглар,— деди. Гўзал-  
шоҳнинг бир телпаги бор, саккиз гули бор, саккиз гули-  
нинг ичида тўқиз йиллик Мисрнинг хирож пули бор.  
Бир қалпоғи бор, беш гули бор, беш гулида олти йиллик  
Мисрнинг зокат пули бор. Ана Гўзалшоҳ подшо телпак-  
ни Юсуфбекка, қалпоқни Аҳмадбекка кийгизиб, бир то-

моша қиласай деб, шундай икковининг қадди қоматига қаради. Юсуф билан Аҳмадбек тепаси шойпоқ каллапўши кийгиси келмай, тиззасининг остига буклаб-бувлаб бураб, босиб қўйди шундай қимматбаҳо нарсаларни. Гўзалшоҳ подшо буни кўриб, жони чиқиб кетди, шомурти шопдай бўлиб, лаби мой солган ҳиқдай бўлиб, ҳар кўзи тоштовоқдай бўлиб, ғазаби ўз бурнидан чиқиб, буркираб қўяверди. Қаҳри келиб, ёмон илондай заҳри келиб, бекларга қараб, бир сўз айтаверди:

Юсуф ўзбак, асло мени демадинг,  
Минг тусли овқатни бердим, емадинг,  
Гузалшоҳнинг ўл дегани ўлмайми,  
Бошимди олиб оёғингга тегнадинг.  
Келгин десам, жаллодларим келмайми,  
Айтгангинам менинг дуруст бўлмайми,  
Телпагимни оёғингга ўхшатдинг,  
Тагин-а жаллодлар банди қилмайми?  
Қизларни кўрганнинг кўнгли ўсила,  
Фалокат босганинг йўли тўсила,  
Бошимди олиб оёғингга тегнадинг,  
Бир гап билан, ўзбак, калланг кесилар.  
Подшоларнинг тўпхонаси, зўри бор,  
Катта шаҳарларда чуқур ўри бор,  
Калламдолиб<sup>1</sup> оёғингга тегнадинг,  
Кўрмайсанми мендай шоҳнинг дори бор.  
Бир сўзласам, қўлинг бойлаб кетмайми,  
Оқ баданга ўткир қамчи чотмайми,  
Беадаблик кўплаб қилдинг, ўзбаклар,  
Мирғазблар сени дорга тортмайми.  
Ушла десам, айёрларим келмайми,  
Қора кунлар таги сенга солмайми,  
Телпагимни олиб тиззангга босдинг,  
Гўштларингни бурда-бурда қилмайми?

Юсуфбек Гўзалшоҳ подшога қараб бир сўз айтаверди:

Ул айтган ўзбагинг сенинг мен эмас,  
Ёмон одам гапни ўзига тенгнамас,  
Сен ғанимсан, кўнглинг ёмон, Гўзалшоҳ,  
Сенинг бошинг оёғиман тенг эмас.  
Ўндан кай хизматкор шунча сипоҳинг,  
Қўғирчоқдан зинграйган сенинг худойинг,

<sup>1</sup> Бошимни олиб.

Үлган кай иссиқ ватандир жойинг,  
Сенинг бошинг оёғимман тенг эмас.  
Шукур қылсам, доим йўллар ройишди,  
Қариндошга ҳар ким тортар койишди,  
Яхшиларнинг борар ори беҳиштди,  
Сенинг бошинг оёғимман тенг эмас.  
Мард йигитни минганди қозоқи,  
Шайтон отли иблис бежой бузуқи,  
Ўзингга тайёрдир ҳақнинг дўзахи,  
Сенинг бошинг оёғимман тенг эмас.  
Шукур қип зинданда қилдик қаноат,  
Бир умр чин инсон қилмас хиёнат,  
Ўйласанг, одамнинг умри омонат,  
Сенинг тепанг оёғимман тенг эмас.

Гўзалшоҳ айтди:— Э, баракалла, ўзбакнинг хонзодаси, тариқат рисолада, шажарада тайин гап шу, худойингни ҳозир кўриб, бўлар гапни айтдинг, ўз худойинг мададкоринг бўлсин, беклар. Маъқул сўзга қорув йўқ деган гап бор, эй беклар, қачон ёвлаб келасан, сенинг бир талтайишинг бор. Сен рост гап айтар экансан, келарингни айтсанг, биз ҳам тоқи турумни ҷоқлаб турсак, сап ўлармон сарбозларнинг қорини тўқлаб турсак, кунда машқ бериб совутибина шаҳарнинг даласида созлаб турсак,— деди.

Ана шунда Юсуфбек Гўзалшоҳ подшога қараб бир сўз айтаверди:

Юсуф, Аҳмад мундан кетар,  
Дин Хоразм элга етар,  
Ўн минг сарбозга бош бўлиб,  
Аҳмаджон Мисрга келар,  
Миср эл теп-текис бўлар.

Шунда Гўзалшоҳ подшо:— Ўзбакнинг бир касали бор, бурнининг уни қизаргандан кай, тепаси дўнграйгандан кай, елкасининг томири қимиirlаб дўп-дўп бўлгандан кай ўлса, ўр ёфини бермайди. Сизларга ота касб бу керилмак. Биламан жонсизларим<sup>1</sup> сенинг шаҳрингга бориб, хатга олиб келиб қўйган, хатни ўқиб кўрганман. Урганч шаҳрида каллапўшдай қўрғонинг бор. Бизнинг элдан қарвонларим, туячиларим Урганч, Хоразм шаҳрига борса, кичкиналиги шундаймиш, шаҳрингдан овқат тополмай қолармиш, сенинг ҳамма одамларинг отнинг қашқасича

<sup>1</sup> Жосус.

бизнинг қариндошлар отнинг танасининг жунича. Мен шундай Миср шаҳримдан ўн минг йигитни бутлай олмайман, каллапўшдай қўрғонингдан қайтиб ўн минг йигитни бутлаб оласан. Қоп деса бўлаймиш, лоп деса бўлмаймиш деган экан, энди ўзбаклар, айнима, айнима! Ота-бобонгнинг касмини қилиб, бизлар билан ўрлашма! Мен катта подшои мижози туурман,— деди.

Ана, энди Юсуфбек Гўзалшоҳ подшога қараб айтиётган сўзини айтаверди:

Аширбекни хушламоққа,  
Банди қилиб ушламоққа,  
Ўликларинг чошламакка  
Аширбек арслоним келар,  
Асли Чингизнинг авлоди,  
Бобом Юлдурганнинг зоди,  
Бежой кўпди ҳамияти,  
Така беги Замон келар.  
Милтиғин оғзи оловли,  
Найзаси гулгун яловли,  
Қиличи олмос қиловли,  
Бўзўғлондай тоғам келар.  
Ур деганда мингни урган,  
Яхши тўнни сайлаб кийган,  
Душманнинг кўнглини қийган,  
Эрали қайнатам келар.  
Қирқ минг уйли ёвмит келар,  
Қирқ минг уйли така келар,  
Ўн минг уйли мори келар,  
Дин Хоразм, Урганч элдан  
Ойхон билан Кунхон подшо  
Файрат қилиб ул ҳам келар.  
Панди берай ҳарифдан,  
Катта подшо ғариб тан  
Мадина, Шоми шарифдан,  
Диннинг чироги келар.  
Бекларга хизмати ёққан,  
Муридига гавҳар таққан,  
Ҳийлагари паранг келар,  
Милтиқлари заранг келар.  
Сарбозлари тушмас отдан,  
Душмани қутилмас дарддан,  
Балх вилоят, Афғон юртдан,  
Қўшин келар кўча-кўча,  
Яхшилик йўлини оча,

Одамнинг баджаҳли келар.  
От миниб қорабайирдан,  
Душман биткандан айирдан<sup>1</sup>  
Хатирчини ёқалаган,  
Ўн минг уйли жалойирдан,  
Йигитнинг султони келар.  
Кенагасга борса хабар,  
Тоғлар бўлар зеру забар,  
Хуррам хўжа йиғиштириб,  
Минг уруғ ёппа келар.  
Умиди кўпди имондан,  
Шафоати бор яздондан,  
Уруғи кўпди наймандан,  
Йигитнинг сулуви келар...  
Кенагасман Самарқанддан,  
Одамнинг тиллоси келар.  
Минган отлари тўбичоқ,  
Найзасида бордир чочоқ,  
Қирқ минг уйли хитой, қипчоқ  
Арзам борса ул ҳам келар.  
Уруш майдонини қонлар,  
Баданда бор эди имонлар,  
Икки митон бир шайтонлар  
Банданинг шайтони келар.  
Нуротани жойлаб олган,  
Қариндошга етмай қолган,  
Ихлоси худога бўлган,  
Оқсоқ, тўқсоқ, туркман келар.  
Бизларга қош билан кўз,  
Душманни қиласар қуло туз,  
Қирқ минг уйли қирқ билан юз  
Хат боргандан ёппа келар.  
Тили соқов, миндан, синдан,  
От қўяди ҳар поёндан,  
Қирғиз элиман Тошкандан  
Одамнинг ботири келар.  
Қўшин келади узоқдан,  
Ризқини тилаб раззоқдан,  
Нўғайистонман қозоқдан,  
Телпаклари қора келар...  
Қўшин келар бебош-бебош,  
Сенинг билан қиласар сабош,  
Талтаймагин, сатта бебош,

---

<sup>1</sup> Айирган.

Элатимнинг бари келар.  
Мисрни айланиб олар,  
Бут худони яксон қиласар,  
Бизнинг элатлар иттифоқ,  
Хабар борса, бари келар.

Гўзалшоҳ айтди: — Э, номаъқул қилибсан, э ўзбаклар, айтган сўзинг дуруст, элатингни йигсак шунча бўлади. «Пули йўқнинг тили йўқ» дейди. Ҳали камбағаллигингдан бехабарсан. Сенинг айтганингга қип-қизил нор даркор, хазинада зар даркор, эртан чой, оқшом палов, ялангочга яхши сарпой даркор, ўтласа, очдан ўлиб қолади бу қўшининг. Унча қўшинга овқат даркор... Шунча қўшинни очқатмай, чарчатмай қайтиб олиб келасан? Неча сувсиз чўл бор, неча катта бел той бор, ҳовлиқма-ҳовлиқма, ўзбаклар.

Ана, Юсуфбек қулоғи тикка бўлиб, подшога қараб тағи бир сўз айтди:

Мўйсафидлар қув кўтариб,  
Ўрта ёши тув кўтариб,  
Зўр йигити сув кўтариб,  
Шўйтиб келарман, Гўзалшоҳ,  
Қирқ минг арава жўнатарман,  
Булфордан мешни ортарман,  
Иўлларни обод этарман,  
Шўйтиб келарман, Гўзалшоҳ.  
Чинни гужумлар кўкартиб,  
Чўлда сувни жилдиратиб,  
Юрган чўлни обод қилиб,  
Буйтиб келарман, Гўзалшоҳ.  
Мис чилимни ғўлдиратиб,  
Оташкўрак желдиратиб,  
Юрган йўлни гулзор қилиб,  
Шундай қип келай, Гўзалшоҳ.  
Чинни қайрағоч кўкартиб,  
Остида сайиллаб ётиб,  
Кўкча қовунни пиширтиб,  
Шўйтиб келарман, Гўзалшоҳ.  
Сап бедовни диркиллатиб,  
Уруш тўнин сўлқиллатиб,  
Аравани жингирлатиб,  
Обод қип келай, Гўзалшоҳ.  
Юрган чўлга сув септириб,  
Ҳар тарафга от чолтириб,  
Бекларнинг кўнглин топтириб,

Жўш қип келарман, Гўзалшоҳ.  
Турнадан жўнатдим хатни,  
Сендан олмоққа давлатни,  
Ўзбакнинг баланд ҳиммати,  
Маст бўй келарман, Гўзалшоҳ.  
Ҳўқизларга тўп судратиб,  
Қулоқларин шалпайтириб,  
Чуқур йўлни текислатиб,  
Олиб келарман, Гўзалшоҳ.  
Ўрталиқда тўқсон товни  
Дори қўйиб шағирлатиб,  
Катта тошни тақирлатиб,  
Жўшиб келарман, Гўзалшоҳ.  
Дўнгни, товни текислатиб,  
Сувсиз даштни бўстон этиб,  
Замчаларни пиширтириб,  
Жаннат қип келай, Гўзалшоҳ.  
Харжиси соб бўй қолганда,  
Амри подшо вожиб дейишиб,  
Хонталовни амр қилиб,  
Молин талаб тақсим қилиб,  
Ошиб келарман, Гўзалшоҳ,  
Чошгоҳгача арз айтади,  
Пешин саломдан қайтади,  
Қўшин кўрса тўп отади,  
Шуйтиб келарман Гўзалшоҳ.  
Аравани дўнгиллатиб,  
Товни, чўлни ҳаворлатиб,  
Лашкарман қистаб йўл тортиб,  
Гул қип келарман, Гўзалшоҳ,  
Элатимнинг бари келар,  
Миср эл лашкарга тўлар,  
Қўргонинг ўртада қолар,  
Маст бўй келарман, Гўзалшоҳ.  
Бизларга кетганди чилтон назари,  
Албат кетар юрагимнинг ғубори,  
Чоршанба кун Урганч элнинг бозори,  
Отангни қул қилиб, онангни чўри,  
Эллик деб қирқ бешдан сотсам керакдир.  
Сен, Гўзалшоҳ, оғир олма,  
Сўнгги билан пушмон қилма,  
Тағина армонда қолма,  
Шуйтиб келарман Гўзалшоҳ.  
Дўниб ҳар ёндан келарман,  
Мисрни қамсаб оларман.

Мирза Маҳмудни банди қип,  
Ғанимдан ўчим оларман,  
Катта тўполон қиласман.  
Сулув қизинг ўлжа қилиб,  
Тахт-бахтигни ушатиб,  
Суяккинангни шовшатиб,  
Бошқатдан уста буюриб,  
Шаҳарингни ўхшатарман.  
Ўз йўлима солиб олиб,  
Бошқавотдан одам қилиб,  
Таълим-тарбия бериб,  
Ундан сўнгра бўшатарман.  
Миср элин гулзор қилиб,  
Бошқавотдан яшнатарман,  
Шуйтиб келарман, Гўзалшоҳ,  
Бекларим кўзингни ўйиб,  
Мирза Маҳмудингни сўйиб,  
Яхши одамингни қўйиб,  
Ишлар қиласман, Гўзалшоҳ.

Гўзалшоҳ бирдан аччиғи келиб:— Э, Юсуфбек ўзбак, шуйтиб келсанг, тақдиримдан кўрарман. Мендан қолган бола-чақалар пўстакнинг жунини еб туғилиб ўлсин. Кетинглар, кетинглар,— деб подшо бир сўз айтаверди:

Халойиқ, кетинглар, қилманг шобирни,  
Билиб туринг от чопганда дубирни,  
Ўзбак касофати менга тегмасин,  
Оп кеп беринг, тиззам келди чўбирни.  
Душманларим ўзимни камситмасин,  
Шоирлик қилдирган экан ўзбакни,  
Бир тойча ҳам бермади деб айтмасин,  
Оп кеп беринг дингиллович чўбирни.  
Бошқа подшо уят-уят демасин,  
Ўзбак учун тараф бўлиб қолмасин,  
Хасислиги доим қолмайди деб,  
Душманларим ҳеч камситиб турмасин,  
Оп кеп беринг икки хариш чўбирни.  
Бемаза гап таги чиқмасин тилимдан,  
Хабар оп туринглар менинг ҳолимдан.  
Пой қўшилган чўбирлардан оп кеп бер,  
Ўзбакни жўнатинг Миср элимдан.  
Катта подшо қовоғини уймасин,  
Лаънатнома қилиб лашкар жиймасин,  
Сўз айттиридик, бир нарса лозимди,

Қасофати тағин менга теймасин,  
Оп кеп беринг думи тушган чўбирни.  
Хеч боқманглар ўр ўзбакнинг ҳолига,  
Сўзи ёмон, қулоқ солманг тилига,  
Ёли тушган икки чўбир миндириб,  
Жўнатинглар Дин Хоразм элига.  
Вақтли туринглар, таблага кетинг,  
Нўхта солиб хариш отдан оп еting,  
Қорни катта дўнг чўбирдан оп кеп бер,  
Ҳаялламай Хоразмга жўнатинг.  
Маҳрамлар чопқиллаб таблага кетди,  
Юсуфбекни Оловхўжа эшони  
Тўргай етмас тўриқчани,  
Қарға етмас қораҷани  
Дўнг чўбир қип маҳрамларга кўрсатди.  
Нўхта деб юганни солиб маҳрамлар,  
Аҳмадман Юсуфнинг олдига етди...  
Қулоқ солди подшосининг тилига,  
Ғулғулалар тушиб Миср элига,  
Тавоғ қилиб Юсуфбекман Аҳмадбек,  
Юсуф минди қора отнинг белига.

Ана, Юсуфбек отга минди, Аҳмадбек отга минмай пешонасини узангига қўйиб:— Ҳай аттанг, Бобо Қамбар бобом қолди,— деб Юсуфбек оғасига қараб, бир сўз айтиверди:

Қари чолга кун қиёмат бўларми,  
Ҳай аттанг-а, қизил юзи сўларми,  
Обрў топдик бизлар шоҳнинг олдидан,  
Отажоним чоҳ ичида қоларми.  
Бизлар кетар бўлдик соғу саломат,  
Ҳай аттанг-а, бўлиб қолди қиёмат.  
Ҳали ҳам тилайлик Қамбар бобомни,  
Қиблагоҳим Миср элда қоларми.  
Тополмадим Миср элда давомни,  
Қилолмадим, қайтай, ўзим ҳавомни,  
Эрмаккинам, отажоним қолмасин,  
Гўзалшоҳдай тила Қамбар бобонгни.  
Эшитгин, оғажон, менинг тилимни,  
Мирза Маҳмуд бойлаб келди қўлимни,  
Ғариб бўлиб отагинам қолмасин,  
Тилаб олгин, aka, Қамбар чолимни.  
Бу ишлар, қайтайин, оллонинг иши,  
Ҳар жабрга кўнар одамнинг боши,

Жўрасин ташлаб кетарми мард киши,  
Жўрасин ташламоқ хотиннинг иши,  
Устодгинам, отам мунда қолмасин.  
Юрагимиз бўлиб кетди тўла қон,  
Душманларим бўлсин ер билан яксон,  
Эртагача Қамбар чолим қолмасин,  
Отамизни тилаб олгин, акажон,  
Жўрасин ташлаб кетарми эр киши.  
Ўлмайгина кўрсам Урганч элимни,  
Добил туйиб лойлаб кезсам кўлимни,  
Мард йигит жўрасин ташлаб кетарми,  
Шоҳ Гўзалдан тиланг Қамбар чолимни.  
Отагинам ер қўйнида қолмасин,  
Кетди деб бизлардан ўпка қилмасин,  
Қиёматда тафи домангир бўлмасин,  
Тилаб олинг, aka Қамбар бобомни,  
Ўстозимиз ғариб бўлиб қолмасин.

Ана, Юсуфбек Аҳмадбекка:— Доно эдик, янглишдик,  
югруқ эдик, суриндик. Ҳай аттанг, эсиз, отам кўнглимииз-  
дан чиқиб кетибди,— деб Юсуфбек Гўзалшоҳ подшога қа-  
раб, бир сўз айтаверди:

Мард, номардинг, Гўзалподшо, синайман,  
Асқар товда эранлардай тунайман,  
Тилак — бобом тор зиндонда қолмасин,  
Гўзалподшо, Қамбаримни тилайман.  
Бир сафарга сен қилдиргин ҳавомни,  
Топиб бергин дардгинама давомли,  
Туш жўрагич бобом бунда қолмасин,  
Тилайман, подшожон, Қамбар бобомни.  
Ёлғизликдан ҳасрат ортиб ўлмасин,  
Яратганим жудоликни солмасин,  
Гўзалшоҳ, тилайман эсли Қамбарни,  
Отагинам Миср элда қолмасин.  
Бориб кўрсин боласини, уйини,  
Кўрсатайлик Чин-Мочинда жойини,  
Гўзалподшо, Қамбаримни тилайман,  
Энди ўтинг отамнинг гунойини.  
Ҳеч кимга айтмас юракдаги дардини,  
Подшо қўйди дунёнинг ҳасратини,  
Қари бобом чоҳ ичидা қолмасин,  
Энди ўтинг Қамбар бобом гуноҳини.  
Уруш куни от ёлини силайман,  
Бир раззоқдан эсонликни тилайман,

Қари бобом — яхши одам бўлади,  
Гўзалшоҳ, отамни сиздан тилайман.  
Нима деса, отагинам демасин,  
Бизлар кетсак, бобом пушмон қилмасин,  
Келмай кетай ўзим Миср шаҳрига,  
Қамбарнинг гуноҳин ўтинг, Гўзалшоҳ,  
Отагинам тор зиндонда қолмасин.

Ана, Гўзалподшо айтди:— Ҳа, энди ўзингга келдинг, ўзбаклар! Аччиғи келиб, киприкларининг жуни найзадай бўлиб, Гўзалшоҳ бекларга бир сўзни гапираверди:

Момила<sup>1</sup> гап энди олдинг тилингга,  
Ўткир анжом берай сенинг белингга,  
Бутпарастман, сўзим битта, Юсуфбек,  
Қетавер, ўзбаклар, энди йўлингга.  
Юсуф, Аҳмад баланд тутдинг ҳавонгни,  
Изласанг, топмайсан дардга давонгни,  
Тилар вақтда тиламадинг бобонгни,  
Яхши кўрсанг оп кеп бергин момонгни,  
Лотпарастман, сўзим битта, Юсуфбек.  
Вой отам, деб кўзларингни ёшлагин,  
Озод бўлдинг, энди вақтинг хушлагин,  
Яхши кўрсанг, сен авлиё Қамбарни,  
Зиндонга момангни опкеп ташлагин.  
То ўлгунча бобонг бунда ётади,  
Қампир-чолни ишгинаси битади,  
Қунда берай бир ҳўқизнинг калласин,  
Қозон-товоқ қилиб момонг ётади,  
Сен ачинсанг, оп кеп ташла момонгни.  
Сен ўзбакнинг айтган гапинг ҳийлади,  
Юртнинг гапин Гўзалподшо билади,  
Гуруч чиқарайин мен подшоликдан,  
Бобонгнинг олдига момонг оп келсанг,  
Яхши шўрва, яхши шулла қиласи,  
Яхши кўрсанг, оп кеп бергин момонгни.  
Сен йигитсан, узоқ яша, ўлмагин,  
Қамбарнинг ўзига хомтама бўлмагин,  
Қетавер, ўзбаклар, катта йўлингга,  
Тур кетгин, энди йўлдан қолмагин.  
Қамбар чолнинг изи дори ўзима,  
Бежой яхши кўринади кўзима,  
Тургин, кеткин, беклар, йўлдан қолмагин,

<sup>1</sup> Муомала.

Ўз ихтиёр, беклар, энди ўзингга,  
Қамбарни қўшмагин асло сўзингга,  
Кет-кет, икки бек, йўлдан қолмагин.

Ана, Юсуф билан Аҳмад: — шу гапни эшитамиз асли ўзимиз ҳам деб эдик. Бизларнинг минг гапимизга Гўзалшоҳнинг шу гапирган гали зўрлик қилди,— деди. Юр кетамиз, — деб Юсуфбек оғаси Аҳмадбекни ияртиб, аста-аста зиндоннинг бошига етди. Зиндоннинг бошида отдан тушиб, Бобо Қамбарга сўз айтаверди Юсуфбек:

Иўл юрармиз улкан тоғнинг дашидан  
Рози бўлдик Гўзалшоҳнинг ишидан,  
Рози бўлинг, бобо, энди бизлардан,  
Халос бўлдик фанимларнинг қошидан.  
Ҳай аттанг, подшога сизни айтмадим,  
Зиндондан бошингни халос этмадим,  
Шоҳ олдида ақлимни шоширмадим,  
Бир камим шу бўлди — олиб кетмадим.  
Айтолмабман шоҳ олдида сўзингни,  
Дуо қилгин икки бирдай кўзингни,  
Гўзалшоҳман бежайин кўп гаплашдик,  
Тилаб ололмадим, қайтай, ўзингни.  
Кулфатлар кўп ортди, бирга кетмадик,  
Зиндондан, отажон, халос қилмадик,  
Қоракўзга хўп насиҳат қилмадик,  
Бирга юриб сиздан ибрат олмадик.  
Аламлар кўп ортди, ота, дунёда.  
Эсимизга тобора эс қўшмадик,  
Ҳангама қип кўнглимиз тоширмадик,  
Қизиқ эртагидан сизга айтдириб,  
Неча товдан биллашиб ошмадик,  
Бир камим шу бўлди, ота, Мисрда,  
Сизнинг билан бирга Урганч бормадик,  
Дастурхонни ёзиб дуо олмадик,  
Тунлари, отажон, хизмат қилмадик,  
Шоҳ олдида асло сизни демадик,  
Аламларим зиёд бўлди қайтайин,  
Хоразмда даври даврон сурмадик.  
Шоҳлар айтса меҳмон бўлиб бормадик,  
Дутор чалиб кўп ҳангама қилмадим,  
Яхши сўзни сиздан таълим олмадик,  
Дард устига дард қўшилди Мисрда.

Бобо Қамбар Юсуфбек билан Аҳмадбекка қараб, зин-доннинг ичидаги ётиб: — Э, фарзандгиналарим, тақдирга тан бермак керак, бу қисматлар азалда бор, — деди. Қари одамнинг дарди мулойимгина овқат бўлар экан. Юсуф билан Аҳмадбекка қараб, Қамбар чол бир сўз айтаверди:

Кўрасан, Юсуфбек, Хоразм юртни,  
Миниб опсан тоза чин тулпор отни,  
Нони насванг Миср элдан узилиди,  
Қоракўзга хўп тайинланг овқатни.  
Қоракўз бобо деб вақтим хушласин,  
Қошин қоқиб, лабгинасин тишласин,  
Юпқа билан қатиқ оп кеп ташласин,  
Қоракўзга хўп тайинланг овқатни.  
Қошин қоқиб, вақтларим хушласин,  
Қоракўзга хўп айтинглар сўзимни  
Қоракўз келмаса ўлим лозимди,  
Борарингда тайинлаб кет, фарзандим,  
Кулибгина яхши кўрсин ўзимни.  
Қерилиб Қоракўз ўзима боқсин,  
Одоб билан келиб қоматин бускин,  
Мулойим шуллалар оп кеп Қоракўз,  
Икковгинанг келгунча яхши боқсин.  
Ишқивозман Қоракўзниңг ўзига,  
Хаёлим банд эрур қора кўзига,  
Қари деманг, одамгарлигим кўпдир,  
Кўп тайинланг Қоракўзниңг ўзига,  
Кунига кулчатой қилиб ташласин.  
Қоракўз, Қамбарга гапинг мадад денг,  
Қари чол қизлардан олар қувват денг,  
Хўп насиҳат қинглар Қоракўзойга,  
Қамбар дадил йигитлардан зиёд денг.

Ана, энди Юсуф билан Аҳмадбек отаси билан розилашиб кетди. Беклар Қоракўзникуга жўнайверсин, энди гапни буёқдан эшиитмоқ керак.

Беклар Кўкчани енгандаги Қоракўзга суюнчихўр бориб, беклар оқ юзли, обрўли бўлди, деб хабар берган экан. Қоракўз хушвақтчиликдан уч юзта кўйлак, тўқсон халтача хайр қилган экан. «Энди албатта мени олиб кетади-да», — деб Қоракўз қимматбаҳо кўйлакларни кийиб, ичи ачишадиган нарсаларини катта рўмолга туйиб, чоппа-чоқ бўлиб ўтирибди. Юсуф билан Аҳмадбек Қоракўзниңг ҳовлисига етди. Қоракўз жойидан туриб, неча мақом билан сочгина

ларини селкиллатиб, бир қўли билан отнинг жиловидан ушлаб, бир қўли билан Юсуфбекнинг қўлтиғидан суюб, супага отни ўнгариб, ўзи ўтирадиган тиллакори супасига жой тўшаб, тушинглар, ватан сизларники, деди. Юсуфбекнинг тушгиси келмади. Қоракўз билди, онги узилиб кета берди. Ана, Юсуфбек узангига оёғини тираб, Санталатой, Дуррисанам, Қоракўзойларга қараб, Қоракўздан жавоб сўраб, бир сўз айтаяпти:

Шоҳ олдида юрагимни иширдим,  
Эсгинамни бирпасгина шоширдим,  
Омонат Қамбарим қолди зиндонда,  
Қоракўз, Қамбарни сенга топширдим,  
Қаддингдан ўзингни ҳаққа топширдим.  
Кўнгли бачча, ўзи интиқ бўлмасин,  
Ҳамза отанг ёмон гапни демасин,  
Эгасин сийлаган итга ош берар,  
Отажоним, тағи очдан ўлмасин,  
Қоракўз, Қамбарни сенга топширдим.  
Ҳаммангни оллоим қилгай саломат,  
Қари чолга бўлиб қолди қиёмат,  
Қамбар бобом қолди сенга омонат,  
Омонатга тағи қилма хиёнат,  
Қоракўз, ўзингни ҳаққа топширдим.  
Кунда бориб лабгинангни тишлагин,  
Ҳазил қилиб, отам вақтин хушлагин,  
Баданларинг қўмирлатиб отама,  
Кунда унга беш вақт овқат ташлагин,  
Устодим Қамбарни сенга топширдим.  
Овқат бериб Қамбарга бежай ёққин,  
Мўл овқатни кунига бориб тўқкин,  
Унинг билан ола ёппа ўзингни,  
Кулиб-кулиб Қамбарга қошинг қоққин,  
Қиблагоҳ отамни сенга топширдим.  
Мен келгунча отам бўлар интизор,  
Мусоғирдир Қамбарга бўлгин раҳбар.  
Мастлик қилиб кўнглингдан чиқарма,  
Отагинамдан бўлгин боҳабар,  
Бир худога икковингни топширдим.  
Бориб келгин кунда яхши сўзларман,  
Томошага боргин қирқта қизларман,  
Отамизни шуйтиб боқсанг келгунча,  
Ошнолигинг рост бўлади бизларман,  
Ўзингни, Қоракўз, ҳаққа топширдим,  
Қамбар чол отамни сенга топширдим.

Ана, энди Қоракүзниң силласи қуриб, ишониб юргани,  
кетаман, деб кетди күкайи куйиб, оғзи шивирлашиб, чүрт-  
та қоғоги уюлиб, ноилож бир сүз айтаверди:

Туячилек қылмай қызил нор бўлмас,  
Қамлик кўрмай юрагимиз чер бўлмас,  
Сизни сийлаб, мен боқарман Қамбарни,  
Мен ўлмасам, қари отанг хор бўлмас,  
Сизлар билан қилган ваъда шулмиди?!  
Ноилож бориб вақтини хушлайман,  
Шулла, кулчатойни кунда ташлайман,  
Сизлар учун Қамбарингни боқарман,  
Ҳар кунига саккиз овқат ташлайман.  
Ўзим ўлмай, беинсофинг хор бўлмас,  
Вой-вой сарғайтирдинг, беклар, ойдай юзимни,  
Зиндонга термилтдим икки кўзимни,  
Мен ўлмайин, Қамбар отанг хор бўлмас.  
Шул умидда берибмидим тузимни,  
Ишқингда куйдириб кетдинг ўзимни,  
От, анжомли бўлиб кетдинг Ўрганчга,  
Ўйиб кетгин, ўзбак беклар, кўзимни,  
Чўртта тирик ўлдирдинглар ўзимни,  
Елғончи худога душман бўлмасми,  
Мингаштириб оп кетинглар ўзимни.  
Тор зинданда хафа бўлиб ётганинг,  
Менга қараб неча сўзни айтганинг,  
Эр лафзидан, қўй бўғзидан, бек Юсуф,  
Қани энди бизни олиб кетганинг.  
Уртаб кетдинг, бекваччалар ўзимни,  
Шундай қилиб берибмидим тузимни.  
Худоё, раҳм айла мендайн қизга,  
Қайтайнин, топширдим мен берган тузга,  
Ўлгунча боқарман қари чолингни,  
Ҳар одамнинг ўсган эли яхшиди(р),  
Кетсангизлар, жавоб бераман сизга.  
Беклар, ишқинг адо қилди ўзимни,  
Тўрт қип қолдим йўлларингга қўзимни,  
Тақдир-ай, бекларнинг кўнглини юмшат.

Аҳмадбек Қоракүзниң бекларга хизмат қилганини,  
билди. Юсуфбекка қараб бошини чайқади. Юсуфбек Қо-  
ракўз ойимга қараб, кўнглига тасалли бериб, бир сўз  
айтаверди:

Саҳар чоғи қўлда қилдим шикорди,  
Хоразмдан бориб олсам навкарди,

Бир қулатиб ёвни йиқиб келмасам,  
Аҳмад, Юсуф бўлганимиз бекорди.  
Дуо қил, Қоракўз, қайтиб келарман,  
Келиб Гўзалшоҳдан ўчим оларман.  
Насиб ҳайдаб келиб зиндон бўлганди,  
Мирза Маҳмуд минг баттоллик қилганди,  
Урганч элдан черик тортиб келмасам,  
Аҳмад, Юсуф бўлганлигим ёлғонди,  
Омонат Қамбарни боққин, келарман.  
Ўлмайгина кўрсам ўсган юртимни,  
Сенга айтдим кўкракдаги дардимни,  
Карнай, сурнай тортиб Миср келарман,  
Гўзалшоҳдан келиб олсан ўчимни,  
Омин де, қаддингдан, қайтиб келарман.  
Танам айлансин ҳар бир сўзингдан,  
Узим ўлмай тараф тушмас изингдан,  
Кетган билан яна қайтиб келарман,  
Дуода бўл, ойга ўхшаган юзингдан.  
Кўп қўрқаман сенинг берган тузингдан,  
Омин де, ҳаққима, қайтиб келарман.  
Қошлинг қоп-қора, осмон юлдузи,  
Қараса ўртайди қизларнинг кўзи,  
Қўнглимни таги майтариб қўйманг,  
Омин денглар, Қоракўзниң жанози.  
Дуруст бўп келарман Миср юртига,  
Кўп розиман, Қоракўз, меҳнатингга,  
Ҳаяллатма, тарафим кўп Мисрда,  
Омин, деб фотиҳа тортгин бетингга,  
Дуо қилгин сатта турган зўр қизлар.

Қоракўз ойим энди кетарини билиб: — Кел-е, буларга  
бир пишиқнина сўз айтай, — деди. Ана Қоракўзжон бек-  
ларга бир сўз айтаверди:

Хизмат қилиб юракларим туширдим,  
Ошнолифинг ҳамма одамдан яширдим,  
Келаринг, келмасинг ўзингиз билинг,  
Аввал ҳаққа, сўнг тузима топширдим.  
Алдаб кетсанг, туз кўзингдан тутмайми,  
Ишқингда Қоракўз қонлар ютмайми,  
Хизмат қилдим, кўплар сизга ош бердим,  
Келмасангиз, туз кўзингиз тутмайми,  
Юсуф, Аҳмад оллоҳингга топширдим.  
Ўлгунингча сизларни ёд этарман,  
Карвонлардан тинмай хат жўнатарман,

Мард одамлар тойилмайди лафзидан,  
Ёлғончидан құрқиб, қақшаб үтарман,  
Сизларни деб ўлгудай бўп юарман,  
То ўлгунча икки бек деб турарман,  
Алдабгина кетсанг, келмай, ўзимни,  
Икковингга берган овқат хўракни,  
Қиёматда қозибозлик қиласман.  
Кўнглингни қўй Қоракўзининг сўзига,  
Асло рози бўлмас берган тузига,  
Бу гапларни ўйланг, орти кўп қийин,  
Яратганим ўзи подшо бўлганда,  
Оп борарман худо деган қозига,  
Келаринг, келмасинг ўзинг биласан.  
Қоракўздай ошнанг йиғлар кейингда,  
АЗалнинг котиби турар эгнингда,  
Алдаб келмай кетсанг Миср шаҳрига  
Тузимнинг яраси турар бўйнингда.  
Хоразмга, билдим, иккинг беквачча,  
Боргандан кей хизмат қиласар бир неча,  
Оқ юзли, обрўли бўлгин ҳар ерда,  
Кетай десам, кетолмасман сизларман,  
Йиғламай қайтайн, иложим қанча?!  
Мени десанг, отдан тушмай қайтарсан,  
Хизматларим кўнглингиздан чиқармай,  
Ҳар жойда ўзимни мақтаб айтарсан,  
Оллоҳингга, Юсуф, Аҳмад, топширдим.

Бекларни жўнатди Урганч юртига,  
Қиз куярмиш йигитнинг ҳасратига,  
Ишқибозлик ёмон экан дунёда,  
Қирқ канизи бари туриб жойидан  
Қоракўз фотиҳа тортди бетига,  
Беклар жўнаб кетди мамлакатига,  
Қоронгулик тушди Миср кентига.

Ана, энди беклар жўнаб кетаверди. Буви Ниёз йўлнинг устига чиқиб мўралаб, кийимларининг барини олган саралаб, от ўйнатиб беклар кетиб бораётса, дод деб Буви Ниёз бир сўз айтаверди:

Қимнинг эси бўлса элни эгаллар,  
Отларда ярқиллар тилла тўқалар,  
Ниёзойни кимга ташлаб борасан,  
Бир синглингни олиб кетгин, акалар.  
Катта қизман, Мисрда барвастаман,

Мусофири, күнгилларим хастаман,  
Олиб кетгин Ниёзойни — уканги,  
Урганч элга кетмоққа ҳавасдаман.  
Мингаштириб баланд товдан ошиналар,  
Душман етса, икковинг савашинглар,  
Фарид бўлиб уканг мунда қолмасин,  
Суягингни суягингга қўшинглар.  
Оғаларим, эшитинглар сўзимни,  
Тўрт қиласман Урганч элга кўзимни,  
Сизлар кетиб, қолсам менга кўп қийин,  
Ака, мингаштириб кетгин ўзимни.  
Миср элдан мени олиб кетинглар,  
Акажон, вақтимни кўп хуш этинглар,  
Мусофири қизларнинг ортар жафоси,  
Киши юртин асло бўлмас вафоси.  
Қиёматлик синглим дединг ўзимни,  
Ниёзой синглингни олиб кетинглар.

Юсуфбек: — Э, если қиз ўзи билар, — деб бир сўз  
айтаверди Буви Ниёзга:

Гапгинангга рангим сўлди,  
Бу ишлар оллодан бўлди,  
Омин дегин, Ниёз синглим,  
Қамбар отам гаров қолди.  
Қамбар отам деб келарман,  
Душмандан ўчим оларман,  
Гаров қолди отажоним,  
Ҳаяллатмай омин дегин,  
Ниёзжон, қайтиб келарман.  
Пўпагин эгнига солди,  
Чин сидқиман хизмат қилди,  
Шундай туз берган Қоракўз,  
Орқамдан жовдираб қолди,  
Қўрқмагин қайтиб келарман.

Ана энди Буви Ниёз ҳам билди: — «Қоракўз билан  
Бобо Қамбар бекларнинг жондан зиёд ошнаси турур, шу-  
лар учун акажонларим келади. Кел, кулибина бир сўз  
айтиб акажонларимни жўнатайин», — деб бир сўз айтди:

Мусофири, ўртангандир танамиз,  
Урганч борсак, сира қолмас гинамиз,  
Фойибдан юзин кўрмай энамиз,  
Дуогўйим Лаълихонга салом денг.

Қўнгилда бўлгайми элда ҳавомиз,  
Фарибмиз, топилгай дардга давомиз,  
Орқабарон Гуласалжон чечамиз,  
Ҳур сифатли Асалойга салом денг.  
Мусо фирмиз, кўпдир жабружафомиз,  
Кўп бўлади Қалдирғочга вафомиз,  
Эшитаман сирт-орқадан опамиз,  
Бир суянчим Қалдирғочга салом денг.  
Юрагимга тушган қайғу-аламди,  
Термилишиб қолган қоши қаламдир,  
Бошқасининг отгинасин билмайман,  
Еппа-ёвлик қариндошга салом денг.

Ана, энди беклар Буви Ниёз билан хайрлашиб жўна-  
ди Урганч элга. Буви Ниёз димоғи чоғ бўлиб уйига қайт-  
ди. Ана, беклар йўлда юраверсин, энди гапни Мирза Маҳ-  
муддан эшитмоқ керак.

Мирза Маҳмуд шайтон сифатли, ўзи билан ўзи ўй-  
қилди: «Юсуф билан Аҳмадбек Мисрга келади. Ёвлаб-  
келиб Миср шаҳрини олади, буларнинг бир қўкайидан чи-  
қариб қолсам банди қилганимни, Мисрни олгандан кейин  
мени подшо қиласди», — деди. Тўққиз нор туяни пўпак-  
тақиб шайлаб, ҳаммасига қатор қилиб қўнгироқларни  
бойлаб, тўққиз туяни бежой шайлаб камзулча, телпакча,  
қалпоқ тортиқ қилиб, Юсуфбекнинг йўлини пойлаб, энг  
ташқи дарвозада турибди. Юсуф билан Аҳмадбек тикка-  
Мирза Маҳмуднинг устидан етди. Мирза Маҳмуд: — Асса-  
лому алайкум, Юсуф билан Аҳмадбек, баччам. Тузларин-  
гизни кўп едим, хизматларингизни оз қилдим, тўққиз туя-  
нажом-асбобим бор экан. Шугинани сизга тортиқ қилдим.  
Худога шукур, сизларни ҳам шундай бўларларингни кўрар-  
куним бор экан, — деяпти. Аҳмадбекнинг ҳар жуни чо-  
понни тешиб ўтди. Тикка отдан чопиб тушиб, Мирза Маҳ-  
муднинг калласига бир тарсаки урди. Шу туям тортиқ-  
тортиқ, деб калласи танасидан айрилиб, дунгалаб кетиб  
бораяпти. Овнинг олдини олди, дарвозани қоплаб, беклар  
дарвозадан чиқиб кетиб бораяпти. Пича юриб, бир катта-  
ариқнинг бошига етди. Бир келинчак, бир қиз бола ариқ-  
нинг бўйида кўзасини тўлдириб, бу узун чопонли одам  
қандай одам экан, — деб бирор-бировидан сўраб кўзани-  
қўлтиққинасига тираб, рўмолни бошига ёзиб ташлаб, ла-  
бига рўмолнинг икки учини бир қилиб тишлаб, бир бети-  
ни очиб, бир бетгинаси қочиб, яхши одамлар экан, деб  
офизгинаси анграйиб, бурингинаси дўнграйиб, аста қиз-  
бала қараб турибди қинграйиб. Юсуфбек Аҳмадбекка-

айтди: — Бор, чирогим, мен хотинлар билан гаплашгани уяламан. Сен бориб ановлардан Урганчнинг йўлини сўра, — деди.

Аҳмадбек бориб, узангига оёғини тираб, қиз билан келинчакка қараб, Урганч элининг йўлини сўраб, бир сўз айтаётган экан:

Сув бўйинда турган гўзал,  
Ҳаққингга айтай беш ғазал,  
Акамнинг ёри — Гуласал,  
Хеч банда бўлмасин ўсал,  
Олло бермагайда касал,  
Урганч йўли қайда бўлар.  
Қаерда Хоразм йўли?  
Болдан ҳам ширин сўзлари,  
Иссиқ бўлсин қиши чоғлари,  
Эр йигит душманни кўзлар,  
Кўзасин тўлдирган қизлар,  
Урганч йўли қайда бўлар?  
Оллоҳ солмагай ваҳимлар,  
Гаплашмакка кўп қойиллар,  
Эси кўп гапни фаҳмлар,  
Кўзасин тўлдириб турган,  
Сув бўйиндаги ойимлар,  
Урганч йўли қайда бўлар?  
Тушмагай ўлимнинг ҳили,  
Болдан ширин яхши тили,  
Каттадир товларнинг бели,  
Чалқиди Ойдиннинг кўли,  
Кўзасин тўлдирган хотин,  
Қаерда Урганчнинг йўли?  
Эшитинг меҳмон тилларин,  
Узсам чаманнинг гулларин,  
Қон қилсан товнинг белларин,  
Кеп олсан Миср элларин,  
Кўзасин тўлдирган жонлар,  
Билдиригин Урганч элларин,  
Қайсиdir Урганчнинг йўли?  
Авалиёлар бўлди ботин,  
Ёрдим нечовларнинг ўтин,  
Эсон кўрсаbekлар кентин,  
Айтинг, менга туркман юртдан,  
Сув ташиган икки хотин,  
Айтақонглар Урганч юртин,  
Қайсиdir Урганчнинг йўли?

Ҳалиги келинчак айтди: «Туси яхшидан түнгилма деган экан, бу күзи божрайган ўлгур ҳабаш экан, ҳабашдан ўтган бебош экан», — деди. Ана шүйтеб ҳалиги күзасини түлдирган келинчак бир сўз айтаяпти бекларга қараб:

Икковинг ҳам созандасан,  
Юрт қидирган газандасан,  
Ота сўйган дўзандасан,  
Балки ўзинг пазандасан,  
Бетима ўзинг бандасан,  
Балки менга номаҳрамсан,  
Билмайман қандай одамсан,  
Билмам, йўлинг қайдада бўлар?  
Беклар қиласар кўлга шикор,  
Отам Гўзалшоҳга навкар,  
Қўп гапирма оғзи бекор,  
Уртамизга қонлар тўкар,  
Қетгин, йўлинг қайдада бўлар?  
Отгинангни ўйнатасан,  
Ўткир қамчини чотасан,  
Иккавгинанг бирдан келиб,  
Аҳмоқ бўп сўзлар айтасан,  
Билмам, йўлинг қайдада бўлар?  
Қетинглар йўлдан қолманглар,  
Бизларман ошно бўлманглар,  
Менинг отам катта одам,  
Отам эшитиб, ўлманглар,  
Билмам, элинг қайдада бўлар?  
Подшонинг олдида тилчи,  
Сенга айтар, битта йўлчи,  
Олис йўлдан келар элчи,  
Отам кўрса бу ишингни,  
Бошларингга урар қамчи,  
Қетавер, икки йўловчи,  
Билмам, йўлинг қайдада бўлар?

Ҳалиги қизгина: «Вой, ўлиб қолгур-ей, ўлиб қоларми-кан йигитларга яхшигина бир сўэни айтиб юборса, бе-адабликни ташламайди бу ўлиб қолгур», — деб чечасига зардаси қайнаб, бекларга бир сўз айтаверди:

Яхши одамнинг тилда боли,  
Юзларида қўша холи,  
Обод бўлар юрган эли,

Булбулдайин сўйлар тили,  
Икки бирдай яхши йигит,  
Ҳайло, Урганчнинг йўллари.  
Мен гўзалми, янгам гўзал,  
Оралаганим чорбоқлар,  
Турган жойим боғча-боғлар,  
Юрагимда йўқдир кеклар,  
Ёмон-яхши одамни доғлар,  
От ўйнатган икки беклар,  
Яхши одам кўнгил чоқлар,  
Ҳайло, туркман элнинг йўли.  
Чечам ёмон, ўзим яхши,  
Ҳар бир гапи бамазалар,  
Кийганлари тозадалар,  
Бир-биридан озодалар,  
От ўйнатган хонзодалар,  
Йўлга тушган шаҳзодалар,  
Ҳайло, Урганч элнинг йўли.  
Минган оти тўбичноқлар,  
Ёнингда тилла пичоқлар,  
Найзада зарли чоҷоқлар,  
От ўйнатган қўзичноқлар,  
Отин ёли бир қучоқлар,  
Ҳайло, Урганч элнинг йўли.  
Қизнинг юзи — гулнинг нақши,  
Чечам ёмон, ўзим яхши,  
Рустамдай мингани Рахши,  
Ҳайло, Урганч элнинг йўли.  
Қўринар Асқарнинг ҳоли,  
Маълумдир ёмоннинг ҳоли,  
Жуда ширин яхши тили,  
Чечам бадфеъл хотиндир.  
Ҳайло, Урганчнинг йўли.  
Менми гўзал, янгам гўзал,  
Эсон қул давронлар сурар,  
Олло кўп нарсалар берар,  
Насваси йўқ элда юрар,  
Мард киши душманни қирав,  
Ҳар тарафга ўзи юрар,  
Анов йўлман тикка кетсанг,  
Урганчнинг шахрига борар,  
Чечам ёмон, ўзим яхши.  
Қашқа йўл Урганчга борар,  
Чечам бир ёмон хотиндир,  
Ҳайло, Урганчнинг йўли.

Юсуфбек айтди:— Ҳай, баракалло, яхши топиб гапи-  
рармиш, ёмон қопиб гапиравмиш. Бир бунинг кайфини  
тўғрилаб, бир сўз айтиб кетай. Юсуфбек қизга қараб, бир  
сўз айтаяпти, қиз Юсуфбекка:

Юсуф:— Эниб келдим тоғларингдан,  
Сувсаб келдим чўлларингдан,  
Сув бер менга қўлларингдан,  
Тутма рўмол юзгинангга.  
Дона-дона холларингдан,  
Тақдир қилган қучоқлайди,  
Сенинг химча белларингдан,  
Сув бера қол қўлларингдан.

Қиз:— Боққа кириб уз гулимдан,  
Тақдир қилса, сўр тилимдан,  
Сувлар ичинглар қўлимдан,  
Олиб кетинглар иккингман,  
Сўриб кетинглар тилимдан,  
Қайтаринг отнинг жиловин,  
Қучоқлаб кетгин белимдан.  
Олиб кетгин шаҳарингга,  
Агар келса қўлларингдан,

Юсуф:— Беклар отини елади,  
Кўрган ҳайрон қолади,  
Оғзинг олтин пиёладир,  
Қуйиб берган болларингдан.

Қиз:— Бедовларни ўйнатинглар;  
Қизил олмани отинглар,  
Лойин кўрсанг ўзгинамни,  
Элингга олиб кетинглар.  
Сувлар ичиб, меҳринг қониб,  
Келиб бизни юпатинглар.  
Сув ичиб кет қўлларимдан,  
Ўзим безор бўп юрибман,  
Олиб кетгин элларимдан.

Юсуф:— Қўзларинг осмон юлдузи,  
Қошгинанг дарё қундузи,  
Ўзинг бироннинг азизи,  
Учар кўлнинг қўнғир рози,  
Шоирларнинг яхши сози,  
Сув берсанг қўлларингдан,  
Бўлайн мен сиздан рози,  
Сув бер, ойим, қўлларингдан.

Қиз:— Гаплар чиқар тилларимдан,  
Айиринглар элларимдан,

Қүш овланглар күлларимдан,  
Хабар олинг ҳолларимдан,  
Сўриб ётинг болларимдан,  
Қайтаринг отнинг жиловин,  
Меҳринг қониб сувлар ичгин,  
Ичиб кетгин қўлларимдан,  
Мингаштириб оп кетинглар,  
Узатиб кет элларимдан.

Юсуф:— Юраккинанг тошармисан,  
Кўнглинг қайнаб жўшармисан,  
Солсам отнинг сафрисига,  
Неча товдан ошармисан.  
Тақдир етса ўзгинангни  
Манови бекка қўшармисан.  
Жонгинангни сотармисан,  
Муродингга етармисан.  
Отга мингаштириб олсам,  
Урганч элга кетармисан,  
Неча чангдан ўтармисан,  
Тақдир қилган йигит билан,  
Солланишиб ётармисан,  
Сув бер-ҳа, қиз, қўлларингдан.  
Мингаштирайин отима,  
Кетармисан элларингдан,  
Насиб этган йигит сўрар,  
Суяги йўқ тилларингдан.

Қиз:— Тунда йиғлашар баччалар,  
Чошгоҳ очилар ғунчалар,  
Икки бирдай бойваччалар,  
Бойвачча-ю бекваччалар.  
Юрган жойингиз лолалар,  
Чангийди, юрсанг, далалар,  
Тақдир қилса, олиб кетгин,  
Икки бирдай бўз болалар.  
От устига солиб кетгин,  
Хизматкор қилмоқчи бўлсанг,  
Мени бирга олиб кетгин,  
Келиб сув ичиб қўлимдан.  
Ўзингники қилиб кетгин,  
Нима бўлсанг, йўлда бўлгин,  
Гапларимдан кўнглинг тўлсин,  
Келиб сув ичиб қўлимдан,  
Бизни хизматингга солгин,  
Мен сизники, сиз менини,  
Олдима кеп ваъда қилгин.

Аҳмадбек айтди:—«Э, беадаб, бетаълим. Шундай Қора-күз олти йил туз берди, шу кишини олиб келмади, ўз элида Гуласал деган ёри бор, уч юз олтмиш канизи бор. Бу киши катта одам, сени олиб кетмоқчимиidi?»— Ҳали Ойниҳолнинг кўзаси синиб, мундининг устига миниб, худонинг қилганига кўниб —вой-бўй, мени чини-пини билан олиб кетар экан, деб шарманда қолибман эса. Қел-е, ётиб қолгунча отиб қол деган экан, бир сўз айтиб қолай»,— деб Ойниҳол бечора бир сўз айтаяпти:

Ойниҳолнинг ёна-ёна,  
Холлари бор дона-дона,  
Хоҳ ошна бўл, хоҳ бегона,  
Бор, топширдим худойима,  
Борсангиз, салом денгизлар,  
Оти Гуласал ойима,  
Хулқи хуш мулоима.  
Ширин жонни сотди денглар,  
Йўлда феъли қайтди денглар,  
Асалойга бир муштипар,  
Холис салом айтди денглар.  
Гуласалдайин ойима,  
Ҳамма ери мулоима,  
Шакаргина ширин сўз денг,  
Қараб қолди икки кўз денг,  
Кўзагинасин синдириб,  
Кўп салом айтди денглар...  
Қелиб кўнглима яранглар,  
Қиммат салладан ўранглар,  
Отнинг ёлини таранглар,  
Санталатли Асалойни,  
Бориб туриб хўп сўранглар,  
Тушларни яхши жўранглар,  
Ёмон бўлди, яхши бўлди,  
Чиниман тахтлаб қаранглар.

— Асалойга салом денг-салом денг,— деди. Юсуф билан Аҳмадбек кетди Ойниҳолнинг айтган йўлига қараб. Булар кетаверсинг, энди сўзни Ойниҳол билан чечасидан эшишмоқ керак. Ана, чечаси Ойниҳолга бир сўз деяпти:

Қизил гулдай сўла қолгин,  
Лўқ туюдай ела қолгин,  
Ҳақ паймонанг тўла қолгин,

Буйтиб катта қиз бўлмайин,  
Сен дингиллаб ўла қолгин.  
Кўзагинангни синдирамай,  
Йўловчиларни кўндирамай,  
Оқсоқол бўлмай ўлиб қол,  
Буйтиб ўзингни синдирамай.  
Яхши кўринар қиз халқи,  
Бедфеълнинг кўпди кеки,  
Шунча айтдинг оп кетмади,  
Шарманда бўлдинг қуянқи;  
Ўлиб қолақол шаллоқи.

Гаплар чиқувди ўйидан,  
Беклар садақа бўйидан,  
Ойниҳолжон гайрат қилиб,  
Шовқин соп турди жойидан.  
Кўзаси синиб қизишиди,  
Қилди хотинлар хурушди,  
Чечаси, қайин синглиси,  
Ўзидан ўзи тараф бўп,  
Панжасин ёзиб юлишиди.  
Гоҳ юлишиб, гоҳ суришиб,  
Ҳингқиллашиб тепишди.  
Қўйлакларини юлиб оп,  
Илингидай жойи қолмай,  
Гоҳ униси, гоҳ буниси  
Ариқ бўйида қувишди...  
Чини билан қизинишиб,  
Юлиб олди кўйлагини,  
Қарғаб сўйлатти тилини,  
Кўрсам деб Урганч элини,  
Файрат қип улар тортишиб,  
Юлиб олди рўмолини...  
Жуда ҳоли хароб бўлди,  
Бири туркман, араб бўлди.  
Ойниҳол билан чечаси.  
Урганч элнинг бекваччаси,  
Охир меҳмоним келар деб,  
Меҳмон устида уришиб,  
Чечаси билан иккови  
Жуда ёмон тараф бўлди.

Шуйтиб булар бир-бири билан тараф бўлиб, уй-уйига кетди. Ана, Юсуф билан Аҳмаднинг жўнаши:

Подшо берди икотти<sup>1</sup>,  
Қоракүзни бўзлатти,  
Бобо Қамбари қолди,  
Ҳай аттанг деб икки бек,  
Урганч элига кетти.  
Нечов ишин тиндириб,  
Келаман бу ерга деб,  
Ниёз ойни кўндириб,  
Икки бирдай беквачча,  
Темир дарвоза олдида  
Мирза Маҳмуд тарафин  
Аҳмад йўлбарс ўлдириб,  
Қора ариқ бошида,  
Чечаси ёнбошида,  
Ойниҳолдайин қизни  
Кўзасини синдириб,  
Кетди беклар Урганчга.  
Мундисига миндириб,  
Кўп сўз айтди Ҳолига<sup>2</sup>.  
Булбул боқди гулига,  
Лаълихонни соғиниб,  
Банди бўлган икки бек,  
Жўнади ўсган элига.  
Етти йил зиндан бўлди,  
Қоматлари букилди,  
Балодан халос бўлиб,  
Дўланиб йўлга кирди.  
Чиқди Миср чўлига.  
Хақни айтиб тилига,  
Ўткир қилич белига,  
Юсуф билан Аҳмаджон,  
Жўнайверди чўлларда,  
Дин Хоразм элига.  
Қутилганди қўлидан,  
Пир хабар ол ҳолидан,  
Қистаб чиқди икки бек  
Оқ юзли, обрўли бўп,  
Эсон-омон йўл тортди,  
Жўнаб подшо қўлидан.  
Келаётир ойдай бўп,  
Кўнгли катта бойдай бўп,  
Бедовларнинг шамоли,

<sup>1</sup> Икки отни.

<sup>2</sup> Ойниҳол.

Чўпон тортган найдай бўп,  
Юсуф, Аҳмад бирдай бўп,  
Маст бўлган шердай бўп,  
От қўяди иккови  
Маст бўлган нордай бўп.  
Гўзалшоҳга жазо, деб,  
Ажал етса қазо, деб,  
Душман кўнглин буз-ҳо, деб,  
Энди гапни туз-ҳо, деб,  
От қўяди иккови,  
Миср элни буз-ҳо, деб,  
Урганч бориб қайтсак деб,  
Хоразмга етсак деб,  
От қўяди, қистайди,  
Ҳаялламай қайтсак деб,  
Гўзалишоҳнинг ўлигин  
Силтаб кўкка отсак деб.  
Аҳмад, Юсуф жўнади  
Ҳайло, кетиб боради,  
Катта қирдан, текисдан  
Қистаб ўтиб боради.  
Тулпорни елсак дейди,  
Беҳисоб лашкар олиб,  
Карнай, сурнайни тортиб,  
Мисрга келсак дейди,  
Тилла тахтига миниб,  
Подшоҳи бўлсак дейди.  
Чўлларни тўзонлатди,  
Аждаҳордайин бўлиб,  
Уч кун қисмат йўл тортди,  
Тоққа яқинлаб етди.  
Отлар келар тобига,  
Сўзни сўзлар уққангага,  
Аҳмад билан Юсуфжон  
Келиб қолди Боли Ҳасрат тоғига.

Ана, Юсуф билан Аҳмаджон келиб, Боли Ҳасрат тоғига тушиб, ётаберсин, энди икки оғиз сўзни Мисрдан эшигинг.

Гўзалподшо: «Вой, аттанг, Юсуф билан Аҳмаднинг яхшилигидан не наф эди, уларни жуда яхши кўриб, олдиндан кетмас экан, созу сўзи Кўкчамдан яхши экан, деб Кўкчамни дорга торттирдим. Булар элига кетар экан,вой-вой Кўкчамдан айрилдим. Менга Кўкчанинг қадри ўтар экан, во-ҳасрат, во-надомат, эсиз Кўкчамдан айрилдим.

**Бир элнинг яхисидан ўзимнинг ёмоним яхши экан», — деб кўп ғамгинлик тортди. Олдидаги катта вазирлари сап борман деган одамларининг бир каттакони Гўзалшоҳ подшоға қараб, бир сўз айтаверди:**

Қулоқ солинг, Гўзалшоҳим, сўзима  
Шул Кўкчанинг қадри ўтди ўзима.  
Омин деб фотиҳа беринг, Гўзалшоҳ,  
Лот худога бир лаъли тилла берсак,  
Кўкчани тузатиб берар ўзима.  
Лот худога беринг бир корсон тилла,  
Лот худога бериб кўплар йиглаймиз,  
Тумшугиман оёқларин силаймиз,  
Бежой кучли зўр худой бор Мисрда,  
Кўкчамизни худойимдан тилаймиз.  
Бут худо Кўкчага назар қилмайма,  
Тилла берсак, айтганимиз бўлмайма,  
Кучли худо қиёматда Кўкчани  
Яп-яланғоч қилиб судраб келмайма?  
Нари-бери талотўп қип юрамиз,  
Чироқ ёқиб бутхонага кирамиз,  
Кириб туриб кўплар йиглаб худога  
Кўкчамизни бориб тилаб оламиз.  
Унинг учун хафа бўлманг, подшоим,  
Кўкчамизни биз тиргизиб<sup>1</sup> келамиз.  
Лот худойим оп кеп берар Кўкчани  
Қечкиликка созу сўзни айттириб,  
Оқшом билан хўп ҳангама қиламиз.  
Бир Кўкчани худойимиз тиргизар,  
Ҳазрат одамдан бери ўлган одамни —  
Бутпарастнинг барин олиб келамиз.  
Миср элга яхши ҳовли, уй солиб,  
Хушвақт бўнг Мисрда даврон сурамиз.  
Кўкчамизни сардори лашкар қилиб,  
Юсуфман Аҳмадни Хоразм элдан  
Кўп бўп бориб банди қилиб келамиз.

Гўзалшоҳ подшоҳ айтди: — Ўлган ҳам тириларми ҳеч вақтда. Алдоқчи одамлар айтди: — Илгариги одамлар гўс-хўр бўлар экан, бизлар если одам, лот худомиз кўп кучли худо, бир карсон тилла олиб бориб берсак, ҳамма ўзига тамлик одамни тиргизиб беради. Гўзалшоҳ подшоҳ айтди: — Эй тавба-еў, худо ҳам пора ейдими? Одамлар

<sup>1</sup> Тирилтириб.

айтди:— Пора худога даркор-да. Гүзалшоҳ:— Лекин ўлик тирилиб келса, тирикларнинг юраги ёрилиб ўлади-да,— деб бир сўз айтаверди:

Ўлганлар тирилса, тирик ўлади,  
Бола-чақа бежой оч қоп қолади,  
Олиб кенглар қадрдон Кўкчажонни,  
Кўп одамнинг ўрнига ўзи бўлади.  
Обод қилсин келиб хонадонимни,  
Келиб кўрсин Кўкчажон маконимни,  
Узр-маъзур айтай соэчи Кўкчама,  
Тирилса, оп келинг Кўкчажонимни.  
Тилла созгинасин берай қўлига,  
Катта қилай шаҳри Миср элига,  
Қаникай тирилиб келса шул Кўкчам  
Нени айтса, қулоқ солай тилига.  
Хушвақт қилиб қўйсин менинг элимди,  
Менинг сирим Кўкчажонга маълумди(р),  
Кўкчагинам агар тирилиб келса,  
Топширайн шаҳри Миср элимди,  
Қадрдон Кўкчамни оп кенг, ёронлар.  
Хафа бўлдим ўйнаб-кулар вақтима,  
Кўкчажон тирилиб келса баҳтима,  
Кўкчажоним келса мунда тирилиб,  
Соз черттириб айттиинглар тахтима.  
Нима деса айтганида бўлинглар,  
Яхши кийим, яхши чопон қилинглар,  
Лот худойга беш карсон тилла бериб,  
Тезроқ Кўкчамни олиб келинглар.  
Ўлган одам то тирилиб келмасин,  
Кўкча шоир гўр ичидা қолмасин.

Кўкчани булар тилла сандиққа солиб қўйиб эди, қулуқ тақсир, деб чиқиб кетди. Далада бир нечаси:— Уч карсон тилла берамиз,— деди. Нафси каттароғи айтди:— Олти карсон қиламиз. Худонинг олдидағи хизматкорлари-га бермайсизми? Шуитиб олти карсон тиллани Гўзалшоҳнинг бўйнига қўйди.

— Бояна уч карсон деб эдинглар, энди олти карсонга чиқардинглар. Шу Кўкчанинг бир ўзини тирилтириб келсанглар бўлади. Тавба-ей, тавба-ей, худони ҳам порахўри-ни кўрдик,— деб Гўзалшоҳ камзулларини йирта берди.

Ана, энди ҳалиги сатта балоҳўрлар олти карсон тилла-ни бўлишиб олиб, Гўзалшоҳ подшоҳнинг олдига Кўкчани яп-ялангоч қилиб, сандиқдан чиқариб олиб келиб қўйди.

Гўзалшоҳ подшо Кўкчанинг оёғига йиқилди. «Худо тиргизган Кўкчам», деб йиғлай берди. Ана, энди Кўкча авлиёсиниб, созини қўлига олиб, Гўзалшоҳ подшоҳга қараб, бир сўз айтаяпти. Кўкча шоирнинг каромат сўзини томоша қилинг:

Чулдиратиб созгинамни чертайин,  
Душман кетди қўлгинамдан, қайтайнин,  
Сўзима қулоқ сонг, турган жамоат,  
Ўлиб туриб қўрганимни айтайнин.  
Бут худойим ўзимга назар қилди,  
Бу ёқса кел деб мени судраб келди,  
Кўрганимни бир-бир айтай, халойиқ,  
Ўзгинамни яхши ерга етказди.  
Неча ўтларнинг устидан ўтказди.  
Юриб эдим қиёмат бозорида,  
Бут худойим ишгинамни биткарди.  
Гўзалшоҳга сенинг қадринг ўтди деб,  
Қўлимдан ушлаб бу ерга етказди.  
Лот худодан подшом мени тилабди,  
Беҳисоб тиллолар бериб йиғлабди,  
Худо ҳам уялмай одамлар гапидан,  
Юр бўёқса деб чочгинамни силабди.  
Ҳай аттанг-а, душман тушди изларга,  
Тарафлар чиқиби қуло тузларга,  
Ўлиб туриб қўрганимни айтайнин,  
Қулоқ сонглар, қариндошлар, сўзларга.  
Мен қип-қизил авлиёман, лоф урай,  
Миср элни энди харобат қиласай,  
Воситачи бўлманг менга биттангиз,  
Ўлиб туриб қўрганимни гапирай.  
Миср элга не кунларни солдирай,  
Бизга қараганнинг кўнглин тўлдирай,  
Душманча кўрмайди подшойинг мени,  
Гўзалшоҳни жингак қилиб ўлдирай.  
Қабул қилмайман подшойингни сўзини,  
Мошдай бўзрайтаман икки кўзини.  
Эланманглар менга битта бировинг,  
Ўлдираман Гўзалшоҳнинг ўзини.  
Юсуф, Аҳмад Урганч элга борибди,  
Бориб туриб кўп лашкарлар олибди,  
Душман душманга ҳам инъом берарми,  
Кўп лашкарман икки ўзбак келибди,  
Миср элда хонақоҳлар солибди,  
Ўз қавмидан беклар подшо қилибди,

Подшо бўлиб, қутиришиб ўзбаклар,  
Миср юртнин кеп менчиклаб қолибди.  
Қарға етмас қорачани елдирди,  
Душманини аҳмоқ кўнглин тўлдирди.  
Бундайчинги тентак подшо қурисин,  
Тирноқ билан мурутларин юлдирди.  
Ичи ачир назаркарда Кўкчанинг  
Ўзбакни яхши деб тентак ўлдирди,  
Душман душмандан ҳам ўлмай кетарми?!

Юсуф, Аҳмад кеп чалибди созини,  
Кўп айтибди кўнглидаги сўзини,  
Улиб туриб кўрганимни айтайнин,  
Мусулмон қип, хотин қипти қизини.  
Вой-вой, эранлар, ўлсин Гўзалшоҳ,  
Вой аттанг-а, чириб ўлсин аҳмоқ шоҳ.  
Нечовларнинг йиглаб кўзи кўр бўлди,  
Бу Кўкчага ҳам номус ор бўлди,  
Аҳмоқ одам подшо бўлиб Мисрга,  
Банди ўзбак келиб мунда зўр бўлди,  
Душманига шундайин эл хўр бўлди.  
Кўрганимни айтаверсам соп бўлмас,  
Ишонинглар, қанча айтсан, лоф бўлмас,  
Урчуққа ийирмай жунлар қоп бўлмас,  
Аҳмад, Юсуф шундай ишлар қилибди,  
Не кунларни одамларга солибди.  
Илоҳо, аҳмоқ подшоси қурсин,  
Тарафига элни муҳтоҷ қилибди.  
Назаркарда Кўкчасини ўлдириб,  
Кўз остидан ўзбакка тан бўлибди,  
Ишонинглар бу Кўкчанинг гапига,  
Юсуф Аҳмад элга султон бўлибди.

Ана, энди бўлди маслаҳат, бўлди талотўп, бўлди мояро, «Авлиёнинг гапи иккита бўладими, ҳали ҳам Кўкчанинг ўзига йиглаймиз»,— деди.— Авлиё ҳам ўзинг, пайтамлар ҳам ўзинг, Юсуф билан Аҳмаднинг иложини ўзинг қиласан,— деди одамлар Кўкчага. Шунда Кўкча одамларга қараб бир сўз айтаяпти:

Миср элга дарров хабар қўйинглар,  
Катта-катта хат қип элга ёйинглар,  
Икки ўзбак таги узаб кетмасин,  
Фил келбатли полвонларни жийинглар.  
Кела берсин, ҳар тарафга чақиртинг,  
Маст қинглар-да, ўрталиқда бўкиртинг,

Ҳар ранг полвон йигиб келинг вақтли,  
Душманларни йўлдан ушлаб оп қайтинг.  
Шундан бўлак иложи йўқ, халойиқ,  
Қувиб етиб, дарров қамсаб оламиз,  
Банди қилиб от олдига соламиз.  
Дарров йифинг мурти тикка сарбозни,  
Ушлаб келиб тафи зиндан қиласиз.  
Шундан бўлак чораси йўқ бу ишди,  
Кўп сарбозлар бу Кўкчага йўлдоши(р),  
Юсуф, Аҳмад деса кўнглим тошди,  
Душманни гапирсан, ақлим шошди,  
Дарров банди қилиб икки ғучкоқди,  
Асли ўзи бир одамнинг боласи,  
Ҳар қайсиси ўз бошига юриб,  
Бир кунлари иккови жанжаллашди.  
Асли ўзи акалиман, укали  
Ўртага жанжал қип совуқлик тушди.  
Аҳмадбеги Юсуфбекка қардоши,  
Ушлаб олиб дарров кесайик бошди,  
Миср элидан дарров полвон йифинглар,  
Кечикмай дарров қинглар кенгашди.

Бўлиб қолди Гўзалшоҳнинг таммаси,  
Ҳеч гапи жой тутмади подшонинг  
Кўкча бекка хайр деди ҳаммаси.  
Ҳар турли овқат ўртага чош бўлди,  
Сап ёмоннинг янги вақти хуш бўлди.  
Ҳар тарафга хабар қўйди хат билан,  
Фириб билан авлиё бўп шу Кўкча,  
Кўп сарбозга яна бадбахт бош бўлди.  
Дарров йигил дегандан  
Бир мингта қирағай мерган отланди,  
Тафи жўна деганда  
Мурти ўсиқ, оғзи қопқоқли қўшин жўнади.  
Бу Кўкчанинг айтган сўзи эп бўлди,  
Бир-бирига яхши дейшиб жуфт бўлди,  
Ҳар ранг полвонларнинг анжоми чоп-чоқ,  
Саксон минг сарбоз Мисрда тўп бўлди.  
Шу кеча гала душман тунади,  
Бир-бирини урушмоққа синади,  
Кўкча бадбахт кўп сарбозга бош бўлиб,  
Қуртдай қайнаб Юсуфбекка жўнади.  
Ғулғулалар солиб Миср юртига,  
Қулоқ солди бу Кўкчанинг додига,  
Оқ юзли, обрўли бўлинг ҳамманг деб,

Гўзалшоҳ фотиҳа тортди бетига.  
Кўкча миниб олди қора байирпи,  
Улар вақтда одам тани чирийди,  
Кўкча наймиш<sup>1</sup> энди чоппа-чоқ бўлиб,  
Оғир лашкар икки бекка буюрди.  
Карнай-сурнайларни шу Кўкча тортди,  
Кўкчага қилишиб яхши хизматди,  
Авлиёнинг кўнглин қолдирманг дейишиб,  
Қисташиб кўп лашкар энди йўл тортди.  
Кўнгли тўлиб бир-бирининг сўзидан,  
Мерган кабоб қилар кўлнинг ғозидан,  
От бетига қарамайин сарбозлар,  
Қувиб кетди икки бекнинг изидан,  
Жўнаб кетди душманларнинг сараси,  
Қуни бор ҳар кимнинг пиччи<sup>2</sup> кўраси,  
Кўкча бадбаҳт жонни сотиб йўл тортди,  
Намоздигар-намоздигар бўлганда,  
Яқин қолди Ҳасрат товнинг ораси.  
Ҳаммалари кўп чарчадик дейишди,  
Бир неча семизин ўпкаси пишди,  
Маслаҳат қип, энди кеч бўлди дейишиб,  
Овқат қилмоқликка отидан тушди.

Ана, энди Юсуфбекнинг шу азизларни зиёрат қилиб,  
муддаосини тилаб айтган сўзи:

...Даргоҳингга йиғлаб келдим,  
Зиёрат қиз мен сизларни,  
Муддаомни тилаб келдим.  
Борсак Дин Хоразм элига,  
Тушмасак душман қўлига,  
Дуо қилинг икковмизга,  
Олтой<sup>3</sup> юрсак сувенз чўлга,  
Эрта билан тонг отган сўнг,  
Чиқиб олсак катта белга...  
Эсон кўрсам Лаълихонни  
Муродимни тилаб келдим.  
Ҳеч йўқ Аҳмаджоннинг қасди,  
Бир жой баланд, бир жой пастди.  
Хузир-ҳаловатда ётган,  
Дуо қилинг меҳмонингга,

<sup>1</sup> Ноумид.

<sup>2</sup> Пича.

<sup>3</sup> Олти ой.

Имонли худонинг дўсти.  
Йўлиқмагаймиз қаҳрига,  
Борсак Урганчнинг шаҳрига,  
Пешонамни синаб келдим...  
Туғ кўтарган ҳу, валилар,  
Омон кўрсам бир синглимни,  
Меҳмон бўлиб уйнгизга,  
Кўзда ёшим селлаб келдим...  
Эсон-омон Урганч борсак,  
Қилсак кўнгилда ҳавасни,  
Муддаомни тилаб келдим...  
Чанглатсам дала-дашни,  
Кўплаб кўрганмиз бебошни.  
Эсон кўрсам қариндошни,  
Қалдирғочдай эмчакдошни,  
Соф-саломат кетсам бўлар,  
Урганч элга етсам бўлар...  
Кечакундуз доим худо тилида,  
Пирлар омин деди беклар ҳолига,  
Зиёрат қип тоғдаги пайғамбарни  
Эрта билан минди отнинг белига,  
Талаб қилди ёлғизоёқ йўлига.  
Пичагина ўтар йўлдан адашди,  
Акаси укага тортар койишиди,  
Дўст дўстларга қилар равишиди,  
Адашди-да, тўғри йўлларга тушди.  
Кун чиқмайин Ҳасрат товидан ошди,  
Текисликка икки бекбачча тушди,  
Соф-саломат Ҳасрат товидан ўтди,  
Койиш кўрганга кун қиёматди,  
Кечасиман ухлагани йўқ эди,  
Аҳмадбекнинг кўзин уйқу оп кетди.

Юсуфбек айтди:— Аҳмаджон чироғим олти ой ҳайдов-да кетди, етти йил зинданда ётди, тинчибина ухлай ол-мади. Бир уйқуси ҳаром бўлмасин, аста-аста отни еталай, ухлаб олсин. От жиловидан ушлаб боряпти, Аҳмадбекнинг вақтини хушлаб, боряпти, Аҳмадбек отнинг ёлига пешонасини ташлаб боряпти, отни бир-бир бостириб аста-аста қамчи уриб боряпти. Кун ёйилиб, чошгоҳ бўлай де-ди. Шундай Юсуфбек Миср тарафга қаради. Қараса, бир тўзон чиқиб келаяпти, осмонга ўрнаб, худди туманга ўх-шаб бувдоқ-бувдоқ бўлиб келаяпти. Буни кўриб Юсуфбекнинг юраги жиз этиб, такка тортиб кетди. Аҳмадбек-ка қараб Юсуфбек зор-зор йиғлаб бир сўз айтиётган экан.

**Ана энди ғамгинлик тортиб, Аҳмадбекка қараб, оғасининг айтаётган сўзи:**

Лашкар келди орқамиздан бенаҳат<sup>1</sup>  
Қайтабошдан энди бўлди қиёмат,  
Уйқудан кўзингни очгин, Аҳмадбек,  
Онҳазрат бизларга қилгай шафоат,  
Хо янглишдим, чироққинам, сўзимдан,  
Ҳабар олгин, қанотгинам, ўзимдан.  
Уйқудан кўтаргин қора каллангни,  
Кўп душман билқиллаб етди изимдан.  
Сўз чиқади дардли одам тилидан,  
Қутулмадим душманларнинг ҳилидан,  
Уйқу деган касофат шу, чироғим,  
Таги душман келди Миср элидан,  
Оtingни чопмадинг пастдан дашига,  
Рози бўлай, чироққинам, ишингга,  
Ҳовдак кўлда уйқу етди бошинга.  
Вой-вой, дунёси қурсин бепоён,  
Остингизда бедов ўйнар юз алвон,  
Лашкар келди Гўзалшоҳнинг юртидан,  
Уйқудан қўзингни очгин, Аҳмаджон.  
Келаётир мингган оти ўқдай бўп,  
Умри узоқ бағирлари беркдай бўп,  
Келаётир бари душман ҳиқдай бўп,  
Мингган оти илдам экан, ўқдай бўп,  
Келаётир тўп-тўп бўлиб душманлар,  
Анжом-асбоблари қизил чўғдай бўп,  
Уйқудан кўзингни очгин, бек Аҳмад.  
Ким яхши, ким ёмон, худо билади,  
От чопилса гумбирлаган далада,  
Болаликда қилган иши чалади,  
Уйқудан кўзингни очгин, Аҳмаджон,  
Миср элдан билқиллаб ёв келади.  
Милтиқ олиб базилари эккайиб,  
Душман келди телпаклари тўмпайиб,  
Кўп душман орқамдан етди, Аҳмаджон,  
Бир нечаси келаётир энкайиб,  
Уйқунинг касоди кўпdir, чироғим.  
Бандасининг сири ҳаққа аёндир,  
Уруш куни ботир найза суюнди.  
От ёлида ухлаб ётган Аҳмадбек,

---

<sup>1</sup> Бениҳоя.

Ақажон, деб уйқусидан уянди<sup>1</sup>.  
От чипилиб тогни түэон чалади,  
Ботир йигит ёвда дуруст бўлади,  
Қўрқоқ киши тикка қотиб қолади,  
Аҳмадбек тикилиб шундай қараса,  
Оғир лашкар Миср элдан келади.

Аҳмадбек бу лашкарни кўриб, юраккинаси уйғониб:—  
Эй оғам, ғам еманг. Мисрнинг ҳамма лашкарига ёлғиз  
арслондай бўлиб дорийман. Душман чумчуқ бўлса, мен  
қирғий туурман,— деди. Аҳмадбек акасига қараб, тал-  
тайиб, бир сўз айтаяпти:

Елғон эмас, ака, сўзим,  
Сарғаймасин ойдай юзим,  
Душман келса даста-даста,  
Улар эчки, бўри ўзим,  
Қўнглингни бўлма, ёлғизим.  
Чопишайин душман билан,  
Душман каррак, йўлбарс ўзим.  
Томоша қилгин, ақажон,  
Урушга кирай бир ўзим.  
Добил урай така-така,  
Ғулгула тушсин фалакка,  
Овоз ўрнасин малакка,  
Оч бўридай дорий ўзим,  
Ўзим қиласай тикка-тикка,  
Чопиб ташлай якка-якка.  
Душман балиқ, илон ўзим.  
Қузғунга берай гўшини,  
Чалкаштирайин лошини,  
Қоқиб синдирай тишини,  
Ғам ема, Юсуфбек оға,  
Қиласай душманнинг ишини.  
Лашкар келди қуло туздан,  
Мардлик сўз эшитинг биздан,  
Сапчадай кесай бошини,  
Томошани қилмоқ сиздан.  
От қўяй душман қасдига,  
Булутдай бўп ўзим чўгай,  
Душман бадбаҳтнинг қасдига,  
Томошани кўрмак сиздан,  
Уйма-чуйма қилмоқ биздан.

---

<sup>1</sup> Уйғонди.

Ажал келса, ўзим эрий,  
Душманнинг йўлида турий,  
Хафа бўлма тарафлардан,  
Елдор бўридай бўп дорий.  
Дардингга бўламан даво,  
Яхши одамда бўлмас ҳаво,  
Суриб санчай кўкрагидан,  
Хафа бўлма, Юсуф оға.  
Ажалнинг тўнини бичай,  
Отимнинг оғзини очай,  
Ё Али деб саваш қилиб,  
Каттасини сайлаб санчай,  
Томоша кўр энди биздан.

Ана, Юсуфбек Аҳмаджонга қараб насиҳат қилиб:—  
Э чирофим, нонни катта тишласанг тишла, гапни катта  
гапирма, деган гаплар бор,— деб бир сўз айтаяпти:

Ҳамиша қойилман қилган ишингга,  
Пирлар омин десин кўзда ёшингга,  
Катта гапни ҳаргиз айтма, Аҳмадбек,  
Такаббурлик етган, ука, бошингга.  
Насва тортиб келдик Урганч элингдан,  
Ажалли одам ўлар шаксиз қўлингдан.  
Фоғил бўлма яратганда, Аҳмадбек,  
Чирофим, ҳеч вақт кетма ўзингдан.  
Сап<sup>1</sup> айлансанг мард йигитнинг бўйидан,  
Кўп гап чиқар эсли одам ўйидан.  
Сажда қилмай одамзодга Азозил,  
Манманликдан чиқди жаннат уйидан.  
Душман келди Юсуф аканг кейнига,  
Одамзоднинг фаришта бор эйнига,  
Ҳазрати Одамга сажда қилмади,  
Манманликдан тавқи тушди бўйнига.  
Ғажир қўнар ёвда ўлган гўшига,  
От чопармиз Асқар товнинг дашига,  
Шу ерда худо деб йиғла, укажон,  
Катта гаплар асар қиласар кишига.  
Қуртдай қайнаб душман келди изима,  
Нени айтсан экан, Аҳмад, сўзима.  
Миср элидан билқиллаб ёв етишди,  
Олло зафар берсин менинг ўзима.  
Жуда ғайрат берса, ҳар иш қиласан,

Ўткир ханжарингни қўлга оласан,  
Фоғил бўлма ҳаргиз, ука, дунёдан  
Тарафларга сен ғолиблик қиласан.  
Қатта гапни асло айтма, Аҳмаджон.  
Сирингни айтмагин, Аҳмаджон ётга,  
Ёти қурсин бир кун қўяр уятга,  
Манманликни тилда айтма, укажон,  
Манманликдан ҳеч ким етмас мақсадга,  
Ўзингни паст қилгин ҳаргиз, укажон.  
Отга миндик икковимиз бегумон,  
Ҳар ерда худойим қилгай-да омон,  
Қатта кетма бу урушда, чирогим,  
Манманликнинг фойдаси йўқ, укажон.  
Обрў деб, чирогим, ўзинг жилагин,  
Бедовингнинг ёл-қўйруғин силагин,  
Ҳар нафасда эл қайфусин ўйлагин,  
Ҳар жойда катта кетма, Аҳмаджон.

Иккови отдан тушиб, отларнинг айил-пуштанини ечиб совута берди, қашлаб, терларини хўп артди, айил-пуштанини зертанг-забартанг қилиб, иккови тахт бўлди. Душманлар даста-даста бўлиб тоғдан оша берди. Улар «Мана-мана, топдик-топдик»,— деди. Маслаҳат қилди ўз-ўзи. Бир нечаси айтди:—Худо назар қилган Кўкчамиз бор, нима гап бор, бизларга ҳеч гап йўқ. Икки ўзбакнинг қўлидан нима иш келар эди. Кўкча айтди:—Жонидан тўйган бўлан ҳазиллашма, керак эмас. Қандай бўлса, хуннинг баҳоси — одамни ўлдириб бўлади. Лашкарни уч бўлиб, уч ёқдан ўртага оламиз. Қўргон қилинг, ҳеч қочиб чиққани қўйманг, охир қўлга оламиз. Олдидаги одамлар айтди:—Авлиёнг ҳам каромат қилмайдиган.

Ана, энди булар уч бўлинниб, от қўймоқнинг тараддутида бўлаверсинг, гапни Юсуфбекдан эшиитмоқ керак. Юсуфбек Аҳмаджонга қараб, Аҳмадбек оғасига қараб, бир сўз айтаяпти:

— Шунча душман келди сенинг қошинга,  
Олмос қилич, чироққинам, дастинга,  
Ёвда ўлсам, сен кетавер Урганчга,  
Чиқиб тургин Асқар товнинг устига,  
Оқ фотиҳа бергин укам, Аҳмаджон.  
— Оғажон, дуолар қилгин,  
Мен ўлайин, омон бўлгин,  
Йўлбарсдай кирай урушга,  
Томошалар қилиб тургин,

Омин де, акажон, менинг ҳаққима.

— Яхшилик күр, ёмонликни күрмагин,  
Узоқ яша, ёш боласан, ўлмагин,  
Жонингга, чироғим, кафил бўлдингми,  
Уруш ёмон, асло ҳазил билмагин,  
Оқ фотиҳа бергин, укам Аҳмаджон.

— Ширин жон омонат, ўйласам танга,  
Азройил чанг солар тандаги жонга,  
Шайтон бадбаҳт қасд этади имонга,  
Оқ фотиҳа бергин, акам Юсуфбек,  
Хоҳолаб шердай бўп кирай майдонга.

— Кичик қулоқ солар катта тилига,  
Санталат қип юрар ўғсан элига,  
Ўққа учиб ўлсам, укам Аҳмаджон,  
Хабарим еткаргин Урганч элима,  
Дуо қил ҳаққима, укам Аҳмадбек.

— Юсуф оға, бизни кўзга илмайсан,  
Ё Рустамдай, ё Барзудай билмайсан,  
Билганингдан, ака, ўзинг қолмайсан,  
Баҳодирлар қаторида кўрмайсан,  
Омин деб фотиҳа тортгин, акажон.

— Обложима мен йигладим зор-зор,  
Онамни кўрмакка бўлдим интизор,  
Ўпкагина қилсанг Юсуф оғангдан,  
Юсуфбек оралаб кетса майдонга,  
Аҳмадбек орқамдан бўлгин боҳабар.

— Майдонда дол бедовлар қутуришган,  
Ғам ема, бу ишлар бўлганди бошдан,  
Той от бўлса, от қутулар минишдан,  
Суриб санчай душманларнинг сарасин,  
Оқ фотиҳа беринг, акам Юсуфбек.

— Эсон-омон борсак, ука, маконга,  
Ғазо деб минибмиз икки ҳайвонга,  
Тўп-тўпига оч бўридай от қўйсам,  
Ҳар замонда қараб қўйгин акангга,  
Оқ фотиҳа беринг, укам Аҳмадбек.

— Бугун ўнг келгай ишим,  
Ажалдан қутулгай бошим,  
Ҳеч бандага қарамайман,  
Қўкча билан менинг ишим,  
Оқ фотиҳа бергин энди.

— Отни минган билар ҳамиша тобини,  
Шўр дарёда дейди Одам обини,  
Раҳм айлагин бизга, яратган жаббор,  
Қилмагайсан банди бекларни, қаҳҳор.

Пирлар, ушланг ханжаримнинг сопини,  
Сайис олар дол бедовнинг тобини,  
Мен гапирай, ука, сўзнинг йўсини,  
Борсам қойил қиласай Кўҳиқофини,  
Оtingдан айланай, қодир худойим,  
Пирлар, ушланг ханжаримнинг борини.  
Яхши бўлсин Аҳмад укамнинг ҳоли,  
Шол ипакдан майин яхши от ёли,  
Ажалнинг тўнини кийиб от қўйдим,  
Менинг қўлим эмас, пирларнинг қўли.  
Ярқиллатиб кийдим пўлат совутди,  
Сочилган насибам Мисрга тортди,  
Ёр бўлинг, ёд этдим ҳазрат Довутди,  
Пирлар, ушланг қиличимнинг сопини.

Бормасак дейишиб Миср юртига,  
Томоша айланг яхшининг ҳимматига,  
Тоғлар титрар бекларнинг ҳайбатига,  
Шунқордай толпиниб икки бекбачча,  
Омин деб фотиҳа тортди бетига.  
Кўп лашкар вағирлаши, •  
Тоғларнинг қуши учди,  
Қўрқоқнинг ҳуши қочди,  
Бир хили отдан тушди,  
Уч бўлак бўп душманлар,  
Юсуф билан Аҳмадни  
Ушланг-ушланг дейиши.  
Юраклар ошдай тошди,  
Ҳисобидан адаши,  
Юсуф билан Аҳмадбек,  
Маст бўлган шердай бўлиб,  
Қистаб майдонга тушди.  
Сатта бадбаҳт ғаш келди,  
Юрак-бағри тош келди,  
Аҳмадбекка майдонда,  
Кўкча бадбаҳт дуч келди.

Кўкча:— Ҳа, Аҳмад ўзбак, пишакнинг қочгани сомон-  
хонагача экан, панараб келиб ётганинг тоғнинг ичиами? Сенинг ўлигинг тирилмайди, тиргизмакка худойингнинг кучи етмайди. Бизларнинг худойимиз хоҳлайди ўлдиради, хоҳлайди тиргизади. Сен борингда Гўзалшоҳ подшо мени дорга тортиб ўлдиреди, худойим ўтнинг ичидан судраб чиқиб, мени авлиё қилди. Мен пайғамбарлик мақомига

етган Кўкча бўламан, худо билан ҳамсоя бўлган одамман,— деб бир сўз айтаяпти:

Баланд қилма, Юсуф ўзбак, ҳавонгни,  
Тополмайсан дардгинангга давонгни,  
Банди қилиб олиб кетай Мисрга,  
Танийсанми ўлган Кўкча бобонгни?!

Сен борингда Кўкча бобонг ўлганди,  
Дорга осиб халқ шарманда қилганди.  
Авлиё бўп Кўкча таги келганди,  
Аҳмад ўзбак, тани Кўкча бобонгни.  
Қўлинг бойлаб аччиқ қамчи чотарман,  
Сигирдай етаклаб тоғдан ўтарман,  
Банди қилиб етаклаб оп кетарман,  
Аҳмад, тани, вали Кўкча бобонгни.  
Икковингни билганимдай қиларман,  
Авлиё бўп келдим сенинг ортингдан,  
Икковингни тагин банди қиларман,  
Таниб қўйгин кароматли бобонгни,  
Жабр қилиб мен олдингга етарман,  
Кароматман қоқ миянгдан отарман,  
Банди қилиб, зор йиглатиб иккингни,  
Қора кунлар солиб ҳайдаб кетарман,  
Оч кўзингни, томоша қил валини.

Аҳмадбек «авлиё»га қараб, бир сўз айтаяпти:

Авлиёсан, энди вақting хушини,  
Кўриб қолган Ҳасрат тоғнинг тошини.  
Галдирама, сандирама, эшиитдик,  
Шолғомдайин думалатай бошингни.  
Кўм-кўк қип бўзартай икки кўзингни,  
Дам ғанимат, айта бергин сўзингни,  
Сен келибсан ажалнинг бозорига,  
Банди қип оп кетай сенинг ўзингни.  
Ҳангамада яхши созман сўзники,  
Чалқиган кўл ўрдак билан ғозники,  
Сепу сирриқ узатгувчи қизники,  
Худойим ёр бўлса, арвоҳ қарашса,  
Алҳамдулло, энди навбат бизники.  
Қамбағаллик марднинг кўзин ўями,  
Яхши ердан юрса, оёқ тоями,  
Худойим қарашса, навбат бизники,  
Қўлингдан келганин қилгин, аяма.  
Назар айланг «авлиёнинг» ишига,

Ўлганларнинг қузғун қўнар гўшига,  
Фазабланиб Кўкча бадбаҳт ғурқираб,  
Чопиб келди Аҳмадбекнинг қошига.  
Бир оллони ёд этди,  
Аҳмадбек қиз ғайратди,  
Писанд қилмай шу Кўкча  
Найзасини узатди.  
Аҳмадбек маҳкам ушлаб,  
Найзасини тортиб оп,  
Авлиёга узатди.  
Шунда фирибгар Кўкча  
Найзасига рад бериб,  
Отидан тушиб кетди.  
Жони тиккалай чиқиб,  
Қиёмат бўлди деди.  
Кўринг, энди шул Кўкча  
Бақа тўнни салла қип,  
Балчиққа кириб кетди,  
Кўкчадайн авлиё,  
Шу бўлди каромати.  
Лашкар чувлаб суришди  
У ёқ-бу ёққа юришди,  
Асқар тов текисида,  
Бир-бирини қиришди.  
Қушдай учибди ҳайвон  
Ханжарни ярқиллатиб,  
От қўяди Аҳмаджон.  
Ушла дейшиб чувлашди.  
Қулоқ питкан, ғувлашди,  
Кўп одам шовқин солиб,  
Ҳамма бирдай дувлашди.  
Чол ўлгани бингиллаб,  
Оёқлари дингиллаб,  
Үқ келади зингиллаб,  
Юсуф билан Аҳмадбек  
От қўяди шердай бўп,  
Икковлари бирдай бўп  
Қатордаги нордай бўп,  
Ўмганлаб от қўяди,  
Ариллаган шердай бўп.  
Кўл олгувчи пирдай бўп,  
Елкалари қирдай бўп.  
Маст бўлгани бигиб ётири,  
Ушла, дейди сатта ботир,  
Шохли милтиқ патир-путур,

Үқ чиқиб майдон ичида.  
Юсуф, Аҳмад жонни сотди,  
Бир обло бериб ғайратди.  
Ҳар ёққа қоқ бўлиб ўтди,  
Ханжар сёрмаб Юсуф, Аҳмад,  
Каллаларни дўнгалатди,  
От қўйиб майдон ичида.  
Бошларни чопиб ташлаб,  
Икки бек вақтин хушлаб,  
Динг-динг этиб калласи,  
Тош билан тупроқни тишлаб,  
Маҳкам қилиб пўлат ханжар,  
Ялангочлаб қўлға ушлаб,  
Ёвнинг ичида қўрқоқлар,  
Вой ўлдим деб кўзин ёшлаб,  
Қиришиб майдон ичида,  
Суришиб майдон ичида.  
Дол бедовлар чопилди,  
Пўлат добиллар қоқилди,  
Қон ёмғирдай ўқ тўкилди,  
Душманнинг қадди букилди,  
Бежай катта уруш бўлди,  
Ғайрат қилиб бек Аҳмаджон,  
Душманга зўрлик қилди.  
Қўкчанинг эси шошди,  
Ўтдай бўлиб туташди,  
Пиёдаси мингашди,  
Роса уч кун ўтганда,  
Қириб қўйди бизни деб,  
Жон айлансиң тегма деб,  
Шер бўп келган душманлар,  
Мисрга қараб қочди.  
Улганлар қопдай ишди,  
Қалхатлар пастга тушди,  
Семизроғин тортишди,  
Оригини судрашди,  
Жон деганинг кўп ширин,  
Тизилишиб душманлар,  
Мисрга қараб қочди.  
Икки бек шукур айтди,  
Пирлар қип ҳимоятди,  
Бўридай бўп иккови,  
Шунча келган душманни  
Зингитиб қувиб кетди.  
Уликларни қанордай қип иширди,

Бузруклари тупрогига бош урди,  
Уч кеча-уч кундуз беклар савашиб,  
Асқар товдан Миср қараб ошири.  
Отларга қамчи чотди,  
Беклар қилиб ғайратди,  
**«Авлиё»нинг лашкари**  
Икки кўзи ёшланиб,  
Мисрга ҳайт, деб кетди.

Рози бўлди яратганинг ишига,  
Энди етар бўлди қариндошига,  
Тарафлардан ўчин олиб икки бек,  
Ўйнаб-кулиб чиқди товнинг бошига.  
Миниб келган Гўзалшоҳнинг отини,  
Ана кўрди тарафлар гайратини,  
Юрагида энди армон қолмади,  
Душманлардан олди беклар лотини.  
Юсуф билан Аҳмад ўғлон гаплашди,  
Қимматбаҳо молга хаёли қочди,  
Аста-аста тоғдан, нишобдан тушди,  
Бу моллардан олайн деб айтади,  
Келаётса Юсуф билан Аҳмадбек,  
Юлғун мия қимир-қимир этади.  
Аҳмадбек саллани маҳкам ўради,  
Муртини бармоғиман буради,  
Қимирлаган шул мияга<sup>1</sup> Аҳмадбек,  
Бўлиқ жойга аста тиклаб қаради.  
Топилди шу ердан дардин давоси,  
Қетар бўлди танасидан гуноси,  
Аҳмадбек шундайин тоза қараса,  
Писиб ётган Кўкча валий бобоси.

Ана, энди Юсуфбекка қараб, Аҳмадбек бир сўз айта-япти:

Олдига палов ташлайик,  
Ихлос қип вақтин хушлайик,  
Кўкчадайин авлиёни  
Ака, кел бўғиб ушлайик.  
Эшитинг, акажон, зорни,  
Қетказдим энди губорни,  
Валий бобом ётган экан,  
Берайлик энди назрни.  
Қобоқларни ўйнайлик<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Мия (юлғун мия) — ўт, ўсимлик.

<sup>2</sup> Уйлик.

«Авлиё»га тейинайик,  
Хўкиз, тойдан назир бериб,  
Кўкча бўлганди пайғамбар,  
Қароматли бобомизга  
Чин ихлосман суяниайик.  
Зиндонда тортдик оҳувой,  
Сарғайиб кетди ранги рўй,  
Валий Кўкча ётган экан,  
Ихлос қип ёпайик сарпой.  
Уйдирайик қобогини,  
Кўрсатма боғча, боғини,  
Чопиб ташла оёғини,  
Ушлаб олиб авлиёни  
Нақ берайик таёфини.  
Бизларга қараб ётибди,  
Вақтимизни хуш этди.  
Бошга түнни дастор қилиб,  
Хўп катта домла бўлиб,  
Авлиёлик даъво қилиб,  
Анчай ўзи ҳаво қилиб,  
Шутиб талтайиб ётибди.  
Яхши-яхши сўйлаб олгин,  
«Авлиё»ни пойлаб олгин.  
Паст ёғидан чиқиб келинг,  
Қароматини кўрайик,  
Чингиллатиб бойлаб олинг,  
Раҳм этманг, ака, ҳолига,  
Туғ кўтартамиз бошига,  
Олиб юр Урганч элига,  
Чақмоқ билан қув қиламиз,  
Жилдираган сув қиламиз,  
Олиб бориб Кўкча бекни  
Тиккалайн кўмиб ерга,  
Тепасига тув қўямиз.  
Юсуфбек яқинлаб етди,  
Кўкчабек қимиirlаб кетди,  
Авлиёни ушла дейишиб,  
Бекваччалар қувиб кетди.  
Кўкча бежай илдам экан,  
Ётган чоқда буриб кетди.  
Аҳмад билан бек Юсуфжон,  
Бежой чарчаб терлаб кетди,  
Кўйлакчан бўп ўзбак беклар  
Кўзларини қисиб олди,  
Қочоқ йўлин тўсиб олди.

Аччиғи қаттиқ кеп қолған,  
Құлни ёзіб Аҳмад ўғлон,  
Авлиёни босиб олди.

Ана, энди Юсуф билан Аҳмаджон Мирза Маҳмудни ўлдириб, юрагидан чер кетувди, Кўкчани ушлаб олгандан сўнг, шу энадан туғилган чақалоқлай еп-енгил бўлди. «Авлиё» Кўкчанинг тирсагининг баландидан бойлаб олди. Аҳмадбек:— Сен бақа тўнини лайлак уядай қип ўрамоқ-қа уста экансан, сени Урганчнинг баҳорикорига олиб бориб тошбақага мулла қиласман,— деди. Кўкча айтди:— Бу тошбақаси катта одам эканда чоги. Ўқитиб-ку уддасидан чиқаман. Аҳмадбек санаб етмиш қамчи бошига урди Кўкчанинг. Қалта биқин, пойи жувон, йўлда чарчамайдиган олтмиш беш отга қимматбаҳо моллардан, Кўкча лашкарининг хазина-дафинасини ортди. Ана энди жон ширин, Кўкча бечора Аҳмадбекнинг етагида етти кеча-етти кундуз йўл тортди. Ана, бир чашмазорга етди, отларини чалқин шуварга ҳайдаб, ўз фароғатини қилди. Ана шу ерда Юсуфбек Аҳмаджонга қараб, бир сўз айтаётган экан:

Отга ортдинг оқчасини,  
Урдинг ковуш миқласини,  
Каттакони, тўқласини,  
Еталадинг Кўкласини  
Қўйиб юборгин, Аҳмадбек.  
Етти йил зинданда ётдик,  
Мирза Маҳмудни ўлдириб  
Эсон-омон чиқиб қайтдик.  
Орқамиздан лашкар келди.  
Қириб-жуйиб обрў топиб.  
Валий бўлган Кўкласини  
Еталашиб олиб қайтдик,  
Муродимизга биз етдик.  
Ука, қўйгин Кўкча бекни,  
Улмайгина уйга етсин,  
Икковмизни мақтаб кетсин.  
Аҳмад, Юсуф мард экан деб  
Шоирликка қўшиб айтсин.  
Қирдинг коғир каттасини,  
Едик душман шаддасини,  
Банди қилиб молдай қилиб  
Еталадик каттасини,  
Зинҳор энди қўйгин, ука.  
Улмаса қадрдон бўлар,

Орқамиздан бориб келар,  
Энди сенга хизмат қилар,  
Бизлар билан ошно бўлар,  
Тайин ошно бўлгин, ука.  
Хуррам эди танда жоним,  
Ўртаганди устихоним,  
Узоқда мазгил-маконим,  
Кўкчани қўйиб юбор  
Кўлгинангдан, Аҳмаджоним.  
Кўлларини ечгин энди,  
Яхши гапириб бадбаҳтга,  
Оғзингдан дур сочгин энди.  
Уруш бўлса, Аҳмад укам,  
Ажал тўнин бичгин энди.  
Ёмонман ҳангама қилма,  
Насиҳатим қилгин, ука,  
Тайин олис қочгин энди,  
Юсуфбек оқсоқол бўлди,  
Кўлгинасин ечгин энди.

Аҳмадбек:— Ака, ҳали сен бу гаплардан бехабарсан. Лашкар етганда «менинг зўр, кучли худойим ҳам ўлдиради, ҳам тиргизади», деб эди, «Мен авлиёман», деб эди. Энди буни эсон-омон қўймайман, ҳов чўлларда нон бермай ҳайдагани эсингда йўқми. Тағи бунинг гўштидан пича пишириб емасам, юрагимнинг дарди ҳеч кетмайди,— деди. Шундай деб ширқ этказиб хинидан пичноқни суғуриб олди. Кўкча ўлдирап экан, деб қўрқиб қолди. Ҳурккан танадай<sup>1</sup> пишқириб, Кўкча бечора жуда қўрқиб турибди. Аҳмадбек қулоғининг баландидан пичноқни солди. Қассоб пўстдумбани айириб олгандай қилиб чаккасини гўшти билан ияигигача сидириб олди. Кўкчанинг чаккаси кунжут сепиб, посмола босган ердай ялтираб қолди. Қошдан пичноқни солди, бурни билан лабини ҳам кесиб олди. Худди калласи деҳқон эккан, қатиқ уютадиган кадига ўхшаб қолди. Кўкча ҳар пишқирайти, ҳеч бўлмайдиган. «Бор, нима қўрсанг, айта бер Гўзалшоҳ подшонгга»,— деб жўнатиб юборди. Кўкча уйтиб-буйтиб қирдан ошиб, қизил, ола қонга булашиб:— Ўзбакнинг ўпгани, түянинг тепгани ёмон бўлар экан, деб эшитар эдик, рост экан. Бу қулай бўлди, одамлар телпакни ҳаккари қип кийса, бизлар бостириб жаббори қип киямиз, қулоғим йўқлигини ким билади. Гўзалшоҳнинг олдида қуянжириқдан бир кам қирқта, биз

<sup>1</sup> Бузоқ.

билан қирқта бўлади. Гўзалшоҳнинг ўрдасига кираман, ойимларга косагул бўламан, ҳеч ким мендан гумон қилмайди, овқатгинам сийли бўлди,— деди.

Тош ёрган ўтни яраларига тортиб, қонини тўхтатиб олиб, Мисрга қараб кетди. Гўзалшоҳ подшонинг олдига етди. Гўзалшоҳ шундай қараса, Кўкча аридай ғўнгираб қолибди, ҳеч гапига тушуниб бўлмайди. «Эсонликка шукур қилмоқ даркор, Кўкчадай катта одам ана шуйтиб ғўнгираб қолибди».

Ана, энди сўёни Юсуф билан Аҳмадбекдан эшиитмоқ керак:

Шукур қилиб икки бек,  
Миниб олди отини,  
Нони насва узилиб,  
Мирза Маҳмуд, Кўкчадан  
Беклар олди лотини.  
Кўрди Миср элини,  
Сўйлатади тилини,  
Ҳасрат товда уришиб,  
Улжа қилиб икки бек,  
Тарафларнинг молини.  
Юраклари қайнади,  
Минган оти ўйнади,  
Улжа молни икки бек  
Тинмай даштда ҳайдади.  
Келарда яёв ўтди,  
Доим ҳақни ёд этди,  
Эсон қул шундай экан  
Отли, анжомли бўлиб,  
Юсуф билан Аҳмаджон  
Урганч шаҳрига қайтди.  
Қиши, баҳорни ёзлайди,  
Ҳангама қип сўзлайди,  
Урганч элининг беги,  
Қариндошин излайди.  
Қалма айтиб тилига,  
Доим отнинг белига,  
Чув-ҳа, дейишиб жўнашиб,  
Кийик юрган чўлига.  
Бир-бирига жавоб қип,  
Тоат қилиб, савоб қип,  
Оч қолганда икки бек  
Олқор отиб кавоб қип,

Тинмай отни елади.  
Аҳмад лодон болади,  
Кўп соғинган элини,  
Эсон-омон кўрсак деб  
Отнинг жонин олади,  
Ўлжаларин ҳайдариб,  
Чув-ҳа, чув, деб келади.  
Катта денгизда қундуз,  
Ярқирар кўкда юлдуз,  
Қистай берди икки бек  
Ҳам кечаю, ҳам кундуз.  
Тинмай ҳайдаб йўл тортди,  
Чўлда қип қаноатди,  
Юра-юра икки бек  
Неча товлардан ўтди.  
Айни беш ой деганда  
Асқар товиға етди.  
Қариндошни соғинган,  
Отларини тепинган,  
Тирик айрилган кўп ёмои,  
Ўтдай бўлиб қобинган.  
Юрди товнинг бошига,  
Кўнган худой ишига,  
Юра-юра икки бек  
Келиб қолди Гургон дарё бошига.

Ана, энди Юсуфжон элга келганга ўхшаб, Гургоннинг дарёси оппоқ кўпикланиб, лойқаланиб, хонасидан ошиб келаяпти, жуда пирқиллаб тошиб келаяпти. Юсуфбекнинг Гургон дарёсига қараб бир сўз айтиётгани:

Келасан Асқар тоғидан,  
Ўтасан Ирам боғидан,  
Кел-е, отим туёғидан,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси,  
Зиндон сарғайтди юзимни,  
Сувларинг солди ваҳимни,  
Йўл бергин, ўзим ўтайин  
Кўрайин қиблагоҳимни,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Бошларингдан бойлатарман,  
Устингдан от иргитарман,  
Балиқларинг чиритарман.  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Банд қип қўяй бошларингни,

Билиб қилай ишларингни,  
Кўрсат менга тошларингни,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Борган жойинг бўлар обод,  
Қурисанг, бўлар қиёмат,  
Устингга кеп Юсуф, Аҳмад,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Бизни душман банди қилди,  
От олдига яёв солди,  
Банди бек устингга келди,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Уқ отарман қувларингга,  
Оппоқ бўлган сувларингга,  
Дуо қилай ўзим сенга,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Ўзим сендан ғазаблансанам,  
Оққан сувинг қуриб қолар,  
Жондорларинг чириб қолар.  
Икки бекка қарғиш бўлар,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Деҳқонлар маст бўлиб ётар,  
Ариқ олиб ўзгинангдан.  
Ҳар турли дон кўкартириб,  
Меҳнат қилган маст бўп кетар.  
Сувсаган кеп сувга тўйиб,  
Ўзинг билан дўст бўп кетар,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.  
Қулоқ сол, дарё, тилима,  
Кўп юрдим сувсиз чўлима,  
Ўлмайин олдинга келдим,  
Раҳм айланглар бул ҳолима,  
Йўл бер, Гургоннинг дарёси.

Ана, энди дарё тўлиқсиб, тоғдай бўлиб, юқориси юқорига қайтди, этаги этагига жимиийиб, йўқ бўлиб кетди. Беклар отининг туёққинаси тошга шақирлаб тегиб эсономон дарёдан ўтди. Беклар ўтган сўнг, икки сув қўшилиб, мавж уриб, жўш-жўш деб оқиб кетди. Беклар йўл тортди, пичагина юриб, сой-сой тўлган суякка етди. Айтди:

— Ҳу, ака, бизлардан ҳам бошқа эрлар, зўрлар бор экан, мана суяклар қандай одамнинг суяги экан, Аширбек сардор орқасидан стган, қирқ кеча-қирқ кундуз урушган ўн йигит дунёдан ўтган, ёрма-ёрганина гўр қилиб, оқ алам, қизил алам, кўк алам бошларига тикиб, ўқ теккан қулондай бўлиб, чинқириб, Урганчга қайтган. Аҳмадбек

**Баччароқ экан, күнглидан чиққан экан, Юсуфбек тұғлар-  
ни күриб, Аҳмаджонга қараб, бир сүз айтаяпти:**

Бадбаҳт Мирза Маҳмуд мунда келганди,  
Күп құллуқ деб яхши хизмат қилганди,  
Фириб билан кетиб Урганч шаҳридан,  
Күп лашкар оп орқамиздан келганди,  
Хөвдак күлда бизни банди қилганди,  
Шу ерга оп келиб бойлаб қўйганди,  
Орқамиздан қирқ йигитлар келганди,  
Қун қиёмат бўлган жойга етишдик.  
Шу ерда қирқ йигит беклар етишли,  
Ҳай аттанг-а, дардим дардга улашди,  
Қирқ кеча-қирқ кундуз тинмай урушди,  
Тиззасидан мингандар отлар қон кечди,  
Душман кўп, бул бекларнинг ақли шошиди,  
Гуллар ҳазон бўлган жойга етишдик.  
Аширбекдай тоғам шу ерга келди,  
Қескир ҳанжарини қўлига олди.  
Душманларман тинмай ўзи уришиб,  
Шу ерда ўн йигит майдонда ўлди,  
Беклар шаҳид бўлган жойга етишдик.  
Иифлади бизлар деб ҳаққа зор-зор,  
Гаплашмакка бўлиб туриб интизор,  
Тинмай санчиб душманларнинг зўрини,  
Аширбекдай тоғам бўлди ярадор,  
Иифлагаб турган жойга келдик, Аҳмаджон.  
Гузимни ҳақлашиб кўп ғайрат қилди,  
Бу ишлар, чирогим, обладан бўлди,  
Тинмай қирқ қун душманларман чопишиб,  
Даф қилолмай бундан келган душманни  
Қирқ йигит оҳ тортиб хўрсиниб қолди,  
Беклар шаҳид бўлган жойга етишдик.  
Ўлмай тушди Юсуфбекнинг гузари,  
Ло-илоҳа, қудратингга ҳазори,  
Анав турган ўн йигитнинг мозори,  
Беклар тупроқ бўлган жойга етишдик.  
Саража қип беклар Урганч қайтиби,  
Ўлимнинг ҳанжари бағрим йиртиби,  
Бошларига оқ аламлар кўтариб,  
Қадрдан бекларим ғариб ётиби,  
Зор йиғлашган жойга келдик, укажон.  
Орқамиздан келиб бари от солган,  
Бизлар учун жонин фидолар қилган,  
Бизларни деб ўнта йигитим ўлган,

Гуччоқларим ўлган жойга етишдик.  
Қулоқ қўйди сўзин ёлғон-росига,  
Қирғин солган Ҳасрат тофнинг пасига,  
Во оғам, деб йиғлай берди Аҳмадбек,  
Қадрдан беклари тушди эсига.  
Қайтайнин, юраклар бўлиб тўла қон,  
Элни кезиб бўлиб келганди сарсон,  
Вой акам, деб ўпкасини босолмай,  
Оғам деб майиблардай Аҳмаджон.  
Ҳай аттанг, деб банди бувним бўшади,  
Қадрдонлик ёмон, суяқ шовшади,  
Дунё қурсин дейишиб, бўзлаб йиғлашиб,  
Икки бек отлардан ўзин ташлади.  
Эсига тушибди айтган сўзлари,  
Хаёлида тўхтаб қошу юзлари,  
Мозоратин қучоқлашиб йиғлади.

Ана, энди беклар отдан тушиб, қоши кўзи, ширин сўзи  
кўнглига келиб, бир сўз айтаверди Юсуфбек:

Бизни қўйиб, ҳузурида ётганлар,  
Охиратга сафар қилиб кетганлар.  
Бизларни деб бу дунёдан ўтганлар,  
Бекларим, қўлингдан, қурбон бўлайин.  
Шаҳид бўлиб жаннатдан гул терганлар,  
Ҳақ йўлида қора бошин берганлар,  
Ёвга чопиб қора ерга кирганлар,  
Дўстларим, жонингга қурбон бўлайин.  
Ёвга чопиб, ишгинасин биткариб,  
Хонзодасин Миср қараб кетказиб,  
Бошларига оқ аламлар кўтариб,  
Дўстларим, бўйингдан қурбон бўлайин.  
Душманларга чўх савдони солганлар,  
Рустамнинг майдонин мунда қилганлар,  
Бизларни деб ёвни чопиб ўлганлар,  
Бу дунёдан бари маҳрум бўлганлар,  
Шаҳид бўлиб кенг жаннатга кирганлар,  
Зотингдан, бекларим, қурбон бўлайин.  
Сийлаб-сийлаб тарафини санчганлар,  
Душманларга кафан тўнин бичганлар,  
Ҳузур кўриб филмонларни қучганлар,  
Бекларим, жонингга қурбон бўлайин.  
Бизларни деб душманлардан қасд бўлган,  
Баракалло, беклар йўли рост бўлган,  
Биродар, қўлингдан қурбон бўлайин...  
Ҳақладинглар менинг берган тузимни,

Келганимда эшитмадим сўзингни,  
Жаннатда кўрарман, беклар, ўзингни,  
Руҳингдан, бекларим, қурбон бўлайин.

Бўз тупроқни бекбаччалар силайди,  
Бекларни соғинган, сўзни улайди,  
Бекларни деб ўлган ўнта дўстининг  
Мозоратин қучоқлашиб жилайди.  
Бошларига жаннати деб хат қилди,  
Бовримлашиб бежойин кўп ёд қилди,  
Келайин деб Дин Хоразм юртига,  
Хафа бўлди дунёning ҳасратига,  
Бекларнинг арвоҳини рози қип,  
Улжа молни ҳайдаб Юсуф, Аҳмаджон,  
Жўнар бўлди энди ўсган юртига.  
Салом бергандайин бўлиб ўн йигит  
Қадрдонлик қийин экан, ёронлар,  
Икки кўзи термилади ортига.  
Индамай ичканда юрак мойрилиб,  
Лойқа ерда оёқ кетар тойрилиб,  
Юсуф билан Аҳмад кетди элига,  
Бирга юрган ўнта бекдан айрилиб,  
Бораётир бўйни ортга қайрилиб.

Юсуфбек элига кетаётганда, йўлда Аҳмаджонга бир сўз айтиб бораяпти:

Шукур ҳақнинг даргоҳига  
Аҳмад иним, йўлда бўлдик,  
Орқамиздан келди душман,  
Ҳасрат товда ғазот қилдик.  
Душманларни қўйдай қириб,  
Балолардан соқит бўлдик.  
Кўкчасини банди қилиб,  
Улдирмайин озод қилдик.  
Оч кўзингни, укажоним,  
Эл, элатга яқин келдик.  
Икковимиз ўлдик дейишдик,  
Тоғлардан пиёда ошдик,  
От олдига яёв тушдик,  
Улимга яқин етишдик,  
Шукур ҳақнинг даргоҳига  
Ўлмайин элга кеп қолдик.  
Чўл титрайди нолишига.

Кўйлаги ҳўлдир ёшига,  
Банди қилиб Кўкча бадбаҳт  
Тўғри қип подшо қошига,  
Подшоман ҳамсуҳбат бўлдик.  
Шукур қилгин худойимга,  
Полопон товга кеп қолдик.  
Гўзалшоҳ кўп сўзлар айтди.  
Сенсан акангнинг давлати,  
Аччиғланиб Юсуф оғанг  
Подшога чакки сўз айтди,  
Шундайин ёмон кун ўтди,  
Бу ишлар ҳақнинг қудрати,  
Баданингдан қувват кетди,  
Гўзалшоҳ ўлтиргин деди,  
Бизни жаллодга ҳайдатди.  
Ёмон кунлар ўтиб кетди,  
Душман қанотин қайирди,  
Банди қип элдан айирди,  
Гўзалподшо икковимизни  
Дорман минорга буюрди.  
Пирларни аканг ёд этди,  
Пирим минорни йиқитди,  
У кунлар ёмон кун эди,  
Йигламагин ўтиб кетди.  
Миср элнинг шаҳарида  
Душман битган йигилишиб,  
Икковимизни тошга тутди,  
Тош отганлар ўлиб кетди,  
Иложимиз тополмайин,  
Тор зинданга ташлаб кетди  
Тушган кунлар ўтиб кетди,  
Обрў берсин Сайд ота,  
Қилган ишимиз бўп хато,  
Устод бўлди Қамбар ота,  
Ётган кунлар ўтиб кетди.  
Хўп ўтиб кетди қишу ёз,  
Аканг айтади сенга сўз.  
Кўйлак, иштон оп кеп берди.  
Сингил бўлди Биби Ниёз.  
Шукур қилдик худойима,  
Қамбардай дуогўйима,  
Юракдан кетдивойима,  
Дадил бўлгин, Аҳмаджоним,  
Яқинлаб қолдик уйима.  
Чалдик паррадан созини,

Арчадан оп овозини,  
Ҳамза зиндонбон қизини,  
Ошно қип олдик ўзини,  
Чертган кунлар ўтиб кетди.  
Қоракўзга сўзлар айтдик,  
Қутуришиб маст бўп ётдик,  
Қатиғу нонни кўп еб,  
Чиқиб туриб қирқ кун ётдик,  
Боққан кунлар ўтиб кетди.  
Укажон, элга қайтишдик,  
Ғамнинг чангига ботишдик,  
Олиб борди Гўзалподшо  
Гурри-гурри одам келди,  
Қўкча билан айтишдик,  
Айтган кунлар ўтиб кетди.  
Хўп ўҳшатиб созни чалдик,  
Подшосин бежай маст қилдик.  
Миср элин қойил қилиб,  
Отам Қамбар бобомизни,  
Хўп хушлашиб рози қилдик,  
Турган кунлар ўтиб кетди.  
Икковимиз эсон қайтдик,  
Қоракўзга кўп сўз айтдик,  
Буви Ниёзни бўзлатдик,  
Мирза Маҳмуд бадбахтини,  
Қалласини юлиб қайтдик.  
Кўзагинасин синдириб,  
Ойниҳолман ошно бўлиб,  
Боли Ҳасрат тоқقا етдик.  
Кўкча билан майдон қилиб,  
Шунча ўлжа олиб қайтдик.  
Диморинг чоф бўлсин, ука,  
Энди Урганч элга етдик,  
Олмос ханжарлар дастига,  
Қулоқ сонг сўзнинг ростига,  
Ҳима-ҳим деб бек Аҳмад,  
Чиқди Полопон устига.

Ана, энди Урганч эллари, Дин Хоразм шаҳри, Ҳовдак кўли, кўм-кўк бўлиб дарахти, гулшан боғлари, тўрам деб орқасида телмириб қолган Гуласал ёри, Қалдирғоч жигари, Лаълихон энайи ғамхўри, Афсар дев сифатли Аширбек тоғаси, Урганчнинг подшоси Эралихон — ҳам қайнотаси, ҳам отаси, қирқ йигит биродарлари, ёру жўралари, қадрдан дўстлари, хотинининг канизлари, болдан ширин

сўзлари өсига тушиб, Юсуфбек Аҳмаджонга бир сўз айтаяпти:

Урганч шаҳри қадимгидаи ермикан,  
Доно худо сенга раҳм ермикан,  
Йиғлаб қолган Лаълихондай энамиз,  
Дуогўйим Қалдирғочдай синглимиз,  
Эралихон улуғ подшо бормикан?  
Ўзимнинг кўп номус билан бул орим,  
Дутор чертсан, кетар юракдан черим,  
Зиндонда ариган манглайдан шўrim,  
Эсон бўлса Аширбекдай сардорим,  
Ўлмайгина юрса ўттиз бекларим,  
Қадирдон беклар, биродар, бормикан?!  
Бормагин деб бизларга сазо қилган,  
Саҳар чоғи бўз қарчиғай олган,  
Борманг деб ранги гулдайин сўлган,  
Дод деб ишқимда ўтларга тушган,  
Йиғлай-йиғлай ҳисобидан адашган,  
Гуласалдай қаллиққинам бормикан?!  
Асалдан шириндир айтса сўзлари,  
Бежай если эди, ўзи-ўзлари,  
Омонмикан Гуласалдай қизлари,  
Бормикан Урганчда қадрдонлари?!  
Худоё, кетган-да энди воҳимлар,  
Гапирганда если сўзни фаҳмлар,  
Бормиканди сатта хушвақт ойимлар?!  
Худога етгай-да, чироғим зор-а,  
Бировлар азиздир, бировлар хор-а,  
Хоразмда қариндошлар, фуқаро  
Кўз кўрганлар, халойиқлар бормикан?  
Қаторда маст бўлган норча, лўкларим,  
Тўйлар қилиб кетгай менинг доғларим,  
Бормиканди гул очилган боғларим,  
Эсон юрса, сарпой кийган бекларим,  
Вафобек, Жафобек элда бормикан?!  
Қўлимда чулдирар созим,  
Қарайди Урганчга кўзим,  
Үрдада борми азизим,  
Товда бўлса семиз қўзим,  
Бориб қолсан Урганч элга,  
Аҳмаджоним, тўйлар лозим.  
Қуш солувдик Ҳовдак кўлга,  
Тўхтаб қолди катта белга,

Келганимизни әл билса,  
Суюнчи деб қарап қўлга.

Ана, энди иккови аста-секин товдан ошиб, әлга яқинлаб тушиб, ўлжа молларни ҳайдаб келаётир бир дўнгдан ошиб. Дўнгдан ошиб келаётса, уч юзча одам келаяпти тизилишиб, гуруҳ-гуруҳ, гуррос-гуррос бўлиб келаяпти, ганаси чоловор-шимиши кийиб олган, ганаси эгарни устига қўйиб олган, бир хили чоппа-чоқ бўлиб отнинг жиловини туғиб олган. Бир хиллари отини йўнатган, бир хиллари жункайиб кетган хом чопилган, бир хили жуда чарчаб қолибди, селданак отган, ганаси отни носоз эгарлаб жабр этган. Аҳмадбек Юсуфбекка айтди: — Булар ким?

— Э, сўраб нима қиласан буларни, чирофим,— деди Юсуфбек. Аҳмадбек айтди: — Айтақолсангиз қайтади? Юсуфбек айтди: — Шамолли куни чақирма, довушинг зое кетади. Булар: бойвачча, беквачча, чавандоз, тентаги ҳам бор буларнинг ичида, жентаги ҳам бор.

— Э ака, мен бориб шулардан кимнинг тўйи бор экан, тўйнинг эгасини сўраб оламан, — деди Аҳмадбек.

Юсуфбек қўй-қўй деб қолди, Аҳмадбек бориб шулардан сўз сўрамоқчи бўлди. Аҳмадбек салласини ўраб, чўлдаги отлиларга қараб, бир сўз айтаяпти:

Ола шимлар тор бўлмасин мўл бўлсин,  
Сўз бергувчи оғизларда тил бўлсин,  
От ўйнатиб келаётган оғалар,  
Сатти катта бойваччалар, йўл бўлсин?  
Маст бўлгани Урганчдайин эл бўлсин,  
Отларингга ярашгани ёл бўлсин,  
Чоловор кийиб чоппа-чоқ бўп борасан,  
Сандирашган қариндошлар, йўл бўлсин?..  
Маст бўлгани Урганчдайин эл бўлсин,  
Отларингга ярашгани ёл бўлсин,  
Чоловор кийиб чоппа-чоқ бўп борасан,  
Сандирашган қариндошлар, йўл бўлсин?..  
Жун айил қирқади отинг тўшини,  
Қип-қизил қон қилдим товнинг тошини,  
Ноиттифоқ, журинқасизлар йўл бўлсин,  
Бирор фасл тўхтат отнинг бошини,  
Қўпкари чопганинг катта чел бўлсин,  
Булбул ишқибози боғда гул бўлсин,  
Уз бошингга ноиттифоқ сўзлайсан,  
Сатта бирдай бесёнақай йўл бўлсин?  
Бўшолмасин деб салламни ўрайман,

Узангига оёғимни тирайман,  
Қаттаконлар, тўхтат отнинг жиловин,  
Урганч элда тўй қилганни сўрайман,  
Қорни роса тўйган беклар, йўл бўлсин?  
Яхши отга ярашган тилла тўқалар,  
Эси кўп одам қишлоғин эгаллар,  
Урганч элда тўй қилганни айтинглар,  
От жиловин пича сақланг, оғалар,  
Қанотини ёзган беклар, йўл бўлсин?  
Келаётган одам, биламан, анча,  
Санадим одами бордир уч юзча,  
Бозинг катта, бир нечанг, билдим, бачча,  
Чакмон кийган чавандозлар, йўл бўлсин,  
От бошини тутган сатта беквачча.

Бирори айтади «солимдай тек туриб бермаса Нодир-бекни чопмоқ керак», дейди.

Журтанглашиб ҳайдай бердинг отингни,  
Ҳеч айтмайсан, тухминг қурфур, зотингни,  
Зиёд қип қўярман мен ҳасратингни,  
Йўл бўлсин, отни йўртган тентаклар,  
Жавоб бергин, баринг тўхтат отингни,  
Гапи чакки, bemазалар, йўл бўлсин?

Битта ўтағаси, эл тоғаси: — Тўхта-тўхта ҳамманг, — деди.

— Ҳа, нима дейсан, вақтли кўпкари чиқиб кетди, ҳайдада, кўзинг чанғароқлама энди, — деди. — Мана, бир одамнинг бизга тумшуғи қимиirlайди, — деди. Аҳмадбек ҳам аччиғланиб, барини отдан ағдариб кетавермакчи эди, жавоб бермагандан кейин, ҳалиги каттакони чавандозларнинг ҳаммасини тўхтатди. Юсуф билан Аҳмадбек етди: отининг абзали ҳам қоп-қора келган, қўллари ҳам қоп-қора, бари бошига кўк салла ўраган, Дин Хоразмга қараб ўтиб кетаверди тўп-тўп. — Э, Юсуф оға, булар ким? — деди.

— Э, сўраб қайтасан, булар ўлимнинг доғини кўп кўрган одамлар, — деди.

Чавандознинг бири айтди: — Мановнинг бели дўмпаяди, бир нарсаси борга ўхшайди. Ҳалиги катта одам айтди: — Яхши йигитлар, чавандознинг гапи ноиттироқ бўлади, ўпкаламангизлар. Бирори қўлим деса, бирори белим дейди, чавандознинг бари ҳар ёққа қараб гапиради. У белингиздаги нима?

Юсуфбек: — Дутор, — деди. — Ким бўласизлар, — деди. — Бизлар созанда бўламиз, аччиғимиз келса, қип-қизил газанда бўламиз, — деди.

— Беш-олти оғиз айтиб беринг эмаса, — деди.

— Сизлар қаёққа борасизлар, — деди. Ҳалиги катта-кон айтди:

— Э жўра, Урганчда Нодирбек подшонинг тўйи бор эди. Аҳмад, Юсуф деган икки бекваччамиз бор эди. Иккёви Мисрда ўлган. Аҳмадбекнинг хотинини Нодирбек Ойхон подшонинг ўғлига берган. Ана тўйига борсанг, бизлар билан юр, янгигина ўтиб кетганлар Юсуф билан Аҳмаднинг қариндоши эди. Ош еб, тўйиб ётаман десанг, Дин Хоразмга худойига бор, бирор нарса оламан десанг бизлар билан Нодирбекнинг тўйига бор. Бизларга беш-олти оғиз айтиб бер. Ана, Юсуфбек дуторни чалиб, чавандозларга бир сўз айтаяпти:

Нодирбек келибди янги куёвга,  
Қўп гап келди шоирларнинг уйига,  
Ош деганда чала куйганлар борар,  
Бизни оборинг Нодирбекнинг тўйига.  
Ошга борсак, гала куйган жийилар,  
Бовримлашиб тўп-тўп бўлиб уюлар,  
Йифлаганин кўриб кўкат қийилар,  
Ош азали, юринг тўйига борамиз.  
Во болам, деб Лаълихон шўр соч ёйиб,  
Гул Қалдирғоч келар кўкини кийиб,  
Қўргандан кай биз қоламиз мунғайиб,  
Юринглар, қариндош тўйига борамиз.  
Вои тўрам, деб Асал сочини ёйиб,  
Тириклийин қора кўйлаклар кийиб,  
Во кўзим деб, йифлагаб бетини сўйиб,  
Чавандозлар, юринг тўйига борамиз.  
Бағри куйган Хоразмдан кўп бўлар,  
Бир-бирига йифлагани гап бўлар,  
Ёмонларнинг пойлагани гап бўлар,  
Юринглар, чавандоз, тўйига борамиз.  
Қўрмакка бўлганмиз бизлар интизор.  
Доно мавлон бўлгай ҳаммага раҳбар,  
Ошга борсанг, гала куйган дод дер,  
Хушвақтчилик жойга юринг, жўралар,  
Ўлим кўрганларга кўпdir жафолар,  
Сира йўқдир бу дунёда вафолар.  
Ошда йифлайверса тоқатим кетар,  
Созандани тўйига бошланг, акалар.

Иифлаганга гумбурлаб элнинг даши,  
Қиёматдай мард йигитнинг уруши,  
Хоразмдан келар соп қариндоши,  
Созандани тўйга бошланг, ишбоши.  
Қариндошлар келар унинг юртига,  
Чидамаймиз уларнинг ҳасратига,  
Омин деб фотиҳа тортар бетига,  
Жўралар, бошланглар тўйга борамиз.  
Тобора бадавлат келар сийига,  
Ёмонларни қўйиб солар ройига,  
Созандани тўйга бошланг, жўралар,  
Олиб боринг Нодирбекнинг тўйига.  
Оллонинг ишини энди қайтайик,  
Кечасиман бориб дутор чертайик,  
Ўйнаб-кулган жойга бориб айтайик,  
Бирор нарса тўйдан олиб қайтайик,  
Бошланг бизни катта одамнинг тўйига.  
Уруш куни баданларни яралар,  
Юрагимиз бўлиби садпоралар,  
Унумли, жойли бўлса бизлар борамиз,  
Созандани тўйга оббор, жўралар,  
Ош азали, юринг тўйга борамиз.  
Бекларнинг арвоҳи дуо тилайди,  
Асал ёри зулфгинасин силайди,  
Шундай жойга бориб ётса қалайди,  
Ош хафалик, юринг тўйга борамиз.  
Қанқиллатиб созимизни чертамиз,  
Бизлар тобда, тўйда яхши айтамиз,  
Хўп томоша бериб биз одамларга,  
Эрта билан тўйдан чиқиб кетамиз,  
Юринг энди Нодирбекнинг тўйига.  
Шоирлик қип ҳар шаҳарни кўрамиз,  
Насва тортган ерда оқшом турамиз.  
Кечасиман гўй тортиб ҳангираймиз,  
Ош деган жой бўлар қўнгил қоралик,  
Отни ҳайданг, катта тўйга борамиз.

Ҳалигиларнинг биттаси айтди: — Мен ўзим олиб кетаман. Меҳмонхонага олиб бориб ухлатман, кечаси билан айттирамиз, элни йигамиз, калла бошга ўн пулдан солиқ соламиз, катта ҳангама қиласмиз, Нодирбекнинг берганини ўзимиз ҳам берамиз, — деди. Ҳалиги каттакони айтди: — Менинг отим Холмат. Бирори айтди: — Менинг отим Алмат. Тўйдан чиқиб бизларникига сўраб бор, сўраб бор, — деб жиловни буриб, ҳаммаси тўп бўлиб, тўйга кетаверди.

Юсуф билан Аҳмадбек ҳам жүнаётиб әди, орқасидан уч одам етди. Иккови аза кийим устида. Аширбекнинг ўғли Вафобекка, қариндоши Жафобекка Ойхон подшо оқсоқол қўйиб әди. Икки кам қирқ кундан бери қатнай-қатнай буларни тўйига олиб келаётувди. Оқсоқол одам тинимастовроқ бўлади, йўловчиларга қараб, бир сўз айтар экан. Ана, бу бандибоя оқсоқолнинг Юсуф билан Аҳмадбекка айтаётган сўзи:

Кўлингда ўткир қамчилар,  
Урушда қонлар томчилар.  
Яхши одамга ўхшайсиз,  
От ҳайдаган йўловчилар.  
Гулдай тоза сиёқларинг,  
Хафадайнин қабоқларинг,  
Подшога ўхшар келбатинг,  
Айтгин менга йўловчилар.  
Гапир, эшитай тилингни,  
Турпоқ қип юрган йўлингни,  
Икки бирдай яхши йигит,  
Айтинглар менга элингни.  
Бир иш бошида бўласиз,  
Юрган ерингиз даласиз,  
Мол ҳайдаган қонли йигит,  
Қайси шаҳардан келасиз,  
Айт йўловчи элларингни?!  
Отларга қамчи чотибсиз,  
Улкан товлардан ўтибсиз,  
Қўнглингизни қабартибсиз,  
Айтгин келган элларингни.  
Танангда кўпdir имонлар,  
Баданга сифмайди жонлар,  
Менга айтгин қишлоғингни,  
Мунда келган сиз меҳмонлар.  
Таниш бўлинг бизинг билан,  
Қўй иярар қўзи билан,  
Кулиб гапиринг, меҳмонлар,  
Гаплашайин сизинг билан,  
Айтгин менга жойларингни,  
Хабар бергин элларингни.  
Хоразм шаҳрига ўтгин,  
Молинг сотиб элга қайтгин,  
Анов дўмпайган нарсангни,  
Йўловчилар менга айтгин,  
Хабар бергин йўлларингдан.

Тўғри ўзбак, ўзим — содда,  
Юрагимда борди мадда,  
Йўловчилар, рост гапиринг,  
Мен ўзим Урганчга катта.  
Сўзлар бергин тилларингдан,  
Хабар олай ҳолларингдан,  
Чиқаринглар, ўзим кўрай  
Чиқариб бер белларингдан.  
Созчимисан, сўзчимисан,  
Бозингар савдогармисан,  
Айта бергин тилларингдан.

Юсуфбек астагина Аҳмадбекка айтди: — Сен айтасанми, мен айтаманми? — Ош каттадан, сўз каттадан, — деди Аҳмадбек. Ана, Юсуфбек қўлига созини олиб, чангиллатиб чалиб, Бангибой оқсоқолга айтаётган сўзи:

Ҳар шаҳарда юрган бизлар шоирмиз,  
Жўшимиз келганда сўйлар тойирмиз,  
Файратимиз келса бизлар файирмиз,  
Файри юртдан келган бизлар созанда,  
Оч қолсак, икки кўзимиз қозонда,  
Қулогимиз мачитдаги аzonда,  
Ўзимиз сўрасанг, катта газанда,  
Бир подшо юртидан келган созанда,  
Шошмай турсанг кўп ишларни қиламиш,  
Қари эмас, бизлар йигит боламиш.  
Қаҳрлансанак, ҳар ишни ҳам қиламиш,  
Оша юртдан келган бизлар созанда,  
Икковимиз катта шоир бўламиш.  
Кўп гап чиқар бу шоирнинг тилидан,  
Хабар олсанк ғарибларнинг ҳолидан,  
Сўз айтмоқлик икковимизга меросди,  
Бизлар келдик Гўзалшоҳнинг элидан,  
Миср юртдан келган бизлар созанда,  
Қарчиғай чуйганди Ҳовдак кўлига,  
Оллоҳим етқарсинг ёвнинг мўлига,  
Бир вақтларда бизлар катта одаммиз,  
Сўз айтгич бўп келдик Урганч элига,  
Бир шаҳардан келган бизлар созанда.  
Қаерда тўй бўлса, бориб айтамиш,  
Кечасиман хўп гаплашиб ётамиш,  
Чулдиратиб дуторимни чертамиш,  
Бизлар нарса берса олиб кетамиш,  
Олтойчалик йўлдан келган шоирмиз.

Отни минган пича товдан ошарми,  
Эшигтаннинг ақллари шошарми,  
Қишлоғида бизлар айтсак, оқсоқол,  
Айтган сўзимизга элинг чушарми<sup>1</sup>,  
Узоқ юртдан келган бизлар созанда.  
Иигитларинг ҳангама қип юрарми,  
Ашула, шоирни яхши кўрарми,  
Иифин жойда бизлар айтсак гўй тортиб,  
Үзбак бўлса айтган сўзга чушарми,  
Қўшиқ айтсак, бирор нарса берарми.  
Шоир ўзбаклар элида юради,  
Эр киши охири даврон суради,  
Ўзбак бўлса кўп нарсалар беради,  
Созандага яхши шафқат қиласди.

Ҳалиги Бангибой оқсоқол айтди: — Бўлди-бўлди, булар  
катта шоир экан. Буларни тўйга олиб борамиз,—деди.  
Вафобекман Жафобекка, әна энди созандаларга Бангибой  
бир сўз айтаяпти:

Элимиз сендан пармонди,  
Ёд этиб эгам раҳмонни,  
Тўйда сизларни айттириб,  
Тўй эгаси Нодирбекдан  
Оп бераман катта тўнни.  
Тортибсан иккинг оҳувой,  
Мададкоринг бўлсин худой.  
Оқсоқол отим — Бангибой,  
Бизлар билан юринг тўйга,  
Нодирбек элнинг каттаси  
Сизга берар катта сарпой.  
Юринг гуллар нахши бўлса,  
Овлоқ чўлнинг даши бўлса,  
Товнинг кўм-кўк тоши бўлса,  
Нодирбек бир катта одам,  
Туя билан байтал берар,  
Айтган сўзинг яхши бўлса,  
Одамлар ҳам кўп пул берар,  
Ўзингман ошно бўп қолар,  
Яхши меҳмонхоналарда  
Соз черттириб сўз айттириб,  
Елкангизга чопон солар,  
Сўзингиз элатга ёқса,

---

<sup>1</sup> Тушунарми.

Кўп қадрдан дўст бўп қолар.  
Бизнинг билан юринг тўйга,  
Киргизайн яхши уйга,  
Олдингга дастурхон ёзиб,  
Ичингни тўлдирай мойга.  
Мен ўзим катта оқсоқол.  
Юринг, шоир, Урганч жойга.

— Нодирбекнинг тўйда айтганим-айтган, деганим-деган, мен одамларни кутиб, қўй лозимиға қўй бераман, улоқ лозимиға улоқ бераман, тўн лозимиға тўн бераман, жуда катта оқсоқол бўламан. Мен билан борсанглар, сизларни жуда катта меҳмон қиласман, — деди. Беклар: — Хайр эса, — деди. Оқсоқол айтди:

— Мен буларга жой тахлаб турай, булар бир оша юртдан келган экан, меҳмон экан, элатимизни мақтаб кетсин, менинг отим кам юришроқ, илдамроқ борай. Сизларнинг отларингиз юришлик. Ҳу, тўйхонанинг тутуни чиққан ерга яқинлагандан кейин сиз ҳам боринг, адашиб кетмасин тафи меҳмонлар, — деди. Ул чўбирини шартшарт уриб солди-кетди.

Ана Вафобек, Жафобек, Аҳмадбек, Юсуфбек тўртови оқсоқолнинг кетган йўлидан йўл тортиб келаяпти. Вафобек ёш эди, ёш ҳам бўлса қирқ йигитга бош эди. Кела-кела Юсуф билан Аҳмадбекни ўхшатиб, дод деб йиғлай берди. Юсуфбек билан Аҳмадбекман билла юргандай, билла тургандай бўлиб, етти йил айрилгани, Юсуф билан Аҳмадбекнинг Мисрга қараб кетгани эсига тушди. Вафобек бўзлаб йиғлай берди. Юсуфбек Аҳмадбекка қараб лабтишлади. Аҳмадбек Юсуфбекка қараб имо қилди. «Ҳар гап бўлса, танимасин, таниса юрт бузилиб кетади», — деди. Шунда Аҳмадбек Вафобекка қараб, бир сўз айтар экан:

Гуноҳ тошмай, эгам савдо солмади,  
Шунча қилдим элат эллик қилмади,  
Йўловчижон, сен нимага бўзлайсан,  
Йиғлай бердинг, менда тоқат қолмади,  
Туш қизимай қизил гуллар сўлмади,  
Қариндошдан асло кўнглим тўлмади,  
Ёш бачча, йиғладинг бағринг эзилиб,  
Созандада ҳеч тоқат қолмади.  
Қўллагай бизларни шери яздон,  
Оломонга берсак карк тери қалқон,  
Ота-онанг ўлгандайин йиғлайсан,

Иифлаганинг маънисин айт, жўражон.  
Ёмғирдай кўзингдан ёшинг тизилган,  
Ҳамма баданларинг ўксиб эзилган,  
Ўпкангни босолмай ўзиңг хўрсиниб,  
Талпинасан, юрак-бағринг эзилган,  
Иифлаганинг айта бергин, жўражон.  
Насва тортган одам бўп кетар сарсон,  
Шер йигитнинг пири ҳазрати Полвон,  
Иифладингиз менда дармон қолмади,  
Кўнглингдаги дардни айтгин, бегижон.  
Кўйлаккинанг ҳўл бўп қопти ёшингга,  
Сен юрибсан Урганч элнинг дашига,  
Бўтаси ўлган туюдайнин бўзлайсан,  
Қандайгина жабр ортди бошингга,  
Шоирмиз, икковмиз бул элга меҳмон,  
Хеч иш бўлмас бир худодан бефармон,  
Иифламоғинг айтгин менга ростини,  
Ёлғонни қўй, рост сўйлагин, жўражон.  
Ёлғон айтган одам бўлсин беимон,  
Ёлғон айтган бир худонинг душмани,  
Ҳақ ҳурмати рост галиргин, қаддингдан.

Вафобекнинг оғзидан алангалари осмонга ўрлаб кетди,  
ёлғон эмас, рост сўзни Вафобек айтаверди:

Хоразмга ингиранган эр эди,  
Ёвлик куни Рустамдайин зўр эди,  
Кўҳна дардим янги бўлди, шоирлар,  
Юсуф билан Аҳмаджоним бор эди.  
Сени кўриб суяккинам шовшади,  
Юраккинам вайрон бўлди, шоирлар.  
Аҳмад билан Юсуф Ҳовдакка кетди,  
Кетганига орадан кўп кун ўтди.  
Гуласалман Қалдирғоч ойим бўзлаб,  
Майхонага келиб бизларга айтди.  
Сизни кўриб тирноғим куйиб жетди,  
Кўҳна дардим янги бўлди, акалар.  
Урганч элда баринг юринглар, деди,  
Ҳаяллашмай дарров туринглар, деди,  
Иштарафлаб<sup>1</sup> Юсуфбекнинг ойими,  
Кетган ёқقا ҳамманг боринглар деди.  
Отланиб ҳаммамиз чопишиб жетдик,  
Кун ёйила Ҳовдак кўлига етдик.

<sup>1</sup> Тиқилинч қилиб, зудлик билан.

Бизлар кўрдик ёмон қишу ёзини,  
Ҳар ким кўнгли эр билмасми ўзини,  
Ҳовдак кўл бошига бориб, шоирлар,  
Бизлар кўрдик қирқ йўрганинг изини.  
Мирза Маҳмуд ориқ элдан келибди,  
Билдик, икки бекни банди қилибди,  
Яёвгина ҳайдаб олдин солибди,  
Чопони, салласи жойида юлиниб,  
Парча-парча буталарда қолибди.  
Қарамадик хом отларнинг бетига,  
Қамчи урдик илдам отнинг этига,  
Айриб олиб қайтамиз деб бекларни,  
Борсак дейшиб Миср мамлакатига,  
Дард устига дардлар қўшдик, шоирлар.  
Қайтайин беклар деб хуноба ютдик,  
Полопонда оққан қонини қўриб,  
Тизилишиб яна қистаб йўл тортдик,  
Турганинг бўйида ортидан етдик,  
Ғайрат қип отларни айилин тортдик,  
Эски дардим янги бўлди, жўралар.  
Бир нечаси ҳайла-ҳайла дейиши,  
Туз еган бекларнинг юраги ишди,  
Танасига жони сиғмай барини,  
От қўйиб, қистаб урушга тушди,  
Юрагимда армон кўпди, акалар.  
Армонсиз қулатди душман лошини,  
Аширбек тоғаси йўлбарсдай бўлиб,  
Сапчадайин кесди душман бошини.  
Бизлар қассоб, душман эчки, шоирлар,  
Бизлар қилдик Рустамнинг савашини,  
Юракларим вайрон бўлди, оғалар.  
Каттакондан адаб олган илмни,  
Кўп кўрдик бирқиллаган золимни,  
Иложини тополмадик ҳаммамиз,  
Ташлар бўлдик икки бирдай бегимни,  
Бекларим эсима тушди, жўражон.  
Қирқ кеча-қирқ кундуз саваш этди,  
Мисрнинг элидан кўп лашкар етди,  
Ўн йигит шаҳид бўп дунёдан ўтди,  
Беклар ўлгандан кай бизни бўшатди.  
Аширбек майдонда бўлди ярадор,  
Юсуфман Аҳмадни Мисрга опкетди.  
Саража қип Аширбекни бўзлашиб,  
Ўн йигитни Асҳар товига қўйиб,  
Қоп-қора туташиб Урганчга қайтдик,

Сизни кўриб бадан ўртаниб кетди,  
Миср кетган бекларима ўхшайсиз.  
Бошларимга қора салла бойлатган,  
Ўлим ханжарига бағрим доғлатган,  
Етти йилдан бери азалар тутган,  
Миср элга тирик банди бўп кетган,  
Тўти, булбул бекларима ўхшайсиз.  
Сени кўриб суюккинам шовшади,  
Хизр кўрган одам узоқ яшайди,  
Элатимни вайрон қилган бекларга,  
Тириклийин бўзлаб, айрилиб қолган  
Гапинг, сўзинг Юсуфжонга ўхшайди,  
Инграницинг арслонима ўхшайди.

Юсуф билан Аҳмадбекни дийдаси намланди.—Агар билса, юраги ёрилиб ўлади. Баракалла, тасалли бериб, бир сўз айтинг,—деди Аҳмадбек. Ана энди Юсуфбек Вафобек билан Жафобекка қараб, бир сўз айтаверди:

Қаландарлар кияр кулоҳман жанда,  
Худо ҳеч кимни қилмасин шарманда,  
Қайтай, қолдик икковимиз армонда,  
Неча гаплар ўтар қоронғи тунда,  
Айтгангинанг, йўловчижон, дурустдир,  
Аҳмад билан сенинг Юсуфбэгингман  
Икки йил бизлар ҳам ётдик зинданда.  
Шоир бўлиб Миср элида айтдик,  
Ҳангамада бир бемаза сўз айтдик,  
Амалдори бизни қилди гуноҳкор,  
Банди қилди икковимизни миршаблар,  
Икки йил бекларман зинданда ётдик.  
Юсуф билан Аҳмад созини чертди,  
Обод бўлар келса Урганчнинг юрти,  
Соз чалмоқни Юсуфбекдан ўргандик,  
Сўзламоқни Юсуф, Аҳмад ўргатди,  
Иғлама, бекларинг эсон Вафобек.

Беклар Вафобек, Жафобек билан йўл тортиб кетаёт-  
ганда яхши танишиб, билмагандай бўлиб, уларнинг отла-  
рини сўраб олиб эди.

Иншоолло, кўрмагандай бўларсан,  
Аҳмаднинг бўйнига қўлинг соларсан,  
Ваҳимни кўп тортма давлатинг катта,

Уч кундан кай<sup>1</sup> ўзинг кўриб қоларсан.  
Бормикан дунёда бир бағри бутун  
Оллога етгай-да ҳамиша додим,  
Сўз тортувин Юсуфбекдан ўргандик,  
Юсуф билан Аҳмад менинг устодим,  
Ғам ема, ғамхўринг келар, йўловчи.  
Айтаверсак бизлар сўзга чеварди,  
Йиғладингиз кўнглими қабарди,  
Ошно бўп қолувдик Аҳмад Юсуфман,  
Илгарироқ икковимизни юборди,  
Ғам ема, бекларинг келар, ёш бачча.  
Миср элда остида бор бедов от,  
Қўп давлатни бўлиб кетган бенаҳот,  
Ёзилиб, яшнашиб улар юрибди,  
Кўрарсан бекларни соғу саломат,  
Боринглар деб икковимизни юборди.  
Қарчиғай солгандা Ҳовдак кўлига,  
Гўзал бежай қарашган ҳолига,  
Икковимизни боринглар, деб юборди,  
Уч-тўрт кун сўнг келар Урганч элига,  
Шукур қил, бекларинг эсон-омона.  
Санталат қип Хоразмда юрасан,  
Ҳар оқшомда тўйда билла турасан,  
Улар билан қайга борса борасан,  
Юсуф, Аҳмад менинг комил устодим.  
Ҳаялламай бекларингни кўрасан,  
Худо даргоҳида эсон-омонди.  
Йўлиқмади Гўзалшоҳнинг қастига,  
Қулоқ солгин сўзимнинг пайвастига,  
Икковимизни Урганч элга боргин деб,  
Минамиз деб қолган отнинг устига,  
Ҳаялламай дарров келар, укажон,  
Ўйнатиб минарсан тағин отингни,  
Тарафдан оларсан ўзинг лотингни,  
Юсуф билан Аҳмаджонман кўришиб,  
Ғам ема, кўрарсан ул бекзодингни,  
Яқинлашиб қолган беклар элига.

— Ҳа, жўралар, айтганларинг бўлсин, — деди Вафобек.  
— Эсон-омонгина Мисрнинг ютидан келсин. Неча одам-  
ларнинг йиғлай-йиғлай кўзлари кўр бўп кетган, ёмонлар  
зўр бўлган, яхши одамлар кўр бўлган. Эралихон подшо  
ҳам Юсуф билан Аҳмаднинг дардида арз сўрамай қолган.

<sup>1</sup> Кейин.

Ана шундай кўнгли қоралик, жўражон. Дўст дўстга, душман душманга айрилган. Икки кам қирқ кундан бери оқсоқол қатнай-қатнай «жиянларингнинг тўйига боринглар, яраш қиламиз», — деб тўйига олиб келаяпти. Шу бугун оқшом ёнбошларингда ўтириб, хўп томоша қилайлик, жўра. Ҳув анави тумандай бурқиллаб ётган шу тўйхона. Тутуни ланғиллаб осмонга чиқаяпти-ку. Боринглар-боринглар, тағи бир ёқقا жетиб қолманлар, — деб отни чуҳ деб ҳайдаб ўтиб кетаверди. Юсуф билан Аҳмадбекнинг аччиғи келиб: «Тўйдагини чопиб ўлдирамиз, душманлар тўйига борган, дўстлар худойига борган», — деди. Бекларнинг аччиғи қаттиқ келди, гаплашмай ҳайдаб жетиб борааяпти. Қирдан ошган ерда бир одам келаяпти, эгнида жанда, қўлида сўта, оғзидан парча-парча кўпик тўкилиб келаяпти. Замину замон, макину макон титрайди ҳалигининг нолишига. Беклар олдига келиб, тўғри бўлиб, йўл бўлсин, деб ҳалиги девона бир сўз айтаяпти:

Кўнгилгинам қайтадан бўлди шодмон,  
Уйлаганда ёлғон дунё бепоён,  
Пешвоз чиқдим ўзим олдиларингга,  
Йўл бўлсин, мунда келган икки хон.  
Имонни жаннатдан олган гул бўлсин,  
Борган жойинг Дин Хоразм эл бўлсин,  
Эсон-омон келган душман қўлидан  
Икки бирдай фарзандгинам, йўл бўлсин,  
Қайта бошдан обод бўлди элатим,  
Ўчқур бўлса, ҳеч синмасин қанотим,  
Йўл бўлсин бўлади гапнинг маъноси,  
Борар жойинг айтгин, икки фарзандим.  
Сарсон бўлган сизларчайин бир неча,  
Қари эмас, икковгинанг ёш бачча,  
Аччиғингни тилаб чиқдим олдингга,  
Йўл бўлсин, икки бирдай беквачча.  
Жонимни ўзингдан қилайн қурбон,  
Неча одамни қилиб келдинглар яксон,  
Эсон-омон кўрдим икковгинангни,  
Йўл бўлсин, Аҳмад билан Юсуфжон.

Юсуфбек: — Аҳа, — деди. Жимиийиб кулди ҳалиги бобоси. Юсуфбек бобосига қараб бир сўз айтаверди:

Кўп гап келди йўловчининг ўйига,  
Чописа бедовлар келар гўйига,  
Жавоб беринг, бобо, тўйига борамиз,

Бораяпмиз катта одамнинг тўйига.  
Эсон-омон ҳар ким юрсин уйида,  
Ёмон гап йўқ, йўловчининг ўйида,  
Жавоб беринг энди бизлар юрайлик,  
Сўз айтамиз Нодирбекнинг тўйида.  
Пўлат добил тўйга бориб тұямиз,  
Шоирлик қип яхши сарпо киямиз,  
Нодирбек тўйига бориб, бобожон,  
Тиккан ўтовларга ўтлар қўямиз.  
Жавоб бер, қаландар, тўйга борамиз,  
Қўшиқ айтиб кўнглимини ёзамиз,  
Эринсак, дуторнинг торин узамиз,  
Кечасиман жўш қип сўзларни айтиб,  
Тонг отган сўнг уйларини бузамиз,  
Тўхтатманг, бобожон, тўйга борамиз.  
Кўрсатамиз қаллифининг бўйини,  
Кеткарамиз бир баччанинг ўйини,  
Яксон-яксон қилсак шоҳнинг тўйини,  
Шўрвага ёқамиз тиккан уйини,  
Бир фасл тўхтатманг, тўйга борамиз.  
Мунда келиб салом-алик қилгани,  
Юсуф, Аҳмад дейсиз бизни қаландар,  
Авлиёмидингиз бизни билгани,  
Жавоб беринг, бобо, тўйга борамиз,  
Тўйни бориб яксон-яксон қиламиз.  
Не кунларни тўй қилганда соламиз,  
Баччағарни хўп билгандай қиламиз,  
Гапга айлантирганг бобо, бизларни,  
Ҳаяллатманг, катта тўйга борамиз.  
Бориб туриб дўст, душманни биламиз,  
Олис юртдан ҳориб, чарчаб келамиз,  
Авлиёмидингиз, Юсуфбек дейсиз.  
Эл қидирган биз созанда бўламиз.

Қаландарнинг ҳақ-ҳақ деганига ерлар кўчгандай бўлди. Бобоси ишонгидай бир сўз айтаяти бекларга:

Майхонада Аҳмад маст бўп қолганда,  
Чакки-чукки Аҳмад кўп гап айтганда,  
Ярим кеча бул ўрдангга борганда,  
Гуласалой ёмон тушларни кўриб,  
Юзингга термилиб йиғлаб турганда,  
Шу сирларни айтиб эдим, Юсуфжон.  
Гуласалой кўп насиҳат қилганда,  
Аҳмадбек қарчиғай қўлга олганда,

Гуласалнинг сўзларига ишонмай  
Орқангизда дод деб йифлаб қолганда.  
Қарчифайнинг ўрдак, ғозни олмайин,  
Чарчаб юриб иккинг ухлаб қолганда,  
Мирза Маҳмуд қўлинг байлаб олганда,  
Шунча ҳам иргиб уйғотдим, билмадинг.  
Қўлинг боғлиқ пиёдалаб кетганда,  
Баданингга аччиқ қамчи чотганда,  
Душман бадбахт bemаза сўз айтганда,  
Олти кунда Асқар товга етганда,  
Орқангиздан қирқ йигитлар борганда.  
Қирқ кечча душман ғорат қилганда,  
Шу уришда мен бўлишдим, билмадинг.  
Зўрлик қилиб Миср иккинг оп кетди,  
Баданингни душман қонга бўятди,  
Раҳми келмай яёв ҳайдашиб кетди,  
Олти ойда бориб Миср элига  
Гўзал пошто неча дағдағаларман  
Гап сурай деб сенинг олдингга етди,  
Шоҳ олдида ботир қилдим билмадинг.  
Гўзал пошто подшоликка яради,  
Икковингдан масалалар сўради,  
Файрат бердим икковингга шу жойда,  
Гўзал пошто сенга ёмон қаради,  
Меҳрини бўшатиб турдим, билмадинг.  
Ота-боласига қиласар хайрни,  
Душман бадбахт юракларинг мойирди,  
Икковингни ўлиб кетсин дейишиб,  
Дор билан минорга сени буюрди,  
Ийғладинг, тасалли бердим, билмадинг.  
Мирза Маҳмуд сенга дакки қилганда,  
Минорнинг остига олиб борганда,  
Икковингни ўлдирмоқчи бўлганда,  
Дор, минорга вой ўлдик деб термилдинг.  
Бориб кўрдим Гўзалшоҳнинг шаҳрини,  
Кеткизганман нечовларнинг қаҳрини,  
Мен лангар ташладим dorman минорга,  
Сен билмадинг қаландарнинг зўрини,  
Шунча хизмат қилдим, асло билмадинг.  
Жоҳиллик қип душманлар тошга тутди,  
Бул бобонг тошини ўзига отди,  
Нечовининг энгагини ушатди,  
Иложини тополмайди душманлар,  
Икковингни зиндонга ташлаб кетди,  
Астагина ушлаб олдим, билмадинг.

Эшитинглар ўзимдан рости сўзни,  
Қўлга борғаң отади семиз ғозни,  
Яланғоч бўй оч қоп, дод деб ётганда,  
Ҳайдаб келдим бориб Буви Ниёзни,  
Қиёматлик сингил қилдим, билмадинг.  
Ўқидинг худонинг беш вақт қарзини,  
Фуқаро подшога қиласар арзини,  
Олти йил орадан тақти ўтганда,  
Ҳамзабекнинг Қоракўздан қизини  
Ҳайдаб келиб ошно қилдим, билмадинг,  
Ҳали ҳам бобонгни кўзга илмадинг.  
Қоракўзман ошно бўлишиб ётдинг,  
Қамбар билан облойингни ёд этдинг,  
Чиқарингга айни уч кун қолганда,  
Зўр пирларни олиб бориб зинданга,  
Икковингни дуо қилдим, Юсуфжон.  
Уч жўра гул бериб сени уйғотдим,  
Тура кел деб уриб турган мен эдим.  
Пирларнинг дуоси сенга шул бўлди,  
Сенларга қаландар кўп хизмат қилди,  
Ҳамза миршаб сени чиқариб олди,  
Гўзалшоҳ қилиб кўп мазламани,  
Қўкча билан сози сўзни айттириб,  
Дуторингни соз қип турдим, билмадинг.  
Гўзалшоҳни созни чертиб мот қилдинг,  
Қўкчанинг кўзгинасин тўрт қилдинг,  
Оқ юзли, обрўли бўлдинг, Юсуфжон,  
Миср элда уч одамнинг кўзини,  
Йўлгинангга, чироққинам, тўрт қилдинг,  
Жиловинг еталаб қайтдим, билмадинг.  
Ҳар киши ёд этса қариндошини,  
Сен қочирдинг Қоракўзнинг ҳушини,  
Юлиб олдинг Мирза Маҳмуд бошини,  
Қаҳ-қаҳ уриб кулиб турдинг, билмадинг.  
Боли ҳасрат товга икковинг етдинг,  
Бузрукларни кўп вақтини хуш этдинг,  
Орқангиздан Қўкча бадбаҳт келганда,  
Уч кеча-уч кундуз тинмай уришиб,  
Шу Қўкчани банди қилиб оп қайтинг,  
Келган ўқни териб отдим, билмадинг.  
Чироғим, душманнинг йўлини тўсдинг,  
Ғанимларни болам ўмганин босдинг,  
Бутанган теракдай қилиб Аҳмаджон,  
Шу Қўкчанп қулоқ, бурнини кесдинг,  
Хўп қилдинг деб сўзлаб турдим, билмадинг.

Гургоннинг бўйига сен эсон етдинг,  
Таҳорат қип, оқар сувга сўз айтдинг,  
Ернинг бағри ёрилгандай кенгайди,  
Овталларман мендай бобонг тегинди.  
Гургон дарёсига ўзим қалов бўлдим,  
Охиратинг маъмур деган мен эдим.  
Юзгинангда, болам, сенинг нурингман,  
Обод бўлган Дин Хоразм ерингман,  
Жоҳилликни ҳаргиз ташла фарзандим,  
Энди тани, Оловхўжа пирингман...

— Сизлар мундан бориб кўп одамни ўлдирасизлар, неча йўлбарслар гўшада ётири, эл қўзғолиб кетади сизларни келди деб, қирғингарчилик бўлиб қолади. Бу аччиқларингни тилаб, олдиларингизга пешвоз чиқдим, икки фарзандим,— деди. Ҳақ шайдулло,— деб олдидан ғойиб бўлиб қолди. Юсуф билан Аҳмадбек ҳайрон бўлиб, нима қиласини билмай:— Ҳай аттанг, шундай жафокаш пиrimизнинг қўлини ололмадик,— деб армон қилди, бекларнинг аччиғи тарқаб кетди...

Юсуфжон билан Аҳмаджон ҳам тўйга жўнай берди. Ҳалиги оқсоқол, Вафобекман Жафобек:— Созанда кела-япти,— деб ўн саккиз қанот ўтовни бўшатди. Ана, энди жўраларига қараб ўтириди. Беклар қирдан ошиб келиб қолди, остига кўрпачани солиб ўтқизди. Дастурхон ёзиб, нон қўйиб, омин қилди. Одам питган тўп бўлиб келиб, ўтовни ўраб олди. «Ота-бобомиздан қолган шоирни айтирамиз»,— деб ётган одам ҳам кўп, остин-устин бўлиб тевалашиб ётган одамдан ҳам кўпи йўқ. Аста Нодирбек келди, ҳамма қоқ ёрилиб йўл берди. Нодирбек айтди:— Меҳмонлар, хуш кўрдик. Икки оғизгина айтинглар, бу одамларни ишга буорайлик. Ундан кейин кечаси айтасизлар.

Юсуфбек Аҳмадбекдан пича дурустроқ эди, дуторни қўлига олиб, Нодирбекка қараб, ганаси дуруст, ганаси нодурусттовороқ қилиб, бир сўз айтаётган экан:

Нодирбек ўсибди пича бўйингиз,  
Кийгиздан ёпилган ўтов уйингиз.  
Кўп экандир элингизга сийингиз,  
Қуллуқ бўлсин ҳозир қилган тўйингиз,  
Маъқул десанг, бу тўйларни қўйингиз.  
Иифисан элингдан катта бийингди,  
Зўр одамлар сенга соларвойимди,  
Хафаликдан гарданларим майимди,

Бир қуллиқдай дедим сенинг түйингди,  
Нодир подшо, қуллуқ бўлсин түйингиз.  
Бир неча одам түйингизга келмасин,  
Оёқ остида кўп одам ўлмасин,  
Айта берсам, сизга малол келмасин,  
Банди бўлган беклар мунда келмасин,  
Қуллуқ бўлсин,вой бойбобо, түйингиз.  
Ёмон иш бўлмасин қоронги тунда,  
Шоир бўлиб сўз айтганмиз биз мунда,  
Тириклийин беклар ётса зинданда,  
Қелиб қолса, бўлмайсизми шарманда,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин сизга, бойбобо.  
Тирик кетган одам элга келмайми,  
Келганнанкай хўпми сени демайми,  
Тириклийин бериб бирор хотинин,  
Нодирбек, бу ишинг уят бўлмайми,  
Давлатли хон, қуллуқ бўлсин тўйингиз.  
Созандалар мажлисда созин чертди,  
Бу дам сизга хўп ғаниматди,  
Юсуф билан Аҳмад келса Урганчга,  
Ўлимдан ёмонди, бу кўп уятди,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин, Нодирбек, ботир,  
Хонзодалар ҳам зинданда ётири.  
Келса, душман бўлиб тушар изингга,  
Ҳеч қарамас сенинг ёлғиз қизингга,  
Насва тортиб келиб қолса Аҳмаджон,  
Ҳақ туф, деб тупурари юзингга,  
Қуллуқ бўлсин арзабасли тўйингиз.  
Урганчининг элида даврон сурибсан,  
Ҳирсдай бўлиб катта тўй қип турибсан,  
Бирор хотинини эрга берибсан,  
Қўпдай бўлиб, катта бўлиб юрибсан,  
Қуллуқ бўлсин суюб берган кўёвингиз.  
Уйгинанг тепангга қулаб қолмайми,  
Исфиҳондан оғир лашкар келмайми,  
Чўқ савдони элатингга солмайми,  
Тирик одамнинг хотинин тўй қилибсан,  
Нодирбек, бу ишинг уят бўлмайми,  
Қуллуқ бўлсин кўнгил суйган тўйингиз.

Нодирбек аччиқланиб:— Қувиб чиқаринг буни тўйдан,— деди. Бангибой айтди:— Бу менинг меҳмоним, каттаси ёмон айтса, кичкинаси яхши айтади. Бангибой дуторни олиб:— Ол меҳмоним, сен айт. Отингни ҳам сўраганим йўқ. Бизнинг бу меҳмоннинг гапи Нодирбекка ёқ-

**майдиганга ўхшайди,— деди. Аҳмадбек дуторни олиб, Но-  
дирбекка қараб, қуллуқ бўлсинни айта берди:**

...Ёвларга шердай бўп чопади ботир,  
Яхши овқат есанг, чекканға тагир,  
Юсуф билан Аҳмад келса тириклай,  
Қабоҳат гап ўзингизга бўлмасми,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин, Нодирбек ботир.  
Келса сарғаймасми ранги рўйингиз,  
Керага бойланиб ёпган уйингиз,  
Бошқа вақтдан семиз сўқим сўйингиз,  
Мени десанг, бу тўйларни қўйингиз,  
Қўяринг-қўймасинг ўзинг биласан,  
Қуда, қуллуқ бўлсин қилган тўйингиз.  
Урганч келиб ошиқ бўлдим қизингга,  
Ёвчи қўйиб, минг от бердим ўзингга,  
Қўрғошин эритиб қуяй кўзингга,  
Мен ёмон бўлибман сенинг ўзингга,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин, Нодирбек ботир.  
Айтабергин, менга тўғри сўзингни,  
Ўиб ташлай аммо ўткир кўзингни,  
Қавш чарм қилайнми юзингни,  
Аҳмадбекка бермас бўлсан қизингни,  
Кучукка едирай сенинг ўзингни,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин, Нодирбек ботир.  
Полопоннинг бошин чалган туманми,  
Худойим сақлаган банда омонми,  
Ойхоннинг ўғлидан Аҳмад ёмонми,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин, Нодирбек ботир.  
Улган йўқ икки бек зинданда ётири,  
Юсуф, Аҳмад ҳам зинданда ётири,  
Подшо жиловида юради шотир,  
Ёвга от қўяр доим шердай бўп ботир,  
Қолган қариндошда йўқмиди хотир,  
Аҳмадбекка бўлмайсанми шарманда,  
Тўйинг қуллуқ бўлсин, Нодирбек ботир.

**Нодирбек айтди:— Э қўясанми-қўймайсанми?! Э, оғ-  
зинг лойдан қилинган булбулакдай бўлмай ўла қолгин,  
кўзинг чоловорнинг тешигидай бўлиб, уч буришли, тўрт  
буришли бўлиб, жуда дамлаган бузоқдай бўлиб, ҳар нар-  
са деб бўйргандай бўлиб сандрайсан, бир нарса единг-  
ми? Э, оғзинг тиржаймай ўлгир, баччағарлар. Мен сени  
созанда, одамларимнинг димофини чоқ қиласман десам,  
менга куёвликка келган экансан-да!**

Юсуфбек:— Бўлмаса, Холмат бийникига бориб айтамиз,— деди. Беклар чиқиб отга минди. Ҳалиги Бангивой: «Бир не деганинг айрил-о-айрил-о, танасида жони бор одам ҳам меҳмонни сўқтирадими, чоп дейман, чоп Нодирбекни. Менга катта бидоҳат қилди, меҳмонимни сўккани, мени сўккани. Нодирбекнинг тўйини азага қайтармасам, Бангивой отим қуриб кетсин,— деб шовқин солаётир. Бул фир-тир қилиб тура берсин, энди гапни буёқдан эшитмоқ даркор.

Юсуф билан Аҳмадбек от устига минди. Бир ювинган, тарапган, шоҳона сарпойга ўранган бекларнинг олдига келиб, оҳ тортиб, кўхна дардим янги бўлди, деб Юсуфбек бир сўз айтётган экан:

Тўйга кепти ҳар уруғдан бир неча,  
Тоқатим йўқ қизил гул очилгунча,  
Сен йиғладинг, тандан тоқатим кетди,  
Дод деб йиғлайсан нега ёш бачча.  
Чиллада маст бўлар нор билан лўкча,  
Йиғилган одамлар, қарайман анча,  
Работ ёнбошидан қўйилган дарча,  
Сен йиғладинг, менинг кўнглим бузилди,  
Хўрсиниб йиғладинг, айтгин, ёш бачча.  
Юрагингда қайғу билан чермиди  
Тўғродамга<sup>1</sup> яратгани ёрмиди.  
Эгнингдан дамингни олиб йиғлайсан,  
Менга ўҳшаган ич ачиринг бормиди.  
Подшо олар элдан закот-божини,  
Зўр йигит урушда қилар кучини,  
Давролиб<sup>2</sup> учади тоғнинг лочини,  
Ҳар хўрсиниб, ўпкангни босолмайсан,  
Менга айтгин йиғлаганинг важини,  
Ёш бачча, нимага оҳ деб йиғлайсан.  
Созандага айт юракда дардингни,  
Қаер дейди сенинг ўсган юрtingни,  
Сен йиғладинг, менда тоқат қолмади,  
Бизларга айт юрагингда дардингни,  
Нимага йиғлайсан, рост айт, ёш бачча.

Ана, энди ҳалиги ёш бачча бир сўз айта берди созандаларга:

Кўхна дардгинамни сизга айтайин,  
Худонинг ишиди, энди қайтайин,

<sup>1</sup> Тўғри одамга.

<sup>2</sup> Давра олиб.

Сўзима қулоқ сол, икки созанда,  
Етти йиллик дарддан сизга айтайн.  
Қўзғай берсанг юракдаги черимди,  
Урганч элда манглайгинам шўримди,  
Айтаберсам, соп бўлмайди дардгинам,  
Юсуф билан Аҳмад бегим бор эди.  
Сулувларнинг юзи гулнинг хирмони,  
Пул харажат қилганнинг йўқ армони,  
Хон Юсуфбек, Аҳмаджоним бор эди,  
Ўзим эдим икковининг маҳрами.  
Инглаб юрдим ўзим Урганч элида  
Юролмадим катта тоғнинг белида,  
Юсуф билан Аҳмаддан айрилган сўнг,  
Инглаб ётдим Эралихон қўлида,  
Юрагимда армон кўпдир, акалар.  
Оҳ, Юсуфман Аҳмад Мисрга кетди,  
Қирқ йигит ортидан бориб инграшиб,  
Майиб бўлиб бариси йўлдан қайтди,  
Бу дунёда кўп доғлиман акалар,  
Сўзгинангга суяқ ўртаниб кетди.  
Миришкорлар добилини тўйди деди,  
Косаларга шаробни қўйди деди,  
Ётиб эдик Эралихон подшоман,  
Аҳмаддайин бекбаччамнинг хотини  
Бирав айтди, эрга тегади деди.  
Нағал қоққан урар болға, табарди,  
Яёв юриб оёқларим қабарди,  
Эралихон подшо мени, акалар,  
Гулхадича ойимдан сўрагин деб,  
Катта подшо ясовул қип юборди.  
Қам кишиларнинг мен ҳолига ярайман,  
Дўсту душманларга тиклаб қарайман,  
Катта подшодан келган ясовул  
Аҳмадбек баччанинг мен хотинидан,  
Тегасанми, тегмайсанми рост айт деб,  
Ҳали бориб ўзим гапни сўрайман.  
Зўрлик қилиб берган бўлса айтаман,  
Подшоликка отни чопиб қайтаман,  
Аҳмадбекнинг ёри эрга тегмаса,  
Қандай одам ёвчи бўлиб тўй бошлар,  
Шу одамни банди қип оп кетаман.  
Регистонда эртан дорга тортаман.

— Мен сизларни олиб кетаман. Подшонинг олдида  
ҳангамалашиб сизлардан бу гапнинг охирини сўрайман.

Ҳали бориб Аҳмадбекнинг хотинидан гап сўраб олай,— деди. Юсуф билан Аҳмадбек маҳрам билан олдинми-кетинми ажрашиб кетди. Куёв бўладиган йигит чангал-чангол тангани хотинларга бериб, гулдаї умрингни елдай ўткарма, танингни бағишла, никоҳ қилсан,— деб айтиб ўлтирибди. Юсуф билан Аҳмад уйнинг даласида қолди, маҳрам ичкари кириб, Нодирбекнинг қизи Гулхадичага қараб, бир сўз айтаётган экан:

Беклар ўлиб юрагимни сийирди,  
Ишқи кўп одамлар сўзга тойирди,  
Куёвингга тегасанми, ростин айт,  
Қатта подшо мени сизга буюрди.  
Аҳмадбекдай дастор ўрагин деди,  
Кўрган тушни яхши журагин деди,  
Подшонинг амриман келдим, чирофим,  
Гулхадичаойдан сўрагин деди.  
Бориб ота-онасин йиққин деди,  
Қатта-кичик ҳаммани уйгин деди.  
Гулхадича танини бағишиласа,  
Ўз кўзингман никоҳни қийгин деди.  
Ҳали замон етар-етмас изингга,  
Энкайсанг оқ юзунг тушар тизингга,  
Маҳрам келди деб асло қўрқмагин,  
Қатта қизсан, ихтиёринг ўзингда.  
Бекларнинг ишқидан зардоб ютаман,  
То ўлгунча бекларни ёд этаман,  
Тангинангни ўзинг бағишиламасанг,  
Тўй қилган одамни ҳайдаб кетаман,  
Тегар-тегмасингни айтгин, чирофим,  
Қулоқ солгин мендай маҳрам зорига,  
Ўлим солай зўрнинг кирдикорига,  
Фулғулалар солай Урганч шаҳрига,  
Зўрлик қилиб берган бўлса бир киши,  
Чиқариб тортай подшонинг дорига,  
Тегар-тегмасингни айтгин, чирофим.

Шунда Гулхадича ойим бечора ўзи дод деб, бўзлаб ииғлаб ўтириб эди. Отаси-онаси зулм билан берганди. Қатта подшонинг маҳрами эканлигини билиб Гулхадича ойим дод, деб бир сўз айта берди:

Оқадиган тиниқ сувим лойлайин,  
То ўлгунча жонгинамни қийнайин,  
Юрагимда армоним кўп, маҳрамжон,  
Кун қиёмат менга бўлди, найлайин?

Кимга айтай бул ўлимнинг доғини,  
Дўсту душман бизга қўйди кегини<sup>1</sup>,  
Толегинам қуриб кетсин, маҳрамжон,  
Улгунча киярман ёрнинг кўкини,  
Дийдор қиёматга қолди, қайтайин?  
Узоқ дейди кетган ёғин орасин,  
Юрагимдан кетмас ўлим яраси,  
Пешонам шундайин ёмон эканди,  
Улгунча кияйин ёрнинг қорасин,  
Ака, тақдир менга қайфу, найлайин?  
Азада, тўрам, деб сочим ёярман,  
Во куним деб бетгинамни сўярман,  
Бу дунёдан тоқ бўп ўтиб, маҳрамжон,  
Маҳшар куни дийдорига тўярман,  
Улгунча кияйин ёрнинг қорасин.  
Қетгандан кай тополмадим зотини,  
Эшигтадим бори-йўғи, отини,  
Арза қилиб ўқимадим хатини,  
Зор йиглатиб мендай паризодини,  
Улгунимча тўрам дейин, маҳрамжон.  
Қўйиб кетди мен шўрлини койишга,  
Ҳар савдо тушади қайтайин бошга,  
Шу манглайим қаттиқ экан, найлайин,  
Бу дунёдан тоқ бўп ўтсам, маҳрамжон,  
Қўрарман тўрамни тонгла беҳиштда,  
Қўҳна дунё жафо қилди, найлайин,  
Эр йигит олган қизиман қарисин,  
Ёмон одам қишлоғида чирисин,  
Бу дунёдан ўзим тоқ бўп ўтарман,  
Дод-фарёд, менинг жазом қурисин,  
Ака, тақдир менга хўрлик, қайтайин?  
Шул фалак айирди шундай тўрамдан,  
Ёримдан айрилиб қайга борарман,  
Ул ўлгунча во бегим деб соч ёйиб,  
Урганч элда қайфу-кулфат кўраман.  
Юрагим чийрилди менинг, маҳрамжон,  
Манглайгинам бежой шўрли, акажон,  
То ўлгунча кияй ёрнинг кўкини...

Қоши қора — дарёларнинг қундузи,  
Воҳ, кўзи сурмали — осмон юлдузи,  
Етти йилдан бери вой тўрам, дейди,  
Нодирбекнинг шундайин ёлғиз қизи.

---

<sup>1</sup> Қекини.

Кўзидан тўкилиб қонли жоласи,  
Баҳор чоғи боғда борди лоласи,  
Во тўрам деб, қора кийимлар кийиб,  
Нодирбекнинг эрка ўсган боласи.  
Айтса адо бўлмас ўлимнинг дарди,  
Урушда ботирнинг кўпдир ҳайбати,  
Душманни қўрқитади файрати,  
Во куним, деб қора сочини ёйиб,  
Тўрам дейди Нодирбекнинг фарзанди,  
Маҳрамни ўртадивой айтган сўзи,  
Тўрам дейди Гулхадича овози,  
Ҳеч ками йўқ, балли ҳалол фарзанддир,  
Аҳмадбек деб подшонинг ёлғиз қизи.

Маҳрам:— Ушла, тўй қилганини, ёвчини ушла, порахўри  
ни ушла, ифвогарни ушла, юрт бузуқини ушла, гардан-  
каш ўзбошимчани ҳам ушла, деди. Шу гапнинг калта  
ери — тўйга совуқлик тушиб қолди. Ана энди қўшиқ усти-  
га булоқ, сизлов устига кўкча чиққандай бўлди. Бир палла  
«уй бўшат, уй бўшат, Эралихон подшонинг қизи овсинни-  
нинг тўйига кела япти», деди. Одамлар саросима бўлиб  
қолди. Одам питкан томоша қиласиз деб юзта-элликта  
тўп бўлди. Нодирбек халқقا қараб бир сўз айта берди:

Отга ғамланг арпасини,  
Оп кенг тоза кўрласини,  
Нон пиширамиз ойимга  
Олиб кенглар, гала кампир  
Янги қилган сурпасини.  
Қўтаринг юрак ғамини,  
Йиғинг элнинг одамини,  
Бойларнинг уйидан оп кенг,  
Чанг тегмаган гиламини.  
Ясатинглар кўчаларни,  
Мазлама қинг Асалойга,  
Қулоқ сонг Нодир сўзига,  
Битта бормасин изига,  
Яхши хўрак — овқат қилинг,  
Катта подшонинг қизига.  
Оп кеп кўп нарсани чоқланг,  
Тўйга келса урушмасин,  
Асалойга хўп монанддир,  
Яхши овқат, яхши кўрпа  
Дурустлаб борини тахланг.

Ана шуйтиб кимнинг уйида тоза кўрпа бўлса, тоза ги-  
лам бўлса, югуриб кетиб, олиб келиб яшната берди, уй-

нинг долорини ҳам ўраб ташлади, йўлларга тўшаб, мешкоблар сув сепиб, тўй саросима бўлди. Юсуф билан Аҳмадбек Гуласал ойимнинг олдига чиқиб кета берди. Урганчнинг катта ариғи бор эди. Шу ариқдан Гуласал ойим ўтар эмиш, деб ғиштпарчин кўприк қилиб қўйиб эди. Юсуф билан Аҳмадбек шу кўприкнинг устига бориб, отларни кундаланг қилиб тўхтаб турди. Шундай қараса, бир довуш чиқиб келаётир сари чашманинг бошидан. Дин Хоразмдан, Аҳмад билан Юсуфбекнинг худойи ошидан. Шундай Юсуфбек қараса, сочини ёйган, бетини сўйган, элининг азизи, олдида беш юзча канизи, қоп-қора кийим кийиб, тутаб келаётир Гуласал ойимнинг ўзи. Дод деб келаётир, олдиаги канизлари садир тушиб йиғлаганига тоғлар, ерлар симобдай бўп тебраниб келаяти. Ана, энди Юсуфбек Аҳмаджонга қараб, бир сўз айтиётган экан:

Икковимиз фикримизда юрибмиз,  
Миср элда ҳангама қип турибмиз,  
Қора кийган жойга келдик, Аҳмадбек,  
Тўйлар аза бўлган ерга келибмиз.  
Қариндошни қайси йиққан эканди,  
Ҳаммаси кўкайин қийган эканди,  
Тириклайн кўкимни кийган эканди,  
Кун қиёмат бўлган жойга етишдик.  
Кўр бўлибди бебахтларнинг кўзлари,  
Қаҳрабодай сарғайиди юзлари,  
Қора кийган Урганч элнинг қизлари,  
Бўзлаб турган жойга келдик, Аҳмаджон.  
Икковимиз деб қонлар ютган эканди,  
Хафаликдан ичи питган эканди,  
Улди деб мотамни тутган эканди,  
Ҳаммаси бетини йиртган эканди,  
Изиллаган жойга келдик, Аҳмадбек.  
Йиғлаган қизлардан бўлайн қурбон,  
Қора кийиб юраклари бўпти қон,  
Насва тортиб бўлиб келдик саргардон,  
Сочин ёйган жойга келдик, укажон,  
Йиғлагаб турган жойга етдик, Аҳмадбек.  
Улмабидик, кўрдик Урганч элини,  
Қора қипти бечоралар кунини,  
Кўрмайсизми гала ойим ҳолини,  
Бизларни деб сўйлатибди тилини,  
Тўйлар аза бўлган жойга кеп қолдик.  
Элга тушиб сендай бекнинг ваҳими,  
Хизмат қилди сенга доимо,

Урганч элдан қора кийиб чувлашиб,  
Мотам тутган Ҳоразмнинг ойими,  
Үтдай бўлиб ёнган ерга етишдик.  
Кечакундуз ёд этибди ўзимни,  
Эшитган ҳаммаси яхши сўзимни,  
Ҳақлабди ҳаммаси берган тузимни,  
Азада айтиб йиғлабди ўзимни,  
Бағри куйган жойга келдик, Аҳмаджон.  
Туман оп доимо Урганч юртини,  
Гала қизлар кимга айтсин дардини,  
Бизларни деб юлиб ойдай бетини,  
Келаётган қандай беклар хотини,  
Қўким кийган жойга келдик, укажон.  
Бу қизларнинг юраклари чермикан,  
Бир худо буларга раҳм ермикан,  
Биздан бошқа ё бир ўлган бормикан,  
Қулоқ солгин, сизни бизни дермикан,  
Мотам тутган жойга келдик, укажон.

Шунда олдидағи келаётган ясовул, шифовул, баковули:  
— Вой-вой, икки киши, олдида йўқди ҳеч бир йўлдоши, тирик йигитга ўхшайди. Отни кўндаланг қилиб йўлдағов бўлиб турибди, ғиштпарчин кўприкнинг устида,—деди. Шунда Гуласал ойим айтди:— Боринглар. Бадангинаси оққина, димоққинаси чоққина, гоҳ бетини очиб, гоҳ қочиб юриб бориб, канизлар бекларга қараб бир сўз айта берди:

Менман сийнаси доғлилар,  
Боғчаси бўстон боғлилар,  
Икки бирдай бек ўғлилар,  
Йўл беринг, ойим келади.  
Яхши йигит озодалар,  
Кийимлари тозодалар,  
От ўйнатган хонзодалар,  
Гаплашгани соз одамлар,  
Йўл беринг, ойим келади.  
Минган оти тўбичноқлар,  
Ёли, думи бир қучоқлар,  
Яхши одам, қўзичноқлар,  
Ёнида тилла пичоқлар,  
Йўл беринг, ойим келади.  
Юрагида йўқди кеклар,  
Юрган жойи доим тоғлар,  
Кийим кийган яхши беклар,

Иўл беринг, ойим келади.  
Қора кийган бир нечалар,  
Боғларнинг гули — думчалар,  
Икки бирдай хонбаччалар  
Маст баччалар, жон баччалар,  
Иўл беринг, ойим келади.  
Турибсан отинг ўйнатиб,  
Сувлиқларини чайнатиб,  
Усти-бошингни шайлатиб,  
Шунча қизларни ўйлатиб,  
Иўл беринг, ойим келади.  
Баттолликни ўйламанглар,  
Бир-бирингга сўйламанглар,  
Бахти қаро-бу қизларни  
Томоша қип, пойламанглар,  
Иўл беринг, ойим келади.  
Сизларга савдо солмасин,  
Ёмон ҳодиса бўлмасин,  
Келаётган катта киши,  
Бир фасл тўхтаб қолмасин,  
Иўл беринг, қизлар келади.  
Қайфуси кўп, йўқди нозлар,  
Чўлда бўлганкан шўр тузлар,  
Қулоққа онг, ака, сизлар.  
Урганч элда қайфу тортган,  
Келаётган хафа қизлар,  
Иўл беринг, қизлар келади.  
Салом бериб, қаддинг букин,  
Шу қизлар ҳолига қараб,  
Иўловчилар, ёшни тўккин,  
Ойим ўтсин ўртангииздан,  
Беклар йўлдан чиқиб туринг,  
Бир бўйинча ерга боринг,  
Иўл беринг, жонлар келади.  
Нарироққа пичча туринг,  
Тўхтамай ҳар ёққа юринг,  
Қилган ишингизга боринг,  
Иўл беринг, ойим келади.

**Ана, энди Юсуфбек қизгинага қараб, узангига оёқни  
тираб, бир сўз айта берди:**

Кўрганлар ҳайрон қолади,  
Ичгинам дардга тўлади,  
Булбул тилли, жон қизгина,

Келган ойим ким бўлади?  
Йиғлаган икки қўзгина,  
Икки юзинг қирмизгина,  
Ёмғири баҳор — ёзгина,  
Келган ойим ким бўлади?  
Ростини айтгин, қизгина,  
Бизлар келдик тоғдан оша,  
Дардгинам дардга улаша,  
Қора кийган қандай қизлар,  
Бизлар қиласиз томоша.  
Панд берар отнинг майиби,  
Сўраса йўқдир айиби,  
Сочин ёйиб келаётган,  
Қандай подшонинг ойими?  
Ҳаммасига қўк кийилган,  
Барин қабоги уйилган,  
Гулдайин юзлар сўйилган,  
Қандайин хоннинг ойими?  
Бедовларни ўйнатамиз,  
Облоимни ёд этамиз,  
Томоша қип бу қизларни  
Бизлар ватанга кетамиз,  
Келган ойим ким бўлади?  
Яхши чаламиз биз созни,  
Қаратамиз икки қўзни,  
От устида икковимиз,  
Томошалар қилсак қизни,  
Келган ойим ким бўлади?  
Келади кимни ёд этиб,  
Кўнглилизни мойтартиб,  
Тириклай бетини йиртиб,  
Келган ойим ким бўлади?  
Менга солма ваҳмларни,  
Ёд этдинг қандай беклар  
Кийиб қора кийимларни,  
Менга айтгин ойимларни,  
Келган қизлар ким бўлади?  
Қандайин подшонинг авлоди,  
Қим сизларга ваҳм солди,  
Тақдирларинг ёмон бўлди,  
Элатингда қайсинг ўлди,  
Қизлар ким-чун бет юлади,  
Қандай худойидан қайтдинг,  
Келган қизлар қандай қизди?  
Икковмиз бўлдик бекарор,

Хушвақт қылсın парвардигор,  
Ҳамманг бирдай соч ёясан,  
Йиғлашган сатта муштипар,  
Келган ойим ким бўлади?  
Қандай одамни ёд этган,  
Арвоҳларини шод этган,  
Эл йиғилиб ҳамма бирдай,  
Ё элда подшонг ўлдими,  
Ҳамма бирдай аза тутган,  
Келган ойим ким бўлади?  
Чироғим, рост сўзни айтгин,  
Муроду мақсадга етгин,  
Қора кийган қандай ойим,  
Ўлган подшозоданг айтгин,  
Келган қизлар ким бўлади?

**Қизгина бечора бир сўз айтаяпти:**

Хаёлинг тушганди Урганч элига,  
Қулоқ солгин мендай куйган тилига,  
Юсуф билан Аҳмад қарчиғай олиб,  
Тун овган сўнг кетди ойдин кўлига,  
Кўк кийганим хонзоданинг азаси.  
Мирза Маҳмуд банди қилиб оп кетди,  
Вой йифламай қайтайин, қисматлар қатти,  
Беклари ортидан бориб урушиб,  
Урганч элга беклар ўлди деб айтди,  
Кўк кийганим Юсуфбекнинг азаси,  
Бадбахтга подшонинг бордир жазоси,  
Айтган сўзим, қайтай, гапнинг тозаси,  
Бизга ўтди чироғимнинг иззаси,  
Юсуф билан Аҳмад одам тозаси,  
Қизлар қилди икки бекнинг азаси,  
Кўк кийганим Аҳмадбекнинг мотами.  
Сира кетмас ёруғ дунёнинг ғами,  
Кўп бўп кетди ёмон одамнинг дами,  
Қора кийиб, сочин ёйган ойимлар,  
Келган қизлар Аҳмадбекнинг одами,  
Мотамимиз икки бекнинг азаси.  
Эралихон ҳаммамизни йиғдирди,  
Ўлим қурсин юракларни куйдирди,  
То ўлгунча, боринг, аза тутинг деб,  
Ҳам отаси — Юсуфбек қайнатаси,  
Ҳаммамизга қора кийим кийдирди,  
Йиғлаганим икки бекнинг азаси.

Шунда Юсуфбекнинг юраги жиз этди. Икковимизнинг ўлганимизга буйтиб йифламайди. Дуруст одамдан, икковимиздан ҳам бошқа одам ўлганга ўхшайди,— деди. Юсуфбек ҳалиги қизгинага қараб, яна бир сўз айтаётган экан:

Шаҳид бўлганларга худо ёрмиди,  
Ҳаммангизда ваҳм билан чермиди,  
Ҳамма қизлар қора кийиб келасан,  
Юсуфбекдан бошқа ўлган бормиди?  
Сизни кўриб қора салла ўрайман,  
Мен одам кўринса тиклаб қарайман,  
Икки бекдан бошқа ўлгани борми,  
Ундан бошқа ўлганингни сўрайман,  
Ҳамманг бирдай сочинг ёйиб келасан.  
Йиғиб опсан ҳамманг қиз одамингни,  
Кетказинглар юрагингдан ғамингни,  
Аҳмаджондан бошқа ўлганинг борми,  
Дарак бергин, сен ўлган одамингни,  
Ҳамманг бирдай қора кийиб келасан.  
Сўзгинангдан, йўловчйни кулдиргин,  
Бадпой туж миниб, ўзинг елдиргин,  
Қоп-қора тутишиб, баринг бўзлайсан,  
Юсуф, Аҳмаддан бўлак ўлганинг борми,  
Қизгина, чирогим, менга билдиргин.  
Шунча йилдан бери бўзлаб йифлайсан,  
Тузин ҳақлаб арвоҳларин сийлайсан,  
Икковидан бошқа ўлган ким бўлди,  
Ўлган тирикларни баён айлайсан,  
Менга айтгин кўк кийганинг важини.  
Бек одамга баринг бўпсан интизор,  
Аҳмаджон бўлганди сизларга раҳбар,  
Ўлганнан битта-битта хабар бер,  
Ўлганинг барисин айтгин, муштипар,  
Менга айтгин кўк кийганинг маънисин,  
Икковидан бошқа ўлганинг борми?

Гуласал ойим бу сўзларни, бу сирларни эшилди, юраклари такка тортиб кетди. Олдидаги катта-катта одамларни хотинига, қизларига қараб, Гуласал ойим дод деб, бир сўз айта берди:

Ўлмасин, дўстлар, ўлмасин,  
Рақибнинг бири қолмасин.  
Гирдин олиб гап сўранглар,  
Тағин-а, беклар бўлмасин.

Овози ёқар ўзима,  
Иссиқ күринар кўзима,  
Чопиб чиқиб сўз сўранглар,  
Энди сўзламак лозим-а.  
Ёмондан битта қолмасин,  
Тағин-а беклар келмасин,  
Ичкилаб гапга тутинглар,  
Бизнинг Юсуфбек бўлмасин.  
Миср элидан келмасин,  
Ёмон одам ўлди деб,  
Фариб бўлиб қолди деб,  
Ҳамма гап ёлғон бўлмасин,  
Ўртага оп гапга тутинг,  
Тағи хонзодам келмасин,  
Чўғолчи асло қолмасин,  
Яхшидан битта ўлмасин,  
Эсли-Эслинг чиқ мопадан,  
Аҳмад, Юсуфжон келмасин.  
Ҳаммангиз тахлаб қаранглар,  
Афтига, сўзига яранглар,  
Қисиниб, писиниб қолманг,  
Сап если чиқиб гап сўранглар.  
Ўлим кўрган нордай чўкди,  
Ойим сўзи элга ёқди,  
Оқбилакойвой болам деб,  
Муштипар мопадан чиқди.  
Ғам кўпди, дардман анчаси  
Урганч элнинг қизбаччаси,  
Юсуфбек тахлаб қараса.  
Қора кийиб, сочин ёйган,  
Оқбилакхондай чечаси.  
Юрагида бўлди доғлар,  
Кўп бўп қолди қайғу кеклар,  
Вой тоғам ўлганакан дейишиб,  
Куйиб кетди икки беклар.  
Қўкраклар ҳўлди ёшига,  
Рози қизларнинг ишига,  
Ўпкагинаси куюниб,  
Балли Оқбилак чечаси,  
Борди бекларнинг қошига.

Юсуфбек буни кўриб надомат тортди. Хафа бўлиб кетди. Аҳмаджон:— Тоғам ўлган экан. Тоғам ўлмаса, чечам буйтиб йигламайди,— деди. Кўзидан милт-милт ёш кетди бекларнинг. Ҳамма қизлар яқинлаб етди. Қўпкарига бор-

гандай тўда бўлиб, гирдини қизлар қамаб тутди. Бекларнинг теварагини хотин-қизлар олиб кетди. Оқбилак ойим йўловчиларга қараб:— Э бедардлар, бизларнинг — бахти қароларнинг нимасини томоша қиласизлар,— деб бир сўз айта берди бекларга қараб:

Худо берсин ёмонларнинг жазосин,  
Ўқидик худонинг беш вақт қазосин,  
Куйганларни куйдирманглар, йўловчи,  
Бизлар тутдик баччажоннинг азасин.  
Бедардлар, эшитган сўзнинг тозасин.  
Мен гапирай, билиб олгин мазасин,  
Дард устига дардлар қўшманг, бедардлар.,  
Кўк кийганим Юсуфбекнинг азаси.  
Фириб билан Миср шаҳрига кетди,  
Худо қўшган ёри бетини йиртди.  
Икки йилда Миср шаҳридан карвон  
Хоразмгинага кўп карвон етди,  
Кўк кийганим қайнинмнинг азаси,  
Беклар куйигига қаддим букилди,  
Кетган одам ҳеч бермади хабарди,  
Йиғлай-йиғлай юракларим қабарди,  
Бедардлар, бизларни мазах қилманглар,  
Дод деганим Аҳмаджоннинг азаси.  
Эралихон катта одамни жўнатди.  
Карвонлардан Юсуф билан Аҳмадни,  
Ўликми-тирикми Юсуф, Аҳмад деб,  
Рост сўзни Эралихон сўратди,  
Миср элдан келган телпакли карвон  
Юсуфбекни минордан ташлади деб,  
Гўзалподшо Аҳмаддайин ўғлонни  
Дорига тортди деб карвонлар айтди.  
Ҳамма элат ўлганини эшитди,  
Қариндошлар йиғлаб ўзидан кетди,  
Юсуфман Аҳмадга азалар тутди,  
Йиғлаганим қайнинмнинг азаси,  
Беклар учун Урганч эл аза тутди,  
Йиғлаганим чироғимнинг азаси.  
Эралихон ҳаммамизни ижидирди,  
Худойи қип кўздан ёшни куйдирди,  
Ўлган-чун болама аза тутинг деб,  
Ҳаммамизга қора кийим кийдирди,  
Кўк кийганим Аҳмадбекнинг азаси.  
Пичагинағов бўлмай тур, бедардлар,  
Айтган сўзимbekларимнинг азаси.

Юсуфбек:— Энди сен тоза сўз айтадиган экансан, бир гапим бор, сўрайман. Сен тўғричи бўлсанг, қани кел, рост-ёлғонни энди биламан,— деди. Юсуфбек Оқбилакка қараб бир сўз айтаётган экан, Оқбилак Юсуфбекка қараб бир сўз айтаётган экан:

Юсуфбек:— Урганч эл тоғин боши туманли,  
Сизнинг шаҳар қадимгидай замонли,  
Ростин айтгин, Оқбилакжон, ўзима,  
Уйингда Аширбек сардор омонми?  
Улик-тиригини сиздан сўрайман.

Оқбилак:— Вой, чироғим, гапгинанг қилди беқарор,  
Қайтайн бўлибмиз бизлар хору зор,  
Кўҳна гапни сўрай бердинг эжгила,  
Шоҳ тўрам майдонда бўлган ярадор,  
Ҳам тўрамнинг, ҳам бекларнинг азаси.

Юсуфбек:— Рост сўзлагин, бизни қилдинг хору зор,  
Худо бўлсин ундай мардга мададкор,  
Тирик деб эшитдик бизлар бирордан,  
Рост гапиргин, ёлғонни қўй, муштипар,  
Аширбек арслондан бергин бир хабар,  
Уликми, тирикми бизлар сўраймиз.

Оқбилак:— Эшитинг, бедарлар, ўзимдан додни,  
Гапгинанг тирноғим куйдириб кетди,  
Бекларни деб қон тўкишиб Аширбек.  
Қонлари томчилаб уйима етди.  
Уларимда бир кўрмадим деди-да,  
Улар вақтда Юсуфбекни ёд этди,  
Аширбек арслоним дунёдан ўтди,  
Шунинг-чун бу қизлар аза тутди,  
Ҳам тўрамнинг, ҳам қайнимнинг азаси.  
Чироқларим, бир вақтларда гул бўлдим,  
Сўйлайдиган ватанимда тил бўлдим,  
Даврон сурисиб ўйнаб-кулар вақтимда,  
Азаларда во тўрам деб тул бўлдим,  
Улганча тўрам деб мотамлар қилдим,  
Ҳам ёримнинг, ҳам бекларнинг азаси.

Вой тоғам, деб беклар беҳуш бўп кетди,  
Урганч келиб қайта кулфатлар ортди,  
Улим қурсин эр кишин мункайтирас,  
Бир суюнчи, суюнган вой тоғам деб,  
Тоғажоним дейди Юсуфман Аҳмад,  
Беҳуш бўп икки бек ўзидан кетди,  
Бу сиру аҳволни кўриб Оқбилак,

Яқинлаб бекларнинг олдига етди.  
Мусоғир ўлганда ғарип мозори,  
Худо-ё, арисин манглайнинг шўри,  
Мундай чопи сўхни кўриб бу қизлар  
Гуласал олдида дод деб йиғлайди,  
Йиғлаб чиқди икки бекнинг жигари,  
Худо-ё, ҳеч кимни қилмагин қаллоч,  
Шунча одам бўлиб бекларга муҳтож,  
Юсуфбек дадил бўп тахлаб қараса,  
Кўк мопа ичиданвой-вой акам деб,  
Сочин ёйиб келаётган Қалдирғоч.  
Ҳали зир харобот Урганч шаҳари,  
Юракдан кетгай-да войиман чери,  
Сингил деган акасига кўп ширина,  
Ораларга чорбоғим деб йиғлайди,  
Юсуфбекнинг Қалдирғочдай жигари.  
Юрган жойи неча тоғу дашт экан,  
Эски киши кўп одамга бош экан,  
Тентак одам яхшодамман<sup>1</sup> ғаш экан,  
Тентак одам ҳеч билмайди нафини,  
Қулоққа олмайди эсли одам гапини,  
Қалдирғочни кўрди икки бекбачча,  
Сингил деган бежай қаттиқ эш экан,  
Емғирдай бўп кетди бекларнинг ёши,  
Ўртаб кетди укасининг нолиши,  
Етти йилдан бери бежай соғинган,  
Ака деган Қалдирғоч эмчакдоши,  
Акага укаси кўнгилнинг қуши,  
Раҳм айлади укасининг ҳолига.

Қалдирғоч акасин айтиб тилига,  
Синглисими кўриб тоқати қолмай,  
Юсуфбек дасторни олди қўлига.  
Оқбилак ойимнинг юраги ишди,  
Ўлмаган одам элга қўшилиши,  
Аҳмадман Юсуфнинг заррин кокили,  
Шамолга тирқираб елкага тушди.  
Ҳамма қизлар дод дейишибчувлашди,  
Юсуф билан Аҳмад келди дейишли,  
Чечаси бечора қайиним дейди,  
Аввал келиб беклар билан кўриши.  
Ингламай, ёронлар, тулранги сўлди,  
Қизлар кеп бекларнинг қўлини олди,

<sup>1</sup> Яхши одам билан.

Вой укам, деб отдан ташлаб Юсуфбек,  
Синглисини укам деб бағрига босди.  
Қувонган ёмон экан дунёда,  
Қалдирғоч ўзиданвой кетиб қолди.  
Ҳамма қизлар беклар билан кўришиди,  
Гуласал бечора келолмай қолди.  
Юсуфбек Асалдан ўпкали бўлди.

Ана, беклар ўлди дегандан бери қаерда бирор ўлса,  
Лаълихонни туяга миндириб бориб, болаларини айтиб,  
йўқлаб юракдан пича дарди чиқиб қайтар эди. Йўлда келиб беҳуш бўлиб ўзидан кетар эди. Бирор бориб болаларинг келиб қолибди деб айтар эди. Хушвағт бўлиб жойидан турар эди, уйига келса, беклар йўқ, тағи беҳуш бўлиб, эси кетиб қолар эди. Одамларнинг гапига ишонмайдиган бўлиб қолиб эди. Қалдирғоч бечора ўзига келиб, қаддини ростлаб, энагинасига югурди. Лаълихоннинг олдига чопиб-чопқиллаб етди. Лаълихонга қараб қизгинаси бир сўз айтаётир:

Адрес минсагинг кийгин-чи,  
Болаларингни суйгин-чи,  
Аҳмад, Юсуф акам келди,  
Энажон, бергин суюнчи.  
Очилмаган лоланг келди,  
Обод кулба хонанг келди,  
Энажоним, тур жойингдан,  
Юсуф, Аҳмад боланг келди,  
Энажон, бергин суюнчи,  
Сўзламоққа тилинг келди,  
Энди элинг обод бўлди,  
Манглайнинг шўри арилди,  
Душманлар энди қирилди,  
Олисга қараб сурилди,  
Бориб болангни кўр энди,  
Лаълихон бергин суюнчи.  
Дардгинанг давоси келди,  
Кўнгилнинг ҳаваси келди,  
Худонинг дўсти келди,  
Улган, йўқолган чироғим  
Юсуф, Аҳмад ўғлинг келди.  
Улигинг эгаси келди,  
Тур, эна, бергин суюнчи.  
Юрагингдан кетди дардинг,  
Учарга келди қанотинг,

Болам демакка қувватинг,  
Кўприк устида турибди,  
Аҳмад, Юсуфдай фарзандинг.  
Кўргин, эна, бер суюнчи.  
Кеп қолди икки бекзодинг,  
Кетган кўздан ёшинг келди,  
Кирап ақлу ҳушинг келди,  
Эна давлат бошинг келди,  
Қўлда олғир қушинг келди,  
Юр жойингдан, кўргин дарров,  
Юсуф, Аҳмад ўғлинг келди,  
Тур жойингдан, бер суюнчи.  
Туракенг<sup>1</sup> юрагим ишди,  
Тез юринг ақлим шошди,  
Кўприк устида акам  
Қизу хотинман гаплашди.  
Дарров юринг, энажоним,  
Ҳамма қизларман кўришди.  
Келиб қолди Юсуфжон,  
Юракдан кетди тўла қон,  
Тура келинг, тез борайлик,  
Болангни кўргин, энажон,  
Қизлар билан кўп сўрашиб,  
Топишган Юсуф, Аҳмаджон,  
Беринг, энажон, суюнчи,  
Кеп қолди икки ўғлон.  
Кетганида кўп ёш эди,  
Бўп кетибди акам полвон.  
Тезроқ юринг, кўринг бориб,  
Кўп нарса беринг, энажон,  
Эсон-омон оғам келди.

— Вой ўлганнинг орқасидан ўлган борадими, тўйга юринглар, деб оқсоқоллар айтишиб юрар эди. Булар юринглар деса хафа бўлиб қолар эди. Буни бирор алдаган. Сен шундай десанг, тўйга келади деб. Бу гўдак болам бир ёлғончининг гапига ишониб келган. Буни койисам, ўзининг кўнгли гариф, юраккинаси майтарилиб кетади. Ёш бола-да, сўз билан бунга айтайн,— деб Лаълихон ойим Қалдирғоч қизига қараб, бир сўз айта берди:

Тўйга бориб душманларни жийдирма,  
Хафалик пардасин менга кийдирма,

<sup>1</sup> Туриб келинг.

Бирор сени алдагандир, Қалдирғоч,  
Айланай, ўртаган жоним күйдирма.  
Бир кўрмакка бўлдим бекларни муҳтож,  
Тирайрилиб<sup>1</sup> қолдим, бўлдим ноилож,  
Бирор сени алдагандир, чирофим,  
Ишонмайман сўзгинангга, Қалдирғоч,  
Дард устига, болам, дардлар қўшмаган.  
Худойим ёндири катта ғарамди,  
Қўриб ўлсам бўлар икки боламди,  
Юсуф, Аҳмад Үрганч элга келмаса,  
Бирор билан гаплашмоғим ҳаромди(р).  
Олиб борма катта тўйга, айланай,  
Кўрмак қиёматдан Юсуф, Аҳмад боламди.  
Иифлаб кўндинк парвардигор ишига,  
Кирса керак эди энанг тушига,  
Ҳеч бир одам ўлгандан келгани йўқ,  
Ўлган кетди, биз борамиз қошига,  
Боланг келди, деб ёлғонни айтмагин.  
Сен акам деб, мен болам деб юрамиз,  
Қўнглимиз тўлгунча мунда турамиз.  
Бу дунёда энди кўрмак қайтадир,  
Қиёматда акаларинг кўрармиз,  
Алдама, ваҳм қўшма, чирофим.  
Сенга ака, менга фарзанд қайдади(р),  
Отига ярашган яхши тўқангди(р),  
Мирза Маҳмуд чиқарганди чийингди,  
Яшамагур бузиб кетди уянгди,  
Ўлган сўнг кўрарсан икки акангди,  
Менга Юсуф, сента оға қайдадир,  
Энанг шўрлик ватанида майдадир.

**Қалдирғоч бечора энасига бир сўз айтиётган экан:**

Юсуф билан Аҳмад келди, энажон,  
Оловхўжа, шайхи Шароф ҳурмати.  
Мададкорим бўлсин ё пири Ғавсул,  
Тўхтаманг, энажон, бўлманг сиз тасил,  
Юрмоқликка дармонингиз бўлмаса,  
Кенг<sup>2</sup> орқамга кўтарайин бир фасил.  
Боласи ўлганлар сочин ёяди,  
Иифлай-иифлай қора кийим кияди,  
Туринг эса, энажоним, юринг деб,

<sup>1</sup> Тирик айрилиб.

<sup>2</sup> Келинг.

Лаълихоннинг қўлтиғидан сужди.  
Сўзига ишониб кўзин ёшлади,  
Рост бўлсин деб вақтларин хушлади,  
Юрмоқча ҳолати кетган танадан  
Қалдирғоч эгнига қўлин ташлади.  
Қалдирғоч энасин маҳкам ушлади,  
Рост бўлсин деб Лаълихон шўр йиғлади,  
Қалдирғоч энасин ёшин силайди.  
Йиғламанг, энажон, акам кеп қолган,  
Ишонмайди Қалдирғочнинг сўзига,  
Лаълихон зор бўлган фарзанд изига,  
Йиғлай-йиғлай кўзларин парда тутган,  
Еруғ дунё қоронғи бўп кўзига.

Ана шуйтиб булар кета берсин, энди пича гапни Юсуф билан Гуласал ойимдан эшиитмоқ керак. Юсуфбек Гуласал ойимга қараб:

— Ҳамма қизлар келди, сен нега келмадинг,— деб бир сўз айтаяпти. Гуласал ойим:— Шуйтиб келолмадим,— деб бекларнинг ўпкалаганига уялиб бир сўз айтаяпти:

Юсуфбек:— Ҳамма келди, сен келмадинг,  
Бизларни писанд қилмадинг,  
Ҳаво қип кўзга илмадинг,  
Бизларни одам билмадинг,  
Назаргинангга олмадинг,  
Кўзингни бизга солмадинг,  
Келмаганинг недан бўлди?

Гуласал:— Эшит, беклар, сўзимни,  
Йиғлатмангиз қизларимни,  
Сизларни деб йиғлай-йиғлай  
Ёш қуриди кўзларимни,  
Келмаганим шундан бўлди.

Юсуфбек:— Сен ҳаво қип кетдингми,  
Бизни ўзинг унудингми,  
Бошқа харидор топдингми,  
Хўп ўлди икки беклар деб,  
Душманимман ётдингми,  
Келмаганинг недан бўлди?

Гуласал:— Ажал етиб ўломмадим,  
Илгари сизни билмадим,  
Икки кўзим кўр бўп қолган  
Юпар йўлни кўролмадим.  
Биздан ўтса, тавба қилдик,  
Келолмадим, хато қилдим,

Сизларга хизматда бўлмадим,  
Келмаганим шундан бўлди.  
Юсуфбек:— Ҳийла қип ёшни тиздингми,  
Юрак-бағримни эздингми,  
Ажаб ўлди икки бек деб,  
Умидгинангни уздингми.  
Ё бирорга тегиб қўйиб,  
Қовилгинангни уздингми.  
Нега мунда келмадингиз,  
Келмаганинг кимдан бўлди?

Гуласал:— Кўрингандан сўраб қолдим,  
Заъфарондай сўлди юзим,  
Гаплашмакка зорман ўзим,  
Юрмоқликка кўрдир кўзим,  
Тавба қилдим менинг ўзим,  
Келмаганим шундан бўлди.

Юсуфбек:— Ҳийла қип кўзинг ёшлайсан,  
Бошмалдоғингни тишлайсан,  
Нега келмай қолдинг мунда,  
Ёр топганга ўхшаб қолдинг.  
Сен баттолликни бошлайсан,  
Нега бери келмадиниз?

Гуласал:— Юрагингда ғуборингман,  
Савдода харидорингман,  
Мен хизматкор чўрингдирман,  
Қиёматлик ёрингдирман,  
Икки кўзим кўр бўп қолди,  
Мендай ёринг хор бўп қолди,  
Уялгандан келомадим,  
Келмаганим шундан бўлди.

Юсуфбек от ҳайдаб бориб бетидан пардан шундай  
кўтариб қараса, айтганидай кўзи кўр бўлибди, хотиндан  
яхши нарса йўқ экан дунёда. «Эсиз, ёримнинг қуралайдай  
кўзлари кўр бўлган экан»,— деб беҳуш бўлиб, эсидан ке-  
тиб йиқилди. Гуласал ойим ҳам ҳанг-манг бўлди, ўзидан  
кетди, қизлар талотўп бўлиб, суяб, юзларига сув сепиб,  
кўп одам ташвиш тортиб, буларни қўриқлаб тура берди.  
Ана, энди Қалдирғоч билан Лаълихон келаяпти:

Боладан айрилганинг бўлиб бағри қон,  
Қилиб келди Мирза Маҳмудни яксон.  
Қалдирғоч энасини суяйди,  
Юсуфжон, деб келаётир Лаълихон.  
Лаълихоннинг увуз эти ув бўлиб,

Тўла баданлари эриб мум бўлиб,  
Қоматлари алиф долдай хам бўлиб,  
Фарзанд деган тотли экан дунёда,  
Қуриб кетган эмчагига сут келиб.  
Меҳри тоблаб эмчаклари ийиниб,  
Болам дейди илондайин тўлғаниб,  
Қалдирғочжон, эна, қувонманг дейди,  
Энасига қизи тасалли бериб.  
Келаётир во болам, деб Лаълихон,  
Юсуфжон деб, юраклари уйгониб.  
Қалдирғочжон энасининг қошига,  
Ёмғирдай тўкилган кўзда ёшига,  
Етти йилдан бери тирик айрилган  
Баъзўр келди кўприкнинг бошига.  
Сув титрайди Лаълихон нолишига,  
Ҳамма ҳайрон қолди қилган ишига,  
Ой Қалдрғоч энасини қучоқлаб,  
Олиб келди Юсуфбек ёнбошига.  
Беклар келган Миср элнинг йўлидан,  
Бир худо сақлаган ўлим ҳилидан,  
Қирғин қип ошган Ҳасрат тоғ белидан,  
Юсуфбекнинг баданларини сийпаб,  
Энди таниб ўнг қобоқда холидан,  
Куюкни чиқарди бебаҳт кўнглидан.  
Рози бўп Лаълихон бир облоидан,  
Бўйнига қўлини солди Лаълихон  
Бек Юсуфбек туролмайди жойидан.  
Қучоқлаб оп тирик айрилган қўзини,  
Қиз-келинчак айттолмайди сўзини,  
Болам, деб қучоқлаб оп Лаълихон  
Искабгина юзга қўйиб юзини,  
Улмай кўрди икки бирдай кўзини.  
Боласини кўриб куюклари кетди,  
Фарзанд деган ота-онанинг қуввати,  
Қўрқандан қувонган ёмон эканди,  
Лаълихон беҳуш бўп ўзидан кетди.  
Ёмонга сир айтманг, юрга ёяди,  
Бўта ўлса, бўзлаб қолган мояди,  
Давлатлининг хотири кўп элида,  
Лаълихонман Гуласални, бекларни  
Туракенг деб ҳамма қизлар суяди.

Юсуфбек бекларнинг ўлганини, қирқ йигитларнинг ҳолини ёдига олиб, ўзидан кетиб эди. Аширбек сардор бекларнинг азасини тутиб тагизаминда ётиб эди. Буни Вафо-

бек ҳам билмайди, Жафобек ҳам билмайди. Үлди деб халқа машхурат бўлиб кетиб эди. Шу беклар келмаса, Аширбек сардор ёруғ дунёга чиқмайман деб ернинг тагида, бир биқтирмада ётиб эди. Унинг тириклигини Қалдирғоч билан Давлатшоҳ билар эди. Қалдирғоч чопиб-чопқиллаб Аширбек сардорнинг олдига бориб, бир сўз айтаяпти:

Тоғажон, шону шавкатинг келди,  
Тақдир, иззатинг келди,  
Юсуф билан Аҳмаджоннинг —  
Белингда қувватинг келди.  
Ҳуэур-ҳаловатинг келди,  
Тинчлик, роҳатинг келди,  
Суюнчи беринг, Аширбек,  
Юсуф, Аҳмад жиянгинанг —  
Учарга қанотинг келди.  
Вафобекдан зиёд кўрган,  
Мирза Маҳмуд бойлаб олган,  
Кўзгинангдан ғойиб бўлган,  
Үлди деб добаро қилган,  
Душманинг қувониб қолган,  
Дардингизга даво бўлган,  
Бари гап бўп кетди ёлғон,  
Ҳам жияннинг, ҳам фарзандинг,  
Кўп катта давлатинг келди,  
Тоғажон, беринг суюнчи.  
Қўллагай яратган раҳмон,  
Ишонинг сўзга шул замон,  
Келиб қолди акажоним,  
Суюнчи беринг, тоғажон.  
Қайғу койишлар кетди,  
Қайта бошдан яратганим  
Сизга бериб кўп давлатти.  
Тоға деб эркалаб турган,  
Исфиҳондан бирга келган,  
Дардингизга даво бўлган,  
Ғанимларга савдо солган,  
Олдингизда адаб билан  
Меҳмондай бўп ибо қилган,  
Кечакундуз дуо қилган,  
Касалингга шифо бўлган,  
Ёнган чироғинг келди,  
Душманга керагинг келди,  
Тоғажон, беринг суюнчи.  
Хафали кун нари бўлди,

Бошга давлат қўниб қолди,  
Хоразм эл обод бўлди,  
Душманлар куюниб қолди,  
Дўст питган суюниб қолди,  
Бир худойимнинг ҳурмати,  
Юсуф, Аҳмад акам келди.

Аширбек сардор бечора:— Ҳай аттанг-ай, ёши етмай,  
иши етмас дейди. Бу халққа билдириб қўйибди менинг  
тириклигимни,— деб Қалдирғочга қараб, бир сўз айтаёт-  
ган экан:

Қаландарлар кийса кулоҳман жаҳда,  
Облоҳим қилгай-да, бизларни бандা,  
Ишонибсан дўст-душманнинг гапига,  
Олиб бориб катта тўйнинг устига.  
Аширбекни юртга қилма шарманда,  
Пирим Fav sul Аъзам, ҳақ Шоҳи зинда,  
Олло деб йиғладим қоронғу тунда.  
Шарманда бўлмайин маҳшар кунида,  
Беклар келди деб ияртиб чиқиб,  
Дўст-душманга қилма бизни шарманда.  
Юсуфман Аҳмадни мен ёд этарман,  
Ер остида хафа бўлиб ётарман,  
Алдабгина олиб чиқма, Қалдирғоч,  
Халойиққа қилма бизни шарманда.  
Миср элга биллалашиб кетмадим,  
Эсимни шоштириб қолдим армонда,  
Урганч элга бизни қилма шарманда,  
Қимирлатма, ер остида тураман,  
Бу ишни, чирогим, ҳақдан кўраман,  
Иzlарини кўзгинамга сураман,  
Келди деб ўзима ёлғон айтмагин,  
Ўлганим сўнг бекларимни кўраман,  
Эл ичида бизни қилма шарманда.  
Қайтай, бўлдим ёмон одамга муҳтож,  
Гана <sup>1</sup> тўқман, гана менинг қорним оч,  
Ҳеч одамга тириклигим билдирма,  
Ҳеч ўлгандан умид қилма, Қалдирғоч,  
Подшоларга мени қилма шарманда.  
Кўрмак қаёқда Юсуф, Аҳмад тўрамди,  
Уруш куни пўлат совут ўранди,  
Юсуф, Аҳмад Хоразмга келмаса,

<sup>1</sup> Гоҳи.

Бу дунёда юрмоқлигим ҳаромди,  
Бўзўлонга бизни қилма шарманда,  
Ҳай аттанг, қайтайин, қолдим армонда.  
Қулоқ солгин мендай тоғанг сўзига,  
Ёмон одам душман бўлган изига,  
Қўл-қанотим — жиянларим келмаса,  
Эсинг бор деб сенга айтай, чироғим,  
Аширбек юрмасин ернинг юзида.  
Ёмонларни дубаракка йиғдирма,  
Бул менинг ўртанганд жоним куйдирма.

Энди Аширбек сардорга қараб, Қалдирғоч ойим, бир сўз айтиётган экан:

Молимни айладим бўйингдан қурбон,  
Гулдайин бўп яшнаб қолар Асалжон,  
Худо берди хушвақчилик бизларга,  
Вақтли бўз отни мининг, тоғажон,  
Ҳамма қизлар ака-ака дейишди,  
Қувраган юраклар гулдай яшнашди,  
Сарчашмадан келаётган ойимлар  
Кўприк устида Юсуф, Аҳмадман  
Туйқусдан келиб қизлар топишли,  
Ҳаялламай дарров мининг бўз отни.  
Қайта бошдан кўнгиллар бўлди равшан,  
Давлат катта бўлди энди бегумон,  
Инглатган худойим қилгай-да шодмон,  
Гуласалой Юсуфбекман топиши,  
Вақтли бизман юринг, тоғажон,  
Ҳаялламай дарров мининг бедавни.

Аширбек айтди:— Кел-е, Юсуф билан Аҳмад келса,  
келган экан, келмаса ҳамишаги келмаси экан, отни миниб  
тўйхонага бораман, тўйда ёмон кўринган одамни чопиб  
ташлайман. Мисрга кетаман, беклар қаерда ўлган бўлса,  
мозоратини қулоқлаб дунёдан ўтаман. Ёмон одамларга хўп  
қилгиликни қилиб кетаман. Аширбек сардор Давлатшота  
қараб бир сўз айтиётган экан:

Давлатшо, эшитгин менинг додимни,  
Баланд қилай ҳаммадан ҳимматимни,  
Яна излай кетган валламатимни,  
Тузимни оқлаган мунда хизматкор,  
Уҳшатиб келтиргин мунда отимни.  
Бежайин кўп единг ошу тузимни,

Хизматкорим қүшоқ қилган ўзимни,  
Айил, пуштанини сен қаттиқ тортиб,  
Эгарлаб келтиргин тулпор бўзимни.  
Бузиб кетай Урганчдай шаҳримни,  
Ёмонларга кўрсатайин зўримни,  
Давлатшо, эгарман юганни солиб,  
Оп кеп бергин назаркарда бўзимни.  
Олиб келгин ҳам найза пўлатимни,  
Элга достон қиласай чеккан дардимни,  
Излаб борай ул икки бекзодимни,  
Давлатшо, етаклаб дарров келтиргин,  
Ўйнатиб оп кегин тулпор отимни.  
Бузиб кетай ўзим Урганч элини,  
Ечолмадим чирогимнинг қўлини,  
Ажалини чопиб ташлаб шу тўйда,  
Сабаб билан кўрай Миср элини.  
Ўлмай кўрсам ул икки бекларимни,  
Қарчиғай ушласам, олай тўримни.  
Давлатшо, вақтлироқ оп кеп узатгин,  
Белга бойлаб олайн ханжаримни.  
Душманлар чиқарди, қайтай дудимни,  
Анжом-асбобимни шайла, Давлатшо,  
Опкеп бергинchorойна, совутимни.  
Давлатшога Аширбек кўп сўзлар айтди,  
Аччиғланса, нечов манглайи қотди,  
Қуллуқ эса, деди энди хизматкор,  
Давлатшо жойидан толпиниб кетди,  
Бўзтулпор олдига чопқиллаб етди,  
Айтганини ҳаммасини қўлтиқлаб,  
Аширбекнинг бўз отини ўйнатиб,  
Мана, деб Давлатшо олдига етди.  
Бежай яхши, эсли одамди хизматкор,  
Чоройна бошига қўйиб Аширбек,  
Ялтиллатиб кетди пўлат совутни,  
Рустамдай бўп ўзгинасин шайлари,  
Қалқонни елкасидан тўнтариб,  
Яхши ханжарини белга байлади,  
Мисрнинг шаҳрига талаб айлади.  
Қиз бечора айттолмайди дардини,  
Одамлардан яширап уятини.  
Давлатшоман Гулқалдирғоч етаклаб,  
Ушлаб турди Аширбекнинг отини.  
Қип-қизил ёшлардай бўлиб Аширбек,  
Узангисин тавоғ қилиб, ғазо деб,  
Бошқавотдан минди бедов отини.

Жияни тоға деб бўлди беқарор,  
Тез юринг, деб жалпиллайди муштипар,  
Аширбекни тулпорига миндириб,  
Давлатшо, Қалдирғоч бўлди жиловдор.  
Жияним, деб кўзларидан ёш кетди,  
Бир худони, Аҳмадбекни ёд этди,  
Ер юзига чиқиб олиб Аширбек,  
Кўприк устига етаклаб кетди.  
Асалнинг олдига юринг деб айтди,  
Ҳар бандага худо берар давлатди,  
Тўхтатолмай, Юсуфбек, деб Аширбек,  
Учови қисташиб тинмай йўл тортди.  
Тоғларда учади каклик қуши,  
Хўй тортади Афсар тоғнинг дарвиши,  
Юсуф, Аҳмад, ҳамма қизлар қараса,  
Бола дейди, бир одамнинг довуши.  
Салласини эштарафлаб ўради,  
Қиз бебаҳтлар соchlарини таради,  
Ўтовушни эшитиб турган халойиқ,  
Жоппа-жовлик кун чиқарга қаради.  
Ким яхши, ким ёмон жаббор билади,  
Жуйрук яхши-ёмонларга балади,  
Эси камнинг қилган иши ҷалади,  
Ортидан бир одам ҳалок бўлади,  
Қизлар, келинчаклар тиклаб қараса,  
Қалдирғоч, Давлатшо жиловдор бўлиб,  
Бўз от миниб бек Аширбек келади.  
Урушда қайнайди ботир мияси,  
Қозоқнинг йўлда тиркалар туси,  
Юсуф билан Аҳмад онгсаб қараса,  
Келаётир ўлди деган тоғаси.  
Юрагимда ғамман чер бор экан деб,  
Авлиёлар яхшига ёр экан деб,  
Вой тоға, деб жўнай берди икки бек,  
Тоғагинам дунёда бор экан деб.  
Яхши-ёмон одамини синади,  
Шайх одамлар авлиёни тунади,  
Тоғагинам, ҳайла-ҳайла, Аҳмад деб,  
Маст бўлган шердай чопиниб жўнади.  
Ҳеч бир банда айрилмасин юртидан,  
Қутулгай-да душманнинг кулфатидан,  
Тоғажон деб қулоч ёзиб икки бек,  
Ассалом-алайкум тоғагинам деб,  
Сардорни қучоқлаб олди отидан,  
Қон ютувди Гургон дарё дашига,

Ёмон савдо зиён берар кишига,  
Вой боврим, деб Ашир сардор инграпиб,  
Бекларни қучоқлаб олди түшига.  
Қарчиғайни олмай добил түймайди,  
Эсли одам ҳар кимга сир бермайди,  
Қучоқлашиб, искалашиб учови  
Бир-бировин меҳрига ҳеч түймайди,  
Айрилмайди, бир-бирини қўймайди.  
Фанғираф учади кўлларнинг ғози,  
Сарғаймасин яхши одамнинг юзи,  
Кўришиб учови қулоғин солса,  
Боврим дейди, кўп одамнинг овози.  
Кўрганларнинг қочар ақлиман ҳуши,  
Булкуллайди келган чўлининг даши,  
Аширбек, Юсуфбек тахлаб қараса,  
Укам дейди, кўп одамнинг довуши.  
Қаторга тиркалган норча лўклари,  
Ҳеч кетмайди юрагининг доғлари,  
Худойига бандалик деб борувди,  
Юсуфбекнинг ёвдан қайтган беклари.  
Худоё кетсин-да юракнинг дарди,  
Ёмонларнинг асло бўлмас ҳиммати,  
Ҳимматсизнинг асло бўлмас ғайрати,  
Шундайин Аҳмадбек тахлаб қараса,  
Қора кийган ул ўттизта йигити.  
Таниб олди ўттизининг ўзини,  
Вой укам деб айтолмайди сўзини,  
Баракалло, ҳақиқатли йигитлар,  
Ҳақлабди Аҳмаднинг берган тузини.  
Юсуфбекман бек Аширбек қараса,  
Тоза таниб бекларининг ўзини.  
Боғон бўлган тоза гулни терибди,  
Эсон банда охир даврон сурибди,  
Боврим деб келаётир худодан  
Ўттизи шундайин тахлаб қараса,  
Юсуф билан Аҳмад, Ашир сардорни  
Кўп қизлар ўртага олиб турибди.  
Эҳ, дейишиб кўзларини ёшлади,  
Ғарип кўнглин қайта бошдан хушлади,  
Таниб олиб Юсуф билан Аҳмадни  
Оҳ, деб ўттизи ҳам отдан ташлади.  
Қўй-қўзидай ҳамма беклар излашли,  
Бир-бирига қараб дод деб хезлашли,  
Қулочини ёзиб келиб ўттизи,  
Аширбек ҳам беклар билан кўришиди.

Қайта бошдан қылсак дейди юриши,  
Бир-бировин меҳрига ҳеч түймайин  
Қайта-қайта айқалашиб кўришиди...  
Бир неча одамнинг кўнгли жўшди,  
Худога шукур, деб энди ҳаммаси  
Қайта бошдан бош-бошига кўришиди.  
Эшитишиб бир-бирининг сўзини,  
Улмайгина кўриб олди кўзини,  
Шукур, кўрди бир-бирининг ўзини.

Ана, энди ҳамма беклар кўришиб, сўрашиб, момрашиб,  
жамрашиб, Оқбилак ойим, Гуласал ойнинг сон борман  
деган канизлари тўп бўлди. Гуласал ойим буларга қараб,  
бир сўз айта берди:

Ёруқ бўлди менинг юзим,  
Кўрарга келди иккўзим<sup>1</sup>,  
Эралихонга боринглар,  
Суюнчи онглар, канизим.  
Чалинсин қайтадан созлар,  
Гулдай бўлди қишу ёзлар,  
Подшодан суюнчи онглар,  
Аза тутган жоду кўзлар.  
Бугун унут бўлди денглар,  
Давлатгинанг келди денглар,  
Аширубек ҳам тирик экан,  
Юсуф, Аҳмад келди денглар,  
Дарров чопинглар, қизларим.  
Юракдан кетсинвойимлар,  
Чоқ бўлиб туринг доимлар,  
Чопишиб боринг отама,  
Хизматчи, сатта ойимлар.  
Бошқавотдан тўйлар қилинг,  
Ҳангама қип, хушвақт бўлинг,  
Урганч элнинг подшосидан  
Бориб суюнчилар олинг.  
Тилла жомга мойлар қўйинг,  
Ҳамманг болаларинг суйинг,  
Қайвонлар — кайвонилар,  
Чопишиб жўнанг ҳаммангиз,  
Хон отамдан желак кийинг.  
Гуласал боргин деб айтди,  
Хотин-қизлар дув-дувлашиб,

<sup>1</sup> Иккўзим — икки кўзим.

Қулоқ битган, чуввиллашиб,  
Одам деган қандай нарса,  
Чопишады дубурлашиб.  
Қиз-хотинлар вағирлашиб,  
Семизи ўпкаси пишиб,  
Қанот қоқиб ҳар чопади,  
Иштони куймушдан тушиб.  
Тұхта-тұхтагин дейишиб,  
Илдами олдин ўтишиб,  
Семизи чарчаб ётишиб,  
Бораётир қиз-келинчак  
Бирор-бировин тортишиб.  
Бошдан чопишиб, ўйнашиб,  
Лола гулдайин жайнashiб,  
Оlam деган қандай нарса,  
Хунуюп чопиб, ўйнашиб.  
Күп қизлар вақтими хушлаб,  
Оёқларин кериб ташлаб,  
Тез-тез юриб ҳазиллашиб...  
Илдамлари олдин ўтиб,  
Ҳар чопади лабин тишлиб.  
Тупроқ бўлиб икки кўзлар,  
Сатта бир соҳибтамизлар,  
Урганч элга оралади,  
Сатта сулув семиз қизлар.  
Рўмол ҳилпираб бошига,  
Кўк ўсма қўйған қошига,  
Ҳулкардай бўлиб, тўп бўлиб,  
Ҳа-ҳа деб ичи куйиб,  
Қизғалдоқдайин яшнашиб,  
Борди подшонинг қошига!.

Етти йиллик бандилик заҳмин кўриб, саккиз йил де-  
ганда ўз элига келиб, ким дўст-ким душман билиб, Аҳ-  
мадбекнинг Гулхадича парисининг тўйи бўлганини кўриб,  
Дингкаман хони қирқ кундан бери тўй бериб, никоҳ бўла-  
диган куни бўлар устига келиб, Гулхадичани қизлар ўр-  
тага олиб:— Сен Аҳмадбекдан нима кўрдинг, ниҳояти  
Аҳмадга фотиҳада эдинг, қачонги ўлиб кетган Аҳмаддан  
умидингни узмайсан, Аҳмад эл дуолатиб тўй берган йўқ,  
яхши семиз қўй берган йўқ. Санга не берган Аҳмад? Олсин

---

<sup>1</sup> Достопнинг шу еригача бўлган қисми атоқли ҳалқ шоири Му-  
ҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкандан, давоми эса, йирик ҳалқ достон-  
чиси Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган.

шунингни қалинга берган чўнтоқ қашқа сигирини. Шул одамдан гудар узмайсан. Ул ўлиб кетган одамдан сенга ҳеч фойда йўқ. Бул ўтар дунёда ҳозирги кўрган кунинг, вақтихушилгингни қилиб ўтиза бер. Бир одам бўлса шунча бўлади. Қирқ кундан бери тўю томоша қилиб, бева-бечорани тўйғизиб, сенинг ҳурматингдан шунча пулу мол сарфлаб, бир давлатли одам шунча иш қилиб ётиби, қанча чавандозлар совринни олиб ётиби. Шундай одам-дан бет ўгирсанг, ҳеч муаллим сенинг баҳтингни очол-майди. Қизларнинг бу сўзини эшишиб, Гулхадича ҳайрон бўлиб, илгари созандалар айтаетган эмиш, деб кўп қизлар билан келиб, Гулхадича Аҳмадбекни танигандай бўлиб кетган эди. Шутиб қизларнинг сўзига қулоқ солмай, Аҳмадбекни йўқлаб турди. Шул вақтда тўйхона ғалағул бўлиб қолди. От топган юган топмай, юган топган от топмай, ҳар ким ўз бошига бўлиб, тўйхонада тургандан кетганини ғанимат билиб, созандалар бирдан тўйнинг устига келиб, ҳамма гумон қилиб кўр бўлиб ётган Аширбек сардорнинг кўзи очилиб, «шул албат назари бекларда, банди кетган беклар бўлмаса, кўр бўлиб ётган Аширбек нимага тузалди? Булар банди кетганда, Аҳмадбек ўн бир ёшинда, Юсуфбек ўн уч ёшинда, энди бул ўртада саккиз йил ўтган, эр етиб, ҳамма танимай кетган. Нима қилайлик бу ерда туриб, ош емай ўлайлик, бир балога қолмай, эртароқ жўнайлик»,— деб ҳар ким ўз бошига кетиб, пирларнинг насиҳати Юсуфбекнинг эсига тушиб, ҳеч кимга озор бермай турди. Аламзада бўлиб ётган Аширбек сардор тўйхонани тўполон қилиб, етти одамни чопиб ташлаб, қўлини орқасига бойлаб, бошига қамчи ташлаб, Юсуфбекнинг қошига ҳайдаб келди. Юсуфбек одамларга озор бермай, буларни бўшатди. Беклар келгани юртга маълум бўлди, никоҳ қилиб Гулхадичани Аҳмадбекнинг ўзига берди.

Боши Гўзалшоҳман ваъда қилиб эди: «Отдан тушмай қайтаман Урганчдан»,— деб эди. Келганига анча вақт ўтди. Ери-дўст, қадрдонларини кўриб, энди Гўзалшоҳман қилган ваъдасини эсига солиб:— Мен келдим, ҳамма қариндошларни кўрдим, онамнинг қошига борайин, Эралихон билан отамни сўрайин, бор бўлса, зиёрат қилиб дуосини олиб, ундан кейин Гўзалшоҳ устига қараб жўнайин,— деб энасининг қошига келиб, энасига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Найлайин эзилди боврим чегаси,  
Кўтаролмай синди бошим жигаси.

Эралихон эрди юртнинг оғаси,  
Юрт улуғи Эралихон на бўлди?  
Қулоқ соп эшитгин айтган нидога,  
Бў жонимни қиласай сендан садага,  
Банди бўп йиғладим қодир худога,  
Доги ҳижрон, Каъбам отам не бўлди?  
Асқар тоғнинг бошин чалган туманми,  
Ғамли қулга мудом охир замонми,  
Мен бандида саккиз йилча бўлибман,  
Меҳрибоним, Каъбам отам омонми?  
Эралихон бек бўп юртни сўраган,  
Мен банди бўлган сўнг ҳаққа йиғлаган,  
Ғам кунида отам боврим доғлаган,  
Эшитдим иккови тинмай йўқлаган,  
Улуғ, катта, мардимайдон омонми?  
Ким билади банди беклар ўйини,  
Йўлда кўрдим олган ёрим бўйини,  
Мен ҳам буздим Дингкаманнинг тўйини,  
Уз бошига кетди қилган ўйини,  
Шуйтиб олиб бердим Аҳмад ёрини,  
Қочирдим саркарда амалдорини,  
Ашир сардор қувиб чиқди борини.  
Ҳеч қайсига мендан раҳмат етмади,  
Чақиртиб олганман ёшу қарини.  
Никоҳ қилиб олиб бердим ўзига,  
Аҳмаджоннинг Гулхадича ёрини.  
Урганч қалъасида Аҳмаджон қолди,  
Менинг келганима қанча вақт бўлди,  
Қолган жонлар бари кўрмакка келди,  
Отамман Эралихонга не бўлди?  
Омон-эсон кўрдим энам меҳрибон,  
Бошимиз очилган ғаму кулфатдан,  
Кўҳна бу бекларни сўраб турибман,  
Хабарини бизга айтинг, энажон,  
Кўп бўлади айтган сўзининг хатоси,  
Белига ярашган заррин пўтаси,  
Кўринмайди Асалойнинг отаси,  
Улуғ, катта бекларига не бўлди?

Бу сўзни ўғлидан Лашлихон ойим эшитиб, кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб, шу вақтгача бир одам уч бекларни сўраган йўқ эди. Ҳеч ким бизларни одам ўрнида кўрмайди. Юсуфбекнинг онаси-да, деган йўқ эди,— деб Юсуфбекка қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Оҳ урганда сўзлайдиган сўзим деб,  
Балки менинг кўтар икки кўзим деб,  
Емонларга ногоҳ бердинг тўзим деб,  
Хожибек отангиз ўтди дунёдан,  
Кўрмай кетди Юсуф, Аҳмад кўзим деб.  
Аввал душман сиринг олиб эл бўлди,  
Хоразмнинг атрофлари кўл бўлди,  
Урганч элнинг бекзодаси қул бўлди,  
Улган ўлди, ўксимагин, Юсуфжон.  
Бандасига ҳақдан фармон шул бўлди.  
Сен кетган сўнг Эралихон йиғлади,  
Тирик эл кўзидан ғойиб бўлади,  
Ҳафтандорга бориб ул ҳам киради,  
Ул ночор кўнглини бориб ким сўради,  
Ўлик, тиригини ҳеч ким билмади,  
Ҳеч ким бориб ундан хабар олмади.  
Сўзлама, эзилар ғариб юрагим,  
Ўлганларни эсга солма чирофим.  
Душманга банди бўп жафо кўрибсан,  
Саккиз йил деганда мунда келибсан,  
Йўқ бўп кетган жонни сўраб турибсан.  
Беҳуда сен кўздан тўкма ёшингни,  
Сўрамагин мундан ўтган кишингни,  
Битирдинг дунёда мушкул ишингни.  
Омон-эсон келдинг, менинг давлатим,  
Сенга тақдир қилсин Хива элатинг.  
Исфиҳон шаҳридан Хивага келдик,  
Мунда келиб, болам, нима кун кўрдик,  
Банди бўлиб жафо кунларни кўрдик,  
Қанча ёмон кунни сен ўткариб битирдинг.  
Эга бўп сўрагин, тахtingга мингин,  
Бурунгидай элда давронни сургин.  
Йўлдош қилгин неча яхши бекларни,  
Қадди шамшод ушбу тоза гулларни,  
Шукр қилиб мурғизори кунларни,  
Шутиб обод қилгин ўсган элларни.  
Емонлардан эшитмагин хабарди,  
Энагинанг шундайин умидворди,  
Ўзга ерга қилма қасди сафарди,  
Бек бўлсанг, юртингнинг даврони борди.

Бу сўзни Юсуфбек энасидан эшитиб, энасига қараб,  
Юсуфбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Эна, менинг гулдай сўлган тарзим бор,  
Худойимдан беш вақт намоз қарзим бор,

Эна, мен ҳам Ҳафтангорга борайин,  
Йўлдан урманг, эна, менинг арзим бор.  
Қумушдандир қарчигайнинг чегаси,  
Олтин бўлар кировка тўн ёқаси,  
Эралихон аввал юртнинг эгаси.  
Жавоб беринг, Ҳафтангорга борайин,  
Юрт улуғи хонни бориб кўрайин,  
Ўлик-тиригини ўзим билайнин,  
Тирик бўлса, бир зиёрат қилайнин,  
Қари киши дуосини олайнин.  
Агар ўлган бўлса, юртнинг эгаси,  
Бориб арвоҳига дуо қилайнин,  
Жавоб беринг, эна, бориб келайнин.  
Менинг учун қора кийиб қолганди,  
Саккиз йилдан бери сазо қилганди,  
Ғам лойида умри адo бўлганди,  
Жавоб беринг, бориб кўрай султонди.  
Банди эдим худо қутқарди омон,  
Ҳаммадан айролиқ савдоси ёмон,  
Ғафлат кунда йиғлаб қолган бегумон,  
Бориб кўрай бекнинг ҳоли не бўлган.  
Банди бўлиб кетдик, ақлим шошиб,  
Тенгу тўшу қариндошдан адашиб,  
Байловли душманинг олдига тушиб,  
От ҳукмида бизлар кетдик йиғлашиб,  
Яёвлаб юрганмиз етти тоғдан ошиб.  
Етти ой, етти кун тинмай йўл тортиб,  
Тошлар уриб, оёғимиз қабартиб,  
Бир кунлари бордик Мисрга етиб,  
Утган азизларни бизлар ёд этиб,  
Гўзалшоҳга неча жавоблар айтдик.  
Қаттиқ кунда бандиликда қон ютиб,  
Бир кунлари бизни сангсорга тутиб,  
Ўлмайин сангсордан қошига етиб,  
Жафо кўрди менинг кулфатим ортиб.  
Ҳайдаб борган неча тоғдан ошириб,  
Бизлар банди, ақлу ҳушим шошириб.  
Подшоси сиёsat қилди бизларга,  
Ҳамза деган миршабига топшириб.  
Ҳамза миршаб ундан бизларни олди,  
Олиб бориб бизни зиндонга солди,  
Мен эртароқ бориб келай Ҳафтанга  
Қадирдон бобомиз зиндонда қолди,  
Билмайман бобомнинг ҳоли не бўлди.  
Биздан бир йил бурун банди бўлганди,

Етти йил бизларман сұхбат қурғанди,  
Шундай ишлар менга армон бўлғанди.  
Гўзалшоҳнинг аввал ҳолин билмадим,  
Илгариги сўзни тилаб олмадим.  
Қулоқ соп эшитгин айтган нолага  
Банда кўнар ҳақдин келган чорага,  
Сўнгра эсимга келиб ул бобом,  
Гўзалшоҳдан тилаб тушдим орага.  
Ул баччағар менинг ҳолим билмади,  
Кўп тиладим, сўзни қабул қилмади,  
Сўйлаганман Қамбар бобом бермади.  
Бизлар келдик ҳеч ким хабар олмади,  
Бобом учун менда тоқат қолмади.  
Жавоб беринг, хондан хабар олайин,  
Ҳар гап бўлса тақдиримдан кўрайин.  
Отам ўлган экан, эна, ишондим,  
Эралихон, бул ҳам отам, борайин.  
Эралихон аввал мени кулдирган,  
Бекларини айтганига кўндириган.  
Ўзи миниб турган отга миндириган.  
Тўйлаб берувди Асал қизини,  
Қандай бўлса, бир кўрайин юзини,  
Кўзима суртаман босган изини.  
Энасидан шундай жавоб сўради,  
Дуо қип энаси жавоб беради,  
Қайнатасин энди кўрмакчи бўлиб,  
Ҳафтангора қараб энди жўнади.  
Аҳмадбек ҳам ҳаялламай келсин деб,  
Бизнинг билан бирга-бирга юрсин деб,  
У ҳам бориб хонзодани кўрсин деб,  
Бир хизматкор Аҳмадбекка юборди.  
Урганч қўргонига келиб ул замон,  
Аҳмадбекка шундай берди хабарди,  
Аҳмадбек абзаллаб отини минди,  
Отланиб Юсуфбек қошига келди.  
Лаълихондан дуо олиб шул замон,  
Форга қараб икки ўғлон йўл юрди.  
Қани, Аҳмаджоним, бирга борайик,  
Ўлган дейди биз сўрасак ҳалойиқ,  
Форга кирган экан, хонни кўрайик,  
Сўнгра келиб бир маслаҳат қиласайик.  
Иккови отланиб бул йўлга кирди,  
Эргашган бекларга жавобин берди,  
Бу форнинг бошига келибон турди.

Отидан тушиб, отларини бойлаб, ўликми-тирикми деб ўйлаб, иккови бир-бирига сўйлаб ғорга кириб кета берди. Ҳафтанғори қоронғи, чироқ ёқиб иккови ғорга тушиб кетди. Ғорнинг тубига етди. Кўрдники, бир киши ётибди: нам өрга бағрини берган, икки кўзи кўр бўлган, оқшом-кундузни билмай қолган, Юсуф, Аҳмаднинг доғида абгор-абгашта бўлган. Ўртангандай ўтга жонини солган, тупроқ сифатли бўлиб қолган. Эралихонни таниб, етти марта айланиб, аҳволини кўриб, илгари шаҳарда беклик қилиб, охир-оқибати шундай қаттиқ кун кўриб, Юсуф, Аҳмад деб эсига олганда илондай тўлғаниб, ўзини уриб, оҳ-надомат қилиб, ётғанларини кўриб, кўнгли бузилиб, бизнинг учун ўзини шунча жафога солиб, ўтиндай ёниб, ўликларнинг бири бўлиб қолибди, деб Юсуфбек ўзини билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

Не кулфатлар тушди, жоним, бошингга,  
Хафа фалак оғу қўшди ошинингга,  
Қўшилмабсан элда қариндошингга,  
Ёндошмайин юртингда сирдошингга,  
Банди кетган боланг келди қошингга.  
Ота, эшит, менинг айтган сўзимди,  
Танидингми банди кетган кўзингди.  
Сени кўриб менинг кўнглим бузилди,  
Тура келгин, жигар-бағрим эзилди.  
Сени кўриб мен йиғладим доду дод,  
Бошинг кўтар, сени қиласай зиёрат,  
Банди кетган келди Юсуфбек, Аҳмад,  
Кўрдим, омон-эсон сени саломат.  
Бу аҳволда ётиб афгор бўлибсан,  
Озод бўлмас ғамли кунда қолибсан.  
Биз кетган сўнг сўрамабсан элингни,  
Қилибсан жонингга жафо, зулмни,  
Кўзинг очгин, кўргин жону дилингни,  
Банди бўлган Юсуф, Аҳмад ўғлингни.  
Бандилиқдан бўлдик озод,  
Пирлар берган бизга кушод,  
Келган Юсуф билан Аҳмад.  
Кўришайлик хўп саломат,  
Душманлар қилган маломат,  
Қўлдан кетган обрў, давлат,  
Етишингиз қандай ғафлат?  
Ҳафтанғорда ёлғиз қолиб,  
Бизлар банди ақлимди олиб,  
Сўраб келдик озод бўлиб,

Қўтаринг бошни инграниб,  
Зиёрат қилайлик кўриб.

Юсуфбекнинг бу сўзига ишонмай, «Юсуф, Аҳмад икки бошдан ўлиб кетган, мени бу форга келиб бирор мазаммат қилиб, менинг аҳволимни кўриб кулиб, таги мен қўзи йўқ одамман-да, бу гап билан туриб тармаша кетсам, мени мазах қилиб кулиб юрмасин»,— деб Эралихон бир сўз айтиб турган экан:

Илтифот айлаб келиб,  
Сўйлаган кимсан, болам,  
Кўҳна бўлган дардимни  
Қўзғаган кимсан, болам?  
Ўтган бекларни сўйладинг,  
Яхши сўзман ақлим олдинг,  
Бундай кунда раҳбар бўлдинг,  
Ўлган бекларни билдиридинг,  
Не сабабдан форга келдинг?  
Ширин сўйлаб, кўп гапирдинг,  
Айланиб бошимда турдинг,  
Келган қўзим, кимсан, болам?  
Юрагимда кўпdir дардим,  
Сўйламакка йўқdir ҳаддим,  
Юсуф, Аҳмаддай дилбандим,  
Эсга солган кимсан, болам?  
Эралихон дейди ўзим,  
Кўр бўлганди икки қўзим,  
Сўлган менинг гулдай юзим,  
Йўқ бўп кетган икки қўзим,  
Эсга солган кимсан, болам?  
Бекларимдан жудо бўлган,  
Абгору абгашта бўлган,  
Фироқида адо бўлган,  
Ўтган ишларни гапирган,  
Яхши сўзлаб кўнглим олган,  
Хивадан ким мунда келган,  
Сўз сўзлаган кимсан, болам?  
Қулоғима ёқар сўзинг,  
Ким бўласан сенинг ўзинг,  
Кўрмакка бўлмайди қўзим,  
Бу ётишдан ўлмак лозим,  
Парво қилган кимсан ўзинг?  
Бузилган менинг роҳатим,  
Хива эди турган таҳтим,

Шу кулфатга элтиб бахтим,  
Ажал етса ўлар чофим,  
Сўз сўйлаган кимсан, болам?  
Дунё молини ташладим,  
Охират йўлин ушладим,  
Эътиқод айлаб келиб,  
Сўз сўйлаган кимсан, болам?  
Дунё моли даркор эмас,  
Бу ётиш бизга хор эмас,  
Дунёдан меҳрим совиган,  
Шундай бўп ўлсам, ажабмас.  
Кетган бекни сифат қилиб,  
Келмаса келгандай бўлиб,  
Ўлганларни тирик қилиб,  
Савол қилган кимсан, болам?  
Қолди менинг кирдикорим,  
Бир худода ихтиёrim,  
Ҳеч ким сўрамаган ҳолим,  
Кетганди икки қўчқорим,  
Кўп азобда ширин жоним,  
Ҳеч келган йўқ дўсту ёrim,  
Ақлим олган, кимсан ўзинг?

Бу сўзни Эралихондан эшитиб: «Бизнинг ким эканимизни билмаяпти, хаёли ўзида эмас, биздан умидини узган экан, бундан тузук, далада очиқ-ярим юрган кишилар бизни кўнглидан чиқариб юборган экан, бу одам етии йилдан бери ўлди деб ўзини шундай машмашага солган. Бу кишида нима ақл қолган, ажали етмаса ҳам ўликларнинг бири бўлган, бизнинг учун шунча азоб кўрган, бўлмаса бир мамлакатда хон бўлиб турган, бизнинг учун куймаса, ким таадди қилган, ақлу ҳушини олдирган, агар бизлар олдига келсак, хаёли ўзида бўлса, товушимдан англаб билар эди. Бунга тағин бир сўйлаб кўрайлик, қўлимиздан келганча парвариш қилиб турайлик. Ўзимизни билдириб, кўнглини сўрайлик, ё бизни бошқа деб гумон қилдими, ё қоронғи ерда ётиб мажнун сифат бўлдими, ё деву жиннинг асари бўлдими»,— деб бир сўз айтиб турган экан:

Мен сўйлайин, англа, хоним,  
Ул орзу-армонинг келди,  
Рухсат олиб шикор кетган,  
Орқасига қамчи ботган,  
Етти йил зинданда ётган  
Юсуфи Канъонинг келди.

Беҳуда тўқма кўз ёшинг,  
Мени куйдирди нолишинг,  
Оч кўзингни, кўтар бошинг,  
Орзуйи армонинг келди.  
Юсуф, Аҳмаддай фарзандинг,  
Аввали охир дилбандинг,  
Ул марди майдонинг келди.  
Бир-бирига жон фидоси,  
Урганч элининг эгаси,  
Банди кетган хонинг келди.  
Азоблар кўриб не чоғли,  
Неча вақтлар қўлим боғли,  
Банди бўлиб, сийнам доғли,  
Юсуф, Аҳмад боланг келди.  
Гап эшитгин, ота, сўздан,  
Юз қайтарманг бугун биздан,  
Келганди кетган давлатинг,  
Қайтадан обод элатинг,  
Хоразмдай мамлакатинг,  
Келганди икки фарзандинг.  
Кўрибман, йўқдир тоқатинг,  
Бошингда кўпдир меҳнатинг,  
Шукур қил, кетди кулфатинг,  
Келиб сени сўраб турган,  
Юсуф, Аҳмаддай фарзандинг,  
Сен ўзингни ғамга солма,  
Сўзимизни дилга олма,  
Биз сўрасак, ҳазил билма,  
Бўлак деб сен гумон қилма.  
Аввал кеп элатим кўрдим,  
Мен энамдан сўраб билдим,  
Излаб янги <sup>1</sup> форга келдим,  
Бул аҳволда сизни кўрдим,  
Шукур қил, фарзандинг келди.  
Туринг энди кўришайлик,  
Бир-биrimiz билишайлик,  
Юсуф, Аҳмад дейди бизни,  
Тура келинг танишайлик.  
Билмайман, хоним, не бўлди,  
Тура кел фарзандинг келди.

Юсуф, Аҳмад бу сўзларни айтиб, ўзини билдириб, Эразлихон кўнгли ишониб, бўзлаб ўрнидан туриб, Юсуф, Аҳ-

---

<sup>1</sup> Ҳозир маъносида.

мадни бағрига босиб, күпгина афсус еб, бир сўз айтиб турган экан:

Ҳеч ким билмас Эралихон ўйини,  
Кўролмадим икки қўзим бўйини,  
Сен буздингми Нодиршоҳнинг тўйини?!  
Қурсин Нодир ажаб ишлар бошлади,  
Яхшилик савдони кейин ташлади,  
Ёмонлик ишларни маҳкам ушлади,  
Кўрмасам ҳам ғорда ётиб биламан.  
Дингкаман хонининг вақтин хушлади,  
Аста-аста куёв қила бошлади.  
Мен кўрмайман, омон-эсон келдингми,  
Хадичани Аҳмадга олиб бердингми,  
Омон-эсон, болам, озод бўлдингми,  
Банди бўлиб қаттиқ кунда қолдингми,  
Шукур қилай, юрт эгаси келдингми,  
Кўр бўп ётган хондан хабар олдингми?!  
Фалак урмай боғда гуллар сўлмаса,  
Олло менинг ақлу ҳушим олмаса,  
Бўйингни кўрмакка кўзим бўлмаса,  
Дуо қилай, омон-эсон келдингми?!  
Сен кетган сўнг мен ҳам қолдим оҳ уриб,  
Кўрмаган юртларга сен банди бўлиб,  
Шукур қилай, омон-эсон сен келиб,  
Ғорда савол қилдинг: кўнглимни олиб.  
Бу оҳингни бир оллога еткариб,  
Худо сени тор зиндандан қутқариб,  
Карвондайин сен юкингни биткариб,  
Келдингми, жон болам, мени ахташиб?!

Бу сўэни Эралихондан эшитиб, Юсуфбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Мен айтаман бир бошидан,  
Аларга ёр доғи тушди,  
Қонлар оқиб тирноғидан,  
Аларга йўл доғи тушди.  
Белимда заррин пўтага,  
Тилим кетмасин хатога,  
Бобомиз Одам Атога,  
Аларга жон доғи тушди.  
Зўрлик билан уриб босиб,  
Барчаси айлайди таассуб,  
Ёқуб ул, ҳазрати Юсуф,

Анга зиндан доғи тушди.  
Кийган тұнин таги ҳалил,  
Ұлық құрбон қылды Ҳалил,  
Исмоилга жон доғи тушди...  
Қулоқ солинг айтган сүзга,  
Бедов чопинг қуло тузга,  
Күнгил бермай дилбар қызга,  
Ахмаджонман иккимизга,  
Бизларга эл доғи тушди.  
Бизлар келиб күнглим жүшди,  
Күрдик сатта тенгу тушди,  
Мунда қолған қариндошди,  
Гангитғаннан азиз бошди,  
Мендан тақаббурлик ошди,  
Мисрга тақдирим тушди,  
Банди бўлиб ақлим шошди.  
Омон-эсон мунда келиб,  
Қатта-кичик элни кўриб,  
Одам қаторида бўлиб,  
Кеп турдим кўнглингиз олиб,  
Кўп савдога ўзим солиб,  
Шундай ғамли кунлар тушди.

Юсуф бошдан ўтган кулфатларига неча йиллардан тимсол келтириб, бу сўзларни Эралихонга айтган эди. «Биз нима одам, биздан илгариги ўтган одамнинг одаммиз дегани ҳам шунча жафо кўриб ўтган. Бизларга эл доғи тушди дегани мен банди бўлиб кетдим, мен боши Исфиҳон мамлакатидан келгандим, ниҳоятда бир минг уй билан келиб, бу ерда бир мусофиридай бўлиб тургандим, агар менинг ихтиёrim, оғир лашкарим бўлганда, мен банди бўлиб кетганда ҳам, кейинимдан бориб мен-чун уруш қилиб, қон тўкишиб, қўлдан келса ажратиб олар эди. Ниҳояти қирқ одам билан Аширбек сардор бориб, тогам бечора от солиб, бир неча йигитларнинг кўнгли бошқа бўлиб, ярадор бўлиб қайтиб элга келиб, етмаган ажалимиз душманнинг қўлидан қутулиб, тағи қолған кўзларни кўриб, Эралихоннинг кўнглини олиб турибмиз». Беклар бандиликдан озод бўладиган пайтда Бобо Қамбар бобоси Ҳазрати Алиниң тупроғини берган эди. Йлгари энасини зиёрат қилганды, унинг ҳам кўзи очилганди, Аширбек тоғасини зиёрат қилганди, унинг ҳам кўзи очилганди, уларнинг кўзи очилган эди деб ихлос билан Эралихоннинг кўзига суртди. Эралибекнинг ҳам кўзи очилди, дунёни қайтадан кўриб, бўлакдан кўришиб, сўрашиб, бу

дунёга қайтадан келгандай бўлиб, Эралибек бир сўз айтиб турган экан:

Назар топиб бу ёрларга келибсан,  
Кўр бўлган кўзимни равшан қилибсан,  
Чилтонлар сұҳбатин, болам, кўрибсан,  
Етишган пирлардан дуо олибсан.  
Неча вақт сарғайиб гулдай юзларим,  
Қайтадан дунёни кўрган кўзларим,  
Сени йўқлаб кўп йиғлаган ўзларим,  
Аввал ширин, ёқим солган сўзларинг.  
Мунда қолиб тинмай сени йўқладим,  
Сени йўқлаб кеча-кундуз йиғладим,  
Йиғлаб эдим, эгам берди муродим,  
Юсуф, Аҳмад болам дедим, тиладим.  
Ёнди баҳтимнинг чироги.  
Қўтарилиди ҳижрон шаби,  
Бўлди кўнглимнинг матлаби,  
Қайтадан дунёга келдим.  
Хон бўлиб тахtingга мингин,  
Фақирларнинг кўнглини олгин,  
Етимларга раҳбар бўлгин,  
Менинг насиҳатим билгин,  
Яхшилик йўлига юргин,  
Азиз этагин ушлагин,  
Манманлик ишин ташлагин,  
Юргин энди, йўл бошлагин.  
Бу ғордан бирга чиқайлик,  
Қўрсин бизларни халойиқ.  
Пойитахтга биз борайлик,  
Улуғ-кичикни кўрайлик,  
Бирга-бирга ўтирайлик.  
Барча одам мунда келсин,  
Рақиб-душман куйиб ўлсин.  
Бу сўзни айтар Эралихон,  
Ўтган сўзни айтар Эралихон,  
Ўтган ишга йўқ пушаймон,  
Юргин, Аҳмадман Юсуфжон.

Бу сўзларни айтиб, бирор-бировининг сўзини эшитиб, ғордан чиқиб, бирга-бирга йўл юриб, Хиванинг қалъасига равона бўлиб, катта-кичиклар Эралихонни кўриб, етти йилдан бери ўлик-тирилигини билмай, жангитда<sup>1</sup> осмондан

<sup>1</sup> Ҳозиргина.

тушгандай бўлиб, бир нечалар бу қаёқда ётган экан, бу қаёқдан чиқиб қолди,— деб ҳайрон қолиб, нечовлар чопиб келиб, хушомадга зиёрат қилиб, Хивага эга бўлиб турган амалдор, жигадор, сардор беклар чопиб келиб, бекларнинг олдига тушиб, тахт устига бошлаб, кўрганлар кўрмаганларга хабар қилиб, эшишмаганлар эшитиб, барча ҳалойиқлар йиғилиб, ош-об энифатлар қилиб, дастурхон ёзиб, бекларнинг олдига ҳар турли таомлардан тортиб, суҳбат қуриб ўтириб, ҳар ким билганини гапириб, шунда қадрдан бекларга қараб, Юсуфбек бир сўз айтиб турган экан:

Беклар йўқдир сенинг мендан хабаринг,  
Гўзалшоҳ устига бордир сафарим.  
Олтин байроқ билан отни сайланглар,  
Фазо излаб белни маҳкам бойланглар,  
Гўзалшоҳ устига талаб айланглар.  
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Бир етти йил ётиб келдим зинданда,  
Уч олишмоқ даркор энди майдонда,  
Ботирларга шундай ишлар осон-да.  
Сайлаб минингизлар бул бедов отди,  
Билинглар Гўзалшоҳ бизни тўзитди,  
Faflat уйқу бизни хўп олиб кетди,  
Банди қилиб ғайратини кўрсатди.  
Уч олишмай, қараб қолмоқ уятди,  
Яхши ўйлаб беринглар маслаҳатди,  
Белга бойлаб баринг олмос пўлатди.  
Кўриб келдим Гўзалшоҳ ҳам зўрабор,  
Ҳар ким бўлолмайди унга баробар,  
Биз бормасак, келиб қолар баччағар,  
Ваъда қилган Гўзалшоҳман шартим бор.  
Маслаҳат бер бирга қуриб суҳбатди,  
Ўн тўрт ойга мен олганман мухлатди,  
Ўн тўрт ойда биз бормасак, уятди,  
Келиб талон қиласар қанча элатди.  
Ақли расо беклар, бер маслаҳатди,  
Бандилик заҳмати жонимдан ўтди,  
Отдан тушмай қайтарман деб Хивадан,  
Шундай қилиб эдим шоҳга навбатди.  
Умидим кўп, танҳо қилгин шафоат,  
Мен бормасам, йўқдир турмоққа тоқат,  
Кўп йиғилдинг, энди чиқар маслаҳат.  
Хўп бир ўйлаб, оғир лашкар тузайлик,  
Душманларнинг қалъасини бузайлик,

Яратган раҳмондан мақсад тилайлик,  
Тонг отган сўнг Миср қараб жўнайлик,  
Маслаҳат бер, мана турган халойик.  
Ботирлар шайланиб анжомин олсин,  
Туриб бошла энди тараддуд қилсин,  
Йўл яроғин мунда ғамини есин,  
Билмаганга эшигандар билдирсан.  
Лашкар тузиб ўзим сардор бўларман,  
Узоқ йўлга ўзим бошлаб борарман,  
Тақдиримда ёзилганин кўрарман,  
Бугун туриб эрта-мертан жўнарман,  
Маслаҳат бер, катта-кичик амалдор.

Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, катта-кичик йиғилган саркардалардан — ҳар қайсидан ҳар хил маслаҳат чиқиб, бир нечаси билдиримай сўкиб, ўлмай келди деб четга чиқиб гапириб, Юсуфбекка сўз бермаган киши бўлиб, бир нечалар ичида қўрқиб турса ҳам сиртда кулиб: «Бизга бош одам бўлмади, бўлмаса илгаридан ҳам ҳаракат қилиб бориб, у баччағар Гўзалшоҳ билан урушиб, ё ўлиб, ё ажратиб олиб келиб, бир ёқли бўлмоқчи эдик». Унда бир неча ақли расо беклар ундай кўтарилиб гапирган одамларни қайтариб:— Қовунга чиққан шумғиядек бўлиб, ҳар алвон сўз гапирма. Гўзалшоҳ отангнинг чоракори әмас, бора солиб сен койиб, сўкиб, ё жавоб бериб, ё мунда бойлаб ҳайдаб келиб турадиган. У ҳам зўр одам, ўйлашиб бормоқ тузук,— деди. Шунда оталиқ беклар хўп йиғин қилиб, бормоқлик даркор деб маслаҳатни бир ерга қўйиб, жуйрук мирзаларга хат ёздириб, ўзбак бекларига нома ёзиб, уч юз олтмиш ясовулни ҳар тарафга жўнатиб, шунда бу сўзларни Юсуфбек жўнаётган ясовулларга айтиб турган экан:

Ясовуллар, биздан салом,  
Сатта шери Яздонинг келсин,  
Ясовуллар, олиб қайтинг,  
Сатта марди майдонинг келсин.  
Изгорин тортиб узоқдин,  
Сирдан нари — чет қозоқдан,  
Телпаклари улкан келсин.  
Эшитса турмай замони,  
Кучли қозоқнинг султони,  
Бургут султон қолмай келсин.  
Лашкар келсин Намангандан,  
Беш лак киши Исфиҳондан,

Қарнайин тортиб Қўқондан,  
Бўзўғлонхон тоғам келсин,  
Қирқ минг уйли Қўқон келсин,  
Номи ўзбак туққон келсин.  
Асилизодадир авлоди,  
Чингиз бобонинг зурёди,  
Така беги Замон келсин,  
Ҳам қирқи юз, қорақалпоқ,  
Қирқ минг уйли хитой, қипчоқ,  
Бариси миниб тўбичоқ,  
Отга қутос таққан келсин.  
Хабар элтинг Чамбил элга,  
Сафо ўғли Чаққон келсин...  
Ҳисор эли қилсан сафар,  
Балх шаҳрига элтинг хабар,  
Тоғлар бўлсан зеру забар,  
Номи афғон қолмай келсин.  
Хабар элтинг тинмай мундин.  
Лашкар келсин Белликондин  
Ҳеч қолмайин Кўҳистондин,  
Бир ажойиб боғу бўстон,  
Қолмай келсин Арабистон.  
Лашкар юрсин кўча-кўча,  
Ҳеч қолмасин мулла, хўжа  
Қишлоқи беватан келсин.  
Кўпга ўтар душман асари,  
Қолмасин ўзбак беклари,  
Нома-хатга ёзилганди,  
Билсанг, мусултоннинг бари.  
Сўз айтар Хиванинг хони,  
Қолмасин душманнинг жони,  
Бордир Юсуфбек армони,  
Ҳурмат қилса келсин бари.  
Бу сўзни айтди беклар,  
Фотиҳа берди амалдор,  
Уч юз олтмиш ясовуллар,  
Ҳар қайси ҳар йўлга кетар.  
Юсуфбекдан шулдир хабар,  
Отнинг бетига қарама,  
Кечикмай номани еткар.

Шуйтиб ясовуллар номи ўзбак бекларига хабар ет-  
кизмакчи бўлиб йўлга тушиб кета берди. Уларни жўна-  
тиб, тўпу тўпхоналарнинг ғамини қилиб, тўпу тўпхона-  
ларни аввал жўнатиб, қанча лашкарини созлаб, Юсуф,

**Аҳмад** энди жўнамоқчи бўлиб, энасининг қошига бориб,  
энасининг дуосини олиб, лашкарнинг кетидан етармиз,  
**деб** энасига қараб, Юсуфбек бир сўз айтиб турган экан:

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,  
Гулни кўриб маст бўп сайрап булбуллар.  
Булутлар маст бўлса, чалқийди қўллар,  
Илгаридан жўнаб кетди кўп лашкар,  
Жоним эна, сенга айтар арзим бор,  
Албатта, дуога қўлингни кўтар.  
Саваш бўлса от ёлини ўрарман,  
Тақдиримда нима қисмат кўрарман,  
Гўзалшоҳга лашкар билан борарман,  
Эна, эшил менинг айтган тилимни,  
Дуо қилиб жўнат мендай улингни.  
Жон борида кўп жафони кўраман,  
Фотиҳа бер, оқ сут берган энажон,  
Мен энди Мисрга кетиб бораман,  
Холисилло дуода бўл, энажон,  
Остимда юз алвон ўйнайди отим,  
Урушда ярқиллар кескир пўлотим,  
Мисрнинг ютига бўлди разотим,  
Битиб қолди Гўзалшоҳга муҳлатим.  
Эртаю кеч қичаб йўлни олайнин,  
Шоҳ қўзғолмай мен устига борайин;  
Қайтмай бориб саваш қилиб келайнин,  
Жавоб беринг, эна энди жўнайнин.  
От чопса, гумбирлар тоғнинг дараси,  
Ингратар ботирни найза яраси,  
Етти ойлик йўлдир Миср ораси,  
Мен эдим шу вақти Хива тўраси,  
Рухсат беринг, эна, мундан жўнайнин.  
Борсам душман билан бўлар савашим,  
Аҳмад бўлар ҳамузанги, йўлдошим,  
Бир етти йил банди бўлганди бошим,  
Ўйласам, кетмайди тандан койишим.  
Оғир лашкар тузаб мундан бораман,  
Насиб этса, шоҳнинг юртин оламан,  
Мисрни ўзимга тобе қиласман,  
Номи ўзбак қолмай барча йигилиб,  
Миср қалъасига отни соламан.  
Худойимдан давлат тилаб кўраман,  
Жавоб берсанг, Миср кетиб бораман.

Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, энасининг хаёли қочиб,  
нашъаси ўчиб:—«Эй болам, шаҳри Мисрга банди бўлиб,

етти йил зинданда қолиб, саккиз йил деганда мунда келиб, шу фалокатлардан худо қутқариб, озод бўлиб қутулганинга шукур қилиб, энди элни адолат билан сўраб ўтиранг бўлмайдими, нима бор Мисрда сенга. «От ҳурккан ерига ботмайди» деган гап бор. Аввалда бориб олиб келломадинг, зўр ёв экан, енголмадинг, энди қутила солиб, манманлик қилиб, тегмаган ёвга излаб бориб, кўп балони бошингга олиб, сўнгра юз пушаймонлар қилиб, наф топмай овора бўлиб юрмагин,— деди. Юсуфбек туриб айтди:— Ҳар гап бўлса, эна, бундай қайтариб бизни йўлдан урма, аёллик қилиб беҳуда гапирма. Гўзалшоҳ билан қилган ваъдам бор эди, сенинг бу қайтарганингга келиб қолса ҳам, бормас эдим, зарурлиги шу: Бобо Қамбар деган бир бобом бор эди. Чин-мочин мамлакатидан мушку анбар юклаб келиб, тилла саройга қўниб ётганда, Гўзалшоҳ бир туш кўриб, кўхна замондан қолган киши экансиз, деб кўрган тушини Бобо Қамбарга гапириб, тушининг таъбирини Гўзалшоҳга шундай айтиб, бизларни кўп таъриф қилиб айтган сўзига Гўзалшоҳнинг рашки келиб, молу зарларининг ҳаммасини подшо йўқ қилиб, ўзини зинданга солиб, Юсуф, Аҳмад келиб, менинг шаҳримни олганда, сени чиқариб олар деб кўп сўзлар билан мот қилиб, устига бизлар ҳам банди бўлиб бориб, бир йил биздан бурун тушган, етти йил бизлар билан билла ётган. Лекин шул қадрдан бобомиз учун биз бормасак бўлмас, ҳар гап бўлса борамиз, бобомни ташлаб бизлар чиқиб, бобомнинг шаънига номардлик қилдик.

Зинданда кўп парвариш қилган эди бизларни, кўрганингиз йўқ, бул ишлар эсингизга келмайди. Бобом бизнинг кўнглимииздан йироқ бўлмайди. Бу сўз Лаълихон ойимга маъқул тушиб, дуога қўл қўтариб, яхши бор деб, Лаълихон ойим бир сўз айтиб турган экан:

Худодан тиласанг, берар ҳар талаб,  
Оловхўжа пиринг — ул шайхи Шароф,  
Уларнинг дуосин олган боламсан,  
Бу дунёда сонсиз жафолар кўрган,  
Меҳнат кўриб қайтиб бул элга келган,  
Балки чилтанларман бирга ўтирган,  
Чилтаннинг шаробин ичган боламсан.  
Келиб туриб Гўзалшоҳ деб қилиб дод,  
Дунёнинг ишини айладинг барбод,  
Бир кўриниб менинг кўнглим қилиб шод,  
Лаълихоннинг ҳолин билган боламсан.  
Саккиз йил деганда Мисрдан келдинг,

Қайтадан бормоқнинг ҳавасин қилдинг,  
Миср шаҳрин мудом кўнглингга олдинг,  
Халойиққа қанча элчи юбординг.  
Элатия сенинг ҳурматинг қилса,  
Ери бериб ўзбак беклари келса,  
Улуғ-кичик қолмай барча йифилса,  
Мисрнинг қалъаси одамга тўлса,  
Сенинг иззатингни душманлар кўрса.  
Душман кулар сенга пайров бўп турса,  
Азалдан туғишли келган боламсан.  
Етти ойлик йўлга талаб айладинг,  
Қиёмат деб ширин жонинг қийнадинг,  
Кечакундуз Гўзалшоҳни ўйладинг,  
Энди борсанг, Шоҳимардон ёр бўлсин,  
Имом, чилтан сенга жиловдор бўлсин,  
Қасд қилган душманлар сенга зор бўлсин,  
Комил пиринг, болам, мададкор бўлсин.  
Кечакундуз мен йиғлайман доду дод,  
Бир оллодан сенга етсин-да мадад,  
Омон-эсон, келган соғу саломат,  
Яхши қараб мамлакат қилсин хизмат.  
Қўп яшагин, жоним болам, ўлмагин,  
Синиқ бўлгин, манманликни қилмагин,  
Бир нечага лоф сўзларни урмагин,  
Бир худодан асло ғофил бўлмагин,  
Жоним болам, нодон кўнглинг бўлмагин,  
Faflat босиб душман қўлда қолмагин,  
Омон-эсон келгин, ночор бўлмагин.  
Лаълихон дер, дуо қилиб йиғлайман,  
Эсонлигинг бир оллодан тилайман,  
Сен келгунча ҳар кимсадан сўрайман,  
Неча вақтда мен йўлингга қарайман.  
Бу ўлкада сен ҳам бексан, тўрасан,  
Қайта бошдан яна элга келасан,  
Бунда турмай тағин сафар қиласан,  
Фазо истаб болам кетиб борасан,  
Хабар бергин неча вақтда келасан?  
Сен кетсанг, янгиланар меҳнатим,  
Қўрар кўзим сенсан менинг фарзандим,  
Сенга йўлдош бўлиб кетар Аҳмадинг,  
Қамбар дединг, болам қилган хизматинг,  
Лаълихонга айтгин келар муҳлатинг.

Бу сўзни энасидан эшитиб, бир-икки оғиз сўзни Юсуф-бек энасига айтиб турган экан:

От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси,  
Одамни ингратар наиза яраси,  
Етти ойлик йўлдир Миср ораси.  
Келар мўлжалимни мендан сўрадинг,  
Бора солиб қайтмоқ менинг муродим.  
Орасида етти катта тоғи бор,  
Тўп судратиб ўтар қанча амалдор,  
Бир талотўп борсак, ажаб иш бўлар.  
Насиб этса, мен ҳам ғазот қиларман,  
Ўн беш ойда мен ҳам бориб келарман,  
Кечакундуз йўлни қичаб юрарман,  
Қўп олис ерларни яқин қиларман,  
Ўн беш ойда, эна, келиб қоларман.  
Шу бўлади, эна, сизга муҳлатим,  
Жавоб беринг, кетсин энди фарзандинг.  
Илгарида кетган қанча амалдор,  
Ўн беш ойни, эна, берганман хабар,  
Мен келгунча дуода бўл, муштипар.  
Келиб эга бўлай мана юртима,  
Эна, рози бўлгин берган сутингга,  
Кетди деб, энажон, зинҳор ғам ема.  
Насиб бўлса дол бедовни еларман,  
Олмос пўлат қайраб белга чоларман,  
Худодан тилагим шулдир, энажон,  
От устидан Миср шаҳрин оларман,  
Гўзални ўзима тобе қиларман,  
Ҳаялламай бир кун келиб қоларман,  
Тақдиримда ҳарна қисмат кўрарман,  
Рухсат беринг, эна, энди жўнарман,  
Қўл кўтариング, бедовимни минарман.

Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, Лаълихон ойим:— Ҳарчанд насиҳат қилдим бўлмади, ўз билганидан қолмади. Ҳар кимнинг сўзини қулоққа олмади, энди бунинг мақсади Гўзалшоҳга бормоқ бўлди. Яхши фотиҳа бериб жўнатайин,— деб дуога қўл кўтариб, фотиҳани юзига тортиб, Юсуфбекка шундай жавоб берди.

Юсуфбекнинг энасидан дуо олиб отланганини Гуласалоим кўриб, бу Мисрга боришдан Гуласалоимнинг хабари йўқ эди. Гуласал кўрди: оту асбобини, уруш яроғини ғамлаган, Аҳмадбекни бирга олган. Буни кўриб Гуласалоим:— Кечакелиб таги бу не гап? Ё бир ёққа бормоқчи бўлдими, ё Урганч, Хивага бир ёқдан ёв келдими, қандай бўлса бунинг юришини сўраб қолайин,— деб сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Чечанни сўйлатган қизил тил бўлсин,  
Узуну қисқали тўнинг мўл бўлсин,  
Уруш яроғингни ғамлаб минибсан,  
Қайси элга, тўрам, талаб қилибсан,  
Йўл бўлсин, хонзода, қайга борасан?  
Хафа қилиб кетма мендай гулингни,  
Айтиб кетгин менга борар ерингни,  
Туришинг узоққа сафар қиласан,  
Кечакелиб бугун кетиб борасан,  
Қай душманман бориб уруш қиласан,  
Хабар бергин, жоним, қайга борасан?  
Йўлдош қилма кўнгли бошқаbekларни,  
Шикор қилсанг, Ҳовдак деган кўлларни,  
Бизга гапириб кетгин, хоним, хабарни,  
Йўл бўлсин, бегижон, қайга борасан?  
Бошимда пирпирап ипак рўмолим,  
Кунни хира қилар балки жамолим,  
Не сабабдан сен хонзода отландинг,  
Айтиб кетгин менга бирор хабаринг.  
Неча йилдир сийна-бағримни доғлаб,  
Тақдиру қисматинг Мисрга чоғлаб,  
Фироқингда ўтдай куйганман йиглаб,  
Бўлакдан қаерга қилдингиз талаб,  
Йўл бўлсин, хонзода, қайга борасан?  
Сендан савол сўрар мендайин ёринг,  
Етти йилдан бери сабил кирдикоринг,  
Не сабабдан миндинг отнинг белига,  
Бу ишингдан йўқди менинг хабарим.  
Бедовни шайлдинг парвоз қилгандай,  
Олис юртни сен ҳам кўзлаб тургандай,  
Бир шаҳарга ўзи фазо қилгандай,  
Йўл бўлсин, бегижон, қайга борасан?  
Ёрингнинг кўнглини хурсанд қиласан,  
Сўз айтарман энди сизга бир алвон,  
Олмос пўлат белда, эгнингда қалқон,  
Қайси элга сафар қилдинг, бегижон?  
Саккиз йиллар жигар-бағримни доғлаб,  
Сўроғлаб топмадим сиздан ҳеч хабар,  
Еш ўрнига оқиб кўзимдан қонлар,  
Сиздан сўраб турган мендай гажакдор,  
Борар еринг, тўрам, бизга хабар бер.  
Мен янгитдан йиглаб ўзима келдим,  
Дунёга бошқадан келгандай бўлдим,  
Яхши-ёмон кунлар ўтди-да кетди,  
Бунда келиб тағи турмай не бўлди,

От абзалинг кўриб ҳайрон қолибди,  
Мен билмайман, тўрам, савдонг ғолибди(р).  
Мамлакатга ё бирор ёв келибди,  
Мендай ойим сиздан гумон қилибди,  
Ул сабабдан ёринг сўраб турибди,  
Йўл бўлсин, бегижон, қайга борасан?

Бу сўэни Гуласал ойимдан Юсуфбек эшитиб, Гуласал-  
нинг тарзига қараб, Юсуфбек ҳам бир сўз айтиб турган  
экан:

Олмадайин гулдай сўлган тарзим бор,  
Кўнглингга оғир олмагин, дилбар,  
Йўлга чиқдинг, сенга айтар арзим бор.  
Мен кетиб, Қамбарни унда йифлатдим,  
Шул бобомдан кўпdir менинг уятим,  
Гўзалнинг устига бўлди ғазотим,  
Ҳам уч юз олтмиш тўпни жўнатдим,  
Ҳамроҳ бўлган менинг билан Аҳмадим,  
Миср бориб келайин, паризодим.  
Мен кетган сўнг, дилбар, хафа бўлмагин,  
Кетишимни кўнглингга оғир олмагин.  
От устида бора солиб келарман,  
Бобомнинг ҳолидан хабар оларман.  
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Биз етти йил бирга эдик зинданда.  
Етти йил тинмайин хизматни қилган,  
Жуда ҳам эгишиб-чегишиб қолган,  
Кўнглимиз кўтариб кўп сўз гапирган,  
Тор зинданда учовимиз қадрдон,  
Кетмайди шул бобом менинг кўнглимдан,  
Шунинг учун бориб келар Юсуфжон.  
Келиб кўрдим қавму қариндошимни,  
Катта-кичик элдаги сирдошимни,  
Омон-эсон кўриб мен қурдошимни,  
Бирга олдим Аҳмаддай йўлдошимни.  
Мамлакатга қанча одам юбордим,  
Оғир лашкар йиғиб қилдим сафарди.  
Мисрга бормоқقا умидим шулди(р),  
Хафа қилмай кетай сендайин гулди.  
Қанизларман ўйнаб-кулиб тур энди,  
Қайтгин, дилбар, сен ичкари кир энди.  
Кўнглинг бўлиб, кўп ҳаяллаб турмагин,  
Қошинг чатиб, қобогингни уймагин,  
Бу ерда кўп туриб хаёл қилмагин,

Ичкари бурилиб ўрдага киргин,  
Ўз вақтингни хушлаб бунда ўтиргин.  
Шоҳсанам сифатли гул юзли ёрим,  
Бир соат кўрмасам, бўлмас қарорим,  
Дуо қилиб тургин шул замон, ёрим,  
Кўп кечикмай келиб турар хабарим.

Бу сўзларни Гуласалга айтиб:— Хафа бўлма, ҳар ҳаёлга кўнглингни бўлиб, мени бурунгидай кўрма. Илгари манманлигим ошибб, йўлимдан жуда адашиб, ким бўлса қўйнимни очиб, сиримни айтиб, дўст-душманни билмай, ўз манманлигимдан банди бўлиб кетдим... Миср деган нима йўл, сал кунда бегинг бориб келади, нашвангни учирма, хаёлингни қочирма, мен шу ерда тургандай бўлиб тургин,— кўп сўзларни Гуласалга тасалли бериб, ўрдага қайтариб, катта-кичик қолганлардан дуо олиб жўнаб, илгарида уч юз олтмиш тўпни жўнатиб, лашкар тузиб, бирбирига хабари етиб, эшигтанлар эшифтмаганга айтиб, сибирик, сурнай, карнай тортиб, Юсуфбекнинг Хивадан чиқиб, шаҳри Мисрга жўнаб кетиб бораётган ери:

Ийгитлар отга ярашиб,  
Құрқоқларнинг ақли шошиб,  
Ботирлар дарёдай тошиб,  
Жүнай берди йўлга тушиб.  
Бир-бирига ол-ҳа, дейшиб,  
Ҳаяллама, бўл-ҳа, дейшиб,  
Қани, йўлга кир-ҳа, дейшиб,  
Байдоқ-байдоқ лашкар тортиб,  
Уч юз олтмиш тўп жўнатиб,  
Тоғу тошни гумбирлатиб,  
Қатта тўпларни судратиб,  
Хурма тўпларини ортиб,  
Мўнгиратиб карнай тортиб,  
Ботирлар илгари ўтиб.  
Одам тўлиб баланд-пасида,  
Урушга ботир ҳавасда,  
Кетди аскар даста-даста,  
Жўнаб ётири чапараста.  
Лашкар жўнар кўча-кўча,  
Балки қолмай мулла, хўжа,  
Биз ҳам бирга борайлик деб,  
Хонга қувват берайлик деб,  
Бир басли баҳона сабаб  
Миср шаҳрин кўрайлик деб,

Агар эгам иқбол берса,  
Борган юртни олайлик деб.  
Гүзал деган подшосини  
Бойлаб банди қилайлик деб,  
Айтган йўлга солайлик деб,  
Юра беринг, халойиқ деб,  
Бекларнинг вақти хуш бўлиб,  
Қайсар Юсуфбек бош бўлиб,  
Қиста, дейди хабар қилиб.  
Бедовларга қамчи уринг,  
Олис йўлни яқин қилинг,  
Юриб бу дунёни кўринг,  
Гоҳ ерларда мазғил олинг,  
Бизлар банди бўлиб кетган  
Мисрнинг шаҳрини кўринг.  
Гўзалшоҳ Миср тўраси,  
Бир кун юрсак етишармиз,  
Кўрсангиз, Миср қалъаси.  
Сонсиз лашкар йўлни босиб,  
Бораётир ҳайҳайлашиб,  
Ботирлари бирдай бўлиб,  
Товда оқирған<sup>1</sup> шердай бўлиб.  
Қўрқоқларни ваҳм босар,  
Жўн юрмакка ердай бўлиб.  
Қандай омон келармиз деб,  
Зўр подшо деб эшигтанмиз,  
Икки бошдан ўлармиз деб,  
Бир нечага охир замон  
Умид узганди жонидан.  
Бегумон биз ўлармиз деб,  
Кўнгли совиб маконидан.  
Шундай бўп йўлни олади,  
Хориган ерда қўнади,  
Оқшом ётса, тонг отади,  
Номоз вақти жўнатади,  
Кўчганда тўпни отади,  
Шундай қип Миср кетади,  
Ададсиз йўлни тортади.

Шундай қилиб кетиб бораётуб эди, кўзига бир бўлак  
лашкар кўринди.— Бу қандай лашкар экан,— деб тўхтаб  
турди.

<sup>1</sup> Ҳайқирган.

— Дўстми ё душманми? Ким бўлса билайлик, яқинлаб келсин кўрайлик, бу ҳам оғир лашкар экан,— деб қараб туриб эди, кўриб билди. Бўзўғлонхон тогаси Исфиҳон шаҳридан чиқиб, неча мазгил йўл юриб, беш лак киши билан келаётибди. «Юсуфбек бандиликдан озод бўлибди, омон-эсон Урганчга келибди, тағи Мисрга бормоқ бўлибди, элцидан хабар юборибди. Юсуфбекка ёри беришайлик, Миср борса, биз ҳам бирга борайлик»,— деб беш лак кишини бирга олиб, ёв-яроги билан келаётибди.

Бўзўғлонхонни таниб, Юсуфбек отдан тушиб, бу беклар отдан тушгандан кейин бўлак амалдорлар «Бу ҳурматли одам экан», деб отидан тушиб, пиёда бўлиб турди. Бўзўғлонхон келиб жиянларини кўриб, кўришиб, сўрашиб:— Юсуфбек, менинг қанча насиҳатларимни олмай банди бўлиб кетдинг. Мен одамларингни кўзимдан ўтказ деган вақтимда менинг кўзимдан ўтказувдинг. Ичаги тўғри одамларинг бехавотир ўтиб кета берди, бир одаминг ўғрилик қилгандай аланглаб ўтди. Мен бу қандай одам деб сендан сўрадим, сен айтдинг: «Бул — Гўзалшоҳнинг хазиначиси». Мен айтдим: «Гўзалшоҳнинг хазинаси сенинг қўлингда нима қилиб юрибди?» Сен айтдинг: «Гўзалшоҳнинг хазиначиси менинг қўлимда юргани ўз динидан бет қайтариб, бизнинг динимизга кириб, бизларни паноҳ тортиб келибди». Унда мен айтдим: «Бу яхши одаммас, ўзи душман, файри мушаддат. Бу Бўзўғлон тогангдан чиққан шундай насиҳат. Бошини кес баччағарни, сира қилмагин мурувват. Ўзи кўп кўзлари ола, ранглари қонсиз, мен шу вақти билдим, Гўзалшоҳдан келибди жонсиз<sup>1</sup>, қўлингизни байлаганда танирсиз». Сўнгра, жиянларим, бизга шундай гапирдинг, менинг кўнглимни нориза қилдинг, сенинг манманлигинги ошганини қайдан билайин, «яхши-ёмон келар марднинг шаънига, ўлдирмайман золим бўлиб қонига, мундай сўз хўб эмас, марднинг шаънига»,— деб кўтарилдинг. Ундан кейин тағи бир сўз айтдинг: «Дунёда кўрарсан яхши-ёмонни, ҳеч жаҳонда биздай арслон бўларми, мусаххар айласам етти осмонни, оларман барини гумон бўларми». Бандага бунча ошмоқлик хўб эмас, Юсуфбек:— Хайр тоға, мен ўзим сўнгра уйқум очилгандан кейин билдим, юз пушаймон қилиб наф топмай қолдим. Эндиғи ихтиёр сизда бўлсин,— деди. Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, Бўзўғлонхон:— Хайр, ундан бўлса лашкар жўнай берсин,— деб Юсуфбекка бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

<sup>1</sup> Жосус.

Кулоқ солиб эшит, Юсуф султоним,  
Дунёни яратган қодир маҳбубдир,  
Жисми жоним эрур оллонинг мулки,  
Қудратидан кулли ашё мавжуддир.  
Ўзингдан пастларни айлагин маъзур,  
Охират жойини қилгайсан маъмур,  
Такаббурлик қилди шайтони малъун,  
Бул сабабдан даргоҳидан мардулдир.  
Оғир лашкар билан мунда келаман,  
Қўлимдан келганча ёри бераман.  
Исфиҳон шаҳрида қолганди тахтим,  
Бузилмасин, беклар, бу замон раҳтин,  
Шаҳид бўлиб кетсам бу менинг баҳтим.  
Манманлик савдони орқа ташлагин,  
Яхшилик йўлларни, Юсуф, бошлагин,  
Фақир, мискинларнинг вақтин хушлагин,  
Шунда ҳосил бўлар сенинг муродинг.  
Камтар қилгин сипоҳилик одатинг,  
Қўп бўлар дунёда кўрган давлатинг,  
Шудир сенга берган бу насиҳатим,  
Сен учун кеп кўрдим мен қалъангни,  
Хивада орттирган неча юртингни.  
Энди ихтиёрни менга ташладинг,  
Яхши сўйлаб менинг кўнглим хушладинг,  
Юра бер, Юсуфбек, Миср бошладим.  
Кулоқ солгин Бўзўғлонхон тилига,  
Неча душман чиқолмайди йўлига,  
Исфиҳонда шону шавкат менда бор,  
Тифи буррон — ўткир яроқ менда бор.  
Сермаса, оламни дамига олар,  
Исфиҳондан чиқар қандай кескирлар,  
Юра беринг, Миср бормоқлик даркор.  
Мазгил олиб энди бундан юрайик,  
Омин деса фариштаю малойик,  
Миср шаҳри ўнги сўлин олайик,  
Майдон бўлса, қон тўкишиб кўрайик,  
Ғазо излаб чиқкан барча халойиқ,  
Қистаб йўлни юра беринг, халойиқ.  
Уруш бўлса, қўл узатиб қиличга  
Эрта кўчинг, лашкар қолмасин кечга,  
Не бедовлар толиб йўлда юришга.

Бедов отлари диркиллаб,  
Қарағай найза сўлқиллаб,  
Чоройна белла ярқиллаб,

Белла беллиги иркиллаб,  
Олғир құшдайин чирқиллаб.  
Бедовлари күпик сочиб,  
Гоҳ ерларда олиб қочиб,  
Не бекларнинг баҳрин очиб,  
Жұнай берди оллолашиб,  
Эр йигитлар хабарлашиб.  
Кетди беклар йўлга тушиб.  
Ахтариб Миср шаҳрини,  
Қистар минган тулпорини,  
Урушга чоқлаган сатта,  
Ияртганда қайсарини.  
Хафа фалак солма зулм,  
Кейин қолди ўсган элим,  
Ҳар тофу чўллар мазгилим.  
Ҳақдан бўлсин-да иноят.  
Бир оллодан етсин қувват,  
Оқ күпик сочиб бедов от,  
Бораётган сап азамат.

Бу сўзни айтиб йўлда бораётби эди, таги бир тўзон пайдо бўлди.— Ким экан?— деб Бўзўғлонхон, Юсуфбек кўрди, таниди. Тўққиз юз одам билан Такабеги Замон келиб қўшилди. Булар қўшилиб бирга-бирга йўлга кириб эди, таги бир тўзон пайдо бўлди.— Бу ким экан?— деб қаради. Бу Сафо ўғли Чаққон. Уч юз олтмиш йигити билан бир йигирма йил Гўрўғлига ҳам хизмат қилган, Авазлар билан кўп бирга юрган, неча баходирларни ўткизган, ёши юз йигирмага кирган, булар Чамбидан чиқиб бунда келган.

Юсуфбек, Сафо ўғли Чаққон бир-бирини кўрган эмас. Бу кўхна одам экан, жуда уруш яроғини ғамлаган, қайси эллининг беги экан,— деб Юсуфбек бир сўз айтиб турган экан:

Қай ерларда сендаи шунқорнинг жойи,  
Сенга йўлдош бўпти қанча сипоий,  
Қайси элдан, қайси юртдан келасан,  
Не хизматда пешво чиқиб турасан,  
Хабар бер, сипоҳи, қайдан бўлассан?  
Юлдузни кўзлайди остингда отинг,  
Қайси элда сенинг ўсган авлодинг,  
Нима дейди ул турган мамлакатинг,  
Уруш излаб борми сенинг меҳнатинг.  
Меҳнат тортиб бундай жойларга келган,

Сап шакаман беклар билан ўтирган  
Билмайман, ёшингиз анчага борган,  
Уч юз олтмиш одам билан қўшилган.  
Отларинг тер қотиб йўлни тортибди,  
Қанча отга ўқу яроқ ортибди,  
Уруш излаб сенинг умринг ўтибди,  
Бир сипоҳи мардим, қайдан бўлласан?  
Сен қариссан — баҳодирлик номинг бор,  
Кўп душманга танҳо дориган шунқор,  
Кўп душманлар бўлолмайди баробар,  
Сипойи гузара ўзинг амалдор,  
Қай шаҳарда сўраб турган кирдикор,  
Турган жойинг бизга хабар беракўр.  
Келибсан бизларга ҳамдам бўлгани,  
Ғазо излаб бирга Миср боргани,  
Йўлдошликка ярайсан бирга юргани,  
Хабар бергин, сипоҳи, қайдан келасан?  
Бу сўзларни айтар Юсуфбек номдор,  
Кўриб ҳайрон қолди саркарда беклар,  
Шавкатинг ҳамманинг ақлин шоширап,  
Хабар бергин, қайсар, қайдан бўлласан?  
Кечакундуз қичаб-қипсан зулмни,  
Тер қотириб минган ҳайвонларингни,  
Баён қилгин бизга ўсган шаҳрингни,  
Бир сипоҳи номдор қайдан бўлласан?  
Ёш қайтганда яхши ғайрат қилибсан,  
Сатта эр йигитни сайлаб олибсан,  
Ўлжа қип олмоққа жуда толибсан,  
Ғазо истаб бу ерларга келибсан,  
Қайси юртни ўзинг сўраб турибсан?  
Душманга етади сенинг қувватинг,  
Ошиб кетган сипоҳилик одатинг,  
Сипоҳи халқида элат бўлмайди,  
Қаер сенинг кўп турган мамлакатинг?

Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, Сафо ўғли Чакқон ҳам бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Туркман мамлакатда давронни сурдим,  
Гўрўғли тўшида Чамбилда турдим,  
Сап шакаман беклар билан ўтирдим,  
Охир савдо қарив ишим, битирдим.  
Юсуфбекдан хабар сипоҳи борди,  
Сафо ўғли Чакқон деб нома юборди.  
Номани ўқибон табассум қилдим,

Номангди барини беклардан билдим,  
Қувонгандан йигирма бешга кирдим,  
Уруш яроғини ғамладим, олдим.  
Үч юз олтмиш билан йўлларга кирдим,  
Ўтган ишни йигитларга гапирдим,  
Кўҳна ўтган беклардан хабар бердим,  
Хабарга мувофиқ шу бугун келдим.  
Насиб бўлса, бирга Миср борармиз,  
Миср борсак, кўп ўлжани олармиз,  
Подшонинг ғазнасин талон қилармиз,  
Сизнинг билан бирга-бирга борармиз.  
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Ғамли қуллар кўп йиғлайди армонда,  
Маҳшар куни бўлмайин-да шарманда,  
Бир етти йил ётиб кепсиз зиндонда.  
Шу ишлар Гўзалнинг қўлидан кепти,  
Шу қилган ишлари ўзига эпди,  
Бойлаб бориб сизни зиндонга сопти,  
Ўч олмоқни ким ҳам айб қилибди.  
Ҳар ким от ўйнатиб майдонга кирав,  
Ботир бир-бирини унда чақирав,  
Нечовлар майдонда ажалли ўлар,  
Нечовлар у кунда ўлжали бўлар.

Бу сўзларни Сафо ўғли Чаққондан эшишиб, баракалла  
**ғайратингизга, ҳимматингизга,— деб бирга-бирга йўлга**  
**кириб, бу сўзларни Юсуфбек айтиб, кетиб бораётган экан:**

Катта беклар сирдош бўлган,  
Бизи билан қурдош бўлган.  
Олис йўлга йўлдош бўлган,  
Бўзўғлон оғам бош бўлган.  
Элатда борди ҳурматим,  
Қайта бошдан бу давлатим,  
Беклар қилмоқ-чун хизматим,  
Қаватимда Аҳмад мардим.  
Арзим эшишт, Аҳмаджоним,  
Неча вақт қуриб дармоҳим,  
Энди кетганди армоним.  
Бу дунёга бизлар келдик,  
Не чоқли азоблар кўрдик.  
Бу йўлларда қўлим бойлаб,  
Бошимизга қамчи тайлаб,  
От ҳукмида душман ҳайдаб.  
Азоб кўрсатди маҳосил,

Дам олдирмади бир фасл.  
Йиғлаб бордик шаҳри Миср,  
Энди мурод бўлар ҳосил.  
Аввал бизни душман олиб,  
Икковизни ғамга солиб,  
Молу ашё барча қолиб,  
Уруш бўлса энди толиб,  
Бизларни зинданга солиб.  
Неча кун бўлдик хору зор,  
Тор зинданда чораси йўқ,  
Бобо Қамбар бизга раҳбар,  
Эсингда борми, Аҳмаджон,  
Қоракўз бўлди хизматкор,  
Хабар олди санам дилбар,  
Бизни дейди жондан кечиб,  
Душманга кўринмай қочиб,  
Бобо Қамбар шўхлик қилди,  
Орқамиздан қатиқ ичиб.  
Гапирса, яқинди йўллар,  
Бу ишлар худодан бўлар,  
Осон бўлгудай мушкуллар,  
Йўл қисқарсин дейди беклар.  
Ўтган ишни айтиб юрар,  
Қулоқ солиб кўп амалдор.  
Шундай бўлиб йўллар тортди,  
Хоритади минган отди,  
Орол дарёсига етди.

Бориб Орол дарёning бўйнида қўниб ётди. Қўниб, отларини совутиб, еталаб сувлатиб, емини бериб, Юсуфбек қаради, жуда кўп лашкар тўлиб, йиғилиб қолибди. Беклар чодир тикиб, ҳар ким ўз тўдаси билан ош-об, овқат тараддуд қилиб ётди. Сари чойдишларни қайнатиб, чойини ичиб, вақтини хушлаб, ҳар қайси кўнглидаги борини ташлаб, яхшилик сўзларни бошлаб, Мисрни олмаса ҳам олганча бўлиб, «борсак буйтамиз, уйтамиз, қанча ўлжа олиб қайтамиз»,— деб гапириб ўтирди. Такабеги Замон кўнглида: «Шу дарёдан ўтгандан кейин булардан жавоб олиб, эртароқ ҳаракат қилиб, йигитлар билан бирга бориб, Мисрда уруш қилиб, ўлжа олиб турмасак, бу кўпдан нима тегади. Ҳар ким ўз бошига бўлар, олган ўлжа бўлса, одамларнинг ичидаги бўлинар, илгари кетиб ҳаракат қилсан, ҳар нима олганимиз ўзимизга тегар, бирор меники деб чатоқ қилолмас»,— деб, ўзидан тамаси бор бекларнинг ҳар қайсиси бу ўйларни ўйлаб ётди.

Эрта-мертан тонг отди. Овқатланиб, жүнамоқни таради қилиб ётди. Шу вақтда беклар қаради, бир тараф ас-карга тұлыб кетди. Қараса, бари телпаги қайқайиб ўлан айтиб келаяпти. Бургут султон, Қозоқ беги, Сирдан нари барча қозоқлари, чет қозоғигача йиғилиб келаяпти. Бургут султонни күриб, бари беклар вақти хуш бўлиб турди. Бургут султон келиб кўриниш берди, уни Юсуфбек отдан тушириб, бир-бирига сиру ҳолини гапириб, бундан лашкар кўчиб жўнамоқчи бўлди. Орол дарёнинг сиёсатига тўп ортган отларни сололмай турди. Шунда Юсуфбек дарёга қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Юсуфбек дер қилиб ғазо,  
Оlamга кетгай овоза,  
Таҳоратман бўлар тоза,  
Йўл бергин, Орол дарёси.  
Кўп ерларинг қилма хатар,  
Тўпхоналар лойга ботар,  
Ҳайбатингдан лашкар қўрқар,  
Турган беклар Миср кетар,  
Йўл бергин, Орол дарёси.  
Йўл бергайсан бизга кушод,  
Сув бор ерлар бўлар обод,  
Сендан тилак шудир мақсад,  
Йўл бергин, Орол дарёси.  
Сувинг кеп Эрали боғидан,  
Ўтганди Асқар тоғидан,  
Келма отлар туёғидан,  
Йўл бергин, Орол дарёси.  
Селларингни қилма зиёд.  
Бу сувингда йўқдир адад,  
Комил пирдан бўлсин мадад,  
Худодан бўлсин иноят,  
Йўл бергин, Орол дарёси...  
Биткарсам бугун ишимни,  
Кўрсат тагингдан тошингни,  
Қабул қилиб нолишимни,  
Йўл бергин, Орол дарёси...  
Устингдан от ирғитарман,  
Бу сувингни қуритарман,  
Балиқларинг чиритарман,  
Йўл бергин, Орол дарёси.  
Ҳайбатингдан ақлим шошиб,  
Юрар йўллардан адашиб,  
Биз кетмайлик гумга тушиб.

Қелади лашкар эргашиб,  
Бир-бирига пайвастилашиб,  
Йўл бергин, Орол дарёси.  
Қўп сувинг бордир беадад,  
Йўл тортиб ҳориган кўп от,  
Имом чилтан, беринг мадад,  
Йўл бергин, Орол дарёси.

Бу сўзни айтиб дарёга назар солди, Орол дарёси паст ташлагандай бўлиб, таги кўриниб қолди, барча лашкар Орол дарёсига отини солди, суви отларнинг тиззасидан келмай қолди. Ҳамма лашкар, тўпу тўпхона омон-эсон Орол дарёсидан ўтди... Мисрга етмаса ҳам етиб қолгандай бўлиб, йўл юриб Боли Ҳасрат деган тоғнинг яқинига бориб лашкар қўнди. Бекларни илгари банди қилиб ҳайдаб Боли Ҳасрат тоғидан ўтганда тоғнинг тоши оёғига ургани йўқ эди. Юсуфбекнинг —«Бу тоғ азиз тоғ, бандиликда ҳам мени ҳурмат қилганди»,— деб бир газал айтиб турган ери:

Сайлгоҳинг Уҳут тоғи,  
Баландdir тоғларинг сенинг.  
Исрофил сурин тортганда,  
Тебранмас белларинг сенинг.  
Банди бўлган азиз бошим,  
Оёғима урмай тошинг,  
Сел бўлганди кўзда ёшим,  
Гавҳардир тошларинг сенинг.  
Бир еринг бор баланд-пастда,  
Сувинг ичган бўлмас хаста,  
Шифодир сувларинг сенинг.  
Уч юз олтмиш пир макони.  
Яшилдир туғларинг сенинг.  
Боли Ҳасрат, дейди, тоғлар султони,  
Қўриб қолган сени отам замони,  
Уч юз олтмиш фирмавсларнинг макони...  
Гулшанда очилиб сайрар булбули.  
Бек Юсуф дер мен изладим жамоат,  
Мушкулимни сизлар айланг кифоят,  
Яхши йўлга мени қилинг ҳидоят,  
Бундай кунда мадад берар кун энди.  
Ранг-баранг ҳар алвон гуллар очилиб,  
Ғазот қилмоқ билан умрим кечириб,  
Ҳар тарафга равон кўрдим булоғин,  
Олқор, кийик, ўйнаб юрган улоғин,

Тоғларнинг ичида шундай султони,  
Қанча ўтган азизларнинг макони,  
Бу сўзни айтиб йиглар Юсуфбек хони.

Бу сўзни айтиб, лашкар қўниб ётиб эди. Ўн саккиз тош йўлни олиб, ўттиз бир лак афгон лашкари келиб қўшилди. Афгоннинг хонини беклар кўриб, зиёда вақти хуш бўлиб, бир-биридан қувват олиб, Такабеги Замон тўққиз юз одами билан бўлиниб, лашкар қўзголиб жўнаган чорда булар тараддуд қилиб, отларини эгарлаб, айил-пуштандарини тортиб, ҳаммаси ёв-яроғини олиб, Юсуфбекнинг қошига келиб, бунинг тараддуд қилиб ётганини бир неча беклар кўриб, «Бу нима қилиб ўзидан-ўзи ҳовлиқиб юрибди»,— деб, бир-бирига гапириб, Такабеги Замон Юсуфбекка бир сўз айтиб турган экан:

Оқ фотиҳа беринг, Юсуф султоним,  
Мисрга мен аввал талаб айладим.  
Бора берсин бу лашкар ўз бошига,  
Ҳамма қойил бўлар марднинг ишига,  
Мен борайин Гўзалшоҳнинг қасдига,  
Мен каттаман бир тўққиз юз кишига...  
Ўйлаб эр йигит кўп маслаҳат қилибди,  
Ҳаммаси Мисрга бормоқ бўлибди,  
Урушмоқقا бари бирдай толибди.  
Ҳаялламай бизлар минайлик отга,  
Бизлар бурун етсак Миср элатга,  
Оқ фотиҳа бизга беринг, султоним,  
Урушнинг йўлида қурбондир жоним,  
Майдон бўлса, шулдир менинг давроним,  
Савашни кўрмасам, кўпdir армоним.  
Бунча лашкар бари бирдан боради,  
Миср халқи бу ўртада қолади,  
Кўп одамга нима ўлжа бўлади,  
Эрта борган бир нарсани кўради,  
Шутиб Такабеги Замон сўради.  
Юсуфбек сўзини қабул қилади,  
Оқ фотиҳа бул бекларга беради.  
От белига бари бирдай минади,  
Лашкардан илгари тушиб жўнади.  
Жавоб дейди шундай сатта мардига,  
Чидай олмай йўлларда файратига,  
Қамчи уриб сатта минган отига.  
Юрагида ғусса, доғди(р),  
Бари минган тўбичноқди,

От бошини қўйиб олар,  
Яқин қилмоққа узоқди.  
Санолар айтиб тилидан  
Ўйнаб-ўсган мазгилидан,  
Ҳар иш келади қўлидан,  
Кечакундуз қичаб юрар,  
Ўлжа олсак Миср элидан.  
Тоза бўлар дардимиз деб,  
Юзга урар гардимиз деб,  
От устидан туриб қаарар,  
Миср бизнинг юртимиз деб.  
Бедовларга қамчи чотди,  
Урган қамчи отга ботди,  
Бедов отлар ичин тортди,  
Кун-бакун бўйнин узатди,  
Йўлларнинг танобин тортди,  
Беклар кўп қилди ғайратди.  
Урушнинг тилини билар,  
Изфор чўллар ларzon урар,  
Бедовнинг иргиганига  
Ҳар ким кўрса ҳайрон қолар.  
Сувлиқ чайнаб, терлар қотиб.  
Бедовлар қувигин тортиб,  
Шундай қилиб бундан кетиб,  
Тўққиз кечакундуз тинмай,  
Бораётибди йўл тортиб,  
Бир баланд тепага етиб.

Бир тепанинг устига чиқиб, лашкардан илгари тушиб,  
тўққиз кечакундуздан бери қичаб бораётиб эди. Тепанинг  
бошига чиқиб қаради, байдоқ-байдоқ лашкар буларнинг  
кўзига кўрина берди. Юсуфбек билан Гўзалшоҳнинг қил-  
ган ваъда муҳлати бор эди. Унда Гўзалшоҳ айтган эди:

Юсуфбек, сен кўп сўйладинг палонни,  
Катта сўйлаб бошиннга олдинг балонни,  
Ўн тўрт ойда Юсуф, Аҳмад келмасанг,  
Мен бориб соламан сенга талонни.  
Бундан борсам, аранг, тўплар отайин,  
Тожу тахтинг ерман қориб тортайин,  
Ўн тўрт ойда Юсуф, Аҳмад келмасанг,  
Мен бориб юзингга қора суртаман,  
Эрисин тоғларнинг қори эрисин,  
Ҳар banda олгани билан қарисин,

Үн тўрт ойда Юсуф, Аҳмад келмасанг,  
Мен бормасам, менинг тахтим қурисин.

Шу айтган шартига мувофиқ қилиб, тўқсон тўпни йўлга солиб, ўттиз минг лашкар билан жўнаётган эди.—Мен ўзбак бекларини йифиб келаман, деб кўтаришма ўзбак кўп лофли сўзлар айтган эди, ваъда қилиб кетганига ўн беш ой ўтди, бир ой зиёд қараб ётдим, ўзбак тугул чўзбегини ҳам кўрмадик. У Юсуф ўз бошини қутқазмоқ учун айтиб ётган экан бизларга. Энди бориб Урганч шаҳрига талон солиб, Юсуф, Аҳмадни боғлаб, қайта бошдан банди қилиб ҳайдаб келмасанглар бўлмас,— деди. Олдидаги бир неча вазирлар:— Шу баччагар газандаларнинг гали гап экан деб ишониб, номи ўзбак унинг айтганини қилаверса, Юсуф, Аҳмаднинг етагига юра берса, етти йил банди бўлиб бунда ётди, ўзбакнинг қайсиси Юсуф, Аҳмадни кўрамиз деб ҳалок бўлиб кепти. Ҳали бу лашкарни жўнатаяпсиз, булар бир куни Урганч кириб бўрса, бу лашкарни кўрса, булар ўз бошини олиб тоғу тошларга қутулиб қочар, уларнинг лоф сўзига қанча фақир-фуқаро оёқ ости бўлиб қолар. Бу сўзни вазирлардан Гўзалшоҳ эшишиб:— Рост айтасизлар, Юсуф, Аҳмаднинг мастилигини кўрсин, лашкар бориб келсин,— деб бу лашкарни Урганч тарафига қараб жўнатган эди.

Тепанинг устида туриб, бу тўпу тўпхона билан оғир лашкарни кўриб, Такабеги Замоннинг йигитлари ақли шошиб, такбиридан адашиб, бир-бирига қараб:—«Биз ёмон келдик, ўлжа олиб ўлайлик, ўзимизни-ўзимиз ўққа урдик, биз бехавотир ўтирганда, чет ёқадан босиб, ўлжани бўлиб қайтармиз дедик. От-яроғи асбоби шай душманга йўлиқиб қолдик»,— дейишиди. Йигитларнинг сесканганини Такабеги Замон билиб, йигитларига мардоначалик бериб, бир сўз айтиб турган экан:

Эр йигитлар, кирдинг майдон орага,  
Душман қонин сочмоқликдир, ёронлар,  
Шоҳимардон ҳиммат берса сизларга,  
Ширин жондин кечмоқликдир, ёронлар.  
Бу душманлар қила билмас ишини,  
Урушли кун кўздан тўкар ёшини,  
Номус учун қучоқлайди бошини,  
Муқанислар қочмоқликдир, ёронлар.  
Урушли кун бўлсин сабил замона,  
Тоғлар кўринмайди қора туман-а,  
Қойил бўлар бизга халқи замона,

Душманларга сира берманг омон-а,  
Ҳар тарафдан от қўймоқдир, ёронлар,  
Пўлатдан найзани қўлга олинглар,  
Юз қайтармай бу майдонга боринглар,  
Ҳар қайсинг шердай бўп энди туриングлар,  
Насиб бўлса кўп ўлжани олинглар,  
Ўлжа олиб қайтмоқликдир, ёронлар.  
Мардлар оҳин бир оллога етказиб,  
Карвонни қайтаринг юкин битказиб,  
Душманларни тифи дамдан ўтказиб,  
Молга эга бўлмоқликдир, ёронлар.  
Уруш яроқ ғамлаб отга мининглар,  
Тўпи бор деб ҳеч сесканмай туриングлар,  
Тақдир этса, бу душманни қиринглар,  
От, яроғин қўймай ўлжа қилинглар,  
Уришли кун ҳеч тортинмай боринглар,  
Тўш-тўшдан майдонга отни солинглар,  
Обрў олиб қайтмоқликдир, ёронлар.  
Улмасин, майдонда мардлар ўлмасин,  
Рақиблар йиғласин, ҳаргиз кулмасин,  
Сизлар билан номард бирга бўлмасин,  
Кўрган душман бизга кулиб юрмасин,  
Шер йигитлар, от қўймоқдир, ёронлар.  
Борингизлар айда-ҳайда тўлғониб,  
Ишқирса душманни дамига олиб,  
Сира қараб турма бунда тайсалиб,  
Душмандан майдонда келгайсан ғолиб,  
Кейин тортар бўлмас сира tengsалиб,  
Ярқиллар олдингда туғу байдоқлар,  
Кўрасанми бунда ул неча тўплар,  
Сен бормасанг, босиб келар бадбахтлар,  
Бундай кунда қараб турмоқ не даркор,  
Файрат қилиб қайтмоқликдир, ёронлар.

Бу сўзни Такабеги Замондан эшитиб, тўққиз юз одами (айтди):— Такабеги Замон рост айтади, майдонга тикка чопган одам ютади, ё ўлади, ё ўлдиради, бир ёқли бўла-ди. Аланглаб олисдан борган одамни ё тўпдан, ё қилич билан нобуд қиласди. Сийирма қилич бўлиб тикка от қўйса, қандай бўлса аралашиб қолади. Худо берган одам кўп нарсани олади. Барига Такабеги Замоннинг сўзи маъқул келиб, отнинг терини ушатиб, айил, пуштанларини бўлакдан тортиб, уруш кийимларини созлаб, совутни кийиб, чоройнани эгнига ташлаб, бошига қалқонни ёпиниб, отнинг белига мина берди. Таваккални худога қилиб, уруш

тартибини ўйлаб, қилич-яроғини белига бойлаб, ботирла-  
ри дарәдай тошиб, ҳаддидан ошиб, душманга яқинлашиб,  
әнида бир неча қўрқоқлари титрашиб, Такабеги Замон  
ўзининг туркман сўзи билан йигитларига бир сўз айтиб  
бораётир:

Қараманг баланд-пастига,  
Бу лашкарнинг пайвастига,  
Дўндириинг душман устига.  
Мард йигитлар кечинг жондан,  
Қонлар оқсин бу майдондан,  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
Тўрт бир ёндан, беш бир ёндан,  
Дўндириинг душман устига.  
Душманларнинг ақлин олинг,  
Насиҳатга қулоқ солинг,  
Тўрт тарафдан бўлининг,  
Душмани ўртага олинг,  
Бирдайин бўп от солинг.  
Дўндириинг душман устига.  
Кўринмасин ширин жони,  
Қиличларни бўяб қони,  
Қилинглар охир замонни,  
Дўндириинг душман устига.  
Кўрибсан душманинг кўпин,  
От қўйсанг, отолмас тўпин,  
Ўлжа олмоқ эмас текин,  
Қўрингизлар Такабегин,  
От қўйинг душман устига.  
Сен қочмасанг, бу ёв қочар,  
Инграниб турмоқ на даркор,  
Ҳар қайсинг бир эрдай бўлиб,  
Ҳам қоплону шердай бўлиб,  
Файрат қилинг бирдай бўлиб,  
Дўндириинг душман устига.  
Сўзни Такабеги Замон айтди,  
Йигитлар қилиб ғайратди,  
Олиб панду насиҳатди,  
Душманга яқинлаб етди,  
Тўщ-тўшга бўлинниб кетди,  
Шуйтиб қилмоқ-чун ғайратди,  
Бунда беклар наъра тортди.  
Кўрингиз тўққуз юз номдор  
Жовлик отини бўшатди.  
Олди аралашиб қопти,

Кейин қолгани ҳам етди,  
Отолмай түпү мильтиқни,  
Олмос, пүлат қўлга олиб,  
Тўш-тўшидан найза солиб,  
Бир неча ярадор бўлиб,  
Нечовларнинг куни тўлиб,  
Майдонда бир нечов ўлиб,  
Икки лашкар тўқнаш бўлди.  
Ҳар тарафга суруш бўлди,  
Ботирларга хўп иш бўлди.  
Бу душманлар ҳайрон қолди,  
Бундай бало қайдан келди,  
Тўрт тарафни бирдан олди,  
Улик деган қийраб қолди.  
Ўзбак юртдан келганмикан,  
Шунда онгниб турганмикан,  
Бундан келиб бирор жонсиз,  
Ичимиизда юрганмикан,  
Билмай қолдик қандай замон,  
Бермас бизга сира омон,  
Бу иш оша бўлди ёмон  
Бир неча жазосин топиб,  
Сўтилгандай олтин совут,  
От қўяди овут-овут,  
Бир-бирига довуш қилиб,  
Майдонда йўқлайди Довул.  
Бу дунёни барбод этар.  
Ҳар замон пирин ёд этар,  
Бари урушир баччағар,  
Ҳалок бўлди сонсиз лашкар.  
Билмадик бунинг ишини,  
Бу майдонда турган жонзод,  
Қутқаролмайди бошини.  
Биз буларни ҳеч кўрмаган,  
Бунча энди кўп кишини,  
Сўлатиб гавда лошини,  
Қилди Рустам савашини.  
Қўринг, Такабеги Замон  
От чопади алвон-алвон,  
Бандам деса қодир мавлон,  
Шу сифатда бегу султон,  
Бош кесар майдон ичинда.  
Бедовга заррин айиллар,  
Бу ишга душман қойиллар,  
Отиб милтиқ, жазойиллар,

Тўп бузар майдон ичинда.  
Кўрганларнинг ақли элтиб,  
Бир кўрмакка бўлиб интиқ,  
Оғзи катта шохли милтиқ,  
Отилар майдон ичинда.  
От остида калла қолиб,  
Қирқ тиллали салла қолиб,  
Бош кесар майдон ичинда.  
Қилич келар алаб-ялаб,  
Истар кўнгул қилас талаб,  
Олтин коса, гулгун шароб,  
Ичилар майдон ичинда.  
Кўрингиз, сатта аждаҳор  
Қўйга бўри дорилгандай,  
От қўяди сатта қайсар.  
Саваш бўлди чапараста,  
Кўпдир лашкар, даста-даста,  
Бундай уруш, майдон бўлса,  
Билинг, Такабеги Замон,  
Уриб чиқмоққа кўп уста.  
Ўнгу сўлни олиб беклар,  
Сонсиз бўп қолди ярадор,  
Ҳар ёққа сурилиб лашкар,  
Ишонмай қолди кўпига,  
Қарамайди келган лашкар.  
Шоҳнинг жўнатган тўпига,  
Тўп анжомман иши бўлмай,  
Жонидан бошқани билмай,  
Иўлда балога дуч бўлди,  
Кўп ўлди бунда қутулмай.  
Туркман халқиди шоғолмас,  
Минг урсанг, асло йиғламас,  
Ўлдирмайин булар қўймас,  
Қани қўйса, қоча қолса,  
Омон-эсон элга борса,  
Гўзалшоҳга хабар берса,  
Юртни сўраган подшоси,  
Кўп ўликка эга бўлса,  
Майдонда юрди оҳ уриб,  
Бирор-бировин чақириб.  
Душман бошин олиб қочар,  
Ўзи бир бошга бақириб,  
Қўзи қонли ёшга тўлиб,  
Еви-яроқ мунда қолиб,  
Такабеги келди ғолиб,

Үлган ўлди бу майдонда,  
Қолганини тўплаб олиб,  
Етганига қилич солиб,  
Йўлда калла қийраб қолиб,  
Шундай қувиб қирғин қилди.  
Мисрга яқинлаб бориб,  
Қочган бунда қутулди.  
Йўлга солиб булар қайтди,  
Урушдан отини тортди,  
Қочқинчи шаҳрига етди.

Үлган ўлиб, қочган қочиб қутулиб, нечовлар ярадор бўлиб, Такабеги Замон одамлари билан қайтиб, Гўзалшоҳ жўнатган тўпларга эга бўлиб, қолган яроқ, пулу дунё, мол, шунча лашкарда бирга келаётган ўрда бозорлар Такабеги Замоннинг қўлида қолди. Бари отидан тушиб, бу ўлжани олиб, тўққиз юз одамга тегиши билан бўлиб берди:— Аравага қўшилган тўпларни судратиб бориб Юсуфекка берайлик, улуғ-кичик бекларнинг фотиҳасини олайлик. Бояги менинг айтганимни қилмай қолганларингда бунча нарсани ким берарди, кўпга бўлинса нима тегади бундан. Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади дегандай ҳисоби етган, ақли кетган, куни битган баччатарлар йўлда дучор бўлиб қолганини қаранглар,— деб тўпу тўпхоналарни олиб қайтди. Димоги чоғ бўлиб, иши ривож олган киши бўлиб, Юсуфек ҳам кўп лашкарман келаётиби, буларнинг олдидан чиқиб, Такабеги Замоннинг ишини Сафо ўғли Чаққон кўриб:— Мен ҳам борайин, бу лашкарлар билан бирга юрмайин, Юсуфекдан жавоб сўрайин, буйтиб кўпнинг бири бўлиб юргунча ўлайин, Такабеги Замон шунча иш қилганда мен қайтиб қараб турайин, ёшим қайтса ҳам шунча иш қиласман, шу олтанча ўлжа оларман, қулай келса Гўзалшоҳнинг устига от соларман,— деб Юсуфекка қараб, жавоб сўраб, Сафо ўғли Чаққон бир сўз айтиб турган экан:

Сўзима қулоқ сонг, Урганчнинг хони,  
Сизга қурбон бўлсин бекларнинг жони,  
Уруш бўлар ботирларнинг даврони,  
Мени билинг ҳозир Чамбилнинг хони.  
Уч юз олтмиш одам билан келибман,  
Қартайганда уруш ҳавас қилибман,  
Яхши сўйлаб жавоб берингиз бизга,  
Урушга боришга ўзим толибман.  
Қарамайин бедовларнинг бетига,

Сиздан бурун борай Миср юртига,  
Оқ фотиҳа беринг, беку султонлар,  
Эр йигитлар бари минсин отига.  
Урушни эшитса, белин бойлайди,  
Гулгун найза ўтдай бўлиб яшнайди,  
Саваш деса Чаққон бобонг ўйнайди,  
Жўнатмасанг, билгин энди қўймайди.  
Рухсат беринг, саваш излаб борайин,  
Тақдиримда не борини кўрайин,  
Уч юз олтмиш одамиман жўнайин.  
Қозоқ, ўзбак, афғон қолмай йиғилиб,  
Бораётир ҳар кун кўчиб йўл олиб,  
Мен сизлардан бурун Мисрга бориб,  
Миср қалъасига ўзим от солиб,  
Қизилбошга қора кунлар солайин...  
Майдонда келади мардларнинг қаҳри,  
Урушмоқнинг бордир бизга баҳори,  
Ўртада қолади Мисрнинг шаҳри,  
Жавоб беринг, Хоразмнинг қўчқори.

Сафо ўғли Чаққон бу сўзни айтди,  
Омин, деб Юсуфбек фотиҳа тортди,  
Уч юз олтмиш йигитман узатди,  
Сафо ўғли Чаққон минганди отди.  
Бирга келган азаматни ияртди,  
Чув деди, Мисрга қараб йўл тортди,  
Қилиб бораётир йўлда ғайратди,  
Олдига тушди-да, қичади кетди.  
Ғайратига тогу чўлни титратди,  
Бунинг бордир сипойилик одати,  
Уруш деса кўп бўлади ғайрати,  
Лашкардан илгари тушиб Чаққонбек  
Етти кечакундуз тинмай йўл тортди.  
Бул ҳам Чамбил элда ўзи тўради,  
Мисрга етсак деб парвоз қиласи,  
Бир баландлик ерга чиқиб қаради,  
Кўрган йўқ, Миср шаҳри қайдади бўлади,  
Қелаётган кўп тўзонни кўради.  
Тўзон бораётир ҳавога ўрлашиб,  
Яқинлади булар кам-кам ёнашиб,  
Қелаётган кўп лашкарни кўради,  
Худо берса, энди шундай бўлади,  
Шошманг, беклар, қулай келиб қолади,  
Манов ўлжа йўлда дучор бўлади,  
Ишимиз шу ерда битиб қолади...

От жиловин сақлаб беклар тура күр,  
Яқынласин баринг ғайрат қила бер.  
Лашкар келаётир тиллари гачча,  
Узангида оз эмас, қаранглар, анча,  
Тақдир этса биз оламиз күп ўлжа,  
От қүярмиз сүнгра биз якка-якка,  
Кетсин овозалар нуру фалакка,  
Ушлаб жавоб бериб бул бадиракка,  
Лашкарбоши бўлган бирори катта,  
Буларом одамман деб Миср элатда.  
Сабр сақлаб, қараб туриңг, бул беклар,  
Тўзон пасандা<sup>1</sup> бўп барча кўринар...  
Бу ҳам бир шаҳарга кетиб боради,  
Уруш қилса, армон билан ўлади,  
Мисрнинг ютидан чиққан балоди(р).  
Гумбирлайди тўпнинг довши келади,  
Яқынласа, тайин бир гап бўлади,  
Йигитиман Чаққон энди қўнади,  
Лашкарга кўз тутиб шундай қаради.

Бу сўзни айтиб, уч юз олтмиш одами билан отдан тұшиб турди. Боянаги қочқинчилар подшонинг қошига бормай, ҳар қайси ўз бошига бўлиб, ўлмай боргани қавми-қариндошини кўриб, булардан Гўзалшоҳнинг хабари йўқ эди, илгариги жўнатган лашкарининг кейнидан қанча тўпу тўпхона билан кўп лашкар жўнатган эди.— Ўзбек халқининг бир ёғи билан урушиб турганда, қочириб турганда, булар бориб устига қўшилса, лашкарга анча қувватбости бўлади, бу адo бўлмайдиган, келгани келган гумон қилиб, душман биздан тингилиб, душманга сиёсатли кўринади,— деб бўлиб-бўлиб жўнатган эди, Минсрдан чиқиб, йўл юриб келаётib эди. Лашкар буларни кўрган йўқ эди. Чодир-чаман тикиб, ортган юкини тушириб, бу лашкар қўниб қолди. Қўниб жойлашган сўнг йигитлари билан Сафо ўғли Чаққон отланди. Буларнинг душманлиги бу лашкарга билинмади. Уч юз олтмиш одам кўпкаридан қайтгандай бир тўпланиб кўринди. Улар ўз машғулоти билан бўлди, булар яқинлаб боргандан кейин от, яроқ-асбобини кўриб, ул лашкар ҳам тикилди.— Бул бу ўталаарнинг одами эмас, тузи тусимизга келмайди, кийими кийимимизга ўхшамайди. Мабодо ғайри вилоятдан бизга қасд қилиб келаётган душман бўлмасин, бехавотир бўлмайлик, яроғимизни қўлдан қўймайлик, яқинлаб келсин

<sup>1</sup> Пасайиб, босилиб.

қани сўрайлик, ёвлаб келаётган одам деса оз кўринади.  
Бир юртдан шоҳга хат кўтариб келаётган элчи десак кўп  
кўринди. Бирори айтди:— Ёнбошлаб ёта бер, ким бўлса,  
яқинлаб келса билинади. Сафо ўғли Чаққон уч юз олтмиш  
йигити билан яқинлаб бориб, бир сўз айтиб турган экан:

Уруш излаб бунда келдим кўнгил шод,  
Бирга келган эр йигитлар омонат,  
Омонатга қилмагайсан хиёнат,  
Қилич чопса, ҳимоят бер, худойим.  
Тонгла борса, оға-ини сўрайди,  
Қариндошлар йўлимизга қарайди,  
Беклар турган ери олтин сароиди(р),  
Бунда ўлса, қариндоши йиғлайди,  
Омонатни ўзинг сақла, худойим.  
Мен келарман бунда насибам тортиб,  
Қариганда мен юзимни қизартиб,  
Қазоси етгани урушда ўлса,  
Қариндоши қўяр мени уялтиб.  
Бирга келган азаматлар ўлмасин,  
Душманларнинг тифи нобуд қилмасин,  
Элда қариндоши бўзлаб қолмасин,  
Болалари етим-есир бўлмасин,  
Омонатни ўзинг сақла, худойим.  
Қичаб юриб не қирлардан оширдим,  
Улуғ дедпм, остоңага бош урдим,  
Сездирмайин душманлардан яширдим,  
Бекларни, яратган, сенга топширдим.  
Бедовни ҳоритди йўлнинг қияси,  
Бузилмасин мард йигитнинг уяси,  
Пирлар бўлсин эр йигитлар эгаси,  
Омонат бекларни сенга топширдим.  
Жабборсан, не бўлса сақлагин омон,  
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон,  
Бир ғамга дуч қилиб қўйма, саргардон...  
Йигитлар қошимда йўлбарсдай бўлиб,  
Ҳар қайсиси ўз ўрнида чирпиниб,  
Остида аргимоқ, бедовлар толиб,  
Кўп лашкарга борса бўлар от солиб,  
Майдонда қувват бер ёрдамим олиб.  
Сафо ўғли Чаққон сўзин айтади,  
Ётган лашкар бир қўзғолиб кетади,  
Бир нечаси балки ул ўқ отади.  
Омин деб от қўйди сатта оломон,  
Юз қайтармай от чопади майдондан,

Сафо ўғли Чаққон қилди ғайратди,  
Турган ёвга отнинг бошин қаратди,  
Уч юз олтмиш одамиман шул замон,  
Ётган ёвга бирдан қилди ғайратди,  
Бу сўзларни шул замон Чаққон айтди.  
Бирга юрган азамати,  
Учраса ерининг марди,  
Кўзга дори пойи гарди,  
Бизлар Чамбилинг бекзоди,  
Қирмаганлар номард бўлсин.  
Учраса ёри қобил,  
Ҳар маҳал ваъдада тобил,  
Майдон бўлса, пўлат добил,  
Тўймаганлар номард бўлсин.  
Олмосидан қирмиз қонни  
Қуймаганлар номард бўлсин.  
Боғдай қилиб душман бошин  
Қиймаганлар номард бўлсин.  
Тепадай қип ўликларни  
Йифмаганлар номард бўлсин.  
Сочилиб ётган душманни,  
Сира қилмай пушаймонни,  
Йифмаганлар номард бўлсин.  
Марднинг пири ҳазрат Довуд,  
Оқ кировка, олтин совет  
Қиймаганлар номард бўлсин.  
Кўп душманга танҳо бориб,  
Тегмаганлар номард бўлсин.  
Мардларнинг жони сабилди(р),  
Номард ўзидан ғофилди,  
Уруш майдон қурилган сўнг,  
Қарашиб туриб не бўлди,  
Омин деган оллом менинг.  
Худо берган навжувоним,  
Қонли кўйлак билан кийган,  
Элдан келган қадрдоним,  
Бўлди энди майдонинг  
Билмайман ким ўлади,  
Қимлардан омон қолади,  
Икки одам олишган сўнг,  
Бирига худо беради,  
Бари от абзалин минди,  
Омин, деб энди интилди.  
Уч юз олтмиш одамиман,  
Сафо ўғли дейди Чаққон,

Қабатида сап қадрдон,  
От қўйди душман устига.  
Карвон кўчгандай бўлди,  
Шоҳдан кўп лашкар интилди,  
Юлдуз кўчгандай бўлди.  
Одам тўлиб даста-даста,  
Уруш бўлди чапараста,  
Урушмаганлар ҳавасда.  
Майдонда ишни кўрсатар  
Танҳо бориб кўп душманга.  
Ёлғиз оралайди шунқор,  
Гўрўғлини кўриб қолган,  
Устодлардан таълим олган,  
Сафо ўғли дейди Чаққон  
Ҳеч кўзига кўринмайди  
Хоҳи ғаним, хоҳ дўстон.  
Урушнинг тилини билган,  
Кўп баҳодирларман юрган,  
Нечовларнинг додин берган,  
Тинмай урушни ўйлаган,  
Фазога отин шайлаган,  
Қўлида найза чайнаган,  
Элда юrsa, тек юрмайди,  
Ҳар ёқдан душман овлаган,  
Шу кунларда Чамбил юртин,  
Ихтиёри бўлган қолган,  
Ёшлар мундан ҳазар қилган,  
Саваш қизиқ бозор бўлган.  
Мардлар қилди шундай хуруш,  
Қизилбошга қилиб юруш...  
Осмондан тушди тўрт қилич.  
Қиличлар қилди саваша,  
Душманларнинг ақли шоша,  
Беклар кўрди кўп томоша...  
Бу қиличлар берди қувват,  
Бу бекларнинг кўнгили шод,  
Такадай ўйнар минган от,  
Тайсаллайди неча боззот,  
Бўлибди ваҳми қиёмат...  
Бир тўполон ажаб замон,  
От қўяди кўринг Чаққон,  
Минган бедовни кўп боққан,  
Уруш излаб миниб чиққан,  
Неча туғларини йиртган.  
Душманларнинг кўнглин бузиб,

Танидан бошини узиб,  
Бунда беклар вақтн хушлаб,  
Аламларни чопиб ташлаб,  
Бўзлаб қочмоққа йўл бошлаб,  
Қайтарар беклар ҳайт-хушлаб,  
Баҳодирлар ол-ҳа дейишиб,  
Олдидан чиқ, қўйма дейиншиб,  
Тараф бўлса қиличлашиб,  
Енгилгани маълум бўлса,  
Чиқсин яроғин ташлашиб.  
Хозир тифи қўлда бўлса,  
Қайтар агар йўлда бўлса,  
Мард бўлиб майдонда турса,  
Подшолардан инъом олса,  
Кўп анжомга эга бўлса,  
Унда шоҳга хизмат қилиб,  
Хивани олмоқчи бўлиб,  
Келаётган ғайрат қилиб,  
Кўрса жазосини берар,  
Йўлда Чаққонга дуч бўлиб.  
Умидим кўпди оллодан,  
Мадад тилаб бир худодан,  
Ҳолини билмайди нодон,  
Иш кўрсатди бунда Чаққон.  
Ўнгу сўлни туман олган,  
Душманнинг ҳоли танг бўлган,  
Қаёққа қочарин билмай  
Барисин боши ганг бўлган.  
Нечовлар кўзин ёшлаб,  
Қўрқандан бошин ушлаб,  
Уликнинг остига ташлаб,  
Бундан омон қолмаймиз деб,  
Энди уруш қилмаймиз деб,  
Ҳеч баробар бўлмаймиз деб.  
Кўрди шундай зўри бордир,  
Сатта қари аждаҳордир,  
Қўлидан яроғин ташлаб,  
Қўл қўвшириб тура берди.  
Энди енгилганин билди,  
Сочилган йиғилиб келди,  
Буларни уриб не бўлди,  
Отдан тушиб яроғини,  
Не ботирлар йиғиб олди.

Душманларнинг билмаганин билдири, Нечовларнинг бағрин қонга тұлдирди, Урушли кун нечовларни ўлдирди, Бир нечани айтганига күндири. Сайлаб туриб неча бедовни олди, Емонарни ўз отига миндири, Миср деган ул юртига қайтарди, Шундай берди Чаққон ботир хабарди, Сонсиз ўлжа энди буларга қолди. Хазон бўлса, боғда гуллар сўлди деб, Чамбил элдан Чаққон ботир келди деб, Йўлда у бизларга дучор бўлди деб, Яхши отларимиз биздан олди деб, Ўтмас яроқ, ёмон чўбур қолди деб. Ҳолинг билмай бежої қипсан сафарни, Бу сафарда топдинг йўлда хатарни, Гўзалшоҳга шуйтиб бергин хабарни, Ортимдан келаётир, англагин. Ерни босган сонсиз лашкарим борди, Ҳаялламай Бургут султон келади, Миср юрти бу ўртада қолади, Сап шакаман афғон беклар бўлади, Гўзалшоҳнинг тандан бошин юлади, Фамин есин, асло беғам бўлмасин, Қоларман деб биздан гумон қилмасин, Юсуфбек деб қилиб турсин мудом ёд, Биз боргунча шоҳгинам жони омонат. Сизларни юбордик согу саломат, Кўрганингни Гўзалшоҳга бориб айт.

Уч юз олтмиш йигити билан қолиб, кўп ўлжаларни олиб, зиёда вақти хуш бўлиб, қанча дунё-моллар буларга қолиб, кейинга қайтиб, йўлга равона бўлди. Қанча тўпу тўпхоналар билан номи ўзбак беклари Юсуфбек лашкарига қўшилиб келаётиби. Сонсиз анжом-аслаҳа, тўпу тўпхоналар билан Сафо ўғли Чаққон бориб кўриниш берди. Сафо ўғли Чаққоннинг ишига жами ўзбак беклари қойил қолди. Ўттиз бир лак афғон ҳам тан берди. Афғон хони:

— Балли, Сафо ўғли Чаққон, ёшингиз қайтиб, оёғингиз тўрга боргандা, бунча файрат, қувват, ҳиммат, бу илми сипоҳигарчиликларни кимдан таълим олиб, кимдан ўргангансиз? Қайси баҳодир, қайси ўтган бекларнинг урушини кўргансиз, кимлар билан бирга юргансиз?— деди. Шунда Сафо ўғли Чаққон устодларини таъриф қилиб, афғон хонига қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Үтар дунё ўтарини ўйлайин,  
Киёмат деб ширин жонни қийнайин,  
Насиб этса тил боринда сўйлайин,  
Ўстодларимни сизга баён айлайин,  
Савашмоқни Гўрўғлидан ўргандим.  
Бир навжувон эрди, ўзи хиромон,  
Ҳар ким бўлса, бўлар ҳуснига қурбон,  
Қассобликни Авазхондан кўрганман,  
Душманларни ерга яксон этмакни,  
Отган ўқи нишонига етмакни,  
Уруш бўлса, қайтмай қонлар ютмоқни,  
Хосиятли Холдорхондан ўргандим.  
Олтин байдоқ билан отни сайлаган,  
Чорвадори Асқар тоғни ёйлаган,  
Тўққиз мазгил йўлдан душман овлаган,  
Чаман ўғли — олий бекдан ўргандим.  
Мавж уриб Чамбилда даврон сурдим,  
Иигирма йил Гўрўғлиман ўтиридим,  
Ҳар ғазода мен ҳам ул бирга юрдим,  
Шул сабабдан устодим боши билдим,  
Урушни алардан мен таълим олдим.  
Майдон бўлса, юрар эди юз алвон,  
Зарбидан титрайди Балху Бадахшон,  
Ёлғиз кўрса чиқолмаган кўп душман,  
Таъриф қиласай, Ҳасанхондан кўрганман.  
Бир оллога етгай унинг ноласи,  
Ҳозир бизга қолди Чамбил қалъаси,  
Авазман Гўрўғли унинг бобоси,  
Кўп майдонни Жаҳонгирдан кўрганман.  
Неча вақтлар бўлди Чамбил булбули,  
Зарбидан обод бўп Чамбилнинг эли,  
Авазхоннинг ўғли эди Нурали  
Неча ғазоларда бирга юрганман.  
Уларнинг ёридир, билсанг, Марғумон,  
Нуралининг ўғли Жаҳонгир султон,  
Юртда подшоҳлиқ қип Жаҳонгир султон,  
Барчалари сафар қилди жаҳондан,  
Шундай сўзлар Сафо ўғли Чакқондан,  
Уруш бобин Муртазодан кўрганман.  
Кўрганимни сизга баён айладим.  
Тенгилганда оғир ишлар биткизиб,  
Фарибларни оғир юқдан қутқазиб,  
Ғанимларни тиф дамидан ўтказиб,  
Улжа олиб келдик ишни битказиб.

Бу сўзни эшитиб:— Хўп дунёни катта қилиб ўтказган экансиз,— деди.— Бир одам бўлса, ҳар ким шу дунёга келса, майдонда иш кўрсатиб, душман кекини, душмандан ўчини олса, Сафо ўғли Чаконча бўлса,— деб беклар гап қилиб ўтирди. Афгон хони Юсуфбекка:— Сиз шаҳри Мисрга банди бўлибсиз, олисдан эшиитиш гап. Бир нечалар уруш қилиб, урушдан қўлга тушиб кетган, дейди. Бир нечалар ётган ерида, қуш солиб юрган кўлда, босиб олиб кетган, дейди. Икковингизнинг орангизда нима гап бор эди,— деди. Юсуфбек:— Биз агар урушда банди бўлганда, зўрлигига тан бериб, бир сира сизларга хабар қилиб келмас эдик. Йигитлар билан қуш солиб овга чиқдик. Кўзимизни очиб, ўзимизни бойловли кўрдик. Йўлда берган азоби бизнинг кўнглимиздан кетмайди. Шуйтиб номи бекларга хабар юбордик. Одамсиниб, ўзбошимчалик қилиб, ўзи лашкаримиз билан келиб, ўзи бошимизни қутқаролмай миннатдор бўлиб қолмайлик. Не бўлса, биздан катта беклар бор, хабар берсак, келса, ўйлашиб, айни бировимизнинг бўйнимизга қўйиб, уруш бўладими, ё жўн созлашиб тарқайдими, ким ёмон, ким яхши, ҳаммага маълум бўлсин,— деб биз нома ёзганмиз. Ҳамма беклар ҳам келди. Мана Миср шаҳри яқин қолди. Албатта, Мисрга ҳам бу хабар, зилзила гап бориб қолди. Урушаман деса, лашкарни тузиб чиқар, урушмайман деса, узур-маъзур айтар, келаётган беклар ёқа ўнглаб кетар,— деб бу сўзни айтиб, Миср шаҳрига яқинлаб етиб, бандиликда юрган ерларни кўриб, кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб, Аҳмадбекка бир сўз айтиб бораётган экан:

Арзим эшиит, Аҳмаджоним,  
Кўпdir юракда армоним,  
Гул очилиб сўлган жойга етишдим,  
Қайта бошдан кўҳна дардлар қўзғолиб,  
Банди бўлиб юрган жойга етишдим.  
Оқар кўзимнинг жаласи,  
Худо де, Урганч тўраси,  
Кўринган Миср қалъаси.  
У душманлар қўлин бойлаб,  
Қечакундуз мотам ўйлаб,  
Бадбахтларга бизлар сўйлаб,  
Кўзда ёшлар бўлиб томчи,  
Бошимизга ёғди қамчи,  
Сени урса ғамга солиб,  
Молу ашё бари қолиб,  
Ёмон ишда савдо ғолиб,

Аҳмад сени бирга олиб,  
Қандай бўлиб мунда келиб  
Ҳаққа етгай оҳу зори,  
Бу кундан бўлмай хабари,  
Кўзинг очиб қара, Аҳмад,  
Кўринди Миср минори.  
Ярқиллған шоҳнинг дори,  
Банди бўлиб борган вақтда,  
Ҳар кўчада тўлиб кетди  
Томошамон одамлари.  
Оёғимда занжир, бўйнимда ғўл,  
Улмагандан ўтадикан ёмон кун.  
Юриб етти тоғдан ўтган,  
Сонсиз кулфатларни тортган,  
Ҳайдаб бизларни ҳоритган,  
Ярқиллайди шоҳнинг тахти,  
Пойитахтга ҳайдаб етган,  
Элга ажойиб кўрсатган.  
Кўп сўзларни шоҳи сўраб,  
Мен инграшиб жавоб бериб,  
Бизни жаллодга топшириб,  
Жаллод ҳайдаб дорга элтди,  
Ҳеч ким йўқ, кўзим тутди,  
Шукур қилсин, Аҳмаджоним,  
Шундай кунлар ўтиб кетди.  
Икковимиз қучоқлашиб,  
Жон ваҳмидан ақлим шошиб,  
Дорнинг остида йиғлашиб,  
Оллоҳим меҳрибон бўлди,  
Комил пирлар назар солди,  
Душман бизни айёр билди.  
Ул дордан қайтариб кетди,  
Душман бизни тошга тутдай,  
Шоҳи сангсордан қайтарди.  
Ул бизларни гапга солди,  
Бизнинг юртни таъриф қил деб,  
Бизни шундай аҳмоқ билди...  
Сўзман бизни мазмин қилди,  
Қизини пеша келтирди,  
Билиб юрганман йўлимдан,  
Мен тоймадим ўз тилимдан...  
Шоҳдан миннатдор бўлмадим,  
Мисрни писанд қилмадим,  
Яхши сўйлаб гапирмадим,  
Таъриф қилдим ўз юртимни,

Мақтадим бедов отимни,  
Урушгир деб номин айтдим,  
Элдаги азаматимни.  
Гүзалшоҳнинг қаҳри келди,  
Ҳамза деган миршабига,  
Ҳайдаб бизни тобиш қилди,  
Аҳмад билан икковизни,  
Миршаби зинданга солди.  
Зинданда биздай ночор  
Ётган экан Бобо Қамбар.  
Учовмизни қўшди жаббор,  
Бир қиз бўлди кўп сабабкор,  
Қоракўз ойимдай дилбар,  
Зинданда бўлди хабардор.  
Етти йил зинданда ётиб,  
Озод қилди парвардигор.  
У зиндандан озод бўлдим,  
Мен Қўкчанинг додин бердим,  
Гүзалшоҳман ўн тўрт ойни  
Миср элда муҳлат қилдим.  
Шул шартима тўғри қилиб,  
Жами қариндошман келдим.  
Бул сўзни айтди Юсуфбек,  
Раҳм айлади бизга холиқ.  
Мен сизларга ақл солиб,  
Келсак Гүзалшоҳдан ғолиб,  
Тилаганда бермаб эди,  
Менинг мақсадларим шулди(р),  
Қетсак Қамбарни чиқариб.  
Ул менинг қувватим билсанг,  
Мени қандай мустар қилган,  
Ўлдирмак мақсадим йўқди.  
Бошин эгиб менга келса,  
Зўрига пушаймон қилса,  
Шу мақсадлар ҳосил бўлса.  
Бу сўзни бекларга айтди,  
Миср шаҳрига яқин етди,  
Сонсиз лашкар қўниб ётди,  
Ҳеч ким билмас қандай гапди(р).

Шуйтиб Гүзалшоҳ саросима бўлиб, икки юборган лаш-  
каридан қанча одам ўлиб, жами катта-кичик амалдор-  
ларини чақариб:

— Бу қандай гап, бу келган ёвнинг кўп-озини билма-  
дингларми?— деди. Амалдорлар,— Биз ҳам эшитдик, бил-

ганимиз йўқ. Юсуфбек жами ўзбак бекларини йифиб, бирбирига ёри бериб, хабарлашиб келибди. Ўзингиз билан қилган шартнинг муҳлати бор эди. Шу гапга келган. Не гап бўларини ўзи билади. Ҳозир келган, бош бўлган Юсуф, Аҳмад,— деди.

Гўзалшоҳ бу сўзни амалдорлардан эшитиб:— Қандай бўлса бешта-ўнта боринглар, лашкарини чоқлаб кўринглар, кўнглидаги муддаосини билинглар,— деди. Бу сўзни эшитиб, бир неча амалдорлари:— Унга одам бориб бўладими, ул ўзбакнинг ўзи қурсин, бўзрайган кўзи қурсин, одамга жуда тик сўйлаган сўзи қурсин. Кўкча шоирни элга қўшилолмайдиган шарманда қилиб юборди. Ботирлик қилиб борамиз, деб балога йўлиқиб қолмайлик яна. Биз ҳам Кўкчадай бўлмайлик,— деди. Гўзалшоҳ бу сўзни эшитиб, бир сўз айтиб турган экан:

Келса келибди-да, хафа бўлманглар,  
Сир бериб ҳар кимни писанд қилманглар,  
Мундайғича кейин тортар бўлманглар,  
Ун тўрт киши элчи бўлиб боринглар,  
Қанча бор лашкари, чоқлаб кўринглар,  
Элчига ўлим йўқ, буни билинглар,  
Сўз сўзлашиб унинг райин олинглар.  
Йўлиқмаса уни билиб бўлмайди,  
Кўнглида борини билиб келинглар.  
Кўп сўзларни мен танама ўйладим,  
Ун тўрт киши, сени элчи айладим.  
Фалак урмай, боғнинг гули сўлмайди,  
Элчини подшолар бойлаб олмайди,  
Мен буюрдим, тортинмайин бора бер,  
Элчи тўғри, унга ўлим бўлмайди.  
Ёвни кўриб, ақлинг кетиб боради,  
Элчи халқа нима зарар бўлади,  
Элчини ўлдирса, билинг, келган ёв  
Подшоларнинг бари айб қиласди.  
Амалдөр бўп, сўраб Миср элатни,  
Ун тўртинг абзаллаб мининглар отни,  
Элчи бўлиб боринг энди бу гапни.  
Отга солиб арпа билан ийирди,  
Қор ёққанда карвон солар чийирди.  
Элчи қилиб амалдорни буюрди,  
Хабар олмай, ёта бермак қийинди.  
Бу сўзни эшитиб сесканиб турди,  
Неча сўзни Гўзалшоҳи гапирди,  
Бир нечалар аҳволидан ғофилди,

Нома ёзиб элчиларга топширди.  
Элчилар шу замон хатини олди,  
Гўзалшоҳдан етқизмак-чун хабарди,  
Шул замон элчилар отини минди,  
Қўрқма, деб бариси чувиллаб қолди.  
Ёв сизларга шикаст қилса билмайин,  
Элчисан, ортингдан хабар олайн,  
Лашкар қилиб мен устига борайин,  
Ўзим ўлмай, мен Мисрни бермайин.  
Ўзбакларман қон тўкишиб кўрайин.  
Қасд қилсан, қилларман унинг ишини,  
Англаб келган йўлда қанча кишини,  
Аччиғлансан, мен кесарман бошини,  
Билмайсанми Мисрда сонсиз кишини.  
Қанча тўпу, қанча анжомларим бор,  
Қўлимдадир ҳар иш қилсан ихтиёр,  
Тортинма, элчилар, энди яхши бор.  
Бу сўзни эшитиб элчи жўнади,  
Амалдорлар йўл бошқариб қолади,  
Қўрбошилар дарвозани беркитиб,  
Ёвни кўриб хўп эҳтиёт бўлади,  
Миср қалъасидан элчи жўнади.  
Оҳ тортса, тўкилар кўзининг ёши,  
Билмам қандай бўлар ўзбакнинг иши,  
Элчи бўлиб, титраб кетиб боради.  
Хизматга жўнаган бу ўн тўрт киши.  
Дарвозага энди бориб қолади,  
Қўрбошилар дарвозани очади,  
Ажалнинг шаробин элчи ичади,  
Юракни бой берган сатта ботирлар,  
Бораётир, ширин жондан кечади.  
Бошимизга тушди қайғу, туман деб,  
Билмай қолдик бизга қандай замон деб,  
Бул ўзбаклар сира бермас омон деб,  
Қулоқ сол, эшитинг, айтган нолага,  
Миср қалъасидан чиқди далага,  
Қўзи тушди сонсиз лашкар болага,  
Боши қолгандай бўп ёмон балога.  
Мисрдан элчилар бул чиқиб кетди,  
Ўн тўртидан умид узиб қўрбоши  
Қайта бошдан дарвозани беркитди.  
Бекорга бандилар бўлган Юсуфбек,  
Қўнгилида ўйлаб келган шундай кек,  
Ажал ҳайдаб кетди ўн тўрт бояқиш,  
Энди қайтиб Миср элга келмак йўқ.

Борса, ўзбак билганидай қилади,  
Бекларнинг кўнглида не гап туради,  
Ўн тўртини ўртага олиб йиглатиб,  
Гўштини омборлаб, тайин юлади.

Ҳар ким бул элчиларнинг жўнаб кетиб бораётганини кўриб, Гўзалшоҳ шундай ўлимга буюрди, деб бола-чақаларига хабар қилиб, Миср дарвозасидан чиққандан кейин буларга келмак йўқ, деб қўрбошилар ҳам гапириб қолди. Элчилар бораётиб кўрди, Миср даштини лашкар олган, Миср ўртада қолган. Қўрқани ҳам, бўлгани ҳам шул, оз бўлганда, бир ойлик йўлга лашкар тўлган. Оқ чодир, кўк чодир, зангори чодир — жуда айқач-уйқач тикилган. Туғу байдоқлар шириллаб турган, яловлар ялпиллаб қурилган. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўн тўрт элчи бораётир қандай одамсан деган киши йўқ. Бул ёв ҳар қайси юртнинг одами — бирор-бировини танимайди. Бир амалдорнинг одами-да деб қарамайди. Кўпчилик, ҳар ким ўз бошига, ўз ишига. Такаданми, ёвмитданми, ё қозоқданми қандай одамсан, деб билмасдан гапирсанг, ўзбакчилик-да, бўйни йўгонлик кўп бўлади, менинг одамимни тергайдиган бўлдингми, деб кўтарилиб, бекорга кўнгли қоралик қиласди, деб лашкардан ҳеч ким буларга сўз қотиб дахил қилмади. Лашкарни оралаб Юсуфбекнинг чодирини сўраб ўн тўрт элчи борди. Бу элчиларни беклар кўрди. Отдан тушилмай, бўғини қалтираб, кўзи ялтираб, ақли шошиб, ҳар нима билгани эсидан адашиб, қўл қовуштириб турди. Нима деб гапиравини билмай Гўзалшоҳнинг хатини чиқариб узатди. Бир маҳрам ўрнидан туриб, ул хатни олиб Юсуфбекка тутди. Юсуфбек бул хатни ўқиб қўриб билди: Гўзалшоҳнинг юборган элчиси экан. Гўзалшоҳ хатида шундай айтиби: «Юсуфбек нима хаёлда келган, ё аввал айтган шартга келдими? Ё пулга зарур бўлдими? Нима кўнглидагини айтсан. Дунёга зарур бўлиб келган бўлса, ўзим ҳам айтиб эдим. Агар зарурлик тортсанг, ўзинг ҳам келмасдан бир элчи юборсанг, қанча дунё бўлса бериб юбораман, деб эдим. Шунга одам юбормай, ўзи бош бўлиб келганми? Кўнглида борини элчилардан айтиб юборсин», — деб номасида ёзибди. Ўқиб қўриб, Юсуфбек бу сўзларни айтиб, бул ҳам хатининг устига хат битиб турган экан:

Қатор-қатор норин берсин,  
Норга юклаб зарин берсин,  
Бизга Миср шаҳрин берсин,  
Бисотида борин берсин.

Юсуфбекман, саваш қылсам майдонда,  
Муроду мақсадим шери Яздонда,  
Гүзалшоҳ қолдим демасин армонда,  
Кўнглидагин айтиб элчи юборсин.  
Қирқ минг түя берсин мояли, норли,  
Қирқ минг қўй юборсин қўзи-қўчқорли,  
Яна қирқ минг бизга бедов юборсин,  
Устига солинган тилла эгарди.  
Узангиси бўлсин олтин, кумушдан,  
Таралғиси келсин авто биричдан,  
Қирқ минг юган, қирқ минг қамчи юборсин.  
Кўнглим кетмас менинг кўрган аламдан,  
Устига миндирсин зебо санамдан,  
Қирқ минг санам бизга элчи юборсин.  
Сўзлаб менинг ул ақлимни олганди,  
Гўзалшоҳ бизларга изза берганди,  
Номус-ор излашиб бунда келганди,  
Гапирмайман Гўзалшоҳга ёлғонди,  
Айтганимни мавжуд қилиб юборсин.  
Бераверсин ғазнадаги зарини,  
Не сабабдан қўл-оёғим байлади.  
Чоҳ ичинда мени улар чоғлади,  
Зулм ўтиб Аҳмаджоним йиғлади,  
Не ишларни қурғур шоҳинг солади,  
Ўзбак беклар энди ўчин олади,  
Бекларнинг айтгани мавжуд бўлмаса,  
Гўзалшоҳга қиёмат кун бўлади.  
Элчи келсин бунда ақлин олгудай,  
Сўз сўзласа жилва қилиб тургудай,  
Қадрдон бўп бекнинг ҳолин билгудай,  
Ҳуру филмонсифат қиздан юборсин.  
Мисрнинг элида бўлмади даврон,  
Қанизлари бўлсин унинг навжувион,  
Ёмонлари бўлсин ул ҳури филмон,  
Шундайин санамдан, элчи, юборсин.  
Номангнинг устига нома ёзарман,  
Гўзалшоҳнинг қалъасини бузарман.  
Айтганимни бунда ҳозир қилмаса,  
От устидан тандан бошин узарман.  
Кўрганингни, элчи, шундай айтиб бор,  
Гўзалшоҳ албатта юборсин хабар,  
Кўнглида билмадим қанча гапи бор,  
Бизга қанча изза берган укағар.  
Қаҳрлансан, тоғни талқон этарман,  
Катталарин тўпга солиб отарман,

Хайдаб уни қозоқларга сотарман,  
Миср қалъасини вайрон этарман.  
Миср юртин еби-есир йиғлатиб,  
Түп отарман құрғонини қулатиб,  
Мен келганман қанча тұпни жүнатиб,  
Сиёсатга тоғларни гумбирлатиб,  
Күнглида борини әлчиға айтиб,  
Паризоддан, әлчи, топиб юборсин.  
Минарман майдонда отими тулпор,  
Гүзалшоҳ ишимдан бўлсин хабардор,  
Қирқ минг қул юборсин бариси зулғдор,  
Хизматимни ўрин қилмоғи даркор.  
Бўлмаса, омонлик бермайди беклар.  
Етти ой, етти кун бунда йўл тортиб,  
Ўзбак беклар келган янгитдан етиб,  
Сатта беклар юриб келган далангдан,  
Чиққани қўймайди қўргон қалъангдан,  
Яхши қиздан, излаб топсин санамдан,  
Паризоддай дилбар, әлчи, юборсин.  
Бунда келиб қошимизда тургудай,  
Сўрасақ, бизларга жавоб бергудай,  
Ҳар хизмат буюрса ўрин қилгудай,  
Яхши ўйлаб, хўб нозанин юборсин.

Бу сўзни Юсуфбекдан эшишиб, сўйлагани Аҳмадбек ўрнидан туриб, бу ҳам гапириб, бир сўз айтиб турган әкан:

Насиб бўлса, Гўзалшоҳга  
Келганман лашкарим тортиб,  
Уч юз олтмиш тўп жўнатиб,  
Етти юз тўпни судратиб,  
Йўлда етти тоғдан ўтиб,  
Бу лашкарнинг сиёсати  
Тоғу тошни титратиб.  
Чошгоҳгача арз этади,  
Пешин саломга қайтади,  
Ҳар кўчганда тўп отади,  
Тоғу тошни гумбурлатиб.  
Беклар ҳам мунда етади,  
Шавкати оламни тутиб.  
Нелар қилди банди айлаб,  
Етти қатор ўрга жойлаб,  
Сақолидан отга бойлаб  
Судратарман киш-кишлатиб.

Етти йил солиб жафога,  
Еткизмай завқу сафога,  
Тұлғаниб қүйнімда ётиб,  
Бек Ахмади ростин айтиб,  
Урганч бориб дарров қайтиб,  
Номи юртга хабар кетиб,  
Миср шаҳриничувлатиб,  
Ҳайдарман барини сотиб,  
Хат устига ёзгин, ака,  
Ахмаднинг сўзини айтиб,  
Нима учун келдик қайтиб.  
Ахтариб келдик номус-ор,  
Қўнглимида қанча ғубор,  
Ўтиб кетган ёмон кунлар,  
Хизмат қилди бир муштипар.  
Қамбар бобомни хору зор,  
Қўрмакка бизлар интизор,  
Не ишлар қилган Гўзалшоҳ,  
Ишидан ўзи хабардор.  
Хабар бориб бир кун бундан,  
Лашкар келган, билсин, ундан,  
Олти ботмон қора симдан  
Парли ёйим чирмишлари,  
Майдон бўлса, Рустамча бор  
Иигитларим туришлари,  
Мингни тепса, бирни олар  
Урганчнинг олғир қушлари.  
Қани энди Гузалшоҳингга бор,  
Қилиб келдим қасди сафар,  
Силтаса, қирқ мингни чопар  
Исфиҳоннинг қиличлари.  
Ёмон кунда хизмат қилган.  
Шаҳри Миср бибишлари.  
Жуда бизга ўтиб кетган  
Гўзалшоҳнинг қилмишлари.  
Бизнинг эллар яхши эллар,  
Завқу сафодир ишлари.  
Саҳар туриб олло дейди,  
Хонақоҳда дарвишлари,  
Ошиқ қуллар кўп йиғлайди,  
Сермевадир ёғочлари.  
Ишидан борми хабари,  
Бек Ахмаднинг кўрган зори,  
Айтиб берсин элчилари,  
Шу бўлар қасди сафари,

Жам бўлсин Мисрнинг бари,  
Кетмас бандилик ғубори,  
Ҳеч кимга етмай хабари,  
Азобдан роҳатга чиқиб,  
Келганди ўзбак беклари.  
Ҳаққа етгай айтган доди,  
Асли эрур пари зоти,  
Бизларга яхши хизмати,  
Қоракўз ул қизнинг оти,  
Тошиб келади ғайрати,  
Миср яксон бўлар эди,  
Билсин, Қоракўз ҳурмати,  
Кўп бўлган бизга хизмати,  
Зинданда қилган меҳнати.

Бу сўзларни Аҳмадбекдан Юсуфбек эшитиб, Аҳмадбекнинг ҳарна деганини ҳам Гўзалшоҳнинг номасининг устига ёзиб, келган элчиларни номасини бериб жўнатди. Жўнагунча элчилар қўрққандан қон ютиб, нечовининг ақли-ҳуши кетиб, отини паст ерга тортиб, осилиб базур минди. Ияги қалтираб гапиролмай қолди, уйтиб-буйтиб отланиб лашкарнинг ичидан чиқиб олди. Бошидан бир туман кўтарилигандай бўлиб, етмаган ажал, ўлмай қолдик, деб кўзига еру осмон кўриниб, қайтиб бориб, Миср қальаси дарвозасини очиб кирди. Буларнинг омон-эсон келганини Миср ҳалқи кўриб, дўстлари суюниб, душманлари куюниб, Гўзалшоҳнинг давлатхонасига бориб қолди. Гўзалшоҳ буларни кўриб, чиройи очилгандай бўлиб қолди. Отдан тушгунча ошиқиб, Гўзалшоҳ бир яхшилик сўз борми, нима ишда келибди, деб сўраб қолди. Элчилар айтди:

— Яхшилик-ёмонлигини билмадик. Айта бер, эсон-омон келдинг, айта бер!— Тўпнинг оғзидан қутилдик. Гўзалшоҳ:— Ул Юсуф, Аҳмад ўзимизга синамол, етти йил бу ерда турган, бизнинг тузимизни кўп еган, сал кўтарилимароқ, аҳмоқроқ лофни сурадиган. Бўлмаса, бундай bemаза одамлар эмас,— деб турди.

Элчилар отдан тушиб, Юсуфбекнинг ёзган хатини чиқариб, Гўзалшоҳнинг қўлига берди. Хатга қараб туриб хаёлини қочирди, Қоракўзни бу хатда кўрди, сал кўнгли равшан бўлди.—«Гунг қизнинг тилини энаси билади» дегандай Қоракўз ҳам шум бола, биз эшитиб ёмон кўрар эдик, жувонмарг икки ўзбакни кўриб, вақтини топиб, зинданга бориб келиб, хабар олиб юради, деб эшитар эдик, аммо кўрмас эдик, ёмон ҳам ёмон ерга керак бўлади деган, бу иш осон бўлар. Қоракўз борар, булаш-шулай деб

ақлинни олар, уларни аҳмоқ қилиб, еталаб йўлга солар, нима деса, Қоракўз кўндирап, Қоракўзни топиб келинглар,— деб турибди.

Ҳамза миршабнинг қизи Қоракўзни топиб келиб, Гўзалшоҳ айтди:— Қоракўз, энди бир гайрат қиласан, ўзинг жўр бўлиб юрган, гапиришиб сиру ҳолини билган ошнанг лашкар йифиб келибди. Қандай бўлса шуларнинг қошига бориб, бизни ёмонламай яхши гапириб, уларни йўлга солиб, кўнглидаги муддаосини олиб келасан! Қоракўз ойим:— Қўлимдан келгунча хизмат қилиб, бериб келаман,— деди.

Шунда Қоракўзга ҳамроҳ қилмоққа мен яхши деган Миср шаҳридан қирқ қиз чиқиб олди. Қирқининг ҳам ранги рангига ўҳшаган, усти устига ўҳшаган, кўзи кўзига ўҳшаган. Қирқи ҳам қимматбаҳо бир тусли кийимларни кийишган, отни ҳам бир тусли қилиб мингизган. Кўрган одам ҳайрон қолади, билмайди бари бир одамнинг боласими, ҳар одамнинг боласими. Қоракўз ойим билан ўзининг Гулнаҳор қизини бош қилиб, буларга ҳам қўлдан келгунча оро-торо бериб отлантириб, Гулнаҳор билан Қоракўз бетига ниқобини тортиб, қирқ қизни ияртиб жўнамоқчи бўлди. Қизидан баттар Қоракўзга тайинлаб, Гўзалшоҳ бир сўз айтиб турган экан:

Гўзалшоҳ дейдилар менинг ўзимни,  
Кўп еган Мисрда менинг тузимни,  
Элчи қиз юбориб сарвинозимни,  
Қоракўз, сен яхши айтган ўзимни.  
Хатида солибди, кўрмакка толиб,  
Сени умид қипти нома юбориб,  
Хўп яхши сўйлагин ақлинни олиб,  
Ул бекларни билган йўлингга солиб.  
Бу қизлар олдингда бўлсин хизматкор,  
Юсуфбекка яхши етказган хабар.  
Ҳарна билганингни унга айтиб бор.  
Кўнглида муддао сўзни ташласин,  
Қўйсин ёмонликни, яхши ушласин,  
Хўп ўйласин яхши ишга бошласин,  
Борган элчиларнинг вақтин хушласин.  
Қулоқ сол, Қоракўз, менинг сўзима,  
Чапароста хол ярашиб юзингга,  
Ҳарна деганимни айтиб ўзингга,  
Йўл кўрсатгин мана қирқин қизингга.  
Хон қошида беадаблик қилмасин,  
Ижозат бермаса савол қилмасин,

Ул беҳуда кулиб, ўйнаб турмасин.  
Боргин сен, Қоракўз, қизларни олгин,  
Ихтиёри сенда, йўлингга солгин,  
Гўзалшоҳ деганин унга гапиргин,  
Муддао, мақсадин не деса, билгин,  
Кўрганингни келиб хабарин бергин.  
Уруш қилса, мен ҳам файрат қилайин,  
Элу ҳалқа черик-лашкар солайин,  
Тўпу тўпхонаман чиқиб борайин,  
Мен қўрқмайман, қон тўкишиб кўрайин.  
Талаб қилиб кепти Юсуф зўрабор,  
Билиб келгин қанча ҳам лашкари бор,  
Файрат қилсам, мен бўларман баробар,  
Ҳарна деганимдан етказгин хабар,  
Бу сўзни эшитиб жўнади қизлар.

Боғда очилган гулдай бўлиб,  
Чаманда булбулдай бўлиб,  
Тиши гавҳар-дурдай бўлиб,  
Жаннатдаги ҳурдай бўлиб,  
Элчи бўп қизлар жўнади.  
Ҳаммалари бирдай бўлиб,  
Кўрганларнинг ақлин олиб,  
Бир-биридан ҳусни ғолиб,  
От ўйнатиб йўлга солиб,  
Гоҳ жебалаб, гоҳ йўргалаб,  
Кулги билан йўлга солиб,  
Аста-аста қамчи чалиб,  
Қоракўз баридан ғолиб,  
Бекларни кўрмакка толиб,  
Бир ранг-баранг жўнаганди,  
Кўрган одам ҳайрон қолиб.

Қоракўз ойим қирқин қизлари билан Миср қалъасидан  
чиқиб, Миср атрофида ётган бу лашкарни кўриб, Гўзал-  
шоҳнинг Гулнаҳор қизига айтиётган сўзи:

Қулоқ солиб, буни англа Гулнаҳор  
Отангнинг қасдига келибди қайсар,  
Ўнгу сўлни олибди лашкар,  
Миср ҳалқи бўлолмайди баробар,  
Бошлиб келган Юсуфбекдай зўрабор,  
Хоразм шаҳридан берганди хабар,  
Қозоқ, ўзбак қолмай келган муқаррар,  
Яшил туғ қўлида сатта афғонлар.

Неча тоғдан ошиб меҳнат қилибди,  
Үйлагин, отангдан булар ғолибди,  
Отангнинг қасдида жам бўп турибди.  
Отанг билмай кўп жафони солганди,  
Шарт ушлаган марди майдон келганди,  
Уч ойчалик йўлга лашкар тўлганди.  
Мисрга чопиниб булар қаради,  
Қасд қилса Мисрни дарров олади,  
Миср халқи бари ўлжа бўлади,  
Бек отанг — Гўзалшоҳ қандай қилади.  
Сен ҳам шоҳнинг қизи давронни сурган,  
Ул беклар, буларни сен не билган,  
Қаттиқ кунда мен ҳам хизматин қилган,  
Тор зинданда хабар олиб ҳам турган,  
Отанг билан билгин энди шарт қилган,  
Мисрни олмоққа бари йифилган.  
Бари бирдай қистаб келган даладан,  
Мен умидни уздим турган қалъадан.  
Юсуфекни баҳодирлик номи бор,  
Миср халқи бўлмас бунга баробар,  
Сўзим ёлғон бўлса, қарагин, қизлар,  
Ётган лашкар бари душманни излар.  
Тўпу тўхонаси беклар олибди,  
Таваккални бир худога қилибди,  
Сап йўлбарс йифилиб бунда турибди,  
Билгин, шоҳим қаттиқ кунда қолибди.  
Урушга ўзин чоқлаб отини елган,  
Олмос пўлат қайраб белига чалган,  
Булар бари бирдай шакаман мерган,  
Саваш излаб мудом умрин ўтказган,  
Отган ўқин нишонига етказган,  
Карвондай душманинг юкин питкарган.  
Еш ўрнига оқиб кўзидан қонлар,  
Етти ўйларни зинданда ётган сарсонлар,  
Эсига тушади ул ёмон кунлар,  
Бир гап билан кепти бегу султонлар,  
Бориб, келган беклар ҳолин сўрайлик,  
Кўнглида не борин бунинг билайлик,  
Юра беринг, ҳамроҳ бўлган халойиқ.

Гўзалшоҳнинг қизлари, қаватида бирга каниzlари Қоракўзнинг сўзига жавоб беролмай, илгари босиб юролмай, ул одамларнинг тилини билмай, сесканиб, эркалаб бора берди. Қоракўз ойим илгари тушиб, қўшинни оралаб қаради: оқ чодир, кўк чодир тикилган, ҳеч адади йўқ. Бу

ҳам Юсуф билан Аҳмаддан бошқани билмайди. Йўлиққандан Юсуфбекларнинг чодири қайсиdir, деб сўраб, Юсуфбекнинг чодирига қараб, бўлак чодирларга бурилмай шундай оралаб бориб қолди.

Юсуфбек Қоракўз ойимни кўриб, ўрнидан туриб, Қоракўз келди, деб Аҳмадбекка ҳам хабар бериб, отдан кўтариб олиб, чодирга ишорат қилиб, ҳар қандай одамдан Қоракўзни яхши кўриб, ёмон кунларда қарашганини билиб, уёқдан-буёқдан гапириб, олис-яқинда тикилган чодирдан беклар келиб, томоша қилиб, ҳаммангиз бир ерда ўтирангиз бўлмас, деб Қоракўзнинг ҳурматидан яхши хизмат қилингизлар, деб бир неча бекларнинг чодирига ҳам буюриб, қизлар бўлиниб-бўлиниб кетди, ҳам томоша қилайлик, буларнинг кўнглини билайлик,— деб Қоракўз Юсуфбекнинг чодирида қолди, Гулнаҳор ҳам бунда ўтириб қолди. Шунда Юсуфбек Қоракўзга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Қоракўз, қойилман қилган ишингга,  
Тилла жиға санчиб сен ҳам бошингга.  
Шукур қилай, келдинг менинг қошима,  
Юзингдан ниқобинг олгин, Қоракўз.  
Нечовлар ишқингда сарсон бўлганди,  
Гўзалшоҳ бизни тор зинданга солганди,  
Сени бизга бир оллойим берганди,  
Тор зинданда юриб хизмат қилганди (нг),  
Ёмон кунда ҳолим билган, Қоракўз.  
Мен учун сен ҳам хуноба ютдинг,  
Оҳ уриб, неча вақт сен мотам тутдинг,  
Ҳар ютум топсанг, кўтариб етдинг,  
Сабаб билан ёри берган, Қоракўз.  
Қизларнинг ичидан сенсан удаға,  
Кийганинг ипакдан, олтиндан ёқа,  
Бизнинг учун кўп йиғладинг худога,  
Ҳар ким бўлар кокилингдан садаға,  
Тор зинданда хабар олган, Қоракўз.  
Жонингни жонима қурбон қилибсан,  
Қизларнинг сардори ўзинг ғолибсан.  
Келди деб эшитган нозанин дилбар,  
Ёмон кунда бўлиб бизга харидор,  
Кўп қизга бош бўлиб сен ҳам амалдор,  
Сўйлагин, кўнглингда сенинг не гап бор,  
Кўнглингни сўрайди ўтирган беклар,  
Ғанимат бил бунда ўтган давронлар.

Бу сўзни Юсуфбек айтиб, ўйин-кулги билан суҳбат қилиб, шароб ичиб ўтириди. Аҳмадбек Бобо Қамбарни сўради:— Бобом қандай, зинданда биз кетгандан сўнг ҳоли овқатидан хабар олиб турдингми? Қоракўз ойим:— Сизлар озод бўлиб кетгандан сўнг уч кундан кейин Бобо Қамбар ҳам дунёдан ўтди. Ажали етиб битди, бу дунёдан фано бўлиб кетди,— деди. Бу сўзни Қоракўздан эшишиб, Аҳмадбекнинг хаёли қочиб, оқшомман қилган кайфи учиб, ўтдай тулашиб, ғайрати тошиб, бир сўз айтиб турибди:

Бобом ўлган бўлса, омон бермасман,  
Миср шаҳрин талон қилмай қўймасман.  
Ҳар тарафдан мен ҳам отлар соларман,  
Кўр, Қоракўз, не ишларни қиларман,  
Бобомнинг хунини тўлаб оларман,  
Гўзалшоҳнинг тандан бошин юларман.  
Бир нечанинг қўяй бўйини сувуриб,  
Гўштдай қилиб нечовларни қовуриб.  
Отланарман энди Миср элига,  
Бошим берай Қамбар бобом йўлига,  
Бобом ўлган экан Миср шўрига,  
Нор кесар олмосни олсам қўлима,  
Ким чиқар Мисрдан менинг йўлима.  
Тулки, шағал кулар шоҳлар ҳолига,  
Бобом учун келдим Миср элига.  
Бунда келиб мен ҳам бир иш қилмасам,  
Аввал бошлаб Қамбар бобом кўрмасам,  
Аҳмадбек отимни бошқа қўярман,  
От устида Миср шаҳрин олмасам,  
Ўз йўлима Гўзалшоҳни солмасам,  
Бул бекларга дарров хабар қилмасам,  
Қамбар учун бу бекларнинг келгани,  
Бизга армон бўлди бобом ўлгани,  
Тўғри гапир, йўқми гапнинг ёлғони?  
Ё Гўзалшоҳ унга қаҳр қилдими,  
Бошин кесиб, ўз дорига илдими,  
Тор зинданда ё ажалдан ўлдими?  
Ростини де, яширма шоҳнинг қизи,  
Шаҳри Миср элин сен ҳам ёлғизи,  
Кўнглимни оғритди Қоракўз сўзи,  
Бобонг ўлди деб айтади-ку ўзи.

Бу сўзни Қоракўз ойим эшишиб билди, буларнинг эътиқоди Қамбар бобода экан. Бизнинг билан бу гаплар битмайдиган, ўлган йўқ, ҳазиллашиб айтиб эдим,— деб шу оқшом ўтди, эрта-мертан тонг отди, ҳаммаси отланиб

Мисрға қайтди. Аҳмадбекнинг сўзидан Қоракўз диққат бўлиб бораяпти. Бошқа қизлар нима эканини билмайди, бир-бирига гапирмайди. Гўзалшоҳнинг қошига етди.

Гўзалшоҳ қанча амалдорлари билан олдига чиқиб, қани, нима гап бор деб, турибди. Қоракўз ойим:— Биз бордик, уларнинг кўнглидагини билдик, уларнинг эътиқоди Қамбар бобода экан. Шул бобони зиндондан чиқармасанг, сенинг ишинг ўрин бўлмас, Қамбар бободан бўлак кишининг сўзиغا кўп қулоқ солмас, бобом деб ўзгани билмас,— деди.

Бу сўэни эшитиб Гўзалшоҳ:— Эса, шу тушни йўйиб қамалган бобони чиқариб олиб келишлик даркор,— деб қошида ўтирган амалдорларга тайнилаб, бир сўз айтиб турган экан:

Гўзалшоҳнинг сўйлаганин билинглар,  
Кенгаш билан яхши ўйлаб кўринглар,  
Амалдорлар, у зиндонга боринглар,  
Бобони зиндондан олиб келинглар.  
Юсуф, Аҳмад қабоғини уйибди,  
Элатидан оғир лашкар етибди,  
Меҳнат тортиб шаҳри Миср келибди,  
Миср атрофини лашкар олибди,  
Қизларман Қоракўз бориб кўрибди,  
Қоракўздан хабар бизга бўлибди.  
Кўнглида борини ўзи билайлик,  
Қамбар бобо бир орага қўяйлик,  
Не мақсадда келган ўзи, сўрайлик,  
Боринг, зиндончилар, турган халойиқ.  
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Чин-Мочиндан келган карвон зиндонда,  
Ҳаялламай уни олиб келинглар,  
Олиб кеп бобони элчи қилинглар,  
Буйтиб турмай ишни дарров билинглар,  
Бўлган эмиш Юсуф ўғлон дарқаҳр,  
Қўзига кўринмас Мисрдай шаҳар,  
Гўзалшоҳнинг сизга панди шул бўлар.  
Атрофдаги сипоҳиу амалдор,  
Ҳаялламай тез зиндонга бөринглар.  
Илгарида баланд эди иқболим,  
Ҳозир танг бўлгандай менинг аҳволим,  
Поймол бўлмасин-да Мисрдай шаҳрим,  
Сабил бўлмай бунда тожу давроним,  
Ул бёбога яхши айтиб хабарим,  
Боринг энди, сиз саркарда, бекларим.

Бу сўзни эшитиб турган амалдорлар, Мисрда хизмат қилганлар, Гўзалшоҳдан инъом олганлар ранги ўчиб, хаёли қочиб:— Бу қандай гап бўлди, Мисрга подшо бўлган кишининг ҳозир ихтиёри бир бандида қолди, бундан нима маслаҳат чиқади, ҳар гап бўлса борайлик, Гўзалшоҳнинг айтган хабарини берайлик, чиқса олиб келайлик, сўнгра айтган жавобини кўрайлик, бир неча йилдан бери зиндонда ғарид бўлиб, элу юртдан айрилиб, у ҳеч маҳалла Гўзалшоҳнинг ёнини олиб гапирмас. Шундан маслаҳат сўраса, оз ҳам бўлса кўп қилиб, Юсуфбекнинг қўлинин юқори олиб гапиради. Унинг билан бўлган маслаҳат нима бўлади. Нима бўлса, Гўзалшоҳ буюрди, хон ғазаби — худо ғазаби деган гап бор, бунга бориб айтмоқлик даркор,— деб қанча амалдорлари билан Ҳамза миршаб бош бўлиб, зиндоннинг бошига бориб, зиндонга қараб, бобога хабар қилиб, бир сўз айтиб турган экан:

Биз амалдор, шоҳнинг амрин тутамиз,  
Шоҳнинг ҳар деганини айтамиз.  
Арқонни белингга бойла, бобожон,  
Биз сени зиндондан олиб кетамиз.  
Ўн йил жафо тортдинг мана зиндонда,  
Кўп азоблар кўриб жонинг бу танда,  
Бизнинг билан бирга бўларсан бунда,  
Кел энди зиндондан чиққин, бобожон.  
Ўтар дунё ўтарини ўйлагин,  
Насиб этса тил боринда сўйлагин,  
Белингга арқонни, бобо, бойлагин,  
Зиндондан чиқмоқни талаб айлагин.  
Зиндон бўлар бунда бандининг жойи,  
Сенинг учун келган қанча сипойи,  
Келгин, бобо, ҳамдам бўлгин бу замон,  
Бул орtingда қолар қоронги зиндон,  
Неча йилдан бери бошинг саргардон,  
Букун қутуласан ғаму кулфатдан,  
Гўзалшоҳга ҳамдам бўлинг, бобожон.  
Гўзалшоҳ турибди йўлингга қараб,  
Сени таъбирчи дер ақлли сўраб.  
Гўзалшоҳга яхши жавоб берасан,  
Келгин, бобо, бизман бирга борасан,  
Ташлагин зиндонни, нима қиласан.  
Аритганда энди сенинг шўрингди,  
Гўзалшоҳ сўрайди сенинг ҳолингди,  
Балки берар подшолик бўлган молингди,  
Сен кўрарсан Чин-Мочиндай элингди,

Файрат қилиб маҳкам бойла белингди,  
Ҳаялламай, жоним бобо, кел энди.

Бу сўзни эшитиб, ўзи таъбирчи, эси кўп одам, ақл билан Юсуфбекнинг келганини билиб, тажриба билан Гўзалшоҳнинг ҳоли танг бўлиди, деб кўнглига келиб, амалдорларга бир сўз айтиб турган экан:

Мен кўнаман тангримнинг хоҳишига,  
Тақдирда ёзилган ҳақнинг ишига,  
Бора бер йўлингга, келган амалдор,  
Мен бормайман Гўзалшоҳнинг қошига.  
Сен менга айланиб бунда турманглар,  
Бир беҳуда сўзни сўйлаб юрманглар,  
Қалмагўйдан мен бўлмайин шарманда,  
Ўн йил умрим ўтди мана зинданда.  
Иигитликда кўрган умрим даврон-да,  
Манов зиндан бизга яхши макон-да.  
Чин-Мочиндан келдим мушку анбарим юклаб,  
Туяларга зари-зебар турмушлаб,  
Келиб мен ҳам тилла саройга тушдим,  
Улуг — катта билан мунда сўйлашдим.  
Сап давлатли билан бирга ўтирдим,  
Гўзалшоҳнинг тушини мен гапирдим,  
Тўғри сўйлаб унга гуноҳкор бўлдим,  
Ҳар на давлат, молу ҳолдан айрилдим.  
Неча йилдан бери зинданда қолдим,  
Зиндан яхши макон экан мен билдим,  
Шоҳлар билан ўтироқни тарк этдим,  
Кета бер, бормайман шоҳинг қошига.  
Кўп ҳаяллаб чоҳ бошида турманглар,  
Келган йўлдан, амалдорлар, қолманглар,  
Мени чиқармоқча ҳалок бўлманглар,  
Хаёлингни ҳар тарафга бўлманглар,  
Сўзим шу, кетинглар, мунда турманглар.  
Бир нечанинг насиҳатин олманглар,  
Кўнгилингда билган сўздан қолманглар,  
Бир айниган чолдан умид қилманглар.

Бу сўзни Бобо Қамбардан эшитиб, Ҳамза миршаб бир сўз айтиб турган экан:

Отга солиб арпа билан ийирди,  
Қор ёққанда карвон солар чийирди,  
Гўзалшоҳим бизни сизга буюрди.  
Нима десанг, бобо, бизлар қиласайлик,  
Юринг, бобо, бирга олиб борайлик.

Талон бўлмасин-да, Мисрдай юртга,  
Бир хабар айтасан Юсуф, Аҳмадга.  
Сени бизлар яёв олиб кетмаймиз,  
Миндирайлик, бобо, бир бедов отга.  
Келгин, бобо, бизга йўлдош бўл энди,  
Зиндандан чиқмоққа рози бўл энди,  
Кўнглингда мақсадинг сўйлаб тур энди,  
Бундай қилма, жоним бобо, юр энди.  
Бандадан хатолик шундай ўтади,  
Шоҳдан кўрма, тақдирингдан кўр энди,  
Тақдирда бор киши шундай ётади.  
Бунинг учун хафа бўлма, бобожон,  
Шоҳдан кўрма, худодан кўр бу замон,  
Гўзалшоҳ бўлади Мисрга султон,  
Шу қисматлар тақдирингда ёзилган.  
Сизни чақирибди шундай улфатга,  
Миндирайлик заррин добирли отга,  
Бирга юринг шоҳ қошига суҳбатга.  
Гўзалшоҳим сенинг ҳолинг сўрайди,  
Мунтазир бўп, кўп йўлингга қарайди,  
Ҳурматинг бор сипойилар келади,  
Бу дунё иззати шундай бўлади,  
Келгин, бобо, бизман бирга юр энди.

Бу сўзни Ҳамза миршабдан эшитиб, ўйлаб Бобо Қамбар айтди: «Ҳозир мен бандаман, буларнинг қўлидаги одамман, ажалим етса, сабаб бўлиб ўлдирса, ўлдириб юборади. Бекор ўрлик нима фойда қилади, нима қилса ихтиёри қўлида, бекор ўлиб ётгунча, бунга бир сўз айтайн, қабул қилса, бирга чиқиб кетайин, агар қилмаса, сўнгра тақдиримдан кўриб зинданда ётайин. Булардан бундай яхшилик чиқмас. Албатта, Юсуф, Аҳмад келгандир, сиёсатдан ақли шошиб, қадрдон одамидай мени унашиб тургандир, шундай ўйлаб булар зинданга келгандир. Бўлмаса, бизга буларнинг ҳеч зарурлиги йўқ, бизни одам ўрнида кўрмайди. Бизга бундай амалдорлар келмайди, маслаҳатбошилари кўп, ўзлари билгандан қолмайди, албатта, ҳоли танг бўлиб бунда келган, шул хабарни берган,— деб бир сўз айтиб турибди:

Кўнглимда борини сизга айтайнин,  
Зинданда ётишни барбод этайнин,  
Менинг мақсадимни ҳозир қилинглар,  
Бу зиндандан мен ҳам чиқиб кетайнин.  
Ғанимларнинг тандан бошин узинглар,

Бир нечанинг кўз ёшини тизинглар,  
Ҳаворлатиб бу зинданни бузинглар.  
Тахтиравон бунда йўлни солинглар.  
Тилла аробани ҳозир қилинглар,  
Тахтиравон мунда йўл қип келинглар,  
Бардор-бардор қилиб мени кўтариб,  
Тилла аробага мени солинглар,  
Гўзалшоҳга мени олиб боринглар.  
Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмаса,  
Қўнглимдаги ишим мавжуд бўлмаса,  
Нима қилса қилсин бизни Гўзалшоҳ,  
Зинданда айтганим менинг бўлмаса.  
Неча йиллар банди зиндан бўламан,  
Айролиқ савдога бағри пораман,  
Шоҳнинг ихлосини синаб кўраман,  
Қўнглимдаги мавжуд бўлса бораман,  
Қандай сўз сўраса, жавоб бераман.  
Шу хизматни бир ёқ қинглар, амалдор,  
Шу сўзимни Гўзалшоҳга айтиб бор,  
Бобонгиздан шундай бўлганди хабар,  
Бўлмаса, ётади мендай гуноҳкор,  
Шоҳларнинг сұхбати мёнга не даркор?  
Яхши-ёмон билан нима ишим бор,  
Бўлмаса ўзимда менинг ихтиёр.  
Рაҳм айласа ҳолима парвардигор,  
Шундай деб шоҳингга бергин сен хабар.

Бу сўзни эшитиб:— Бул бобонинг уйи куйган экан тоза, бу қандай бўлди, бир бандига шунча одам мустар, бу юришдан ўлмаклик даркор, Гўзалшоҳга бориб хабар берамиз,— деб зинданнинг бошидан шу маслаҳатни қилиб жўнаб кетди. Юриб Гўзалшоҳнинг давлатхонасига етди. Гўзалшоҳ қараб турибди, у банди бўлган бобо йўқ, жами юборган одамларининг ўзи кепти. Амалдорлардан Бобо Қамбарни сўради. Бобо Қамбарнинг ҳар нима деганини, эшитган сўзини Гўзалшоҳга билдириди. Гўзалшоҳ айтди:— Биздан илгаридан хомлик ўтган, ул бобо қанча азоб тортган. Энди шу бобонинг айтган сўзи келди, ҳар нима дегани маъқул бўлди. Энди бунинг айтганини қилиш даркор. У бобо, бўлмаса, оёқ ости бўлиб, қанча одам бунда ўлиб, беҳуда қонлар тўкилиб, йўқ ердаги азобни одамлар кўриб қолади. Ул бобо Қамбарнинг айтган сўзи, ҳар бир кишининг ихтиёри ўзида, орзу қилган иши бўлади. Ул вақтда биздан гина қилолмайди, кўнгли тўлади,— деб бир сўз айтиб турган экан:

Давлатим бор, адрас, кимхоб кийдиринг,  
Уста билан мардикорни жийдиринг,  
Оро бериб бир ароба тузатсин,  
Намойишга тилла сувин юргизсин.  
Қамбарнинг кўнглида мақсади бўлсин,  
Айтганини қилинглар, кўнгли тўлсин,  
Ҳаяллаб қолмасин, тезроқ келсин.  
Зиндонни бузинглар, ҳавор қилинглар,  
Зиндонга сап яхши йўллар солинглар,  
Ароба битириб бундан боринглар,  
Ул бобони тезроқ олиб келинглар,  
Гўзалшоҳ шундайин берди хабарди,  
Шоҳнинг сўзин қайтаролмай амалдор,  
Нафси оғриб шундай кўнгли қабарди.  
Устага юборди неча одамни,  
Хабар берди, мунда усталар келди,  
Усталикман энди тузатмоқ бўлди,  
Мардикор йигилиб кетмонни олди,  
Зиндонни ҳаворлаб мунда йўл солди.  
Тилла сув югуртиб муни тузатиб,  
Қўшиб чоғлаб, бу манзилдан узатиб,  
Аробани олиб бу ердан кетди,  
Қўшиб аробани зиндонга етди.  
Мардикорлар йўл ҳозирлаб турибди,  
Қайтадан Қамбарни бориб кўрибди,  
Ҳаммалари бардор-бардор қилибди.  
Кўтариб Қамбарни жэйидан олиб,  
Оп кеп аробага буларни солиб,  
Қилиб сафо, пардасини тузатиб,  
Гўзалшоҳи анчайин ташвиш қилди.  
Бир неча билмайди, бу не гап бўлди,  
Бир неча одамлар қарашиб қолди,  
Аробага солиб Қамбарни олди.  
Ўн йил бўлди, Қамбар зинданда ётиб,  
Кўп қадрдан макон-жойидан кетиб,  
Зару зарбсф, заррин сарпой кийгизиб,  
Олиб кетди аробага мингизиб.  
Аввалда Қамбар азобни кўрди,  
Хунобалар ютиб зинданда қолди,  
Бу зиндандан чиқиб дунёни кўрди,  
Дунёга қайтадан келгандай бўлди.  
Рози бўлди бир худонинг ишига,  
Ул зинданда кўрган кўп койишига,  
Не савдолар тушиб азиз бошига,  
Эгам раҳм қилди қонли ўшига.

Аробага миниб бул бобо Қамбар,  
Бориб қолди Гўзалшоҳнинг қошига.  
Гўзалшоҳ шул замон бобони кўрди,  
Сакраб ўрнидан ихлосман турди,  
Аробадан Қамбар бобони тушириб,  
Тахт устига минди, ишорат қилди.  
Пойтахтга қараб барча жўнади,  
Гўзалшоҳга энди яқин туради,  
Кўришиб, сўрашиб Қамбар бобони,  
Гўзалшоҳи энди ҳолин сўради.  
Ўтган ишга бир пушаймон қилмади,  
Бобо Қамбар кўнглига оғир олмади.

Гўзалшоҳ тушириб олиб, тахт устида қанча зиёфатлар қилиб, кўнглида борини гапириб, Бобо Қамбарга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Аввали Юсуфбек банди бўлибди,  
Банди бўлишини мендан кўрибди,  
Озод бўлиб Хоразмга борибди,  
Элу ҳалқقا кўп хабарни солибди,  
Оғир лашкариман бунда келибди,  
Миср атрофига лашкар тўлибди.  
Сизнинг билан бирга эди зиндонда,  
Тағи бўлиб қолмайик-да шарманда,  
Банди деб уларнинг ғамин еб эдим,  
Юсуфбекни мен ҳам болам деб эдим,  
Озод қилиб уни йўлга соб эдим,  
Улар юришини ёмон ўйладим.  
Кўнглида не гап бор, сира билмадим,  
Юсуфбекка сизни элчи айладим.  
Қилиб кепти устимиизга сафарни,  
Биздан еткир албатта хабарни,  
Билмадим кўнглида не гапи борди (р),  
Юсуфбекнинг баҳодирлик номи бор,  
Гап берганми тағи яхши-ёмонлар,  
Лашкаридан менга бергайсан хабар.  
Юсуфбекка элчи қилиб буюрар,  
Бобо Қамбар бўлиб келинг хизматкор.  
Бундан бориб Юсуфбекдан сўрайсиз,  
Үнгу сўлда одамига қарайсиз.  
Айтиб боринг Юсуфбекка саломни,  
Чиқарсин кўнгилдан еган аламни,  
Қоракўздан айтган экан хабарни,  
Ўз сўзиман юбордим Бобо Қамбарни,  
Ёмон айтмай яхши беринг хабарни.

Бу сўзни эшитиб ул Бобо Қамбар,  
Бўлиб Гўзалшоҳга бугун хизматкор,  
Бедов от абзаллаб қилганди тайёр,  
Отлантириб бунда Бобо Қамбарни,  
Бобо, файрат қилинг, деди амалдор.  
Вақтин хушлаб ул замон Бобо Қамбар,  
Юсуфбекни кўрсам дейишиб интизор,  
Фотихани бериб қолди амалдор,  
Шул замон жўнади бу Бобо Қамбар.  
Миср ҳалқи буни кўриб,  
Элчи эканини билиб,  
Ҳамма туриб дуо қилиб,  
Қамбар бобо йўлга кириб,  
Миср қалъасидан чиқиб.  
От чопса, гумбирлар тоғнинг дараси,  
Ортида қолганди Миср қалъаси,  
Кўринади кўп лашкарнинг қораси,  
Кўрсам дейди Урганч элнинг тўраси.  
Юсуфбекни сўраб кетиб боради,  
Чодирларга қараб кетиб боради,  
Нечовларни кўриб ўтиб боради,  
От бошини буриб ўтиб боради,  
Шу сабабман мен ҳам озод бўлдим деб,  
Юрагидан чери кетиб боради.  
Гўзалшоҳнинг йўрғасини минади,  
Не бўлса, бир ишда бобо юради,  
Ким сўраса, яхши жавоб беради,  
Кўп лашкарнинг ичиди кетиб боради,  
Юсуфбекнинг чодирига шул замон,  
Шул замон яқинлаб етиб боради.  
Аҳмадбек чодирда туриб қаради,  
Кўриб шунда Бобо Қамбарни таниб,  
Бек Юсуфа энди хабарин бериб,  
Бобожон, деб сачраб ўрнидан туриб,  
Бобо Қамбар кўрди Аҳмад ўғлонди,  
Кулочини ёзиб яқинлаб келди,  
Бобога Аҳмадбек кўп меҳрибонди,  
Шул замон отидан кўтариб олди.  
Бобо Қамбар кўриб кўнгли бузилди,  
У ўпкаси тўлиб бафри эзилди.  
Зиндондаги кунлар ёдига тушиб,  
Аҳмадбекман Бобо Қамбар йиғлашиб,  
Отдан тушиб, қучоқлашиб кўришиб,  
Бир-биrimiz кўрдик дейди саломат,  
Тор зинданда бизга ваҳми қиёмат,

Шул замон чодирга қилди ишорат,  
Чодирига етиб қурмоқчи сұхбат.

Турган халойиқлар күриб, бунинг ким эканини билмай Юсуф, Аҳмад бир-бири билан топишиб, бобони иззат-икром қылганини ҳар чодирда ўтирган беклар күриб, бу бир иззатли одам экан,— деб чодиридан бурилиб келиб, күришиб, зиёрат қилиб, күрмаганлар, илгари гаплашиб эшигандар Юсуфбекдан сұради:— Бу киши қандай одам? Юсуфбек:— Бу киши бобо Қамбар деган, бу киши замонида Чин-Мочин мамлакатидан келган, шу вақтда Гүзалшоқ бир туш күрган, Мисрнинг одамлари тушининг таъбирини билмаган. Шунда бу кишини айтиб бориб, бу кишини таъбирчи билиб, тушини гапирған. Бу киши Гүзалшоқнинг сўзини эшитиб: «Биз кўхна замондан қолган, неча сипоҳиларни кўрган, сен тушингни гапириб, тахт устида ўтириб сўйладинг, сен арз қилгич бўлсанг, тахтингдан пастга тушиб гапир»,— деган. Шунда «бу кўхна замонлардан қолган киши экан»,— деб Гүзалшоқ бу кишини тахтга чиқариб, ўзи пастда турди. Шунда бу киши Гүзалшоғга айтган: «Энди айт арзингни. Бояги арз айтишинг бир беадаблик эди. Сен тахт устида, биз пастда». Бу киши у вақтларда бизни кўрган йўқ, биз ким бўламиз, билган йўқ. Гүзалшоқ: «Бир лаган тилла кўтариб тоққа чиқиб бораётуб эдим, икки шербачча менга қараб интилди, ҳарба сиёсатидан жуда қаддим букилди. Ақли шошиб, мендай шоҳ йиқилди, лагандаги тиллам ҳам сочилиб тўкилди», деган. Үнда бу киши айтган: «Хоразм шаҳрида Юсуфбек отли, соз билан сұхбатли, айшу ишратли, тушингда кўрганинг йўлбарс сифатли. Охир Юсуф олар сенинг шаҳринингни». Шунда подшолик ҳурмат қилмаган, ўз гапидан қолмаган, Гүзалшоқ бу кишининг молларининг ҳаммасини подшолик қилган, бу кишини зиндонга қамаб, Мирза Маҳмудни бизларга юбориб, бизларни ҳам банди қилиб олиб келиб, зиндонга солиб, бизлардан бир йил бурун ётган. Саккиз йил деганда бизлар элга бориб, бу кишининг ётишига ўн йил бўлиб, ўлмай тағи бирор-бировимизни кўриб ўтирибмиз,— деди.

Бу сўзни эшитиб, бир меҳри юз бўлиб, қайтадан бари кўришиб-сўрашиб, кўп жафо тортган қутби замон киши экан, дейишди. Шунда Аҳмадбек бобосига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Қолиб бу дунёнинг жафо ғамига,  
Биз номардлик қилдик бобо шаънига,

Армон шулдир, чоҳдан бирга чиқмадим.  
Чин-Мочин шаҳрида сизнинг элингиз,  
Бизлар кетиб қандай бўлди ҳолингиз,  
Сиздан сўраб турар Аҳмад ўғлингиз,  
Ҳар гап бўлса, бобо, раҳбар бўлингиз.  
Гўзалшоҳ қошига бизлар келиб,  
Қўкчаман айтишдик, бир пойга қилиб,  
Қўкчадай шоирин ул арзоҳ уриб,  
Енгилганинг ақли-ҳушин йитириб,  
Қоракўз бизларга кўп қувват бериб,  
Бизлар озод бўлдик Қўкчани енгиб.  
Тила мақсадингни, деб бул шоҳ айтди,  
Ақлимизни худо олиб, бобожон,  
Бизнинг қўнглимиизга манманлик кепти.  
Тушган бошимизга қанча савдом деб,  
Тила мақсадингни деган вақтида,  
Биз айтмапмиз келсин Қамбар бобом деб,  
Шаънингизга Юсуф, Аҳмад гуноҳкор,  
Ақлимизни олган яратган жаббор,  
Омон-эсон кўрдик, бобо не гап бор,  
Бегуноҳ Мисрда бўлдик гуноҳкор,  
АЗоб тортиб бир зинданга сазовор,  
Қани бобо, сизга айтар арзим бор.  
Ғайрат қилиб бир бедовни еларман,  
Гўзалшоҳнинг тандан бошин юларман,  
Миср шаҳрин зеру забар қиласман,  
Бобо, энди сиздан жавоб сўрарман,  
Гўзалшоҳдай подшо сени ўлдириб,  
Улуғ саркардасин барин йифдириб,  
Гажирларга ўт қўярман куидириб,  
Айёрликман бизни олиб келганди,  
Бола-чақасиман уни сўйдириб,  
Миср кўчасини қонга тўлдириб,  
Нечовларни айтганима кўндириб,  
Қизил юзин заъфарондай сўлдириб,  
Олиб кетай мен ҳам Урганч юртига,  
Гўзалнинг Гулнаҳор қизин миндириб.  
Дод деганда эшитмайин сўзини,  
Ёмонларнинг ўйя икки кўзини,  
Инъом қилиб неча сулув қизини.  
Шундай қип Мисрга талон солайин,  
Кўп лашкарга дарров хабар берайин,  
Ҳарнай тортиб ўнгу сўлни олайин,  
Бир маслаҳат, бобо, сиздан сўрайин.  
Қўплар оқди икки кўзим жоласи,

Олис эмас яқин Миср қалъаси,  
Қизил қон түкилар бунда чамаси,  
Шул бўлади Аҳмадбекнинг ҳаваси,  
Хоразм шаҳридан не учун келган,  
Кўп жафони душман бизларга солган,  
Гўзалшоҳдан ўғлинг кўнгли қабарган.  
Эшият, бобо, қулоқ соп айтган нолага,  
Банда кўнар ҳақдан келган чорага.  
Гўзалшоҳдан бизлар озод бўлган сўнг,  
Юсуфбек сизни сўраб тушди орага.  
Аттанг, бобом, қолди деди йиглади,  
Миннатдор бўп жуда сизни тилади,  
Бадбаҳт Гўзал ўр ёғини бермади,  
Тилаган сўзига қулоқ солмади,  
У баччалар бизни писанд қилмади.  
Одам тува<sup>1</sup> кучукдай ҳам кўрмади,  
Юсуфбекман анча ўрлашиб қолди,  
Кўлингдан не келса аяма, деди,  
Бетимизга Гўзалшоҳ айтиб солди,  
Юсуфбекнинг сўзи мунда поймолди.

Бу сўзни эшитиб:— Болам, ошиқкан қиз эрга ёлчимас, деган гап бор, кенгашли тўй тарқамас дегандай, маслаҳат билан бир гап бўлар, чопиб борган ерга киши аста ҳам борар,— деб Бобо Қамбар бир сўз айтиб турган экан Юсуфбекка қараб:

Оҳ чекиб ҳар дам кундуз,  
Сизлар кетиб, қолдим ёлғиз,  
Бу қисматлар азалдандир, фарзандим.  
Бир сабаби зиндан бўлиб,  
Сизларни зинданда кўриб,  
Ўғлим дедим йўлдош қилиб,  
Тақдирга киши тан бериб,  
Нодон одам енгил бўлиб,  
Бу қисматни ҳақдан кўриб,  
Қўйл кўтариб ҳақларингга,  
Бобонг тинмай дуо қилиб.  
Ҳижронда бўлдик адо деб,  
Бу жоним бўлсин фидо деб,  
Ўз ғамимни қилганим йўқ,  
Кўп йиғладим бир оллога,  
Озод қил, қодир худо, деб,  
Кўзимдан ёшимни тўкиб,

---

<sup>1</sup> Тугул.

Кетдинглар зиндондан чиқиб,  
Болам, дедим ихлос қилиб,  
Койимадим сизни сүкиб,  
Охир бир кун келар дедим,  
Қайтайин, яратган тангрим,  
Муродимни берар дедим,  
Емон душман ўлар дедим,  
Қасосини олар дедим,  
Зарб ўтказган нодон душман  
Қаттиқ кунда қолар дедим.  
Ободмиди юрган юртинг,  
Утиб кетди кўп меҳнатинг,  
Гаранг бўпти азиз бошинг,  
Етди фалакка нолишинг,  
Омон-эсон сен кўрдингми  
Элда қавми, қариндошинг.  
Юсуф, Аҳмад, икки болам,  
Омонмикан ота-энанг.  
Гуласалдай ёринг санам,  
Кўриб кирдикоринг, болам,  
Дуогўйинг, бўлиб мен ҳам,  
Болам, бундай файрат қилма,  
Қон тўкиб майдонда турма.  
Айтганингга кўнса Гўзал,  
Юсуф, Аҳмад озор берма.  
Сенинг айтганинг қилмаса,  
Сўзингга қулоқ солмаса,  
Уз билгани билан бўлса,  
Уруш излаб талаб қилса,  
Сира бир омон берманглар,  
Қирон солмайин қўйманглар.  
Жигар бағрини тузлатиб,  
Бўтадай қилиб бўзлатиб,  
Қизу жувон изиллатиб,  
Манманга ишни кўрсатиб.  
Қиличин бўйнига солса,  
Бўйинсиниб пешвоз чиқиб,  
Сира, болам, озор берма,  
Қурисин уруш, ҳавас қилма,  
Болам ҳеч кимни ўлдирма,  
Бундан зиёд гапим борми.

Бу сўзни Бобо Қамбар насиҳат қилиб айтди. Юсуфбек  
Бобо Қамбарга бир сўз айтиб турибди:

Гўзалподшо бизга бўлганди душман,

Қилган ишларига қылсын пушаймон,  
Одам келган мунда қозоқ, ўзбакдан  
Сарой, қирғиз қолмай келган узоқдан.  
Ҳар шаҳарга биздан хабар борганди,  
Афғон, араб жалойирлар келганди.  
Ҳаммаси қолмайин жам бўп юрганди,  
Такабеги Замон бош бўп турганди.  
Беш лак киши билан Исфиҳон юртдан,  
Бўзўғлонхон келиб турган бул замон,  
Ҳар қайси кўнглида бир юртга султон...  
Қайтиб кетсак, бобо, биз от устидан,  
Жон қутилмас, бобо, йўлбарс қастидан.  
Барча беклар бизни айб қилмаса,  
Юсуф, Аҳмад ўйин-кулги бўлмаса,  
Бу одамлар нима ишда келди деб,  
Бизга не сабабли хабар берди деб,  
Бир бобоман ақллашиб иккови  
Бетайин бизларга жавоб берди деб,  
Икковининг кўнглидаги бўлди деб,  
Бошқалар аҳмоқ бўп ҳалок бўлди деб.  
Не беклар бизга қулиб юрмасин,  
Икки нодон бунда нега келди деб.  
Хўп ўйлашиб мен беклардан сўрайин,  
Менинг кўнглим шулдир — урушда турмоқ,  
Бошин кесиб душманни дорга илмоқ,  
Бизга қасд қилганни мунда ўлдирмоқ,  
Маслаҳат қип бу мазгилда кўп турмоқ.

Бобо Қамбар бу сўзни Юсуфбекдан эшишиб:— Эндиғи гапни калта қиласайлик, биз Гўзалшоҳга бориб келдик деб хабар берайлик. Биздан бир хабар бўлгунча қўзғалмай туринглар,— деб отланиб Бобо Қамбар жўнаб кетди. Лашкардан чиқариб йўлга солди. Бобо Қамбар бобосини кўриб, бекларнинг вақти хуш бўлиб, адашганлар бир-бирига дуч бўлиб, бобосининг сўзидан кўнгли тўлиб ўтириб қолди, беклар маслаҳатда бўлди.

Бобо Қамбар Мисрга кириб борди. Гўзалшоҳ Бобо Қамбарни кўриб, отидан тушириб:— Қани, нима хабар олиб келдингиз. Юсуф, Аҳмаднинг кўнглида нима, билдингиз, эргаштириб келган лашкари қанча бор экан,— деб сўради. Бобо Қамбар анча бор экан, деб бир сўз айтиб турган экан:

Қулоқ солиб буни тингла, султоним,  
Саф ушатган марди майдон келиби,

Одам тўлиб баланд билан пастига,  
Уттиз лак бори афғон келибди.  
Уч ойчалик йўлга аскар тўлибди,  
Ҳаммалари уруш ҳавас қилибди.  
Дод деганда эшитмайди сўзингни,  
Ҳар боб билан ўяр икки кўзингни,  
Қайга борсанг, қувиб ушлар ўзингни,  
Чўриликка қабул қилмас қизингни,  
Қозоқ беги Бургут султон келибди.  
Одамзоднинг бошин боғдай чотади,  
Катталарни тўпга солиб отади,  
Ҳар шаҳардан ўлжа олиб кетади,  
Такабеги Замон бунда келибди.  
Устозлардан таълим олган,  
Гўрўғлини кўриб қолган.  
Ёши юз йигирмага кирган,  
Унга ҳар ким қойил қолган,  
Урушда ўлжали бўлган,  
Сафо ўғли Чаққон полвон келибди,  
Урушсак деб кеча-кундуз ўйлаган,  
Ҳаммаси ғазога отин бойлаган,  
Бариси устингга талаб айлаган,  
Юсуфбекка ёри беришиб келган,  
Атрофингни лашкар олган,  
Мисринг ўртада қолган,  
Тахмин қилди уч ойлик йўл  
Анжом-ла лашкарга тўлган.  
Ҳар ким кўрса ақли шошиб,  
Савашда пушман адашиб,  
Бари ғазо излаб келган,  
Неча дарбанд белдан ошиб.  
Гўзал, ишни бекор қилдинг,  
Юсуфни зиндонга солдинг,  
Ўз бошингга кўп балони  
Англамай сен сотиб олдинг.  
Қиличига қирмизи қон қотади,  
Бир қанчани мунда қўймай отади,  
Банди қип қанчангни ҳайдаб кетади,  
Тилинг кесиб қозоқларга сотади,  
Ғайратман келибди туркман беклари,  
Нодон киши йўқ ҳолидан хабари,  
Барининг каттаси Юсуф сардори,  
Ҳеч нима кўринмай Мисринг шаҳри,  
Бир-бирига ҳимоятли қайсари,  
Бўзўғлонхон Исфиҳоннинг сардори,

Сўрадим боракан беш лак лашкари,  
Сап анжомлар қайсар беклар келибди.  
Булар билан ким бўлади баробар,  
Сенинг ҳам шаҳрингда ақли расо бор,  
Яхши ўйлаб маслаҳатни қилинглар,  
Нима бўлса тўғри жавоб беринглар.  
Катта-кичик амалдоринг йиғилиб,  
Гўзалшоҳим, бир маслаҳат қилинглар.  
Юсуфбекка мен яхши бир гап айтдим,  
Сизларни ҳам унда кўп мақтаб ётдим,  
Лашкарин қай бирин айтай, Гўзалшоҳ,  
Билганимни сизга маълум қип ўтдим.  
Сен ҳам мана шаҳарингда тўрасан,  
Не иш қилсанг, энди ўзинг қиласан.

Бу сўэни Бобо Қамбардан Гўзалшоҳ эшитиб, ақли шошиб, такбиридан адашиб, бўғини қалтираб, кўзи ялтираб, уларни чақириб, урушни қўйиб, Мисрга бошлаб киргизиб, яхши хизмат қилиб, ҳар қайсисига зари зевар инъомлар бериб жўнатсан, деб бир сўз айтиб турган экан:

Гўзалшоҳга, Қамбар қилинг хизматни,  
· · · · ·  
Кетгаймикан бу кўнглимнинг зўлмати,  
Тавба қилсан, худо бандам дегайми?  
Аввалида баланд эди иқболим,  
Охирида забун бўлди аҳволим,  
Зулм билан оқарибди соқолим,  
Тавба қилсан, худо бандам дегайми?  
Гўзалшоҳман, менда қолмади роҳат,  
Бўйинсундим, энди беринг маслаҳат,  
Эшиздим, қолмади танимда тоқат...  
Тавба қилсан, худо бандам дегайми?..

Бу сўзларни айтиб Гўзалдай шойи,  
Миср шаҳри, обод бўлгандай жойи,  
Тавба қилиб, қолмагандай гунойи,  
Имон арза қилиб қанча сипойи.  
Бобо Қамбар ишидан кўнгли тинса,  
Имон арза қилиб шундай ўтиrsa,  
Билмаганин (ўз) йўлида билдириб,  
Бир нечани айтганига кўндириб,  
Қамбар бобонг Юсуфбекка юборди,  
Қанча одамиман бул элчи қилиб,  
Айтиб келинг, келсин Мисрга кириб,  
Миср элда пойитахтда ўтириб,

Күнглидагин чиқарай мен хизмат қилиб,  
Молу зарин берсин бул тақдим қилиб,  
Борингизлар, бирга бул отни миниб.

Сўз эшитиб Гўзалшоҳдан,  
Қандай гап деб бир хил нодон,  
Отлар жабдуғи тиллодан,  
Бош бўлган Бобо Қамбар  
Эргаштириди талай одам,  
Чиқиб Мисрдан жўнади.  
Хўп яхши иш бўлди дейшиб,  
Уруш бўлмай кўнди дейшиб,  
Юрт жойида қолди дейшиб,  
Кўнгилдаги бўлди дейшиб,  
Сўзни ихтиёр қилди дейшиб,  
Кўнглида йўқ ҳеч пушаймон,  
Бориб қолди кўп лашкарга,  
Чиқиб Мисрдан шул замон,  
Бек Юсуф қошига тушди.  
Қамбарнинг келганин кўрди,  
Ҳар чодирга хабар борди,  
Шул замонда беклар келди.  
Қанча одамман бирга юрган,  
Ҳаммаси ер юзида турган,  
Бобо Қамбарман ўтирган,  
Бош бўп келди Бўзўғлонхон,  
Сафо ўғли, кўринг, Чаққон,  
Тўрда ўтирган Бургут султон,  
Аслзодадир аввалдан.  
Асл Чингизхоннинг зоти,  
Келиб Такабеги Замон,  
Уруш йўқ бўлти бу замон,  
Иифилишиб бегу султон.

Не гап қилдингиз, бобожон,— деб сўраб турган экан.  
Шунда Бобо Қамбар Мисрда бирор-бировимизга душман-  
лик қолмади, сизларга элчи қилиб бизни юборди. Энди  
Миср шаҳрига бирга борасизлар, деб бир сўз айтиб тур-  
ган экан:

Хонларим, вақтинг хуш бўлиб,  
Бир-бирига дуч бўлиб,  
Сизлар келган хуруш қилиб,  
Миср элга юруш қилиб,  
Мисрда душман қолмади.  
Юринг, беклар, Миср кириб,

Гаплашайлик шоҳ қошида,  
Бу иш тангрининг иши-да,  
Гўзалшоҳман ваъда қилдим,  
Худони ўртага солдим,  
Сизлар учун ўзим келдим.  
Қулоқ солинг арзу додга,  
Юр борайлик Миср юртга,  
Омон бермаймиз безотга,  
Ихтиёри бизда қолди,  
Миср шоҳи интизорди(р).  
Элчи қип бизни юборди,  
Сизларга бердим хабарди...  
Юринг Мисрга кирайлик.  
Миср шоҳи ақлим олган,  
Бул сўзимда йўқдир ёлғон,  
Сизларни олиб кетмакка,  
Қайта Бобо Қамбар келгин,  
Юринг Мисрга кирайлик.  
Овозанг бор хон қошида,  
Сиз ҳам Исфиҳон подшоси,  
Туринг бу ишнинг бошида.  
Неча йиллар беклик қилган,  
Нечовни қочириб қолган,  
Сафо ўғли сиз ҳам Чаққон,  
Отланинг Миср шаҳрига.  
Беклар бундай парвоз қилиб,  
Бир-бириман дамсоз қилиб,  
Бундаги гапни оз қилиб,  
Ҳозир биз Мисрга кириб,  
Қолган сұхбат унда бўлиб,  
Бориб Гўзалшоҳни кўриб,  
Юринг Мисрнинг шаҳрига.  
Бул сўзни эшитиб беклар,  
Ҳаммаси қилиб ихтиёр,  
Бу далада турсин лашкар.

Бу сўзни эшитиб, Юсуф Аҳмад бош бўлиб, сап катта беклар бир-бирига хабар бериб, сонсиз лашкар Мисрга яқинлаб қолиб, шунда Миср ҳалқи пешвоз чиқиб, Миср қалъасига бошлаб киргизиб, пойтахт остига олиб бориб, буларни Гўзалшоҳ кўриб, бекларнинг олдига чиқиб, отларини ушлаб, тахт устига бошлаб, ҳаммаси ҳам кўнглидан гинани ташлаб, далада қолган лашкардан хабар олиб, семиз моллар сўйиб, ош-облар қилиб, бул пойтахтда дастурхон ёздириб, ҳар турли таомлар тайёр қилиб,

бекларнинг олдига қўйиб, Гўзалшоҳ қаторда норини, нор устида зарини, бисотида борини ҳаммасини чиқариб ўртага уйди. Нима қылсангизлар, ихтиёр сизларда бўлсин,— деб бошини эгиб турди... Ҳаммаси ҳам Гўзалшоҳни яхши кўриб, Миср шаҳрига омонлик бериб Юсуфбекдан рози бўлди. Қайтсаларингиз, хуш келибсизлар,— деб бир хил бекларга Юсуфбек жавоб берди, бир нечалар ўлжа олиб, ўрнидан туриб, ўз чодирига бориб, озроқ-озроқ лашкарбошиларга ҳам бериб, шунда ўйланиб туриб, Бобо Қамбар Юсуфбекка бир сўз айтиб турган экан:

Чин-Мочин шаҳридан мунда келибон,  
Ҳақ таоло мени қилган саргардон,  
Неча йил мазгилим қоронғи зиндан,  
Сўзима қулоқ сол, болам Юсуфжон,  
Ўйнаб-ўсган юртим ёдима келган.  
Банди эдим, йўқди менинг тоқатим,  
Эсимга тушибди бул мамлакатим,  
Учмоқقا йўқ, болам, менинг қанотим,  
Ўйнаб-ўсган эллар ёдима тушди.  
Бошимдан ўтганин бунда айтайнин,  
Энди жавоб берсанг, элга қайтайин.  
Болам, эшишт менинг айтган додимни,  
Ўлмай бориб кўрсам мамлакатимни,  
Ўйнаб-ўсиб катта бўлган юртимни.  
Бу ерларда қанча давлатим қолди,  
Парвоз қилган мазгил жойим на бўлди.  
Мен ҳам эдим карвонларнинг тўраси,  
Олис йўлдир Чин-Мочиннинг ораси,  
Энди жавоб беринг, элга кетайлик,  
Сўзим шудир Урганч элнинг тўраси.  
Ўлмасам мен Чин-Мочинга борарман,  
Эсима олиб мудом дуо қиларман.  
Неча ой, неча кун йўллар юрарман,  
Фано бўлган қариндошнинг кўзидан,  
Ўлмасам бир куни шаҳар киравман,  
Үнда қолган тенгу тўшни кўрарман.  
Аввал олло, дуюм наби бўлса ёр,  
Кетмакни айладим мен ҳам ихтиёр,  
Фарзандларим, сенга арзим шул бўлар,  
Дуогўйинг бўлиб бул бобо Қамбар.

Бу сўзни Бобо Қамбардан эшишиб Юсуфбек:

Сабр сақлаб тургин Бобо мазгилда,  
Неча кун туарсан ҳали ҳам мунда,  
Кетмак бўлсанг Чин-Мочинга, кўнглингда.

Бобо, сенга ҳам хизмат қилайин,  
Хафа бўлма мен кўнглингни сўрайин,  
Кетган молларингни ҳозир қилайин.  
Дуонг олиб ўзим йўлга солайн.  
Бугунгидан зиёд шавкатни қилиб,  
Кетган давлатинга сен эга бўлиб,  
Кетар бўлсанг, қанча ўлжалар олиб.  
Ҳазил дема Юсуфбекнинг сўзини,  
Олиб берай буларнинг бир қизини,  
Топширарман туяларинг ўзини.  
Асли сени ўз юртингдан келгандай,  
Бурунгидан зиёд бўлиб қолгандай.  
Кетарсан бу юртдан тுянгни тортиб,  
Тилла, жавҳарингни туянгга ортиб,  
Ўлмасанг, Чин-Мочин шаҳрингга етиб,  
Кетарсан бу ердан кўп юкинг битиб.  
Сен ҳам карвон кўзинг тўлиб тўмона,  
Бўлибди устингда бу йил замона,  
Бандам деса, раҳм айласин ягона,  
Ҳозир бўлмай турсак бунда бегона.  
Неча йил зинданда шошмайин ётдик,  
Гоҳ кунлари чидай олмай оҳ тортдик,  
Неча ой, неча йил шундай бўп ўтдик,  
Шукур қилгин энди, мақсадга етдик.  
Ёмон кунлар, ўтди неча армонлар,  
Озод бўлиб янги бўлди давронлар,  
Сабр сақла, бобо, арзим шул бўлар.  
Жоним, бобо, оғир-енгил бўлмагин,  
Уртанган ўтларга жонинг солмагин,  
Хаёлингда мени нодон билмагин,  
Ҳали тўхта ҳеч бесабр бўлмагин.  
Бу Мисрда неча йиллар турарсан,  
Ўлмасанг, шаҳрингга бир кун борарсан,  
Ўйнаб-ўсган мазгилингни кўрарсан.  
Ун йил бўлди шаҳри Мисрда турдинг,  
Кетаман деб, бобо, кўнглингни бўлдинг,  
Бек Юсуфдан нима ёмонлик кўрдинг?  
Ҳали бу хизматман ишинг битмайди,  
Бу вақти сўзлаган сўзинг ўтмайди.  
Хаёлимда бошқа сўзларим борди,  
Ўйлаганин мендай ўғлинг қиласарди,  
Кетар бўлсанг, ўзим қиласай хабарди,  
Сўнгра изласанг кирдикорди.

Бу сўзни Бобо Қамбарга Юсуфбек айтди. Бобо Қамбар ақли кўп, ўзи билар Юсуфбек, — деб кўнглига тасалли

бўлиб, сабр сақлаб турди. Ҳар ким ўз вақти хушлигига эди. Юсуф, Аҳмад, Бобо Қамбар учови зинданда бирга ётган вақтида Қоракўз қаторида Биби Ниёз деган урганчлик қиз ҳам кўп хизмат қилган эди, Юсуф, Аҳмадни қариндош тутиб юрган эди. Бу иккисини қариндош билса, Бобо Қамбарни ҳам шулар қаторида кўрганди. Душманларга билдиримай кийим олиб келиб ташласа ҳам, учовини бирдай қилганди. Юсуф, Аҳмадни яқин кўриб, Қамбар бобони олис деган йўқ эди. Миср ҳам кенг мамлакат илгарида Юсуф, Аҳмаднинг келгани қулоғига тегиб юрганди. Гўзалшоҳнинг тахтига чиққанини билиб, эшишиб, кўйлагига сиғмай кўтарилиб, Хоразмдан келиб қариндошимиз юртнинг эгаси бўлиб, душман бўлган кишиларни ўз йўлига солиб, чопқиллаб келиб Юсуф, Аҳмад, Бобо Қамбарга кўриниш бериб: ёмон кучларда қўлидан келганча Қоракўз, Биби Ниёз хизмат қилган, буларда катталик деган гап бўлмайди. Биби Ниёзга қўзи тушиб, қошига чақириб, Юсуф, Аҳмад, Бобо Қамбар ўрнидан туриб кўришиб, сўрашиб, бошқа танимаган беклар ҳам булар билан яқин бир туғишиган синглим экан,— деб омонмисиз-эсонмисиз қилиб, Юсуфбекка қараб, Биби Ниёз бир сўз айтиб турган экан:

Бориб келдинг, ака, Урганч элига,  
Ўйнаб ўсан мазгил жойлар омонми.  
Олтойи ёздандир, олтойи қишдан  
Ўн икки ойда келган йўллар омонми?  
Мусофир юртларда гангиган бошким,  
Фам тортсам, тўкилар кўзимдан ёшим,  
Урганчнинг юртида қавму қардошим,  
Ўйнаб-ўсан тенгу тўшлар омонми?  
Мусофирман Миср деган шаҳарда,  
Сени кўриб кўнглим хушдир баҳордай,  
Хива, Урганч деган жойларим борда,  
Катта-кичик меҳрибонлар омонми?  
Юрагингга солмай доғи-аламни,  
Бориб кўрсанг ота билан энангни,  
Биз сўрадик Гуласалдай санамни,  
Суйиб олган дилбар ёринг омонми?  
Ҳаққа етгай йиғласам менинг зорим,  
Кўп эллардан бордир, ака, хабаринг,  
Ой Қалдирғоч эмикдошинг, жигаринг,  
Сут эмишган меҳрибонинг омонми?  
Қаторга тиркилар лўқ билан норча,  
Ҳасратидан жафо чекар бир неча,  
Нодир султон қизи-ойим Хадича,

Аҳмад оғам ёри-дилбар омонми?  
Ақа, эшит менинг айтган тилимни,  
Ёмонларга мудом қилғин зулмни,  
Омон-эсон күриб келдинг элингни,  
Оқ сут берган меҳрибонинг омонми?  
Белингга бойлаган заррин пұтандынгни,  
Худойим кечиргай қилған хатонгни,  
Сен күрдинг бир йиғлаб қолған отанғни,  
Унда қолған меҳрибонлар омонми?  
Мусофир юртларда менман үдаға,  
Жасадингдан мендай синглинг садаға,  
Етти йил Мисрда зиндонда турдинг,  
Банди бўлиб менинг ҳолимни билдинг,  
Қариндошсан, яхши сўйлаб гапирдинг.  
Омон-эсон қайтадан сени кўрдим,  
Урганчнинг юртида юргандай бўлдим,  
Сиз кетган сўнг ёлғиз қолиб оҳ урдим,  
Қоракўзман неча алвон гапирдим,  
Ўлмаса келар, деб мен умид қилдим,  
Кеча-кундуз мен ҳам дуода бўлдим,  
То кўргунча акам дедим, меҳрибон,  
Кўзларим пириллаб соғиниб юрдим.  
Қимга айтай бунда — душман юртида,  
Ҳар замонда Қоракўзга гапирдим.  
Қоракўз ҳам тинмай хизматни қилган,  
Мендан сўраб йўлингга қараб юрган.

Бу сўзни Биби Ниёздан эшитиб, қариндошининг кўнглини кўтариб, энди бу мамлакатлар ҳам ўзингники бўлди, энди бориб келиб турасан, Урганч мамлакати бурун ўзи ҳам олис эди, кўнгли ҳам олис эди, энди ўзи ҳам, кўнгли ҳам яқин бўлди. Юсуфбек Биби Ниёздан кўнгли тўлиб, Биби Ниёз қизлар қаторига бориб турди. Ўтириб Бобо Қамбар кўнглида айтди: — Юсуфбекдан жавоб сўрадим, шу жавоб сўрашим бир аҳмоқлик бўлди, ҳаммага пул берриб, менга бермайди деган гапга келиб қолди. Мен буларни болам десам, ҳозир Гўзалшоҳ билан созлашиб ўтирибди. Бу созлашувлар бир ошнобозлиқдай гап, соз вақтида бир-бирига қарашиб, носоз вақтида айрилишиб, сўкишиб кетадигандай гап қилмайлик. Буларни бошқатдан бир яқин томир қилсақ, узса узилмайдиган, кесса кесилмайдиган бўлса. Юсуфбекка маслаҳат солай. Гўзалшоҳ билан Юсуфбекни қуда қиласай, суюқ-томир қилганим тузук,— деб Юсуфбек билан Гўзалшоҳга маслаҳат қилди.

Бу маслаҳати Аҳмадбекларга ҳам маъқул келди. Шунда Юсуфбек Бобо Қамбарга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Үтар дунё ўтарини ўйладим,  
Тор зинданда ширин жоним қийнадим,  
Гўзалшоҳга сизни совчи айладим,  
Эшит, бобо, Юсуфбекнинг сўзини,  
Куёв қилсин бек Аҳмаднинг ўзини,  
Аҳмадбекка берсин сулув қизини,  
Биздан еткар Гўзалшоҳга хабарни.  
Кўнглимда шундай гапларим бордир,  
Суяк-томир бўлиб кетмак даркордир.  
Миср элдан шоҳнинг қизин олайлик,  
Беклар бир иш қилди десин ҳалойик,  
Боришли, келишли бўлиб юрайлик,  
Ҳар замон Гўзалнинг ҳолин сўрайлик.  
Қулоқ солинг Юсуфбек нолишига  
Қойил қолгин бир худонинг ишига,  
Боринг, Бобо, Гўзалшоҳнинг қошига.  
Хафа бўлма, мудом ўйнаб кулдиргин,  
Душманларнинг юрак-бағрин тилдиргин,  
Шул сўзимни Гўзалшоҳга билдиргин.  
Мисрда Гўзалшоҳ жабр кўрмасин,  
Тағин биздан кўнгли оғриб юрмасин,  
Хаёлига бошқа гаплар келмасин,  
Боргин энди Гўзалшоҳнинг қошига,  
Бориб билдир рози бўлсин ишига,  
Қабул қилса ўзиладир ихтиёр.  
Мисрнинг шаҳрида даврон сургин деб,  
Ўз тахтингга ўзинг эга бўлгин деб,  
Гулнаҳорни бек Аҳмадга бергин деб,  
Илгаридан айтиб юрган гапи бор,  
Эсимга туширдинг хўп, Бобо Қамбар,  
Ҳаяллаб қолмасин, эрта борақўр,  
Бу сўзимга яхши хабар беравер.  
Қулоқ солгин сўзимнинг паёмига,  
Шоҳ гапирав ўрдада аъёнига,  
Ўйлашиб сўзингга жавоб беради,  
Орада одам юрса яхши бўлади.  
Менинг айтмоқлигим унга бидоҳат,  
Ўйлаб яхши топтинг буни фаросат,  
Гўзалшоҳга куёв бўлсин бек Аҳмад.

Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, ҳамма беклар боринг-боринг қилиб ўрнидан туриб, яхши фотиҳа олиб, Гўзалшоҳнинг қошига бориб, бир сўз айтиб турган экан:

Кулоқ соп эшиting, айтган нолага,  
Банда күнар ҳақдан келган чорага,  
Ёвчи бўлиб Қамбар тушди орага.  
Гўзалшоҳ эшиting айтган сўзимни,  
Заъфарондай сўлдирмагин юзингни,  
Аҳмадбекка берсанг санам қизингни,  
Сенинг қизинг Аҳмадбекка лозимди (р).  
Маслаҳатни қилди жами амалдор,  
Ора тушиб сўйлар бул Бобо Қамбар,  
Келиб бердим бул замон сизга хабар,  
Аҳмад бўпти қизингизга харидор,  
Қаттиқ айтмай, жавоб бермагинг даркор.  
Юсуфекман қуда-андада бўласан,  
Орқа-ўриш бўлиб бунда қоласан,  
Бир-бирингни мудом сўраб юрасан,  
Ҳолингни сўрайсан, хабар оласан,  
Бир иш бўлса, сен ёрлашиб турасан.  
Яхши тингла, менинг айтган тилимни,  
Аҳмад яхши кўриб қолган қизингни.  
Сен туарсан бунда Миср тахтингда,  
Гулнаҳор ҳам ўйнаб-кулар чофида,  
Охири Урганчга кетар вақтида,  
Малол келмай сен қизингни узатгйн,  
Канизларман маофалар тузатгин.  
Миср подшо дейди сенинг отингни,  
Кўнглингдан кўтар черу фамингни,  
Биз биламиз мунда сенинг баҳрингни,  
Сен аждаҳор, ким кўтарар заҳрингни,  
Кимсанинг бошига солдинг қаҳрингни,  
Бурунгидай сўраб Миср шаҳрингни.  
Майдон бўлса, катта тўплар отасан,  
Душманларни ерга яксон этасан.  
Қизинг тушиб кетса Урганч шаҳрига,  
Томир бўлиб кўп сўрашиб ётасан,  
Сенга ёқсин менинг бул айтган сўзим.  
Урганчга бормоқ-чун сўрасанг қизинг,  
Тўй-томоша қилса бул сарвинозинг,  
Ихтиёр қип қабул қилгайсан ўзинг.  
Қамбар бобо кўп сўзларни сўйлади,  
Шул ишларни ўз танига ўйлади,  
Келиб бу қошингда таъриф айлади,  
Ёвчиликка Қамбар белин бойлади.  
Обод қилиб туринг бул мазгил жойни,  
Ёвчиликка ёпарсиз яхши сарпойни.

Бу сўзни эшитиб, Гўзалшоҳ бурунгидан меҳри зиёд бўлиб, Юсуфбек билан Бобо Қамбардан кўнгли тўлиб:— Агар менда ихтиёр бўлса, юз қиз бўлса мен қабул қилдим. Бобо Қамбар, сиз бир назар толған жиши экансиз, илгаридан мен сизнинг ҳақингизга жабр қилдим. Мен сизни зинданга солдим, қанча молларингизни подшолик қилиб олдим. Энди Мисрда сизнинг шу ҳақларингизни, кетган давлатларингизни Юсуфбек билан маслаҳат қилиб берсам, сизни ҳам рози қилиб дуонгизни олсанм. Кишидан билмасликдан кўтоҳлик сўзлар ўтади, ҳар нима бўлса сизни рози қилиб, англашинмовчилик билан ўн йил қамаб жабр ўтказдим, сизнинг орқангиздан менинг ҳам муродим ҳосил бўлди. Ҳақдан тилаганимни кўкдан берди, хўп бўлади,— деб Қамбар бобога жавоб бериб, Гулнаҳор қизининг канизларини олдига чақириб олиб, бир сўз айтиб турган экан:

Менинг қизим билан бирга юрганлар,  
Ҳар кечада бирга ётиб турганлар,  
Мисрнинг шаҳрида даврон сурганлар,  
Бир сўзим бор, мен айтайн сизларга,  
Катта бошим кичик қилиб қизларга.  
Гулнаҳор бувишим Урганч кетади,  
Сизларга отаси сўзни айтади.  
Гулнаҳорнинг билмаганин билдиринг,  
Хол бўлсин деб оқ юзини тилдиринг,  
Мен айтсам, албатта, уялиб қолар,  
Менинг сўзим Гулнаҳорга билдиринг.  
Гулнаҳор дунёда даврон сурсин-да,  
Аҳмадбекни ул ҳам қабул қилсин-да.  
Душманнинг гапиман мен ҳам қамадим,  
Энди бўлди муродимман мақсадим.  
Шу гапимни Гулнаҳорга сиз элтинг,  
Даврон суриб Мисрдай мамлакатинг.  
Кийганинг устингга гулгун қирмизи,  
Баринг ҳам бир Гулнаҳорнинг канизи,  
Баркамол бўй етган Гулнаҳор ўзи.  
Қўплар бўлди ўтган ишнинг хатоси,  
Тайин қилиб Гулнаҳорнинг отаси.  
Қулоқ солинг мендай шоҳ нолишига,  
Рози бўлсин бир худонинг ишига,  
Боринг энди Гулнаҳорнинг қошига.  
Гулнаҳорга яхши либос кийдиринг,  
Бирга-бирга ўйин-кулги қилинглар,  
Шаҳри Миср паризоди бўлинглар.  
Бориб Гулнаҳорга айтиб туринглар.

Бу сўзни канизларга айтиб юбориб, туриб Юсуфбекнинг қошига келиб, бир-бирини иззат-икром қилиб, биллалашиб беклар билан ўтириб, Юсуфбекка қараб, Гўзалшоҳ бир сўз айтиб турган экан:

Сўзима қулоқ сонг Урганчнинг хони,  
Сизга қурбон мендай шоҳингнинг жони,  
Илгарида мен ҳам бўлдим бемаъни.  
Чин-Мочиндан келди бул Бобо Қамбар,  
Мен ўн йил зинданга қилдим сазовор,  
Бул бобонинг зару зевар ҳақи бор,  
Бул бобонинг ҳақи энди билинар,  
Зару зевар молин бермаклик даркор.  
Бунинг ҳақи қарз бўп кетса бўйнимা,  
Тонгла ҳақ қошида ўзим жавобгар.  
Зару зевар, ҳамма энди қўлингда,  
Рози қилгин Юсуфбекдай зўрабор.  
Бу сўзларни айтиб ўтдим ўзингга,  
Урганч хони ўзингдадир ихтиёр.  
Бобо Қамбар менинг қошима борди,  
Бир яхши сўзларни менга сўйлади,  
Қизим учун менга берди хабарни,  
Менинг ҳам кўнглимда шу хабар борди.  
Элу халқа туриб хабар қиласайин,  
Аҳмадбекка қизим тўйлаб берайин,  
Қабул қилдим беклар сенинг ўзингни,  
Гавҳардан ҳам қиммат билдим сўзингни.  
Элу халқа тўю томоша бериб,  
Аҳди никоҳ қилиб берай қизимни.  
Миср элда борди менинг давлатим,  
Сизлар билан бирга қурган суҳбатим,  
Шундай бўлди кўнгилда маслаҳатим,  
Миср юртда катта-кичик элатим.

Шунда Гўзалшоҳнинг бу сўзи ҳаммасига тузукдай бўлиб, карнай-сурнай қўйдириб, семиз моллардан сўйдириб, ошпазларни йифиб ўзоқ ўйдириб, неча кун Миср халқини айтиб, катта қозонлар қурдириб, қизу жувон — барча йиғилиб, шунда элу халқа тўй бериб ётган ери экан:

Олтин отиб, олтин қобоқ оттириб,  
Ҳар тарафга бедовларни чоптириб,  
Намойишга чодир чаман ёптириб,  
Овозаси мунинг оламга кетди.  
Сибизиқ, сурнайчи, ўйинчи жепти,  
Миср халқи қолмай одам тўлибди,

Ошпазлар ошини дамлаб қолибди,  
Тобоқ тортиб, халойиққа ош берибди.  
Гүзалшоҳ бекларман қуда бўлибди,  
Тўйга келган одам бунда билибди.  
Йифин бўлиб бунда ақли шошиди,  
Уст-устига одам келиб жамошиди,  
Подшолик-да, тўкма қилди бул ошди.  
Неча кунлар тўю томоша берди,  
Гўзалшоҳнинг ишин бул беклар кўрди,  
Гўзалшоҳдан барча рози бўлади,  
Ҳаммага тинмасдан берди хабарди.  
Номоганлар<sup>1</sup> қолмай бу тўйга борди,  
Ҳаммаси ҳам шоду инъон оларди.  
Аввал олло, дуюм наби бўлиб ёр,  
Миср элда қизиқ томошалар бор,  
Ўйин қилиб турди қизу жувонлар,  
Томошамон саркардаю амалдор.  
Кунни хира қилар парию ҳурлар,  
Ҳуру филмондайин ул нозанинлар,  
Бул мажлисда туриб ул нозанинлар.  
Ҳамма қойил Гўзалшоҳнинг ишига,  
Ҳеч озор бермайди бунча кишига,  
Элу халққа ошу нонни берибди,  
Гўзалшоҳни худо раҳмат қилибди,  
Худо берди дейшиб барча юрибди.  
Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,  
Хизматида бўлиб турди бир неча,  
Неча кунлар элу халққа ош бериб,  
Тўй-томуша охир бўлниб ўтади,  
Олисдан келганлар элга қайтади.  
Шаҳар ичра яқинлари ётади,  
Тўйхона анжомин йигиб кетади.  
Яна оқшом кунлар кеч бўп боради,  
Гулнаҳорни Аҳмадбекка беради,  
Гўзалшоҳга Аҳмад куёв бўлади.

Шунда яна неча кун туриб, Юсуфбек Бобо Қамбарни чақириб, бир сўз айтиб турган экан:

Бобо, кетар бўлсанг Чин-Мочин юртга,  
Мен берайин қатор-қатор норимни,  
Нор устида юклаб берай заримни,  
Олиб кет Мисрдан давлатларингни.  
Қанча одам сизга йўлдош қиласайин,  
Чин-Мочин шаҳрига йўлга солайин,

<sup>1</sup> Нома олганлар.

Ҳар на десанг, олгин, бобо, берайин,  
Отам дейин, мен ҳам йўлга солайнин.  
Неча белдан, неча қирдан ошириб,  
Жўнатайин бир оллога топшириб,  
Нодонларнинг ақлини шошириб,  
Улуғланиб остоңга бош уриб,  
Бир нечадан сирин айтмай яшириб.  
Қамбарга бу сўзни Юсуфбек айтди,  
Юсуфбекнинг сўзин қабул тутибди,  
Бурунгидан зиёд қилди — савдогар,  
Подшоликка нима камди, ёронлар,  
Тайёр бўлди қанча нору норчалар,  
Бобосига айтар неча сўзи бор,  
Неча одам қилиб анга хизматкор.  
Бобо Қамбар билан сўзлашиб турди,  
Зару зевар ҳаммасини чоқ қилди,  
Юсуфбек Қамбарга айтар бир сўзни.  
Миср элдан буни жўнатмак бўлиб,  
Олиб берди бундай бир катта қизни.  
Үйлантириб бунда Бобо Қамбарни,  
Миндирди остига бедов тулпорни,  
Туяларга юклаб зару зеварни,  
Бу Қамбарнинг шундай вақтин хушлади,  
Ҳамроҳ қилди бир қанча хизматкорни.

Шунда бул анжомини чоқлаб, Чин-Мочин шаҳрига кетарини билиб, аслаҳа-анжомини чоқ қилиб, Юсуф, Аҳмад бобосига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,  
Эсон бўлса нелар қўрар бош энди,  
Сен кетарсан Чин-Мочиндай элингга,  
Кўргунча омон бўл, бобо, хўш энди.  
Неча бандарголи беллардан ўтиб,  
Кетасан бул нору норчани ортиб,  
Иўл юрасан чўлларни тўзон тутиб,  
Борарсан бир куни Чин-Мочин етиб.  
Омон борсанг Чин-Мочиндай жой тутиб,  
Неча йиллар келиб зинданда ётиб,  
Қасди худо умринг шундайин ўтиб,  
Эшит, бобо, менинг айтган тилимни,  
Омонда бўл, бундан яхши бор энди.  
Мен билмайман сенинг юрар йўлингни,  
Омон юриб, омон кўрган элингни.  
Чин-Мочинда оп келдинг мушку анбар,  
Азоб билан ўтиб кетди кўп кунлар,

Бу чўлларда Хизр бўлсин жиловдор,  
Чилтон бўлсин бу чўлларда мададкор,  
Қувват берсин сенга яна арвоҳлар,  
Дуо қилиб қолган икки боланг бор,  
Қўлимдан келганча бўлсам мададкор,  
Марди калон, ота, арзим шул бўлар.  
Сен кетган сўнг мен ҳам мундан қайтарман,  
Ҳар кимсадан сени сўраб ётарман,  
Сенга, ота, яхши хизмат этарман.

Бу сўзни Юсуфбекдан эшитиб, Бобо Қамбар кўнглини хушлаб бурунги карвонларини бошлаб, бул Миср юртини орқа ташлаб, хизматкорларни йўлга солиб, жўнарини билиб, йўл яроғининг ғамини қилиб, Юсуф, Аҳмадга бурилиб, бир сўз айтиб турган экан:

Чин-Мочиндай шаҳрим излаб,  
Кўп жароҳат бағрим тузлаб,  
Юсуф, Аҳмад — шаҳзодалар, хўп энди.  
Боғон бўлсам қизил гулни терарман,  
Ҳар на қисмат ёзилганин кўрарман,  
Кўп сувсиз чўлларда йўллар юрарман,  
Улмасам мен мамлакатга борарман.  
Ҳар замон ҳат қилиб сизни сўрарман,  
Тинмайин ҳаққингга дуо қиларман.  
Неча йил зинданда ётдим,  
Озод бўлиб бундан қайтдим,  
Шукур ҳаққинг даргоҳига  
Кўрмагандай бўлиб кетдим.  
Ҳаққа етгай менинг нолам,  
Юрагимдан кетди алам,  
Олиб бердинг битта санам,  
Дуо қилай, икки болам.  
Неча вақтлар бўлдим дилтанг,  
Ул қоронғу зиндан ватан,  
Бугун бизга яхши даврон,  
Омонда бўл, бек Аҳмаджон.  
Карвон ишини битказдинг,  
Ёмон кунларни ўтказдинг.  
Гўзалшоҳ зинданга солди,  
Молу дунём тортиб олди,  
Энди мақсад ҳосил бўлди.  
Изладим Чин-Мочин элни,  
Асли ҳақдан фармон бўлди,  
Мен бориб кўрсам мазгилни.  
Чин-Мочин шаҳрига борсам,

Ким бор, ким йүгини билсам,  
Бу дунёга келгандай бўп,  
Чин-Мочин шаҳрима кирсам.  
Унда бордир тенгу тўшим,  
Қўпдир қавму қариндошим,  
Неча вақт гангиган бошим,  
Охир қабул бўлди ишим,  
Ҳамроҳ бўлиб гул бувишум.  
Мен сизлардан жудо бўлиб,  
Оқади кўзимдан ёшим.

Юсуф, Аҳмад жоним болам, алвидо,— деб йўлга кирди. Бир-биридан розилашиб Юсуф, Аҳмад бунда қолди. Бобо Қамбар Чин-Мочин қайдасан, деб йўлга равона бўлди.

Қоракўз ойим Юсуфбекнинг қошига келиб бир сўз айтиб турган экан:

Оҳ урганда кўзнинг ёши селмиди,  
Юсуфбек, умидим сендан шулмиди,  
Нечовларни кўриб кўнглим хушладинг,  
Бундай қилиб бизни кўздан ташладинг.  
Ёмон қунни сен чиқариб кўнглингдан,  
Билдим, хоним, бўлак ишлар бошладинг.  
Ярашиққа тилла ҳайкал таққаним,  
Ҳар замон куйдириб, қошим қоққаним,  
Бегижон, умидим сиздан шулмиди,  
Куйиб кетди тор зинданда боққаним.  
Тор зинданда ўлар дедим фифси қип,  
Кеча-кундуз мен ҳам энди сени деб,  
Сенинг учун қўйруғима кўсов еб,  
Бегижон, умидим сиздан шулмиди?  
Раҳминг келсин кўздан оқкан ёshima,  
Сен яқинлаб тургин менинг қошима,  
Сен меҳмон бўлмадинг қордай тўшима,  
Эр йигит ҳам айтган сўздан тоярми,  
Хотинларнинг қасабаси бошингга.  
Сен ҳам менинг хаста кўнглимни бўлдинг,  
Узиб умидимни сендан тенгилдим.  
Неча йиллар сенинг ишқингда юрдим,  
Элу ҳалқ ичидаги оша гап бўлдим,  
Бир оғир гапларни ўзима олдим.  
Ўртаган ўтларга жонимни солдим,  
Охирида ҳаққа йиғладим-қолдим,  
Ҳосил бўлмай сиздан менинг муродим,  
Бегижон, умидим сиздан шулмиди?

Бу сўзни Қоракўздан эшитиб, Юсуфбек табассум қилиб кулиб:

— Э, Қоракўз ойим, сен биздан қаттиқ ўпка қилдинг, ўзим ўлгунча сенинг яхшилигинг менинг эсимдан кетмайди. Сени мен ўзим қаторимда кўриб, ўзгалардан сени яқин билиб, бу Қоракўз ўз одамим, деб мен Мисрга нима учун келганман, мен сенинг хизматинг эсимга тушиб, беҳуда абгор-абгашта бўлиб, Қоракўз шунда қолмасин, деб келганман. Бунинг учун сен кўнглингни бўлма. Қоракўз, сен жами қизларнинг сардори, бизга бу тақдир қисматлар азалий, мен сени ўзим оларман, Хиванинг тахтида даврон сурарсан, бирга олиб ўз мамлакатима борарман, энди яқин қолди, кўнглингни бўлмай тур, — деб Қоракўзнинг кўнглини кўтариб, Қоракўзга меҳрибонлик қилиб, шул кечатиб, эрта-мертан тонг оттирди. Миср шаҳрини Гўзалшоҳнинг ўзига топшириб, Мисрдан қайтмоқ бўлди.

Қанча молу дунё бўлиб беради,  
Миср келган одам ўлжа олади,  
Гўзалшоҳ жойига подшо бўлади,  
Келгандан ҳеч ким қуруқ қолмади.  
Ёв-ярогин олиб шул замон лашкар,  
Тўпларни Миср элидан қайтарар,  
Юсуфбек бўлганди барига сардор.  
Ким билади бунда марднинг сўзини,  
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,  
Эси борлар билар гапнинг тузини,  
Юсуф олди Қоракўзнинг ўзини.  
Ҳамроҳ қилиб Ҳамза миршаб қизини,  
Узатмоқчи бўлди подшо қизини.  
Аравага соя парда тузатиб,  
Қоракўз, Гулнаҳор бунда жой тутиб,  
Юсуф ўғлон юриб хабарни берди,  
Энди лашкар Миср элдан қўзголди.  
Ҳар қайси ҳам кетади ўз юртига,  
Ери бериб Юсуфбек хизматига,  
Тўпларини қўшиб олиб отига,  
Қайтмоқ-чун ҳар қайси ўз мамлакатига.  
Эшигинг қулоқ соп, айтган нолага,  
Банда ҳўнар ҳақдан келган чорага,  
Мисрда бегона одам қолмади,  
Ҳаммаси ҳам чиқиб қолди далага.  
Қалъадан ташқари чиқиб бу беклар,  
Омонлашиб қолди ул замон шоҳлар.  
Санолар айтиб тилидан,  
Ўлжалар олиб элидан,

Күп лашкар бундан жүнади,  
Чиқиб Миср мазгилидан.  
Той қилиб дашту даласин,  
Күриб айрилиқ балосин,  
Қолдириб Миср қалъасин,  
Бош қилган Урганч тұрасин.  
Бош бўлганди Юсуф, Аҳмад  
Бир нечага ёғиб раҳмат,  
Қайтдилар бундан саломат...  
Биз бориб Мисрни олдик,  
Гўзалшоҳни йўлга солдик,  
Узимизга тобе қилиб,  
Улжали бўп бунда келдик.  
Келади Урганч тұраси,  
Етти ойлик йўл дейдилар,  
Юрса Мисрнинг ораси.  
Неча кун тинмай йўл тортди,  
Етти тоғдан турмай ўтди,  
Фушали тоғига етди.  
Энди Урганч яқин қопти,  
Фушалида лашкар қўнди.  
Бир кеча мунда жам бўлиб,  
Ҳамма одам дамин олиб,  
Бир оқшом ётди, тонг отди,  
Лашкар бундан жўнаб кетди.  
Гоҳ хафа бўлади, гоҳида кулар,  
Йўл-йўлакай кўриб борди:  
Бандиликда юрган йўллар,  
Ўз кўнглида фикр қилиб,  
«Ўтиб кетди ёмон кунлар.  
Қўнгилдан чиқармоқ даркор,  
Бирга бўлди бундай дилбар,  
Кўриб ўтдик не-не кунлар».  
Бир неча муддат йўл тортди,  
Тўкурли тоғига етди,  
Хива, Урганч кўринипти,  
Овозаси Урганч борди,  
Одам пешвоз чиқиб қолди.  
Одамлар бекларни кўриб,  
Кўришиб, сўрашиб туриб,  
Барининг вақти хуш бўлиб,  
Бордилар Урганчга кириб.  
Урганч тахтига шул замон,  
Аҳмад ўғлонни миндириб,  
Бўзўғлонхон дуо қилиб,

Гулхадича билан қўринг,  
Гулнаҳордай шоҳнинг қизи,  
Иккови ўртада туриб,  
Ҳар ким ўз жойига қўниб,  
Ўлжа олиб келганига  
Халққа тўй-томуша бериб.  
Хивада билди Гуласал,  
Қоракўзман бирга қайсар,  
Юсуф Қоракўзни олган,  
Гуласал оғриниб қолган,  
Хиванинг шаҳрига борган.  
Қоракўз ўрдага кирди,  
Асал қўнгли назо бўлди.  
«Тўрам яхши хизмат қилиб,  
Устимизга кундош олиб,  
Бизни тирик ўтга солиб,  
Илгарида банди бўлиб,  
Неча йил қолдим ўртаниб,  
Келди дедим хурсанд бўлиб,  
Бутун кўнглим яrim қилиб,  
Асал тақдирга тан бериб.  
Ҳам дўсту душман билмасин,  
Душман маломат қилмасин,  
Ҳар гап бўлса бўлибди-да,  
Энди хоним оғринмасин,  
Оп кепти шундай бибишни».  
Сир бермаган киши бўлиб,  
Қоракўз билан кўришди.  
Бир-бирининг ҳолин сўраб,  
Ияртиб ичкари қараб,  
Элтиб ўрдага киргизди,  
Гапирмайди ёмон сўзди,  
Қўрмакка келган кўп қизди(р),  
Ҳамроҳ қилиб кўп канизди,  
Вақтин хушлаб Қоракўзи,  
Асал сўйлаб ширин сўзди.

Шуйтиб Урганч, Хивага келиб, халққа тўй-томушалар бериб, ўз расмида кўпкарилар чоптириб, Аҳмадбек Урганчнинг қўрғонида, Юсуфбек Хиванинг қўрғонида — иккови икки ерда юртни сўраб, неча кун бунда турди, жиянларининг ишини кўриб, вақти хуш бўлиб, Бўзўғлонхон ҳам ўз юртига қайтиб кетди. Юсуф, Аҳмад бу дунёда келиб, қанча азоб-уқубат кўриб, шоҳнинг қизини олиб, Мисрни ўзига тобе қилиб, шуйтиб муроду мақсадига етди.

*На узбекском языке*

## УЗБЕКСКОЕ НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО ЮСУФ и АХМЕД

Редакторлар. *А. Кутбиддинов, А. Сайдов*

Рассом *А. Мамажонова*

Расмлар ред. *В. Немировский*

Техн. ред. *В. Барсукова*

Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 3562

Босмахона берилди 17.09.86. Босшишга руҳсат  
этилди 30.12.86. Формати 8x108/32. Босмахона қо-  
ғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма Шарт-  
ли босма л. 21.0+0.21 (вкл). Шартли кр—оттиск.  
22.26. Нашр л. 24.52+0.38 (вкл). Тиражи 30 000.  
Заказ № 1954. Баҳоси 2 с. 50 т. Шартнома 130—86.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт полиграфия ва китоб сав-  
доси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқарниш бирлашмасининг Бош корхона-  
си. Тошкент—700129. Навоий кӯчаси 30.